

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ҚОШИДАГИ «ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» ЖАМҒАРМАСИ**



**“Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари”
“Умид” жамғармаси битирувчиларининг
биринчи Халқаро конференцияси**

3-4 январь 2020 йил

**Первая международная конференция
выпускников Фонда «Умид»
«Обновляемому Узбекистану новое поколение кадров»**

3-4 январь 2020 год

**The First International Conference
of “Umid” Foundation Alumni
“New Generation of Personell for the Modernizing Uzbekistan”**

3-4 January 2020 y.

Тошкент - 2020

УЎК: 378.937
КБК:66.4

“Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари” мавзусида “Умид” жамғармаси битирувчиларининг биринчи Халқаро конференциясининг илмий-амалий мақолалар тўплами. – Тошкент: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» 544 бет.

Нашр учун масъул ижодий гуруҳ:

Қ.Қ. Қуранбоев, У.Ш. Бегимқулов, А.Ш. Бекмуродов

Такризчилар:

- Қ.Х. Абдураҳмонов* – *Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор*
- Қ.Р. Аллаев* – *Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор*
- Ш.И. Мустафақулов* – *Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Университет 3.0” халқаро ўқув, илмий-инновацион тадқиқотлар маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент*

Мазкур тўпланда “Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари” мавзусида ташкил этилган “Умид” жамғармаси битирувчиларининг биринчи Халқаро конференциясига бағишланган илмий-амалий мақолалар ўрин олган бўлиб, унда етакчи олимлар, халқаро экспертлар, республикамиз ва ундан ташқарида илмий тадқиқотлар олиб бораётган амалиётчи-мутахассислар, изланувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда учраётган муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланган мақола ва тезислари шуъбалар кесимида жамланган.

Хусусан, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, таълимни ислоҳ этиш бўйича олиб борилаётган туб ислохотлар самараси, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни янада ривожлантиришда инвестицияларнинг тутган ўрни, мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш борасида илғор технологияларни кенг жорий этишга қаратилган муаммолар ечимига қаратилган назарий, илмий-услубий ва амалий мақолаларга кенг ўрин берилган.

Илмий-амалий тўпланим мамлакатимиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, талаба ва ўқувчи ёшлар ҳамда юртимизда олиб борилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохот жараёнларига қизиқадиган кенг илм аҳиллари учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-5904-1-0

© «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган туб ўзгариш ва ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, аввало, бозор иқтисодиёти шароитида мустақкам билимга эга, Ўзбекистоннинг бугунги ташқи ва ички сиёсати йўналишларини тушунадиган, таҳлил эта оладиган ёш ва ташаббускор кадрларни тақозо этмоқда. Бу борада “Янгилаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари” собиқ “Умид” жамғармаси битирувчиларининг биринчи халқаро конференцияси ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш бўйича “Умид” жамғармаси **1997-2003 йилларда 828 нафар** мутахассисларга илғор билим ва кўникмаларга эга бўлишлари, жумладан 363 нафари (44%) бакалавриатда, 465 нафари (56%) магистратура дастурларида таҳсил олишди.

Юқоридаги дастурлар доирасида, улар дунёнинг нуфузли университетлари ва илмий марказларида, жумладан, АҚШда 343 нафар, Буюк Британияда 329 нафар, Германияда 84 нафар, Францияда 33 нафар, Япония 20 нафар, Канадада 11 нафар ва Италияда 8 нафар таҳсил олиб қайтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги ПФ-5545-сон Фармони билан “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилди. 2018 йилнинг ўзида жамғарманинг тўртта таълим дастури бўйича 381 нафар мутахассислар хорижий давлатларга таълим олиш ва малака оширишга юборилган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони 600 нафардан ортиди. 2020 йилда эса, жамғарманинг таълим дастурлари асосида 1000 нафарга етказиш режалаштирилмоқда. Буларнинг барчаси собиқ “Умид” жамғармаси ҳуқуқий вориси ҳисобланган “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари сонининг жадал ўсиб бораётганидан далолат беради.

“Эл-юрт умиди” жамғармасининг асосий мақсади нафақат ёшларни чет элда ўқитиш, балки уларга ўқув дастурлари яқунлаганларидан сўнг мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда стипендиатларнинг эгаллаган билимларини, илғор тажрибаларини, фаол ва яратувчан дунёқарашларини ўсиб келаётган ёш авлодлар ўртасида тарқатиш ва доимий мулоқотларни олиб боришдир.

Юртимизда ўтказилаётган мазкур Халқаро конференция хорижда ва мамлакатимизда истиқболли тармоқларда фаолият юритаётган собиқ “Умид” жамғармасининг битирувчилари ҳамда хорижда ўқиб илғор билим, қимматли илмий ва амалий тажрибага эга бўлган ватандошлар билан алоҳида мулоқот майдонини яратиш ҳамда бу орқали Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда уларнинг ҳам иштирокини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Конференция “Янгилаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари” мавзусида номланган бўлиб, ушбу ном асосида чоп этилган ва электрон кўринишда Интернетга жойлаштирилган мазкур илмий-амалий тўпламда кўплаб ёш олимлар, амалиётчи-мутахассислар, ОТМ илмий изланувчилари ҳамда чет-элда фаолият юритаётган ватандошлар томонидан тайёрланган илмий мақолалар жамланган.

Бугунги кундаги улкан ўзгаришлар, ислохотлар мантиғи барчадан янгича ишлашни, янгича фикрлашни, янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқишни талаб этмоқда. Жадал ўзгаришлар даврида малакали, жумладан хорижда таълим олиб қайтган кадрларнинг салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш давлатнинг иқтисодий ривожланишини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан нашр қилинган ушбу тўпламда мамлакатни демократик янгилаш, таълим, инвестиция муҳитини кучайтирувчи омиллар, мамлакатнинг инновацион ривожланиш, аграр стратегиясини белгиловчи мақола ва тезисларга алоҳида ўрғу берилган.

Тўплам қуйидаги секциялар бўйича юборилган илмий мақолалардан таркиб топган:

1-секция – Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш;

2-секция – Таълим-ижтимоий ривожланиш соҳасидаги асосий етакловчи омил;

3-секция – Инвестиция муҳитини кучайтириш-иқтисодий ислохотлар марказида;

4-секция – Мамлакатнинг инновацион ривожланиш стратегияси ва устуворликлари;

5-секция – Қишлоқ хўжалигига илғор технологияларни жорий этиш.

1-секцияда Ўзбекистонда ижро ҳоқияти тизимини модернизациялаш, давлат эҳтиёжлари учун илмий-текшириш, тажриба конструкторлик ва технология натижаларидан фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалари, маҳаллий давлат бошқарув органларида қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатларига бағишланган.

2-секцияда замонавий таълимда инновациялар, Ўзбекистон тасвирий санъатининг ривожланиш омиллари, таълим жараёнларини ташкил этишда инновацион ёндашувлар, янгиланаётган Ўзбекистонда олий таълим тизимида сифатли ва малакали кадрларни тайёрлаш масалалари кенг ёритилган.

3-секцияда минтақаларда инвестицион фаолиятни тартибга солишда хорижий мамлакатларнинг тажрибаси, Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини, хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиёти ривожига тутган ўрнига оид мақола ва тезислар жамланган.

4-секцияда миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инновацион ривожланиш таъминлаш, юк ва йўловчи ташиш жараёнларини амалга оширишда инновацион ёндашув, шунингдек, 5-секцияда Ўзбекистонда сув таъминоти сиёсатининг ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда илғор технологияларни жорий этиш масалаларига бағишланган мақолалар ўрин олган.

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар фаолияти ва илмий ютуқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бўлаётган ўзгаришларни хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан “Uzbridge” электрон журнали ташкил этилди. Мазкур электрон-журнал Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг 2019 йилги диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган. У қуйидаги 5 та йўналиш бўйича киритилган: тарих фанлари (07.00.00), иқтисодиёт фанлари (08.00.00), педагогика фанлари (13.00.00), социология фанлари (22.00.00) ва сиёсий фанлар (23.00.00).

Мазкур халқаро конференция тўпламида чоп этилган мақолалар юқорида келтирилган ихтисосликлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилган журналларда чоп этилган мақолаларга тенглаштирилади.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси жамоаси юқори аҳамият касб этган мазкур тадбирни ташкил этишда яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликларига ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдиради.

Шу билан бирга, конференцияни ОАВларида кенг ёритишда ёрдам берган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига, Darvo.uz интернет нашри, Repost.uz тезкор хабарлар сайтига ўзимизнинг ташаккуримизни билдирамыз.

Ташкилий гуруҳ

**I СЕКЦИЯ. МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ВА
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ**

МИНТАҚАДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм вилояти хизматлар соҳасининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, соҳанинг ривожланишига ижобий ва салбий таъсир қилаётган омиллар аниқланган ҳамда истиқболда самарадорликни оширишга доир хулоса берилган.

Калим сўзлар: минтақа, иқтисодий ўсиш, экстенсив, интензив, цикл, капитал.

Маълумки, минтақада хизматлар соҳаси омиллар таъсирида ривожланади. Хизмат кўрсатиш соҳасида эришилган ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, самарадорликни баҳолаш ва келгусида янада ривожлантириш йўллари топиш учун омилли таҳлилни ўтказиш лозим. Хусусан, хизматлар ишлаб чиқариш ва соҳадаги иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсир қилувчи омилларни бир-бирига боғлиқлигини ва ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Аввало, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш омилларини бир-биридан фарқлаш лозим. Ишлаб чиқариш омиллари бизга классик иқтисодий мактаб назариясидан маълум бўлиб, булар ер, капитал ва меҳнат ҳисобланади [1]. Сўнгги йилларда тўртинчи омил бўлиб, технология ёки тадбиркорлик қобилияти эътироф этилмоқда. Ушбу омиллар дастлаб фақат натурал буюмлар ишлаб чиқариш учун ўринли ҳисобланган бўлса-да, хизмат кўрсатиш учун ҳам ушбу омиллар зарурлиги илмий асосланди. Тўғри, транспорт ёки таржимонлик хизматларини кўрсатишда ер омили зарур бўлмаслиги мумкин лекин, шундай хизматлар борки, уларни кўрсатишда ер омили билвосита иштирок этади. Буларга, меҳмонхона хизматлари, соғлиқни сақлаш хизматлари, агротуризм хизматлари ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Шунинг учун ҳам умумий тарзда олиб қараганда, уч омил назарияси хизмат кўрсатиш учун ҳам ўринли ҳисобланади. Шунингдек, улар фақат ишлаб чиқариш эмас, балки иқтисодий ўсиш омиллари сифатида ҳам майдонга чиқишади.

Иқтисодий ўсиш омиллари турли адабиётларда турлича таснифланади. И.М.Теняков иқтисодий ўсиш омилларини таркибий тузилишига кўра тўрт турга ажратади [2]:

- ҳосил бўлиш соҳасига кўра: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, географик, экологик ва бошқалар;

- иқтисодий ўсиш турига таъсир қилишига кўра: экстенсив (бандлар сони, асосий капитал ҳажми, материал ресурслар ва бошқалар) ва интензив (ишлаб чиқариш самарадорлиги, инсон капитали ҳажми, технологиялар ва ҳоказо) омиллар;

- миллий иқтисодиётга нисбатан: ички ва ташқи;

- макроиқтисодий кўрсаткичларга кўра: талаб, таклиф, жамғарма, инвестициялар ва бошқалар.

Омиллар тўрт гуруҳга ажратилиб таснифлансада, уларнинг барчаси бир ҳил иқтисодий воқеа ва ҳодисаларни акс эттирадилар. Шунинг учун асосий иқтисодий ўсиш омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- хизмат кўрсатиш соҳасидаги асосий капитал ҳажми;

- хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони;

- хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириладиган инвестициялар ҳажми;

- аҳолининг даромади;

- аҳолининг хизматлар истеъмол қилишга бўлган мойиллиги;

- хизмат кўрсатиш корхоналари сони;

- хизмат кўрсатиш соҳасидаги яширин иқтисодиёт даражаси;

- минтақанинг экологик ҳолати;

- давлатнинг фискал ва монетар сиёсати.

Хоразм вилоятида 2018 йилда 2007 йилга нисбатан хизматлар соҳасидаги барча макроиктисодий кўрсаткичларда жумладан, хизматлар ҳажми, хизматлар соҳасидаги асосий капитал ҳажми, хизматлар соҳасида бандлар сони, хизматлар соҳасидаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ва хизмат кўрсатиш корхоналари (якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини ҳисобга олмаганда) сониди ўсиш кузатилган. Аммо, иқтисодиётнинг циклиги мавжуд бўлгани каби, ушбу макроиктисодий кўрсаткичлар 12 йил мобайнида барқарор тарзда ўсмаган [5]. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги макроиктисодий кўрсаткичлардаги бирданига содир бўлган катта ўзгаришлар айнан хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган даврларга тўғри келган [3]. Хусусан, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан, хизматлар соҳасидаги бандлар сони 40 минг кишига, соҳага йўналтирилган инвестициялар ҳажми 43 фоизга ва хизмат кўрсатиш корхоналари сони 272 тага ошган. Бундай тенденция 2016 йилда янги қарор [4] қабул қилинганидан кейин ҳам кузатилган. Жумладан, 2018 йилда 2015 йилга нисбатан хизматлар ҳажми 2 баробар, асосий капитал ҳажми деярли 3 баробар ва корхоналар сони 23 фоизга ошган.

Ажабланарлиси шуки, 2018 йилда аҳолининг ўртача иш ҳақи 2017 йилга қараганда 10 фоизга камайганига қарамасдан, хизматлар ҳажми 20,8 фоизга ошган. Бундан ҳам ижобий ҳам салбий фикр шаклланиши мумкин. Ижобийси шундаки, аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишининг ортганлиги натижасида қўшимча даромаднинг пайдо бўлиши ва иш ҳақига қарамликнинг йўқолиши ҳисобланади. Аммо, иш ҳақига боғлиқликнинг камайишига иқтисодиётда яширин иқтисодиётни улушини ошиши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Хоразм вилояти хизматлар соҳасига оид статистик маълумотларни математик таҳлил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, умумий хизматлар ҳажмининг ўсиши билан омиллар ўсиш даражалари мутаносиб эмас. Ҳисоб-китоблар ёрдамида қуйидаги натижалар олинди:

Хоразм вилоятида хизматлар соҳасидаги самарадорлик кўрсаткичлари

1-жадвал

Йиллар	Самарадорлик кўрсаткичлари							
	Капитал самарадорлиги (бирлик)	Капитал сиғими (бирлик)	Инвестиция самарадорлиги (бирлик)	Ишчи кучи самарадорлиги (млн. сўм)	Қўшилган капитал эвазига олинган қўшилган хизмат (бирлик)	Қўшилган ишчи кучи эвазига олинган қўшилган хизмат ҳажми (млн. сўм)	1 нафар корхонага тўғри келадиган хизмат ҳажми (млн. сўм)	Қўшилган корхоналар эвазига олинган қўшилган хизмат (млн. сўм)
2007	11,904	0,084	3,2701	1,588	-	-	91,3	-
2008	12,048	0,083	3,7758	2,032	12,47704	10,008	124,7	-
2009	10,638	0,094	4,5236	3,008	8,021639	-	159,5	721,9
2010	11,933	0,0838	4,0216	3,791	21,53068	78,083	190,6	666,9
2011	10,193	0,0981	34,817	4,022	6,396043	5,362	224,2	788,6
2012	11,160	0,0896	3,4182	4,594	15,69201	8,088	333,2	-
2013	10,559	0,0947	3,4360	6,279	9,24708	189,138	480,9	-

2014	11,198	0,0893	3,1463	7,637	15,17334	121,131	570,1	2894,9
2015	11,494	0,087	26,735	6,672	24,35134	1706,9	619,4	-
2016	10,354	0,0965	2,7157	8,009	3,266216	1491,1	606,2	41333,3
2017	9,9603	0,1003	3,7621	10,622	8,990539	141,835	765,3	2997,7
2018	9,3116	0,1073	4,4120	12,567	7,090739	105,278	860,8	2153,4

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Капитал самарадорлиги. Хизматлар соҳасидаги капитал самарадорлиги – бу 1 бирлик капитал сарфига тўғри келадиган хизмат ҳажмини ифодалайди. Хоразм вилоятида 2018 йилда 1 бирлик капитал 9,3116 бирлик хизмат яратган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 11,904 бирликни ташкил қилган. 12 йил мобайнида капитал самарадорлиги 22 фоизга камайган.

Капитал сизими. Хизматлар соҳасидаги капитал сизими деганда 1 бирлик хизматни яратиш учун сарф қилинган капитал ҳажми тушунилади. Хоразм вилоятида 2007 йилда 1 бирлик хизматни яратиш учун 0,084 бирлик капитал сарфланган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич 0,1073 ни ташкил этган, яъни 27,7 фоизга кўпайган. Бундан кўринадики, хизматларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажат ортган.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги капитал самарадорлигининг камайиши ва хизмат кўрсатиш харажатларининг ошиши соҳанинг рақобатбардошлик даражасининг ошганидан далолат беради. Бунга асосий сабаб қилиб эса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар сонининг ошиши, уларнинг технологик жиҳатдан модернизация қилинишини кўрсатиш мумкин. Натижада, соҳада фаолият бошлашни истовчи янги корхоналардан каттароқ капиталга эга бўлиш талаб қилинади.

Инвестиция самарадорлиги. Инвестиция самарадорлиги 1 бирлик йўналтирилган инвестицияга тўғри келадиган хизмат ҳажмини билдиради. Хоразм вилояти хизматлар соҳасидаги инвестиция самарадорлиги кўрсаткичида 2007-2018 йилларда унчалик катта ўзгариш бўлмаган. Мисол учун, 2007 йилда инвестиция самарадорлиги 3,2701 пунктни ташкил қилган ва 2018 йилда 35 фоизга ошиб, 4,4120 пунктни ташкил қилган. Бироқ, вилоятда хизматлар соҳасининг инвестицион жозибадорлиги ҳалиям юқори ҳисобланади.

Ишчи кучи самарадорлиги. Мазкур кўрсаткич 1 бирлик ишчига тўғри келадиган хизмат ҳажмини ифодалайди. Вилоятда 2007 йилда бир ишчи кучи 1,588 млн сўмлик хизмат яратган бўлса, 2018 йилда 12,567 млн. сўмлик хизмат ишлаб чиқарган ва 87,4 фоизга ошган. Ишчи кучи самарадорлигининг ошиши ўз навбатида, ишчи кучининг малакаси ошганидан далолат беради. Бу ҳам эса, давлатнинг ижтимоий соҳага кўрсатаётган катта эътибори натижасида ишчи кучини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш сиёсатининг самарали олиб борилаётганидан далолат беради.

Корхоналар самарадорлиги. Хизматлар соҳасида 1 нафар корхонага тўғри келадиган хизмат ҳажмини аниқлаш ҳам муҳим самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланади. 2007 йилда мазкур кўрсаткич 91,3 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 860,8 млн. сўмга етган. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлигининг ошишига бир қатор омилларни сабаб қилиш мумкин. Буларнинг асосий сабаби бўлиб, давлатнинг сўнгги йилларда тадбиркорликни қўллаб қувватлашга қаратилаётган сиёсати ҳисобланади.

Самарадорликни ҳисоблашда қўшилган омил самарадорлиги кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Хизматлар соҳасидаги қўшилган омил самарадорлиги кўрсаткичининг моҳияти шундан иборатки, қўшилган 1 бирлик омил ҳиссасига тўғри келувчи қўшилган хизмат миқдорини ифодалайди ва қўшилган хизмат миқдорини қўшилган омил миқдorigа нисбати орқали аниқланади.

Хоразм вилояти хизматлар соҳасида қўшилган омил эвазига олинган қўшилган хизмат ҳажми жуда номуносиб тақсимланган. Жумладан, қўшилган капитал эвазига олинган хизмат

ҳажми 2008 йилда 12,47704 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 7,090739 млн. сўмни ташкил қилган. Умумий равишда 43,1 фоизга камайган бўлсада, йиллар мобайнида катта тебранишлар кузатилган. Қўшилган ишчи кучи эвазига олинган хизмат ҳажми турли йилларда турлича даражаларда қайд этилган бўлиб, 2007 йилда 10,008 млн. сўм, 2013 йилда 189,138 млн. сўм ва 2018 йилда 105,278 млн. сўм бўлган. Қўшилган 1 та корхона эвазига тўғри келадиган қўшилган хизмат ҳажми 2009 йилда 721,9 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 2894,9 млн. сўмни ва 2018 йилда 2153,4 млн. сўмни ташкил қилган.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- хизмат кўрсатиш соҳасида 2007 йилда соф монополия ёки олигополистик рақобат мавжуд бўлган. Бирок, 2018 йилга келиб, капитал самарадорлигининг пасайиши ва хизматларни ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг ошиши соҳада озроқ даражада монополистик рақобат мавжудлигидан ва хизматлар бозори эркин рақобатга қараб интилаётганлигини кўрсатди;

- хизмат кўрсатиш соҳасида инвестиция самарадорлиги юқори бўлганлиги боис инвестицион муҳитнинг жозибадорлиги соҳага инвестицияларни жалб қилишни янада жаъдаллаштириш механизмларини яратишни тақозо қилади;

- хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишчи кучи самарадорлигининг ўсиши ўз навбатида таълим ва тиббиёт соҳаларидаги оқилона сиёсат юритилиши билан боғлиқ. Демак, бундан кейин ҳам ишчи кучини малакасини ошириш айниқса, инсон капиталини кўпайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

- хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар самарадорлигининг ошишига ўз навбатида, давлат томонидан корхоналарга берилаётган субсидиялар ва имтиёзли кредитлар ҳамда корхоналарнинг технологик жиҳатдан янгиланиши каби омиллар таъсирида эришилади;

- хизматларнинг реализация қилинишининг асосий омилларидан бири аҳоли даромадларининг йилдан йилга ошиб бориши ҳисобланади. Чунки, аҳолининг тасарруфидаги даромадининг кўпайиши пировардида хизматларга бўлган ялпи талабнинг ошишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жан Батист Сей, Фредерик Бастиа. “Трактат по политической экономии”. – Москва. Дело, 2000. Стр.13/232.

2. Теняков И.М. Современный экономический рост: источники, факторы, качество. – Монография. Москва. Проспект, 2016. Стр.52/174.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенининг 2012 йил 10 майдаги “2012–2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури” тўғрисидаги ПҚ-1754-сонли қарори. www.lex.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016 – 2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сон қарори. www.lex.uz

5. Хоразм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари. <http://xorazmstat.uz/>

Зиядуллаев Махмуджон Джурақулович

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Давлат статистика қўмитаси

ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ – ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ВА АЖРАЛМАС ҚИСМИ СИФАТИДА

Аннотация: Мақолада ижтимоий таъминот ҳуқуқининг кафолатланиши ва ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватланиши, пенсия тизими соҳасида амалга оширилаётган асосий ислохотлар мазмунини ва пенсия таъминоти ҳуқуқини

такомиллаштирилиши аҳолининг келажакда ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини кенгайтирилиши ва мустаҳкамланиши бўйича таклифлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *ижтимоий соҳа, Пенсия жамғармаси, пенсия таъминоти, энг кам ойлик иш ҳақи, ногирон шахслар, пенсионерлар, суғурта бадаллари, пенсия ҳуқуқи.*

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бу давлатнинг бевосита аниқ мақсадли, аҳолининг нормал яшаш шароитларини таъминловчи кафолатлар тизимидир.

Республикада амалга оширилиб келинаётган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мухитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлмоқда. Шунингдек, мазкур ислохотлар фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishi, халқ фаровонлиги ва бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратмоқда.

Бунда фуқароларимизнинг ижтимоий таъминот олишга оид бўлган конституциявий ҳуқуқларини янада кенгайтириш, унинг кафолатларини мустаҳкамлаш орқали берилаётган моддий ҳамда ижтимоий ёрдамларни миқдор ва сифат жиҳатдан яхшилаш, ажратилаётган молиявий ресурслардан ўринли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари бузилишига йўл қўймаслик, ҳаёт даражамиз ўсиши билан мутаносиб равишда пенсионерларнинг ҳам моддий турмуш шароитларини янада яхшиланиб борилишига эришиш мақсадлари назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш фаоллигини ошириш, жумладан “пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечирishларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш” бўйича аниқ вазифалар белгиланганлиги ушбу соҳа бугунги кунда энг муҳим йўналишлардан бири эканлигидан далолат беради. [1]

Мазкур фармонга кўра, беш йил муддатда ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган.

Ижтимоий ҳимоя – меҳнатга лаёқатлилигини ҳамда боқувчисини йўқотишни суғурталаш (пенсия таъминоти), кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар (болалар учун нафақалар), вақтинчалик ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш (ишсизлик нафақалари), моддий таъминланганлиги ва хизматларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг айрим тоифалари учун имтиёз ва қулайликлар (патронаж хизматлари кўрсатиш, маҳсулот, дори-дармонларни етказиб бериш ва бошқалар) бериш, оналикни ҳимоя қилиш (туғруқгача ва туғруқдан кейинги меҳнат таътиллари), саломатликни суғурталаш (вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари), таълим олаётган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш (стипендиялар), ногиронликнинг олдини олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш (ногиронларни реабилитация қилиш, протез-ортопедик марказлар) тизими орқали таъминланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири – пенсия таъминоти бўлиб, ижтимоий бадаллар ҳисобга олиниб тайинланадиган ва тўланадиган пенсиялар фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда етакчи ўрин тутаяди.

Давлат пенсия таъминоти, бу қонунда белгиланган ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган шахслар ёки боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асосий элементи бўлиб, яъни пенсионерларнинг турмуш

даражасини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий характерга эга бўлган қатор чора-тадбирлар комплексининг амалга оширилишини таъминлашни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Конституциянинг қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидаги: “Конституциямизда аҳолининг муҳим ижтимоий ҳуқуқи сифатида кафолатланган пенсия таъминоти келгуси йилларда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолади” [2] - деган нутқидан кўриниб турибдики, пенсия таъминотини янада такомиллаштириш давлатимизнинг устувор вазифаларидан биридир.

Барча – иқтисодий, демократик, сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг асл мақсади, инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат. Шу ўринда ҳуқуқий ислохотнинг ҳуқуқий тушунчалари бўйича етакчи олимларнинг фикрларига тўхталиб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Сўнгги йилларда ижтимоий ҳимоя соҳасида, айниқса пенсия таъминоти соҳасида бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Жумладан:

2019 йилдан бошлаб, пенсия тўловининг юқори чегараси энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилиши ва ишлаётган пенсионерларга пенсиянинг тўла миқдорда тўланиши фикримизнинг яққол далили ҳисобланади.[3]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сонли Қарори билан тасдиқланган “Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, 2019 йилдан меҳнат шартномаси асосида, чет элда ёлланган ҳолда ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет элда ишлаган даври учун ижтимоий бадаллар тўловини амалга оширса, бу даври унга пенсия тайинлашда ҳисобга олинади.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс пенсия билан таъминланиш миқдоридан келиб чиқиб, Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда, бироқ йилига Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг **тўрт ярим баробари миқдорда** тўлаши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг бу соҳадаги ваколатларини кенгайтириш ва фаол иштирокини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сонли қарорига асосан, 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлайётган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йилига энг кам ойлик иш ҳақининг **бир баробари миқдорда** ижтимоий бадал тўланган тақдирда, бадал тўланган йил меҳнат стажига киритилиши белгиланди.

Бундан кўриниб турибдики, давлат ўз фуқароларининг келажақдаги ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Дунёда кекса ёшдаги аҳоли сони (60 ёш ва ундан катталар) 1 млрд. кишига яқин бўлиб, бу ер юзидаги жами аҳолининг 13 фоизини ташкил этади. Халқаро ташкилотларнинг тадқиқотларига кўра, дунё аҳолиси йил сайин кексайиб бормоқда. БМТнинг маълумотларига кўра, 2050 йилда ер юзи аҳолисининг 22 фоизини пенсионерлар ташкил қилиб, дунё аҳолисининг ўртача яшаш давомийлиги эса 76 ёшга етиши прогноз қилинган. [4]

Дарҳақиқат, дунё аҳолисининг демографик ҳолати яъни туғилишнинг камайиб бориши, ўз ўрнида пенсионерларнинг бундай суръатларда ўсиб бориши, пенсия таъминоти тизимини ва қонунчилигини янада такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Тадқиқотлар натижасида республикамызда ҳам 2030 йилга бориб, пенсия ёшидаги аҳоли сони 5,4 млн. кишига (жами аҳоли сонидаги улуши 14,2 фоизни ташкил этади) етса, 2050 йилга эса 9,8 млн. кишига (жами аҳоли сонидаги улуши 22,0 фоизни ташкил этади) етиши башорат қилинмоқда.

Доимий аҳоли сони, йил охирига, минг киши

	2017 йил	2030 йил	2050 йил
Жами аҳоли сони:	32 656,7	38 164,9	44 761,7
шундан, пенсия ёшидагилар	3 181,7	5 401,2	9 847,4
жами аҳоли сонидаги улуши, %	9,7	14,2	22,0

Бу эса ўз навбатида, пенсия олувчилар сони йил сайин ўсиб боришини билдиради. Шунинг учун, келгусида пенсия олувчиларнинг пенсия ҳуқуқини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида пенсия тизимини такомиллаштириб бориш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳар бир фуқаро муносиб ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга эканлиги Конституциямыз билан мустаҳкамлаб қўйилганлигини инобатга олган ҳолда, фуқароларнинг ижтимоий таъминотини таъминлаш ва келажакда муносиб пенсия олишларини кафолатлаш мақсадида, пенсия билан таъминлаш ҳуқуқига эга бўлмаётган қоладиган норасмий секторда банд бўлган аҳоли (*Давлат статистика қўмитасининг маълумотида асосан иқтисодийнинг норасмий секторидан бандлар 2019 йилнинг январь-июнь ҳолатига 7,8 млн. фуқарони ташкил этмоқда*) [5] қатламини Пенсия жамғармасига ижтимоий бадалларни тўлашга жалб қилиш, келажакда фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини мустаҳкамлаш мақсадида фуқароларнинг кўчмас мулкларини ижарага беришдан олинган даромадларидан, шунингдек, уй меҳнати билан шуғулланувчи фуқароларга Пенсия жамғармасига **ихтиёрий равишда** бадаллар тўлаш механизмларини жорий қилиш самарали натижа беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz
2. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. www.xs.uz расмий сайти, “Халқ сўзи”, 2018 йил 8 декабрь. 253 (7211).
3. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. www.xs.uz расмий сайти, “Халқ сўзи”, 2018 йил 8 декабрь. 253 (7211).
4. Дунё аҳолиси кексаймоқда...ми? // <http://uza.uz/oz/world/dunye-a-olisi-keksaymo-da-mi--01-07-2018?bxa&id=8cc69a9265dd3eddb4fb0a1351d783c7>
5. Давлат статистика қўмитаси веб сайти // <http://www.stat.uz>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ПРОЦЕДУРАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

***Аннотация.** Мақола мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган гояга асосан олиб борилиши, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти, шунингдек, маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий процедуралар атамалари таҳлил қилинган.*

***Калим сўзлар:** маъмурий ислохотлар, маъмурий тартиб-таомиллар, маъмурий процедура, маъмурий органлар, маъмурий суд ишларини юритиши, маъмурий-ҳуқуқий фаолият, замонавий оммавий маъмурчилик, ҳуқуқий чегара.*

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар давомида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармонида асосан Маъмурий ислохотлар концепцияси тасдиқланди. Концепцияда Маъмурий ислохотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган гоя ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши лозимлиги белгиланди.[1] Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. “Йўл харитаси”га асосан ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортикча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш мақсадида 2018 йил 8 январда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунни кўп йиллардан бери қабул қилиш мунозарали масала бўлиб келди. Хорижий мутахассислар, хусусан Япония ва Германия мутахассисларининг кўмагида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасини қабул қилиш вазифаси ниҳоят Маъмурий ислохотлар концепциясининг самарали амалга оширилиши бўйича йўл харитасида назарда тутилган профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш йўналиши бўйича белгиланди. Қонун расмий эълон қилинган кундан бошлаб бир йилдан кейин кучга кирди.

Маъмурий тартиб-таомиллар атамаси юридик адабиётларда маъмурий процедуралар деб юритилиб келинган. Шунингдек, дастлабки ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ҳам “Маъмурий процедуралар тўғрисида”ги Қонун деб номланган. Айрим ҳуқуқшунос олимлар ўзбек тилида “процедура” тушунчасини “тартиб-таомил” деб қўллашни мунозарали масала деб ҳисоблаб, замонавий оммавий маъмурчилик (public administration) асосидаги бошқарувда маъмурий процедуралар қоидаларига шунчаки “тартиб-таомил” сифатида эмас, балки иштирок этиш, шаффофлик, яхши бошқарув қарорларига эришиш йўли, маъмурий қарорлар самарадорлигини ошириш тизими, давлат бошқарув органларининг халқ олдида ҳисобдор бўлиши, маълум бир қоидаларга бўйсуниб орқали ўз ваколатларини суистеъмол қилишдан сақланишни таъминлаш, маъмурий органлар томонидан маъмурий процедуралар легитимлиги орқали адресат ва бошқа манфаатдор шахслар билан биргаликда, ҳамкорликда аниқ иш юзасидан маъмурий тартиб-таомиллар воситасида маълум бир ечимга келиш, маъмурий тартиб-таомилларнинг барча иштирокчилари биргаликда ўзлари учун аниқ ҳолат бўйича позитив характердаги маъмурий тартибга солишни аниқлаб олишига қаратилган адолатли жараён сифатида қаралаётганлини таъкидлаб ўтадилар.[2]

Шу ўринда маъмурий процедура тушунчасига ҳуқуқшунос олимлар томонидан берилган таърифларга тўхталиб ўтамиз. Жумладан, Л.Б.Хваннинг фикрича, маъмурий процедуралар – бу маъмуриятчилик жараёнини амалга оширишнинг қонунчиликда белгиланган тартибидир. Маъмурий процедуралар ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг муҳим элементиدير. Айнан улар моддий маъмурий ҳуқуқ нормаларини амалиётда қандай ишлашини аниқлаш орқали маъмурий ҳуқуқни қўллаш жараёнини тартибга солади. Маъмурий процедуралар индивидуал характердаги ташқи бошқарувни ёки маъмуриятчиликни тартибга солади.[3]

Ҳуқуқшунос олим О.В.Морозованинг фикрича, маъмурий процедуралар – бу индивидуал ишларни кўриб чиқиб, ҳал қилиш натижасида индивидуал маъмурий акт қабул қилиниши назарда тутилган ҳамда хусусий шахсларнинг ижро ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳаракат процессида, шунингдек ижро ҳокимияти органларининг ўз вазифа ва функцияларини амалга ошириш доирасида хусусий шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишни таъминлашга қаратилган маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан ўрнатилган ижро ҳокимияти органлари фаолияти тартибидир.[4]

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос олим Ж.Неъматовнинг фикрича, маъмурий процедуралар – бу маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ёки жазолаш билан боғлиқ бўлмаган, қонун ҳужжатлари нормалари билан тартибга солинган маъмурий органларнинг уларга хизмат юзасидан бўйсундирилмаган хусусий шахслар билан қонун нормаларига мувофиқ келиб чиқадиган муносабатларида оммавий бошқаруви ваколатларини амалга ошириш орқали хусусий шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган позитив (регулятив) маъмурий-ҳуқуқий фаолият тартиби.[5]

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, “маъмурий тартиб-таомил” ўрнига “маъмурий процедура” сўз бирикмасини қўллаш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ва маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асосларига мос бўлар эди. Бу эса ўз навбатида ривожланган давлатлар сингари маъмурий процедуралар тўғрисидаги умумий қонуннинг маъмурий органлар ва манфаатдор шахслар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган барча муносабатларга нисбатан татбиқ этилишини ҳамда маъмурий процедураларнинг барча асосий қоидаларини қонунда қафолатланишини ҳам тақозо этади. Маъмурий процедуралар шунчаки процессуал қоидалар йиғиндиси эмас, балки мазмун-моҳиятига кўра давлат бошқаруви органларининг халқ олдида ҳисобдор бўлиши, маълум бир қоидаларга бўйсуниб орқали ўз ваколатларини суистеъмол қилишидан сақланишини таъминлаш билан алоҳида аҳамиятга эга.[6] Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда қонунчиликда “маъмурий тартиб-таомиллар” сўз бирикмасининг ўрнига “маъмурий процедура” атамаси ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Амалдаги қонунчиликда маъмурий тартиб-таомил тушунчасига маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар,[7]деб таъриф берилган ҳамда маъмурий орган ва маъмурий-ҳуқуқий фаолият тушунчаларига ҳам алоҳида-алоҳида таъриф бериб ўтилган. Фикримизча, таъриф умумий берилган, таърифни такомиллаштириш, шу билан бирга у тушунарли бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз. Шу ўринда қуйидаги таърифни таклиф қилмоқчимиз. Маъмурий тартиб-таомиллар – бу маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган муносабатларда оммавий бошқарув ваколатларини амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишни таъминлашга қаратилган (ташқи бошқарув) маъмуриятчилик тартибидир.

Маъмурий процедуралар соҳасида муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишининг аҳамиятлилиги бир тарафдан давлат ҳокимияти органлари ва иккинчи тарафдан уларга бўйсунмаган кўп сонли субъектлар, яъни фуқаро ва ташкилотлар орасидаги ўзаро муносабатларни ҳуқуқ билан тартибга солиш зарурияти билан изоҳланади. Мазкур муносабатлар ўзининг хусусиятига кўра қайд этиб ўтилган субъектларни жавобгарликка тортиш билан эмас, балки фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш

хамда аризачиларга нисбатан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ.

Хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш (Германия, Швейцария, Швеция, Финляндия, Австрия, Греция, Хитой, Япония, Эстония, Белоруссия, Чехия, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Латвия, Болгария) кўпчилик мамлакатларда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мавжудлигини кўрсатди. Мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солиш ҳар хил моделларга асосланишига қарамадан, ушбу мамлакатларда махсус қонун қабул қилинган.[8]

Маъмурий процедуралар ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши фуқаро ва ташкилотлар томонидан ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бевосита таъсирга эга. Маъмурий процедураларнинг турлари кўплиги ва уларнинг кенг тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда давлат органлари билан бўлган турлича муносабатларда кўрсатиб ўтилган барча субъектлар иштирок этади. Маъмурий процедуралар жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатга киришаётганда амалга ошириладиган давлат функцияларининг тартиби, умумий тамойиллари ва қоидаларини тартибга солади. Шу билан бирга маъмурий процедураларга жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларга қаратилган давлат органларининг қонунчиликда белгиланган ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатиш ваколатлари ҳам киради (рухсат берувчи ва бошқа ҳужжатларни бериш, уларнинг муддатларини узайтириш, қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаларни тақдим қилиш ва кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига тегишли бошқа қарорларни қабул қилиш).

Юқорида таъкидлаганимиздек, маъмурий процедуралар мамлакатимизда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонунда маъмурий органлар тушунчасига таъриф берилиб, унга кўра маъмурий органлар – маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар деб белгиланган. Лекин мазкур тушунча 2018 йил 25 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги кодексда бошқача талқин қилинган. Жумладан, Кодексда суд томонидан ҳал қилинадиган ишлар жумласига давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (маъмурий органлар), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги[9] ишлар киритилган. Бу ерда давлат бошқарув органлари, маъмурий органлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари, Кодексда маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриш тартиби деб, маъмурий орган ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам алоҳида-алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу ерда Кодекс нормалари Қонун нормаларига тўғри келмаяпти. Сабаби, қонунчилик ҳужжатларида маъмурий орган тушунчаси турлича талқин қилинган. Қонунда давлат бошқаруви органлари ҳам фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам маъмурий органлари жумласига кириши белгиланган. Фикримизча, Кодексда ҳам давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари деган жумланининг ўрнига маъмурий органлар атамаси киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу қонун нормаларини турлича талқин қилишнинг олдини олишга ҳамда қонун нормаларини бир хил ва тўғри қўллашга хизмат қилган бўлар эди.

Умуман олганда, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари қонуний манфаатларини таъминлаш, бюрократик тўсиқлар ва

сансалорликларга барҳам бериш учун зарур бўлган керакли ҳуқуқий асос яратилган. Маъмурий процедураларнинг давлат органлари томонидан амалга оширилишини тартибга солувчи ягона бир тизимлаштирилган қонун ҳужжатида белгиланган умумий тартиб барча маҳсус тартиблар учун керакли ҳуқуқий чегара яратишга қаратилган. Асосий масала мазкур Қонун нормаларини амалда қўлланилиши. Ҳуқуқий асос яратилиб, у амалда ишламаса, белгиланган мақсадга эришиб бўлмайди. Зеро, ушбу Қонуннинг амалда ижросини таъминлаш ўзбошимчалик, суистеъмоллик, коррупция ва давлат хизматидаги бошқа салбий кўринишларга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда.
2. Неъматов Ж.Н. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтининг такомиллаштирилиши (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил). Монография. – Тошкент, 2018. - Б.65.
3. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. – Ташкент, Консаудинформ-нашр 2012. - С.410-413.
4. Морозов О.В. Указ.сочю 2010. - С.39-40.
5. Неъматов Ж.Н. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтининг такомиллаштирилиши (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил). Монография. – Тошкент, 2018. - Б.66.
6. Неъматов Ж.Н. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтининг такомиллаштирилиши (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил). Монография. – Тошкент, 2018. - Б.67.
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон
8. <http://samarqand.adliya.uz>
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон.
10. Неъматов Ж.Н. Германия маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунида маъмурий актнинг умумий тавсифи. // Юридик фанлар Ахборотномаси. 2018. № 3. - Б.75-79.

*Хужаев Шохжаҳон Акмалжон угли
преподаватель, PhD*

Ташкентский государственный юридический университет

ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ ИНСТИТУТА ПРОБАЦИИ В УГОЛОВНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В данной статье автор проанализировал перспективы внедрения института пробации в уголовное законодательство Республики Узбекистан, а также обосновал необходимость принятия Закона Республики Узбекистан «О пробационном надзоре». Автор отмечает, что пробация является альтернативной мерой к наказанию, обеспечивает достижение целей уголовной ответственности

Ключевые слова: уголовное законодательство, пробация, мера, наказание, ответственность, альтернатива, Концепция, уголовно-правовое воздействие.

На сегодняшний день вопросы эффективной реализации задач наказания является важнейшей задачей уголовного законодательства. В особенности, вызывает определенную сложность достижение целей наказаний, не связанных с лишением свободы. В этой связи особое значение приобретают вопросы замены наказания иными мерами уголовно-правового воздействия. К таким мерам можно отнести и пробацию. В Концепции совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан в качестве важнейшего приоритетного направления указано совершенствование системы уголовной ответственности и наказания, в числе задач которого предусмотрено внедрение видов наказаний и иных мер правового воздействия, ориентированных на воспитание лиц, признанных виновными в совершении преступления, а также предупреждение новых

преступлений [1]. Внедрение института пробации как раз соответствует эффективной реализации рассматриваемой задачи Концепции.

Следует отметить, что институт пробации имеет ряд положительных аспектов, свидетельствующих о необходимости его внедрения в уголовное законодательство Республики Узбекистан.

1. Соответствует принципу экономии мер «уголовно-правовой репрессии».

В уголовной политике США, ФРГ, Франции, Японии, Латвии, РФ, Киргизстана, Казахстана, как и в ряде других современных государств, обозначена идея расширения сферы применения наказаний без изоляции осужденных от общества [5; 90-с]. В связи с этим правозащитными организациями уделяется большое внимание изучению перспектив использования лучших достижений международной практики в области альтернатив лишению свободы. Альтернатива к лишению свободы является важной составляющей принципа экономии мер «уголовно-правовой репрессии». Среди них особое место занимает пробация. Еще в 1951 году Экономический и социальный совет ООН высказался в поддержку максимально возможного распространения пробации на правовой карте мира в странах с различным уровнем социально-экономического развития и культуры пенитенциарной практики. Минимальные Стандартные Правила ООН в отношении мер, не связанных с тюремным заключением (Токийские Правила), дают высокую оценку названной форме социально-правового контроля в отношении осужденных. Сущность пробации заключается в испытании определенных категорий преступников специальными юридическими обязанностями, соединенным с оказанием им различной помощи реабилитационного характера. Ее цель заключается в эффективном исправлении осужденных и сведении к минимуму, насколько это возможно, криминального рецидива с их стороны. Важной составной частью данной помощи выступает исследование личности испытуемых, позволяющее получить более или менее достоверную картину нравственных ценностей конкретных осужденных, определить перспективы воспитательной работы с ними.

Основная задача службы пробации – сделать общество более безопасным, применив для этого альтернативные лишению свободы методы. Такая постановка задачи основана на предпосылке, что совершившее преступление лицо может быть оставлено на свободе, если, в дополнение к надзору за ним, будет выполняться и работа по изменению его криминогенного поведения. Таким образом, работа службы пробации состоит из двух частей – надзора и способствованию социальной адаптации. Эти методы помогают уменьшить повторную преступность, повышая, таким образом, безопасность общества.

2. Эффективно применяется в практике зарубежных стран.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, демократик жамиятда қонунларнинг демократик руҳда ёзилгани эмас, балки уларнинг қанчалик даражада демократик ва халқчил даражада амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада сўнгги йилларда ОАВ тизимида намоён бўлаётган демократик руҳ, яъни эркин, танқидий мақолалар, кўрсатувлар яратилаётганлиги ҳамда аҳолига тақдим этилаётганлиги алоҳида ўрин тутди. Бунда, айниқса, мамлакат раҳбариятининг демократик янгилашлар сари қатъий сиёсий иродаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида, жумладан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам “жамият кўзгуси”га айланиши керак. Давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кучайтириш мақсадида биз фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини амалда тўлиқ таъминлашимиз зарур. Бунинг учун эса биринчи галда оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштириш керак ва биз бу борада фаол иш олиб бормоқдамиз... Яна бир марта такрорлайман, Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди” [6]. Республика раҳбарининг ушбу фикрлари биз юқорида таъкидлаб ўтган мулоҳазаларнинг исботидир.

Шунингдек, сўнгги вақтларда Ўзбекистонда интернет-нашрлар, ижтимоий тармоқлардаги блогерлик фаолияти аҳамиятининг кучайиши оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш, уларни замон талабларига мослаштиришни талаб этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мавзу бўйича қуйидаги хулосаларни келтириб чиқариш мумкин:

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ОАВ фаолиятини ривожлантириш бўйича қонуний асос шакллантирилди;

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида ОАВ ўрни ва аҳамияти мамлакат раҳбарияти томонидан теран англанди;

2017 йилда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситаларининг жамият демократлашувида фаол иштироки таъминланишида бош назарий-ҳуқуқий дастуруламал бўлди;

Сўнгги йилларда Интернет-нашрлар ва блоггинг соҳасининг аҳамияти кучайиши билан ҳамда глобаллашув даври талабларидан келиб чиққан ОАВга бўлган янгича талаб ва муносабатлар фонида оммавий ахборот воситалари бўйича қонунчилик базасини янада такомиллаштириш эҳтиёжи кучаймоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. 249-бет.

2. У.Муҳаммадиев, Қ.Жўраев, А.Жалилов ва бошқ. “Фуқаролик жамияти асослари” ўқув қўлланма. “Bactria press”, 2015. 184-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Ўзбекистон”, 2019. 22-бет.

4. К.Баҳриев Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари. “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат” нашриёти, 2001. 10-бет.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6 (766)-сон, 70-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <http://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>

Қандаҳаров Қаҳрамон Ҳасанович
катта ўқитувчи
Навоий давлат педагогика институти

ТАЛАБАЛАРДА ФУҚАРОЛИК ВА УМУММАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭЛЕКТРОН МУҲИТИДАН ФЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада талабаларда фуқаролик ва умуммаданий компетенцияларни ривожлантиришда электрон муҳитидан фойдаланиш механизмлари ишлаб чиқиш жараёни ёритилган.*

***Калит сўзлар:** фуқаролик, умуммаданий, компетенция, электрон муҳит, Европа олий таълим макони, CIVIC халқаро баҳолаш дастури.*

Жаҳон ва миллий таълим тизимида амалга оширилаётган илмий изланишларда кадрларнинг юксак касбий салоҳияти билан бирга фуқаролик ва умуммаданий компетенцияларига алоҳида эътибор қаратилиб, бунда асосий урғу мутахассисларнинг ўз касбига бўлган лаёқатлилик компетентлигини ошириш, ижтимоий фаоллигини интеллектуал ахборот тизимлари орқали кенгайтириш (e-learning концепцияси), CIVIC халқаро баҳолаш дастури (фуқаролик, сиёсий саводхонлик, ватанпарварлик, менежерлик даражасини ўстириш) асосида кадрларнинг умуммаданий компетенциялар кўламини прогностлаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Дунё ҳамжамияти ва давлатлар ўртасидаги турли маданий, таълимий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг интеграциялашуви таълимнинг ҳамма босқичларида, шу жумладан, олий таълим тизимида ҳам таълим натижаларини сифатли бошқариш, самарадорлигини ошириш, ахборот-коммуникация хизматларидан фойдаланиш усулларини такомиллаштириш механизмларини жорий этиш орқали сифатли таълим олиш имкониятини яратишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Бутун дунё таълим муассасаларида “шахс”, “давлат” ва “жамият” талабларига жавоб берувчи таълим сифати тизимини яратиш асосий омил қилиб белгиланмоқда.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”¹нинг 4.4. –“Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” йўналишида: узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ ўқитиш ва таълим олишнинг замонавий усулларини тадбиқ этган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида ўрин ажратилган бўлиб,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.-Тошкент, 2017 йил 7 февраль

унда давлат томонидан ёшлар билан ишлаш сиёсатини такомиллаштириш, интеллектуал ривожланган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, таълим муассасаларида таълим сифати ва уни баҳолаш мезонларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, замонавий педагогик назариялар, илғор тажрибалар, ахборот-коммуникацион воситалар асосида ўз фаолиятини ташкил қила оладиган, янги дунёқарашдаги шахсни шакллантириш, таълим тизимини ислох қилиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Шу маънода олий таълим тизимининг сифат даражасини ошириш таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш билан бир қаторда, таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш тизимини ахборот контекстида ҳам такомиллаштиришни тақозо этади. Чунки, ҳозирги кунда таълим муассасаларида яратилаётган замонавий шароит ва имкониятлардан самарали фойдалана оладиган, ахборот-коммуникация хизматларидан хабардор, ўз ишига нисбатан талабчан, таълим муассасаси, оила ва маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўя оладиган, чуқур билимли ҳамда ўзини-ўзи ривожлантирувчи бўлажак мутахассисларнинг фаолият кўрсатишини талаб қилмоқда.

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўналишида вужудга келаётган замонавий талаблар сифатида: педагогик жараёнлар иштирокчиларида ўзаро муносабатларни, “субъект-объект” ва “субъект-субъект” муносабатларини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш; касбий компетентлигини ривожлантириш; таълим сифати бошқаруви тизимини шакллантириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш масалаларини келтириш мумкин. Бу ўринда педагогика олийгоҳларида ахборот хизмати тизимини моделлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади ва жамиятнинг баркамол шахсни етиштиришдек мақсадига мос келади.

Мазкур инновацион йўналишда талабаларда фуқаролик ва умуммаданий компетенцияларни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, юксак салоҳиятли, мослашувчан ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш вазифаларини қўймоқда. Бундай ижтимоий ҳодиса алоҳида долзарблик касб этиб, ушбу тадқиқотлар таркибида бўлажак педагог кадрларнинг дидактик, прогностик, шахсий, махсус, умуммаданий ва касбий компетенцияларининг назарий-методологик асосларини ўрганиш, замонавий талаблар асосида уларни такомиллаштириш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигининг уйғунлигини илмий жиҳатдан асословчи таклифларни ишлаб чиқиш, малака ошириш таълими сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг 70 йиллик юбилей сессиясида қабул қилинган «Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDGs)» ҳамда «Европа олий таълим макони» (EHEA) концепциялари мазмунида «кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда компетенцияларга асосланган таълим (competence-based learning) моделини жорий этиш, таълимни инсонпарварлаштириш асосида касбий малакаларни узлуксиз ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш» стратегик йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Бу эса касбий компетенциялар баробарида раҳбар ва педагог кадрларнинг умуммаданий компетенцияларини ривожлантиришнинг хорижий илғор тизимларини бошқарув ва таълим жараёнига интеграциялашувини таъминлайди.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимининг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлари билан интеграциялашувини таъминлаш жараёнларида кадрлар умуммаданий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. Тошкент. 6-б.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.- Тошкент, 2017 йил 7 февраль

Мирзахмедов Жахонгир Абдирашидович

преподаватель

Наманганского государственного университета,

Ибрагимова Маъмура Мухиддиновна

PhD соискатель

Наманганского инженерно-строительного института

СЕМЕЙНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО КАК ФАКТОР СОЦИАЛЬНОГО ПРОГРЕССА

Аннотация. *В условиях рыночной экономики особой актуальности приобретает семейная предпринимательства. Семейный бизнес по своей сущности является не только экономический, но и духовный фактор общественной жизни региона. Частный бизнес в семье по своей сущности источник нравственного становления гражданской позиции семейной жизни.*

Ключевые слова. *семья и семейная предпринимательства, семейный бизнес. малый бизнес как фактор воспитания личности.*

В Узбекистане актуальность исследований социально-экономического управления приобретает концептуальное общественное значение как новый курс предпринимательства, обусловленной Стратегия действий развития. Главным приоритетом данного курса является отказ от монополизма хлопководства в сельском хозяйстве и верховенство либерализма в экономической жизни с разнообразиями форм собственности. Новый динамичный курс развития предполагает производства товаров, прежде всего на экспорт, в котором частное предпринимательство занимает решающее место. Вот почему Президент Республики Узбекистана Ш. М. Мирзиёев, отметил, что «...Малый бизнес и частное предпринимательство должны стать прочной опорой нашего общества, его благосостояния, сегодняшнего и будущего развития нашей страны»[2]

Стратегия действий, предусматривающей экономической развития Республики Узбекистан предполагает углубления демократических реформ во всех сферах общественной жизни. В условиях глобализации современной экономики возникает проблемы социально-экономического характера для занятия достойного место в мировом товарообороте. Правительством Узбекистана принята ряд нормативных актов по предотвращению экономической угрозы для стабильного производство материальных благ для народа [2]. Одной из принятых решений Президентом Узбекистана Ш.М.Мирзиёевым был Постановление о реализации программы «Каждая семья – предприниматель», направленной на обеспечение коренного улучшения материальных условий, значительных позитивных изменений в стране. [3] Программой предусмотрены оказание всемерной поддержки предпринимательских инициатив населения, желающего заниматься предпринимательством, воспитание подрастающего поколения в духе рыночной экономики, подготовки к семейной жизни.

Не вдаваясь на детализации реализации данной программы, мы наметили основные параметры семейного образования, что под словом «семейного предпринимательства» подразумевается малый и частный бизнес в семье, участие всех членов в материальной производстве, совместный труд ради общего благо, профессионализации населения национальной производстве. В действительности семья в регионе Центральной Азии испокон веков считалась субъектом предпринимательство, занимающейся своеобразной домашней хозяйством, в котором отец глава всей производственной жизни.

На протяжении многих веков семья формировалась как субъект, занимающейся малым бизнесом на родственных связях, что положительно оценивает инициатив детей, предприимчивость, технические умения, формированием готовности к самостоятельной семейной жизни Родители, одобряли трудолюбие детей, т.е. оказали содействие социализации и профессионализации детей. Таким образом, в узбекской семье трудовое воспитание рассматривались как необходимое условие ценностной ориентации личности. Труд не только материальное обеспечение семьи, но и важный фактор нравственного становления молодежи.

Семейное предпринимательство, как нам представляется, предопределяет новое место в системе социальной структуре общества и служит источником социально-экономического прогресса. Вот почему семья приобретает одной из важных механизмов общественного производства рыночной экономики [4]. Следует также отметить, что в семье придается не только демографическое значение, но и социально-экономическое, которое служит облагораживания общественных отношений как семейного образования для подрастающего поколения. Кроме того, семья легко приспосабливается на потребности рынка. Семья в условиях рыночных отношений, занимаясь предпринимательством, создает новую систему социализации и профессионализации подрастающего поколения. Трудовое воспитание приобретает критерии становление и развития гражданственности молодого поколения. Труд становится нормой жизнедеятельности молодежи. Таким образом, труд и предпринимательство для молодежи важнейший источник материальных и духовных ценностей выступает главным эталоном социального престижа и рейтинга личности, так как семейное предпринимательство позволяет реализации молодежи, развивать творческий потенциал.

Частный бизнес в семье предполагает совместный труд родителей и детей от начала до реализации продукции. Дети, принимая участия в производстве приобретает многочисленных трудовых профессиональных умений. Здесь следует отметить обучению к ремесло труд от родителей определенное педагогические умение и навыки, что системной контроль и оценки его действия. Кроме того необходимо анализы поведения в производстве, направлять на правильное русло конкретных ситуациях, организация досуга детей, душевные беседы и других культурных мероприятий в семье [1].

В семейном бизнесе участие юношей и девушек требует особого подхода, чтобы трудовой деятельности получил удовольствия, учитывающей их физических и биологических возможностей. Однако данный вид деятельности обладает возможностями воспитания у молодежи мужской чести, уважение к девушке, а у девушек самые нежные женские чувства собственного достоинства. На самом деле создается атмосфера воспитания чувства ответственности, воспитанием особой культуры взаимоотношений между мужчинами и женщинами в комплексе социально-духовного развития семейного дела.

Семейное предпринимательство для подрастающего поколения является важнейшей школой хозяйственно - экономического образования, так как дети приобретают знаний о семейном расходе и дохода, экономии бюджета, эффективность быта, умение стабильного управления домашним хозяйством. Малый бизнес в семье воспитывает в первую очередь этику молодежи, уважение родителям, сближает старшими и младшими братьями, ответственности и верности, честности, уступчивости и доброты в кругу семье. Таким образом, семейное предпринимательство испокон веков в узбекском обществе представлял собой своеобразной кооперации детей и родителей, в результате которых происходит осознание молодежью особенностей взаимоотношений, развитие необходимых качество и привычек, подготавливающих к браку и семейной жизни. Видимо это цель и средство воспитания для родителей.

Список использованной литературы:

1. Гребенников В. Основы семейной жизни – М.: Просвещение, 1991, -117 с.
2. Стратегия действий по развитию Республики Узбекистана в 2017-2021 годы. Научно-методическое пособие. –Т.; ТГЭИ. 2017. – 181 с.

3. Указа Президента Республики Узбекистана «О мерах совершенствование укреплении института семьи и поддержки женщин» от 2 февраля 2018 года. // Народное слово, 2018, 2 февраля.

4. Убайдуллаева Р. А. Женщины Узбекистана в ускорении социально-экономического развития республики. – Т.: Знание, 1988. -34 с.

Arabboev Mukhriddin Murodjon ugli

assistant teacher

Tashkent University of Information Technologies

Begmatov Shohruh Abduvahob ugli

assistant teacher

Tashkent University of Information Technologies

PROTOTYPE OF SPECIAL MOBILE PHONE FOR PEOPLE WITH DISABILITIES

Abstract. *Mobile phones based on GSM technology for blind people are available worldwide. GSM phones have Braille keypad with large keys that helps blind people to understand the digits and the presence of voice response for key press helps them to understand the numbers. The proposed prototype allows the blind to easily use mobile phones for voice calls, as well as messaging. This paper presents the development of a new phone which is designed to help blind and visually impaired people make phone calls. This phone is beneficial through its innovative concept, its simplicity, and its availability at an affordable cost.*

Keywords: *mobile phone, Braille, blind, intelligent sensor, low-cost*

According to the World Health Organization (WHO), 285 million people are estimated to be visually impaired worldwide of which around 39 million people are blind [1]. Today, there are more than 66,000 blind people in Uzbekistan, of whom 41,000 are members of the Blind Society of the Republic of Uzbekistan. About 2,000 of them are directly involved in production processes. Blind and visually impaired people require built-in accessibility functionalities to help them use mobile phones [2]. For the assistance of visually impaired people in a society many technologies have been developed to provide them access to reading, writing, voice calling and also messaging [3]. These technologies generally include conversion of information into Braille symbols and also auditory translations enabling visually impaired people to exchange information with others [4]. Example of such technologies is mobile technology. Mobile technology has undergone remarkable developments, allowing users to perform an ever-increasing range of different tasks. As a result, mobile devices have become an essential part of most normal sighted people's lives. Notably, blind and visually impaired people have also widely adopted these devices and depend heavily on them [5]. The creation of Braille-based mobile devices provides additional convenience for blind people. The Braille alphabet, developed by Louis Braille [6], is used by visually-impaired people with special needs [7,8]. Visually-impaired people can live easier lives thanks to this alphabet. Each Braille character in the Braille alphabet is composed of 6 dots in 2 columns and 3 lines. Besides, some dots are made more dominant compared to other dots so that visually-impaired people can read by touching [9]. Visually-impaired individuals read by touching their fingers on the dots of Braille characters [10]. Many applications that can facilitate the lives of visually impaired people in the environments they live have been developed using the Braille alphabet. Braille phone is one of the most developed applications and transfers any text to Braille cells via computers to help visually-impaired individuals read by touching [11]. The Braille cells are developed for the Braille alphabet by using Braille devices as hardware. Many articles have been written on the Braille-based mobile devices and many applications have been developed in the industry. There are many commercially available devices like Power Braille, Braille Star, Brilliant BI, Alva, Pac Mate Omni, Focus Series [12].

In this study, a Braille phone with 16 Braille buttons was developed for visually-impaired individuals' lives make easy. They can both make phone calls and send messages by touching with

their hands on the comfortable Braille keypad. Currently available Braille mobile devices can only import from other countries for a high-cost to Uzbekistan. If one wants to use the phone with the Braille keypad, the phone can be purchased to high-cost and also it is required to know a foreign language which is installed on the phone. This causes many disadvantages for blind people who do not know foreign languages. In addition, the high cost of such phones can cause financial problems for blind people. In this study, both place and money were saved by developing a device including both in one.

Modeling and design. Initially, initialize the device, which has been developed for visually-impaired individuals. Later on, Get user and GSM data, then inform both speech and visual. In order to find device user should generate special noise. If duration of a continuous noise is more than 100ms, it will accept as first step. If the noise appears after more than 300ms silent it will accept as a search command. And immediately device will generate a special sound.

Keypad

The phone's keypad was designed based on the Braille alphabet (Fig. 1). Braille is a means of communication in the form of tactile reading and writing for persons with visual impairments. In Braille, each character is made up of six or eight raised dots in a rectangular array of two columns where each combination of up and down position of the dots produces a specific sensation on the fingertip representing letters of the print alphabet. Each button on the phone is based on a new approach. Namely, on the phone the buttons which were situated in the middle were designed to be slightly deeper. The main purpose is to find the location of the buttons faster for the blind. As a result, blind people will have quick access.



Fig. 1. Specially designed Braille keypad.

Application

Initially, the phone's 3D model was developed by using Autodesk 3ds Max software. A 3D view of all the components of the phone was developed. 3D model of the phone is shown in Fig. 2.




Fig. 2. a) Layered 3D view of the phone from the side; b) Layered 3D view of the phone from the back

Software It was used C ++ programming language to create the phone software. Open source was used to make the device working with WAV files. As a result, this software provides great convenience when handling audio files. The WAV file is an instance of a Resource Interchange File Format (RIFF) defined by IBM and Microsoft. The RIFF format acts as a "wrapper" for various audio coding formats. Though a WAV file can contain compressed audio, the most common WAV audio format is uncompressed audio in the linear pulse code modulation (LPCM) format. LPCM is also the

standard audio coding format for audio CDs, which store two-channel LPCM audio sampled at 44,100 Hz with 16 bits per sample. Since LPCM is uncompressed and retains all of the samples of an audio track, professional users or audio experts may use the WAV format with LPCM audio for maximum audio quality. WAV files can also be edited and manipulated with relative ease using software. The WAV format supports compressed audio using, on Microsoft Windows, the Audio Compression Manager. Any ACM codec can be used to compress a WAV file. The user interface (UI) for Audio Compression Manager may be accessed through various programs that use it, including Sound Recorder in some versions of Windows. Using WAV files plays a very important role in the development of text to speech. Uzbek text to speech is currently being developed on the phone to make it even more accessible to blind people.

The working state of the phone

Currently, the phone is in a working state. The audio and visual performance of the phone is normal. When the phone switches on, the display will light up and the display will show the working state of the antennas and the battery (Fig. 3). The phone also has a special SOS button, which helps blind people to call an emergency call in case of an emergency. Another important function is detecting by special noise with helping intelligent sensor when the phone disappears a short distance away. When a new approach based convenient Braille button is pressed it makes a sound in the Uzbek language. This will enable blind users to know which button is pressed. The working state of the phone are shown in Fig. 3.



Figure 3. The working state of the phone.

Conclusion and discussions.

Visually impaired people have difficulty in distinguish and realize the real environment that they are not familiar with. In this work, we have presented a prototype of a mobile phone for visual impaired users. The Braille phone has been designed taking into account the need for low cost solutions in the context of Uzbekistan. On the market, the cost of other Braille phones ranges between 100 USD and 500 USD. The cost shows a great variance because the cost increases as it can be export to foreign countries. And there are also localization problems with product. The Braille phone was developed in this study, the cost decreased even more. The proposed Braille phone will cost about 20 USD. Compared to other similar devices, the phone has its own advantages, low-cost, a new approach based convenient Braille keypad, localization, special SOS button, detecting by special noise when the phone disappears a short distance away and Uzbek text to speech.

A final prototype was tested at the Uzbekistan Blind Society and useful feedback was received by blind people about its performance.

This was done to verify if the Braille phone had any positive impact on blind people's communication and was therefore successful in helping the blind become more mobile. A few useful suggestions have also been made by the society on ways to improve the device.

The proposed Braille phone has been shown to work well within the budget and has achieved its major objectives – to be affordable and simple. The Braille phone’s simplicity has been worked on and the final design is much simpler than the other electronic mobility aids built around the world.

Literature:

1. M.Castillo-Cara, E. Huaranga-Junco, G.Mondragon-Ruiz, A.Salazarb, L.O. Barbosa, E.A.Antrunez. Ray: Smart indoor/outdoor routes for the blind using Bluetooth 4.0 BLE. The 7th International Conference on Ambient Systems, Networks and Technologies (ANT 2016). Procedia Computer Science 83 (2016) 690 – 694.
2. Rana Yousef, Omar Adwan, Murad Abu-Leil. An enhanced mobile phone dialler application for blind and visually impaired people. International Journal of Engineering and Technology, 2 (4) (2013) 270-280.
3. <http://www.fonearena.com/blog/35760/>
4. Vijaykumar T. Korishetti, Asit. R. Kittur, Sachin Gurav, Veeresh P.M. Cell phone technology for visually impaired: A vibration based Braille perception. IJECT Vol. 6, Issue 2, April - June 2015.
5. M. Alnfai, S. Sampalli. SingleTapBraille: Developing a text entry method based on braille patterns using a single tap. The 11th International Conference on Future Networks and Communications. Procedia Computer Science 94 (2016) 248 – 255.
6. J. Jimenez, J. Olea, J. Torres, I. Alonso, D. Harder, K. Fischer, Biography of Louis Braille and invention of the Braille Alphabet, Surv. Ophthalmol. 54 (1) (2009).
7. Eldem, F. Basçiftçi, The electronic and computer-aided periodic table prepared for the visually impaired individuals, World Acad. Sci. Eng. Technol. 80 (2013) 1051–1053.
8. J. Yin, L. Wang, J. Li, The research on paper-mediated Braille automatic recognition method, in: 2010 Fifth International Conference on Frontier of Computer Science and Echnology (IEEE), 2010, pp. 619–624.
9. S. Mad Saad, M.Z. Md Zain, M. Hussein, M.S. Yaacob, A.R. Musa, M.Y. Abdullah, A system architecture of electronic Braille panel for reciting Al-Quran, in: Second International Conference on Computational Intelligence, Modelling and Simulation, 2010, pp. 427–430.
10. J. Tang, Using ontology and RFID to develop a new Chinese Braille learning platform for blind students, Expert Syst. Appl. 40 (2013) 2817–2827.
11. L. Yobas, D.M. Durand, G.G. Skebe, F.J. Lisy, M.A. Huff, A novel integrable microvalve for refreshable Braille display system, J. Microelectromech. Syst. 12(3) (2003) 252–263.
12. Fatih Basçiftçi, Ayse Eldem. An interactive and multi-functional refreshable Braille device for the visually impaired. Displays 41(2016) 33–41.

Каландарова Маликахон Пирназаровна

юридик фанлар номзоди, доцент в.б.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши

хузуридаги Судьялар олий мактаби

ДАВЛАТ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ, ТАЖРИБА КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. *Мазкур мақолада амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини ўрганиш орқали давлат эҳтиёжлари учун илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ишларини бажаришга оид шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқаришга қаратилган.*

Калит сўзлар: *давлат эҳтиёжлари, давлат буюртмаси, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ишлари, шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш.*

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш, саноатнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва интеллектуал фаолият натижаларини хўжалик муомаласига киритишда давлат эҳтиёжлари учун илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология натижаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни молиялаштириш учун қарийб 800 миллиард сўм ажратилиб, уларнинг натижаларига кўра илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан 700 дан ортиқ ихтиро патентлаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мамлакат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижаларини тижоратлаштиришда мавжуд салоҳиятдан янада тўлиқ фойдаланиш заруратини тақозо этмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан маҳаллий илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни жадал жорий этишни таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини кучайтиришда илм-фан ҳиссасини ошириш, шунингдек, илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг истиқболли маҳаллий ютуқларини илгари суришнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини жадал ва кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди [1].

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш доирасида Ресурслар ягона миллий маълумотномаси ва Давлат харидлари ягона ахборот порталини яратиш белгиланганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида давлат хариди ва коорпоратив харидларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланганлиги бирмунча эскириб қолган тизимни тубдан янгиланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда [2].

Шунингдек, 2018 йил 9 апрелда қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Бюджет маблағларининг самарали сарфланиши ҳар бир давлатнинг ҳар қандай даврдаги муҳим масалалардан биридир. Давлат хариди ва коорпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш ушбу масалаларнинг ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади. Жамият талабларини қондириш ва устувор миллий лойиҳаларни амалга ошириш каби давлатнинг муҳим функцияларини бажаришга давлат харидлари сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Илмий-техник лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш Давлат илмий-техник дастурлари доирасида 2019–2021 йилларга мўлжалланган амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиқиб, хорижий тажрибаларни эътиборга олган ҳолда босқичма-босқич шакллантирилиб, грантлар доимий равишда эълон қилинмоқда. Жумладан, 2018 йилда жами 1748 та лойиҳа 193,4 млрд сўм миқдоридан молиялаштирилиб, шундан амалий лойиҳалар тегишлилиги бўйича 912 та ва 114,5 млрд, фундаментал лойиҳалар – 369 та ва 38,2 млрд, инновацион лойиҳалар – 285 та ва 32,9 млрд, ёш олимларнинг амалий лойиҳалари – 165 та ва 6,3 млрд, халқаро илмий-техник лойиҳалар эса – 17 та ва 1,3 млрд сўмни ташкил этади [3].

Яратувчанлик фаолиятини амалга оширишда давлат томонидан бу борада амалга ошириладиган вазифалар муҳим аҳамият касб этади [4].

Илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожлантирилиши ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш мақсадида, шунингдек илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда инновацион ғоялар ва лойиҳаларнинг роли бекиёсдир [5].

Ҳозирги кунда демократик ўзгаришлар ва ислохотлар талабларининг ривожланиб бораётганлиги давлатнинг илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларига бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ вазифалар долзарб бўлиб ҳисобланади. Бундай эҳтиёжни таъминлаш фуқаролик ҳуқуқи фани назариясида давлат эҳтиёжлари учун илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари (ИТТКТП) пудрати шартномаси орқали амалга оширилади.

Фуқаролик кодексига мазкур бобнинг киритилиши уни шартноманинг мустақил тури сифатида тан олинишига асос бўлди. Бироқ, юридик адабиётларда мазкур шартноманинг ФКдаги жойлашган ўрни хусусида турли фикрлар мавжуд. Хусусан, О.Оқюловнинг фикрича, пудрат ишларидан илмий-тадқиқот ишларининг асосий фарқи шундан иборатки, агарда пудрат шартномасининг предметида ҳар доим муайян натижа бўлса, илмий-тадқиқот ишларида кўп ҳолларда фаолият ўзи ҳисобланади, пудрат шартномасида натижага нисбатан мулк ҳуқуқи буюртмачига ўтса, илмий тадқиқот ишлари натижалари аксарият ҳолларда интеллектуал мулк-ҳуқуқий режимига бўйсунди. Шу билан бирга ФКнинг 37-боби 1-параграфидаги пудрат тўғрисидаги умумий қоидаларни ИТТКТП шартномаларига ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ эмас [6]. Албатта ушбу фикрлар ҳуқуқий асосга эга эканлигини таъкидлаб, давлат эҳтиёжлари учун илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш шартномаси ҳам ўзига хос алоҳида хусусиятга эга шартнома сифатида пудрат тўғрисидаги айрим умумий нормаларни истисно этган ҳолда, мустақил қоидалар орқали тартибга солиниши лозим деган хулосага келиш мумкин.

Давлат эҳтиёжлари учун илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари белгиланган тартибдаги буюртма асосида амалга оширилади.

М.Бендиков ва Б.Джамалайларнинг фикрича, давлат эҳтиёжлари учун илмий-текшириш, тажриба конструкторлик ва технология ишларига буюртма бу – давлат буюртмачисининг амалий тусдаги илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажаришга берган, давлат бюджети ҳисобидан молияланадиган топшириғидир [7].

Давлат эҳтиёжлари учун илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларига буюртма – бу давлат буюртмачисининг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан белгиланган тартибда аниқланган илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини ўтказиш учун белгиланган вазифаларидир.

Давлат эҳтиёжлари учун илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажаришнинг ҳуқуқий шакли – бу давлат эҳтиёжлари учун илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш шартномаси ҳисобланади. Мазкур шартнома ўзига хос ҳуқуқий табиатга эга. Ўзининг ташқи белгисига кўра илмий текшириш, тажриба- конструкторлик ва технология ишларини бажаришга қаратилганлиги учун оддий пудрат шартномаси билан ўхшашдир.

Фуқаролик кодексига илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари билан боғлиқ муносабатларни пудрат тўғрисидаги бобда акс этганлиги, уларга нисбатан пудрат ҳақидаги қоидаларнинг татбиқ этилиши билан алоқадордир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси бўйича ушбу муносабатлар пудрат ҳақидаги қоидалар билан тартибга солинган бўлса, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексига илмий-текшириш, тажриба конструкторлик ва технология ишларини бажариш шартномаси пудратга оид бобга киритилмаган.

Шу қоидадан келиб чиққан ҳолда россиялик олим В.П.Мозолиннинг фикрича, пудратнинг илмий-текшириш, тажриба конструкторлик ва технология ишларидан асосий фарқи, тарафлар ўртасида ҳали бажарилмаган ишнинг таваккалчилиги тақсимланганлигида-

дир. Пудратда бажарилган иш натижаси кўзланган мақсадга мувофиқ бўлиши учун пудратчи таваккал қилади, илмий-текшириш, тажриба конструкторлик ва технология ишларини бажаришда эса кутилаётган натижа учун буюртмачи таваккалчилик қилади [8].

М.И.Брагинский илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини пудратга тааллуқли эканлигини таъкидлайди. Мазкур турдаги шартномаларга бошқа турдаги пудрат шартномаларидан фарқли ўлароқ таваккалчиликни тақсимлаш қондаси татбиқ этилмайди [9].

Назаримизда, бу турдаги барча муносабатлар пудратга оид қондалар билан тартибга солинади. Чунки, ҳар иккала муносабатда ҳам пудратчи ва буюртмачи иштирок этиб, мақсад ишни бажаришга қаратилган бўлади.

Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология пудрати ишлари умумий шартнома ҳисобланса-да, уларнинг предмети бир-биридан фарқ қилади. Академик Ҳ.Раҳмонқулов уларни учта гуруҳга, яъни илмий текшириш, тажриба-конструкторлик технология ишлари кабиларга ажратган [10].

Л.А.Трахтенгерц эса уларни илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини икки тоифага: илмий текшириш-илмий тадқиқотлар ўтказиш ва тажриба-конструкторлик, технология ишлари – янги маҳсулот ва технологияларини яратиш гуруҳига бўлади [11]. А.Г.Калпиннинг фикрича, илмий тадқиқот ишларининг бажарилишида ижрочи тадқиқот ўтказишга мажбур бўлади. Тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш натижасида ижрочи-ашёвий шаклдаги ишни маҳсулот ёки технологиянинг хужжати, маҳсулот намунасини буюртмачига топширишга мажбур бўлади. Илмий тадқиқот ишларини бажариш натижаси одатда моддий кўриниш – илмий ҳисобот, хулоса ва ҳоказолар бўлиши мумкин [12].

Назаримизда, шартноманинг 2 гуруҳга ажратилиши, уларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш ва тартибга солиш имконини вужудга келтиради. Мазкур умумий шартноманинг икки турини ўхшаш белгиси давлат эҳтиёжлари учун бошқа пудрат ишларини бажариш шартномаларидан фарқлаш имконини беради.

Илмий тадқиқот ишлари – янги илмий ёки техник билимлар ва ғояларни олиш мақсадида ўтказиладиган янги ва режали изланишлар бўлиб, унга қуйидагиларни киритиш мумкин: янги билимлар олишга қаратилган фаолият; илмий тадқиқотлар натижаларини ёки бошқа билимларни қўлланиш йўллари излаш; муқобил технологиялар ёки маҳсулотларни излаш; янги ёки анча яхшиланган маҳсулот ёки муқобил технологияни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Тажриба-конструкторлик ишлари – янги ёки жиддий тарзда яхшиланган материаллар, механизмлар, маҳсулотлар, технологиялар, тизимлар ёки хизматларни режалаштириш ёхуд лойиҳалаштириш учун, уларни тижорат мақсадларида ишлаб чиқариш ёки фойдаланишдан олдин, илмий тадқиқот ишлари натижаларини ёки бошқа билимларни қўллашдир.

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган, лекин улар қаторига қўшилмайдиган фаолият турлари бўлиб ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичида муҳандислик жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш жараёни сифатини назорат қилиш, жумладан маҳсулотни ҳар куни синаб кўриш, ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган носозликларни бартараф этиш, мавжуд маҳсулотни янгилашга, кенгайтиришга ёки бошқа йўл билан сифатини яхшилашга қаратилган кундалик саъй-ҳаракатлар ҳисобланиши мумкин.

Илмий-техникавий фаолият натижалари хусусийлаштириладиган мулк таркибига киритилмаган ҳолларда, шунингдек, мазкур натижа жисмоний ва юридик шахсларнинг мутлақ ҳуқуқ объектлари бўлмаса, улар давлатга тааллуқли бўлади. Ўзбекистон Республикаси номидан ушбу натижалардан фойдаланиш ҳуқуқи бу соҳалардаги ваколатли органларга берилиши мумкин. Демак, давлат контракти асосида вужудга келадиган ишлар натижаси давлатга тегишли бўлади.

А.Д.Корчагин ва Н.С.Орловаларнинг таъкидлашича, давлатнинг илмий-техникавий маҳсулотларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилишдаги ҳуқуқлари давлат

бошқарув вазифаларини самарали ҳал этиш имконини бермайди. Маъмурий буйруқбозлик тизими даврида ихтиро ва янги техникаларни, умуман бутун яратувчанлик фаолиятининг давлатга тааллуқлилиги кам самара берди.

Юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда, муаллифлар томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олинган илмий-техникавий фаолият натижалари, улардан фойдаланиш жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқларини белгилаш тартибини ишлаб чиқиш тўғрисидаги нуқтаи назарлар ўринлидир.

Давлат буюртмаси, давлат контракти, давлатнинг илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳалари асосида яратилган илмий-техникавий фаолият натижаларига бўлган давлатнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлашлари, агар давлат томонидан олдиндан режалаштирилмасдан, лекин давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган илмий-техникавий фаолият натижалари учун давлат контракти асосида бажарилган ишлар натижаси ижрочи ташкилотга берилиши керак. Интеллектуал фаолият натижалари қисман давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилганида, ундан фойдаланиш иштирокчиларнинг қўшган ҳиссаси ва келишувига қараб амалга оширилади [13].

Демак, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология лойиҳаларини амалга оширишда таваккалчилик юқори бўлади. Давлат эҳтиёжлари учун илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш шартномаси таваккалчиликка асосланади. Бундай таваккалчилик буюртмачи зиммасига юклатилади. Лекин давлат контрактида таваккалчилик пудратчига юклатилиши мумкин.

Ҳозирги кунда илмий-техникавий ишланмаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштиришда айрим муаммоларга дуч келмоқда. Зеро, давлат илмий-техникавий фаолияти яратишдан то амалга татбиқ этиш манбаига эга. Буни давлат лойиҳани инвестициялашда давлат контрактини тузиш орқали амалга ошириш мумкин [14].

Шуни тан олиш керакки, ҳозирги кунда давлат интеллектуал маҳсулот воситаларини ҳўжалик муомаласига киритишда етарли ресурсларга эга эмас. Бу муаммони ҳал этиш учун давлатнинг бу борадаги ҳуқуқларини мустаҳкамлаш лозим.

Назаримизда, хориж тажрибаси ҳам шуни кўрсатмоқдаки, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инновацион жараён иштирокчилари манфаатлари мувозанатини таъминлаш зарур. Бу эса илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология натижаларини уни иштирокчилари ўртасида тақсимлаш механизмини ривожлантиришни талаб этади [15]. Умуман олганда, хорижий мамлакатларда давлат инновация фаолиятининг бош ҳомийларидан бири ҳисобланиб, улар бу борадаги ўз тузилмаларини такомиллаштириш йўлидан бормоқдалар. Фикримизча, бу турдаги иқтисодий механизмни республикамизда яратилиши келгусида иқтисодий ўсишнинг асоси бўлиб хизмат қилар эди.

Умуман олганда, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молияланадиган инновация жараёни иштирокчилари манфаатлари мувозанатини таъминлашда натижаларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш механизмини ривожлантириш талаб этади. Фуқаролик кодексига буюртмачига илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология натижаларидан олиш ҳуқуқида устунлик берилган бўлса ҳам, мазкур меъёр мажбурий тусга эга эмас, ҳуқуққа эгалик қилиш масаласи томонлар ўртасида тузиладиган шартнома асосида ҳал этилиши лозим.

Шу мақсадда, инновация жараёни иштирокчилари – давлат буюртмачиси, ижрочи-ташкилотлар ва муаллифлар илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномаси бўйича вужудга келадиган натижаларни тақсимлаши Фуқаролик кодексига белгиланган шартномалар асосида амалга оширилиши керак.

Шартномада мавжуд ва яратилган муҳофаза қилинадиган объектларга бўлган ҳуқуқ шартлари ва ҳажми аниқ ва келишилган бўлиши лозим, муҳофаза қилинадиган ҳужжатларни олиш учун ариза беришда патент божларини тақсимлаш тартиби аниқланиши, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида улушларни тақсимлаш ва бошқа ҳолатлар ўз аксини топган бўлиши керак. Бунда фойда иштирокчиларининг манфаатларидан келиб чиқиб белгиланади.

Г.Отнюкованинг фикрича [16], давлат бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган давлат эҳтиёжлари учун илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари натижаларига бўйича вужудга келадиган ҳуқуқ қонунда бевосита ўз аксини топган бўлиши керак. Назаримизда, давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш усулларида бири ҳам ундан фойдаланишдаги қонуний қафолат ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур шартномаларда сифат масалалари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. А.Балабаннинг фикрича, бевосита ташкилотлар томонидан тузиладиган илмий-техникавий маҳсулотни яратишга қаратилган шартномаларда унинг сифатига нисбатан қўйиладиган талабларни тартибга солувчи шартларни олдиндан назарда тутмайди [17].

Фуқаролик кодексининг 37-бобида мазкур турдаги шартномаларнинг сифатига оид нормалар белгиланмаган, бу эса бевосита илмий натижа тушунчасининг аниқланмаганлиги билан боғлиқ. Бунга аниқлик киритиш илмий-техниканинг сифатига оид шартларни ишлаб чиқиш ва улардан шартнома тузишда фойдаланиш имконини беради.

Илмий-техникавий натижа деганда, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини ўтказиш орқали ишлаб чиқилган, ўзида техник ҳужжатларни мужассамлаштирган ва унинг асосида саноат маҳсулотлари (тажриба намуналари)ни техник-иктисодий кўрсаткичлари ва истеъмол хусусиятларини ифода қиладиган техника объектлари тушунилади.

Ушбу қонунда Фуқаролик кодексининг 37-боб 5-§ 693-моддасининг 2-банди сифатида келтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки буюртмачи ва пудратчи ўртасида тузиладиган давлат контрактининг сифатига оид меъёрларнинг тўлиқ ҳуқуқий таъминланганлиги, тарафларнинг юқори сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, бу борада вужудга келадиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга хизмат қилади.

Шу ўринда, давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажариш шартномаси бўйича буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги муносабатларда махсус белгилар қайд қилиниши лозим:

– биринчидан, давлат буюртмачилари давлатнинг давлат контракти асосида илмий текшириш фаолияти натижасига бўлган ҳуқуқлари ҳамда уни тасарруф қилиш билан боғлиқ ҳуқуқларини мустақамлашга қаратилган муносабатлар;

– иккинчидан, давлат контрактида давлатнинг ихтиро, фойдали модел, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун яратилган дастурлар, интеграл микросхемаларга бўлган мутлақ ҳуқуқларига патент олиш ҳуқуқи тўғридан-тўғри кўрсатилишига қаратилган муносабатларни қамраб олади.

Амалдаги қонунчилик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки [18], ҳозирги кунда қуйидаги масалалар бўйича давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажаришда давлатнинг манфаати ҳисобга олинмаган: давлатнинг илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларининг натижаларига бўлган ҳуқуқи; давлат илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология натижаларидан олинган ахборотларни хизмат сирини сифатида қайд этиш тартиби; давлатга тегишли илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технологияларини тижорат мақсадида фойдаланиш тартиби; бундай фойдаланиш натижасида олинган маблағлардан фойдаланиш тартиби; қонунчиликда давлат эҳтиёжлари учун амалга ошириладиган илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномасининг ўзига хос хусусиятлари акс этмаганлиги.

Бугунги кунда барча саноати ривожланган мамлакатлар инновацион кашфиётларни яратишдан тортиб уларни ишлаб чиқаришга жорий этишга қадар барча босқичдаги инновацион ривожланиш жараёнларининг мукамал тузилмасига эга. Бу мақсадга, авваламбор, пухта инновацион сиёсатни амалга ошириш орқали фуқаролик секторига инновацияларни самарали жорий этиш ҳамда мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб оладиган инновацион жараёнларнинг фаоллашуви ҳисобига эришиш мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг, шу жумладан, Буюк Британия, Жанубий Корея, Австралия каби давлатларда давлат хариди тизимининг фаолияти, хусусиятлари, функциялари, вазибалари, ваколатлари ва давлат учун аҳамияти борасидаги илғор тажрибаларини чуқур ўрганиш ҳамда улар орасидан мамлакатимизга мос келадиганларини танлаш ва қўллаш муҳим

аҳамият касб этади. Шунингдек, бу соҳадаги тадқиқотларни кенгайтириш ўзининг ижобий натижаларини беради [19].

Хулоса қилиб айтганда, давлат эҳтиёжлари учун илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ишларини бажариш орқали давлатнинг интеллектуал соҳадаги вазифаларини ҳал қилишнинг самарадорлиги ошади, бундай фаолият билан шуғулланувчиларга ҳуқуқий ва моддий жиҳатдан кафолат яратилади, ишларни бажариш натижасида илмий салоҳиятнинг сифатини ошишига, давлатнинг мақсадли дастурларини бажарилишига имконият вужудга келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Duck So Han. The outcome of the technological development policy for the development of the economy of the republic of Korea // Intellectual Property in Asia and the Pacific. - 1996. - № 4. - Б. 6-31. Chi Shaojie. PRC view of technology transfer // Les Nouvelles. 1996. Б. 124-125.

[http: lex.uz](http://lex.uz)

2. Балабан А. Договоры на выполнение НИОКР: комментарий судебной практики // Хозяйство и право. – 2003. – № 1. – 16 б; Качалов В.А., Горячев А.В. Гражданско-правовые аспекты качества при создании научно-технической продукции // Стандарты и качество. – 1996. № 6. – 28 б.

3. Бендиков М., Джамалай Е. Финансовый менеджмент. – 2004. № 2. – 19 б.

4. Брагинский М.И. Хозяйственный договор. – М.: Экономика, 1990. – 55 б.

5. Д.Б.Гофуров. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил

6. Калпин А.Г. Гражданское право. – М.: Юрист, 1999. 226-227 б.

7. Клюев В., Филиппов Г., Шахпурунянц Г. Аккредитованный институт-нищий институт // НГ-наука. 2000. № 6.

8. Корчагин А.Д., Орлова Н.С. Права государства на интеллектуальную собственность: интересы подлинные и мнимые // Патенты и лицензии. – 2000. - № 5. 2-9 б.

9. Мозолин В.П. Гражданское право. – М.: Юрист, 2004. – 290 б.

10. Наука и техника современного капитализма. Социально-экономический справочник. – М.: Мысль, 1984., Fox M., Gadlar M.L., Robetson A.B. Finding outlets for Inventiveness // Industrial property. 1992. № 2. Б. 66-69., Journal of Japanese Group of AJPPJ. 1985. – 7 б. Nadudvary Z. As innovacio allami tamagotasanak fex iranyzatai a fejlett tokes orszagoklan // Ujitok Lapja. - 1985. - № 19. Б. 6-7. Наука и техника современного капитализма. Социально-экономический справочник. – М.: Мысль, 1984. Journal of Japanese Group of AJPPJ. 1985. – 8 б.

11. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 277 б.

12. Отнюкова Г. Охрана прав и интересов государства при создании и использовании результатов научно-технической деятельности // Хозяйство и право. – 2002. № 1. 66-72 б.

13. Отнюкова Г. Охрана прав и интересов государства при создании и использовании результатов научно-технической деятельности // Хозяйство и право. – 2002. № 1. 66-72 б.

14. ПҚ-3237, "Халқ сўзи", 2017 йил 24 август, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 28 август, 34-сон, 885-модда.

15. Раҳмонқулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. 2-жилд. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. – 433 б.

16. Трахтенгерц Л.А. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. – М.: Инфра-М, 2004. 396-398 б.

17. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008., № 29-30. – 280-модда.

18. Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш истиқболлари. Илм-фан ва инновацион ривожланиш / 2018 №4.

Атамуратов Мурат Утепбергенович
сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИНГ ДЕМОКРАТЛАШИШ, МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШИШ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида бошқарув кадрларининг сиёсий фаоллиги ошиши объектив ва субъектив шарт-шароитлар, омилар билан боғлиқлиги кўрсатилган. Демократиялашув жараёни мураккаб, айна пайтда шунчаки амалга ошадиган жараён эмаслиги, ёш кадрларни сиёсий фаоллиги муаммосини ва тарихини янада ўрганишни, унинг ўзига хос қонуниятларини таҳлил этиши каби масалалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: модернизация, кадрлар малакаси, "раҳбар ва бошқарув кадрлари", ижтимоий тизим, "давлат хизмати", индустриаллаштириши, ривожланаётган мамлакатлар, либераллаштириши, демократик усуллар, персонификация, инновация, формациялараро жараёнлар, сиёсий ҳуқуқ ва ижтимоий-сиёсий мувозанат.

Ўзбекистондаги шиддат билан кечаётган янгиланиш жараёнлари бошқарув кадрларининг билим ва кўникмаларини ўзгараётган шароитларга мослаштириш, уларнинг профессионал ривожланишига янгича ёндашишни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугунги раҳбар:

биринчидан, ўзига юклатилган масъулиятларни амалга оширишда чуқур билимли ва салоҳиятли, камол топган етук шахс;

иккинчидан, жамоанинг самарали фаолият юритиши, ривож топишига кўмак берувчи ҳамда унда ҳукм сураётган кадрларга содиқ жамоа аъзоси;

учинчидан, таълим-тарбия берувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи, жамоада соғлом муҳит яратувчи ахлоқий фазилатларга бой устоз;

тўртинчидан, замон талабларига жавоб берадиган, ўз касбини пухта эгаллаган, маҳоратини такомиллаштирилган, доимо изланувчан ва интилувчан мутахассис, қатъий продали, ўз жамоасига содиқ, унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган ходим бўлмоғи талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги "Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда" [1] деган концептуал фикри раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг шаклланишини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

Бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги сиёсий институтлар ўзгариши, Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар ҳамда мафкуралар хилма-хиллигига асослана бошлаганлиги билан бевосита боғлиқ. Энди бошқарув кадрлари ана шу янгича талабларга, принципларга жавоб бера оладиган раҳбарлик ва бошқарув маҳоратига, мустақил тафаккурга ҳамда янгича дунёқарашга эга бўлишни тақозо этади. Бизнингча, "раҳбар ва бошқарув кадрлари" тушунчаси давлат ҳокимияти ва жамият бошқаруви соҳаларида фаолият юритаётган муҳим қонунлар, қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда ўзига хос масъулият ва мамлакат олдида турган тараққиёт стратегияси билан боғлиқ мақсадларни амалга ошириш ваколатига, шу билан бирга жавобгарлигига эга бўлган кадрлар тизимидир, деб таърифлаш мумкин.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни

қўймоқда" [2]. Ҳаёт суръатларининг беқиёс тезлашуви ёки глобаллашуви раҳбар масъулиятини янада кучайтиради. Бугунги раҳбар юқори даражада иқтисодий, маданий, маънавий, ҳуқуқий, диний, сиёсий билимларни эгаллаган бўлмоғи лозим. Акс ҳолда ўзи бошқараётган идоранинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий таназзулига сабабчи бўлиб қолиши мумкин.

Бугунги раҳбарнинг яна бир муҳим жиҳати унинг ижтимоий муносабатларга кириша олиш қобилиятидир. Агар раҳбар ўз жамоасидаги ходимлар билан намунали муомалага киришмаса, кези келганда кечиримли бўлмаса, бошқарувда муаммога дуч келиши табиий ҳол. Ҳақиқий раҳбар халқ ва жамият манфаатлари йўлида ўз ҳузур-ҳаловатларидан воз кечади. Бутун вужудини, ҳаётини, керак бўлса жонини бағишлайди. Бугунги раҳбар ўз фаолияти давомида жамият тараққиётига ғов бўлиб турган маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик каби иллатларга йўл қўйса, бундай ҳолатларга муросасиз бўлмаса кўзлаган эзгу мақсадларимизга эриша олмаймиз.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 16-бандида «Давлат хизмати тўғрисида»ги [3] Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган. Бундан кўзланган мақсад давлат хизмати тизимини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойиллари, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантириш, давлат хизматида ишга ўтиш, хизматни ўташ ва хизматдан кетиш масалалари, бу борадаги кафолатларни тартибга солишга доир муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хизматчиси тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, айти пайтда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси кўмиталарида янада такомиллаштирилмоқда. Мазкур қонун лойиҳасида давлат хизмати билан боғлиқ турли тушунчаларга таърифлар берилади. Масалан:

“давлат хизмати” – давлат органлари ваколатларини бажаришни таъминлашга йўналтирилган давлат органларида мансабдор шахслар фаолияти;

“давлат мансаби” – давлат органлари ваколатларининг бажарилишини таъминлаш бўйича ўрнатилган мажбуриятлар доирасидаги давлат органлари штат бирликлари;

“давлат хизматчиси” – давлат мансабини эгаллаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

“квалификация талаблари” – тегишли давлат мансабини эгаллашга даъвогарлик қилувчи шахсга нисбатан қўйилган талаблар;

“давлат хизмати мансаблари категорияси” – давлат хизматчилари эгаллаган мансабларнинг ҳажми ва улар ваколатларининг даражалашган таснифи шулар жумласидандир.

Кадрларни тарбиялаш, сиёсий ислохотларни амалга оширишнинг мақсадларидан бири ҳокимиятни деперсонификациялаш, объективлаштириш ва либераллаштиришдан иборат. Бунга:

биринчидан, янги раҳбар кадрларни тайёрлаш;

иккинчидан, аҳолининг сиёсий маданиятини, сиёсий тафаккурини ўстириш, дунёқарашини ўзгартириш орқали эришилади.

Аммо бунинг ўзи етарли эмас. Мансабни деперсонификация қилиш учун қонун устуворлиги, қонунни муҳофаза қилувчи кучи фуқаро ва давлат муносабатларида тўлиқ намоён бўлиши лозим. Фуқаро ёки хўжалик юритувчи субъект муайян мансабдор ўрнида бошқаси ўтирганда ҳам иши қонуний ҳал этилишига ишончи комил бўлсагина, мансабни персонификация қилмайди.

Мисол учун, Японияда мансабга тайинланиш ёки катта мансабга эга бўлиш, қонунга қўра, камида 6 ойлик синов муддатидан сўнг, яъни хизматчи ўзининг ижобий томонларини намоён қила олганидан кейингина расмий тарзда эълон қилинади [4].

Давлат хизматида бирон-бир мансабга кўтарилиш учун иш стажи, шунингдек, хизматчининг меҳнат фаолиятига доир сифат ва фазилатлари (хизматчиларнинг бу хусусиятлари кадрлар бўлими томонидан) ҳисобга олиниб борилади. Хизматчининг иш фаолияти йил давомида бевосита унинг раҳбари томонидан баҳоланади. Кейинчалик раҳбарнинг бу хулосалари департамент директорида (вазирликдаги

бўлим мудир) тасдиқлаши учун юборилади. Агар директорнинг хизматчи ҳақида яна бошқа фикр-мулоҳазалари бўлса, уларни ҳам мазкур хулосаларга қўшимча равишда ёзма шаклда баён этиши мумкин. Амалиётда эса бу каби вазиятлар камдан кам учрайди, чунки, хулосалар ёзилаётган пайтда уларни умумлаштирувчи (тузувчи) раҳбарлар ўзаро маслаҳатлашиб, барчасининг фикрлари эътиборга олинади [5].

Демак, жамиятни бошқаришда раҳбар кадрлар фаолияти ижтимоий таъсир жиҳатидан катта аҳамият касб этади. Жамият тараққиёти ёки таназулининг асослари айнан шу раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатаётган шахсларнинг келажакни кўра билиши, муаммоларнинг асоси ва уларни бартараф этиш йўллари топиш-топмасликлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, раҳбар фаолияти давомида кичик бизнесни ривожлантириши аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим бўғин бўлиб, кишиларнинг фаровонлигини оширишга, турмуш даражаси ва сифатининг юксалишига хизмат қилади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни қуйидаги жиҳатлар билан боғлиқлиги асосланган. Улар:

биринчидан, тобора янгиланиб бораётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар демократик жамият куриш талабларига жавоб берадиган раҳбар ва бошқарув кадрларни тайёрлаш;

иккинчидан, Ўзбекистоннинг янги авлод кадрлар тизimini демократик ривожланиш тамойилларига тўлиқ ўтказишга эришиш, бунда собиқ «совет моделига асосланган кадрлар» тизимидан, коммунистик ғоя ва ақидалардан бутунлай халос этиш;

учинчидан, бошқарув кадрларини тайёрлаш билан алоқадор бўлган сиёсий институтлар, мутахассис кадрлардан бевосита ёки билвосита раҳбар бошқарув кадрлар тайёрлаш тизимига ўтиш;

тўртинчидан, республикада бозор иқтисодиётини тўлиқ жорий этиш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш, бозор инфраструктурасини қарор топтириш, макро ва микро иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришлар талабига жавоб берадиган бошқарув кадрларини шакллантириш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик шаклидан демократик усулларига ўтиш, раҳбар ва бошқарув кадрларнинг ўрни ва мавқеига янгича қараш ва "маъмурий ислохотлар концепцияси"да ишлаб чиқилган вазифаларни амалга ошириш билан белгиланади.

Ўзбекистонда бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни механизмлари қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

концептуал (давлат кадрлар сиёсатининг назарий асосларини ишлаб чиқиш);

ҳуқуқий-меъёрий (давлат кадрлар сиёсатининг қонуний асосларини яратиш борасида фаолият олиб бориш);

ташкилий (давлат кадрлар сиёсатига оид иш олиб борадиган органлар, кадрлар ишлари билан шуғулланадиган идоралар ва шу каби бошқа махсус институтлар фаолиятини ташкиллаштириш);

технологик (кадрлар иши усул ва услублари, шакллари ва ҳ.к.) такомиллаштиришда фаол иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистонда адолатли жамиятни ўрнатишнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратишда раҳбарнинг ролини ошириш шарт-шароитлари ва омиллари қуйидаги йўналишлар, ўзгаришлар билан боғлиқ:

биринчидан, мустақилликни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш учун раҳбар кадрлар учун янги вазифалар, мақсадларнинг вужудга келганлиги билан асосланади;

иккинчидан, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида содир бўлган янгиланишлар, ўзгаришлар ҳам раҳбар ва бошқарув кадрлардан янгича ёндашув, дунёқараш ва мустақиллик тафаккурига эга бўлишни тақозо этади. Чунки, ўзгарган янгича ҳаёт ва бошқарувга «эскича маъмурий, буйруқбозлик услуби тўғри келмайди. Негаки, бозор иқтисодига ўтиш, мулк хилма-хиллигининг эътироф этилиши ҳам шуни тақозо этади;

учинчидан, Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг сиёсий институтлар, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожлана бошлаганлиги билан асослаб берилади. Бундай шароитда раҳбар кадрларга бўлган масъулият ортади. Раҳбарлик мезонлари ўзгаради. Раҳбар

фаолиятида инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унга хизмат қилиш билан боғлиқ янгича бошқарув технологияларини жорий этиш ҳам алоҳида масъулият ва жавобгарликни юклайди;

тўртинчидан, янгиланиш шароитида, унинг талабларини чуқур ҳис этадиган бошқарув кадрларининг олдига жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизлари барқарорлигини таъминловчи омиллар аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, иш билан бандлиги, худудларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этишда ташаббускорлиги муҳим роль ўйнайди;

бешинчидан, вилоят, туманларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожини таъминлашда, адолат ўрнатиш борасида айрим раҳбар кадрлар фаолиятида сақланиб қолаётган салбий қусурлар, камчиликларни бартараф этиш, унинг олдини олиш шарт-шароитларини амалга ошириш муҳим;

олтинчидан, раҳбарларда тадбиркорлик хусусиятлари барча соҳаларда намоён бўлиши лозим. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, ишлаб чиқаришда янги технологияларнинг олиб кирилиши иқтисодий самарадорликка олиб келади. Бу эса жамиятни ижтимоий-иқтисодий асослари барқарор бўлишини таъминлайди;

еттинчидан, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг самараси кўп жиҳатдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, жойлардаги раҳбарларнинг фаолиятига боғлиқдир. Зеро, ҳокимият идораларининг асосий вазифаси – фуқароларнинг фаровон ҳаётини таъминлашдан иборат. Шундай экан, давлатнинг бандлик сиёсати биринчи навбатда, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, раҳбар ва бошқарув кадрларининг бошқарувга ёндашувини "Давлат идоралари халқ учун хизмат қилиши керак, халқ давлат идоралари учун эмас" деган муҳим тамойилга амал қилишини таъминлаш энг асосий вазифадир. Бу борада ҳар қандай даражадаги раҳбарга Президентимизнинг "Биз халқимизнинг миллий менталитетига ҳам, раҳбар, етакчи деган масъулиятли номга ҳам умуман тўғри келмайдиган, ярашмайдиган бундай нохуш ҳолатлар билан муроса қила олмаимиз. Барча бўғиндаги раҳбарлар – у вазир ёки ҳоким бўладими, идора ёки ташкилот бошлиғи бўладими, бир ҳақиқатни жуда чуқур тушуниб олишларингиз шарт. Бундай ҳаракатлар давлат сиёсатиغا, Президент сиёсатиغا қарши чиқиш, деб баҳоланади ва айбдорларга тегишли жазо қўлланилади", деган сўзлари дастуриламал бўлмоғи керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz>. 22-12-2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. 10 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 8-илова.
4. Эндоу Н. Система управления государственными служащими и подготовка кадров государственной службы Японии // Тексты лекций. Т.Ш. –Токио: ЛСА, 2000. –С.119.; Обара С. О структуре правления и административной системе Японии // Тексты лекций. Т.Ш. – Токио: ЛСА, 2000. –с.85-86.
5. Равшанов Ф. Хорижий мамлакатларда давлат хизмати тизимларида раҳбар кадрлар танлаш тажрибалари. – Т.: Академия, 2008. 30 бет.

Джамбакиева Феруза Бахтахуновна
главный специалист
Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека
Ахмедов Азизхон Мухсинжон ўгли
главный специалист
Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ АКТУАЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ КАДРОВОЙ ПОЛИТИКИ

Аннотация. Данная статья посвящена изучению реформ по кадровой политике в Республике Узбекистан. Главные меры по развитию данной политики, какие функции и задачи реализует государство для устранения проблем в этой сфере. В заключение приведены мнения.

Ключевые слова. Реформы, кадровая политика, кадровая служба, государственная политика, выбор работы, функция, реализации цель, требование.

Широкомасштабные реформы, которые проводятся в последнее время в Узбекистане осуществляются для преобразования и для повышения эффективности деятельности государственной службы. Для реализации этой политики, принимаются меры по отказу от практики совмещения органами хозяйственного управления государственных регулятивных и хозяйственных функций, созданию современной системы оплаты труда и социального обеспечения работников государственных органов и организаций.

Правильное и адекватное функционирование государственной кадровой политики является главной необходимостью любого государства. Государственная кадровая политика обеспечивает механизм развития и эффективного использования всех кадров в государстве, и эта политика является политикой органов государственной власти Республики Узбекистан, воздействующая на все трудоспособное население страны. Важно, различать понятия «кадровая политика» и «кадровая служба». Кадровую политику проводит руководитель любого государственного органа или хокимият; общественной, СМИ или коммерческой организации по отношению к своим кадровым работникам.

Кадровая служба – совокупность органов и технологий по подбору, обучению, оценке и рациональному использованию кадров.

В сфере под кадровой политикой государственного управления подразумевает последовательность деятельности государства и всех его органов по формированию требований к государственным служащим, по их подбору, подготовке и рациональному использованию их профессионального потенциала

Сутью кадровой политики в полной мере является использовать творческий потенциал служащих, их энергию способности к решению назревших проблем. Кадровая политика призвана для привлечения, закрепления и адекватном использования на государственной службе высококвалифицированных специалистов для создания условий для реализации ими своего профессионального потенциала для успешного исполнения должностных обязанностей и обеспечения на этой основе эффективного функционирования органов государственной власти и местного самоуправления [1].

Главными целями государственной кадровой политики на основе Конституции Республики Узбекистан, являются:

- свободный выбор работы, на справедливые условия труда и на защиту труда от безработицы в порядке, установленным законом;
- запрещение принудительного труда[2];
- создать благоприятных и равных социальных условий, и правовых гарантий для проявления каждым работникам своих способностей и знаний;

- обеспечение высокого профессионального управленческого и технологического процесса, укомплектованности всех участков трудовой деятельности высококвалифицированными работниками;
- установление надежных преград на пути проникновения на руководящие и управленческие должности людей недостойных, склонных к карьеризму;
- реализация целей и функций государства по обеспечению высокого качества жизни граждан[3].

А также важно подчеркнуть требование для основы кадровой политики:

- 1) подбор кадров не только по деловым, профессионально-квалификационным критериям, но и по нравственным качествам;
- 2) открытость, прозрачность и гласность в решении всех кадровых вопросов учитывая общественное мнение;
- 3) необходимость обновления кадров с сохранением их преемственности.

В Узбекистане с 2016 года после политических реформ, произошли некоторые изменения в кадровой политике государства. С самого начала своей президентской деятельности, в одном из первых своих выступлений Шавкат Мирзиёев отметил, что кадровая политика в Узбекистане находится в «катастрофическом» положении. Учитывая способности и пробелы кадровой политики в Узбекистане начались введение новых реформ[4].

Главный недостаток кадровой политики являлась слабая нормативно-правовая база. Для создания эффективного государственного управления, 2017 году была принята «Концепция административной реформы в Республики Узбекистан» и «Дорожная карта» по реализации.

После глубоких реформ Администрации Президента, Кабинета Министров, службы безопасности и региональных исполнительных властей, произошли серьезные кадровые изменения. Наблюдается такая тенденция как возвращения к власти, лиц, которые служили в предыдущей системе. Для охвата всех сфер государственного и общественного управления в регионах организовались командно-административное управления. Согласно постановлению президента от 8 августа 2017 года «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов». Все области государства были разделены на 4 сектора, которые возглавили 4 руководителя: главы администрации, хакимы районов и городов, а также руководители органов прокуратуры, внутренних дел и государственной налоговой службы.

Однако, для создания единой систему подбора кадров, принятые вышеуказанных правовых документов было недостаточно. До сих пор не был принят закон о государственной службе.

Важным критерием является обеспечение открытого рыночного управления и экономической свободы. В госорганах отсутствует функция политического менеджмента.

Кроме того, нужно сформировать прозрачные механизмы отбора кандидатов на государственную гражданскую службу, обеспечить всем гражданам равный доступ к государственной гражданской службе, чтоб могли продвигаться по ней на основе профессиональных качеств и особых заслуг.

Также необходимо предпринимать меры, гарантирующие достойный уровень материального стимулирования и социальной защиты государственных гражданских служащих с целью повышения среди населения, прежде всего молодежи, престижа государственной гражданской службы на всех уровнях, исключения условий для проявлений коррупции, формализма и бюрократии.

Отсутствие уполномоченного органа по вопросам государственной гражданской службы не позволяет обеспечить проведение единой кадровой политики в государственных органах и организациях, эффективное управление персоналом и развитие человеческих ресурсов, формирование на конкурентной основе резерва квалифицированных кадров и своевременное замещение ими вакантных должностей государственных гражданских служащих.

В рамках Государственной программы «Год диалога с народом и интересов человека» были разработаны проекты концепций административных реформ и мер по их реализации. Был принят закон «Об основах государственного управления», «Об административных процедурах»[5], «О государственной власти на местах» и другие[6].

А также в стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы отмечена важность улучшения профессиональной подготовки госслужащих и повышения уровня их материальной и социальной обеспеченности.

Также следует упомянуть такой значимый недостаток, текущий государственной кадровой политики – острая нехватка кадров с хорошим знанием и пониманием информационных технологий. У граждан отсутствует мотивации и интереса к работе на госслужбе. Указанная проблема усугубляется недостаточным правовым регулированием вопросов организаций государственной службы с учётом «цифровизации» общества[7].

Главными задачами реформ являются повышения эффективности государственной гражданской службы, обеспечения потребностей государственных органов и организаций в квалифицированных кадрах.

Учитывая всю сущность кадровой политики и по тенденциям международного опыта, нужно разработать надежную нормативно-правовую базу в нашей стране. По Указу Президента Шавката Мирзиёева 3 октября 2019 года «О мерах по кардинальному совершенствованию кадровой политики и системы государственной гражданской службы в Республики Узбекистан» разрабатываются главные задачи для повышения эффективности государственной гражданской службы, обеспечения потребностей государственных органов и организаций в квалифицированных кадрах

В заключение исходя вышеуказанных фактов, для реализации новой концепции кадровой политики, важно обеспечить качественную и эффективную реализацию стратегических целей развития страны, повесить престиж государственной службы, укомплектовать государственный аппарат высокопрофессиональными, квалифицированными и компетентными специалистами, повысить эффективность системы государственного управления.

Список использованной литературы:

1. Нестерова И.А. Государственная кадровая политика 27.06.2018 // Энциклопедия Нестеровых- <http://odiplom.ru/lab/gosudarstvennaya-kadrovaya-politika.html>
2. Конституция Республики Узбекистан. Ташкент «Узбекистан» 2019 год
3. Указ Президента республики Узбекистан «О мерах по кардинальному совершенствованию кадровой политики и системы государственной гражданской службы в Республики Узбекистан» № УП-5843 3.10. 2019 года <http://lex.uz/ru/>
4. Стратегия действий по развитию Узбекистана в 2017-2021 годах предусматривает разработку и принятие 17 законов в сфере государственного и общественного строительства”. 28 марта 2017 год. Автор Газета “Uzbekistan today” <https://lex.uz/docs/3107042>
5. Закон Республики Узбекистан «Об административных процедурах», № ЗРУ-457 08.01.2018 <http://lex.uz/ru/>
6. Закон Республики Узбекистан «О государственной власти на местах» № 913-ХП 02.09.1993 <http://lex.uz/ru/>
7. “Кадровая политика в эпоху информатизации.” 20 июля 2018 год. Автор Фируз Сафаев.

ДАВЛАТ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ЎТКАЗИШ ВА УНИ ХУЖЖАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада давлат тиббиёт муассасаларида инвентаризация ўтказиш ва уни ҳужжатлаштириш жараёнидаги муаммоларни бартараф қилиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.*

***Калим сўзлар:** инвентаризация, тиббиёт муассасаси, ҳужжатлаштириш, давлат бюджети, молиявий ҳисобот, ҳисобот йили, баланс, асосий восита, номоддий актив.*

Мамлакатимиз аҳолисининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий химояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ҳар томонлама шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳам мамлакатимиз тиббиёт соҳасининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида:

аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётимиз муҳим масаладир. Такрор айтаман, тинчлик ва соғлиқни таъминласак, қолган ҳамма нарсага эришамиз” деган фикрлари ҳам соғлиқни сақлаш соҳасига алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолат беради.

Маълумки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган давлат тиббиёт муассасалари давлат дастурига мувофиқ таъмирланиб, илғор тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда. Натижада аҳолига сифатли ва арзон тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Бу мамлакатимиз аҳолига қулайлик яратиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаш билан биргаликда, ушбу тиббиёт муассасалари раҳбарларига масъулият ҳам юклайди. Чунки, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш зарур. Муассасалар балансидаги ҳар бир товар –моддий бойликларининг бут сақланиши, ўз вақтида ҳисобот шаклларида акс эттириши учун жавобгар шахслар амалдаги норматив –ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ раҳбар ва бош ҳисобчи ҳисобланади.


Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган тиббиёт муассасалари йиллик молиявий ҳисоботларини тузишдан олдин, ҳисобот маълумотларининг ишончилигини таъминлаш мақсадида инвентаризация ўтказиши муҳим аҳамиятга эга.

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартида белгиланади².

Агар бухгалтерия балансининг барча моддалари тўлиқ инвентаризация қилинмаган ҳамда бундай инвентаризация натижалари молиявий ҳисоботга киритилмаган бўлса, молиявий ҳисоботдаги маълумотлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Давлат тиббиёт муассасаларида инвентаризацияни ҳар бир бухгалтерия объектлари бўйича ўтказиш тартиби ва унинг қоидалари 19-сонли “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” номли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Инвентаризацияни ўтказишдан мақсад муассаса балансида акс эттирилган барча активлар ва мажбуриятларни ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириш, ҳисоб маълумотлари билан солиштириш ҳамда ҳақиқатда мавжудлигини аниқлашдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилади (1-чизма).



1-расм. Инвентаризацияни ўтказишнинг асосий вазифалари²

Албатта, юқоридаги вазифаларни бажаришдан олдин инвентаризация комиссиясига муассаса бухгалтерия ходимлари томонидан бухгалтерия ҳисобининг барча маълумотлари тўлиқ қоғоз вариантда тақдим этилади.

Ушбу стандартга асосан инвентаризация қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, шунингдек, давлат корхонаси ўзгартирилган (давлат тасарруфидан чиқарилган) чоғда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда;

- йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, бундан инвентаризацияси ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин ўтказилган мол-мулк мустасно.

² Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, 16-модда

Давлат тиббиёт муассасаларининг ҳисоб сиёсатида ҳам инвентаризация ўтказишнинг тартиби ва муддатлари аниқ кўрсатилиши зарур деб ҳисоблаймиз ва қуйидаги “Давлат тиббиёт муассасаларида инвентаризация ўтказиш графиги”ни таклиф қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

Давлат тиббиёт муассасаларида инвентаризация ўтказиш графиги³

№	Инвентаризация объектлари	Инвентаризацияни ўтказиш вақти	Инвентаризация ўтказиш даври
1	Асосий воситалар ва номоддий активлар	Ҳар йили декабрь ойи	Йилда бир мартаба
2	Пул маблағлари, пул ҳужжатлари, қийматликлари ва қатъий ҳисобдаги бланклар	Ҳар ойнинг охириги беш кунда	Ҳар ойда бир мартаба
3	Ёнилғи-мойлаш материаллари; дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари; озиқ-овқат маҳсулотлари	Ҳар чорак охириги ойнинг 25-30-саналарида	Ҳар чоракда бир мартаба
4	Бошқа товар-моддий захиралари	Ҳар йили июнь ва декабрь ойлари	Йилда икки мартаба
5	Моддий жавобгар шахслар алмашганда	Буйруқда кўрсатилган муддатда	Йил давомида
6	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар	Ҳар чорак охириги ойнинг 25-30-саналарида	Ҳар чоракда бир мартаба
7	Барча товар моддий қийматликлари бўйича тасодифий инвентаризация ўтказиш	Буйруқда кўрсатилган муддатда	Зарурият юзасидан муассаса раҳбари буйруғига асосан

Ҳисобот йилидаги инвентаризациялар сони, уларни ўтказиш санаси, активлар ва мажбуриятлар рўяхати муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши керак. Ҳисоб сиёсатида инвентаризация билан боғлиқ барча жараёнлар тўлиқ камраб олинади.

Инвентаризацияни ўтказиш учун муассаса раҳбарининг буйруғи билан доимий ишлайдиган қуйидаги таркибдаги инвентаризация комиссияси тузилади:

- тиббиёт муассасасининг раҳбари ёки унинг ўринбосари (комиссия раиси);
- бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари (бош бухгалтер);
- бош ҳамшира;
- иқтисодчи;
- провизор;
- хўжалик ишлари бўйича масъул ходим;
- ходимлар билан ишлаш бўлими ходими (ходимлар бўлими бошлиғи);
- тиббиёт муассасаси бўлимларининг мудирлари (бўлимлар кесимида);
- бўлимларнинг хўжалик бекалари (бўлимнинг моддий жавобгар шахси);
- бош ошпаз (ошхона бўйича масъул шахс);
- техник ходим (электрик; сантехник);
- кассир (касса операцияларини бажариш вазифаси юклатилган шахс);
- омбор мудир.

Инвентаризацияни ўтказишда комиссиянинг ҳаттоки бир нафар аъзоси йўқ бўлса, бу ҳол инвентаризация натижаларини ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Инвентарлаш натижалари 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» билан белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Аниқланган ва ҳисобланган активлар ва мажбуриятлар ҳақидаги маълумотлар инвентаризация рўйхатлари ва далолатномаларига киритилади. Масалан, асосий воситалар бўйича маълумотлар 19-сон БҲМСга 6-иловага кўра объектнинг асосий вазифасига мувофиқ номлари бўйича инвентаризация рўйхатида, товар-моддий бойликлар бўйича – 8–11-иловаларга мувофиқ рўйхатлар ва далолатномаларда қайд этилади. Бунда фойдаланишга яроқсиз ва тиклаб бўлмайдиган активлар алоҳида рўйхатга киритилиб, унда уларни сотиб олиш, фойдаланишга топшириш вақти ва ушбу объектларни яроқсиз ҳолга келтирган сабаблар (шикастланиш, тўлиқ эскириш ва ҳоказолар) кўрсатилади.

Рўйхатлар камида 2 нусхада тузилади ва инвентаризация комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Моддий жавобгар шахслар рўйхатда қайд этилган барча бойликлар уларнинг гувоҳлигида текширилгани, улар томонидан масъул сақлашга қабул қилингани ва комиссияга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлиги ҳақида тилхат берадилар.

Инвентаризация якунлангандан кейин рўйхатлар активлар ва мажбуриятларнинг амалдаги қолдиқларини ҳисоб маълумотларига кўра уларнинг қолдиқлари билан солиштириш учун бухгалтерияга берилади.

Давлат тиббиёт муассасасининг бухгалтерияси инвентаризация рўйхатларидаги барча ёзувларнинг тўғрилигини синчиклаб текширади. Нархлар, таксировка, ҳисоблашдаги ва ҳ.к. хатолар комиссиянинг барча аъзолари имзоси остида тузатилади.

Инвентаризация натижаларига кўра бухгалтерия солиштириш қайдномаларини тузади. Уларда инвентаризация рўйхатларидаги маълумотлар бухгалтерия ҳисобидаги тегишли маълумотлар билан солиштирилади. Шу ернинг ўзида инвентаризация натижалари – ортиқча ва камомадлар чиқарилади. Барча маълумотлар натура ва пул ўлчовида, ҳисобда қабул қилинган классификацияда кўрсатилади. Солиштириш қайдномаларига фақат ҳисобдаги маълумотлардан фарқлари аниқланган бойликлар бўйича маълумотлар қайд этилади. Фарқлар ҳам инвентаризацияда аниқланган натижалар қайдномаларига киритилади.

Инвентаризация комиссияси активлар ва мажбуриятлар камомади ва ортиқчаси сабабларини белгилайди, айбдор ва масъул шахсларни аниқлайди, улар комиссияга фарқ сабаблари ҳақида ёзма тушунтириш берадилар. Комиссия хулосалари, таклифлари ва қарорлари корхона раҳбари тасдиқлайдиган баённома билан расмийлаштирилади. Йиллик инвентаризация натижалари йиллик молиявий ҳисоботда акс эттирилади.

Инвентаризация вақтида аниқланган активлар ва мажбуриятлар ҳақиқатда мавжудлиги билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги тафовут “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида”ги низомга (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) мувофиқ акс эттирилади.

Инвентаризацияни ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштиришда бизнинг фикримизча куйидагиларга эътибор бериш лозим:

- инвентаризация ўтказиш жараёнида ташкилотнинг ҳар бир моддий жавобгар шахсига бириктирилган товар –моддий бойликларининг рўйхатининг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилигига;

- инвентаризация натижалари тўғрисидаги далолатномаларни моддий жавобгар шахслар билан биргаликда расмийлаштирилишига;

- инвентаризация натижасида аниқланган активлар ва мажбуриятларнинг камомад ва ортиқча чиққан суммаларини бухгалтерия ўтказмаларида тўғри акс эттирилишига.

Чунки, инвентаризациянинг давлат тиббиёт муассасаларида ўз вақтида, тўғри ўтказилиши ҳамда ҳужжатлаштириши, уларнинг молиявий натижаларига бевосита таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 30 август, ЎРҚ-279-И-сон (Янги таҳрир. 2016 йил 13 апрель ЎРҚ-404-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон.

3. “Ҳисоб сиёсати” номли Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1 – сонли БҲС). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли томонидан 2016 йил 27 декабрда 2853–сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.//www.lex.uz.

4. “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сонли БҲМС). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.//www.lex.uz.

5. “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.//www.lex.uz.

6. Мирзиёев Ш.М. “Олий Мажлисга Мурожаатнома” 2018 йил 28 декабрь.//www.president.uz.

7. Mehmonov S.U., Kuliboyev A.Sh. Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg'armalari hisobi. Oquv qo'llanma. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. -192 b.

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич
юридик фанлар доктори, доцент
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада давлат фуқаролик хизматиغا қабул қилиш мазмуни, унинг ҳуқуқий асослари, давлат хизматиغا қабул қилишнинг талаблари ва усуллари таҳлил этилган. Шунингдек, фуқароларни давлат фуқаролик хизматиغا қабул қилишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришига қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кадрлар сиёсати, давлат фуқаролик хизмати, давлат хизматчиси, фуқаро, мансабдор шахс, қонунийлик, танлов, одоб-ахлоқ, жавобгарлик.

Мамлакатимизда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш давлат бошқарувини самарали ташкил этишнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Амалда давлат хизматини тартибга солувчи ягона қонун бўлмаса ҳам бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат-хизматиغا оид муносабатларни тартибга солувчи нормалар ўз аксини топган.

Мамлакатимиз Асосий қонунида давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи халқ эканлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Мазкур давлат тузилмаларидаги профессионал фаолият давлат хизмати ҳисобланиб, унга кириш барча фуқаролар учун очик ҳисобланади.

Давлат хизмати моҳиятига кўра оммавий-сиёсий аҳамият касб этиб, фуқароларнинг ундаги иштироки уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва шахсий ҳуқуқларини амалга оширишларини талаб этади. Буни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасидаги нормадан кўриш мумкин. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Шундан кўринадики, давлат хизматига фуқароларнинг ёлланиши ёки мансабларни эгаллаши бир қатор аниқ механизмлар орқали амалга ошади. Бунинг учун фуқаролар муайян ҳуқуқий, ташкилий талабларга жавоб бериши, ўзига юклатилган хизмат масъулиятини бажариш лаёқатига эга бўлиши лозим. Бугунги кунда кўпгина мамлакатларда давлат хизматига кириш учун бир қанча талаблар белгиланган бўлиб, улар мазмунан ўхшашдир. Яъни, бунга кўра шахс тегишли мамлакатнинг фуқароси бўлиши, ўн саккиз ёшга тўлган бўлиши, давлат тилини яхши билиши, тегишли касб маълумотига эга бўлиши ва давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган бошқа талабларга жавоб берадиган бўлиши шарт.

Мамлакатимизда ҳам давлат хизматига киришда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиш талаб этилади. Қайд этиш жоизки, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари билан ўрнатилган тартибда давлат фуқаролик хизматчиси лавозимини эгаллаши мумкин.

Фуқароларнинг давлат хизматига қабул қилиш жараёни ҳам замон талаблари даражасида такомиллашувни талаб этади. Масалан, бугунги кунда давлат хизматига қабул қилишда номзодларнинг аниқ натижаларга йўналтирилган компетенцияларни эгаллаши талаб этилади. Бундан ташқари, мазкур жараён ҳам юқорида даражада шаффоф амалга оширилиши, ушбу йўналишда ҳам жамоатчилик назоратини кучайтириш талаб этилади.

Мамлакатимизда давлат хизматини янада такомиллаштириш 2017 йил 8 сентябрда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида аниқ вазифа сифатида белгиланган [1]. Унга кўра, давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан, ҳуқуқий мақоми, давлат хизматчиларининг классификацияси, хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарур.

Ушбу Концепцияни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [2] ва “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори [3] қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар асосида давлат хизматини янада такомиллаштириш ва ислох қилишнинг бир қатор устувор йўналишлари белгиланганди. Улар орасида давлат хизматига очиқ мустақил танлов асосида қабул қилиш, бу номзоднинг барча устунликлари ва афзалликларини, шу жумладан унинг ахлоқий ва ватанпарварлик фазилатларини ҳолисона баҳолаш мезони алоҳида қайд этилган.

Умуман олганда, шахсларнинг давлат хизматига қабул қилинишида конституциявий принципга амал қилинади, яъни, барча фуқаролар учун, уларнинг қобилияти ва касбий тайёргарлигига мувофиқ, давлат хизматига кириш учун тенг имкониятлар яратиб берилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 6-моддасига мувофиқ барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадирлар, деб мустаҳкамланган.

Давлат фуқаролик хизмати давлат фуқаролик хизматчиларнинг профессионал (касбий) фаолияти бўлиб, у бир нечта ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинади. Яъни, давлат хизматчиси фаолияти конституциявий, маъмурий, молиявий, меҳнат ва бошқа соҳавий қонунчилик ҳужжатлари билан ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. Ҳуқуқшунос С.В. Орешиннинг фикрича, “Давлат фуқаролик хизматчиси ва давлат органи ўртасидаги хизмат-шартномавий муносабатлари давлат-хизмат муносабатларининг алоҳида қисми ҳисобланиб, у хизмат шартномаси асосида вужудга келади ва ушбу муносабатлар бир вақтнинг ўзида маъмурий, меҳнат ҳамда халқаро меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади” [4].

Қайд этиш ўринлики, давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини ташкил этишда меҳнат қонунчилиги асосида (меҳнат-ҳуқуқий ёндашув) тартибга солиш ёки давлат-хизмат соҳасидаги қонунчилик (маъмурий-ҳуқуқий ёндашув) асосида тартибга солиш бўйича олимлар ўртасида илмий мунозара мавжуд.

Мазкур мавзуда тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос Л.А Чиканова давлат фуқаролик хизмати давлат хизматининг бир тури эканлигини ва давлат органларининг вазифа ва функцияларини таъминлашга йўналтирилганлиги ўринли қайд этади. Шунингдек, у давлат фуқаролик хизматчиси давлат фуқаролик хизматига тайинлов ҳужжати асосида қабул қилинадиган ҳамда касбий хизмат фаолиятини хизмат шартномасига асосан амалга оширишини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, у давлат фуқаролик хизматчисининг касбий фаолияти давлат бошқарувини таъминлашга қаратилган меҳнат фаолияти эканлигини таъкидлайди [5].

Биз нега бу масалага алоҳида тўхталдик? Чунки давлат фуқаролик хизматини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини аниқлаш унга қабул қилишнинг ҳам тартибини аниқлашга ёрдам беради. Қонунчиликка кўра, давлат фуқаролик хизматига қабул қилишда асосан меҳнат қонунчилиги ва тармоқ қонунчилиги (айрим ҳолларда) қўлланилади. Шунга мувофиқ, ишга қабул қилиш фуқаронинг мурожаати асосида иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Давлат хизматида кадрларни танлаш жараёни тақдим этилаётган малакавий талаблар, мезонлар ва ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ амалга оширилади. Давлат хизматида қабул қилиш жараёнида ҳар қандай камситишларга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 78-моддасига мувофиқ ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб уч кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Асослантирилган жавоб бериш ҳақидаги талабларни қондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишига тўсиқ бўлмайди.

Давлат хизматини ўташ узоқ давом этувчи жараён бўлиб, давлат-хизмат муносабатлари вужудга келиши билан бошланади, яъни хизматчини давлат аҳамиятига молик лавозимга тайинлаш вақтидан бошланади ва бир қатор жараёнларни ўз ичига олади: синов муддати, аттестация, мунтазам равишда малака ошириш ва қайта тайёрлаш, рағбатлантириш ва жавобгарлик, истеъфо ёхуд нафақага чиқиш.

Давлат хизматини ўташ давлат хизмати мақсадларини амалга оширишга қаратилган фаолиятдир. Шу сабабли, мазкур тушунчани таърифлаш бўйича кўплаб фикрлар илгари сурилган. Бир гуруҳ олимларнинг билдиришича, “Давлат хизматини ўташ – давлат хизматчисининг ҳуқуқий ҳолатига таъсир кўрсатувчи юридик фактлар ва ҳокимият субъектлари индивидуал актларининг тизимидир. У давлат лавозимини эгаллаб турган шахснинг хизмат ҳолатининг ўсишидир” [6]. В.В. Черепановнинг фикрига кўра, “Давлат хизматини ўташ – хизмат ўташнинг асосий мазмуни, босқичлари, тартиб ва жараёнларини белгилаб берувчи ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий чора-тадбирлар тизими ҳисобланади. Давлат-хизмат ваколатларини амалга ошириш жараёнида, давлат ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатлар мажмуи мужассам этилган” [7].

Давлат хизматини ўташдан мақсад, авваламбор, давлатнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш механизми сифатида, давлат хизмати институтининг, самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш; давлат хизматчисининг хизмат бўйича ўсиш ҳуқуқини амалга ошириш ва, бунда, ўз билим, малака ва қобилиятларидан эркин фойдаланиш.

“Давлат хизматини ўташнинг асосий белгиси – бу давлат лавозимини эгаллашдир” [8]. Давлат лавозимини эгаллаш фуқаронинг мансаб ҳуқуқлари, мажбуриятлари, чекловлар ва ҳуқуқий жавобгарликнинг субъектига айланганидан далолат беради. Давлат лавозимларини эгаллашда қонунчиликда ўрнатилган ҳолларда баъзи бир чекловлар ўрнатилиши мумкин.

Жумладан, фуқаролар куйидаги ҳолларда давлат хизматида бўлиши ёки давлат лавозимини эгаллаши мумкин эмас:

фуқаро суд ҳукми билан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса;

суд томонидан фуқаронинг белгиланган муддатда давлат лавозимини эгаллаши тақиқланган бўлса;

тиббий муассасанинг хулосасига кўра, давлат мажбуриятларини бажаришга нолойик бўлса;

ўзаро яқин қариндошларнинг бўйсунуви асосида давлат хизматини битта давлат органи (корхонаси) да ўташи ва бошқа ҳолатлар.

Давлат фуқаролик хизматида лавозимларни эгаллашнинг асосан иккита тури қўлланилади:

1). Лавозимига тайинлаш орқали давлат фуқаролик хизматида кириш. Ушбу тайинлов тайинловни амалга оширувчи органнинг мустақил танлови ёки билдирилган тавсия (тақдимот)га кўра амалга оширилади.

2). Танлов асосида давлат фуқаролик хизматида кириш. Бу қонунчиликка кўра бўш лавозимлар бўйича қилинган эълонга кўра, барчага эълон қилинган шартлар асосида номзодлар ичидан муносибларини танлашга асосланади.

Албатта кадрларни жой жойига қўйишнинг иккита турида ҳам ижобий ва камчилик жиҳатлари мавжуд. Бироқ кўплаб мутахассислар танлов асосида кадрларни давлат хизматида қабул қилишни маъқул кўришади. Жумладан, Е.А.Литвинцеванинг фикрича, танлов асосида бўш ўринларига кадрларни жалб этиш ташкилотларни сифатли кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади [9]. Яна бир мутахассис Ф.У.Юлдашеванинг фикрича, танлов асосида давлат фуқаролик хизматида қабул қилиш мазкур жараённинг холислигини таъминлаб, давлат хизматида нисбатан юқори малакали кадрларни жалб этиш имкониятини оширади. Шунингдек, давлат фуқаролик хизматининг жозибадорлиги ошишига замин яратади [10].

Шундай қилиб, давлат фуқаролик хизматида киришга оид тартибларни янада такомиллаштириш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

малакали давлат хизматчилари заҳирасини шакллантириш тартиби муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, ушбу муносабатларни аниқ белгилаб берувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

фуқароларнинг давлат хизматида киришида улар учун тенг ҳуқуқларнинг кафолатланишига оид механизмларни мустаҳкамлаш;

давлат фуқаролик хизматидаги лавозимлар ҳақидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш, шунингдек мансаб поғоналари бўйича ўсишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш;

давлат фуқаролик хизматида қабул қилишда махсус давлат имтиҳонлар ўтказишни жорий этиш ҳамда уни ўтказишга масъул органни белгилаш;

давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқига оид масалаларни кўриб чиқадиган махсус ваколатли органни белгилаш;

давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муассасаларида давлат хизматчилари одоб-ахлоқига оид махсус ўқув курслари ўқитилишини йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, давлат фуқаролик хизматида қабул қилишда холис ва қатъий мезонлар асосида шаклланган механизмларни жорий этиш давлат фуқаролик хизматида янада малакали кадрлар корпусини шакллантиришга ёрдам беради. Шунингдек, давлат хизматида соғлом муҳит қарор топишига, давлат хизматларининг сифатини оширишга, ижтимоий-ҳуқуқий барқарорлик янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 07/19/4472/3906-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 07/19/4472/3906-сон.

4. Орешин С.В. Правовое регулирование служебно-контрактных отношений в государственной гражданской службе Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2012. – С. 9.

5. Чиканова Л.А. Применение трудового законодательства к служебным отношениям на государственной гражданской службе: Теория и практика: Автореф. дисс. докт. юрид. наук. – Москва, 2005. – С. 8-9.

6. Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. - Т.: “Akademiya”, 2005. - Б. 84.

7. Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. - С.167.

8. Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. Б.232.

9. Литвинцева Е.А. Проблемы реализации конкурсных процедур в системе государственной гражданской службы // Социология власти. 2009, № 5. - С. 140-148.

10. Юлдашева Ф.У. Давлат фуқаролик хизматчиларнинг вакант лавозимларини эгаллаш учун танлов ўтказиш тартиби // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали | Журнал правовых исследований | Journal of law research. Махсус сон. 2019. – Б. 63.

**II СЕКЦИЯ. ТАЪЛИМ - ИЖТИМОЙИ РИВОЖЛАНИШ
СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ЕТАКЛОВЧИ ОМИЛ**

Алламбергенова Мухаббат
педагогика фанлари номзоди, доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти,
Казбекова Эльвира
магистр
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЁНДАШУВЛАР

Аннотация: Ушбу мақолада таълим сифатининг юқори даражада бўлишини таъминлашга йўналтирилган ёндашувлар, таълим олувчиларнинг билиш жараёни компетенцияларини ривожлантириш, “компетенция”, “компетентлик” тушунчалари, таълим олувчиларда билиш жараёни компетенцияларини ривожлантириш стратегиялари ҳақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: таълим-тарбия, билим, кўникма, малака, компетенцияли ёндашув, компетенция, педагогик технология, методика, мустақил таълим, лойиҳалаш

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш, шу билан бир қаторда ҳаётнинг барча соҳаларида янгидан-янги ютуқларга эришиш бугунги куннинг долзарб вазифалари ҳисобланади.

Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, аммо таълим тизимини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш биздан ташаббускорлик, тadbиркорлик, ижодкорлик ва мустақиллик кўрсатишни талаб этмоқда.

Ижтимоий тараққиётнинг замонавий босқичи узлуксиз таълим тизими олдига ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш вазифасини қўймоқда. Шу боис республикамизда таълим сифати ва мазмунини такомиллаштириш, уни илғор ғоялар билан бойитиш, бу даврда таълим олувчиларнинг чуқур билим олишларига имкон берувчи моддий-техник базани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар таълим сифатининг юқори даражада бўлишини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишда муваффақиятни белгилувчи асосий омиллардан бири – таълим олувчиларнинг замонавий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлиги ҳамда уларнинг билиш жараёни компетенцияларини ривожлантиришни илмий тадқиқ қилиш ҳисобланади. Чунки ижодкор, мустақил фикрловчи шахсларни тарбиялаш вазифалари фақат таълим тизимида амалга оширилади. Бу ўз ўрнида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда, чунки мукамал таълим тизими республикамизнинг келажакдаги интеллектуал имкониятларини ва ривожланишини белгилаб берувчи таълим олувчиларни ҳар томонлама ижодкор, мустақил фаолият юритадиган қилиб тарбиялашда ҳал қилувчи рол ўйнайди [1].

Бугун республикамиз таълим тизимида инновацион технологияларга асосланган таълим тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаол ва малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашни жаҳон андозалари даражасига чиқариш масалаларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Таълим соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик уларнинг жаҳон таълим стандарти талаблари билан мослиги ва таълим олувчиларнинг ўзлаштирган компетенциялари қайдаражада амалиётга татбиқ қилинаётганлигига боғлиқ.

Таълим тизимидаги муаммоларни ўрганиш ва таҳлиллар замонавий таълим олувчиларнинг компетенциялари тезкор ривожланаётган таълим жараёнларининг талабларидан орқада қолаётганини кўрсатмоқда. Бу ҳолат педагогик таълимни

ривожлантириш ва узлуксиз таълим жараёнида таълим олувчиларда билиш жараёни компетенцияларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблигини кўрсатади.

Юқорида билдирилган фикрлар асосида таълим олувчиларда билиш жараёни компетенцияларини **ривожлантириш стратегияси** куйидаги йўналишларда амалга ошади, деб ҳисоблаш мумкин:

- таълим олувчилар эътиборини масалани ҳал қилишда қўлланилган усулнинг кенг қамровлигига қаратиш;

- таълим олувчиларда компетенцияларни ривожлантиришни дарснинг мақсади сифатида эмас, дарсда қўйилган вазифани янада самарали ҳал қилишга қаратилган янги йўл, имконият сифатида қараш;

- таълим олувчилар ўзлари мустақил хулоса чиқариб топадиган янги ғояларга ижодкорлик дарсларининг асосий маҳсули сифатида қараш;

- ахборотларни йиғиш, таҳлил ва талқин қилишга компетенцияларни ривожлантиришнинг муҳим жиҳати сифатида қараш;

- шахс компетенцияларни ривожлантиришни таълим муассасаларида ўтказиладиган машғулотларнинг муҳим, қамрови жиҳатидан дарс ва дарсдан ташқари машғулотлардан ҳам ташқарига чиқадиган масала сифатида қараш.

Халқаро педагогик амалиётда таълим олувчиларда билиш компетенцияларини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизмларини лойиҳалаштириш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан илмий асослаш муҳим ҳисобланади. Бу давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларининг ривожланиш даражаси билан таълим олувчиларда билиш жараёни компетенцияларини ривожлантириш жараёнлари субъектлари (таълим олувчи ва педагоглар)нинг шахсий хислатлари ва касбий қобилиятларини ривожлантириш даражаси ва илмий-методик таъминот ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш билан боғлиқдир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимида чет тиллар бўйича Давлат дастурларини тасдиқлаш тўғрисида”ги [3] қарори асосида мамлакатимизда янги типдаги Давлат таълим стандартларига “компетенция” сўзи киритила бошланди. Бунинг асосий сабаби, БМТ томонидан умумэтироф этилган “Барқарор ривожланиш таълими”да унинг барча турлари ёки босқичларида тайёрлов давлат талаблари таълим олувчининг “компетентлик даржаси”га эриштиришдан иборат.

Компетенция кенг қамровли тушунча бўлиб, у инглизча “competence”, яъни “маҳорат”, “қобилият” муайян бир соҳада билимли, тажрибали деган маъноларни англатади [4].

Компетенция – шахсни муайян бир маҳорат ва қобилият даржасига ёки тажрибасига эгаллиги. Уни шахс ҳаёти фаолиятининг турли жабҳалари, жумладан таълим учун ҳам ишлатиш мумкин. Мазкур тушунча таълимга илк бор ЮНЕСКО ташкилоти қошида тузилган Э.Фор бошчилигидаги комиссиянинг 1972 йилдаги “ўқимок” деган маърузаси орқали кириб келган [5].

Комиссия ўзининг “Ҳаёт учун таълим” концепцияси, яъни қарашлар тизимида, узлуксиз таълим жараёнида шахс компетентлигини куйидаги даражада баҳолашни таклиф қилган: билимлардан фойдаланмоқ, ишни бажармоқ, биргаликда яшамок ва ривожланмоқ. Бу компетентлик даражасини эгаллаш шахснинг бутун ҳаёт фаолияти давомида амалга оширилади ва унга шахсий ёки касбий муаммолар туғилган тарзда таълим олиш имкониятини беради. Лекин, ҳанузгача унинг асл маъносига оид жуда кўп фикр ва мулоҳазалар мавжуд. **Биринчиси**, назарий жиҳатдан олган билимларини амалда қўллай олиш, деб тушунча бериш. Айтиш мумкинки, компетенция – бу назарий олган билимларини амалда қўллай олиш эмас. **Иккинчиси**, компетенцияни билим, кўникма ва малакалардан ажратиб кўрсатиш. Бу ҳам компетенцияни нотўғри талқин қилишдир [6].

Ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малакаларнинг ўзи компетенциянинг тизимлашган элементларидир.

Таълим олувчиларда билиш компетенцияларини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда илғор педагогик тажрибалар ва замонавий ўқитиш воситалари, энг самарали

ҳисобланган методлар ва ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш зарур ҳисобланади. Бунда таълим олувчиларнинг мустақил ва самарали фикрлашининг муҳим механизми сифатида **инновацион ёндашув** ўзига хос аҳамият касб этади. Бунда таълим олувчилар ўз фаолиятини ўзи таҳлил қилиши ва объектив баҳолаши ҳамда педагоглар эса мавжуд таълимий вазиятларни ўз вақтида таҳлил қилиб бориши ҳамда таълим олувчиларнинг ўз тушунчалари, ҳатти-ҳаракатларини фаол ўйлаб кўриши учун шарт-шароитлар яратилади.

Таълим олувчиларда билиш компетенцияларини ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда **шахс-фаолият ёндашуви** ҳам зарур ҳисобланиб, бу ёндашув таълим олувчилар рефлексив фаолиятини ташкил этиш жараёнида уларнинг фаоллигини таъминлаш ва аниқ мақсадларга кўра уларни мотивлаштириш воситаси сифатида вужудга келади.

Таълим олувчиларда билиш компетенцияларини ривожлантириш жараёнлари самарадорлигини аниқ вазиятларга кўра баҳолаш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, мазкур жараён самарадорлигини таъминлашда вақт ўтиши билан вужудга келаётган вазиятларга кўра таълим олувчилар рефлексив фаолиятини мувофиқлаштириб бориш **вазиятли ёндашувни** ифодалайди. Бунда бошқарилувчи объект ҳисобланаётган билиш жараёни компетенцияларини ривожлантириш жараёнларининг аниқ шароитдаги ички ва ташқи вазиятига қараб таълим олувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш мазкур жараён самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади[2].

Таълим олувчиларда билиш компетенцияларини ривожлантириш самарадорлигини ошириш, кўзланган мақсадга эришишда жалб этиладиган сарф-харажатларнинг меъёрдан ортмаслигини таъминловчи, таълим олувчиларнинг имконияти, қобилияти ва тушунчаларига ҳамда мавжуд вазиятлар ва шарт-шароитларга мос келувчи, энг қулай бўлган тизимни вужудга келтириш **мувофиқлаштирилган ёндашувни** жорий этишдир. Унинг таълим олувчиларда мазкур компетенцияларни ривожлантириш жараёнларига татбиқ этилиши натижасида таълим олувчиларнинг фаоллигини ҳамда билиш компетенцияларини ривожлантириш жараёни самарадорлигини таъминлаш учун сарф этиладиган меҳнат ва вақт тежалани, уларнинг фаоллиги таъминланади ва самарадорлиги ошади.

Демак, таълим сифатининг юқори даражада бўлишини таъминлашга йўналтирилган ёндашувларни амалга ошириш ва ўқув амалиётига жорий этишда қуйидагиларни муҳим деб ҳисоблаймиз:

- ўрганилаётган компетенцияларнинг компонентли таркибининг психологик-педагогик характеристикасини аниқлаш билан «билиш компетенцияси» тушунчаси моҳиятини аниқлаш;

- таълим олувчиларнинг билиш компетенцияларини мустақил ишларни ташкил этиш асосида ривожлантиришнинг педагогик вазифи (таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятларини ўрганиш, машғулотларни аниқ мақсадга асосланувчи лойиҳа асосида ташкил этиш, билиш компетенцияларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш, унга имкон берувчи объектив ва субъектив омилларни ўрганиш)ларини аниқлаш;

- назарий қоидаларнинг таҳлиliga асосланган ҳолда таълим олувчиларнинг мустақил иш фаолиятида ўқув-билиш компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик шартлари: босқич (тайёргарлик, операцион-фаолиятли, якуний-рефлексив)лар кетма-кетлигига амал қилиш;

- таълим олувчиларни лойиҳалаш фаолиятига жалб этиш;

- ностандарт муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни бартараф этиш методларини шакллантириш;

- портфолиодан таълим олувчиларнинг билиш компетенцияларини ривожлантириш ва баҳолаш инструменти сифатида фойдаланишни илгари суриш ва унинг самарадорлигини исботлаш;

- таълим олувчиларнинг билиш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган мустақил ишларни ташкил этишнинг методика ва методларини тизимлаштириш;

- таълим олувчиларнинг билиш компетенциялари ривожланганлигини асословчи компонент (мотивацион, когнитив, операционал-технологик, рефлексив-баҳолаш)лар кўрсаткичлари ва мезонларини аниқлаш.

Ушбу долзарб вазифаларни амалга ошириш узлуксиз таълимда фаолият юритувчи педагоглардан касбий маҳоратни, ўз устида мунтазам изланиш, замонавий ўқитиш методика ва методларидан хабардор бўлиш, таълим сифатининг юқори даражада бўлишини таъминлашга йўналтирилган ёндашувларга амал қилиш кабиларни талаб этади. Бу эса ўз навбатида таълим олувчиларнинг билиш жараёни компетенцияларини ривожлантиришида муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. У.И.Иноятов Замонавий электрон дидактик воситаларни яратиш, таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш долзарб ижтимоий-педагогик муаммо. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент, 2018. – Б.3.

2. М.Алламбергенова., Б.Тлегенов Муаммоли ўқитишнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Тошкент: Fan va texnologiya, 2019. – 11,5 б.т.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2013. 20-сон, - Б. 251.

4. Компетенция. Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча луғат. –Тошкент: «Педагог», 2007;

5. Словарь иностранных слов. - Москва: «Академия», 2014.- С.191.

6. Ермаков Д.С.. Компетентный подход в образовании // Педагогика. № 4. -М., 2011.- С. 8-15.

6. Chomsky N. Fspekt of the theory of syntax. Cambridge. - P.198-199.

Давлатова Адиба

филология фанлари номзоди, доцент

Тошкент давлат Чирчиқ давлат педагогика институти

ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА БАДИИЙ АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

***Аннотация.** Муайян асарнинг ёзилиши ва бу жараёнда ижодкор биографиясидаги омилларни муштарак ўрганиш ижодкор дунёқараши ҳамда концепциясини белгилашда муҳим восита саналади. Мунаққид ижод психологиясини тадқиқ этиш натижасида, муайян ижодкор шахсий, илмий ва ижтимоий дунёқараши, хуллас ижодкор портретини ҳам яратади. Ушбу мақолада Абдулла Ориповнинг “Ранжком” достони таҳлил қилинган ва ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти кўрсатилган.*

***Калим сўзлар:** дoston, биографик метод, жанр, руҳий-ҳиссий кечинма, талқин, ижодкор, образ, психобиография.*

Бадий адабиёт пайдо бўлгандан бери шеърят гулшани ҳам турли ифор ва саслар билан бойиб бораверди. Бадийят олами биологлар таъбири билан айтганда, даврларнинг табиий танланиш имтиҳонидан омон ўтган асарларнигина ўз қобиғида асраб қолади.

Шеърят бевосита инсон руҳиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатиш кучига эга. Шунинг учун замонлар ўтса-да, “шеър ва шоирлик” оддий ўқувчи учун ҳам, сўзнинг нафосатию балоғатини теран англовчи адабиётшунос учун ҳам ўз актуаллигини йўқотган эмас. Инсон шоир бўлиб яратилади, лекин шеършунос бўлиб етишади. Агар Яратган кимгадир соҳир сўз, уйғоқ юрак, юксак истеъдод ато этган бўлса, ҳасаднинг “қора кувёш”и уни ҳеч қачон бекита олмайди. Ижодкорнинг қалами орқали чизилган қалби, умуминсоний дарду ҳасрати, гўзаллик инкишофи шеършунос учун қимматли материал ҳисобланади.

Абдулла Ориповнинг “Ранжком” достонини ёзишга қадар битилган шеърлари орқали шоирнинг ўша йиллардаги психобиографик ҳолати ҳақида тасаввур қилиш мумкин. Шоирнинг истеъдоди айрим ижодкорларда катта тўсиқдек кўрқув уйғотгани сир эмас. Балки шунинг учундир шоир ижодининг тонгидан охиригача самимий инсонларни қидирди, ҳасадгўйлардан изтироб чекди. Гарчи сўз билан, амал билан ёмонлик қилмаса-да, тинимсиз ёмонликларга дучор бўлди. “Сухбатлардан бирида Абдулла Орипов бошқа бир ҳақиқатни ҳам баён қилди: Мен лирик шоир эдим. Ҳаёт мени ҳажвий бўлишга мажбур этди. Шу ёшимгача жуда кўп арзиммаган одамлар билан учрашдим. Шунинг учун баъзи шеърларимда уларни ёзишга тўғри келди. Дунё фақат ёмон одамлардан иборат экан, деган хулосага келган вақтларим ҳам бўлган” [1]. Достон ёзилган кезларда эса айнан юқоридаги кайфиятни ҳис қилгандек бўламиз. Достондаги раис ва икки аъзо кичик жамият (“Ҳашорат” журнали редакцияси) ичидаги кичик гуруҳча. Гарчи журналнинг бош муҳаррири бўлса-да, уни ҳам кўролмастик, иложи борича сиёсий ваколатдан узоқлаштириш пайида бўлган бир ҳовуч ҳасадгўйлар тўдасининг типик намунаси. Достондаги лексик қатлам чуқур маъноларни англатади. “Ўткир ниш”, “қон сўрмоқ” каби сўзлар майда зараркунандаларга хос унсурлардир. Улар одатда кўзга ташланмайди, тунда, айна ором пайтида захрини сочади ва энг ёмони ёшасига чора қўрилмаса, батамом қутулишнинг иложи йўқ. Шоир бу ерда на ўзига на бошқаларга фойдаси тегадиган, аксинча бировларнинг “қонини сўриб” ҳузур топадиган замондошларининг юзсизлигидан ташвишланади. Энг аянчлиси, бу каби “жамиятча”ларнинг “Номуссизлик бизга – номус, орсизликдир – ор” [2] деган сурбетликни тарғиб қилувчи шиорлари ҳам бор. Шоир билан асар ёзилган кезлардаги ўта қуруқ, тарғиботчининг ўзи ҳам амал қилмайдиган шиорбозликни истеҳзо билан қаламга олади. Ҳар бир ташкилот учун дастлаб низом, услуб, шиор каби юзаки ёндашувнинг қайсидир маънода хато эканлиги, энг аввало мана шу ишларни амалга ошира оладиган ОДАМ кераклигига нозик ишора бордек, назаримизда.

Шоирнинг тухмат, иғво, чақув, ҳасад каби бадбин “юмуш”лар билан банд бўлаверганидан, “оғир касал”ликка чалинган кимсалар билан елкама-елка меҳнат қилаётганидан, керак бўлса бир дастурхон атрофида ўтиришга мажбурлигидан сиқилган, зада бўлган юрагининг сим-сим оғриғини ҳис қилгандек бўламиз (Фаррош кампирнинг аламли сўзлари аслида шоирнинг қарашларини ифода этган - *таъкид бизники*). Биз достонни ўқиш асносида, “Ранжком” раиси ва аъзоларининг нутқи орқали намоеён бўлган қиёфаларидан нафратланамиз. Дантенинг “Илохий комедия” ёки Гётенинг “Фауст”и беихтиёр хаёлдан ўтади. Раис аслида Иблиснинг, аъзолар эса шайтон малайларининг типик қиёфасидек тасаввур уйғотади. “Мен ҳаргиз ёмонлик тилаб, яхшилик қилувчи кучнинг бир қисмиман” деган Мефистофольнинг сўзлари Раиснинг ҳатти-ҳаракатларидан айнан такрорлангандек бўлади. Демак, ҳар қандай замон ва жамиятда ёвузлик тимсоли ўхшаш бўлаверар экан-да. Яъни Раис жини суймайдиган бир ҳамкасбига азбаройи ўлим тилаш мақсадида олма-анор кўтариб касалхонага бориб кўради.

У беморга соғлиқ тилаш ўрнига, унинг қалбига шубҳа гумон уруғини экади.

Икки-уч бор такрорладим ўлим сўзини,

Кўз ўнгимда ранги унинг ўчди батамом.

Таҳликада ўнглаёлмай қолди ўзини,

У шубҳага қул бўлганди энди, вассалом. [3]

Раиснинг нутқини, ҳаракатларини шоир шу қадар маҳорат билан ишлаган-ки, у ўз гумашталари қалбини (агар бўлса - таъкид бизники) яралашдан ҳам тоймайди. Яъни тақир кал аъзодан кутилмаганда атайлаб тароқ сўраб қолади ва аъзо каллигидан бироз уялиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия жараёни фақат панду насихат типидagi асарлар билан эмас, балки ҳажвий йўналишдаги асарларни тўғри таҳлил қилиш, англаш орқали ёш авлодга ўз хатти ҳаракатларини тўғри баҳолай олишни ўргатиш ҳамдир. Бунда эса “Ранжком” типидagi достонларнинг аҳамияти беқиёс. Зеро, адабиёт – миллат кўзгуси. Кўзга боқиб ороланганимиз каби, юксак эстетик таъсирга эга асарларни ўқиб, уқиб, фазилатларимизни ошириб, қусурларимизга даво излашимиз шартдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Қўшжонов., Сувон Мели. Абдулла Орипов. Тошкент., Маънавият, 2000, 34-бет.
2. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 2001, 347-бет
3. Ўша манба. 349-бет

Санаева Сурайё Бобоназаровна

катта ўқитувчи

Навоий давлат педагогика институти

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИНГ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Аннотация. Ушбу мақола олий педагогика таълим муассасасалари талабалари, яъни бўлажак педагогларни компетентли кадр қилиш муаммоси ҳамда уларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг айрим жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: бўлгуси педагоглар, компетентлиликни ривожлантириш, тарбиявий фаолиятга тайёрлаш, таълим сифатини ошириш, 5та муҳим ташаббус, тизимли театр тўғарақларини ташиқил этиш, лойиҳа яратиш кўникмаси, талабаларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларни замон билан ҳамнафас бўлишлари

Жаҳон ҳамжамияти томонидан бўлажак педагогларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш, уларнинг компетентлилигини ривожлантириш, олий таълим сифатини оширишда янги ижтимоий эҳтиёж ва замонавий талабларга жавоб берадиган педагог кадрларни тайёрлашни тақозо этмоқда. Дунё миқёсида бўлажак педагогларнинг компетентлилигини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда зарур шарт-шароитлар яратиш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда, айниқса, олий таълим соҳасида бўлажак педагогларнинг замонавий таълим олиши, хорижий илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш орқали, замонавий илм ва техниканинг чўққиларига эришиши учун тўлиқ имкониятлар яратилмоқда. Ҳақиқатан ҳам бўлгуси педагогларнинг инновацион, адаптацион шароитда ишлашлари, тез ўзгарувчан шароитларга нисбатан қайишқоқ бўлишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шу боис ҳам олий таълим муассасалари бўлажак педагогларнинг компетентлилигини ҳамда бу орқали тарбиявий фаолиятга тайёрлашни замон талабларига жавоб бера оладиган даражада ривожлантириш, таълимни тубдан ислоҳ қилиш, мазкур тизимни янги сифат босқичига кўтариш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Айтиш ўринлики, таълим шакллари оптимизациялаш вазифаларини белгилайдиган техник ва инсон ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг бутун жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методи ЮНЕСКО томонидан алоҳида эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909–сонли қарорида ҳам олий таълим тизимини модернизациялаш, келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар қаторида:

- ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши;

- ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш;

- ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, таълим жараёнига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш орқали бўлғуси педагогларнинг компетентлигини шакллантириш ва бу орқали уларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш учун илғор хорижий тажрибаларни мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари фаолиятида кенг жорий этиш зарурлигидан далолат беради [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ- 3775 сонли қарорида олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бераётганлиги, профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини, билимини ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади. [2]

Шу боис, бўлажак педагогларнинг компетентлигини ривожлантириш ва уларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, ўқув режа ва дастурларни модернизациялаш, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг креатив тафаккурини шакллантириш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида “Эл-юрт умиди” жамғармаси фонди ҳисобидан тажриба алмашишлари бўйича комплекс чора - тадбирлар ишлаб чиқиш заруриятини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, жаҳон тажрибаси ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернетнинг таълим соҳасига кенг кириб келиши таълим хизматларининг глобаллашуви учун ҳам катта йўл очмоқда. Ривожланган давлатлар таълим соҳасида бўлаётган бундай ижобий жиҳатларни эътиборга олган ҳолда таълим сифатини юксалтириш учун ахборот-коммуникация технологияларидан оммавий равишда кенг фойдаланиш, бўлажак педагогларнинг компетентлигини ривожлантириш ҳамда уларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш механизмларини ишлаб чиқиш ўқув машғулотлар ва машғулотдан ташқари вақтларда талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол усулларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши ва модулли ўқитиш тизимидан оқилона фойлана олиш билан боғлиқ жараёнларни амалга оширишга қаратиш давр талабига айланиб бормоқда.

Маълумки, 2019 йил 19 март куни муҳтарам Президентимиз томонидан ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданаият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш каби масалаларга алоҳида урғу берилиб, “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш” бўйича 5та муҳим ташаббус илгари сурилди. Ушбу 5та муҳим ташаббуснинг биринчиси, ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш масаласи қўйилган бўлиб, бўлажак педагогларнинг компетентлигини ривожлантириш ҳамда уларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашда олий педагогика таълим муассасаларининг ҳар бир йўналишларида театр, рассомлик, мусиқа тўғарақларини тизимли ташкил этиш асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, барча таълим йўналишларининг талабаларини тўғарақларга жалб этишда йиллик режа тузиб, режага кўра ҳар бир академ гуруҳнинг ўз театр жамоасининг номи, йил давомида ўтказилиши режалаштириладиган асарлари, эпизодлари шакллантирилади. Ҳар ҳафта битта академ гуруҳ (мини театр жамоаси) ўзларининг саҳналаштирган асарларини намоиш этишлари, қолган жамоалар томоша қилиб ютуқ ва камчиликларни таҳлил этишлари ва бу орқали бўлажак педагогларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашга замин яратилади. Бундай тизимли театр томошаларини ташкил этишда фақат иқтидорли талабалар эмас, балки бутун таълим йўналиши талабалари қамраб олинади десак муболаға бўлмайди.

Маълумки, олий педагогика таълим муассасалари ўқув режасининг ихтисослик фанлари блокада “...ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш” фани мавжуд. Яъни, “Мактабгача таълимни ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш”, “Бошланғич таълимни

ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш” каби. Ушбу фан бўлажак педагогларнинг компетентлигини ривожлантиришда ҳамда уларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашда хизмат қилади. Биламизки, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг ҳам, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ҳам ўқув машғулотларни ёки тарбиявий тадбирларни муваффақиятли ташкил этишларида аввало лойиҳа муҳим ўрин тутди. Бўлажак педагогларнинг компетентлигини ривожлантиришда ҳамда уларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашда лойиҳа яратиш кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Хоҳ оддий лойиҳа, хоҳ инновацион лойиҳа яратиш кўникмаси ҳар бир бўлажак педагогда бўлиши шарт. Дарс ёки машғулотни қандай ташкил этиш ҳақидаги назарий билим амалий кўникма билан бойитилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш учун олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак педагогларнинг компетентлигини ошириш ва уларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун олий таълим муассасаларида талабаларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларни замон билан ҳамнафас бўлишларига, ўқув жараёнига фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, илғор услубларни кенг жорий этишга зарур шарт-шароит яратиш, шу билан бирга, касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ривожлантириб боришни талаб этади. Ваҳоланки, бугунги замонавий педагог:

- ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккурга эга, касбига тегишли маълумоти бор, яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик-психологик ва услубий билим ҳамда малакаларни эгаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазиятларни таҳлил қила олиши, лозим;

- педагогик таъсир кўрсатишнинг дидактик усул ва воситаларини танлай олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши, монодидактик тизимнинг комбинациясидан унумли фойдалана олиши;

- ассоциатив-рефлекторли, бихевиористик, гештальтехнология, интериоризаторлик, ривожлантирувчи, нейролингвистик дастурлаштирилган ва суггестив таълим технологияларини амалиётга тадбиқ эта олиши;

- ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидалари чуқур ўзлаштириб олишга эришишлари лозим. [3]

Бизнинг назаримизда, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак педагогларни педагогик маҳорат сирларидан бохабар этишимиз билан бир қаторда, уларнинг компетентлигини ошириш ва тарбиявий фаолиятга тайёрлашни бевосита таълимий ҳамда тарбиявий муаммоларни ҳам, яъни талабаларнинг таълим ва тарбия жараёнидаги фаолияти, уларнинг ўқув, билув жараёнига илмий-назарий жиҳатдан ёндашувини такомиллаштириш ҳам муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Бунинг учун эса биз ўқув материалларини тизимли таҳлил эта олишимиз, яъни талабаларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда физиологик, психологик ва дидактик нуқтаи назардан ёндашишимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ- 3775-сонли қарори.

3. О.Мусурмонова, З.К.Курбаниязова. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик. Тошкент, 2018 йил.

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги глобаллашув даврида замонавий ёшларни ватанпарварлик руҳида ҳамда илм-фан ютуқларини муносиб эгаллашлари учун таълим тизимига қўйилган вазифалар, мамлакат тараққиёти учун хизмат қиладиган кадрларни ўқитишда ўқитувчи-педагогларнинг масъулияти тўғрисида айрим фикр-мулоҳазалар айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: таълим-тарбия, баркамол авлод, мусиқа, санъат, спорт, қадриятлар, педагогика.

XXI асрга келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб бормоқдаки, бу жараёндан тўла ихоталаниб олган, ажралиб қолган бирорта ҳам давлат йўқ, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Ҳозирги даврда халқаро ташкилотлардан узокроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда қола олмайдиган муҳит вужудга келди. Ана шундай мураккаб бир вазиятда жамиятимизнинг мафкуравий тарбия жараёнида, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда авваламбор замонавий таълим тизимининг ўрни жуда муҳим. Инсоннинг ҳаётда ким бўлиб етишиши жамият, унда устувор бўлган қарашлар ва қадриятлар, уларни сингдириш, мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарбия тизимига боғлиқ. Зеро, инсон фарзанди айнан таълим муассасаларида тўпланган ижтимоий тажриба ва қадриятларни илмий асосда ва тизимли тарзда ўзлаштириб боради. Таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли ғоявий тарбия жараёнидаги тадрижийлик таъминланади. Натижада инсоннинг билим доираси ҳам миқдорий, ҳам сифатий жиҳатдан бойиб боради ҳамда таълим тизимида мафкуравий тарғибот натижаларини бевосита текшириб кўриш ва уни доимий такомиллаштириб бориш имконияти ҳам мавжуд.

Ҳар қандай миллатнинг интеллектуал салоҳияти унинг маънавий баркамоллигида намоён бўлади. Маънавий баркамоллик эса таълим жараёнида шаклланади. Дарҳақиқат таълим – шахснинг касбий ва ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган билимларни олиш, йиғиш, таҳлил қилиш ва уларни ҳаётда қўллаш жараёни. Таълимнинг дастлабки босқичида шахснинг ижтимоийлашуви, юқори босқичларида эса, унга касб-ҳунар ўргатиш вазифалари етакчилик қилади.

Таълим ва фан бугунги кунда нафақат, маданий, сиёсий ва иқтисодий тараққиёт омили, балки халқаро муносабатлар воситаси сифатида амал қилади. Бу босқичда юқори малакали мутахассисларнинг истиқболли илмий йўналишларида ахборот алмашиш дунё мамлакатларининг ютуқларининг асосий шарти ҳисобланади.

Замонавий таълимнинг ғоявий тарбия жараёнидаги муносиб ўрнини таъминлаш ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратётган мамлакатимиз учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эгалиги шубҳасиздир. Зеро, “Бизни ҳаммиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”[1].

Шу нуқтаи назардан қараганда бугунги кун ёшлари онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдириш, уларни халқ педагогикаси асосида тарбиялаш бу ишда маҳалла,

мактаб ҳамда оиланинг иштироки самарали бўлишига эришиш даркор. Бунда мактабларда берилган таълимнинг кадрларимиздан анча ажралиб қолганлигига, болаларнинг оила бағридан узоклашиб бораётганини, уларга виждон, этикод каби энг муҳим сифатлар етарлича сингдирилмаётганлигига, ўғил-қизларнинг миллий урф-одатларимиз, маданиятимиз, удумларимизни яхши билмаслигига эътиборни кучайтиришимиз зарур.

Бу вазифалар мактаб, оила, маҳалла, бутун жамоатчиликка катта масъулият юклайди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг барча бўғинлари – мактабгача таълим, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим тизимини такомиллаштириш, янги муассасалар бунёд этиш ва мавжудларини қайта таъмирлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ёшлар камолотида ўз самарасини беради.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилна фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур. Ана шу мақсадларни амалга ошириш юзасидан мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёв томонидан илгари сурилган 5та ташаббус бугунги кун ёшларининг камолотида айна босқич бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари жойлардаги маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича топшириқлар берди. Шунингдек, ушбу лойиҳада Президентимиз томонидан Маданият ва Халқ таълими вазирликлари ҳокимликлар билан биргаликда туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, кўшимча 1,5 мингта тўғарак ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ташаббускор истеъдодли ёшлар ва маҳаллий ҳомийларни жалб этган ҳолда, маданият марказларида бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва “Ёшлар клублари” ташкил қилиш зарурлигини таъкидланди [2].

Таълимнинг самарадорлигини ошириш ва билимларни тўла эгаллашларига эришиш, шахснинг таълим диққат марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдалана оладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини инновацион педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ҳамда олган билимларини ўқув-тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини ошириб бориш лозим.

Педагоглар ўз мутахассисликлари бўйича эгаллаган билимлари қаторида педагогик ва психологик билимларни ҳамда технологик ёндашув асосидаги ўқитиш услубиётларини ҳам эгаллаган бўлишлари зарур. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда, педагогларнинг малакасини оширишда қуйидаги масалалар муҳим деб белгиланади:

- ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш;
- ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар тизимини эгаллаш;
- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятларида фойдаланиладиган услублар тизими сифатидаги ўқитиш технологиясини эгаллаш;
- ўқитувчи педагоглар бугунги давр талабларидан келиб чиқиб замонавий ахборот технологиялари ва чет тилларни пухта эгаллашлари лозим.

Ёшларни соғлом ва интеллектуал салоҳияти юксак даражада бўлиши учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳар йили ўз самарасини бераётир. Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт мусобақаларида улар ғолиблик шохсупасидан муносиб ўрин эгалламоқдалар. Юртбошимизнинг “Маррани ҳамини баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!”, - деган даъватидан куч олаётган ёшларимиз ушбу “кичик Олимпиада”лар тўғайли спорт майдонларида ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришишаётир.

Мамлакатимиз олдида турган, бутун халқимиз қалби, онгу шуури билан англаб етаётган мақсад-вазифалар – дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлида ҳаммамиз бир ҳақиқатни билишимиз лозимки, замонавий қиёфага эга бўлган обод қишлоқ ва шаҳарларни барпо этиш мумкин, иқтисодиёт локомотивлари бўлган йирик корхоналарни куриш, хориждан юксак ва ноёб технологияларни олиб келиш мумкин. Лекин, аввало, буларнинг барчасини бунёд этадиган, уларга бамисоли жон киритадиган ҳаётбахш куч – бу ўз билими ва истеъдодига, куч-қудратига суянган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, бугун ҳаётга дадил кириб бораётган янги, навқирон авлодларимиз ва фарзандларимиздир. Шундай экан, бу вазифалар учун масъул бўлган таълим ва тарбия тизимига жиддий эътибор қаратиш мамлакат келажагини белгилаб берувчи муҳим омилдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. 2019 йил 15 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзuidaги анжуманда сўзлаган нутқи. www.uza.uz

2. Мирзиёев Ш. "Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус" лойиҳаси. Халқ сўзи, 2019 йил 20 март.

Қурбонова Мафтуна Фахриддиновна

*Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот
фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи,*

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Бобоева Муҳайё Улуғбековна

талаба

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

КОМПЕТЕНЦИЯЛИ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада компетенцияли ёндашувга асосланган таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, ўқувчиларда ўқув-билиш жараёни компетенцияларини шакллантириш стратегияси йўналишлари, бу ўз навбатида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда муҳимлиги ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: интеллектуал, ижодкор, мустақил фаолият, ахборот, таҳлил, компетенция, илмий-методик таълим, билим, кўникма, малака, педагогик технология, ахборот технология, ДТС ва бошқалар.

Иқтисодиётдаги глобаллашув жараёнлари, ахборот жамиятининг шаклланиши, республикамиз таълим тизимларининг интеграцияси тизим олдида жаҳон таълим тизими олдида ўз мавқеига эга бўлишдек муҳим вазифаларни қўймоқда. Бу ўз навбатида компетенцияли ёндашувга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Россия таълимини модернизация қилиш концепциясида таъкидланганидек, ривожланиб бораётган жамиятга жавобгарликни ҳис этадиган, муаммоларни мустақил еча оладиган, уларнинг оқибатини таҳлил қила оладиган, ҳамкорликка қодир, мобиллиги билан фарқланувчи, конструктив, мамлакат тақдири учун ўз кучини аямайдиган замонавий маълумотга эга, ахлоқий, ташаббускор инсонлар керак [1].

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар таълим сифатининг юқори даражада бўлишини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу йўналишда муваффақиятни белгиловчи асосий омиллардан бири бошланғич синф ўқувчиларининг замонавий билим, кўникма ва малакаларини эгаллаганлиги ҳамда уларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш жараёнини илмий тадқиқ қилиш ҳисобланади. Чунки, ижодкор, мустақил

фикрловчи шахсларни тарбиялаш вазифалари аввало бошланғич таълим тизимида амалга оширилади. Бу ўз ўрнида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда, чунки мукамал таълим тизими республикамизнинг келажакдаги интеллектуал имкониятларини ва ривожланишини белгилаб берувчи ўқувчиларни ҳар томонлама ижодкор, мустақил фаолият юритадиган қилиб тарбиялашда ҳал қилувчи рол ўйнайди [2].

Бугун республикамиз бошланғич таълим тизимида инновацион технологияларга асосланган таълим тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаол ва малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашни жаҳон андозалари даражасига чиқариш масалаларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Таълим соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик уларнинг жаҳон таълим талаблари билан мослиги ва ўқувчиларнинг ўзлаштирган компетенциялари қай даражада амалиётга тадбиқ қилинаётганлигига боғлиқ.

Юқориди билдирилган фикрлар асосида ўқувчиларда ўқув-билиш жараёни компетенцияларини шакллантириш стратегиясини қуйидаги йўналишларда амалга ошади, деб ҳисоблаш мумкин: ўқувчилар эътиборини масалани ҳал қилишда қўлланилган методнинг кенг қамровлигига қаратиш; ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришни дарс мақсади сифатида эмас, балки дарсда қўйилган вазифани янада самарали ҳал қилишга қаратилган янги йўл, имконият сифатида қаралиши; ўқувчилар ўзлари мустақил хулоса чиқариб топадиган янги ғоялар ижодкорлик дарсларининг асосий маҳсули сифатида қаралиши; ахборотларни йиғиш, таҳлил ва талқин қилишни компетенцияларни шакллантиришнинг муҳим жиҳати сифатида қаралиши.

Халқаро педагогик амалиётда ўқувчиларда билиш компетенцияларини шакллантириш жараёнларини такомиллаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизмларини лойиҳалаштириш ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан илмий асослаш муҳим ҳисобланади. Бу давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларининг ривожланиш даражаси билан ўқувчиларда ўқув-билиш жараёни компетенцияларини шакллантириш жараёнлари субъектлари (ўқувчи ва ўқитувчилар)нинг шахсий хислатлари ва касбий қобилиятларини ривожлантириш даражаси ва илмий-методик таъминот ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш билан боғлиқдир [3].

Компетенцияли ёндашувга асосланган таълимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у кишини ҳаётга, жумладан меҳнатга (касбга) тайёрлашни асосий мақсад қилиб олган тизимлашган, муддатли, расмий, тегишли билим, кўникма ва малакаларни бериш орқали уни муайян маҳорат, қобилият ёки лаёқат даражасига етказиш воситасидир.

Шунинг учун ҳам барқарор ривожланиш учун таълим айнан тизимлашган таълим босқичларида кишини муайян бир компетентлик даражасига етказиш воситаси дейиш мумкин. Аксарият ривожланган мамлакатларда коллеж, бакалавр, магистр, фан доктори дипломи ёки унинг касбий классификатордаги шифрига қараб эмас, балки компетентлик даражасига қараб ишга олади [4].

Компетентциявий ёндашув деганда нимани тушунамиз? «Competence» сўзи «to compete» сўздан келиб чиққан бўлиб, «мусобақалашмоқ», «рақобатлашмоқ», «беллашмоқ» деган маънони билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса «мусобақалашмоқга лаёқатлилик» маъносида келади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимида чет тиллар бўйича Давлат дастурларини тасдиқлаш тўғрисида»ги [5] қарори асосида мамлакатимизда янги типдаги давлат таълим стандартларига «компетенция» сўзи киритила бошланди. Компетенция кенг қамровли тушунча бўлиб, у инглизча «competence», яъни «маҳорат», «қобилият» муайян бир соҳада билимли, тажрибали деган маъноларни ҳам англатади [6].

Бугунги кунда хорижда «компетенция» ва «компетентлик» тушунчалари бўйича турли изоҳлашлар мавжуд. Жумладан, Г.К.Селевко [7] фикрича, «компетенция» – субъектнинг мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун ички ва ташқи ресурсларни самарали ташкил этишга тайёргарлигидир.

Глобаллашув жараёни нафақат жамиятга, балки ёшларга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Бугун замонавий билимлар ва маълумотларни ўзлаштирмаган ўқувчи рақобатбардош мутахассис бўлиши мушкул. Шу ўринда «компетентлик» ва «компетенция» тушунчаларини ўзига хос тарзда талқин қилади ва компетенцияни қисмларга ажратади.

Таълимда компетенцияли ёндашув қуйидаги принципларга асосланади: жамиятга ижтимоий мослашув, шахсий ривожланиш ва яшаш учун таълим олиш; таълимда қандай натижаларга эришиш ва уни такомиллаштириш, ўзини баҳолаш каби ишларни режалаштириш имкониятларини ўқувчига бериш; таълим муассасаларини бошқаришга, унинг фаолиятини баҳолашга ота-оналарни, ўқувчиларни ва тегишли жамоат ташкилотларини жалб этиш; ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра мустақил ишларнинг турли шакллари ташкил этиш ва натижалари учун жавобгарлик ҳиссини туғдириш.

Таълим жараёнида компетенцияли ёндашувни амалга ошириш учун ўқитувчига ўқув фанларини ўқитишда қўлланиладиган методлардан бутунлай фарқ қиладиган малакалар (компетенциялар) керак бўлади. Энг муҳими ўқувчига бўлган янги муносабатни ишлаб чиқиши керак бўлади. Мақсад: таълим жараёнида ўқувчиларга таянч компетенцияларни шакллантиришга ёрдам бериш. Таянч компетенцияларни эгаллаш ҳозирги замонавий жамиятда, ўзининг шахсий ва жамоадаги ҳаётида муаффақият қозонишга имкон беради.

Шунга кўра, педагог қуйидаги касбий сифатларга эга бўлиши талаб этилади: ўқувчиларга самимий ва қизиқиш билан қараш; ҳамкасблари ва ўқувчиларининг маъқул (конструктив) бўлган танқидларини қабул қилишга тайёр бўлиш, ўз фаолиятига ўзгартиришлар киритиш; атрофдаги оламда бўлаётган воқеалар ва ижтимоий вазиятларга нисбатан ўзининг шахсий нуқтаи назарига эга бўлиш ва улар ҳақида ўқувчилар билан фикр алмашиш; ўқитишда ўзига хос позицияга ва ўқитиш услубига эга бўлиш, бошқалардан ажралиб турадиган томонлари бўлиш; ўқувчилари билан ўз фикрлари ва ҳиссиётлари билан ўртоқлашиш; ўзини компетент ҳолда тутиш, натижа учун шахсий жавобгарлик, қизиқувчанлик, баҳс юрита олиш ва бошқалар.

Бошланғич таълим тизимига мос келадиган компетенциялар характеристикаси қуйидагилардан иборат: излаш - атрофдагилардан сўраш, ўқитувчидан консультация олиш, ахборот олиш; ўйлаш - ўтмишдаги ва ҳозирги ходисалар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатиш, у ёки бу фикрларга танқидий ёндашиш, ишончсизлик ва мураккабликка қарама-қарши тура олиш, дискуссияларда ўз ўрнини эгаллаш ҳамда ўз шахсий фикрини ишлаб чиқиш; ҳамкорлик - гуруҳда ишлай олиш, ечим қабул қила олиш, келишмовчиликларни бартараф этиш, ўз бўйнингизга олган мажбуриятни ишлаб чиқиш ва бажариш; ишни ўз қўлига олиш - ишга киришиш, жавобгарликни олиш, гуруҳ ёки жамоага кириш, ўз ҳиссасини қўшиш, ўз ишини ташкил этиш; мослашиш - ахборот ва коммуникацияларнинг янги технологияларидан фойдаланиш, қийинчиликларга қарши туриб бериш, янги ечимларни топиш.

Агар қуйидаги шартларга амал қилинса, мазкур компетенциялар ўқувчилар томонидан эгалланиши мумкин: ўқитишнинг фаолиятли характери; ўқув жараёнининг ўз фаолияти натижаларига мустақиллиги ва жавобгарлигини ривожлантиришга йўналтирилганлиги; мақсадга эришишда тажрибани эгаллаш учун шароитни яратиш.

«Компетенция»ни шакллантириш фаолиятга эришиш бўйича мақсадни кўйиш ва режалаштиришни ўрганиш; очик манбалар (луғат, дарслик каби)дан фойдаланиб, муҳим ахборотларни топишни ўрганиш; гуруҳда ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш, ўз қарашларини айтиш; умумий натижага эришиш учун ўз ҳиссасини қўшиш; ишларни бажаришга ўзига жавобгарликни олиш; мустақил ижодий ишлар кўникмасини сингдириш; билим ва кўникмаларни реал вазиятларда қўллашни ўрганиш; ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини сингдириш каби вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Шунинг учун ҳам бошланғич умумтаълим стандарти қуйидаги асосий мақсадларни бажаришни таъминлаши керак: ўқувчи шахсини, унинг ижодий қобилиятини, ўқишга қизиқишини ривожлантириш, ўқиш истаги ва кўникмасини шакллантириш; ахлоқий ва эстетик туйғусини тарбиялаш; билим, кўникма ва малакалар тизимини, фаолият турларини

амалга ошириш тажрибасини ўзлаштириш; ўқувчиларнинг жисмоний, психик соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш; ўқувчининг индивидуаллигини қўллаб-қувватлаш.

Замонавий таълим тизимида компетенцияли ёндашув таълимнинг сифатини таъминлайди, ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилади. Бунда ўқитувчи фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Бошланғич таълим самарадорлигини оширишда таълимнинг мақсад ва вазифаларига мос ўқув материаллари, таълим технологиялари танланиши лозим. Шундагина ўқувчиларда таянч ҳамда фанга оид компетенциялар самарали шаклланади. Бу жараёнда ўқитувчи ўзининг касбий билимларини мунтазам бойитиш, ахборот ҳамда педагогик технологиялар билан қуролланишини талаб қилади. Бу бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятига кўпроқ тааллуқли. Чунки, педагогик технология мазмунининг асоси бўлган таълим субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги бошланғич синфларда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бугунги кун – умумтаълим мактаблари яхлит универсал билимлар, кўникмалар, шунингдек, мустақил фаолият тажрибаси ва ўқувчиларнинг шахсий жавобгарлик тизимини шакллантириш, яъни, замонавий таълим сифатини аниқловчи таянч компетенцияларни талаб этмоқда. Ҳозирда компетенциянинг умумий қабул қилинган таърифи йўқ. Таянч компетенциялар дейилганда, ўз характери ва қўлланиши бўйича универсал компетенциялар назарда тутилади. Таянч компетенция бу, ўқий олиш кўникмаси, шахснинг ўзини ўзи ривожлантира олиш қобилияти. У фаолиятнинг ҳар қандай соҳасидаги кўникма ва малакалар, бу шахснинг турли хил вазифаларни уदдалай олиш қобилияти. Уларнинг шаклланиши ҳар бир ўқув предмети доирасида амалга оширилади.

Таянч компетенцияларни шакллантириш бугунги кунда ўқитишнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда, чунки у ўқувчига ўз ўқув муваффақиятларини оширишга имкон беради. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўз фаолиятида кўпроқ бошланғич синф ўқувчиларининг қуйидаги таянч компетенцияларини шакллантиришга эътиборни қаратишлари лозим: қадриятли-мазмундор, ўқув-билиш, ахборот ва коммуникатив.

Таянч таълим компетенцияларни шакллантириш кенг қамровли билим, кўникма ва малакалар орқали кириб келади. Унда ҳар бир ўқув фани (ўқув курси), модулининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Таянч таълим компетенцияларни шакллантириш учун биринчи навбатда, уларни ҳар бир ўқув курси ёки модулининг ўқув режа ва дастурларига сингдирилиши керак. Сўнгра, ўқув курс ва модуллари бўйича яратилаётган таянч компетенцияларни ўқув адабиётларни яратишда, жумладан қайта нашрга тайёрлашда, уларга тадбиқ этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Концепция модернизации российского образования на период до 2010 г. // Модернизация российского образования. Документы и материалы. - М.: Изд-во ВШЭ, 2002. - С. 263-282.

2. У.И. Иноятов. Замонавий электрон дидактик воситаларни яратиш, таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш долзарб ижтимоий-педагогик муаммо. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент:.. – 2018. – Б.3.

3. С.Т.Турғунов. Педагогик жараёнларда ўқувчилар рефлексив фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент:.. – 2018. – Б.12.

4. М.Майбуrows. Высшее образование в развитых странах // Образование за рубежом. № 2, 2003.- С. 132-144.

5. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2013. 20-сон, 251 б.

6. Компетенция. Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча луғат. -Т.: «Педагог», 2007.; Словарь иностранных слов.-М.: «Академия», 2014.- С.191.

7. Г.К.Селеvко. Современные образовательные технологии. - М.: Народное образование, 1998. - 256 с.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

***Аннотация:** мақолада инновациялар, инновацион ёндашув тушунчалари мазмуни, таълим жараёнида инновациялардан фойдаланиш, инновацион жараёнлар босқичлари моҳияти очиб берилган.*

***Калит сўзлар:** инновация, таълим, талаба, ёндашув, жараён, сифат, самарадорлик, фойдаланиш, мазмун, моҳият.*

Ўзбекистон шароитида инновацияларни ўрганиш, уни таълим жараёнига тадбиқ этиш таълим тизимини ислоҳ қилиш масалалари билан боғлиқ равишда тайёр ахборотларни беришга асосланган анъанавий ўқитиш туридан, талабаларнинг изланишга, маълумотларни ўзлари излаб топишга ўргатадиган таълим тизимига ўтиш йўлидаги ҳаракатлар билан асосланади. Шунга кўра, янги билимларга эҳтиёж, янгилик, инновация, инновацион жараёнлар каби тушунчалар моҳиятини англашга эҳтиёж кучаяди.

Замонавий таълим тараққиётида пайдо бўлаётган “Инновацион ёндашув”, “Инновацион фаолият” тарзидаги тушунчалар эҳтиёжлар асосида келиб чиққан бўлиб, уларнинг пировард мақсади таълим соҳасида ўқув-тарбия жараёни натижасини кафолатлайдиган ўзгариш, янгиланишлар киритишдан иборат.

“Инновация” (инглизча “innovation”) - янгилик киритиш, тадбиқ этиш, қўллаш деган маъноларни билдиради. “Инновация” тушунчаси дастлаб XIX асрда маданиятшунослик соҳасидаги тадқиқотларда пайдо бўлиб, бир маданият турларини иккинчи бир маданиятга киритиш тушуниланган. XX асрга келиб эса, янги соҳа – янгиликлар киритиш ҳақидаги фан пайдо бўлди. Бу фан доирасида моддий ишлаб чиқариш соҳасига техник янгиликлар киритиш қонуниятлари ўрганила бошланди.

“Янгилик киритиш” (инновация) тушунчаси янгиликларда ҳам, ушбу янгиликни амалиётга тадбиқ этиш жараёни сифатида ҳам тушунилади.

Янгилик муайян таълим тизими ичида мавжуд бўлиб, янгиланиш асосида юзага келади. Шу тарзда янгиланишни янгилик яратиш, қўллаш ва ўзлаштириш ҳисобига таълим ривожланиши жараёни сифатида тушуниш мумкин.

Янгиланиш таълим жараёнининг қайси бўлагига ўзгартириш киритишни аниқлашдан бошланади.

Педагогик янгиланиш предмети янгиланиш жараёни самарадорлиги ва уларни аниқловчи омиллар орасидаги боғлиқлик, шунингдек, ўзгаришлар самарадорлигини ошириш мақсадида шу омилларга таъсир этиш усулларидан иборат.

Таълим соҳасида инновацион жараёнлар икки турга бўлинади:

1. Стихияли равишда амалга ошадиган инновациялар.

Инновацион жараённи амалга ошириш шартлари, восита ва йўллари тузилишини тўлиқ англамаган ёки уни туғдирган эҳтиёжга боғланмаган ҳолда амалга оширилади. Бу тарздаги инновациялар кўпинча илмий асослар билан боғлиқ бўлмай, эмпирик асосда вазият талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бундай инновацияларга новатор ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар фаолиятларини мисол келтириш мумкин.

2. Таълим тизимидаги инновациялар онгли, мақсадга йўналтирилган, илмий ишлаб чиқилган фанлараро фаолият натижаси ҳисобланади.

Таълим соҳасидаги инновация таълим-тарбия мақсади, мазмуни, усул ва шакллари, педагогик жараённи ташкил этишда янгиликлар киритишни назарда тутлади.

Инновацион жараён бир неча босқич ва воситалар йиғини ёрдамида илмий янгилик ёки гоя, ижтимоий янгиликка, шу қаторда таълим янгилигига айланади. Бунда янгилик киритишга инновация натижаси сифатида қаралади, инновацион жараён эса, умумий тарзда қуйидаги уч

босқичнинг ривожланиши сифатида тушунилади: ғояларни бериш (илмий янгилик очиш), ғояларни амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш.

Инновацияларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Функционал имкониятларига қараб, барча педагогик инновациялар: янгиликлар самарали таълим жараёнини таъминлайдиган шартлар (таълимнинг янги мазмуни, инновацион таълим муҳитлари, ижтимоий-маданий шароитлар); янгилик-педагогик восита, технологик таълим лойиҳалари ва ҳоказо; ташкилий бошқарувга оид янгиликлар (таълимнинг сифатли хизмат қилишини таъминлайдиган ечимлар).

2. Инновацияларни амалга ошириш ва тадбиқ этиш соҳасига қараб: таълим мазмунида; ўқитиш технологиялари, таълим тизимининг тарбиявий соҳасида; педагогик жараён катнашчилари ўзаро таъсири тизимида, педагогик воситалар тизимида.

Тизимли инновациялар – бу муайян муаммо доирасидан келиб чиқадиган, аниқ мақсад, вазифаларга эга инновациялардир. Булар ўқитувчи ва талабалар қизиқишлари асосида тузилиб, узвийлик характерига эга бўлади. Бундай инновациялар пухта тайёрланиб, экспертлардан ўтади ва зарур воситалар билан таъминланади (кадрлар, моддий, илмий-методик таъминот) [1].

Маълумки, педагогик инновация фаолиятининг субъекти ўқитувчи ва унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга эга бўлади.

Инновацион жараённинг моҳияти – ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти мазмунида акс этади, мазкур жараёнда педагог талабаларга юзага келган қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг асосий моҳияти инновацион услубнинг тавсифи, унинг мақсадга йўналтирилганлиги, шунингдек, шахсни шакллантириш ва тарбиялаш борасида ҳал этиладиган вазифалар билан ифодаланади.

Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятлари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш олий таълим, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда ўқув жараёнини замонавий педагогик технологиялар ҳамда психология фанлари ютуқлари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради [5].

Талабаларнинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субъекти сифатида қуйидагиларни ўз ичига олади: ўқитишнинг ҳозирги ва келгуси босқичлари учун қабул қилинган ўқув-тарбия жараёнининг мақсади, вазифаси ва кўрсатмаларини англай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги турларини эгаллаш; мақсадга мувофиқ касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таҳсил олиш, қийинчиликларни аъло даражада енга билиш, ўсиш ва мустақам ўрин эгаллашнинг кенгаётган интеллектуал ва касбий имкониятлари, истиқболлари билан қониқиш, ўзининг ижтимоий роли функциясини бажаришда фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараённинг энг муҳим йўналишларидан бири талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш. Бундай йўналиш талабаларнинг ўқув жараёнини фаоллаштиришни, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади [2].

Талабаларнинг инновацион фаолиятини яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият сифатида баҳолаш мумкин. Инновацион фаолиятга аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, у томонидан яратилган педагогик қадриятлар йиғиндисини англатади.

Аксиология инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир мақсади сифатида қарайди.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси креативлик ва рефлексия компонентларидан иборат.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг муҳим тавсифи креативликдир. Креативлик индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ўқитувчи инновацион фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичлари мавжуд:
– биринчи босқичда тайёр методик тавсиялар кўчирилади;

– иккинчи босқичда мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади.

– учинчи босқичда ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқилади;

– тўртинчи босқичда ўқитиш ва тарбияланишнинг бетакрор концепцияси ва методикаси яратилади.

Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги каби мавзу (мотив)лар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдир. Мулоқотнинг янги вазияти – бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, педагогика фанига, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукамаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, ҳиссий туйғулари ривожланади [3].

Кейинги шарти – бу ўқитувчининг маданият ва мулоқотга шайлиги.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усуллари ечишни аниқлашга қаратилгандир.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятининг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятда мужассам қилиш.

Демак, ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида ўқитувчининг инновация фаолиятига бўлган зарурият қуйидагилар билан ўлчанади:

- ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясининг тубдан янгиланишини талаб қилади. Бундай шароитда ўқитувчининг инновация фаолияти педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;

- таълим мазмунини инсонпарварлаштириш, доимо ўқитишнинг янги ташкилий шакллари, замонавий технологияларини қидиришни тақозо қилади;

- педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг муносабати, характери ўзгариши.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меъёрларга – янгилик, мақбуллик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради [4].

Янгилик меъёрий педагогик янгилик меъёри сифатида ўзида тақлиф қилинадиган янгиликни, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагог олимлар янгиликнинг қўлланиш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлақ, чегараланган мутлақ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

Натижалилик ўқитувчи фаолиятидаги муайян меъёрий муҳим ижобий натижаларни билдиради.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлигида педагог шахсияти ва унинг инновацион фаолиятга хос бўлган қобилиятларининг қуйидаги асосий хусусиятлари белгилаб берилган:

- шахснинг ижодий-мотивацион йўналганлиги. Бу – қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш; ижодий ютуқларга интилиш; пешқадамликка интилиш; ўз камолотига интилиш ва бошқалар;
- креативлик. Бу - хаёлот (фантастлик), фараз; қолиплардан ҳоли бўлиш, таваккал қилиш, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, рефлексия;
- касбий фаолиятни баҳолаш. Бу - ижодий фаолият методологиясини эгаллаш; педагогик тадқиқот методларини эгаллаш; муаллифлик концепцияси фаолият технологиясини яратиш, зиддиятни ижодий бартараф қилиш; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилиятлари ва бошқалар;
- ўқитувчининг индивидуал қобилияти. Бу- ижодий фаолият сурати; шахснинг ижодий фаолиятдаги иш қобилияти; қатъиятлилик, ўзига ишонч; масъулиятлилик, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиш ва бошқалар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, олий таълим, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактабдаги таълим инновация жараёнлари характери киритилган янгиликлар хусусиятлари, ўқитувчиларнинг касбий имкониятлари, янгилик киритиш ташаббускорлари ва иштирокчиларининг инновацион фаолиятлар хусусиятлари билан белгиланади.

Инновацион фаолиятда энг муҳим масалалардан бири ўқитувчи шахсидир. Ўқитувчи новатор, сермахсул ижодий шахс бўлиши, креативликни, кенг қамровли қизиқиш ва машғулликни сезувчи, ички дунёси бой, педагогик янгиликларга ўч бўлиши лозим.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши керак:

- янгиликни идрок қилишга инновацион шайликни шакллантириш;
- янги ҳаракат қила олишга ўргатиш.

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Azizxodjayeva N. *Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat* –Т.: 2006, 62-70-бетлар.
2. Drapeau Patti. *Sparkling student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving)*. – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. P.14.
3. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-бет.
4. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004. 8-бет
5. Эркабоева Н. Янгиланган фикрларнинг моҳияти ва унинг устувор йўналишлари. // Халқ таълими, 2005 йил, 6-сон, 19-20 бетлар.

Shermatova Umida Sapaevna

Teacher

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

INNOVATIVE CLUSTER TECHNOLOGY IN THE STUDY OF UZBEK LITERATURE OF THE PERIOD OF NATIONAL REVIVAL (ON THE EXAMPLE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION)

***Annotation.** This article is devoted to the introduction of innovative technologies, innovative cluster technology in particular, which ensure the effective assimilation of literature of the period of the national revival, on the lessons of literature at the stage of general secondary education. In the research work, the degree of studying the field of literature of the national revival, the school's deficiencies in learning about the topic were analyzed.*

Keywords: *period of national revival, conceptual and chronological direction, jadism, theory of the "Cluster", innovative cluster, Western modernists, publicism of literature of the period of national revival.*

From the point of view of teaching the values of the independence of our country, a large place is given to literature of the period of national revival in the literature program of secondary schools. The literature of this period is also important in terms of introducing pupils to various human characters, their national and universal content. In addition, due to the wide range of artistic and educational potential and the diversity of themes and genre, literature of this period requires a broader approach. Considering that the literary program is based on a conceptual and chronological direction, literature of the period of national revival is intended for study in all classes of secondary schools.

When it comes to literature of the period of national revival, the extent to which scientific researches on the topic were carried out is attracting human attention. In relation to this, the following excited speculations of the famous scientist jadidologist Begali Kosimov can significantly clarify the problem: "First of all, about the volume, - wrote the teacher,- In our brochure "Found after a long search...", published in 1983, we have listed 84 names that are directly related to the literature of 1905-17. This information is of eighteen years old. This number, of course, has increased. Secondly, we divide the period of national revival into three stages: 1865-1905 years; 1905-1917 years; 1917-1929 years. The number 84 refers to only one period among these three stages. If we count the literary writers who lived and worked at all three stages, there is no doubt that there will be more than 300 of them. Of course, the volume of literature is not determined by the number of creators. But at the same time, the work of many writers in this environment is not signs of calm, but a sign of an intensive literary process, a national revival. But how many of them have we learned today? How many works of authors reached readers? How many works of authors have been introduced into science? This kind of work like mountains awaits ahead". [1. p 32]

There are many problems, but the volume of scientific research and research works is significant. In this regard, E. Karimov, A. Kasimov, A. Dzhalalov and B. Nazarov conducted fundamental research on the events in Turkestan in the late 19th and early 20th centuries, their causes and significance, as well as their role in the history of our literature.

Scientific studies conducted in the jadid studies of the period of independence are mainly devoted to the analysis of the biography of the jadid intelligentsia, the field of their works and the volume of subjects. [2. p 5]

The features of the literature of Jadids are described in the candidate and doctoral dissertations of I. Ganiev, B. Karimov, D. Kuronov and A. Davlatova.

It is worth to note the research works that reflect the pedagogical views of representatives of literature of the period of the national revival. In this regard, the candidate dissertations of M. Zhamolitdinov, N. Irgasheva, Z. Akhrova, D. Akhatova, K. Vohidova deserve attention.

There were almost no sources for teaching methods of literature of the period of national revival at school.

Consequently, scientific and methodological works in this area were almost not carried out.

Keeping this in view, to the subject of the methodology of teaching literature we posed the problem of developing the scientific foundations of teaching literature of the period of the national revival. Attempts were made to find ways to solve the problem. The introduction of innovative cluster technology in the educational system can serve as a solution to this problem.

The term cluster has entered our social life in recent years. But today, the innovative phenomenon of the cluster that has appeared in the social sector of our state has acquired a new meaning.

In the book "The Cluster - Integration, Innovation and Economic Growth" by the Doctor of Economics, Professor Murtazo Rakhmatov and a member of the Academy of Agricultural Sciences, Doctor of Biological Sciences, Professor Bakridin Zaripov the following definition is given to the cluster: the term "cluster" from French means "bunch" "group", "to gather". The basis of the Cluster theory is the discussion about the generalization of specialized areas and industries in some places,


given in the work of Alfred Marshall, “Principles of Economics,” written at the end of the 19th century (1890). [3. p 9]

The book emphasizes the importance of the innovative cluster in the development of the economy and describes it as follows: “The process of integration in the global economy has a great impact on its globalization. This, on the one hand, provides a transnational “chain” of creating added value, and on the other hand, enhances competition in the manufacturing sector. A worldwide communication system is also developing, which provides standardization of logistics and the quality of goods and services based on globalization. In addition, sustainable population growth requires employment and the creation of comfortable working conditions for the population.” [3. p 17]

Science, which is part of the innovative cluster of the economy, in turn, requires an innovative cluster development system. The educational system, as part of the innovative cluster for the development of science, has recently begun to be studied and implemented. The articles of the first researchers in this field are published. In particular, in the works of scientific researcher U.N. Khojamkulov it was noted that the cluster of pedagogical education is conducted in 3 directions.

1. The direction of science.
2. The direction of training and education.
3. The direction of teaching aids. [4. p 57]

Based on the three directions of this innovative cluster technology, teaching the literature of the period of the national revival at school, which is the object of this problem, can be carried out as follows.



The first step in introducing pupils to the methodological foundations of literature of the period of national revival begins with the 5th grade, by studying the story “On the race” by Abdullah Kadiri and the passage “To Love the Motherland” from Abdullah Avloni's poem “Turkic Gulistan (Flower Garden) or Morality”, poem “Homeland”. It is known that the 5th grade literature textbook includes works of art with an acute conflict plot with the participation of heroes of equal age with pupils. The story “On the race” is also among such works. The purpose of studying such a story is to form a concept for pupils about the importance of the plot and conflict as the center for the formation of an artwork.

During their acquaintance with the story, pupils form their first ideas about the literature of the period of national revival. The following information in the textbook is given precisely for this purpose.

“Two-thirds of the examples selected from the works of Fitrat – the interpretation and analysis of the poems “To the Star Mars”, “Moral Studies” can be carried out in close connection with the poet's biography” [5. p 55]

This information will also serve as a bridge for pupils to get to know Chulpan's work.

According to the words of Ozod Sharafiddinov: “Chulpan is one of the great poets who can create a unique poetic world and have created it.”

The lessons of 7th grade literature, involving the study of Chulpan's work, deserve attention as a new stage in literary education, moving from studying a single work to understanding the ideological and artistic uniqueness of the writer. It is known that the personality of Chulpan is formed after acquaintance with his lyrics. From this point of view, written under the influence of Western modernists Chulpan's poems, which are provided for study in the program, will undoubtedly contribute to achieving the goal. In the lessons of literature on the 9th grade, pupils learn Abdullah Kadiri's novel "Past Days" and Chulpan's lyrics. We found it necessary to note that both in the 7th and 9th grades there is allotted time to study Chulpan's poetry.

Unfortunately, while Chulpan's poems and the novel "Day and Night" occupy a place in the program of the subject of literature, the publicism of the writer remains without attention. Abdullah Kadiri's novel "Past Days" is studied both in the 9th and 10th grades. Undoubtedly, it is good that one novel is assigned a place in two classes, but at this time, the introduction of the thoughts of critical scholars also makes it possible to have a complete picture of the novel. This, therefore, will allow students to see the remarkable moments of the work and familiarize themselves more closely with the criticism of Uzbek literature.

Another suggestion is that it would be advisable if the program reflected the fact that journalism of literature of the period of the national revival was also one of the most developed branches of literature at that time. Such shortcomings also imply that literary programs should be based on an innovative cluster. If the program of science is not considered on a holistic map, if the cooperation of scientific methodologists working on this program is not established, its continuity will never be achieved.

Thus, the introduction of innovative cluster technologies in the development of curricula for studying literature of the period of national revival, all sections of literature in general, in the secondary educational process is one of the priority tasks facing literary education.

References:

1. Kosimov B. National revival: courage, enlightenment, dedication. –T.: Spirituality, 2002.– p 400.
2. Davlatova A. The problem of ideal in Uzbek literature of the period of national revival: Candidate of Philological Sciences ... diss. – T, 2011.- p 162.
3. Raḥmatov M., Zaripov M. Cluster - integration, innovation and economic growth. - T.: Zamin Edition, 2018 – p 9.
4. Khuzhamkulov U.N. The pedagogical cluster is a new innovative aspect. The theory and practice of modern science.– J. – 2019 - №2(44).- p 57.
5. Sul-tonmurod O., Akmedov S., Kuchkorov R. Literature. 8th grade. Toolkit for teachers. T.: Creative Publishing House named after Gafur Gulyam, 2006.- p 55.
6. Karimov N. A poet who awakened independence.–T: Spirituality, 2000. – p 88.

Каримов А.З.

к.ф.-м.н., доцент

Ташкентский государственный юридический университет

РОЛЬ МАССОВЫХ ОТКРЫТЫХ ОНЛАЙН КУРСОВ В НЕПРЕРЫВНОМ ОБЕСПЕЧЕНИИ КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В статье речь идет об актуальности эффективного использования массовых открытых онлайн курсов для непрерывного обеспечения качества высшего образования.

Ключевые слова: качество образования, массовые открытые онлайн курсы, смешанное обучение.

Указом Президента Республики Узбекистан № ПФ–4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», опубликованной 7 февраля 2017 года, была утверждена «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», где в пункте 4.4 – «развитие сферы образования и науки» предусматривается решение вопросов «дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, расширения возможностей предоставления качественных образовательных услуг, продолжения политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда; повышения качества и эффективности деятельности высших учебных заведений на основе внедрения международных стандартов оценки качества образования и подготовки кадров».

В любой отдельно взятой стране существует сильная положительная корреляция между качеством подготовки кадров и экономическим развитием. Почти во всех человеческих обществах, которые видел мир, было стремление к качественным знаниям, и по сей день интенсивность научно-технического развития, а также процессы глобализации и цифровизации в мире естественным образом повлияли и на образование. И вопрос обеспечения качества образования стал главным вопросом образования во всем мире.

В центре внимания образовательных реформ в нашей стране также находится повышение качества образования, подготовка кадров в соответствии с современными требованиями, подготовка их как конкурентоспособных зрелых специалистов в сферах экономики, производства, социальной сферы, бизнеса, науки и международных отношений.

В рамках решения проблемы непрерывного обеспечения качества высшего образования в Узбекистане по праву находится практика внедрения в высшее образование МООС (Massive open online courses) – массовых открытых онлайн-курсов (МООК).

Целью данной статьи является обоснование актуальности данного тезиса.

Анализ результатов существующих научно-методических исследований, описанных в научных источниках, показывает, что массовые открытые онлайн-курсы рассматриваются как новое направление в образовании, недостаточно изученное учеными-методистами. МООК изучены в меньшей степени относительно масштабов, которые они занимают. Некоторые теоретические и практические аспекты проблем, связанных с МООК были исследованы зарубежными учеными L.Breslow, D.E.Pritchard, J.DeBoer, A.McAuley, B.Stewart, G.Siemens, D.Cormier, L.Pappano, S.Mak, R.Williams ва J.Mackness [1], [2], [3]; а в нашей стране В.Хамидовым [4], У.Мирзалимовым и другими [5] (см. также [6], [7]).

В настоящее время предстоит вопрос разработки механизмов использования МООКов в учебных процессах для непрерывного обеспечения качества высшего образования. В связи с этим мы рекомендуем следующее:

1) изучить нормативно-правовую базу реформирования системы высшего образования в Узбекистане и обеспечения качества высшего образования, в частности, уделять глубокое внимания задачам, предусмотренным в указах, постановлениях и выступлениях Президента Республики Узбекистан, постановлениях Кабинета Министров, приказах министра высшего и средне специального образования; провести мониторинг влияния правовых норм, опубликованных в последние годы, на современное состояние высшего образования, изучить их роль в обеспечении качества высшего образования;

2) выявить системные проблемы в обеспечении качества высшего образования и построить модели их устранения;

3) определить способы, с помощью которых профессорско-преподавательский состав системы высшего образования сможет организовать свое профессиональное развитие на МООКах зарубежных вузах, при этом, наравне с социальной эффективностью, определить пути достижения экономической эффективности;

4) анализ процессов организации самостоятельного обучения студентов; разработка методических рекомендаций по использованию МООКов в самостоятельном обучении студентов;

5) разработать рекомендации по внедрению онлайн-курсов в образовательный процесс вузов, которые служат обеспечению интеграции образования и производства, формированию необходимых навыков работы с передовыми современными технологиями в реальных отраслях экономики за счет использования MOOKов;

6) составить карту мероприятий по систематическому внедрению использования MOOKов в обеспечении качества образования и осуществлять систематический контроль за его внедрением;

7) подготовить аналитические источники, разработать предложения и рекомендации с той целью, чтобы руководители высших учебных заведений уделяли внимание MOOKам в обеспечении качества образования.

В настоящее время и впредь целесообразно организовать учебный процесс образовательных учреждений в форме «смешанного образования». При этом:

8) мы считаем необходимым принятие нормативных документов по организации образовательного процесса в системе высшего образования с использованием дистанционных образовательных технологий, в частности массовых открытых онлайн-курсов;

9) мы предлагаем изучить предоставляемые передовыми образовательными платформами результаты тематических научно-методических исследований в области образования, а также применить эти результаты к своим вузам и кафедрам.

Также, во всех вузах нашей страны будет целесообразным:

10) развивать навыки анализа MOOKов;

11) адаптация и гармонизация существующих MOOKов;

12) разработать MOOK по учебным дисциплинам;

13) организовать работу в команде по созданию MOOKов;

14) привлекать студентов к работе с MOOKами;

15) популяризировать в широком масштабе MOOK посредством печати и электронного распространения материалов, связанных с использованием MOOKов;

16) достичь обеспечению предоставления всех авторских прав на MOOK.

Если предлагаемые предложения и рекомендации будут применены к академическим процессам в вузах и их исполнение будет взято под системный контроль, то это, безусловно, приведет к существенному улучшению качества образования на пути подготовки высококвалифицированных кадров, к повышению научно-методической эффективности кафедр, а также к повышению социально-экономической эффективности в системе высшего образования в целом.

В условиях глобальной цифровизации и цифровой трансформации образования необходимо создать сайт MOOKов на узбекском языке. Создать такой сайт очень актуально для того, чтобы внести вклад в повышение интеллектуального уровня населения, передать самые современные образовательные технологии до поколений, создающие будущее нашего народа. На сегодняшний день возможность использования смартфонов не является проблемой, в стране появились национальные производители смартфонов. Значит, для того, чтобы поднять общий интеллектуальный уровень, необходимо широко распространять адаптивное обучение, стремиться к совершенствованию средств и технологий данного вида обучения, всех педагогических образовательных инструментов, обеспечивающих получение информации, знаний и формирование умений.

Все высшие учебные заведения нашей страны имеют официальные сайты, через которых они освещают свою деятельность. Если руководство каждого вуза полноправно чувствуя национальный интерес в достижении качества образования и используя богатый научно-педагогический потенциал, накопленный самими университетами будет размещать на официальных сайтах вуза MOOK высокоопытных профессоров, бескорыстных и умелых преподавателей-педагогов, то мы уверены, что это мероприятие станет инновацией, способной внести большой вклад к повышению социального престижа вуза не только на национальном, но и на мировом масштабе, более того, к повышению уровня знания населения страны.

Список использованной литературы:

1. Donald Clark. Plan B: MOOCs: taxonomy of 8 types of MOOC. <https://donaldclarkplanb.blogspot.com/2013/04/moocs-taxonomy-of-8-types-of-mooc.html>.
2. Tony Bates. A review of MOOCs and their assessment tools. <https://www.tonybates.ca/2014/11/08/a-review-of-moocs-and-their-assessment-tools/>.
3. Curt Bonk. Twenty Thoughts on the Types, Targets, and Intents of MOOCs. <http://travelinedman.blogspot.com/2012/06/twenty-thoughts-on-types-targets-and.html>.
4. <https://blog.xabar.uz/post/stenford-garvardda-o-qishni-hohlaysizmi?type=user>.
5. <https://mooc.edu.uz/>.
6. A.Z. Karimov. Use of open online courses on “Personal Development” to build student identity and professional competence (in example of Coursera, edX, 4brain open online courses) // «Innovative approaches in solving problems of modern society»: Collection of materials of the republican scientific-practical conference. – Т.: TSUL, 2019. – P. 10-23. (source in Uzbek).
7. A.Z. Karimov, N.N. Xikmatov. On the legal regulation of electronic education in the Republic of Uzbekistan // Yuridik fanlar axborotnomasi-Вестник юридических наук-Review of Law Sciences, vol.3, 1 (2019). – P. 112-115. https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1239&context=rev_law

Аббазов Илхом Запирович

т.ф.ф.д. (PhD) доцент в.б.

Жиззах политехника институти,

Улугмуродов Хамроз Юсуф ўгли

ассистент

Жиззах политехника институти,

Дилишодов Шухзод

талаба

Жиззах политехника институти

ТЕХНИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада техника олий ўқув юртларида талаба ёшларга таълим бериш мақсади, вазифалари ҳамда уни ривожлантириш учун “беи босқичли” ўқитиш методларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқиш асослари ва уларни бажариш тартиблари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, ўқитиш, метод, техника, механизм, профессор-ўқитувчи, талаба.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллиги таълим соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш учун замин яратди. Бугунги кун талабларини инобатга олинган ҳолда, техника олий ўқув юртларида талаба ёшларга билим бериш ва профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш ишларини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида хусусан техника олий таълим муассасаларида ислохотларни амалга ошириш, талабаларни ва профессор-ўқитувчиларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган

мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлардан асосий мақсад, юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан ана шу мақсадга эришиш учун Президентимиз раҳнамолигида янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, ижтимоий шароитларда фаолият кўрсатадиган, замонавий касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида, олий таълим муассасалари томонидан таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар таёрлаш Миллий дастури, фармонлар, қарорлар ва буйруқлар каби норматив ҳужжатлар янгиланмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу айни пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар самарасидир. Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновация ва интеграцияга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республика Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналишида олий таълим тизими сифатини яхшилаш ва янада ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш каби устувор вазифалар назарда тутилган [1]. Бундай эзгу ишларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида ўтказилаётган соҳаларни ривожлантиришнинг ўзига ҳос ва мос методларини ишлаб чиқиш ва шунга асосланиб фан-таълим тизимини инновацион ривожлантириш орқали баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган саъйи-ҳаракатлардан бири ҳисобланади.

Техника олий таълим муассасарида таълим беришнинг ривожлантириш методларини ишлаб чиқишдан мақсади: Техника олий таълим муассасарида ўқиаётган талаба ёшларга ўз соҳасига қизиқтириш, севиш ва ривожлантиришга ҳисса қўшиш керак [2].

Ушбу кўрсатилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш керак:

- техника олий ўқув юртларида талаба ёшларни амалий кўникмаларини шакллантириш;
- талаба ёшларни айни бир техника йўналишларига йўналтириш йўлида ҳар бир ўқитилаётган фанларда ушбу техника муаммоларини ўқув фани кесимида ривожлантириш;
- талаба ёшларни мунтазам ишлаб чиқариш корхоналарида амалий билим ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида техника олий таълим муассасаларини ишлаб чиқариш корхоналари билан боғлаш.

- талаба ёшларга илмий йўналишларни ютуқлари, ундаги машаққатли меҳнатлар ва уни ривожлантиришдан олинадиган маънавий, иқтисодий ва ижтимоий мукофатлар билан мунтазам таништириб бориш;

- профессор-ўқитувчиларни касбий маҳоратини ошириш мақсадида талаба ёшларни техника соҳасига қизиқтириш йўллари, методлари бўйича ҳамда олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжати бўйича малака оширишни шакллантириш;

- профессор-ўқитувчиларни ишлаб чиқаришнинг инновацион янгиликлари ва уларни ишлатишнинг амалий кўникмасини шакллантириш мақсадида ҳар 3 йилда Республикаимизнинг илғор соҳа техника ва технологиларида ишлаш учун юборишни шакллантириш;

- соҳа бўйича хорижда ишлатиладиган техника ва технологияларини ривожлари бўйича профессор-ўқитувчиларни мунтазам таништириб бориш.

Юқорида келтирилган мақсад ва вазифаларни бажаришда талаба ёшларга қўйидаги метод таълим олувчиларга бир хилда такрорланадиган техника ва технологияларни тез ва мукамал ўрганиб олишларига ёрдам беради.

Техника олий таълим муассасаларида талаба ёшларни ўқитишда қўлланиладиган, таълим олувчи иложи борича оддий механизм ёки техника билан таништирилади, сўнг уни замонавий техника воситаларида чизишни ўрганиш ва ишлаб чиқариш корхоналарида билимларни янада мустаҳкамлаш [3]. Фан ўқитувчиси талабага аввал бажариладиган кичикроқ механизм ёки техникани ишлаши тузилиши ва уни чизмасини чизишни тушунтириб беради, сўнгра қандай тартибда бажарилишини қилиб кўрсатади. Кейин талаба шу ишни кўрсатилган тарзда қайтариши (иммитация) керак. Талаба қайтариб қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси унинг хатоларини тўғрилаб билмаган жойларини ўргатади. Талаба ушбу механизм ёки техникадан бир нечтасини чизиб кўриши ва қайтариши керак. Мисол тариқасида, табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси таълим йўналишида “Пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва жихозлари” фани бўйича машғулотларининг ўтказилишини кўриб чиқамиз [4,5]. “Беш босқичли” методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. “Тушунтириш” босқичида профессор-ўқитувчи таълим олувчиларга аввал ўрганилаётган механизм ёки техникани ишлашини ва уни деталларини тушунтириб беради. Бунда профессор ўқитувчи ушбу техникани мақсади ва вазифаларини тушунтириб беради. Сўнгра ўни ишлаш тартиби билан таништириб бориш асносида уни афзаллиги ва камчиликларига тўлиқ тўхталади, шунда талабалар уни камчиликларини бартараф этиш йўллари бўйича савол жавобларга тутилади. Таклифини берган талабаларни фикрларини эшитган ўқитувчи, шу соҳада қилинган илмий ишлар таҳлили ва унда қилинган ишларга ҳам тўхталиб ўтади.

2. “Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш” босқичида профессор ўқитувчи ўтилаётган механизм ёки технологиялардан бирини чизишни ва уларни замонавий технологияларда яратиш йўллари кетма-кет чизиб кўрсатади. Шунда талаба чизишда технологик тирқишлар кенглигига эътиборини қаратиш зарурлиги ва бу тирқишларни оралиғини эслаб қолиш қобилияти ортади

3. “Ўзига-ўзи танлаш” босқичида талабаларга ўз механизмидеги ёки техникасини ўзи танлаш ва ёқтирган техникасини чизиш ва у ҳақида кўпроқ маълумотлар тўплашга сабаб бўлади. Шундан сўнг талаба ёшларни илмий ишлар бажаришга ва инновацион янги технологияларни ишлаб чиқишга ўз-ўзидан хохиши ортади.

4. “Назорат қилиш” босқичида ҳар бир қилинаётган ишлар профессор-ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилади. Талаба ёшлар ўзига-ўзи танлаган механизм ёки техникани чизиб бўлганидан сўнг қайта бошқа техника танлашга ва уни бажаришга кўрсатма бериб боради.

5. “Ишлаб чиқариш шароитида кўриш” босқичида талабалар чизган механизм ёки техникасини ишлаб чиқиш шароитларида кўриш ва бу техникада ишлаш учун ишлаб чиқариш корхонасига юборилади. Имкон қадар мутахассис билан биргаликда техникани таъмирлаш ва уни ишлаш шароитлари билан таништирилади.

“Беш босқичли” методнинг афзалликлари, таълим олувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришда ёрдам бериши, ускунадаги технологик тирқишларни ёдда сақлашга ва ускуна схемасини тасаввур қилишга ёрдам бериш орқали. Ундаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича илмий тадқиқот ишлар олиб боришни шаклланади. “Беш босқичли” методнинг камчиликларига эса, таълим олувчилар яқка тартибда ўрганишга йўналтириладилар, лекин мустақил фикрлаш имкониятлари чегараланган бўлиши, иш босқичларини амалга оширишда ҳеч қандай янги ёндашувларга йўл қўйилмаслигини киритиш мумкин. Таълим олувчининг изланувчанлик қобилияти, унинг мулоқот қила олиш қобилиятини, таълим олиш маданиятини, таълим жараёнининг барча босқичларида самарадорлик ва сифатни оширишдаги истиқболли натижаларни қўлга киритишни кафолатлайди. Бунинг учун таълимда инновацион технологияларни кенг жорий этишга тўғри келади ва унинг натижасида фаол таълим жараёнини амалга ошириш мумкин бўлади. Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим ва ҳаракат усуллари мазмунан мукамал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга яроқли бўлади. Дарс жараёни давомида ўқув материални баён қилишнинг, ўқувчиларда фанга қизиқишини

уйғотишнинг пировард мақсадида таълимнинг сифати ва савияси яққол натижа бўлиши керак бўлганда, “Беш поғонали” ўқитиш усули ҳам шундай фаол таълим усулларида бирининг вакили сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”.
2. Хашимова Д.П, Афтобхужаева Х.Х. Ўқитувчиларнинг ўқув фанларидан таълим технологияси. – Т.:ЎМКХТМ АМТХ, 2016 .– 137 б.
3. Топилдиев В.Р. “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент-2016, - 144 б.
4. Abbazov P hom Zoporovich, Hojiyov Mukhsin Tadjiyovich, & Karshyev Baxtiyor Eshkobilovich (2016). Increase of an overall performance of a deduster on cotton ginning enterprises. European science review, (9-10), 171-173.
5. Hojiyev, MT; Abbazov, IZ; va Alimov, (2019) "Paxtani tozalash fabrikalarida ishlab chiqariladigan paxta tolasini samarali tozalashning yo'llari" , O'zbekiston To'qimachilik jurnali: Vol. 1: № 1, 2-modda. Ushbu saytda mavjud: <https://uzjournals.edu.uz/titli/vol1/iss1/2>

Азизова Омина Бахромовна

таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ТАЪЛИМДА (АЙНАН АКТЁРЛАРНИ ЎҚИТИШДА) АНЪАНА ВА ИННОВАЦИЯЛАР

***Аннотация:** Мақолада кинодаги театр актёрларининг фаолияти ҳамда олийгоҳда тайёрланувчи кадрлар масаласи ўрганилди. Театр ва кино санъатнинг актёрлик ижроси кесимида кузатилувчи боғлиқликлари, алоқалари кўриб чиқилди. Кинематографнинг дастлабки қадамлари театр актёрлари билан қўйилгани ва бу анъана бугунда ҳам давом этаётгани кузатилди.*

***Калит сўзлар:** бадий образ, экран, сахна, актёр, режиссёр, фильм, спектакль, театр, рамзийлик, метафора.*

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2004 йил 16 мартдаги “Кинематограф соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги 3407-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 126-сонли Қарорига мувофиқ “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг ташкил этилиши соҳанинг ҳар томонлама кенг ривожланиш йўллари билан белгилаб берди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 августдаги “Миллий кинематографни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиклол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг родини ошириш, “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берган.

Тошкент давлат театр ва рассомлик (ҳозирги, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институти ташкил этилган илк кундан бошлаб, 1945 йил май ойидан, олийгоҳда “Драматик театр ва кино актёрлиги” таълим йўналиши мавжуд. Кафедра педагоглари етмиш беш йиллик таълимдаги тажриба давомида минглаб актёрлар жамоасини соҳага етказиб берди. Олийгоҳда орда қолдирилган етмиш беш йил давомида кино актёрлар тайёрловчи алоҳида таълим

йўналиши очилмади. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият олийгоҳида актёрлик санъати таълим йўналишида тўрт хил актёрлар тайёрланади. Булар: 5150300-“Драматик театр ва кино актёрлиги”, 5150300- “Муסיкий театр актёрлиги”, 5150300- “Кўғирчоқ театр актёрлиги” ва 5150300- “Эстрада актёрлиги санъати”. “Театр машғулотидаги бўшлиқни тўлдириш учун актёр ёрдамга мухтож. ТТРИ (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)да актёрлик маҳоратини ўқитишнинг асоси бўлган этюд усули, ўзининг барча афзалликлари билан актёрлик таълим тизимида мукамал кўринмайди”[2.141Б.] Олийгоҳ таълим тизимида актёрлар тайёрлаш масаласида ўзгаришларни кутиб турган қатор амалий ишлар мавжуд.

Эътиборли жиҳати, сахнадан экранга деярли барча театрлардан актёрлар тенг кўчиб боради. Шундай бўлишига қарамай, йўналишлар орасида кино актёрлиги фақат драматик театргагина тиркалган. Агар кино актёрлиги бўлимини алоҳида тарзда очилмас экан, бу ҳуқуқни барча театр актёрларига баробар қўшиб берилиши лозим. Масалан, муסיкий театр актёрлари ҳам драматик театр актёрлари каби экранда рол ижро этишга тенг ҳуқуқли.

Айни пайтда кино санъати билан боғлиқ қуйидаги муаммолар кун сайин долзарблик касб этмоқда.

1. Нопрофессионал актёрнинг ёзма мант билан таниш эмаслиги, қаҳрамонини танимаслиги, билмаслиги, хис этмаслиги;
2. Профессионал актёрлар билан ҳаваскорлар ижросидаги тафовут;
3. Образ ғоясини очишда сахна кўрмаган актёрнинг бир ёклама муносабати;
4. Замонавий шароитда актёрларда ишланмаган нутқ муаммоси;
5. Экранда мавжуд актёрлик мактабларининг кейинги авлодга етиб бориши.

Маълумки, кино санъатининг асосини синтез ташкил этади. Кино бошқа санъат турлари: фотография, театр, муסיқа, тасвирий санъатдан қатор ифода воситаларни ўзида камраб олиб, уларни синтезлаштиради, ўз хусусиятларига бўйсундиради. Бу санъатларнинг ҳар биридан ўзининг ифода воситаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган унсурларни жамлайди. Миллий кинонинг дастлабки қадамларидаёқ (1927 йил) адиб ва театр танқидчиси Абдурауф Фитрат “Санъатнинг манбаи” мақоласида “Кино ҳам театр сингари олтига ажойиб санъат: рақс, адабиёт, муסיқа, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, меъморликдан келиб чиққан ёки, бошқача қилиб айтганда, кино олтига қадимий ажойиб санъатнинг самарали мевасидир”[1] дея таъриф берган эди.

Актёрлик санъати ижтимоий онгининг барча шакллари билан алоқага киришар экан, у маънавий-амалий қиёфа касб этади. Санъатнинг мақсад, вазифалари, тамойил ва қоидалари, меъёр ҳамда қадриятларини кишилар тафаккурига сингдиришда аҳамиятлидир. Актёрлик санъати киши дунёқарашининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Актёрнинг бадиий образли тафаккури инсоният ҳаётига нафислик ва мазмун бахш этади. Шунингдек, актёрлик санъатининг кучи томошабинга ҳиссий таъсир этиш, ибрат кўрсатиш ва тарбия беришда кўринади. Кинода ҳам, театрда ҳам актёр феномени марказий фигура бўлиб, у томошабинга ибрат кўрсатади, намуна бўлади. Актёр сахна ёки экранда яратаётган қаҳрамони орқали томошабинни эзгу мақсад билан уни тўғри йўлга чорлаши керак. Актёрнинг сахна ёки экранда бемақсад намоён бўлиши, унинг касбий маҳорати етишмаслигидан далолат беради.

Театр ва кино актёрининг касбий фаолиятидаги фарқлар шундаки, театр актёри спектакль олдида ролга киришиш учун қаҳрамон гримида муҳитга мослашади. Бир ярим соат давом этган спектаклдан сўнг қаҳрамонининг руҳий оламидан чиқиш учун ҳам сахна устасига вақт керак. Театр актёри санъатини кинога тадбиқ қилар экан, сахна ва кинопавильондаги ижро орасидаги тафовутни сезиши керак. Актёр партнёрини ҳис қилиши, бўрттирилган ифода воситалари- юз мимикаси, кўз қарашлардан белгиланган шарт-шароитда фойдаланиши керак. Шунингдек, воқеаларни мантиқан ривожлантириши, томошабин руҳиятини ҳисобга олиши зарур. Камера қаршисида театр актёри сахнадаги каби овозини кўтариб гапириши талаб этилмайди. Сахнада рўй бераётган хатти-ҳаракат, актёрларнинг ички кечинмалари томошабин кўз олдида бўлиб ўтади. Экранда эса унинг акси.

Кинода актёрнинг хатти-ҳаракатлари қачондир, қаердадир содир бўлиб ўтади. Актёр камера билан юзма-юз туриши сабабли, худди суҳбатдоши билан гаплашаётгандек эркин ижод

килади. Киношунос олим, профессор Ж.Тешабоев - киноактёрнинг ўйини ҳаётдаги кишининг реал, оддий ҳаракатларига қанчалик яқинлашса, киноматограф талабларига шунчалик жавоб беради. Бу жиҳат эса, театр ва кино актёри ижодининг муштараклигидан далолат беради. У ҳам бўлса, актёрнинг роли устида ишлаш жараёнида кўринади[3], дея таъкидлайди. Театрдан кинога таклиф этилган актёрда қахрамон характери очиқ бера олиш кўникмаси шаклланган.

Хулоса, бугунги кундаги экрандаги актёрлар тоифасини тўрт гуруҳга бўлдим. Булар: 1. Драматик театр сахнасидан экранга чиққан актёрлар 2. Мусиқий театр сахнасидан экранга чиққан актёрлар 3. Театр-студияларидан экранга чиққан актёрлар 4. Саҳна кўрмаган актёрлар Мазкур актёрлар тоифаларининг бир-биридан фарқи катта. Ижро услубида, қахрамон талқинида, ролга муносабати ва хатто хатти-ҳаракат, ҳолатида ҳам фарқ мавжуд. “Ильхом” театр-студиясининг актёрлари билан мусиқий театр ижрочилари тақлинидаги қахрамонлар мутлақо бошқача нафас олади. Сабаб, актёрлар кўрган мактаби, турли ижодий муҳит, тарбия ва олган андозасига қараб қахрамон характери куради. “Ильхом” театр-студиясида бошқача актёрлик мактаби. Театр-студиясида Марк Вайл қолдириб кетган тажриба, мактаб бўйича ижод қилинади. Миллий академик драма театрида А.Ҳидоятлов, Ш.Бурхонов, С.Эшонтўраевлар қолдириб кетган мактабни давомчилар кейинги авлодни тарбиялайди. Муқимий номидаги мусиқий театри сахнаси эса Л.Саримсоқова, Ҳ.Умаров, С.Хўжаев, Ф.Раҳматова, Х.Шарипов, Б.Ихтиёровлар қолдириб кетган мактаб асосида фаолият кўрсатади. Шундай муҳитда кейинги авлодни ҳам тарбияланмоқда. Ҳар бир театрнинг ўз мактаби бор. Йиллар давомида актёрдан актёрга ўтиб келаётган анъана мавжуд. Ўзбек саҳна санъатида актёрлик мактабларининг хилма-хиллиги, ранго-ранглиги сабаб мамлакатимизда театрларнинг деярли барча турлари фаолият олиб боради. Мазкур саҳна актёрлари экран санъатини ҳам ижрочига бўлган талабини қондириб келмоқда.

Тадқиқот иши давомида келинган хулосаларга таянган ҳолда ушбу тавсияларни келтириб ўтиш жоиз:

1. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бугунги кунда мавжуд бўлган “Драматик театр ва кино актёри” бўлимни ўзгартириш вақти келди. “Драматик актёр” (актёрлик санъатига умумий кириш бўлиб, бу йўналишда талаба 4 йил давомида саҳна ва экранда драматик, трагик, комедик ролларни яратиш сир-асрорларини ўзлаштирсин) бакалавр йўналишида тайёрлансин. Магистратура босқичи эса актёрни тор доирада ихтисослашувига сабаб бўлиши шарт. Магистратурада талабаларни “Драматик театр актёри” ва “Кино актёр” мутахассисликларига ажратилиши керак.

2. Институтда мавжуд “Эстрада актёрлиги санъати” йўналишини қайта ўрганиб чиқиш лозим. Мазкур таълим йўналишини “Эстрада ҳонандаси” дея ўзгартириб, қўшимча тарзда кафедра таркибида “Кино актёрлиги” йўналишини ҳам киритиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Болтабоев Ҳ, Фитрат ва санъат назарияси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998.
2. Мухтаров И. Театр иего актёри. Ташкент, изд. «Фан», 1989 год. Стр 141. ISBN 5-648-00653-5.
3. Тешабоев Ж. “Герой крупным планом” (Қахрамон йирик планда). Тошкент, 1988 год.

*Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна
юридик фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат юридик университети*

ЯНГИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: ТАРИХ ВА ИСТИҚБОЛИ

Аннотация. Мазкур мақолада ижтимоий ривожланиш соҳасидаги таълим тизимининг ўрни ва аҳамиятига эътибор берилган. Таълимни ривожлантиришига оид

маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий қараишлари таҳлил этилган бўлиб, мазкур зояларнинг бугунги кундаги аҳамияти қиёсий ўрганилган.

Калим сўзлар: таълим, маориф, кадрлар, юрт, тараққиёти, маърифат

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Демак, Ёшлар таълим-тарбиясини тўғри, миллий манфаатдорлик нуқтаи назаризга дан қайта қуриш жиддий масала. Чунки таълим-тарбия сифати ва таркиби ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайдиган энг асосий омиллардан биридир. XX аср иккинчи ярмида ёшлар таълим-тарбиясини мақсадли ислоҳ этиш натижасида юксак тараққиётга эришган давлатларга бир эътибор берайлик: Япония, Жанубий Корея, Финляндия, Норвегия... Ушбу давлатлар ислоҳотни боғчадан бошлаб, 2-3 ўн йилликда ўзига хос, самарали таълим-тарбия тизимини яратиш эвазига фуқаролари ижтимоий ҳимояланган, иқтисодий барқарор мамлакатларга айланди. Бугунги кунда Сингапур таълим тизимидаги, Германия, АҚШ, Хитой Халқ Республикаси каби кўплаб давлатларда амалга оширилаётган таълимдаги ислоҳотлар дунё ҳамжамиятида ёшларнинг етук кадр сифатида намоён этаётганлигининг тасдиғидир. Бугун янгиланаётган Ўзбекистон тақдири ҳам янги етук кадрларга боғлиқ бўлади. Демак, кадрлар тайёрлаш тизимига янгича ёндашув давр талабидир. Бу борада, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида олий таълимдаги ислоҳотларга алоҳида тўхталди: “Қандай оғир бўлмасин, тан олишимиз керак, юртимиз равнақи учун энг зарур йўналишлар бўйича изланувчан, истеъдодли ёш кадрларни четда, ривожланган давлатларда ўқитишга мажбурмиз. Шунинг учун ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлари, мамлакатимиздаги илмий марказлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан яқин ҳамкорликда самарали иш олиб бориши керак”, -деб ҳақли гапирганди. [1] Албатта, мамлакатимизнинг порлоқ келажаги, равнақи ва барқарорлиги, дунё мамлакатлари ичида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши сўзсиз инновацион билимларни эгаллаган, бошқача айтганда, инсон капитали соҳиб бўлган бугунги ёшлар кўлида. Мамлакатимизда олий таълим тизимида бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли халқаро стандартга ўтиш амалга оширилди. Жорий йилда 14 та олий таълим муассасаси очилиб, уларнинг сони 114 тага етди. Шу билан бирга кечки ва сиртқи таълим шакллари босқичма босқич такомиллашиб бормоқда. Жорий ўқув йилида битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 17 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, Юртимизда халқаро Вестминстер университети, И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ институти, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Турин политехника университети, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Жанубий Кореянинг Инха университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти каби халқаро олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият юритмоқда. Бугун таълим жараёнига талаб катта. Жумладан, Хитой Япония билан бир қаторда жанубий шарқий Осиёдан талабаларнинг оқими бўйича етакчи ўринни эгалламоқда. Шу билан АҚШ, Ғарбий Европа, ҳамда МДҲ давлатлари олий тизими билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Ҳозирда 200000дан ортиқ талабалар 185 давлатдан Хитойда олий таълим олмақда. Шу ўринда, Сингапур таълим тизимининг тараққий этишида, давлат томонидан мустақилликка эришган пайтдан бошлаб олиб борилган ислоҳотларни ўрни бекиёслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бугун Ўзбекистонда бу соҳа қандай ривожланмоқда деган савол туғилиши табиийдир. Чунки бизда кўплаб маҳаллий олий ўқув юртлари билан бир қаторда хорижий университетлар филиаллари ҳам фаолият олиб боради. Улар ўртасида фарқ, албатта, бор: тизимда ҳам, таълим сифатида ҳам. Бизда таълим жаҳон даражасига чиқиб ололмапти? Нега? Нима қилиш керак? Ахир, бизнинг мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига ўз ўрнига эга бўлиши учун етук кадрларига эга бўлиши кераклигини барчамиз биламизку. Кадрларни бизга ким тайёрлаб беради? Қайси ОЎЮлари? Ислоҳотни нимадан бошламоғимиз керак?-деган ҳақли саволлар туғилади? Бу муаммо ва саволлар ҳар доим давлат диққат-эътиборида бўлгани сабабли, Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари Абу наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий, жадидлар сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг ўзаги бўлиб келган.

Хусусан, жадидларимиз ёшларимизни ривожланган давлатларда таълим олиши учун аввалло, ўз ҳисобларидан мактаб очишган. Германия, Франция, Туркия каби давлатларга ўқишга юборишган. Жумладан, XIX асрнинг охирида буюк маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракати етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудий «Ойина» журналида «Икки эмас, тўрт тил лозим» мақоласи билан «Биз туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур» деган ғояни илгари сурган. Кўпгина мақолаларида таълим ва ёшлар масаласига оид ғояларини илгари сурган. [5] Жумладан, «Ёшларга мурожаат», «Муҳтарам ёшларга мурожаат» мақолаларида маърифатнинг эрк йўлида асосий қурол бўла олишини таъкидлаган. Бехбудий айниқса, ёшларнинг мустақил фикрли, маънавияти юксак бўлишини орзу қилган. Шунинг учун мазкур мақолаларида ёшларга мурожаат қилиб, замонавий илм эгаллашга катта аҳамият бериш лозимлигини таъкидлаган: «илми замоний исломиятда зарар қилмоқ нари турсин, фойда етар». Шунингдек, Бехбудий ота-оналарга ҳам мурожаат қилиб, фарзандларнинг замонавий илмни эгаллаши ҳақида «лозим бўлганда мулкингизни сотсангиз-да ўғлингизни замонча ўқимоғига саъй қилингиз», - дея маърифатга даъват этади. Дарҳақиқат, илм-маърифат қалбни поклайди, онгни равшанлаштиради. Бехбудий «Муҳтарам ёшларимизга мурожаат» мақоласида «...мактаб - тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур », деб таъкидлаган. Модомики шундай экан: «Туркистон мусулмонлариға ибтидоий мактабларни кўпайтирмоқ лозимдур», - деган вақтнинг ўзида яна бир масала мактабларга таълим берадиган ўқитувчиларга эҳтиёж масаласини ҳам кўтарган. Жумладан, шундай ёзган: «Табиий, мактаб муаллимсиз кўпаймас. Ҳозирда эса, Туркистонда муаллим оз бўлиб, муаллимларга эҳтиёжимиз шундадур. Чунки бу кунларда янги мактаб ҳаваскорини кундан-кун зиёдалашмоқдадирки, муаллимлар мавжуд бўлган тақдирда ҳар йили Туркистонда юзларча мактаб очмоқ мумкиндур». Эътибор қаратсак, Бехбудий қаламга олган энг зарур муаммолардан бири мактаб ва илм-фан экан, бу масала ҳамма замонлар учун ҳам биринчи ва асосий бўлиб қолаверади. Демак, Бехбудий қолдирган маънавий мерос ҳамма замонлар учун ҳам бирдай хизмат қилади. Чунки, илму маорифдан йироқ киши жамиятда ўз ўрнини тополмайди, роҳат кўрмайди. Шу ўринда улуғ маърифатпарварнинг қуйидаги фикрларини келтиришни лозим топдик: «Маданияти ҳозирадан маҳрум қолуб, саноеъ ва маориф салоҳи ила қуролланмаган миллат эса, дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас. Мубораи ҳаёт майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида эзилур...». Бехбудий ҳатто, муаллим етиштурмак учун дорулмуаллимин лозимлигини таъкидлаб туриб, ушбу муаммонинг ечимини кўрсатиб ўтади. Яъни «Туркистонда муаллим чиқармоқ учун дорилмуаллимин бўлмаса ҳам, ҳар шаҳарда усули таълимдан хабардор бир-икки нафар муаллим, албатта, бордур. Ана, муаллимликка толиб кишиларни аларнинг ҳузуриға юбориб, 3-4 ой зарфида усули таълимдан хабардор қилмоқ лозимдур». Ёки Тошкентда Мунавварқори жанобларидан таҳсил олмоққа юбормоқ ҳам мумкин, - деб масала ечимининг бир неча йўлини кўрсатади. Мақсад битта: миллатни жаҳолатдан қутқармоқ, илм сирларидан хабардор бўлиб, жаҳонда ўз ўрнимизга эга бўлмоқликдир. Бехбудий ўз давридаги кишиларни илм ва ҳунар эгаллашга, тараққий этишга аҳволи миллат учун қайғиришга чорлайди: «Бир қарра диққат қилиб, маҳаллакўй ва қишлоқ халқларига қаралсун. Авомлик, беилмлик, накадар кўпайган.... Ўқимоқ керак, нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бесавод йўк экан, биза юза бир нафар саводлик йўк?» . Илмсиз миллатнинг охири войдур. Фазлу ҳунар билан миллат дунёда боқийдур, дея бир умр миллат ва халқ манфаатини ҳимоя қилмоққа ҳаракат қилганди. Бехбудий ҳулосаси битта: миллат тараққий этмоғи учун «...ҳамийяти хайрия, нашри маориф, қироатхоналар, фўндлар, қуружуклар, жаридалар, мажаллалар, нашриётлар керакдур...». Юқорида келтирилган ғоялар мазмунан «Эҳтиёжи миллат» номли мақолада ҳам давом эттирилади. Бехбудий дунё билан боғланмоқ учун, дунёда борлигимизни намоён этмоқ учун, «дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур», деган. Дарҳақиқат, ҳозирги фан ва техника жадал ривожланаётган даврда дунё билан алоқа қилмоқ учун дунёвий илм ва тилни билмоқ лозим. Бехбудийнинг бир аср олдин қуюниб айтган мазкур фикрлари ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. У миллат болаларни ўқиб, ҳуқуқшунос, доктор, муҳандис, ҳисобчи, тижоратчи бўлиб ўз миллати манфаати йўлида хизмат қилишини жуда истади. Бехбудий ҳар бир масалага алоҳида ёндашиб,

фақат ундаги камчиликни кўрсатиш билан чегараланиб қолмай, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилди. Жумладан, илм олиш ва маҳоратли касб эгалари бўлиб етишишда, аввало, имконият, пул, маблағ бўлиши лозимлигини таъкидлаб, бунинг учун Туркистондаги бойларни ўз сармояларини илм ва миллат равнақига бир оз бўлса-да, сарфлашлари лозимлигини катга бир орзу сифатида қайд этди. “Бошқа миллагларнинг бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорулфунунлар соладурлар, фақир ва етимларни ўқимоғи учун вақф “истепендия”лар тайин қилур. Бошқа миллат милиўнерлари мактаби ила истипендияси-ла, идора қилатурған газет ва мажалласи-ла, бино қилган доруложизин, барпо қилган жамъияти хайрияси-ла фахр қиладур”. Миллатпарвар олим бизда ҳатто ўз ўғлини ўқитмайдиган бойлар борлигидан ўкинади ва бунинг охири инқироз билан тугаши мумкинлигидан қаттиқ қайғиради. “Бу кетишнинг охири ямондур, ўқумоқ, ўкутмоқ керакдур. Болаларга оталардан илми диний ва илми замоний мерос қолсун”. Мана миллат ва халқ дарди билан куйиб яшаган инсоннинг хулосаси. Бу хулоса ҳозир ҳам, бир неча даврлар ўтса ҳамки, ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, илм ва ҳунарни эгаллаш инсоннинг ИНСОН сифатидаги энг муҳим белгиларидан биридир. Бехбудий бундан бир аср олдин миллат эҳтиёжи илм-маориф эканлигини қайта ва қайта таъкидлаган эдики, мазкур фикрлар бугун ҳам ўз аҳамиятини заррача ҳа йўқотмаган, десак тўғри бўлади.

Ўзбекистонда бу борадаги ислохотлар деярли тугаган мактабгача таълим-тарбия тизимини тиклашдан бошланди. Ҳар бир вилоятда замонавий, ҳар жиҳатдан шинам, яхши жиҳозланган боғчалар қуришга киришилди. Энг аввало, узлуксиз таълимнинг энг муҳим ҳалқаси бўлган мактабгача таълим муассасалари мазмунан ва ташкилий жиҳатдан мутлақо янги шаклда ташкил этилмоқда. Ёшлар тарбиясидаги энг муҳим қадамлардан бири бу давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бўлди. Президент мактаблари бирин-кетин очилмоқда. Иқтидорли шлар учун лицейлар фаолият юритмоқда. Қувонарли томони шундаки, эндиликда, Ўзбекистонда хусусий олий таълим муассасаси очилади. Яъни, IАкфа университети фундаментал, тиббиёт, аниқ ва гуманитар фанлар соҳасида мутахассисларни тайёрлайди. Вазирлар Маҳкамасининг 19.02.2019 йилдаги 130-сон тегишли қарори имзоланган бўлиб, Университет – масъулияти чекланган жамият шаклидаги нодавлат олий таълим ташкилоти сифатида фаолиятини бошлайди ҳамда унинг вазифалари сирасида – илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, хорижий олий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш, ходимларнинг, шу жумладан, тиббиёт соҳасида малакасини ошириш, малака амалиётларини ташкил этиши кутилмоқда. Гачон университети (Корея Республикаси) таълим жараёнини ташкил этишда кўмаклашади. Яқинда эълон қилинган Президент фармонида олий таълим тизимини янги босқичга кўтариш бўйича вазифалар белгиланган. Ўйлайманки, мана шу вазифаларга тўғри ёндошилса, биздаги таълим сифати ҳам, олий таълимдаги ўқитиш тизими ҳам жаҳон стандартига мос келиб қолади. Президент имзолаган концепцияда, нодавлат олий ўқув муассасалари сонини, жумладан давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) ҳисобига 5 тадан 35 тага етказиш, кредит-модул тизими қамровини 2 фоиздан 85 фоизга чиқариш режалаштирилмоқда. Хулоса битта. У ҳам бўлса, эл-юрт умиди мамлақтимиз ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши учун, энг аввал етук кадрлар, мутахассислар керак экан, таълим тизимидаги ислохотларнинг фаол фидойиси бўлишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган тадбирдаги маърузаси.
2. 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2019 й.,
3. 2019 йил 3 майдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.05.2019 й.,

4. 2019 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

5. Бехбудий М. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1999. Б-201

Дадахонов Аъзамжон Олтмишев

таянч докторант

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖУРНАЛИСТИК ТАЪЛИМДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР – СОҲА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада миллий журналистика соҳасида кадрларни ихтисосликлар бўйича тайёрлаш, моддий-техник базани ва ўқув жараёнини замонавий техник воситалар билан жиҳозлашни сифат жиҳатдан яхшилаш масалалари, соҳада амалга оширилган ишлар ва унинг ривожини учун бажарилган лозим бўлган вазифалар хусусида сўз боради. Ўзбекистонда журналист кадрлар тайёрлаётган олий таълим муассасалари фаолияти хорижий университетлар фаолияти билан қиёсланган ҳолда таҳлил этилади.*

***Калит сўзлар:** журналистик таълим, медиатаълим, қўшма таълим дастурлари, таълимда ҳамкорлик, назария ва амалиёт уйғунлиги, ўқув-услубий таъминот, таълимда медиа технологиялар.*

Оммавий коммуникация ва журналистика соҳаси ҳар қандай давлатнинг ички мулоқотлар майдонида ҳам, давлатларо муносабатларда ҳам муҳим ўрин тутди. Айнан шу соҳа учун мутахассислар тайёрлаш ҳар доим турли фикр ва мунозараларга сабаб бўлиб келган. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ОАВ сони кўпайди. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев бу борада қуйидагиларни таъкидлайди: “Бугунги кунда юртимизда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Улар мулк шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир. Ўз-ўзидан равшанки, уларнинг барчасига юқори малакали кадрлар керак” [1].

Мазкур ҳолат журналистик таълимга ҳам ўзгаришлар киритишга таъсир кўрсатмоқда. Шу даврга қадар турли давлатларда журналистларга таълим беришнинг бир қатор модел ва шакллари яратилди. Ўзбекистонда ҳам илк журналистик таълим йўлга қўйилганидан бошлаб, турли ОАВ каналлари учун бирдек сифатли ва тезкор ахборот етказиб бера оладиган малакали кадрларни тайёрлаш олий таълим муассасаси учун асосий вазифа бўлиб келган.

Ҳозирги вақтда юқори даражадаги касб маҳоратига эга бўлган журналистлар ва шарҳловчиларни, соҳада етук мутахассисларни тайёрлаш вазифаси долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистонда журналистик таълим дастлаб 1949 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетида ташкил этилган [2]. Шундан сўнг мамлакатнинг бир қатор ҳудудларида журналистика факультетлари ва бўлимлари очилган ва айтиш мумкинки, шу даврга қадар соҳада кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими яратилган.

Ўзбекистонда айни вақтда 5 та олий таълим муассасаси: ЎзМУ, ЎзДЖТУ, ЎзЖОКУ, ҚДУ ҳамда Вебстер университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида журналистика ва медиа коммуникациялар соҳасида кадрлар ўқитилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3737-сон қарорида белгиланганидек, ЎзЖОКУ оммавий ахборот воситалари соҳаси учун журналист кадрлар, шу жумладан, юқори малакали, бир неча хорижий тилларни мукамал билладиган халқаро журналистлар ҳамда илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, республикада медиатаълим тизимини яратиш, соҳа ходимларини қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш, мазкур йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасасига айлантирилди.

2018 йилга қадар асосан журналистика ва халқаро журналистика мутахассисликлари фаолият турлари бўйича бакалаврлар тайёрлаб келинган бўлса, ушбу йилдан бошлаб, янги ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида 8 та бакалаврият таълим йўналишида, 9 та магистратура мутахассисликларида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

2019 йил қабул даврида журналистика таълимида яна бир қатор янгиланишлар бўлди. Жумладан, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети бакалаврият йўналишида “Ҳарбий журналистика” соҳаси [3], Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида “Давлат ва нодавлат тузилмаларда ахборот хизмати” ва “Маданиятлараро коммуникацияларнинг лингвистик таъминоти” таълим йўналишларида талабалар ўқишга қабул қилинди [4].

Яна бир эътиборли жиҳат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4245-сонли қарори билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган Вебстер университетининг Тошкент шаҳридаги марказида 2019/2020 ўқув йили учун бакалавриятнинг “Медиа коммуникация” (Bachelor of Arts in Media Communication) бакалаврият таълим йўналиши бўйича ҳам кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди [5]. Кўринадики, миллий журналистика таълими ҳам замон талабларига мос ҳолда янгиланиб бормоқда. Журналист кадрларни ихтисосликлар бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни такомиллаштириш, моддий-техник базани ва ўқув жараёнини замонавий техник воситалар билан жиҳозлашни сифат жиҳатдан яхшилаш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда олий таълимни янги босқичга кўтаришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Замонавий таълим стандартлари, талабаликка қабул қилишнинг шаффоф тизими жорий этилди.

Президент қарорлари билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда олий таълим муассасаларини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш бўйича дастурлар профессор-ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинди [6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сонли Фармони эса республикамиздаги барча ОТМлар тараққиёти учун муҳим бўлган дастуриламал бўлди [7].

Зеро, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг стратегик мақсади – жаҳон бозорида рақобатдош, ахборот асрининг янги даъватларига ҳозиржавоб бўла оладиган, касбий малакаларни мукамал эгаллаган журналист кадрларни етиштиришдир.

Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бу борада чинакам миллий журналистика мактабини шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва Интернет тармоғидаги таҳлилий сайтларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Журналистик таълимнинг бевосита амалиёт билан боғлиқликда олиб бориш орқали талабалар таҳририятдаги шарт-шароитлар, ахборот материаллари яраташнинг барча босқичларини кузатиб бориш имкониятига эга бўладилар. Бу йўлдаги асосий муаммолардан бири таҳририятлар ва иш берувчилар билан ҳамкорликни кучайтириш орқали ҳал бўлиши мумкин. Журналистика таълим берувчилари учун талабаларни амалиётдан ажратмаган ҳолда ўқитиш қанчалик самарали бўлса, ОАВ учун ҳам бу шунчалик фойдалидир. Ижод жараёнига энди қадам қўяётган бўлгуси журналистлар таҳририятнинг озгина эътибори ва тўғри йўналтира олиши билан ОАВ чиқишларини кутилмаган фикрлар, ёрқин материаллар билан бойита оладилар.

Журналистика мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлайдиган алоҳида ихтисослашган университет фақат Ўзбекистонда мавжуд. Албатта, бу журналистика бўйича

илмий мактабларни марказлаштириш, таълимни янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилди.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, хорижий давлатларда журналистик таълим журналистика факультетлари, олий мактаблари ва курслари, шунингдек, турли соҳага ихтисослашган тор соҳадаги олий таълим муассасаларида ҳам факультет ёки бўлим шаклида йўлга қўйилган.

Россияда журналистика факультети мавжуд бўлган ва бакалавр йўналиши ёки магистратура мутахассисликларида журналистика ихтисослигида ўқишни таклиф қилувчи 149 та университет фаолият юритади [8].

Қозоғистон Республикасида 19 та университетда “Журналистика” ихтисослиги бўйича таълим берилади. Улардан иккитасида журналистикага ихтисослашган факультетлар мавжуд. Қолганлари гуманитар, ижтимоий фанлар ёки филология факультетлари қошида журналистика соҳасига ихтисослашган кафедралар орқали соҳа таълими ташкил этилган [9].

Германия Федератив Республикасидаги жами 99 та ОТМдан 23 та университет ва институтларда журналистикани ўқитиш дастурлари амалга оширилмоқда. Улар Берлин, Бамберг, Дортмунд, Лейпциг, Мюнхен, Бохум, Дрезден, Майнц, Мюнстер, Эрланген-Нюрнберг, Эссен каби шаҳарларда жойлашган. Журналист кадрлар тайёрлашнинг иккита модели анъанавий ҳисобланади: назарий ва амалий (илмий, университет) ва амалий (журналистика мактабларида). Биринчиси амалий журналистлар ва журналистика тадқиқотчиларини Германия университетларининг йирик факультетлари билан боғлиқ бўлган журналистика институтлари ёки факультетларида узок муддатли ўқитишдан иборат. Шундай қилиб, Дортмунд университетининг Журналистика институти Маданиятшунослик факультетининг таркибий қисми (диплом ҳимояси билан), Мюнстер шаҳридаги Журналистика институти - фалсафа факультети (магистрлар тайёрланади), Маинцдаги Журналистика институти - ижтимоий фанлар факультетининг таркибий қисми ҳисобланади [10].

Ушбу таълим даргоҳларида соҳа номлари турлича аталишини ҳам таъкидлаш керак. Уларда таълим соҳаси ёки факультет, бўлим номлари журналистика, публицистика ёки коммуникация деб аталади. Масалан, Эрланген-Нюрнберг университетида - Ижтимоий фанлар институти таркибига кирувчи Коммуникация ва сиёсий фанлар кафедраси, Бохум университетида Публицистика ва коммуникация бўлими, Дрезден университетида Коммуникация фанлари институти деб номланади. Бироқ буларнинг барчасида ОАВ учун кадрлар тайёрланади.

Франциянинг баъзи ҳудуд (провинция) ларидаги олий таълим муассасаларида, Австралиянинг барча институтлари ва университетларида, Янги Зеландияда журналистика фақат санъат факультетларида ўргатилади ва уларнинг битирувчиларининг аксарияти журналистика ихтисослиги бўйича бакалавр даражасига эга бўлади. Жумладан, Янги Зеландиядаги Вайкато Технология Институти медиа санъат бакалаври (Bachelor of Media Arts) йўналишида нафақат журналистлар, балки фотография соҳаси, график дизайнерлари ва ҳатто мусиқачилар ҳам ўқитилади. Уларнинг ҳаммаси яқунда медиа санъат бакалаври (Bachelor of Media Arts) даражасини оладилар [11].

Ҳозирда Ўзбекистонда журналистика соҳасида таълим берадиган даргоҳларда хорижий университетлар билан турли йўналишларда ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети очилганига бир йил бўлишига қарамай Германия, Туркия, Хитой, Россия, Жанубий Корея ва бошқа бир қатор давлатлардаги университетлар билан, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети АҚШ, Россия, Германия, Япония, Польша, Испания, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар университетлари билан, ЎзМУ журналистика факультети Россия, АҚШ, Миср, Германия, Ҳиндистон каби кўплаб давлатлар олийгоҳлари билан ҳамкорлик шартномалари имзолаган. Ҳаттоки, ЎзМУда ХХ асрнинг 90-йилларида Москва давлат университети журналистика факультети билан талабаларни юбориб ўқитиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишган.

Янги ташкил этилган Вебстер университетининг Тошкент филиалида талабалар учун янги имкониятлар мавжуд. Университет профессорларининг айтишича, Вебстернинг hozirgi кунда АКШнинг 18 штати ва Колумбия хуудидида, хорижий давлатлардан Швейцария, Нидерландия, Хитой, Англия, Австрия, Гана дунёда кўплаб “кампус” – филиаллари мавжуд бўлиб, талабалар ўқиш даврида ҳаёт тажрибаларини ошириш ва билим олиш учун маълум бир семестрларни бошқа мамлакатдаги филиалда давом эттиришлари мумкин.

Тараққиёт тезлашиши, ОАВ фаолияти ва олий таълимдаги глобаллашув, халқаролашув каби жараёнлар бугун миллий журналистика таълимида ҳам халқаро стандартларга эришиш, бунинг учун эса соҳада жаҳоннинг нуфузли таълим муассасалари билан таълимнинг турли соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш зарур. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да қайд этилганидек, хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолиятини кенгайтириш, ҳамкорликда ўтказиладиган илмий конференциялар ва семинарлар сонини кўпайтириш, халқаро илмий ва таълим лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда хорижий мамлакатларда маҳаллий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш лозим [12].

Сўнги вақтларда мамлакатимизда илмий соҳа ва илмий тадқиқотларни рағбатлантиришга бўлган эътибор кескин кучайди. 2019 йилнинг 29 октябрида қабул қилинган “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳам айнан шундай ваколат ва имкониятларни мустаҳкамлайди ва кенгайтиради. Илмий соҳа тараққиётида халқаро ҳамкорлик ва халқаро тажрибани ўрганиш соҳада сезиларли самараларга олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан стажерлик ва илмий изланишлар учун бир қатор тадқиқотчиларни хорижий давлатларга юбораётгани, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси хорижий таълим муассасаларида мамлакатимиз учун мутахассислар тайёрлаш, хорижда яшаётган илмий салоҳиятга эга ватандошларимиз билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимиз фуқароларини чет элда малака ошириш, стажерлик, магистратура ва докторантурада таҳсил олиб, юртимизга малакали ва юқори илмий салоҳиятли кадр бўлиб қайтишлари учун олиб бораётган фаолияти, Фанлар академияси, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларининг илмий соҳада ҳам халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилаётгани шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари нутқларидан бирида қуёниб таъкидлаганларидек, “иқтисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир пайтда олий таълим тизими тараққиётнинг локомотиви” бўлиши, замон билан ҳамқадам ривожланиши зарур.

Умуман олганда, мамлакатимизда журналистик таълим сифатини ошириш, уни ривожлантириш ахборот асри талабларига жавоб берадиган ва нафақат миллий медиа маконда, балки халқаро майдонда ҳам эркин фаолият юритадиган малакали журналист кадрларнинг етишиб чиқишига замин яратади.

Хулоса сифатида соҳадаги мавжуд ҳолат ва қилиниши зарур бўлган ишларни тадқиқ қилиш натижасида журналистика соҳасини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асослари, замонавий медиатеологияларни чуқур ўзлаштирган, юқори малакали журналист кадрларни миллий ва халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 21 апрелдаги 79 (6773)-сони. <http://www.lex.uz/docs/3171590>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3737-сон қарори. // <https://lex.uz/docs/3748563> 24.05.2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сонли Фармони. <http://lex.uz/docs/4545884>
4. Алимов Б. Журналистика таълими: халқаро ҳамкорликнинг янги босқичи. “Ўзбекистонда хорижий тиллар” электрон журнали, № 5 (13)/2016. <https://journal.fledu.uz/uz/zhurnalistika-talimi-hal-aro-hamkorlikning-yangi-bos-ichi>
5. Вороненкова Г.Ф. Журналистское образование в Германии. “Медиаскоп” электронный научный журнал факультета журналистики МГУ имени М.В. Ломоносова. // <http://mediascope.ru/журналистское-образование-в-германии>
6. Ўзбекистонда ҳарбий журналистика: қабул жараёнлари, ўқув дастурлари ва халқаро ҳамкорлик. Манба: “Vatanparvar” газетаси. <http://uza.uz/oz/society/zbekistonda-arbiy-zhurnalistika-abul-zharayenlari-uv-dasturl-12-07-2019>
7. Inauguration ceremony of Webster University Uzbekistan to take place on November 1. <https://tashkenttimes.uz/national/4534-inauguration-ceremony-of-webster-university-uzbekistan-to-take-place-on-november-1>. 2019-10-30 12:44:46
8. Российские вузы со специальностью «Журналистика» 2019. Источник: <https://edunews.ru/universities-base/spisok/вузы-zhurnalistiki.html>
9. Факультеты журналистики Казахстана. // <http://presscenter.kz/fakultety-zhurnalistiki-kazahstana/>
10. Жадал ривожланаётган иқтисодиёт учун замонавий кадрлар керак. <http://uza.uz/oz/politics/zhadal-rivozhlanayetgan-i-tisodiyet-uchun-zamonaviy-kadrlar-24.10.2018>
11. <https://www.nuu.uz/uzc/info/structure/faculties/jour>
12. <https://uzswlu.uz/page/view/12>

Ilmurodova Dilobar Hamzaevna
teacher

Qarshi branch of Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi,
Klenina Anastasia Valerevna

student
Qarshi branch of Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi

THE EFFECTIVENESS OF TEACHERS ' USE OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE TEACHING OF COMPUTER SCIENCE

Annotation: *In this article, the effects of pedagogical technologies in the formation of independent thinking cultures of teachers in the teaching of computer science are highlighted. Conditions for participation in almost all types of knowledge in the development of an independent culture of thinking are mentioned.*

Keywords: *Modern pedagogical technologies, the development of cognition, independent thinking, pedagogical training of the teacher*

Today, Information Technology is one of the most important factors affecting the development of our society. Information technology has also been in existence at various stages of human development.

A distinctive feature of modern information society is that information technology has a leading place among all existing technologies, in particular new technologies.

Extensive use of didactic materials, which determines the effectiveness of Information Technology and technical means, is one of the main signs of modern pedagogical technologies. Particular emphasis is placed on this important tool of managing the educational process in the national program. The level of use of information tools (computer, electronic communication, radio, television) is determined by two factors:

1. To develop didactic materials on topics that will yield informative tools for the learning process.
2. To check the preparation of teachers for the correct use of technical means and didactic materials in their practical activities.

It is possible to achieve the intended goal only when the process of information education is pre-pedagogical design. Computerization of pedagogical processes is one of the main directions and the sphere in which modern pedagogical technologies should be engaged.

Modern information technology includes information technology with a high level of user-friendly interface, which is carried out with the active participation of the user using computer equipment, software and telecommunications.

Therefore, modern information technology means that there is not only the use of computer equipment and its software, but also the possibility of direct interactive communication between the system and the user (friendly interface).

IT plays an important role in the educational process and helps to solve the following tasks:

- formation of the desire to open, maintain and develop individual abilities of students, knowledge skills in them, self-improvement;
- to ensure the interrelationships between events and phenomena Kompleks study, exact, natural-scientific, technical, social, humanities and art;
- constant and dynamic updating of the content, forms and techniques of educational processes.

From the point of view of the educational system point of view, the following problems that arise along with the introduction of it are important:

1. Technical problems-the requirements for electronic computing and microprocessor techniques used in the educational system, the characteristics of their application in practice.
2. Programming problems-determines the structure and types of software for use in the educational system, the structure and characteristics of their application.
3. The problems of preparation are associated with the use of information and communication technologies by teachers (pedagogues) and students, including the use of computing techniques.

Thus, the introduction of modern it into the educational process leads to:

- help more individually, taking into account the educational process, the exact level of preparation of students, their abilities, the pace of mastering new material, their interests and inclinations;
- support and development of students' cognitive activities, their self-improvement, education and professional interests and aspirations;
- teaching science in the process of communication, studying the phenomena of existence;
- constant and dynamic updating of the educational process on account of its flexibility, efficiency, improvement of forms and methods of organization;
- the problem of teaching in all educational institutions and the use of computer tools and virtual stands;
- improving the technological base of the educational process through the introduction of modern technical means.

Four important aspects characterize the process of learning modern computer science:

The first point: the teaching of computer science requires a higher philosophical and methodological culture than the teacher of Computer Science, due to the peculiarities of its content.

This philosophy does not follow the rule that it should be taught in the computer science lesson, that is, the teacher himself must know and understand the meaning and significance of the general philosophical laws and laws on the development of knowledge.

Deeply understand the meaning and meaning of both philosophical categories and informatics concepts. Have an understanding of the concept of a developing dynamic information object, a methodology and development in its activities, a method of forming concepts that are oriented towards the individual and that it is necessary to understand and use the principles of heuristic education. Therefore, in modern education, it is important not only to transfer information, but also to teach methods and methods of thinking and activity.

The second point: Computer Science as a practical application of all theories is a very large area of knowledge, which fall into a number of important theoretical sections and Information Technology. Unfortunately, it should be noted that Informatics is sometimes replaced by a programming course or an Information Technology course.

The content of Informatics is gradually becoming more and more, thereby embracing new concepts as well. Gradually, Object, model, System, hierarchy and other concepts entered the course of Computer Science and took a worthy place in it. In practice, the phenomenon of natural, spontaneous, evolutionary "expansion" of the content of school Informatics is widespread.

The third point: the formation of any course is subject to certain laws, which can be clearly observed for the formation and formation of Computer Science. A visual representation of this process as an example of the formation of concepts in any subject area. In the process of forming the field of science of Informatics, three stages of language development and, accordingly, the content of the course of informatics are observed: first, new words appear in the oral language, they are used everywhere in the subconscious, for example, words and phrases: "information", "information process", "information war". "Information crisis", "Information Protection", "Information Society", "political data", "economic data" and so on. That is, these words began to be actively used in everyday life and in the media. Twice media.

The fourth point: the modern revolution still manifests itself in the installation of new pedagogical technologies that will help to introduce advanced tools and methods of teaching. First of all, this is due to technologies for the development of Education. To date, the most popular is the technology based on meaningful generalization (V.V. Davydov, DB Elkanin).

This technology mainly affects the external characteristics of the child without the use of the rich inner world of man. a harvest student (Io Yakimanskaya) subjective experience that these problems were solved in person - technologies, oriented to the executive exposition of any theoretical material.

Together with the teacher, the student is offered progressive approaches in the methodology of heuristic learning in the construction of their own educational path (A.V. Khutorskoy).

The choice of this or that technology depends, first of all, on the personality of the teacher, it is impossible to artificially load on a person any or another method of work, although they are much more advanced.

This process is natural, without the necessary physical and psychological stress of telnosti allowed by means of any proposed technology for Dey (which was painted personally) to appear in the teacher's actions.

However, there are still requirements to the activities of the computer science teacher, which can be expressed in printouts: organizational, active, in essence, etc. In our technical school, we work in the direction of personality-oriented education.

Personality-oriented teaching is understood as a study that reveals the characteristics of the student - the subject, understands the specificity and purposefulness of the subjective experience of the child, and creates pedagogical effects based on the subjective experience of the student. The basis of personality-based education is the principles of humanistic orientation in philosophy, psychology and pedagogy, developed by Karl Rogers:

1. personality is at the center of the changing world: for each of us perceiving the reality around us, if we mean our world, then no one from the outside can fully understand this inner world,
2. a person perceives the surrounding reality through the prism of his attitude and understanding,

3. a person seeks to know himself and understand himself, has an inner ability to improve himself,

4. mutual understanding necessary for development can only be achieved as a result of communication,

5. self-improvement, development occurs on the basis of interaction with the environment, with other people. External evaluation is very important for a person, for his self-knowledge, which is achieved either as a result of direct or hidden contacts. The leading ideas of personality-oriented education (I.S. According to Yakimanskaya):

6. personality-oriented educational goals: to develop the cognitive abilities of students, to maximally reveal the personality of the child;

7. Education, as a certain knowledge standard, as an education, is re-emphasized as a process;

8. the doctrine implies that the pure individual activity of an individual child aimed at changing the socially significant forms of assimilation given in the acquisition of education is understood;

9. student clairvoyance is not perceived as a "crop" of the influence of teaching, but initially inherent in it;

10. it is necessary to determine the sub-experience of each student in the design and implementation of the educational process and work on its socialization ("cultivation") ;

11. The acquisition of knowledge from the goal becomes a means of development taking into account the ability and individual significant values of the student.

In this principle of pedagogical Technologies, a sequence of devices that control the cognitive activity of teachers is created. The educator creates initial trips to the mastering of the subject and, in the most complex cases necessary, provides them with assistance in an individual order, and compiles a program for mastering the subject with the help of a computer.

Modern information technologies open up endless opportunities for teachers to penetrate into non-traditional sources of Information, increase the efficiency of independent work, provide absolutely new opportunities for creativity, creation and strengthening of different professional skills, allow the implementation of new forms and methods of teaching using the means of constructing conceptual and mathematical models of events and processes.

Drawing up a training model helps to clearly visualize the object under study and increase interest in the teachers in relation to this form of teaching, as well as to assimilate the learning material more deeply.

It is necessary to develop the work of educational laboratories, to provide them with new, state-of-the-art devices, to apply virtual computer technologies in the formation of the necessary knowledge and sufficient skills, innovative methods used in improving the effectiveness of lessons from Informatics.

Virtual stands enhance the capabilities of experimental devices and training laboratories. As the main difference from the traditions of these stands, it is possible to indicate the following:

the possibility of radical observation of processes-the ability to observe these processes in real conditions;

the popularity of teaching is the wide and effective use of distance learning technologies;

the low financial cost required in equipping educational institutions with research and experimental facilities.

Organization of Information Technology and distance learning centers in educational institutions, creation of working groups from qualified programmers, designers and experienced educators, setting the type and system of virtual laboratories, obtaining the necessary tools and software from foreign and developed educational institutions is the main factor of wide application of virtual stands.

In the formation of independent thinking, it is important that the digitized forms of information be presented not only visually, but also with pedagogical skills.

Reference

1. O‘zbekiston Respublikasining “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to‘g‘risida”gi Qonuni // O‘zbekistonning yangi qonunlari. - T.: Adolat, 1998.
2. H.T.Omonov, M.B.Xattabov; Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat: – T.: «Iqtisod-Moliya», 2016.
долзарб соҳалар қаторида бўлган таълим соҳасининг ҳам ҳуқуқий асосларини шаклланишига йўл очиб берди. Мазкур қонунда илк маротаба Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг билим олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган нормалар ўз аксини топди.

“Таълим тўғрисида”ги ушбу қонунда Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчилар илмий билим, меҳнат ва бошланғич касб-кор кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек, ўз ижодий қобилиятларини, маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлаши қайд этилди. Унда умумий таълим уч босқич: бошланғич таълим (I-IV синфлар), таянч таълим (V-IX синфлар) ва ўрта таълим (X-XI (XII) синфлар) босқичларидан иборат эканлиги белгилаб берилган эди.

Қонунда бошланғич таълим таянч ва ўрта мактабларда, бошқа ўрта ўқув юртларида (гимназиялар, лицейлар ва бошқаларда) амалга оширилиши белгиланди. Таянч таълим мажбурий бўлиб, таълим олувчиларга ўрта таълим муассасаларида, турли хил ҳунар ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишни давом эттириш ҳуқуқини берди. Ҳар бир босқичда таълим олувчининг ёши ва таълимнинг давомийлик муддати тегишли таълим муассасасининг устави билан белгиланиши кўрсатиб берилган бўлиб, бу масала кўпгина мунозараларга сабаб бўлган эди.

Учинчи босқич – ўрта таълимга X-XI (XII) синф учун таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш танлов асосида амалга оширилди. Ўрта умумий таълим муассасаларида ихтисослашган таълимнинг жорий этилиши, ўқувчилар танлови бўйича курслар белгиланиши ва фанлар чуқур ўргатилиши мумкинлиги қайд этилди. Бундай курсларнинг дастурлари умумтаълим муассасалари томонидан тасдиқланди.

1989-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълимининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Бу даврнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– Ўзбекистон Республикасида фуқароларининг билим олиш ҳуқуқи мамлакат Конституция ва қонунларида мустақамлаб кўйилди;

– Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди.

Мазкур даврларнинг ўзига хослиги ҳақида тўхталадиган бўлинса, 1997 йил 29 августда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” [3] ҳамда “Таълим тўғрисида”ги [4] қонунларнинг қабул қилиниши билан таълим сиёсатида, унинг мазмун моҳиятида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, таълим тизимига янги фанлар кириб келди. Булар “Ўзбекистон тарихи”, “Дунё динлари тарихи”, “Иқтисодий билим асослари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирувчи фанлар (одобнома, ватан туйғуси, миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари), ушбу фан мутахассисларини тайёрлаш борасида ҳам муҳим вазифалар амалга оширилиб, олий таълим муассасаларида янги йўналишлар очилди. Бу фанларнинг таълим тизимига кириб келишини ҳаётнинг ўзи тақозо этиб, фанлардан давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлари яратила бошланди.

Бу йилларида узлуксиз таълим тизимида амалга оширилган ислохотларнинг моҳиятини қуйидагиларда кўриш мумкин:

– фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқини амалга оширишда собиқ иттифокда жорий этилган ягона мафкурага асосланган ёндашувдан воз кечилди;

– олий ўқув юртларига киришнинг янги тест-синов тизими ҳамда уларда таълим олишнинг тўлов-контакт шакли жорий этилди;

– вилоятларда олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, жумладан, институтлар базасида университетлар ташкил топди;

– муайян йўналиш ва фанларга ихтисослашган гимназиялар ташкил этилди;

– хусусий мактабгача таълим муассасалари вужудга кела бошлади.

Мазкур даврдаги халқ таълими тизимини моддий-техника базасини таҳлил қилар эканмиз, унда қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил
Дарсликлар билан таъминлаш	55,4 %	76 %
Компьютер ўқув хоналари билан таъминлаш (мактаблар сони фоиз нисбатида)	2,4 %	10,4 %
Замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлик (мактаблар сонига нисбатан фоиз ҳисобида)	16,4 %	21,5 %
Мақтабдан ташқари таълим муассасалари сони	371	483

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Ўзбекистон Таълим тўғрисида”ги қонунларнинг ижросини таъминлаш борасида 1999-2009 йилларда қуйидаги ишлар амалга оширилди.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сон қарори[5] билан умумий ўрта таълимни Давлат таълим стандартлари тасдиқланиб, босиқчма-босиқч амалиётга жорий этилди.

– Ҳар бир фан бўйича ўқувчиларни эгаллашлари зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ишлаб чиқилди.

– умумий ўрта таълим олишнинг бошланғич синфларига 6 ва 7 ёшдан қабул қилиш амалиёти қўллана бошланди;

– умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ўз ичига олган 9+3 йиллик мажбурий таълим тизими жорий этилди ҳамда амалиётга тўлиқ татбиқ этилди;

– умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг моддий-техник базаси тўлиқ янгиланди ва замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланди;

– олий таълимни бакалаврият ва магистратура босқичларида амалга ошириш тизими яратилди;

– таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди;

– умумий ўрта таълим тизимида дарсликлар ва ўқув методик қўлланмаларни танлов асосида яратиш механизми ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги 3431-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги 321-сонли қарори[6] қабул қилинди. Дастурда мактаб таълимини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши белгилаб берилди.

Барча умумтаълим фанларидан ДТСлар янги таҳрирдан ўтказилганда қуйидаги ўзгартириш ишлари бажарилди.

1. Давлат таълим стандартлари бўйича ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳар бир синфлар учун алоҳида белгилаб берилди.

2. ДТС бўйича билим, кўникма ва малакалар бир-биридан ажратилди.

2017 йил таълим тизимида янги даврни бошлаб берди. Бугунги кунда иш ўринларидаги асосий вазифалар компьютерлар зиммасига юкланиб борар экан, ходимларнинг тобора кўпроқ қисми мослашувчанлик ва муаммоларни ҳал этишда ижодий ёндашувни талаб этувчи вазифалар билан банд бўладилар.

Мавжуд иш ўринларида меҳнат қилиш лаёқатига тайёр бўлишлари;

Олган билимларини амалиётга татбиқ эта олишлари;

Кундалик ҳаётида қўлловчи технологиялардан хабардор бўлишлари;

Муаммо хусусида чуқур фикрлаш ва ўз билимини ошириб бориш, зарурат бўлганда қарор қабул қила олиш;

Меҳнат жамоаси ва мутахассислар билан ҳамкорлик қила олиш;

Муаммоларни ҳал этиш ва янги фикрлар яратишда технологиялардан фойдалана олишлари талаб этилади.

2017 йил мамлакат президентининг виртуал қабулхонасига ота-оналар томонидан 10-11 синфларни очиш масаласи бўйича билдирилган таклифлар кенг жамоатчиликнинг

муҳокамасига қўйилди. 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб 9-синф битирувчилари умумтаълим мактабларининг 10-синфларида, академик лицей ёки касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришига оид фикрлари ўрганилди.

Бу жараёнда умумтаълим мактабларининг 466 минг нафар 9-синф битирувчисидан 352 минг нафари 10-синфда, 114 минг нафари академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш ниятида экани аниқланди.

Мазкур масалаларни ҳал этиш ва таълим соҳаси кадрлари сиёсатини такомиллаштириш, кадрларга бўлган эҳтиёжни бартараф этиш бўйича айнан 2017 йилдан бошлаб мамлакат раҳбари ва ҳукуматнинг бир қатор ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб бугунги кунда ижрога йўналтирилган. Таълим соҳасидаги ислохотларнинг самараси ва юксалиши борасида Халқ таълими вазирлигининг бугунги кундаги фаолиятини таълим соҳасидаги янги даврни бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди.

Хулоса сифатида қуйидагиларни таъкилаб ўтиш лозим:

- Истиқлолнинг давтлабки даврида мамлакатимизда халқ таълими соҳасини янги ёндашувлар асосида тубдан ислоҳ қилиш имконияти туғилди. Мамлакатимиз мустақиллигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш учун таълим соҳасини ислоҳ қилиш, мамлакат учун янги кадрларни тайёрлашга бўлган талаб давлат бош ислохотчилиги доирасида амалга оширилиб, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

- таълимдаги ислохотлар тажрибий ривожланиши натижасида фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқини амалга оширишда собиқ иттифоқда жорий этилган ягона мафкурага асосланган ёндашувдан воз кечилиб, таълим соҳасига оид давлат бошқарув органлари фаолияти қайта ташкил этилди ва олий ўқув юртларига киришнинг янги тест-синов тизими ҳамда уларда таълим олишнинг тўлов-контракт шакли жорий этилди;

- сўнги йилларда узлуксиз таълим ривожлантиришга қўйилаётган талаб асосида Европанинг ривожланган мамлакатлари ҳамда мамлакатимизда чет тиллари бўйича узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тажрибаси натижасида компетенциявий ёндашувга асосланган умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1992 йил, 9-сон, 342-модда; 1993 йил, 6-сон, 268-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №464-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарори.

*Худойбердиев Х.
фал. ф.н., доцент
Ташкентский государственный технический
университет Термиз филиали,
Аманов Б.
илмий бўлим бошлиғи
Ташкентский государственный технический
университет Термиз филиали*

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Аннотация. Ушбу мақолада таълим тизимида таълим-тарбия, хусусан, гоёвий тарбия системали ёндашув асослари ҳамда миллий гоё ва мафқурани ёшлар қалби ва онгига сингдириш тўғрисида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, гоё, онг, мафқура, ҳуқуқ, эркинлик.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари алоҳида қайд этилган. Жумладан, ёшларнинг илм олиш ҳуқуқи Конституциясининг 41-моддасида куйидагича баён этилган: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” - деб кўрсатилган. Чунки ёшларнинг билим олиши таълим-тарбия тизими билан боғлиқдир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ёшларга жуда катта маъно, буюк маъно беради: мақсад ва вазифалар стратегиясидан тортиб, таълим-тарбия жараёнининг ҳамма қирраларига оид аниқ дастурлар мажмуасига ҳар бир негизида инсон асосий омил ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш тизимида шахс бош субъект сифатида қаралади, у бир вақтнинг ўзида таълимий хизматларнинг ҳам истеъмолчиси, ҳам яратувчиси деб қаралади. Жамият ва давлат, ишлаб чиқариш, фан ва узлуксиз таълим баркамол ижодкор ёшларнинг шахс сифатида шаклланишига кафолат беради.

Ёшларнинг ўқимишлигига ва уларнинг яратувчилик малакаси Миллий дастурни амалга оширишнинг асосий натижаси бўлмоғи даркор. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов Миллий дастур тўғрисидаги нутқида: “Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини миллий кадриятларни, бир сўз билан айтганда ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллаш учун фидойилик билан курашиши мумкин”, - деб таъкидлаган эди.

Инсоннинг яратувчилик маҳорати–малакаси эса иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини аниқлайди ва бу ўз оқибатида инсон ва жамиятнинг фаровонлигини аниқлайди. Таълим тизимида таълим-тарбия, хусусан, гоёвий тарбия системали ёндашув асосига қурилган. Чунки миллий гоё ва мафқурани ёшлар қалби ва онгига сингдириш муҳим масала бўлиб, одамларни, аввало, ёшларни эзгу гоёларга ишонтириш, уларни уюштириш, олийжаноб мақсадлар сари сафарбар этишда маънавий-руҳий жиҳатдан улкан аҳамият касб этади. Чунки халқнинг руҳий кайфияти, ҳиссий кечинмалари ва фаолият кўрсатишга шайлиги, унинг ҳаракат дастури бўлган умуммиллий гоёга ишончи билан белгиланади. Ана шундай ишонч жамият аъзолари мустаҳкам эътиқодини шакллантириб, уларни янада жипслаштиради, мамлакат фуқароларининг ўзаро тотув, дўст ва иноқ бўлиб яшашига, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштиришга чорлайди.

Бундай мустаҳкам эътиқодга эга бўлган комил инсон, ишонч асосида ўз ҳаётий йўлини аниқ белгилаб олган инсон, жумладан, ёшлар ёт ва зарарли гоёлар таъсирига асло берилмайди, ўткинчи қийинчиликларга бардош беради. Унда гоёвий ирода мустаҳкам бўлади, шу маънода миллий гоё халқимизнинг янги жамият қуриш борасидаги ҳаракат дастури десак, муболаға бўлмаса керак.

Кишилар, аввало, ёш авлод қалбига ишонч руҳини бахш этиш, миллий гоёнинг аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва умуминсоний кадриятларга таяниши, ёшларнинг комил

инсонлар этиб тарбиялашга ундаши, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига уйғунлашиб боришини назарда тутиш каби муҳим омиллар орқали таъминланди. Бу ғоя меҳнаткашлик, иродалилиқ, сабр-тоқат, меҳр-оқибат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, яхшиларга эргашиш, ёмондан қочиш каби халқимизнинг ажойиб фазилатларини янада оширишга хизмат қилади.

Ёшларнинг ғоявий тарбиясида системали ёндашув усулида бир мақсадда фаол қатнашувчи ўзига мустақил ва айна пайтда ўзаро таъсир доирасида узвий боғланган бир неча тузилмалар ягона система деб қаралади.

Улар қуйидагиларда яққол кўзга ташланади:

1. Ўқувчи-ўқитувчи, оила-жамият-давлат занжирсимон боғланган система ва вертикал йўналишда;

2. “Мақтабгача таълим-олий ўқув юртидан кейинги таълим” тизимида узвий боғланган система;

3. Таълимнинг барча турларида миллий уйғониш ва умуминсоний қадриятлар устуворлиги мафқураси асосида ўқувчиларнинг маънавий ахлоқий, ғоявий сифатларини ривожлантириш;

4. Инсон идроки, ақл-заковатини ўлчаш ва баҳолаш, уни ўстириш, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва одамийлик сифатларини ривожлантириш муаммолари бўйича, шунингдек, ўқитиш, тарбиялаш жараёнида шахснинг касб-кори мутахассис бўлиб етишиши муаммолари бўйича психологик ва педагогик тадқиқотларни бажариш;

5. Ўқувчиларнинг билим олиш қобилиятларини ўстириш ва уларнинг сифатли таълим олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

6. Иқтидорли ва истеъдодли ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш;

7. Таълим тизимидаги кадрлар салоҳиятини сақлаш ва такомиллаштириш, илмий ҳодим ва ўқитувчи, муаллим ва тарбиячи касбининг нуфузлилигини ошириш, мавқеини кўтариш;

8. Таълим тизимининг ҳодимлари, илмий ва ўқитувчи кадрларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий, маданий, таълимий, касбий малака савиясини ошириш;

9. Таълим тизими ҳодимлари, илмий-педагогик кадрлар ҳамда ўқитувчиларнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимоясини такомиллаштириш;

Ҳозирги вақт таълим тизимида ғоявий тарбияни кучайтириш мақсадида қуйидагича стратегик вазифалар белгилаб қўйилган:

1. Инсоннинг актив фаолияти ҳамда таълим жараёнида пайдо бўладиган илмий ва услубий муаммоларнинг маънавий-ахлоқий, ғоявий тарбия ва шахс ўлғайишининг моҳиятини ўрганиш;

2. Маърифий-ишлар ва маънавий-ахлоқий, ғоявий тарбия унсурларини аниқлаш, миллий, азалий, умумбашарий ва диний қадриятлар, мерослардан самарали йўللарни топиш;

3. Маърифий ишлар ва маънавий-ахлоқий, ғоявий тарбия жараёнини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш.

Ўқувчилар орасида олиб бориладиган ғоявий тарбия ёшларда фидойилик, миллий ғурур, она тилига чуқур ҳурмат туйғуларини, бошқа халқларнинг урф-одатлари ва маданияти, тарихга ҳурмат, байналминаллик, тинч-тотувлик учун жавобгарлик ва барча ҳиссиётларини, шунингдек, катталарга ҳурмат, одоблилиқ ва поклик, ишга чакқонлик, ҳақиқатпарварлик, қонунчилиқка риоя қилиш, маҳнатсеварлик, тадбиркорлик каби бир қатор ҳислатларини шакллантириш;

Ёшларнинг эстетик дид, фаросат, эътиқодини ўстириш, уларни санъат гулшанидан, авлоди аждодларимизнинг бой мероси ва умумжаҳон цивилизацияси эришган санъат намуналаридан баҳраманд қилиш;

Келажаги буюк давлат барпо этишга йўналтирилган ижодий ва фуқоролик фаоллигини шакллантириш;

Соғлом турмуш тарзи учун шарт-шароитларни яратиш;

Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларида маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни, услубий ва ташкилий таъминлашни кўзда тутиш.

Таълим тизимида ғоявий тарбияни кенг йўлга қўйиш мақсадида 1-4-синфларда “Одобнома”, 5-6-синфларда “Ватан туйғуси”, 7-синфда “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 8-11-синфларда “Миллий истиқлол ғояси, асосий тушунча ва тамойиллари” фанларини ўқитиш 2001 йилдан биринчи Президентимиз фармонида биноан жорий қилинган.

2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаёт нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

- Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

- Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

- Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш;

- Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали, ёшлар бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш;

- масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки ўтган йиллар давомида бу соҳада анчагина тажрибалар қўлга киритилди, айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин таълим тизимида амалга оширилаётган ишларнинг асосий мақсади – ёшларни, айниқса ўқувчиларни бегона, зарарли ғоялар таъсирига берилиб кетмайдиган баркамол инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат. Мустақиллигимизнинг янада мустаҳкамланиб бориши, таълим тизимининг янада такомиллашуви шубҳа йўқки ўйлаган режаларнинг яқин келажакда тўла амалга ошувига олиб келади. Ватанимиз эса бунинг оқибатида буюк давлатлар сафига киради. Халқимизнинг турмуш тарзи, фаровонлиги, аҳиллиги ва истеъдоди янада ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини ўрганиш бўйича ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ РИСОЛА. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодий университети. –Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2017.

Мамадалиев Нemat Қахорович
ф.ф.н.

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали,

Эгамназаров Азам Имомназарович

ўқитувчи

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда таълим тизими самарадорлигини ошириш тўғрисидаги Президент Ш.М.Мирзиёевнинг фармони ва қарорлари, Шарқ мутафаккирларининг таълим тўғрисидаги фикр-ғоялари ва амалий таклифлар берилган.

Калим сўзлар: таълим, тарбия, самарадорлик, стратегия, ғоя, илмий тадқиқот, иқтидорли ёшлар, инновация, баркамол инсон.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегияси ҳақидаги фармонида бешта устувор йўналишини амалга ошириш вазифаси белгиланган. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган 4 йўналишда “...жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш...” [1] масаласи қўйилган. Бу эса маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги кечиктириб бўлмас вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларимизни изчил ва қатъиятлиликл билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турибди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов ҳам юксак маънавий келажак пойдевори эканлигини қайта-қайта таъкидлаган. “Зеро, деб уқтиради у, биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз” [2].

Ўзбекистоннинг келажаги бугунги кун ёшларининг қўлидадир. Маънавий жиҳатдан камолотга етишиб бораётган ёшлар жамиятимизда амалга оширилаётган янгиланишларнинг муҳим субъектларидан ҳисобланиб, улар ҳаётимизда рўй бераётган жараёнларга ўз таъсирларини ўтказадилар. Инсоният тарихи шуни асослаб бердики, ёшларнинг маънавий камолотига катта эътибор берган халқлар доимо ўз олдларига қўйган мақсадларга эришиб келганлар.

Аждодларимиз ҳам асрлар мобайнида ёш авлодни маънавий жиҳатдан камолотга етказиб боришга катта эътибор бериб келганлар. Мавжуд бўлган барча имконият ва омиллардан унумли фойдаланишган ва унинг оқибатида ҳаётда ўз ўрнини мустақил ҳолда топишга интиладиган авлод шаклланиб келган.

Инсон таълим-тарбия, меҳнат, ўзаро мулоқот жараёнида ижтимоий тажриба, билим, турли муносабатлар, ахлоқий-маънавий меъёрлар, сиёсий қарашлар таъсири остида фаолият юритади, уларни ўзлаштиради ва шу жараёнда аста-секин ижтимоийлашиб боради, яъни шахс бўлиб шаклланади. Натижада инсонда ирсий бўлмаган янгича фазилатлар пайдо бўлади. У яратувчан мавжудот сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Масалан, Фаробий фалсафасида инсон бутун борлиқ тараққиётининг маҳсули сифатида изоҳланади. Мутафаккир инсоннинг барча олижаноб фазилатлари илм туфайли эканлигини, инсон ҳаётининг мазмунит - бахтли ва бахтли қилишга интилиш, бунга эса фақат илм ва маърифат орқали эришиш мумкинлигини кўрсатди. Беруний ва Ибн Сино инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи ақл ва тафаккур туфайли эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Абу Ҳомид Ғаззолий инсоннинг бошқа мавжудотлардан устунлиги ақлда эмас, балки инсон қалбида эканлигини кўрсатди. Улуғ тасаввуф Абдуҳолиқ Ғиждувоний инсонни “кичик олам” деб ҳисоблаган.

Конфуций инсонни ўз моҳиятини маънавий-ахлоқий фазилатлари ва камолоти орқали намоён этадиган жонзот сифатида талқин этади.

Ўзини-ўзи назорат қилиш, ўз-ўзини тарбиялаш, юксак маънавиятни ҳис этиш, ғоя учун курашиш, мустаҳкам эътиқодга эга бўлиш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиш ва ижтимоий-сиёсий фаоллик шахсга хос белгилардир.

Ёшларнинг таълим-тарбиясини юксалтирмасдан туриб, халқимиз ҳаёти ва турмуши юксалишида, ҳамда мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин. Жамият ривожлангани сари етук, баркамол шахсларни етиштириш эҳтиёжи ҳам ортиб борган ҳамда ўзгариб, янгиланиб, жамиятга хизмат қилган.

Инсоният жамиятнинг турли босқичларида таълим-тарбия муассасаларини яратиш, ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги тажрибаларни назарий жиҳатдан англаш, умумлаштириш ва ҳаётга тадбиқ қилиш жараёнида шаклланиб келган.

Ёшларимизнинг таълим-тарбиясида бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса энг долзарб масалалар ўзбўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ёки аксинча қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади.

Маълумки, таълим-тарбия кишиларнинг дунёқарашини, фикрлашини, жамиятда, ижтимоий ҳаётга тутган ўрнини кўрсатади.

Ҳар бир инсон туғилишидан бошлаб тўғри таълим-тарбияга муҳтож. Унинг келажақда, тўғрисиўз, ватанпарвар, ўз миллати, эли, халқи учун фидойий бўлиб шаклланишида муҳим омиллар шарт-шароитлар лозим.

Булар аввало соғлом оила, маҳалла, кейинчалик боғча, мактаб, олий ўқув юрти ва жамоадаги таълим-тарбияга боғлиқ. Албатта ҳар бир шахс болалигидан юқорида номлари таъкидланганларни босқичма-босқич таъсирида бўлади.

Ёшларни жисмоний, ақлий, ахлоқий жиҳатдан соғлом бўлиб ўсиши ва Ўзбекистон халқининг манфаатлари йўлида камол топиши таълим-тарбиянинг муҳим шартидир.

Бугунги кунда мамлакатимизни келгуси ижтимоий тараққиётини белгиловчи мезон таълим эканлиги шуҳбасиздир. Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиши энг аввало илмли ва билимли, укувли кадрлар масаласига боғлиқ эканлиги кундек равшан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегияси ҳақидаги фармонида:

-узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

-таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш бўйича ишларни амалга ошириш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

-илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш” [3] вазифалари кўйилганки, буларнинг барчаси эртанги кун, мамлакат келажаги ва тараққиёти учун хизмат қилади.

2017 йил 20 апрель куни Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган.

Қарорда таъкидланишича, Олий таълим тизимида ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасидаги ишлар талаб даражасида олиб борилмаяпти.

Қабул қилинган қарорга кўра олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба-ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш, биз учун мутлақо ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

2017-2021 йилларда “48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шунингдек, 53 та олий таълим муассасасида 400 та ўқув лабораторияси босқичма-босқич энг

замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланади, 7 та олий таълим муассасасида барча олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда фойдаланадиган илмий лабораториялар ташкил этилади” [4].

Таъкидлаш жоизки, олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар турар-жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва инвентарь билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга сарфланади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим тизими самарадорлигини оширишда қуйидагиларга эътибор қаратилишини тавсия этамиз:

- Таълим олишда ота-онанинг масъуллигини ошириш, болаларга ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданият асосларини сингдириш, уларда ўзининг ҳар қандай хатти-ҳаракати учун шахсий масъуллигини, жавобгарлигини ҳис этишни тарбиялаш;

- таълим тизимида билимнинг ҳаётий эҳтиёжга айлантиришни сингдиришнинг турли усул ва воситаларини яратиш;

- иқтидорли ўқувчи ёшларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш ҳамда эришилган натижалардан моддий манфаатдорлигини ошириш;

- иқтидорли ўқувчи ёшларни илмий тадқиқот ишларида эришилган натижаларини ОАВ ва телевидениеларда мунтазам тарғиб қилиб бориш ва рағбатлантириш;

- Ташкилот ва корхоналарнинг буюртмалари асосида ОТМларга берилган илмий тадқиқот ишларида қатнашган талаба ёшлар учун билан шартнома тўловларини амалга ошириш, стипендиялар тайинлаш, ишга қабул қилиш каби шартномаларни тузишга эришиш;

Президентимиз атрофига бирлашиш, ҳамма масалада унга кўмак бериш, ватанпарварлик, инсонийлик, ҳалоллик, поклик, камтарлик, оилавий тотувлик, миллий аҳиллик, дўстлик, биродарлик ҳақидаги буюк ғояларни ёшларимиз онгига сингдириш, уларни билимли, маънавий етук, комил инсон бўлишлари биз устозларнинг шарафли бурчимиз ва мақсадимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегияси ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 й февраль.

2. Қаримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Тошкент 2000 й 241 бет

3. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегияси. 2017 й февраль.

4. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 2017 й.20 апрель.

Очилова Нигора Рузимуратовна

доцент

Каршинский инженерно-экономический институт

ОБРАЗОВАНИЕ УЗБЕКИСТАНА НА ПУТИ ПРОГРЕССА

Аннотация. В статье обобщены основные направления реформирования высшего образования в Республике Узбекистан на основании принятого Постановления Президента РУ «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования». Автор статьи считает, что реформы приведут к дальнейшему развитию системы образования как важнейшего фактора процветания страны.

***Ключевые слова:** инновационные реформы, национальная модель подготовки кадров обучения, принципиально новое государство, форсайт-центр, центр трансферных технологий, внедрение передовых стандартов высшего образования.*

В нашей стране с первых лет независимости на уровень государственной политики поднят вопрос развития системы образования и воспитания, осуществляется огромная работа в целях обучения молодого поколения современным знаниям и профессиям в соответствующих мировым стандартам условиях, формирования физически здоровых и духовно зрелых личностей, содействия реализации их талантов и потенциала, воспитания молодежи в духе любви и преданности Родине.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев отметил, что - “В нашей стране наряду со всеми сферами и отраслями уделяется большое внимание развитию культуры, искусства и литературы, средств массовой информации. Особенно в последние годы осуществляется большая работа по развитию этой сферы на новом этапе” [1].

Сегодня перед нашей страной стоят важные задачи по улучшению системы образования как главного фактора развития республики, устойчивого роста экономики и обеспечения занятости населения. Импульсом к реформированию системы подготовки дипломированных кадров на уровне международных стандартов стало принятое Президентом постановление "О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования" от 20 апреля 2017-го. Вместе с документом утверждена Программа комплексного развития системы высшего образования на период 2017-2021 годы. Она включает в себя ряд мер, нацеленных на укрепление и модернизацию материально-технической базы вузов, оснащение их современным лабораторным оборудованием и средствами ИКТ. Реформы в сфере реализуются в сотрудничестве со многими крупными международными организациями и проектами, среди которых "Erasmus+" (программа Европейского Союза), JICA (Японское агентство международного сотрудничества), KOICA (Корейское агентство международного сотрудничества) и другие. [2, с.1-5, 250].

В последние годы заметно ощущаются проводимые реформы в сфере образования. Прежде имевшиеся в учебных заведениях недостатки тормозили процесс подготовки квалифицированных кадров, отвечающих современным требованиям. Немалая часть детских садов, школ, колледжей и лицеев республики пребывала в непригодном для учебного процесса состоянии, а такие проблемы, как переполненность классов, дефицит учебников и педагогов, оставались обычным явлением. Начало изменениям в лучшую сторону положили инициативы главы государства по совершенствованию сферы, в том числе ряд документов, направленных на ее коренное реформирование.

В целях определения приоритетных направлений системного реформирования высшего образования в Республике Узбекистан, поднятия на качественно новый уровень процесса подготовки самостоятельно мыслящих высококвалифицированных кадров с современными знаниями и высокими духовно-нравственными качествами, модернизации высшего образования, развития социальной сферы и отраслей экономики на основе передовых образовательных технологий. Повышение уровня охвата высшим образованием более 50 процентов на основе организации в регионах деятельности государственных и негосударственных высших образовательных учреждений, создания в сфере здоровой конкурентной среды.

Важность реформы системы образования следует рассматривать в конкретном демографическом контексте Узбекистана: около 35% от общей численности населения это молодежь в возрасте до 16 лет и более 62% населения моложе 30 лет. В связи с тем, что молодежь всегда находится в центре внимания, проводимая в Узбекистане сильная молодежная политика имеет прочный правовой фундамент. Она отражена в положениях Конституции Республики Узбекистан, в более чем 22 законах и нормативно-правовых актах, касающихся этой сферы.

Закон «Об образовании» и «Национальная программа по подготовке кадров» создали необходимую правовую базу для поступательного развития образовательной системы как единого учебно-научно-производственного комплекса на основе государственных образовательных учреждений. Принципиальным отличием образовательных реформ в Республике Узбекистан являются гарантии государства в создании условий для поэтапного поступательного развития системы непрерывного образования, государственного регулирования рынка образовательных услуг и должного качества образования [3, с. 1-4].

Одним из первых законодательных актов, принятых в нашей стране после обретения независимости, стал Закон «Об основах государственной молодежной политики в Республике Узбекистан» от 20 ноября 1991 года.

В настоящий момент реализуются программы мер, направленных на поддержку талантливой и одаренной молодежи согласно Постановлению Президента №ПП-2124 «О дополнительных мерах, направленных на реализацию государственной молодежной политики в Республике Узбекистан» от 6 февраля 2014 года, а также «Программы дополнительных мер, направленных на осуществление в Республике Узбекистан государственной молодежной политики в 2016 году», утвержденной Кабинетом Министров Республики Узбекистан 11 декабря 2015 года [4, с. 1-3].

Концепции развития системы высшего образования республики Узбекистан до 2030 года Президент Республики Узбекистан утвердил:

- внедрение передовых стандартов высшего образования, в частности поэтапный переход от образования, учебные программы которого направлены на получение теоретических знаний, к системе образования, направленной на формирование практических навыков, исходя из международного опыта;

- поднятие содержания высшего образования на качественно новый уровень, налаживание системы подготовки высококвалифицированных кадров, способных найти свое место на рынке труда, внести достойный вклад в стабильное развитие социальной сферы и отраслей экономики;

- обеспечение академической самостоятельности высших образовательных учреждений;

- поэтапное внедрение концепции «Университет 3.0», предусматривающей тесную связь образования, науки, инноваций и деятельности по коммерциализации результатов научных исследований в высших образовательных учреждениях;

- создание в высших образовательных учреждениях технопарков, форсайт-центров, центров трансферных технологий, стартапов и акселераторов за счет широкого привлечения зарубежных инвестиций, расширения масштаба платных услуг и других внебюджетных средств, выведение их на уровень научно-практических учреждений по прогнозированию и исследованию социально-экономического развития соответствующих отраслей, сфер и регионов;

- обеспечение опубликования статей профессоров-преподавателей, научных соискателей, докторантов, студентов бакалавриата и магистратуры высших образовательных учреждений в авторитетных международных научных журналах с высоким импакт-фактором, увеличения показателей цитируемости статей, а также поэтапного включения республиканских научных журналов в международную базу научно-технических данных;

- преобразование системы высшего образования Республики Узбекистан в хаб по реализации международных образовательных программ в Центральной Азии;

- повышение инвестиционной привлекательности высшего образования, привлечение зарубежных образовательных и научных технологий;

- внедрение в практику пяти инициатив, включающих комплекс мер, направленных на создание дополнительных условий для обучения и воспитания студенческой молодежи;

- улучшение инфраструктуры и материально-технической базы высших образовательных учреждений, в том числе за счет широкого привлечения льготных средств

международных финансовых институтов, поэтапный перевод высших образовательных учреждений на систему самофинансирования и обеспечение их финансовой стабильности;

- налаживание взаимовыгодного сотрудничества образования с производственными предприятиями и научно-исследовательскими институтами;

- повышение уровня охвата высшим образованием нуждающихся в социальной защите слоев населения, в том числе лиц с ограниченными возможностями, с улучшением инфраструктурных условий для них; [5].

Узбекистан сегодня – это принципиально новое государство, в котором позитивные изменения во всех сферах – политической, экономической, культурной и духовной, предполагают поэтапное проведение реформ. На каждом этапе реформ в систему республиканского непрерывного образования внедряются инновационные технологии, разрабатываются научные основы образовательных и воспитательных технологий, изучается огромный опыт педагогических инноваций, авторских школ и новых экспериментальных технологий.

Как свидетельствует историки, на одной из встреч с учеными Амир Темур сказал: “Известные люди науки и религии всегда помогали правителям своими советами. Я преследую цель установить справедливость в стране, укрепить порядок и мир, улучшить жизнь граждан, усилить строительство, развивать государство. Вы должны своими советами помочь мне в этом деле”. В выступлении нашего Президента, как и в словах Амира Темура, заложена глубокая мысль: через развитие науки улучшить жизнь граждан, обеспечить развитие страны и укрепить мир [6].

Список использованной литературы:

1. Ш. Мирзиёев. Развитие литературы и искусства культуры –важный фактор повышения духовности нашего народа. 3 авг. 2017 г. [1]

2. Ш. Мирзиёев. «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования». Ташкент. 20 апреля 2017 г. [2, с.1-5, 250].

3. Закон Республики Узбекистан «Об образовании». Ташкент. [3, с. 1-4].

4. № ПП-2124 «О дополнительных мерах, направленных на реализацию государственной молодежной политики в Республике Узбекистан». Ташкент, 2014. [4, с. 1-3].

5. Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» Национальная база данных законодательства, 09.10.2019 г., № 06/19/5847/3887)

6. Меры Российской Федерации о сотрудничестве в области высшего образования. Ташкент, 27 июля 1995г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.lexed.ru/doc_info.php?id=4052#международные_договоры/ (дата обращения: 19.12.2019).

7. Вузы Узбекистана и РФ подписали около 130 соглашений. Ташкент, 2018. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://rea.ru/abitura_world/20181019/153103284.html/

8. Российский центр науки и культуры в Ташкенте. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://uzb.rs.gov.ru/node/567/>

9. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на первом саммите Организации исламского сотрудничества по науке и технологиям. Ташкент, 10 сентября 2017. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://uza.uz/ru/politics/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziye-10-09-2017/>

ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий хусусиятлари ҳамда ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ҳамда уларнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишлари учун яратилиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган. Шунингдек, баркамол авлодни тарбиялашда таълимнинг ўрни, бу йўналишда амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: таълим тараққиёти, таълим ислоҳотлари, модернизация, кадрлар сифати, илм-фан, креативлик.

Таълим соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш – бугунги кун талабидир. Инсоният кўп минг йиллик тараққиёти, ривожланиши давомида жамиятни ривожлантиришнинг таълим, илм ва ҳунардан самаралироқ воситани кашф қила олган эмас. Шу сабабли ҳам таълим, илм-фан ҳар қандай жамият, миллат ва давлатнинг келажагини белгилаб берадиган, унинг тараққиётига хизмат қиладиган муҳим омилдир.

Бугунни кунда таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни жорий этиш, рақобатбардошлиликни ошириш, турмуш даражасини кўтаришнинг муҳим шартига айланиб бормоқда. Демократик ривожланиш, модернизация ва янгиланиш, барқарор ва барқарор иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, инсон капиталига инвестициялар ва инвестицияларни кўпайтиришни устувор йўналиш сифатида белгилаб берадиган ушбу соҳани ислоҳ қилиш учун тегишли ҳуқуқий база яратилди.

Таълим ўз илдизларини илм-фан ва ишлаб чиқариш, ижтимоий турмуш, бир сўз билан айтганда, ҳаёт билан боғлай олган, ички ва турдош тармоқлар билан ҳар томонлама интеграцияга киришган тақдирдагина ўз олдига қўйган натижаларга эриша олади, фан, таълим-тарбия ва иқтисодиётнинг ўзаро чуқур, ҳар томонлама узлуксиз алоқасини таъминлай олган ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ эта олган давлат эса тараққиётга эришади. Бу борада мамлакатимиз таълим соҳасида салмоқли ишлар амалга ошириляётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли йўналишларини аниқлаш, айниқса, педагог кадрларнинг касбий малакалари ва билим савиясини узлуксиз юксалтириш энг долзарб масалалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам долзарб масалалар қаторида илм-фан ва таълим, таълим ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт муносабатларига алоҳида урғу берилганлиги бежиз эмас. Модомики, таълим тизимининг марказида инсон капитали, уни тўғри тақсимлаш, ундан самарали фойдаланиш ва мақсадли йўналтириш турар экан, бунда мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим тизимини жамиятнинг барча манфаатдор томонлари, таълим жараёнининг барча субъектлари билан яхлит бир бутунликда бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш ҳамда таълимнинг тўлиқ узлуксизлигига эришиш олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўнги йилларда таълим соҳасини ислоҳ қилишга, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштиришга, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этишга жиддий эътибор қарата бошлади.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт

умиди” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл юрт умиди” жамғармасининг дастурлари бўйича кадрларни ўқитишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори соҳада туб бурилиш ясади.

Хўш, мазкур ҳужжатда белгиланган устувор вазифалар нималарда ўз аксини топади? “Эл-юрт умиди” жамғармаси илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ҳамда технопаркларнинг ташкил этилишида ҳам муҳим омил бўлади.

Ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура, таянч докторантура ва докторантура дастурлари бўйича танлов ўтказиш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларида истиқболли мутахассислар, шу жумладан, педагоглар ва илмий кадрлар учун малака ошириш, стажировкадан ўтиш амалиёти ҳам йўлга қўйилади. Албатта, юқори малакали мутахассис, олимларнинг тажрибалар алмашинуви соҳанинг истиқболига, ватан равнақиға хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур жиҳатга қаратилган қарор ва Фармонлари хорижда яшаётган ва профессионал фаолиятини юритаётган ватандошларимиз, айниқса, катта илмий салоҳиятга эга олимлар, мутахассислар ҳамда истеъдодли ёшлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиши, жаҳон меҳнат бозорига юқори малакали мутахассислар тайёрлаб беришда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Бу эса ўз-ўзидан соҳага янги нафас, креативлик, янги педагогик технологияларни татбиқ қилиш демакдир. Таълимда креативликнинг шаклланиши учун қатор йўналишлар мавжуд:

- креативлик жамият ривожланишининг муҳим шартларидан бири бўлиб, уни ривожлантириш муаммоларининг давлат даражасида тан олинishi;
- креативликни ривожлантириш муаммоларини ижтимоий ва маданий белги тушунчаси деб билиш;
- шахсни креативлик потенциалини ривожлантириш бўйича замонавий услуб ва шакллари ишлаб чиқиб, уни таълим жараёнига сингдириш, тўлиқ креативликни ривожлантириш жараёни иштирокчиси сифатида профессионал позицияга эга билимдон педагогни шакллантиришдир.

Олий таълим муассасаларида талабалар учун таълим янги, яъни талабанинг фақат маҳсус маълумотга эга бўлиши рақобатбардош бўлиб етишиши учун етарли эмас, талабани ривожланган креативликка, ностандарт ҳолатларда ўзига хос ечим топа оладиган бўлиши керак деган талабни илгари сурмоқда.

Талабаларда креативликни ривожлантириш таълим жараёнида босқичли структуравий-мазмунли моделнинг киритилиши тақозо этилади. Олий таълим муассасасининг акмеологик (Акмеология-инсонни ақлий юксаклик даражасига етишишни ўрганувчи фан) йўналишдаги таълими ўзининг методологик шартлари орқали таълимнинг маълум дастур ҳамда ахборотларини қайта ташкил этишни тавсия этади. Келажакда профессионал кадрларни тайёрлашда акмеологик қарашлар шахснинг тарбиялаши ва ўз устида ишлашини, таълим мазмунининг янги компонентларини қамраб олиши керак. Талабаларнинг таълим олиш даврида профессионаллик юқори кўрсаткичга эга бўлишларининг асосий омиллари - фанларда табиий илмий интизом, математик, ижтимоий ҳамда гуманитар компетенциялар доирасида ўзлаштиришларидир.

Дарҳақиқат, таълимда бирор ислоҳот қилишда, туб бурилиш ясашда янгиликларсиз, креатив фикрсиз, хорижий тажрибасиз юқори натижага эришиш мушкул.

Бугунги кунда йўлга қўйилаётган янги ёндошувлар асосида ислоҳотлар жараёни Ўзбекистон таълим соҳаси ривожланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Бунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан ривожланишига мос ҳолда таълим тизими ходимларидан таълим-тарбия сифатини мазмун

жиҳатидан замон талабига мос доимий янгилаб боришни талаб этиб, ҳар бир тизим ходими зиммасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юклармоқда.

Давлатимизда ташкил этилган дунёнинг энг салоҳиятли олий ўқув даргоҳларининг ташкил этилгани ҳам таълим тизимининг жаҳон талабларига мос ривожланиши омили ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўнги йилларда таълим соҳасини ислоҳ қилишга, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштиришга, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этишга жиддий эътибор қарата бошлади. Бу борадаги ислоҳотлар бир қатор Президент Қарорларида ўз аксини топган. Эътибор берадиган бўлсак, мазкур қарорларда узлуксиз таълим тизимининг деярли барча турлари камраб олинганлигини кўришимиз мумкин.

Қолаверса, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам таълим соҳасини тубдан такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган мазкур ҳужжатларнинг барчасида соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантириш, битирувчиларни олий таълимга камраб олинишини кўпайтириш, ёшларнинг касб эгаллашини таъминлаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 8 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди. Мазкур Концепцияда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари – замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш борасида стратегик вазифалар белгилаб берилди.

2017-2021 yillarda oliy ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish dasturini ishlab chiqish, o'quv dasturlarini yanada takomillashtirish, pullik xizmatlar ko'rsatish va moliyalashtirishning qo'shimcha manbalarini izlashda oliy o'quv yurtlarining vakolatlarini kengaytirish yo'li bilan ularning mustaqilligi bosqichma-bosqich rivojlantirilib boriladi.

Keyingi bir yilda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining yetmishga yaqin qaror, farmon va farmoyishlari qabul qilindi. Bu tom ma’nodagi ta’lim tizimidagi o‘zgarishlar va yangilanishlar jarayonini boshlab berdi.

Prezidentimiz sohada amalga oshirilayotgan ishlarni yanada takomillashtirish bo‘yicha ota-onalar va o‘quvchilarning fikrlarini inobatga olish, ular bilan «ochiq eshiklar» kunlari kabi tadbirlar tashkil qilib, uchrashuvlar o‘tkazish kerakligini alohida ta’kidladi.

Yig‘ilishda ta’lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar muhokama qilinar ekan, yoshlarning kasb-hunar egallashi, o‘quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash masalalariga ham alohida e’tibor qaratildi.

Bunda yoshlarning ulug‘ ajdodlarimiz merosini o‘rganishi, ularga mos yetuk kadrlar bo‘lib voyaga yetishiga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Ulug‘ ajdodimiz Muhammad al-Xorazmiy nomidagi axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yo‘nalishiga oid chuqurlashtirib o‘qitishga ixtisoslashtirilgan maktab tashkil etilishi ham aynan ana shu vazifani amalga oshirishdagi ilk qadam bo‘ldi.

Mazkur maktabning tashkil etilishi kadrlarni yoshligidanoq tayyorlab borish, sohada yetuk hamda zamon talablariga javob beradigan kadrlar tayyorlashga zamin yaratadi.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Mirzo Ulug‘bek nomidagi ixtisoslashtirilgan davlat umum ta’lim maktab-internatini va “Astronomiya va aeronavtika” bog‘ini tashkil etish to‘g‘risida”gi qarori qabul qilindi.

Mazkur qaror bilan Astronomiya instituti qoshida matematika, astronomiya, fizika va informatika fanlarini chuqur o‘rgatishga ixtisoslashtirilgan Mirzo Ulug‘bek nomidagi ixtisoslashtirilgan davlat umumta’lim maktab-internati tashkil etiladi.

Maktablar oldiga qo‘yilayotgan talablardan biri – yuqori malakali, sohasining bilimdoni bo‘lgan o‘qituvchi-pedagoglar bazasini shakllantirish bilan birgalikda, maktabda chet tilini xam o‘qitishdir. Bu kabi ixtisoslashgan maktablarning tashkil etilayotgani yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga xizmat qilishi alohida ta’kidlandi.

Yig‘ilishda hududlar imkoniyati va salohiyatini o‘rgangan holda 8-9 sinf o‘quvchilarini kasbga yo‘naltirish masalasi ham ko‘rib chiqildi. Bu ta’limning keyingi bosqichida o‘quvchilarning hunar egallashida yangi imkoniyatlar eshigini ochadi. Endilikda umumta’lim maktablari bitiruvchilarini elikka yaqin kasbga o‘rgatish yo‘lga qo‘yiladi. Buning uchun kasb-hunar kollejlari va umumta’lim maktablari negizida zamonaviy jihozlangan o‘quv ishlab chiqarish markazlari tashkil etilishi rejalashtirilgan. Shuningdek, ba’zi kasb-hunar kollejlari tegishli vazirlik va idoralarga korxonalar va tashkilotlarga birlashtiriladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 14 martdagi “O‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori bu borada muhim omil bo‘lmoqda.

Bu kadrlar tayyorlashda mazkur muassasalarning ulushini oshirish va kafolatlangan ish o‘rinlarini yaratish imkonini beradi.

Prezidentimiz soha rahbarlariga bu borada joylarga chiqib qaysi hududga qanday soha bo‘yicha mutaxassislar zarurligini o‘rganib chiqish vazifasini topshirdi.

Yig‘ilishda ta’lim muassasalari bo‘yicha amalga oshirilishi lozim bo‘lgan chora-tadbirlar muhokama qilindi. Oliy ta’lim muassasalarida o‘quv jarayonlarini takomillashtirish, yoshlarga zamonaviy talablar asosida ta’lim berish bugungi kunning asosiy masalalaridan biridir. Bu borada oliy ta’lim muassasalariga bo‘ladigan test sinovlarining ochiq va oshkoraligini ta’minlash muhim ahamiyat kasb etadi.

Davlatimiz rahbari oliy ta’lim muassasalarining bakalavr yo‘nalishiga bo‘ladigan test sinovlarini takomillashtirish yuzasidan takliflarni ishlab chiqish, bunda rivojlangan xorijiy davlatlarda sinovdan o‘tgan eng ilg‘or tajribalarni tatbiq etish, test sinovlarining shaffofligini ta’minlash yuzasidan ham ko‘rsatmalar berdi.

Yig‘ilishda yoshlarda oliy o‘quv yurtlariga o‘qishga bo‘lgan talabning oshib borayotganini, bunda muhim bo‘lgan test sinovlari tizimining esa eskirgani qayd etildi.

Davlatimiz rahbari mutassadi rahbarlarga ta'lim tizimini takomillashtirish, o'quv adabiyotlari bilan sifatli ta'minlash, yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash masalasida tegishli topshiriqlar berdi.

Jahonda oliy ta'lim tizimida kadrlar tayyorlash sifati va samaradorligini oshirish bo'yicha, jumladan quyidagi ustuvor yo'nalishlarda ilmiy izlanishlar amalga oshirilmoqda: ta'lim tizimini innovatsion iqtisodiyot talablari asosida rivojlantirish; oliy malakali kadrlarga bo'lgan talabni maqsadli bozor segmenti va maqsadli auditoriya talablari asosida shakllantirishning prognozlash metodikasini takomillashtirish; kompleks omillar tasiri sharoitida professor-o'qituvchilar faoliyatini rag'batlantirish mexanizmini ishlab chiqish; ishchi kuchi bozori konyunkturasi talablari asosida raqobatbardosh mutahassislarni tayyorlash uzluksiz tizimini takomillashtirish.

Ta'lim xizmatlari ko'rsatishda respublikada 72 ta oliy ta'lim muassasasi, Xalqaro Vestminster Universiteti, Rossiyaning G.Plehanov nomidagi davlat iqtisodiyot universiteti, M.Lomonosov nomidagi Moskva davlat universiteti, I. Gubkin nomidagi Rossiya davlat neft va gaz universiteti, Turin politexnika universiteti, Singapur menejmentni rivojlantirish instituti filiallari faoliyat yuritmoqda.

Oliy ta'lim muassasalari tomonidan taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarga asosan, 2017/2018 o'quv yili boshiga bakalavriyat boskovichiga jami 80822 nafar, shu jumladan 18439 nafari davlat grantlari asosida, 62383 nafar yoshlar esa shartnoma asosida talabalikka qabul qilingan. 2017/2018 oquv yili boshida qabul qilingan talabalarning 71838 nafari kunduzgi, 8984 nafari 20 ta oliy ta'lim muassasasi va 1 ta filialda tashkil etilgan sirtqi kurslarda ta'lim olayotgan bo'lib, sirtqi kurslarga qabul qilinganlarning 77,8 foizini qizlar tashkil etadi. Ma'lumot uchun, 2016/2017 oquv yilida jami 110 nafar talaba sirtqi kurslarga qabul qilingan. Jami ta'lim olayotgan bakalavr bosqichidagi talabalar soni 288471 nafarni tashkil etgan bo'lib, gumanitar sohada 121446 nafar, ijtimoiy soha, iqtisod va huquq yunalishida 27418 nafar, ishlab chiqarish va texnik sohada 85539 nafar, qishloq va suv ho'jaligi yunalishida 23479 nafar, sog'liqni saqlash va ijtimoiy taminot yunalishida 18879 nafar, xizmatlar sohasida 11710 nafar talabalar ta'lim olmoqda. Xulosa qilib shuni e'tirof etish kerakki, mamlakatimizda qabul qilingan barcha ijtimoiy dasturlar Vatan ravnaqi, yurt tinchligi va xalq farovonligini ta'minlashga qaratilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Karimov I. A. O'zbekiston mustaqillika erishish ostonasida. – Toshkent: O'zbekiston, 2011. B-81
2. Абдурахманов К.Х. и др. Современный менеджмент и реформирование системы образования в Узбекистане.– Т.: 2005;
3. Ahunova G.N. Ta'lim xizmatlari bozorida marketing faoliyati va uni takomillashtirish. – Т.: TDIU. 2004;
4. Бекмурадов А.Ш. Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования: методика, содержание и техническое обеспечение. – Т.: Экономика, 2009;
5. Кучаров А.С., Додабаев Ю.Т. Маркетинг. – Т.: Ташкент, 2002
6. Набиев Д.Х. Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики.– Т.: ТГЭУ, 2009;
7. Peregudov L.V., Saidov M.X. Oliy ta'lim menejmenti va iqtisodiyoti – Т.: Moliya, 2002
8. Рахимова Д.Н. и др. Образовательный маркетинг и рынок труда. – М.: Сов.писатель, 2005;
9. Гулямов С.С., Романов А.Н., Алимов Р.К., Торопцов В.С., Ходиев Б.Ю., Алимов К.А., Бегалов Б.А., Григорович Д.Б. Дистанционное экономическое образование. – Т.: Шарк, 2004;
10. Ходиев Б.Ю. Инновационная образовательная стратегия в условиях преодоления мирового финансово-экономического кризиса. – Т.: Экономика, 2009
11. Панкрухин А.П. Образовательные услуги//Вкн.: Менежмент в сфере услуг. Под ред. В.Ф.Уколов.- М.:Луч, 1995.- С.315-341.

“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ...

Аннотация: “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан бир йил давомида амалга оширилган ишлар, қисқа шаклда баён этилган шунингдек, 2020 йилда Жамғарма томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган устувор вазифалар ҳамда улардан кутилаётган натижалар кенг баён этилган.

Калит сўзлар: “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Таълим дастурлари, Жамғарманинг таълим дастурларига эҳтиёжлар, таҳлиллар, стипендия танлови, ҳамкорлик алоқалари, *хорижий университетлар, хорижий ватандошлар.*

Бугун халқаро майдонга юз тутаётган, барча жабҳаларда юксак натижаларга эришишни мақсад қилган давлатимиз ўз мақсади сари интилувчан, серқирра истеъдод ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни эгаллаган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланадиган ёшларни тарбиялаш учун алоҳида эътибор қаратмоқда.

Замонавий талабга жавоб берадиган баркамол авлодни тарбиялаш, ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳамда йирик Трансмиллий корпорацияларда илғор хорижий тажрибани эгаллаб ватанимиз равнақи йўлида камарбаста бўладиган ватанпарвар, шижоатли ёшларни тарбиялашдек кечиктириб бўлмас каби устувор вазифаларни бажариш бугунги куннинг талаби бўлиб қолмоқда.

Барчамизга маълумки, ҳозирги кунда бутун дунёда таълимга эътибор борган сари кучайиб бормоқда. Чунки бугунги кунда энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини оқлайдиган сармоя “Инсон капитали”га инвестиция эканлигини бутун дунё англаб етди.

Республикамизда ҳам тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг билими, кўникмаси, малакасининг нафақат миқдор, балки сифат жиҳатдан кафолатланиши, бунинг учун эса таълим жараёнини илғор жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида таълим тизимини ислоҳ қилишга киришилди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларга таълим-тарбия беришга алоҳида диққат-эътибор қаратилиб, у давлат миқёсидаги сиёсат даражасига кўтарилган бўлса, ҳозирги кунда бу масалага эътибор янада кучайтирилди. Жамият эҳтиёжлари ҳамда бугунги кун талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш эса ресурсларга бориб тақалишини ҳисобга олиб, республикамизда таълим тизимига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан йилга ортиб бормоқда. Таълим олишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ҳар бир ўқувчи-талабанинг ахборот технологияларидан, чет тилларни мукамал ўрганиш орқали жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш имкониятининг яратилишига алоҳида эътибор берилмоқда.


Ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз ташаббуслари билан “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил қилинди. *“Барча соҳаларда жадал ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда, ушбу суратга мос илғор билимли ва малакали кадрлар бизга бугун керак бўлмоқда. Ҳозирги тизимли ўзгаришлар жараёнида аксарият мутахассисларнинг билими, малакаси ва кўникмаси замон талабига жавоб бермаяпти. Агарда чет элда кадрларимизни тезда тайёрламасак, яқин келажакда режаларимизни сифат ва муддат нуқтаи-назаридан жой-жойига қўя олмаслигимиз аён бўлиб қолди. Шунинг учун биз “Эл-юрт умиди” жамғармасини ташкил этдик”* – дея эътироф этади давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишлари қилиб қуйидаги уч муҳим вазифалар белгилаб берилди:

- Ўзбекистоннинг жадал ривожланиши учун рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни хорижда тайёрлаш;

- Замонавий фикрлайдиган, ватанпарвар ва рақобатбардош мутахассис-ларни Ўзбекистонда ҳам тайёрлаш учун замин яратиш;
- Хорижда яшаётган ва профессионал фаолиятини юритаётган ватандошларимиз билан мулоқот қилиш.

Юқоридаги, устувор мақсад ва вазифаларни чуқур англаган ҳолда республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат бошқаруви органлари ҳамда барча ОТМларнинг мутахассис-кадрларини хорижда ўқитишга бўлган реал эҳтиёжлари ўрганиб чиқилди.



1-расм. “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2019 йил учун танлов ўтказиш йўналишлари бўйича билдирилган реал эҳтиёжлар.

Таҳлилларга кўра хорижда ўқитишга бўлган реал эҳтиёж жами **6247** нафарлиги аниқланди, жумладан, “Таълим” соҳасида **1381**, “Фан ва илмий-тадқиқотлар” соҳасида **351**, “Соғлиқни сақлаш” соҳасида **384**, “Давлат бошқаруви” соҳасида **2102** ва “Иқтисодиётнинг истиқболли тармоқлари” соҳасида **2029** ўринга эҳтиёж борлиги аниқланди.

Жамғарманинг олий таълим муассасалари учун ўтказилган биринчи стипендия танловига Республикамизнинг **80** тага яқин олий таълим муассасаларидан олинган **1381** та эҳтиёжлар асосида **11** та соҳа кесимида **563** ўринга мўлжалланган стипендия танлови эълон қилинди. Барча ОТМлардан **2400** тага яқин ҳужжатлар келиб тушган. Танловнинг барча босқич натижаларига кўра **715** нафар номзод саралаб олиниб, улардан **517** нафари Жамғарманинг биринчи стипендия танлови ғолиблари бўлишди.

2019 йил 20 февралда вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат бошқаруви органлари мутахассис-кадрлари учун навбатдаги **400** ўринга мўлжалланган иккинчи стипендиялар танлови эълон қилинди. Танлов натижаларига кўра, “Эл-юрт умиди” Жамғармасининг вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат бошқаруви органлари мутахассис-кадрлари учун ўтказилган иккинчи стипендия танловида **209** нафар номзодлар ғолиб деб топилди.



2-расм. «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан 2019 йилда ўтказилган 2 та стипендия танловлари натижалари тўғрисида маълумот.

“Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2019 йил учун ўтказилган 2 та стипендия танлови натижаларига кўра жами 726 нафар стипендиатлар ғолиб деб топилди. Улардан 600 нафари бугунги кун ҳолатига хорижий 30 дан ортиқ ривожланган давлатларда таълим олиш ҳамда стажировка ўташ учун юборилди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан йил давомида амалга оширилган ишлар:

- “Эл-юрт умиди” жамғармасининг расмий веб-сайти яратилди;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги ПҚ–4091-сон қарори қабул қилинди;
- Мазкур қарорга мувофиқ 2019 йил январь ойида вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат бошқаруви органлари ҳамда барча ОТМларнинг хорижда таълим олишга бўлган реал эҳтиёжлари ўрганилди;
- “UzBridge” ахборот-таҳлилий электрон журналини uzbridge.eyuf.uz сайтида ишга туширилди;
- Жамғарманинг стипендия танловларини ўтказишни такомиллаш-тириш мақсадида Online хужжат топшириш тизими яратилди;
- Жорий йилнинг феврал ойида вазирлик, идора ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари мутахассислари учун иккинчи стипендия танлови эълон қилинди;
- Март ойида Жамғарма фаолиятини ёритиш мақсадида республиканинг барча вилоятлари бўйлаб амалий-семинар тренинглар ўтказилди;
- Хориждаги илмий-амалий тажрибага эга бўлган Ватандошларнинг электрон реестри яратилди ва вазирлик, идора ва ташкилотларга фойдаланиш учун тақдим этилди;
- Март-апрель ойларида вазирлик, идора ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари мутахассислари учун иккинчи стипендия танлови ўтказилди;
- Апрель ойида Тожикистонда таълим олаётган ёш мутахассислар ҳамда илмий-амалий тажрибага эга бўлган ватандошлар билан давра суҳбатлари ўтказилди;
- Май ойида “Китобларда Ватан соғинчи” номли виртуал электрон кутубхона яратилди;
- Республикамиздаги 22 та олий таълим муассасалари қошида хорижий тилларга интенсив ўқитиш марказлари ташкил этилди;
- Жанубий Кореяда фаолият юритаётган замонавий билим ва амалий тажрибага эга бўлган ватандошлар билан очик мулоқотлар ташкил қилинди;
- Июнь ойида Жамғарманинг ОТМлар учун ўтказилган биринчи стипендия танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди;

- Июль-август ойларида вилоятлар ҳамда туман марказларида навбатдаги стипендия танловларига республика вазирлик, идора ва ташкилотлари ходимларининг, шу жумладан, олий таълим муассасалари профессор ўқитувчиларининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган ҳудудий амалий-услубий семинарлар ўтказилди;

- Жамғарманинг иккинчи стипендия танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди;

- Жамғарманинг 2020 йил учун ўтказилиши режалаштирилаётган навбатдаги стипендия танловлари учун республикадаги барча вазирлик, идора ва ташкилотларнинг хорижда таълим олишга бўлган реал эҳтиёжлари ўрганилди;

- Август ойидан бошлаб 2 та стипендия танловлари ғолибларини хорижда таълим олиш учун юбориш ишлари ташкил қилинди;

- Сентябрь ойида 2017 йилдан ҳозирги кунга қадар хорижда таълим олган стипендиатларнинг йиғма электрон базаси яратилди;

- Октябрь-ноябрь ойларида собиқ “Умид” жамғармаси битирувчиларининг электрон маълумотлар базаси шакллантирилди;

- Ноябрь ойида Германияда истиқомат қилаётган ва таҳсил олаётган ватандошларимиз билан очиқ мулоқот ўтказиш мақсадида хизмат сафари уюштирилди;

- Йил давомида Жамғарма томонидан 63 та хорижий университетлар, йирик халқаро компаниялар билан музокаралар ўтказилди, шулардан 30 га яқин икки томонлама истиқболли лойиҳалар имзоланди;

- Декабрь ойида “Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари” собиқ “Умид” жамғармаси битирувчиларининг биринчи Халқаро конференциясига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

- Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, Жамғарма томонидан амалга оширилаётган ишлар замирида иқтидорли, истиқболли, ватанпарвар ёшларимизни хорижнинг энг илғор таълим муассасаларида ўқитиш ҳамда тажриба алмашишга кўмаклашиш каби юксак марраларни кўзлаган.

“Эл-юрт умиди” жамғармасининг истиқболли режалари...

- Жамғарманинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Блокчейн технологияси асосида интранет тизимини яратилади;

- Олий таълим муассасалари бугунги кунда устувор деб ҳисоблаётган истиқболли мутахассисликлар базасини шакллантирилади;

- Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги университет ва илмий-тадқиқот марказлари билан қўшма лойиҳалар тайёрланади;

- Ҳар чорақда вазирлик ва идораларнинг буюртмаларига асосан Жамғарманинг стипендия танловларини ўтказилади;

- Корхона ва ташкилотларнинг муҳандис-техник ва инновацион йўналтирилган, замонавий менежмент ва лидерлик мутахассисликлари бўйича буюртмалари асосида малака оширишнинг мақсадли дастурларини амалга оширилади;

- 2020 йилдан бошлаб истиқболли ва талаб ўта юқори бўлган мутахассисликлар соҳасида Жамғарма томонидан ташкил қилинадиган 6 ойгача бўлган муддатда хорижий тилларга интенсив ўқитиш бўйича, ушбу йўналишнинг илғор таълим технологиясидан фойдаланган ҳолда, янги таълим дастури жорий этилади;

- Мутахассисларни хорижда тайёрлашни ташкил этиш борасида давлат сиёсатини амалга оширувчи мутасадди давлат органлари ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада ривожлантирилади;

- Хорижда Жамғарма дастурлари асосида таълим олган мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашилади;

- Хорижий тилларга интенсив ўқитиш дастурларининг стипендиатлари тегишли курсларда ўқиш якунларига кўра CEFR тизими бўйича B2 даражасини эгаллаган номзодлар Жамғарма стипендия танловларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади;

- Халқаро ҳамкорлик алоқаларини географиясини кенгайтириш, шулар орқали Жамғарма таълим дастурларига мос янги грантларни жалб қилинади;
- Жамғарманинг вилоятлардаги хорижий тилларни ўқитиш марказларини моддий техник базаси замонавий телекоммуникацион воситалар билан жиҳозланади;
- Жамғарманинг бўш иш ўринларига замонавий билим ва тажрибага эга бўлган хорижий тилларни пухта ўзлаштирган ватандошлар жалб қилинади;
- Жамғарманинг хорижий мамлакатларда имижини ошириш мақсадида замонавий видеоролик, тарқатма материаллар ҳамда флайерлар тайёрлаш;
- Хорижда таълим олган Жамғарма стипендиатларининг илмий ишлари ва мақолаларининг электрон базаси шакллантирилади;
- Хориждаги катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда нуфузли университетларда таҳсил олаётган ватандошларимиз билан масофавий мулоқот ўрнатилади;
- Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда хориждаги илмий-амалий билим ва кўникмага эга бўлган хорижий экспертлар иштирокида масофавий мастер класслар ташкил этилади;
- Хорижда таҳсил олаётган илғор замонавий билимларни пухта ўзлаштираётган ёшларимиз инновацион ғояларини амалиётга жорий этадиган виртуал макон яратиш.

Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрларини жалб қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлида хизмат қиладиган замонавий билимларга эга бўлган, иқтисодиётимизда туб ўзгартиришларни амалга оширадиган, Ўзбекистоннинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамлашга камарбаста бўладиган мутахассисларни хорижда ўқитишни мақсад қилган “Эл-юрт умиди” жамғармаси юқоридаги вазифаларни келажакда амалга ошириш учун бор куч ва имкониятини сафарбар қилади!!!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Йил давомидаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи;
2. “Эл-юрт умиди” жамғармасининг расмий веб-сайти(www.eyuf.uz);
3. Вазирлик ва идоралардан Жамғарманинг стипендия танловларига бўлган реал эҳтиёжлари тўғрисида маълумотлар.

Ҳақназарова Нилуфар Қуранбоевна

таянч докторант

Бош илмий-методик марказ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СИФАТИНИНГ САМАРАЛИ МЕНЕЖМЕНТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: мақола олий таълим тизимида кадрларни тайёрлаш сифати менежментини тадқиқ этиш, истеъмолчилар эҳтиёжини қониқтириш даражасини максималлаштириш жараёнида инсон ва моддий-техник ресурсларни қўллаш самарасини ошириш йўлларни кўриб чиқишга бағишланган.

Калит (таянч) сўзлар: менежмент, олий таълим, замонавий тажриба, олий таълимни ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш самарадорлиги, олий таълим муассасалари.

Таълим хизматлари бозорида фаолиятнинг ривожланиш динамикаси, авваламбор, юқори сифатли ўқув жараёнини таъминлайдиган тегишли рақобатни кучайтиришдан далолат беради. Шу билан бирга, кўплаб хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, сифат менежментига нисбатан анъанавий ёндашувлар зарур натижага эришиш учун деярли

имконсиздир. Анъанавий ёндашув сифат назорати концепцияси ва белгиланган кўрсаткичлардан четга чиқишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни қўллашга асосланса, ҳозирги ҳолат эса ушбу жараёнга нисбатан тизимли менежментни талаб этади.

Нисбатан узоқ вақт мобайнида олий таълим муассасаларида одатда қуйидаги асосий таркибий назорат турлари мавжуд бўлган:

- дастлабки – ресурслар сифатини назорат қилиш;
- жорий – ўқув жараёнини назорат қилиш;
- якуний – амалга оширилган таълимнинг сифатини назорат қилиш.

Сифат менежментига нисбатан бундай ёндашув ўқишга кирувчиларни саралаш ва дастлабки назоратини амалга ошириш, педагогларни ўқув-услубий жиҳатдан таъминоти ва талабалар таълими жорий натижаларини назорат қилиш орқали таълим жараёнини тартибга солишни назарда тутган. Замоनावий шароитда олий таълим муассасалари ўқувчиларга сифатли таълим бериш, таълим хизматлари бозорини ўрганиш, уларнинг мақсадли сегментларини аниқлаш, талаб ва истақларга мувофиқ абитуриентлар учун курашиш стратегиясини ишлаб чиқишга доир маркетинг усулларини қўллашни бошлади[1].

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш таълимнинг барқарор юқори сифатини таъминлаш мақсадида ушбу ўзгаришларга тезда жавоб кўрсатишни талаб қилиб, бу ўз навбатида ҳар бир олий таълим муассасаси даражасида сифат менежментига янгича ёндашувларни татбиқ этиш, фаолият ва хизматлар сифатига йўналтирилган тизимли қайта ташкиллаштиришни назарда тутди. Менежментнинг замонавий модели хизматларни истеъмолчиларнинг талаблари ва ушбу талабларни қондиришга мўлжалланган олий таълим муассасасининг ходимлари эҳтиёжларига уйғунлашган ҳолда йўналтирилган бўлиши лозим.

Тадқиқ этилган муаммо бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бундай ёндашув, одатда, сифатни тўлиқ бошқаришни (Total Quality Management) акс эттиради. Ушбу концепция олий таълим муассасасининг барча тузилмаларини корхона сифатида қамраб олади ва унинг барча фаолият шакллари истеъмолчилар, ишчилар ва умуман жамият эҳтиёжларини қондириш даражасини максимал даражада ошириш жараёнида инсон ва моддий-техник ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилади. Бундан ташқари, ушбу концепция ҳар қандай фаолият шаклини ташкил этишда қўлланилиши мумкин ва халқаро тажриба кўрсатганидек, унинг самарадорлигига ҳисса қўшади[2].

Шундай қилиб, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш жараёнига нисбатан умумий сифат менежменти бошқарувда ўзига хос ёндашув бўлиб, у барча ходимлар иштирокида, ташкилотнинг барча тузилмалари таркибида сифатни таъминлаш ва сақлаб қолиш, шунингдек таълим хизматларига нисбатан истеъмолчиларнинг талабларини қондириш орқали узоқ муддатли муваффақиятга эришиш ҳамда ходимлар ва умуман жамиятга фойда келтиришга қаратилган.

Юқоридаги мақсадлар, биринчи навбатда, якуний натижалар эмас, балки ривожланиш йўналишлари ҳисобланади. Истеъмолчилар, жамият ва ходимларнинг эҳтиёжлари мунтазам ўзгариб бораётганлиги сабабли уларни доимо кузатиб бориш, прогноз қилиш ва вақтни олдинлаган ҳолда уларни қониқтириш лозим бўлади. Ўз навбатида, техник таъминотнинг жадал ривожланиши сифатни назорат қилиш ва таъминлаш методларини, менежментнинг ташкилий механизмлари ва методикаларини такомиллаштиришни талаб этади.

Умумий сифат менежменти механизмларини ўрганиб чиқиш, истеъмолчилар, ходимлар, корхоналар эҳтиёжларини ўрганиш билан бир қаторда, олий таълим муассасасининг ички заҳираларини, ресурс базасининг ҳажмини ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари, умумий сифатни бошқариш амалдаги режалаштиришни такомиллаштириш ва янги жараёнларни ишлаб чиқишни, шунингдек, муайян мезонлар бўйича ўзини баҳолашни таъминлайди, шу билан бирга ушбу фаолиятнинг барча иштирокчиларининг эҳтиёжларини ўзгартиришни назорат қилади.

Олий таълим муассасаларида таълим хизматларининг сифатини ошириш бўйича тадбирлар режаларни умумий режалаштириш доирасида амалга ошириш ва уни умумий

стратегия билан мувофиқлаштиришни талаб қилади. Бу ички ва ташқи ахборотни олиш ва қайд этишни таъминлайдиган ахборот каналлари тизимини ишлаб чиқиш ва ташкил этишни талаб қилади.

Ташқи ахборот каналларига қуйидагилар киради: истеъмолчилар билан алоқа; ташқи фаолият самаралилиги кўрсаткичлари; хизматлар бозоридаги вазият ҳақида маълумот; ёш кадрлар тайёрлаш самарадорлиги, битирувчиларнинг кейинги касбий фаолияти тўғрисида маълумот.

Ички ахборот каналлари орасида қуйидагилар ажратилиб кўрсатилади:

- ходимларнинг қониқишлари ҳақида маълумот;
- жараёнларнинг хусусан, таълимнинг самарадорлиги кўрсаткичлари;
- жараёнлар сифат кўрсаткичлари;
- сифат тизимининг самарадорлиги (сифатига йўналтирилган харажатлар, уни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва бошқалар);
- ташқи ва ички ўзини ўзи баҳолаш маълумотлари[3].

Ахборотнинг ташқи ва ички каналларидан фойдаланишда, истеъмолчилар, ходимлар ва жамият талаблари таҳлил қилинади, такомиллаштириш йўналишлари ва муҳим жараёнлар аниқланади. Ҳар бир жараён учун таъсир ўтказиш усуллари ишлаб чиқилади ва тегишли кадрларни тайёрлаш ишлари олиб борилади. Режалаштирилган такомиллаштириш жараёнининг схемасига қуйидагилар киради:

- бу жараёнлар таъсир кўрсатадиган муҳим параметрлар асосида тартибга солинадиган жараёнлар ўртасидаги устуворликларни белгилаш;

- маълумотларни тўплаш ва дастлабки таҳлил қилиш. Таъсир омиллари (жараён параметрлари) ва сифат кўрсаткичлари ўртасидаги муносабатлар аниқланганидан сўнг, муваффақиятли амалга ошириш мезонларини белгилаш учун сабаб омиллари белгиланади;

- муаммони ҳал этишнинг муваффақиятини аниқлаш сифатида самарадорлик ва стандартлаштиришни қайта текшириш. Истеъмолчиларнинг (талабалар, иш берувчилар, олий таълим муассасалари ходимлари) фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, ушбу фаолият самарадорлиги бўйича дастлабки маълумотларнинг бирламчи маълумотлар ва ҳолат кўрсаткичларини статистик қайта ишлаш, шунингдек, қўшимча ижобий ва салбий таъсирларни аниқлашга, муаммоларни ҳал қилиш ва ички стандартларни янгилашга имкон беради.

Умумий сифат менежменти циклининг охириги босқичи олий таълим муассасалари кучлари томонидан амалга ошириладиган ўзини баҳолаш ҳисобланади.

Ўз-ўзини баҳолашнинг асосий вазифалари қуйидагилардир: амалдаги ва режалаштирилган кўрсаткичларни акс эттиришнинг сабабларини таҳлил қилиш ва келгусида режалаштириш учун шарт сифатида таққослаш; олий таълим муассасасининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган фаолият соҳаларининг таърифи; олий таълим муассасасининг мавжуд ҳолатини аниқлаш; менежерлар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро алоқани яхшироқ мувофиқлаштириш; турли таркибий бўлинмаларнинг иш натижаларини таққослаш; сифатни яхшилаш учун турли таркибий бирликларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш[4].

Ўз-ўзини баҳолаш замонавий олий таълим муассасасининг мажбурий таркибий қисмларини англатади ва тегишли ҳужжатларни сақлашни назарда тутди. Ўз-ўзини баҳолаш натижалари барча даражадаги менежерлар ва ҳар бир ходимнинг эътиборига етказилиши керак.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш таълимнинг барқарор юқори сифатни таъминлаш мақсадида ушбу ўзгаришларга тезда жавоб кўрсатишни талаб қилиб, бу ўз навбатида ҳар бир олий таълим муассасаси даражасида сифат менежментида янгича ёндашувларни татбиқ этиш, фаолият ва хизматлар сифатига йўналтирилган тизимли қайта ташкиллаштиришни назарда тутди. Бундай ёндашув, одатда, сифатни тўлиқ бошқаришни (Total Quality Management) акс эттиради. Ушбу концепция олий таълим муассасасининг барча тузилмаларини корхона сифатида қамраб олади ва унинг барча фаолият шакллари истеъмолчилар, ишчилар ва умуман жамият

эҳтиёжларини қондириш даражасини максимал даражада ошириш жараёнида инсон ва моддий-техник ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилади. Бундан ташқари, ушбу концепция ҳар қандай фаолият шаклини ташкил этишда қўлланилиши мумкин ва халқаро тажриба кўрсатганидек, унинг самарадорлигига ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ванькина И.В. Маркетинг образования: учеб. пособ. / Ванькина И.В., Егоршин А.П., Кучеренко В.И. - М.: Унив. книга; Логос, 2007. - 336 с.
2. Байденко В.И. Болонский процесс: структурная реформа высшего образования Европы. - М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. - Российский Новый Университет, 2002. - С. 101-112.; Левшина В.В. Формирование системы менеджмента качества вуза: монография / В.В. Левшина, Э.С. Бука. - Красноярск: СибГТУ, 2004. - 324 с.
3. Мазур И.И., Шапиро В.Д. Управление качеством: учебное пособие И.И. Мазур, В.Д. Шапиро. - М.: Высшая школа, 2010. - 199 с.
4. Абакумова О.Г. Управление качеством: Конспект лекций / О.Г. Абакумова. - М.: А-Приор, 2012. - 128 с.; Джордж Стивен. Всеобщее управление качеством: стратегия и технологии, применяемые сегодня в самых успешных компаниях. / С. Джордж, А. Вайморских. - СПб.: Виктория-Плюс, 2002. - 256 с.

**III СЕКЦИЯ. ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ
КУЧАЙТИРИШ – ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР
МАРКАЗИДА**

Мансуров М.А.
PhD,
Файзиев З.А.
к.э.н., доцент,
Тураев К.Р.
ассистент

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

РОСТ ПОТЕНЦИАЛА РЫНКА ЦЕННЫХ БУМАГ ДЛЯ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ

Аннотация. *Стабильно растущие экономические показатели страны открывают и одновременно заставляют искать новые способы финансирования. В статье проанализированы возможные новые способы привлечения финансов, в частности, с помощью выпуска муниципальных облигаций. Помимо этого, определены этапы, в применении муниципальных ценных бумаг на практике, с уменьшенными рисками.*

Ключевые слова: *ВВП, муниципальная облигация, фондовый рынок, капитал, финансовый ресурс, эмиссия, апробация, рейтинг, страхование, ликвидность.*

За последние годы ежегодный рост ВВП в Республике Узбекистан не опускался ниже 8%, что требует соответствующих инвестиционных вложений.

В опубликованных Всемирным банком рейтингах деловой среды, в рейтинге «Ведение бизнеса» Узбекистан стабильно поднимается вверх.

Активная работа по привлечению прямых иностранных инвестиций должна дополняться, на наш взгляд, внутренним долговым финансированием, одним из направлений которого является формирование рынка внутренних муниципальных облигаций для развития социальной инфраструктуры, и, прежде всего, в регионах, сельских районах и городах.

В Указе Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» в разделе «Развитие и либерализация экономики» предусмотрено «комплексное и сбалансированное социально-экономическое развитие регионов, районов и городов». ⁴ В приложении к Указу особо отмечена необходимость «расширения объемов страховых, лизинговых и иных видов финансовых услуг за счет внедрения их новых видов и повышения качества, а также развитие фондового рынка как альтернативного источника привлечения капиталов и размещения свободных ресурсов предприятий, финансовых институтов и населения». ⁵

В Узбекистане, несмотря на отсутствие практики выпуска и обращения муниципальных ценных бумаг, потенциал их выпуска и обращения весьма велик. Серьезной предпосылкой успеха аккумуляции средств по муниципальным займам является наличие в республике уникального института органа местного самоуправления. Активизация работы органов государственной власти областей, районов, городов в части разработки различных проектов по строительству объектов муниципальной собственности - местных электростанций, газопроводов, водопроводов, теплотрасс, дорог за счёт выпуска и реализации облигаций местных займов могла бы принести ощутимые плоды уже в ближайшем будущем.

Формирование и развитие рынка внутренних муниципальных облигаций Узбекистана следует, на наш взгляд, вести по следующим направлениям:

1. Формирование нормативно-правовой базы муниципальных заимствований. Курс экономических реформ должен постепенно все больше ориентироваться на расширение

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». УП- 4947 от 7.02.2017г.

⁵ Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947.

экономической самостоятельности регионов, расширении полномочий местных органов власти в проведении активной региональной инвестиционной политики, основанной на мобилизации финансовых ресурсов, в частности, с помощью муниципальных ценных бумаг.

Однако успешная реализация данного направления сдерживается из-за слабого нормативно-правового обеспечения муниципальных заимствований. Так, до настоящего времени в республике нет специального законодательного акта, регламентирующего порядок выпуска муниципальных ценных бумаг административно-территориальными образованиями Республики Узбекистан, хотя отдельные правовые акты позволяют органам государственной власти на местах использовать данный вид финансового инструмента.

Действительно, законом Республики Узбекистан “О государственной власти на местах” (02.09.1993г.) предоставил органам государственной власти на местах права управлять не только территориальной собственностью, но и принимать решения по отношению к объектам государственной собственности, находящейся в исключительной собственности Республики Узбекистан, осуществлять контроль в части эффективного размещения производственных и социальных объектов, рационального использования природных и трудовых ресурсов, охраны окружающей среды, социальной защиты населения (ст.7). Таким образом, местные власти имеют хорошую материальную экономическую основу, которая может быть использована в качестве страхового ресурса муниципальным ценным бумагам.

На начальном этапе, на примере двух-трех территориальных органов государственной власти следует апробировать в порядке пилотного проекта разработку и прохождение всего процесса эмиссии муниципальных облигаций, что позволит отработать механизм выпуска ценных бумаг, отследить проблемные вопросы, дать предложения по их устранению и обеспечить необходимую апробацию практикой этого вида ценных бумаг перед разработкой и принятием настоятельно необходимого Закона РУз «О муниципальных ценных бумагах».

Необходимо принять закон “Об инвестиционной деятельности на территории”, который определил бы порядок и условия организации инвестиционного процесса на территории. Закон должен быть направлен на стимулирование инвестиционной деятельности, развитие рынка инвестиций, защиту интересов субъектов инвестиционной деятельности. Необходимо ускорить разработку “Положения о муниципальных ценных бумагах”, где должны быть отражены сферы и механизмы их приложения.

2. Формирование благоприятного инвестиционного климата в регионах. Определяющим фактором успешного задействования системы муниципальных заимствований выступает эффективная политика муниципальных органов по постоянному наращиванию инвестиционной привлекательности региона через улучшение нормативно-правовой базы, систему страхования, повышение совокупного инвестиционного эффекта, повышения инициативы населения и власти, совершенствования механизмов финансового управления.

3. Формирование механизма муниципальных заимствований в регионе. Механизм может быть проработан на одном из территориальных образований республики (желающих достаточно).

При этом приоритетными направлениями по подготовке к внедрению предлагаемого механизма могут быть:

- формирование денежного фонда поддержки муниципальной экономики.
- обеспечение гарантии оплаты доходов по муниципальным ценным бумагам (например, создание специального фонда).
- внедрение системы рейтингования [3] регионов и муниципальных займов для лучшего ориентирования потенциальных инвесторов в выборе того или иного объекта инвестирования, включая и зарубежных инвесторов, где практика проведения рейтинговых оценок довольно распространена.
- страхование кредитного риска муниципальных облигаций.
- максимальное использование территориального ресурсного потенциала, а также

эффективное использование собственных финансовых ресурсов корпораций и населения.

- разработка эффективной системы информирования населения, отечественных и иностранных корпоративных инвесторов.

- обеспечение условий повышения ликвидности данных ценных бумаг.

- комплексное развитие инфраструктуры муниципального фондового рынка.

4. Функциональное обеспечение механизма муниципальных заимствований в регионе.

Финансовая схема обслуживания муниципального облигационного займа должна быть построена таким образом, чтобы обязательства по нему перед инвесторами в необходимых объемах и в требуемые сроки обеспечивались строго в рамках оговоренных сторонами условий. Выплаты по процентам и отчасти погашение облигаций должны обеспечиваться за счет средств фонда погашения, сформированного в определенной пропорции от общей суммы привлеченных по займу средств. Для уменьшения рисков по погашению облигаций, в рамках займа предлагается создать также страховой (резервный) фонд, сформированный на тех же условиях. На период проведения займа средства этих фондов вкладываются в финансовые инструменты, обеспечивающие сохранность и рост активов этих фондов. Как правило, средства фонда погашения размещаются в высокодоходные финансовые инструменты (акции приватизированных предприятий, недвижимость, валютные кредиты).

Остальные, мобилизованные по займу средства образуют инвестиционный фонд займа и предназначаются непосредственно для решения задач, поставленных перед займом (обслуживание кассовых разрывов местного бюджета, инвестиционные кредиты или прямые инвестиции в объекты социальной инфраструктуры, а также экономически эффективные и дающие быструю отдачу проекты, строительство и модернизация объектов производственной сферы региона и так далее).

Однозначно можно утверждать, что, кроме совершенствования системы муниципальных финансов, развитие рынка внутренних муниципальных облигаций будет нуждаться в наличии развитого базового долгового рынка – рынка внутренних государственных ценных бумаг. Развитой рынок внутренних государственных ценных бумаг будет предоставлять базовый ориентир доходности для всех других внутренних долговых рынков и будет способствовать более высокой ликвидности всех финансовых рынков.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». УП- 4947 от 7.02.2017г.

2. Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947.

3. Хамидулин М.Б. О необходимости развития национальной системы рейтинговой оценки предприятий в Республике Узбекистан. - Сборник "Современная наука: актуальные проблемы и пути их решения", 2014г., №11, с.31-33.

Турсунов Қобул Бекназарович

мустақил изланувчи

Тошкент давлат иқтисодий университетини

НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация. Мақолада минтақа инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни оширишда маркетинг стратегияларининг тутган ўрнига бағишланган таққослама таҳлиллар амалга оширилган. Инвестиция бозори ва инвестицион фаолликка таъсир этадиган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий омиллар гуруҳлаштирилгани ҳолда Навоий вилоятининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва фаоллаштиришига қаратилган кўп даражали ёндашувлар тадқиқ этилган. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб

қилишида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг (ЭИИЗ) ташкил этилиши ва бугун кундаги фаолияти динамик қаторлар таҳлил орқали очиб берилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестицион муҳит, инвестицион салоҳият, давлат инвестиция сиёсати, инвестициявий жозибадорлик, ҳудуднинг инвестиция паспорти, маркетинг стратегияси, қидирувни оптималлаштириш тизимлари, маркетинг воситалари, инвесторнинг йўл харитаси, инвестиция портали, инвестицион салоҳиятни бошқариш.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси ҳисоботларида қайд этилишича, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқимининг 13 фоизга камайиб 2018 йилда 1,3 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу камайиш халқаро трансмиллий компаниялар учун мамлакатлар томонидан қўлланилаётган солиқ ва протекционизм сиёсатининг оқибатидир. Жаҳон мамлакатларида глобал инвестициялар оқимини сезиларли даражада оширишнинг асосий катализатори сифатида кейинги ўн йилликда махсус иқтисодий зоналар майдонга чиқди. Шунинг учун, жаҳонда эркин иқтисодий зоналар сони ушбу ўн йил ичида тез суратларда ўсмоқда ва уларнинг сони 5000 дан ошди [1].

Глобал инвестицион муҳитнинг салбий тенденциялари Ўзбекистон учун мақсадли инвестицион дастурларни қабул қилиш ва инвесторлар учун энг мувофиқ шарт-шароитларни яратиш муаммосини қўймоқда.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида минтақавий инвестиция дастурлари жамият ва давлат олдида турган мақсадлар ва вазифалардан, уларнинг миқёси ва амалга ошириш имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади. Мамлакатнинг инвестиция сиёсати, узоқ муддатли стратегик мақсадлар, ички ва ташқи талабларга жавоб бергандагина самарали бўлади. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг амалдаги тизими эса инвестиция масалаларини эркинлаштириш асосида ҳудудий тартибга солишга асосланган, бу эса ҳар бир ҳудудга хос бўлган механизмлардан мақсадли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Мамлакат миқёсида амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг республика ҳудудларида амал қилиши учун ҳудудий иқтисодий тенденцияларни ва мавжуд салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда инвестицион фаолиятни режалаштириш стратегиялар белгилашни назарда тутди. Инвестицион фаолиятни ривожлантириш зарурати эса ҳудудда фаолият юритаётган бозор субъектларининг умумий инвестицион манфаатлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг стратегик йўналишлари ўзаро мутаносиблигини таъминлаш асосида юзага келади.

Шубҳасиз, ҳудудларнинг маҳаллий бошқарув органлари инвестицияларни бошқариш соҳасида биринчи навбатда капитал қўйилмаларни тартибга солишни, инвесторлар фаолиятини ўрганиш, инвестиция бозорини рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш ва иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш орқали инвестициялар ҳажмини ошириш доимий устувор йўналиш сифатида қаралади. Шу муносабат билан, Навоий вилоятининг инвестицион салоҳиятини оширишга қаратилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишнинг назарий асосларини ўрганиш асосида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.


Навоий вилояти Ўзбекистон ҳаётида ва иқтисодиётида ўзига хос ўрнига эга бўлиб, республикада ишлаб чиқарилаётган цементнинг 45 фоизи, минерал ўғитларнинг 30 фоизи, электр энергиясининг 16 фоизи, саноат маҳсулотларининг 10 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади. Халқаро аҳамиятдаги автомобиль ва темир йўлларининг қарийб 750 км. вилоят ҳудудидан ўтганлиги, вилоятнинг нақадар катта трансмагистрал салоҳиятга эгаллигини кўрсатади. Хусусан, вилоят ҳудудидан халқаро аҳамиятдаги 302 км, республика аҳамиятидаги 2490 км автомобиль йўллари (шунингдек, 1125 км маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўллари), 440 км темир йўллари ўтган.

Шу нуқтаи назардан, Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан республикада муҳим аҳамиятга эга. Вилоят республика иқтисодиётининг рангли металлургия, кимё ва

курулиш саноати етакчи ҳудудларидан бири ҳисобланади. Республикада яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 5,2 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади [2].

Навоий вилояти республикада энг ёш вилоят бўлсада, инвестицион фаоллик даражаси республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан юқори бўлган ҳудудлар сирасига киради. Вилоятда “Навоий” эркин иқтисодий зонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, замонавий, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга имконият яратилди.

Навоий вилоятида амалга оширилаётган инвестиция сиёсатинининг натижалари 2010-2018 йилларда унинг ҳажмини 11,5 баробарга (республика кўрсаткичи 6,7 баробар), аҳоли жон бошига эса 10,3 баробарга (республика кўрсаткичи 6,4 баробар) оширишга имкон берган (1-расм).



1-расм. Навоий вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиши [2], фоизда

Навоий вилоятига жалб этилаётган ялпи инвестициялар ҳажми республиканинг умумий инвестицияларидаги салмоғи 2010 йилда 11,1 фоизни ташкил этган бўлиб, ушбу тенденция 2016 йилгача пасайиб бориши кузатилган. Шунга асосан ишлаб чиқилган мақсадли дастурларни самарали амал қилиши тегишли салмоқ кўрсаткичларини сўнгги икки йил давомида оширишни таъминлаган (2-расм). Натижада, Навоий вилояти 2018 йилда республикадаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича энг юқори инвестиция фаоллигига эга бўлган вилоят сифатида қайд этилган.



2-расм. 2010-2018 йилларда Навоий вилоятининг республика инвестицияларидаги улуши, %да [2]

Вилоятда ялпи инвестициялар ҳажмининг юқори суръатларда ўсиб бораётганлигига қарамадан, улар таркибидаги хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмининг ўсиши талаб даражасида эмас. Хорижий капиталнинг асосий қисмини бирламчи тармоқларга жалб қилинаётганлиги хорижий инвестицияларининг ўсиш суръати ўртача республика даражасидан охириг икки йил давомида юқори бўлишини таъминламоқда.

Мазкур ҳолат инвестиция жараёнларида давлат аралашувининг камайиб бораётганлигини кўрсатади. Вилоятда банк-молия институтлари улушини камайиб бораётганлиги, ҳудудда банк активларининг пасайиши, уларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги ролининг пасайиб боришига олиб келган. Аммо, аҳоли ва корхоналар бўш маблағларини жамлашда, асосан, тижорат банклари фаолияти талаб даражасида бўлиб, бошқа молиявий тузилмалар иштироки эса талаб даражада эмас. Яна бир ижобий ўзгариш вилоят инвестициялари таркибида хорижий капиталнинг улуши таҳлил қилинаётган даврда 13 фоиздан 18 фоизга ошганлиги ҳисобланади (1-жадвал).

Ҳудудда транспорт инфратузилмаси ва алоқа тизимини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида транспорт ва алоқа тармоғининг ҳудудий инвестициялардаги улуши ҳам ортиб бормоқда. Бу эса ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракатини тезлаштириб, ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Навоий эркин иқтисодий зонаси ва кичик саноат зоналари Маъмурий кенгаши томонидан 2018 йилда умумий қиймати 19,6 млн. АҚШ доллари бўлган 10 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши натижасида 6,0 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиб, 415 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Навоий вилоятида инвестиция ресурсларини жалб қилишни ривожлантириш бўйича натижадорликни ошириш, ички ва ташқи инвестиция ресурсларининг мавжудлиги юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига йўналтириш орқали ривожлантириш имконияти кенг эканлиги тасдиқланмоқда. Ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришда инвестицияларни кенг жалб этишга қаратилган маркетинг стратегиялари ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг илмий-иметодологик жиҳатларини асослашга асосий эътибор қаратилмоқда.

1-жадвал

Навоий вилоятида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра тақсимланиши[2]

Йиллар	Жами		Молиялаштириш манбалари бўйича				
			Давлат бюджети	Ташкилот ва аҳоли маблағлари	Тижорат банклари кредитлари	Хорижий кредитлари ва инвестициялари	Бошқа ташкилотлар маблағлари
	млрд. сўм	%					
2010 й.	1704,5	100	2,4	40,6	5,8	25,8	25,3
2011 й.	1368,4	100	3,9	54,0	8,1	9,9	24,0
2012 й.	1625,7	100	2,7	51,8	5,9	25,0	14,7
2013 й.	1622,6	100	1,9	62,5	6,4	23,7	5,4
2014 й.	1653,1	100	1,8	71,2	11,4	10,9	4,7
2015 й.	1685,4	100	2,9	57,9	9,7	3,3	26,1
2016 й.	2846,8	100	5,1	48,0	6,4	5,4	35,1
2017 й.	3977,8	100	5,0	43,8	7,2		
2018 й.	10579,4	100	0,7	36,2	5,3		

Ҳудуд инвестицион жозибадорлиги аввало рақобатбардошлик даражасига боғлиқ. Рақобатбардошлик инвестиция муҳити ва ҳудуднинг инвестицион имкониятларига кўра белгиланади. Бирок, ушбу хусусиятларнинг юқори рейтинги мавжудлиги ҳам ҳудуд

иктисодиётига катта миқдордаги инвестициялар кириб келишини кафолатламайди [3]. Бунинг учун маркетингнинг ўзига хос шакли - ҳудудий маркетинг билан боғлиқ қатор тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Маркетинг тадбирларининг асосий мақсади инвесторлар онгида ҳудуднинг рақобатда устунлиги ҳамда инвесторлар учун қулай муҳит яратилганлигига ишонтиришдир [4].

Ҳудуднинг инвестицион жозибadorлигини ошириш масалаларига бағишланган маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларда инвестицияларнинг ўсиши учун шарт-шароитни таъминловчи бир қатор омилларга эътибор қаратилган. Ҳудуднинг моддий ва номоддий активлар қийматини ушлаб тура олиш қобилияти инвесторлар оқимини сезиларли ошириши мумкин. Замонавий назарияларда маркетинг воситалари ҳам асосий моддий активлар сифатида қаралади [5].

Ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш бўйича маркетинг воситаларидан фойдаланиш турли иқтисодий аҳамиятга эга бўлган омиллар билан тавсифланади жумладан, инсон омили, туризм объектлари, ахборот кўлами, молиявий аҳвол, коммуникация инфратузилмаси сифати ва тезлиги, инновацияларнинг ўсиши ва бошқалар. Асосий аҳамиятга эга бўлган омил эса маркетинг воситаларидан фойдаланган ҳолда яратилган “ҳудуд имижидир. Жаҳон мамлакатлари ўзига хос имиж яратиш, миллий ва халқаро даражадаги бошқа ҳудудларга нисбатан инвестицион жозибadorлигини оширмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш динамикаси, авваломбор, бозор субъектларининг инвестицион имкониятларини ривожланиши билан белгиланади. Ушбу ёндашув бизга инвестиция ва маркетинг сиёсатинини самарали қуришга ва глобал миқёсда таниқли ва жозибали инвестиция объекти бўлишга имкон беради [6].

Саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инвестицияларни киритишга кетган маркетинг харажатлари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўсишига кўмаклашади. Инвестицион имижга сарфланган ҳар бир долларнинг соф келтирилган (дисконтланган) қиймати 4 долларга тенг бўлган фойдани олиб келади [7].

Алоҳида инвестицион агентликлар ишларида олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, энг самарали инвестициялар мазкур давлатнинг аниқ салоҳиятли мижозлари учун ишлаб чиқилган фаол маркетинг стратегияси билан бирга, у ёки бу секторга киритилган инвестицияларнинг динамикасига боғлиқдир [8].

Инвестицион маркетинг стратегиялари ишлаб чиқиш жаҳон иқтисодиётида классик маркетингдан бир оз фарқ қиладиган нисбатан янги илмий йўналиш ҳисобланганлиги учун аҳамиятли бўлиб, нафақат Навоий вилоятининг инвестицион жозибadorлигини оширишда балки, давлатни инвестицион сиёсатини самарали бошқариш жараёнида фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир [9].

Инвестицион маркетинг – инвесторларнинг ҳудудга ўз капиталини жойлаштириш учун қарор қабул қилишга йўналтирилган, уларнинг реал талабларини таъминлавчи комплекс дастурий фаолиятдир [10].

Инвестицион маркетингнинг асосий мақсади – ҳудуднинг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган амалий бозор илми ва фалсафасидир. Шунингдек, инвестиция бозори субъектлари учун фаол бўлган инвестицион бозор фаолиятдир [10].

Инвестицион маркетинг капиталга муҳтож корхоналарга янги инвесторларни жалб қилиш, ўз маблағларини бошқариш ва кўпайтириш имкониятини беради. Самарали инвестицион маркетинг фаолиятини амалга оширишга интилаётган ҳудудлар мақсадли маркетинг дастурини ишлаб чиқиши лозим ва унинг асосий мақсади инвестиция йўналтириладиган танланган бозорда самарали фаолиятни таъминлаш ва фаол маркетинг саъй-ҳаракатларини ўз ичига олиши керак. Шу билан бир қаторда, ҳудудга инвестицияларни жалб қилишда маркетинг воситалари ва усулларини тўғри танлаш ҳам асосий йўналиш ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Навоий вилоятида бошқалардан ажратиб турадиган рақобатда устунликни таъминлашга қаратилган, мувозанатли ва тасодифий бўлмаган инвестицион маркетинг стратегиясини яратиш ўта муҳим йўналиш сифатида қаралиши лозим.

Навоий вилоятида инвестицияларни жалб этиш бўйича халқаро стратегик йўналишларга мос ҳолда 2019-2020 йилларга мўлжалланган инвестицион дастур белгиланган. Стратегик дастурий ҳужжатдаги асосий ўсиш нуқталари умумий қиймати 26,3 триллион сўмлик 511 та инвестиция лойиҳаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чоратadbирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Навоий вилоятида бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инновацион тадбиркорлик ва юқори технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш, шунингдек вилоятнинг инвестиция салоҳиятини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, ҳудуддаги минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича эркин иқтисодий зонага айлантириш юзасидан қабул қилинган ҳамда унинг асосий йўналишлари, вазибалари ва фаолияти белгилаб берилди.

Хусусан, Навоий вилояти ҳудудий чегаралари ичида 2030 йилга қадар инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш юзасидан инвестиция дастурларини амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектларга, ҳудудда мавжуд бўлган инфратузилмаларда ишлаб чиқаришларни ихчам жойлаштириш, шу билан бирга ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятларини амалга оширмаган тақдирда улар билан тузилган битимларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш ва уларни «Навоий» эркин иқтисодий зона иштирокчиси мақомидан маҳрум этиш фақатгина суд тартибида амалга оширилиши белгиланди.

Навоий вилоятининг инвестиция сиёсати ҳудудий ривожланининг узоқ муддатли мақсадлари ва устуворликларини белгилаш зарурати билан ишлаб чиқилди.

Ривожланиш стратегиялари доирасида Навоий вилоятида инвестицияларни жалб қилишнинг ўзига хос йўналишларидан фойдаланишга қаратилган тадбирлар кўлами ҳам ошиб бормоқда. Республика Президенти ташаббуси билан 2018 йил 11-12 май кунлари бўлиб ўтган Халқаро бизнес форуми, “Хунармандлар маркази” бунёд этилди. 2018 йилнинг ўзида 44 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятини бошлаб, уларнинг сони 105 тага етди.

“Навоий” эркин иқтисодий зонаси, у ерда яратилган шарт-шароитлар, белгиланган имтиёзлар ва мавжуд салоҳият тўғрисида ҳар хил турдаги кўрғазмалли материаллар ҳамда маҳсус видеороликлар тайёрланиб, элчихоналар ҳамда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналарига тақдим этилди.

2019 йил давомида 245 та хорижлик инвесторлар ва дипломатик корпус вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. “Invest in Navoi” ҳамда Ўзбек-Америка-Канада халқаро бизнес форумлари ташкил этилиб, уларда жами 370,0 млн. долларлик 33 та лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Ихтисослашган тадбирларда шаҳар ва вилоятнинг инвестиция имкониятлари тўғрисидаги маълумотни умумлаштираётганда, маркетингнинг барча воситаларидан фойдаланиш, тадбирларнинг хусусиятларини, мақсадли аудиторияни, соҳани тақсимлаш ва мавжуд бюджетларни ҳисобга олиш керак.

Фикримизча, белгилаб берилган инвестицион маркетинг стратегиялари мақсадли аудиторияларнинг турли тоифалари учун рақобатдош устунликларини ҳисобга олган ҳолда ҳудуднинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий жихатдан инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин бўлган асосий йўналишлардир.

Хулоса қилганда, ҳудудий инвестиция сиёсатининг мақсади нафақат инвестицияларни мутлоқ ҳажмда ўсиши, балки вилоятда инвестиция оқимини барқарорлаштириш, унинг тармоқ таркибини такомиллаштириш, қабул қилувчи тармоқларни диверсификация қилиш ва минтақанинг узок муддатли мақсадларига эришишни назарда тутувчи йўналишлардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. UNCTAD. World investment report special economic zones. © 2019, United Nations.
2. Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. 2010-2018 йиллардаги статистик тўпламлар. –Навоий, 2010-2018.
3. Биглова А.А., Ситдикова А.И., Курбанова Л.Г. Создание благоприятных условий для повышения инвестиционной привлекательности проблемных субрегионов Республики Башкортостан //Проблемы функционирования и развития территориальных социально-экономических систем: Материалы VI Всероссийская научно-практическая Internet-конференция. В 2-х частях. Уфа: ИСЭИ УНЦ РАН, 2012. Часть II. 261 с.
4. Гайнанов Д.А., Мигранова Л.И., Сайфуллина Л.Д. Агент-ориентированное моделирование системы территориального развития /Управление экономикой: методы, модели, технологии: материалы XV международной научной конференции. В 2т. Т.2 /Уфимск. гос. авиац. техн. ун-т. – Уфа: УГАТУ, 2015. – 243 с. – с. 141-145
5. Бодрова Ж.А., Логинов М.П. Территориальный маркетинг как инструмент привлечения инвестиций //Маркетинг в России и за рубежом. 2015. №4.
6. Маркетинг территорий: учебник и практикум для академического бакалавриата / Под общ. ред. О. Н. Романенковой. – М.: Юрайт, 2015.
7. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги [Матн] илмий-амалий қўлланма / – Тошкент: Baktria press, 2017. – 320 б.
8. Mustafakulov Sh. (2019). Mejora del clima de inversión en Uzbekistán. Religación. Revista De Ciencias Sociales Y Humanidades, 4(19), 713-720. Recuperado a partir de <http://revista.religacion.com/index.php/about/article/view/672>.
9. Rajabov N., On the research methodology of investment environment's attractiveness provision to the question. Religación. Revista De Ciencias Sociales Y Humanidades, 4(16) pp.790-798. <http://revista.religacion.com/index.php/about /article/view/562/426>
10. Симоненко Т.П. Инвестиционный маркетинг. Режим доступа: <http://journal.vlsu.ru/index.php?id=186> (дата обращения: 15.08.2019).

Бекмуродова Гўзал Адҳамовна
докторант (DSc)

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАРКЕТИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мазкур илмий тезис банк хизматлари бозорида маркетинг технологияларидан самарали фойдаланиш банк бизнесининг ривожланиши ва стратегиясининг аҳамиятини ошириб келаётгани тўғрисидаги фикрларни баён қилади.

Инқироздан кейинги даврда банк маҳсулотларини сотишнинг маркетинг жиҳатларидан бири шундаки, бунда молия ва кредит хизматларидан фойдаланувчиларнинг банк билан ўзаро алоқаларининг психологик ҳамда, ҳатти-ҳаракатларини ўрганган ҳолда ёндашади. Шундай қилиб, маркетинг технологияларидан банк фаолиятида фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади.

Калит сўзлар: тижорат банки, банк хизматлари, маркетинг хизматлари, маркетинг технологиялари, маркетинг алоқалари, startup, neobank.

Тобора ривожланиб бораётган бозор иқтисодиётида товарнинг пайдо бўлишидан тортиб, то уни истеъмолчигача етиб бориш жараёнлари замонавий тус олмакда. Инновацион ғоялар ва янги технологияларнинг иқтисодиёт таррақиётидаги муҳим ўрни янада ривожланмоқда. Шу ўринда, бозор иқтисодиёти ҳақида сўз юритганимизда, унинг замонавий тушунчаларидан бири бўлган маркетинг фаолиятининг бозор талабларини бажаришдаги ўрни ва ҳиссаси ҳақида фикрлар билдириб ўтамиз.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган бир даврда, замонавий ахборот технологияларини барча соҳаларга жалб қилинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаб ўтганидек: “Мамлакат иқтисодиётини узоқ муддатли ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётган шароитда ахборот технологиялари воситасида истеъмолчилар, тадбиркорлик субъектлари ва давлат солиқ хизмати органларининг уйғунлашган фаолияти алоҳида аҳамият касб этади⁶.”

Замонавий маркетинг тенденцияларининг сезиларли даражада ривожланиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келяпти. Маркетинг фаолиятининг иқтисодиётнинг барча жабҳаларда айниқса, ҳозирги даврнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлган банк тизимида ҳам у ўзининг маълум бир ривожланиш даврига эгадир. Амалий банк фаолиятга таянган ҳолда, биргина «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки маълумотларига назар солсак, банк томонидан хизматлар сифатига бўлган талабнинг тобора ўсиб бораётганлигидан келиб чиқиб, миқдорларга чакана хизматларнинг тезкор ва сифатли тақдим этилишини таъминловчи замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни қўллаган ҳолда пластик карталарни чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича UzIT-инфратузилмасини модернизация қилиш бошланди⁷. Шундай экан, банкларнинг рентабеллик даражасининг ўсишига ҳам маркетинг стратегияларисиз эришиб бўлмайди.

Маркетинг жараёни корхонанинг бозор имкониятларини таҳлил қилишдан бошланади. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш орқали корхона истиқболлари ва капитал қўйилмаларнинг энг жозибадор йўналишларини аниқлаш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилади. Аниқланган бозор имкониятларини корхонанинг мақсадлари ва ресурслари билан таққослаш орқали унинг маркетинг имкониятлари ажралиб туради⁸.

Тижорат банклари фаолияти ривожланишини маркетинг тадқиқотларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, бу ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ҳамда, рақобат муҳитида тобора шаклланиб келаётган банкларга тегишлидир.

Молия бозорида рақобат муҳитининг ривожланиши банклар фаолияти самарадорлигини ошишига ва банк хизматларининг сифат ва сон жиҳатидан кўпайишига олиб келади. Бу борада маркетинг фаолиятдан самарали фойдаланиш банк тизимида янги технологияларни кириб келишига туртки бўлади. Муваффақиятли маркетинг стратегиясини амалга ошириш учун шахсий савдо гуруҳларини алоҳида алоқа гуруҳларига ажратиш ўрганиш лозим. Мураккаб маркетинг технологияларидан самарали фойдаланишда фаолият иштирокчиларини, каналларни бирлаштирадиган алоқа компонентлари мажмуини, алоқа воситалари доирасида ташкилот ва маркетинг муҳити ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиши лозим⁹.

Тижорат банкининг маркетинг алоқаларини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Асосий гуруҳ;
2. Қўллаб-қувватловчи гуруҳ;
3. Қўшимча гуруҳ.

⁶“Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5813-сон. 06.09.2019 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.

⁷«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ йиллик ҳисоботи маълумотлари. 2018 й.

⁸Технология маркетинговой деятельности http://www.uamconsult.com/book_179_chapter

⁹ Бернет Дж., Мориарти С. Маркетинговые коммуникации: интегрированный подход / Пер. с англ.; под ред. С.В. Божук. СПб.: Питер, 2009.

Асосий гуруҳда маркетинг алоқалари банк фаолиятини тўғридан-тўғри рағбатлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Хизматлар мақсадли аудиторияга мўлжалланган бўлади. Асосий маркетинг технологиялари сифатида реклама, сотишни рағбатлантириш, шахсий сотиш ҳамда тўғридан-тўғри маркетинг фаолиятдан иборат. Маркетинг технологияларини қўллаб-қувватлаш орқали банк ўзини маркетинг муҳитида самарали ривожланиши ва ўзини бозор имиджи шаклланиши каби мақсадларни ўз ичига олади. *Қўллаб-қувватланадиган гуруҳ* маркетинг технологиялари жамоатчилик билан алоқалар ва сотув жараёнларини ўз ичига олади. *Қўшимча гуруҳ маркетинг* технологиялари истеъмолчиларга ва савдо нуқталарида реклама қилишга қаратилган бўлади. Бундай маркетинг технологияларига реклама материаллари, ихтисослашган маслаҳат хизматларини ўз ичига оладиган хусусий банк хизматлари кирди¹⁰.

Банк тизимида амалга оширилиши олдиндан қўзланган мақсад учун ишлаб чиқилган стратегиялар ҳалқаро банк амалиётида илгарилаб борапти. Ҳалқаро амалиётда бошқариш учун жуда кўп маблағни жалб қилган ҳолда, JPMorgan Chase, Bank of America, Wells Fargo ва бошқалар каби йирик банклар янги мижозларни жалб қилиш ва мавжудларини сақлаб қолиш учун янги банк функцияларни ишлаб чиқармоқда. Бунинг устига, анъанавий банк хизматларини “бузадиган” технологиялар билан ишлайдиган *startup* ва *необанклар* пайдо бўлмоқда, ҳамда улар билан рақобатлашмоқдалар ёки ўз хизматларини яхшилаш учун улар билан бирлашмоқдалар.

Бугунги кунда банк соҳасида кенг тарқалган тенденциялар рақамли, хусусан, mobile ва online bankingга ўтишдир. Замонавий банк тизимининг мисли кўрилмаган қулайлик ва тезлик даврида, мижозлар ўз операцияларини бажариш учун жисмоний банк филиалига боришни истамайдилар. Бу айниқса, Millennials ва Gen Z гуруҳининг ишчиларида (ва энг катта даромад оладиган) асосий ўйинчиларга айланган кекса авлод аъзоларига тегишлидир. Ушбу рақамли трансформация технологик *startup*лари рақобатнинг кучайишига, шунингдек, кичик банкларнинг бирлашишига олиб келди. CB Insights маълумотларига кўра, 2018 йилда fintech-нинг умумий молиялаштирилиши 3-чорак охирига келиб 32,6 миллиард долларни ташкил этди, бу 2017 йилдаги 17,9 миллиард долларга нисбатан 82 фоиз кўп деганидир¹¹.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, маркетинг технологияларидан оқилона фойдаланиш банклар ва уларнинг мижозлари учун ютуқли вазиятга олиб келади. Бунда ҳар бир ташкилот ўзида янги технологияларни ўзлаштиришга, банк учун катта дивидендларни йиғиб олиш ёки ўз харажатларини камайтиришга муваффақ бўлган ҳолда банк фаолиятини соддалаштиришга муҳим ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда, ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5813-сон. 06.09.2019 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.

2. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ йиллик ҳисоботи маълумотлари. 2018 й.

3. Технология маркетинговой деятельности http://www.uamconsult.com/book_179_chapter

4. Бернет Дж., Мориарти С. Маркетинговые коммуникации: интегрированный подход / Пер. с англ.; под ред. С.В. Божук. СПб.: Питер, 2009.

5. Фоменко Е.Г. Маркетинговые коммуникации банков как механизм управления ликвидностью. ‘Terra Economicus’. /Том 8 № 3 Часть 2/ 2010г.

6. The digital trends disrupting the banking industry in 2020. <https://www.businessinsider.com/>

¹⁰Фоменко Е.Г. Маркетинговые коммуникации банков как механизм управления ликвидностью. ‘Terra Economicus’. /Том 8 № 3 Часть 2/ 2010г.

¹¹The digital trends disrupting the banking industry in 2020. <https://www.businessinsider.com/>

MAMLAKAT INVESTITSIIYA MUHITINI QULAYLASHTIRISH MASALALARI

Annotatsiya. Maqolada investitsiya muhitining mohiyati va unga ta'sir etuvchi omillar o'rganilgan. Shuningdek, investitsiya muhitiga salbiy ta'sir etadigan omillarni kamaytirish bo'yicha tavsiyalar keltirilgan.

Kalit so'zlar: investitsiya, investitsiya muhiti, iqtisodiy holat, soliq yuki, inflyatsiya, mehnat resurslari, investitsiya salohiyati, investitsiya shart-sharoitlari, investitsiya risklari

Rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko'rsatadiki, xorijiy investitsiyalarni jalb qilmay turib, iqtisodiyotni yetarli darajada rivojlantirib bo'lmaydi. Mamlakatimiz iqtisodiy barqarorligini ta'minlashning muhim shartlaridan biri ham qulay investitsiya muhitini shakllantirish va jozibadorligini oshirish hisoblanadi.

Ma'lumki, 2017 – 2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi qabul qilingan, unga ko'ra uchinchi ustuvor yo'nalish iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirish deb nomlanadi. Unda ham investitsiyaviy muhitni yaxshilash orqali mamlakatimiz iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy sarmoyalarni faol jalb etish vazifasi ko'rsatilgan [1].

Investitsiya muhiti deganda, ma'lum bir hududga kiritiladigan investitsiyalarning samaradorligini va xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan shart-sharoitlar majmuasi tushuniladi.

Qulay investitsiya muhitini shakllantirishning ilmiy-nazariy asoslari bir qator iqtisodchi olimlarining izlanishlarida o'z ifodasini topgan bo'lib, ularning ayrimlariga quyida to'xtalib o'tamiz. Iqtisodchi-olimlardan A.Vaxabov, Sh.Xajibakiev, N.Muminovlar investitsiya muhiti to'g'risida quyidagilarni ta'kidlab o'tadilar: “Investitsiya muhiti – bu xorijiy kapital qo'yilmalarining qaltislik darajasini va ulardan mamlakatda samarali foydalanish imkoniyatlarini oldindan belgilaydigan iqtisodiy, siyosiy, yuridik va ijtimoiy omillar yig'indisidir” [2].

Iqtisodchi-olimlardan B.Mamatov, D.Xujamqulov va O.Nurbekovlar tomonidan quyidagi fikrlar bildirilgan: “Investitsiya muhiti deganda, mamlakat iqtisodiyoti yoki uning ma'lum bir hududiga kiritiladigan investitsiyalarning samaradorligini va xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, tashkiliy-huquqiy, ekologik, madaniy va boshqa shart-sharoitlar majmuasi tushuniladi. U muayyan hududga investitsiyalar kiritishning maqsadga muvofiqligi va jozibadorligini belgilaydigan shart-sharoitlarning mavjud ijobiy va salbiy tomonlarini anglatadi” [3].

Iqtisodchi olim Sh.Mustafakulov investitsiya muhitini investitsiya iqlimi sifatida quyidagicha ta'riflaydi: “Investitsion iqlim – ichki va tashqi investitsiyalarning kirib kelishiga ta'sir ko'rsatadigan yalpi iqtisodiy, siyosiy, moliyaviy sharoitdir” [4].


Qulay investitsiya muhitini shakllantirish va jozibadorligini oshirish iqtisodiyot tarmoqlarini yanada erkinlashtirishga, ular o'rtasidagi raqobat muhitini takomillashtirishga, iqtisodiy barqarorlikni mustahkamlashga, tashqi iqtisodiy aloqalarni kengaytirishga, aholi bandligini ta'minlashga juda katta ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Mamlakatning investitsiya muhitiga baho berish uchun uni keltirib chiqaruvchi omillarni o'rganish muhimdir (1-rasm).

Ayrim iqtisodchilar investitsiya muhitiga ta'sir etuvchi omillarni to'rt guruhga bo'lib o'rganishni tavsiya etadilar: siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va huquqiy omillar. Bunday hollarda huquqiy omillar qatorida investitsiya faoliyati huquqiy asoslarining mustahkamlik darajasi; investitsiya faoliyatini bevosita ta'minlovchi huquqiy asosning mustahkamlik darajasi, investitsiya faoliyatining me'yoriy asoslari (farmonlar, qarorlar, qonunlar, nizomlar, yo'riqnomalar va h.k.) ko'rib o'tiladi.

Qulay investitsiya muhitini yaratishda huquqiy-me'yoriy baza har bir salohiyatli investorning mulkiy manfaatlarini himoyalashi, kafolatlashi va shuningdek, mamlakatdagi


mavjud investitsiya mexanizmining tushunarli va aniq bo'lishini ta'minlashi lozim.



1-rasm. Investitsiya muhitiga ta'sir qiluvchi omillar

Investitsiya muhiti tabiiy shart-sharoitlar, foydali qazilmalar zaxiralari, ishchi kuchi malakasi va o'rtacha ish haqi darajasi, iqtisodiy kon'yunktura holati, ichki bozor sig'imi, tovarlarni tashqi bozorda sotish imkoniyatlari, valyuta siyosati, kredit tizimi holati, soliqqa tortish darajasi, ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilmaning rivojlanganligi, xorijiy kapitalga nisbatan davlat siyosati, unga nisbatan imtiyozli shart-sharoitlarning yaratilganligi kabi omillar orqali belgilanadi.

Mamlakatda investitsiya muhitining qulay bo'lishi quyidagi omillar orqali belgilanadi:



2-rasm. Investitsiya muhiti qulayligini belgilovchi omillar

Rasmdan ko'rinadiki, investitsiya muhitining holati mamlakatdagi investitsion jalb etuvchanlik hamda investitsion faollik ko'rsatkichlari orqali aniqlanadi. O'z navbatida investitsion jalb etuvchanlikka baho berganda, mamlakatdagi investitsiya riski darajasi hamda investitsiya

salohiyati o'rganiladi. Qaysi mamlakatda investitsiya riski darajasi past bo'lib, investitsiya salohiyati yuqori bo'lsa shu mamlakatning investitsiya jalb etuvchanligi yuqori bo'ladi. Bu o'z navbatida investitsiya muhiti qulayligidan dalolat beradi. Bu esa investitsiya faolligini oshiradi.

Bugungi kunda respublikamizda o'ziga xos investitsiya muhiti yaratilgan. Biroq, mamlakatimizda bozor infratuzilmasining hali yaxshi rivojlanmaganligi, huquqiy bazaning mukammal va barqaror emasligi, axborot ta'minoti bazasining sustligi, amaliyotda ma'muriy aralashuv holatlarining hali ham to'liq barham topib ulgurmaganligi va boshqalar sabab investitsiya muhitiga salbiy ta'sir ko'rsatib kelmoqda. Bu esa investitsiyalashga bo'lgan moyillikni so'ndiruvchi eng muhim omillardan sanaladi. Shu jihatdan ham O'zbekiston investitsiya muhitini muntazam ravishda qulaylashtirish, uning jozibadorligini oshirish, investitsiyalarning risklilik darajasini hisobga olish, baholash va aniqlash, muhitga salbiy ta'sir ko'rsatayotgan salbiy omillar ta'sirini pasaytirish yoki bartaraf etish yo'llarini aniqlash eng muhim vazifalardandir.

Bizning fikrimizcha, investitsiya muhiti barqarorligini ta'minlash uchun, birinchi navbatda, investitsiya risklari sug'urtasini yoki himoyasi tizimini keng rivojlantirish, me'yoriy-huquqiy hujjatlarni to'la ma'noda tatbiq etishga erishish, konvertatsiya masalalarini hal etish maqsadga muvofiqdir.

Investitsiya muhitini yanada qulaylashtirishga doir quyidagi tavsiyalarni berish mumkin:

- qonun ustuvorligini hamda barqarorligini ta'minlash;
- mamlakatimizda investitsiya faoliyatiga doir yaratilgan me'yoriy-huquqiy asoslar shaffofligini oshirish;
- investorlar uchun qulay infratuzilmani yaratish;
- xorijiy investitsiyalarni sug'urtalashning samarali mexanizmini yaratish;
- iqtisodiyotning bazaviy tarmoqlarini individual loyihalar bo'yicha xususiyashtirish;
- litsenziya berish jarayonlarini yanada soddalashtirish;
- xalqaro savdo aloqalari bilan bog'liq muammolarni bartaraf etish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son Farmoni, 1-ilova, 4.4-band.
2. Vaxobov A.V., Xojibakiev Sh.X., Mo'minov N.G. "Xorijiy investitsiyalar". O'quv qo'llanma.- T.: Moliya, 2010.
3. Mamatov B., Xujamkulov D., Nurbekov O. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. – T.: Iqtisod-Moliya, 2014. – 608 b.
4. Mustafakulov Sh. Investitsion muhit jozibadorligi. Ilmiy-amaliy qo'llanma. T. - 2017

А.И.Рахматуллаев

и.ф.н., доцент

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти,

Ж.А.Исматуллаев

ўқитувчи

Қарши давлат университети

МИНТАҚАЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ

***Аннотация:** Ушбу мақолада минтақаларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришида инвестицион фаолиятни тартибга солишни АҚШ ҳамда Хитой мамлакатлари тажрибаси берилган.*

***Калит сўзлар:** инвестиция, инвестор, инвестицион фаолият, инвестиция иқлими, имтиёз, импорт, экспорт, салоҳият.*

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ишлаб чиқарувчи кучларни худудий жойлаштириш ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кўп мамлакатларда турли ёндашувлар мавжуд, бироқ улар бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг мақбул механизмини излаб топишда нисбатан қисқа давр мобайнида иқтисодий ривожланишда улкан натижаларга эришган ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар тажрибаси алоҳида диққатга сазовордир. Бугунги кунда дунё мамлакатларида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бораётгани ва республикамизда очик иқтисодиёт шаклланаётган бир вақтда самарали инвестиция сиёсатини юритиш, ишлаб чиқариш объектларини тубдан модернизация қилиш орқали экспорт ҳажмини ошириш ҳамда рақобатбардош товар ва хизматларни жаҳон бозорига чиқариш, миллий иқтисодиётга кириб келаётган инвестициялар оқимини кенгайтириш ва инвесторлар фаолиятини рағбатлантириш учун қулай ҳуқуқий ва меърий шарт-шароитларни барпо этиш, шунингдек, хорижий инвестициялар самарадорлигини изчил ошириб бориш мақсадга мувофиқ саналади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) маълумотларига кўра, 2017 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқимлари 18 фоизга камайиб, 1,411 триллион долларга камайди.

Бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 1,8% ни ташкил этади ва 2012 ва 2014 йиллар кўрсаткичларига мос келади, 2016 йилда дунё ЯИМни 2,3%ни 2015 йилда эса 2,5% ни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларнинг хорижий инвестициялари улуши 33% га камайди, шу жумладан 2005 йилдан буён Хитой биринчи марта хорижий инвестицияларини камайтирди (1% га, 168 млрд. долларгача).

2017 йилда Россияга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 32 фоизга камайиб, 25 миллиард долларни ташкил этди чет элда Россия сармояси 34% га ошди ва 36 млрд.

Ўтган йилда дунё мамлакатлари инвестициялар оқимининг асосий қисми АҚШ (287 миллиард доллар), Хитой (168 миллиард доллар), Бразилия (63 миллиард доллар), Голландия (58 миллиард доллар), Франция (50 миллиард доллар) ҳисобига тўғри келади[1].

2018 йилда мамлакатимиз реал секторига жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107333,0 млрд сўм, ёки 13,3 млрд. АҚШ доллари 2017 йилга нисбатан 118,1 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Асосий капиталга киритилган инвестицияларни йиллар бўйича динамикасини қарайдиган бўлсак, 2005 йилда – 2,0 трлн сўм ёки сўм ёки 12,0 % ўсишни, 2010 йилда – 10,8 трлн. сўм ёки 9,0 % ўсишни, 2015 йилда – 28,5 трлн. сўм ёки 8,1 % ўсишни ташкил этган бўлиб, жорий йилда энг юқори кўрсаткич 18,1 % қайд этилганини таъкидлаш лозим[2].

Бугунги кунда бутун дунёда худудларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш инвестиция муҳитини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Шу муносабат билан биз иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ва инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини кўриб чиқамиз. Кўриб чиқиш учун қуйидаги йирик иқтисодиётга эга давлатларни оламиз: АҚШ ва Хитой (Хитой). Бу танлов тасодифий эмас. АҚШ дунёдаги иқтисодиёти энг йирик мамлакатдир. Хитой саноат салоҳиятини оширадиган ва ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширадиган жадал ривожланаётган мамлакатдир.

АҚШ иқтисодиёти рақобатбардошликнинг юқори даражасига эга, чунки барча даражадаги ҳокимият органлари илмий фаолиятга инвестициялар оқимини рағбатлантириш ва янги технологияларни ривожлантиришга қаратилган. Шуни таъкидлаш керакки, давлат илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (НИОКР) харажатларининг деярли ярмини ўз бўйнига олади, барча асосий тадқиқотларнинг ярмидан кўпини молиялаштиради. Бу борада хусусий корпорациялар, университетлар ва хорижий инвесторларнинг хиссаси ҳам катта[3].

Кўпгина ҳолларда ҳокимият органлари АҚШда турли даражадаги хўжалик юритувчи субъектлардай инвестицион салоҳиятни ривожлантириш мақсадида фойдаланади ва бу шартли равишда уч гуруҳга бўлинади. (1-расм) Одатда, улар маҳаллий хусусиятларга қараб бирлаштирилади. Давлат ҳокимияти органлари таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларининг аҳамиятига қараб ҳар бир инвестор учун алоҳида шарт-шароитлар яратилади.

АҚШ инвестиция сиёсатининг асосий устувор йўналишлари АҚШга инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, кўшимча иш ўринларини яратиш ва иқтисодий тиклаш учун ташқи инвестицияларни рағбатлантиришдир. Шу боисдан, федерал ҳукумат, давлат ва шаҳар даражасидаги ҳокимиятларнинг асосий устуворлиги ташқи инвесторларни максимал қўллаб-қувватлаш ва инвестиция учун самарали рағбатлантириш механизминини яратишдир. Хусусан, солиқ имтиёзлари, имтиёзли банк кредитлари, инновацион грантлар ва бошқалар.



1-расм. Минтақаларнинг инвестицион салоҳиятини ривожлантириш учун АҚШда қўлланиладиган усуллар[3]

АҚШда хорижий инвестициялар масалаларини тартибга солиш икки босқичда амалга оширилади: федерал ва давлат даражасида. Федерал даражада одатда умумий талаблар белгиланади ва тегишли давлатлар ҳудудида лойиҳаларда хорижий инвесторларнинг иштироки бўйича аниқ кўрсатмалар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланади. Чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича ишлар ҳар бир давлат маҳаллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ва маҳаллий ўзига хослик ҳамда эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилаётган узоқ муддатли ва қисқа муддатли дастурлар асосида мустақил равишда курилади. Ҳар бир давлат ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ўз дастурларига эга, чунки мавжуд амалиёт туфайли федерал ҳукумат мамлакатнинг муайян минтақасини иқтисодий ривожлантириш мақсадларини белгилашда фаол рол ўйнайди. Маҳаллий маъмуриятлар мустақил равишда саноат ривожланишининг истиқболли йўналишларини ҳам давлат, ҳам жалб қилинган маблағлар ҳисобидан аниқлайди. [4]

АҚШда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат айрим жиҳатларини инобатга олмаганда хорижий ва ички инвесторлар учун тенг шароитлар яратиш имконини беради. Мисол учун, хорижий сармоядорлар мамлакат иқтисодийнинг аксарият соҳаларига сармоя киритишга, шунингдек, асосий капитал ва даромадларни олишда эркиндирлар.

АҚШда ҳукумат инвестиция жараёнларига маълум чегаралар доирасида аралашади. АҚШ иқтисодига киритилган ялпи сармоянинг 20 фоиздан ортиғи давлат улушига тўғри

келади, шундан 12 фоизи федерал бюджетга йўналтирилган. Давлатнинг инвестиция фаолиятига таъсири имтиёзли даромад солиғи ставкалари, тезлаштирилган амортизация сиёсати ва инвестицияларнинг айрим тоифаларини жалб қилиш каби молиявий воситалар ёрдамида амалга оширилади

Хитой тажрибасига қарайдиган бўлсак ушбу мамлакат учун хорижий капитал муҳим рол ўйнайди, чунки хорижий компаниялар бу эрда янги технологияларни импорт қилмоқдалар. Шунинг учун, давлат томонидан кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари бир қатор хорижий капиталларни жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган. Масалан ХХРда сармоявий ҳамкорликнинг Қонунчилик базаси такомиллаштирилди. 1990 йиллар бошида Хитой 23 та мамлакат билан ўзаро ҳимоя қилиш ва инвестицияларни рағбатлантириш бўйича битимлар тузди ва 21 та мамлакат билан икки томонлама солиққа тортишни бекор қилди.

Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш модели ва хорижий инвестицияларни жалб этиш тажрибаси мамлакатимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Бу Хитойнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги хусусиятлар ундаги демократик вазиятнинг ўзига хослиги, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги юқори аҳамияти, қайта ишлаш саноатининг кам тараққий этганлиги, унинг аграр-индустриал мамлакат эканлиги каби ўзига хос ижтимоий шарт-шароитлар билан тафсифланади.

Бу мамлакатнинг хорижий инвестицияларни жалб қилишда эришган ютуқлари эса кўп жиҳатдан унинг минтақаларидаги қулай инвестиция муҳитининг яратилганлигига боғлиқ. Хитойда ишчи кучи қийматининг арзонлиги, ердан фойдаланиш, ишлаб чиқаришга киритилган капитал учун кенг кўламли имтиёзлар, ижтимоий-маиший инфратузилманинг ривожланганлиги ва бошқа ҳолатлар бу мамлакатнинг сўнгги йиллар ичида хорижий инвесторлар учун капитал киритиш объектига айланишига олиб келди.

Хитойда шаклланган бож белгилаш тартиби, ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар ва валюта қонунчилиги хорижий инвестициялар кириб келишига қулай имкониятлар яратди.

Хитойнинг минтақалар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати йиллар давомида такомиллашиб келмоқда. Бу сиёсатнинг ривожланиш жараёнини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич, 1979–1982 йилларни ўз ичига қамраб олади. Бу босқичда Хитойда “очиқ эшиклар” сиёсати шаклланди. 1980 йилларнинг бошида маҳаллий ҳукуматларга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Бу даврда хорижий инвесторларга катта имтиёзлар берилди.

Иккинчи босқич, 1983–1991 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда хорижий инвестицияларни жалб этиш сиёсати такомиллаштирилди. Мамлакатда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда асосан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга катта имтиёзлар берилди. Улар учун даромад солиғининг ставкаси 33 фоизгача камайтирилди. Ваҳоланки, бу даврда маҳаллий корхоналар учун даромад солиғи 55 фоизни ташкил қилар эди. Агар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятларини махсус иқтисодий зоналарда амалга ошираётган бўлсалар, улар учун бу ставка яна ҳам камроқ миқдорда, яъни 15 фоиз даражасида белгиланган эди.

Учинчи босқич, 1992 йилдан ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг улар учун ёпиқ бўлган – молия, суғурта ва бошқа соҳаларга ҳам жалб этилиши айнан 1992 йилдан кейин бошланди. Бундай самарали ислоҳотлар натижасида Хитой XXI аср бошида хорижий инвестициялар учун энг жозибали мамлакатлардан бирига айланди.

Хитойда инвестиция сиёсати ислоҳотлари ва бозор механизмлари иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида амалга оширилди, иқтисодиётнинг “қизиби” кетиши босқичида эса тартибга солишнинг маъмурий методларидан кўпроқ фойдаланилди. Хитой “иқтисодий тараққиёти” бир қанча таянч омилларга асосланади: қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, солиқларни камайтириш, давлат харажатларини қисқартириш, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш (экспортни эркинлаштириш). Бу эса салбий макроиқтисодий оқибатларга олиб

келмади, чунки шу вақтнинг ўзида барча давлат харажатлари 36,4 фоиздан 13,1 фоизгача қисқариб борди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда нафақат инвестицион рағбатлар, балки сармояларни олға юрғизиш (investment promoting) стратегияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Саноати ривожланган ва ривожланаётган 50 та мамлакат тажрибаларига асосланган тадқиқотларнинг далолат беришича, сармояларни олға юрғизишга сарфланган ҳар бир доллар миллий иқтисодиётга тўрт долларлик самара бериши мумкин. У ёки бу секторга аниқ йўналтирилган, муайян потенциал инвесторга мўлжаллаб ишлаб чиқилган ва фаол маркетинг стратегиясига эга бўлган инвестициялар энг самарали ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсатини юритиш миллий иқтисодиётимизни етакчи ўринларга олиб чиқишда ўзининг ижобий самарасини беради. Ўзбекистонда қулай инвестиция иқлими яратилиши учун кенг ҳаракат қилинмоқда, бу борада хорижий инвесторларга турлича молиявий имтиёзлар ва ҳуқуқлар берилган, бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда. Шунинг билан биргаликда куйидаги тадбирлар, бизнинг фикримизча, инвестиция иқлимини янада яхшилаш имкониятини беради: банк фоизи ставкаларини барқарорлаштириш; ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш; маъмурий буйруқбозлик ҳолатларига чек қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.interfaks.ru
2. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари. 2018 й
3. Смитиенко Б. М. Мировая экономика: учебник. – М.: Юрайт, 2009. – с. 250.
4. Норкотт Д. Принятие инвестиционных решений / Пер. с англ.; Под ред. А. Н. Шохина – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2007. - 247 с

Yovqochev Sherzod Shuxrat o'g'li

mustaqil tadqiqotchi

Toshkent davlat sharqshunoslik instituti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA OSIYO TARAQQIYOT BANKINING HAMKORLIK ISTIQBOLLARI

***Annotatsiya:** maqolada O‘zbekiston Respublikasi va Osiyo taraqqiyot bankining o‘zaro hamkorligi va rivojlantirish strategiyasi doirasida mulohazalar yoritiladi. Qolaversa, unda hamkorlik doirasidagi Osiyo taraqqiyot bankining istiqboldagi rejalari va dasturlari, milliy iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish loyihalari to‘g‘risida atroflicha fikrlar bayon etilgan.*

***Kalit so‘zlar:** strategiya, investitsiya, kredit, moliyaviy resurs, Osiyo taraqqiyot banki, mamlakat hamkorlik strategiyasi, investitsion loyiha, diversifikatsiya, inklyuziv rivojlanish, iqtisodiy o‘sh.*

Yangi rivojlantirish strategiyasi va keng qamrovli islohotlar dasturi asosida O‘zbekiston Respublikasi xususiy sektorni keng ravishda jalb qilgan holda, barqoror, keng qamrovli va inklyuziv iqtisodiyot barpo etishni maqsad qilgandir. Shu nuqtai nazardan, mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy yuksalishida albatta, xalqaro moliya institutlarining xorijiy investitsiyalari muhim ahamiyat kasb etadi. Ayni vaqtda, xalqaro moliya institutlari ichida, Osiyo taraqqiyot banki ham, mamlakatimizning yirik hamkorlaridan hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Osiyo taraqqiyot banki a‘zosi sifatida qabul qilinganidan so‘ng, 2018-yil yakuniga ko‘ra jami 70 investitsion loyihalar doirasida qariyb 7,4 mlrd. AQSh dollari miqdorida kredit liniyalarni qabul qildi. Ular qatoriga 225 mln. AQSh dollariga teng ikkita xususiy sektor doirasidagi investitsion loyiha, hamda 87.3 mln. AQSh dollariga teng miqdordagi texnik yordam kiradi. Birgina 2018-yil davomida Osiyo taraqqiyot banki mamlakatimizga beshta

investitsion loyiha doirasida 1.1 mlrd. AQSh dollariga teng miqdorda loyihalarga investitsiya kiritgani ham juda katta ahamiyat kasb etadi. [1]

Bizga ma'lumki, O'zbekiston Respublikasida Osiyo taraqqiyot banki bilan birgalikda amalga oshirilayotgan dastur va loyihalar: qishloq xo'jaligi, tadbirkorlikni rivojlantirish, transport va bo'xona tranziti sohasidagi mintaqaviy hamkorlik, boshlang'ich ta'limni egallashga qaratilgan ijtimoiy xizmatlarni takomillashtirish, suv ta'minoti va sanitariyani yaxshilash, sog'liqni saqlash, transport infrastrukturasi va energetika sektorini rivojlantirish, qishloq joylarida ish o'rinlari yaratish kabi yo'nalishlarni qamrab oladi. Qolaversa, qishloq aholisi turmush darajasini oshirish, tadbirkorlik subyektlarini qo'llab-quvvatlash, agrar tarmoqni modernizatsiya qilish, yo'l-transport infratuzilmasi, muqobil energetikani rivojlantirish, energiya tejaydigan texnologiyalarni joriy etish va boshqa yo'nalishlarga qaratilgan ustuvor loyihalarni amalga oshirishda Osiyo taraqqiyot banki ishtirok etib kelishinialohida ta'kidlash joiz.

Osiyo taraqqiyot banki O'zbekiston Respublikasi uchun yangi besh yillik Mamlakat hamkorlik strategiyasini (ingliz. Country Partnership Strategy, CPS) tayyorlamoqda, u inklyuziv, diversifikatsiyalangan va barqaror iqtisodiy o'sish, boshqaruv va institutsional salohiyatni yaxshilash, mintaqaviy hamkorlik va aloqalarni rivojlantirish uchun yanada mustahkam poydevor yaratadi.

Taklif etilayotgan yangi to'rtinchi 2019-2023-yillarga mo'ljallangan Mamlakat hamkorlik strategiyasi, hukumatning rivojlantirish maqsadlarini qo'llab-quvvatlaydi. Osiyo taraqqiyot banki 2019-2021 yillardoirasida suv ta'minoti va sanitariya, transport infratuzilmasi, energiya ishlab chiqarish va tarqatish hamda yoshlarni ish bilan ta'minlashni yaxshilash uchun yiliga 1 milliard dollardan ko'proq mablag' safarbar qilishni rejalashtirmoqda. Shu bilan bir qatorda mazkur hamkorlik strategiyasi qishloq joylarda ish o'rinlarini yaratish, zamonaviy sog'liqni saqlash tizimini rivojlantirish, hukumatning ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarida yordam berish kabi yo'nalishlarni ham qamrab oladi. [2]


Osiyo taraqqiyot bankining mamlakatimiz uchun ishlab tasdiqlagan mamlakat hamkorlik strategiyasi barqaror va inklyuziv o'sishni, qashshoqlik darajasini pasaytirish va mintaqaviy hamkorlikni kengaytirish orqali O'zbekiston Respublikasini zamonaviy sanoatga va xizmat ko'rsatishga ega iqtisodiyotga aylantirishni maqsad qilgan. Hamkorlik strategiyasi doirasida ko'rsatiladigan yordam, sanoat rivojlanishini jadallashtirish, iqtisodiy diversifikatsiyani tezlashtirish, xususiy sektorni rivojlantirish kabi yo'nalishlarni qamrab olish ko'zda tutilgan.

Iqtisodiyotning bozor mexanizmlariga asoslangan qayta tuzilishi uchun davlat va xususiy sektorlarining o'rtasida mustahkam hamkorlik aloqalarini talab etadi. Shu nuqtai nazardan, hamkorlik strategiyasi hukumat uchun iqtisodiyotdagi tuzilmaviy o'zgarishlar uchun shart-sharoitlar yaratishda, shu jumladan zamonaviy infratuzilmani rivojlantirish va xususiy sektor uchun ishbilarmonlik muhitini mustahkamlashda yordam beradi.

Osiyo taraqqiyot bankining mamlakat hamkorlik strategiyasida yetakchi yo'nalishlar sirasiga transport, energetika, kommunal xizmatlar, suv tizimi va moliyalashtirish tizimlari kiradi. Qolaversa, davlat boshqaruvi va bozor iqtisodiyoti islohotlari, mintaqaviy hamkorlik va integratsiya, bilim menejmenti, gender tengligi, ekologiya va atrof-muhit yo'nalishlari ham shular jumlasiga kiradi (1-rasmga qarang.)

Qolaversa, Osiyo taraqqiyot banki 2018-yil dekabr oyida O'zbekiston Respublikasi uchun Mamlakat biznes planini (COPB) tasdiqladi. O'zbekiston Respublikasi uchun 2019-2021-yillarga mo'ljallangan Mamlakat biznes plani (ingliz. Country operations business plan, COPB) mavjud bo'lgan Mamlakat hamkorlik strategiyasi (ingliz. Country Partnership Strategy, CPS) asosida ishlab chiqilgan hisoblanadi. Mazkur mamlakat biznes plani 2019-2023-yillarga mo'ljallangan Mamlakat hamkorlik strategiyasi hamda O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish islohotlari bilan ham uyg'undir. [3]

Milliy rivojlantirish strategiyasiga muvofiq, O‘zbekiston hukumati qishloq aholisining ijtimoiy muammolarini bartaraf etish, xususiy sektor uchun ishonchli ta‘minot va transport infratuzilmasini yaratish, xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun qulay muhit yaratish maqsadida qishloq hududlarining infratuzilmasini rivojlantirishga ustuvor ahamiyat berilganligini ham alohida ta’kidlash joizdir.



1-rasm. Osiyo taraqqiyot bankining O‘zbekiston uchun hamkorlik strategiyasi[4]

Shu nuqtai nazardan, mazkur Mamlakat biznes plani qishloq xo‘jaligi, transport, energetika, kommunal xizmatlar, sog‘liqni saqlash, ta‘lim, ijtimoiy himoya hamda moliyalashtirish kabi sohalarni qamrab oladi. Qolaversa, xususiy tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash, mintaqaviy hamkorlik, davlat boshqaruvi kabi sohalarni rivojlantirish ham shular jumlasidandir. (1-jadvalga qarang.)

Osiyo taraqqiyot banki 2019-2021-yillar doirasida rejalashtirilgan loyihalar qamrovi [5]

Yo'nalish	Loyiha	Kredit qiymati
1. Transport		
	Milliy avtomobil yo'llarini qayta tiklash. Chegara infratuzilmasini rivojlantirish. Yo'llar xavfsizligi. Jamoat transporti.	2019-2021-yillar davomida 580 mln. AQSh dollari.
2. Energetika		
	Gaz-bug' elektr ishlab chiqarish Quyosh va boshqa muqobil energetika Energetika samaradorligi Elektr uzatish tizimi	2019-2021-yillar davomida 600 mln. AQSh dollari. 200 mln. AQSh dollari miqdorida potensial moliyalashtirish.
3. Suv va boshqa shahar infratuzilmasi.		
	Ichimlik suvi va sanitariya tizimini rivojlantirish Chiqindi yig'ish tizmi Shahar boshqaruvi va rejalashtirish	2019-2021-yillar davomida 645 mln. AQSh dollari.
4. Qishloq xo'jaligi, Qishloq hududlarini rivojlantirish		
	Qishloq xo'jaligini moliyalashtirish Qishloq hududi infratuzilmasi Suv resurslari menejmenti	2019-2021-yillar davomida 407 mln. AQSh dollari. 212 mln. AQSh dollari miqdorida potensial moliyalashtirish.
5. Sog'liqni saqlash		
	Sog'liqni saqlash tizimini rivojlantirish	2019-2021-yillar davomida 100 mln. AQSh dollar. 10 mln. AQSh dollari miqdorida potensial moliyalashtirish.
6. Ta'lim		
	Texnik ta'lim va malaka oshirish Maktabgacha ta'lim tizimini modernizatsiya qilish	2019-2021-yillar davomida 150 mln. AQSh dollari.
7. Davlat boshqaruvi va moliyasi		
	Iqtisodiy menejment va makroiqtisodiy barqarorlik Korporativ boshqaruv Ijtimoiy himoya Davlat moliyasi menejmenti Ipoteka va sug'urta	2019-2021-yillar davomida 750 mln. AQSh dollari. 850 mln. AQSh dollari miqdorida potensial moliyalashtirish.
Jami		3.232 mln. AQSh dollari
Qo'shimcha moliyalashtirish qiymati		1.272 mln. AQSh dollari

Yuqorida O'zbekiston Respublikasi va Osiyo taraqqiyot bankining hamkorlik istiqbollari tahlil etildi. Unda mamlakat rivojlantirish strategiyasi, sohalar doirasida rivojlantrish yo'nalishlar, investitsion loyihalar va ularning tasniflari keltirildi. O'zbekiston Respublikasidagi investitsiya faoliyatini rivojlantirish, investitsiya muhitini yanada kengaytirish, davlat kafolati ostidagi jalb

etilayotgan xorijiy investitsiya va kreditlardan samarali foydalanish, taqsimlash va albatta, Osiyo taraqqiyot banki bilan o‘zaro iqtisodiy hamkorlikni yanda rivojlantirish maqsadida: Osiyo taraqqiyot banki ekspertlari va Oliy ta’lim muassasalari hamkorligida seminar, trening kabi bilim va ko‘nikma almashish uchrashuvlarni tashkil etish; sanoat va muqobil energetika sohalari uchun Osiyo taraqqiyot banki moliya resurslarini jalb etish, Osiyo taraqqiyot bankining davlat tomonidan kafolatlanmagan (*ingliz. non-sovereign loan*) kredit liniyalarini xususiy sektorga jalb etish ko‘lamini kengaytirish takliflari beriladi.

Albatta, yuqoridagi takliflar, Osiyo taraqqiyot banki hamda O‘zbekiston Respublikasi hamkorligining yanada rivojlanishi uchun muhim hisblanadi. Chunki mazkur takliflar negizida, jalb etilayotgan investitsiyalarning oqilona foydalanilishi, yangi ish o‘rinlari yaratilishi va mamalakatning iqtisodiy salohiyatini yanada oshirish yotadi. Osiyo taraqqiyot bankining O‘zbekiston Respublikasiga ko‘rsatayotgan yordami, o‘rta muddatda, inklyuziv va barqaror iqtisodiy o‘shni qo‘llab-quvvatlash, davlat boshqaruvi va institutlarni mustahkamlash, mintaqaviy hamkorlik va integratsiyasini qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan. Shu bilan bir qatorda, Osiyo taraqqiyot banki, mamlakatda barqaror o‘shni ta’minlash va infratuzilmani modernizatsiya qilish maqsadida, xususiy sektorga to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarni kiritishni va davlat-xususiy sherikchiligini rivojlantirishni ustuvor vazifa sifatida belgilaganligi ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Osiyo taraqqiyot bankining mamlakatimiz taraqqiyoti uchun ko‘rsatayotgan yordami moliya, bilim almashinuvi va hamkorlik tamoyillarini aks ettirgan holda amalga oshiriladi. Qolaversa, mamlakat rivojlanish ehtiyojlariga mos keladigan ilg‘or bilim va ko‘nikmalarni taqdim etish ham shular jumalasidandir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Asian Development Bank. Fact Sheet. Uzbekistan 2018. P-1. [Elektron resurs]. URL: <https://www.adb.org/sites/default/files/publication/27811/uzb-2018.pdf>
2. Asian Development Bank. Country Partnership Strategy. Uzbekistan 2012-2016. [Elektron resurs]. URL: <https://www.adb.org/sites/default/files/institutional-document/33635/files/cps-uzb-2012-2016.pdf>
3. Asian Development Bank. Country Operations Business Plan. Uzbekistan 2019-2021. [Elektron resurs]. URL: <https://www.adb.org/documents/uzbekistan-country-operations-business-plan-2019-2021>
4. Asian Development Bank. Fact Sheet. Uzbekistan 2018. P-1. [Elektron resurs]. URL: <https://www.adb.org/sites/default/files/publication/27811/uzb-2018.pdf>
5. Uzbekistan: Country Operations Business Plan 2019-2021. Asian Development Bank. December 2018. P. 3-5. [Elektron resurs]. URL: <https://www.adb.org/sites/default/files/institutional-document/471361/cobp-uzb-2019-2021.pdf>

Азизова Манзура Ибрагимовна
катта ўқитувчи
Тошкент молия институти

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ЛОГИСТИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада логистикани ҳозирги ҳолатини таҳлил қилган ҳолда юртимизда яратилаётган имкониятларни тўғри баҳолаб, логистика соҳасини ривожланишига кенг имконият яратиши ҳамда компания иш фаолиятини янада такомиллаштиришида ривожланган мамлакатларнинг илмий ва амалий тажрибаларини пухта ўрганиши ва уларни амалиётга тадбиқ этиши ҳамда ушбу соҳада инновацион таркибий ўзгаришларни такомиллаштириши масалалари кенг баён этилган.

Калит сўзлар: логистика, глобализация, диверсификация, ижтимоий инфратузилма, модернизация, интеграция, транспорт статистикаси, миллий транспорт инфратузилмаси.

Замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар асосида ривожланаётган глобализация ва кучли интеграция иқтисодиётни янада тез ва кескин тарзда шаклланишига сабаб бўлмоқда. Фақат ана шу жараёнларга мослашган ҳолда унинг ташкил қилувчи элементлари ҳисобланган асосий соҳаларини ривожлантириш билан ҳозирги вазиятда рақобат бардошликни сақлаб қолиш мумкин. Ҳозирда ихтисослашган ишлаб чиқаришни ва жаҳон миқёсида ҳамкорлик алоқаларини чуқурлашишини шакллантирувчи мультимодал логистика марказлари ва логистика соҳаси муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш бизнинг олдимиздаги энг долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Шу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёев маърузаларида таъкид-лаганларидек: “..ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашимиз даркор. Яна бир бор таъкидлайман, ишни биргаликда бажарамиз, натижа учун эса ҳар биримиз шахсан жавоб берамиз”[1,104-бет].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича дастурларнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш ҳамда уларга эришишнинг асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб берган[1, 22-бет].

Мамлакатимизда ҳам бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳитини яратиш ва иқтисодиётимизни модернизациялашнинг янги талаблари энг аввало логистикани ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Юртимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда логистиканинг ўрни катта. Чунки бу соҳа ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти ривожини учун долзарб бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишарига бағишланган бандида ”Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш, амалдаги зоналарнинг самарадорлигини ошириш, хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш, йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига информацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сақлаш, транспортировка қилиш ва сотиш, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматларни кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш” каби вазифалар келтирилган[2]. Шулардан келиб чиққан ҳолда, бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатдан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқдир.

2018-2021 йилларда Чегарадош мамлакатлар билан логистик маршрутларни диверсификация қилиш режалаштирилган бўлиб, унга кўра келишув битимлари имзоланади. Бунда чегарадош мамлакатлар билан амалий музокаралар ўтказиш, қўшни давлатларнинг инфратузилмаларини ривожлантиришга инвестициялар киритиш ташаббуси билан чиқиш орқали маҳсулотларнинг экспорт-импортидаги логистик муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади[3]. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий ва бошқа халқаро алоқалар, шу жумладан

юклар (йўловчилар)ни халқаро ташишлар юқори суратлар билан ривожланмоқда. Буни янги ишлаб чиқилган қонунлар, қарорлар ҳамда логистик марказ ҳамда компанияларга яратилаётган турли имкониятлар ва янги очилаётган логистик марказлар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ягона транспорт бозорини ташкил этиш транспорт стратегиясининг асосий мақсадларидан биридир. Мамлакат транспорт йўналишларининг ғарбдан-шарққа кесишган географик худудда жойлашуви миллий транспорт инфратузилмасининг интенсив ривожланишини таъминлаш мақсадида логистик иши бошқарув ёндашувини амалга ошириш асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Транспорт тизимининг муҳимлиги иқтисодий ривожланиш учун мақсадли дастурни амалга оширишни, ҳар хил транспорт турларини ривожлантиришга қаратилган комплекс мақсадли дастурни амалга оширишни тақозо этади. Транспорт муаммолари тизимли ёндашув нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ўз ечимини топади ва махсус дастур ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу дастурнинг таркибига қуйидаги асосий тамойилларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- транспорт инфратузилмасини эксплуатация қилиш ва ривож-лантириш;
- йўловчи ва юк транспорти хизматларини такомиллаштириш;
- халқаро транспорт алоқалари, транспорт йўлаклари, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик ва жаҳон транспорт тармоғига интеграциялашув;
- транспорт тизимларининг интеграциялашув;
- барча хил транспортларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш;
- транспорт ва унинг инфратузилмаси ривожланишида экологик масалалар;
- транспорт статистикаси ва ахборот инфратузилмаси;
- транспорт соҳасида қонунчилик;
- фан ва таълим.

Бундай комплекс улкан масалалар илмий, технологик ташкилий ечимлар билан боғлиқ. Транспорт муаммоларининг ривожланиши, интермодаллиги ва умумий ахборот муҳитини шакллантириш, ҳаттоки транспорт тизимида қўлланиладиган терминларда ҳам ҳар хил талқин этилмоқда. Бундай шароитда ҳамкорлик сари биринчи кўйиладиган қадамлар ушбу масалаларни ечиш ва муаммоларни бир тизимга келтиришдир.

Ҳозирги жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг кўпгина соҳаларини қайтадан модернизация ва диверсификация қилиш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Халқаро юкларни ташишда фаол иштирок этаётган миллий транспорт ва экспедиторлик ташкилотлар биринчилардан бўлиб, юкларни ташишни замонавий ҳолда ташкил этиш ва юкларни қайта ишлаш логистикасини муҳимлигини англаб етган ҳолда интер, мультимодал ва юкларни ташишнинг терминал тизимларини, юкларни ташиш технологияси, замонавий телекоммуникациялар, яъни юкни кузатишнинг ва бошқаларнинг ҳам логистикага эҳтиёжи сезилди. Ўзбекистонда йирик транспорт ва экспедиторлик ташкилотлари ўзларининг терминал тизимларини, ташкил эта бошладилар, шунинг учун юк тарқатувчи ва логистик марказлар, логистик сервис кўрсатиш ишларини қўллаб-қувватлаб турувчи ахборот - компьютер тизимларини тузишга эҳтиёж сезилмоқда.

Логистика концепциясини тадбиқ этиш, корхоналардаги умумий харажатларни камайтириш учун асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади.

Логистик фаолият интеграцияли аҳамиятга эга бўлиб, у товар (хизмат)ларга эҳтиёж пайдо бўлгандан, то уни қониқтиргунгача бўлган ораликни ўз ичига олади. Макродаражадаги логистика турли хил ташкилотларнинг интеграциялашуви орқали бизнес мақсадига эришгунгача бўлган биргаликдаги фаолиятини акс эттиради.

Барча фаолият ва операциялар режалаштирилиши, бошқарилиши ва мувофиқлаштирилиши лозим. Логистиканинг асосий интеграциялашган тизимини шундай муҳим бизнес соҳалари, яъни хом-ашё ва материалларни сотиб олиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, транспорт, ахборот ва бошқалар ташкил этади.

Логистиканинг мақсади деб, глобализациялаштириш, инсон фаолиятининг каттагина соҳасини ўз ичига олган товарлар, хизматлар, хом ашё ва материаллар ҳаракатининг барча йўлларини тушуниш мумкин.

Ҳозирги кунда логистика транспорт - экспедиция фаолияти доирасида қизгин ривожланыпти. Логистик занжирнинг тузилишига эътибор берсак баъзи бўғинларда маҳсулотларни ортиқча ишлатиш, бошқа ҳолларда эса иқтисод қилинганини кўрамиз. Афсуски, бу иқтисодий, муросалар ҳозирча муҳим роль ўйнамайди. Транспорт-экспедиция фирмалари логистик занжир тузилишида шерикларнинг қизиқишини ҳисобга олишлари керак «Занжир, энг кучсиз бўғинга қараганда кучли бўлиши мумкин» - бу логистиканинг асосий тамойилларидан биридир.

Логистиканинг асосий хусусиятларидан бири ҳар хил корхоналарнинг товарлари истеъмолчига етиб боргунга қадар уларнинг биргаликдаги фаолиятидир. Бундай фаолиятга маблағни пасайтириш заҳира манбаларини очишга ёрдам беради. Шу билан бирга логистик шериклар уртасида умумий фойдани тақсимлаш механизмнинг йўқлиги бу ишни амалга ошириш самарадорлигини бирмунча пасайтиради.

Ўзбекистонда логистиканинг секин ривожланишига сабаб бўлаётган қуйидаги муаммоларни алоҳида ажратишимиз мумкин:

Биринчидан логистика тушунчаси кўпгина ишбилармон ва менеджерлар учун янгилик Ўзбекистонда малакали мутахассислар талаб даражасида етишмайди, логистика соҳасида менеджерлар, ишбилармонлар кам, бу эса логистиканинг моҳиятини тушунишни қийинлаштиради.

Иккинчидан, ташкилотларида логистика тамойилларлари амалга ошириш учун шароит етишмайди. Кўпгина ташкилотлар иқтисодиёт режаси олдида «тиззагача чўкишган». Кўпгина корхоналарда логистика хизматини шакллантиришда қийинчиликлар мавжуд бўлиб турибди. Хусусий фирмалар ходимлари бажарилиши керак бўлган функциялари ва бу бўлинмаларнинг фаолияти ҳақида паст тасаввурга эгадирлар.

Учинчидан, миллий қонунчилик халқаро қонунчиликда, халқаро савдо соҳасида, ҳаракат, халқаро ташиш, миллий ташиш ва ички ташиш шунингдек аралаш ташиш масалаларида ҳали етарлича ўзаро мослаштирилмаган. Товарлар ҳаракатини тўсиб туришга олиб келадиган омиллар, оқибатида логистик занжирнинг узоқ муддатда узилишига олиб келади ва у маълум вақтгача чўзилиши мумкин. Шу сабабли корхона раҳбарлари ва ходимлари ўз мақсадларини амалга оширишларида логистикани тадбиқ этишда ишончсизликка олиб келиши мумкин.

Тўртинчидан, чет эл логистик ташкилотлари билан яхши алоқаларнинг йўқлиги, халқаро логистик уюшмалари билан давлатлараро ҳуқуқий алоқаларни белгилаш, солиқ, божхона, баъзи вазирликлар, департамент ва бошқалар томонидан корхоналар ишбилармонлик фаолиятининг олиб борилиши даражаси етарли эмаслиги.

Шунингдек, миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга кўшимча шароитлар яратиш мақсадида “**Миллий логистика портали**”ни ташкил этиш лозим эканлиги таъкидланмоқда. Халқаро транзит йўлларини очиш, кенгайтириш ва зарурларини қайта қуриш ҳамда реконструкция қилиш зарур. Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларни қайта бошланиши ҳам қувонарли ҳол. Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим. Асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “**Ўзбек бренди**” номи билан олиб чиқишга эришиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сонли Фармони. Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ- 4707-сонли “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури” тўғрисидаги фармони. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги “Ангрен махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги №ПФ-4436 сонли Фармони.

4. Я.К.Карриева. Глобаллашув жараёнларида халқаро транспорт логистик тизими фаолиятининг самарадорлиги. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2013-174б.

5. Сергеев В.Н. Логистика и бизнес. Учебник. ИНФРА-М..2001

6. Альбеков А.У., Митько О.А. Коммерческая логистика. Ростов-на Дону. Феникс, 2002

7. <http://www.mfer.uz> (Ташқи савдо)

8. <http://www.gov.uz> (Хукумат сайти)

9. <http://www.wto.org> (Халқаро савдо корхонаси)

10. www.Logistika.ru.

Асамходжаева Шоира Шукуруллаевна

катта ўқитувчи

Тошкент молия институти

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНСОН КАПИТАЛИГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

***Аннотация.** Мақолада инновацион иқтисодиёт ва уни шакллантиришда инсон капиталининг аҳамияти тадқиқ қилинган. Шунингдек, инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишда инсон капиталининг хусусиятлари ўрганилган.*

***Калит сўзлар:** инновацион иқтисодиёт, инсон капитали, инвестиция, инвестиция фаолияти, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар, интеллектуал ходимлар, фойдаланиш самарадорлиги, технологик инновациялар, таъкилий инновациялар, маркетинг инновациялар, иқтисодий самарадорлик.*

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, билимларга асосланган инновацион иқтисодиётни яратиш замон талабидир. Иқтисодий ўсишнинг стратегик модели интенсив равишда тадқиқотларни ўтказиш асосида янги технологияларни яратиш, улар билан юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқарувчи халқаро бозорларга чиқиш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир. Бундан ташқари, интеллектуал ресурслар нафақат иқтисодий ривожланиш истиқболларини белгилайди, балки мамлакатнинг иқтисодий мустақиллик ва фаровонлик даражасининг кўрсаткичи сифатида хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инновацияларни жадал ривожлантиришга муҳим аҳамият берилиб, ўрта муддатли истиқболда фан соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири сифатида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш” [1] белгиланди. Бу борада илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш, инновацион фаолиятни иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак” [3].

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион ривожланиш йўналишларини аниқлаб берувчи воситалардан бири – бу инсон капитали самарадорлигини

ошириш омилларини аниқлаш ҳамда уларга инвестиция киритиш ҳисобланади. Инновацияларга йўналтирилган иқтисодийда инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишда инсон капитали ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб, шу билан биргаликда, бошқа капиталларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эгадир. Республикамиз иқтисодийда инновацияларнинг ривожланиши, шунингдек олдимиздаги қатор ижтимоий-иқтисодий вазибаларни ҳал этиш инсон капиталига йўналтириладиган инвестициялар самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Бирок, инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари бошқа ресурсларникидан тубдан фарқ қилади, чунки бу ҳолда у инсонлар мотивацияси ёки уларнинг мақсадларига таъсирни таъминлайди. Интеллектуал ходимлар мотивациясининг ўзига хослиги уларнинг мақсадлари ва қизиқишлари иқтисодий ва ижодий таркибий қисмларни ўз ичига олиши билан боғлиқ. Интеллектуал ишчиларнинг мотивацияси уларнинг самарадорлигига, яъни қўйилган мақсадларга эришиш қобилиятига боғлиқ. Агар унинг фаолияти самарасиз бўлса, унда тез орада меҳнат қилиш ва фойда олишга интилиш йўқолади. Шу муносабат билан, инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳар бир давлат учун устувор вазифа бўлиши керак. Инсон капиталини ўзида мужассам этган интеллектуал ходимнинг самарадорлиги долзарб вазибаларни ҳал қилиш қобилиятида кўринади ва иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш учун бундай ходимларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш талаб этилади [4].

Инновацион иқтисодийни шакллантиришни тавсифлашдан аввал инновацион иқтисодийнинг қуйидаги асосий белгиларига тўхталиб ўтсак:

- иқтисодий ва жамиятнинг очиклиги, янги технологияларнинг халқаро бозорида тенг ҳуқуқли шерик сифатида иштирок этиш имконияти;
- ҳар томонлама рақобатбардош миллий инновацион тизимнинг мавжудлиги ҳамда таълим, илмий, тадбиркорлик ва нотижорат ташкилотларининг ўзаро алоқасини таъминлайдиган ҳуқуқий, молиявий ва ижтимоий характердаги институтлар комплексининг яратилганлиги;
- инновацион ривожланишнинг бош мувофиқлаштирувчиси сифатида давлатнинг фаол иштироки;
- юқори технологик ва интеллектуал хизматлар соҳасининг мавжудлиги;
- интеллектуал мулкни бошқариш механизми ҳисобига рақобатбардошликнинг юқори даражасига эришиш имконияти.

Инновацион иқтисодий ривожланишининг асосий элементларидан бири миллий инновацион тизимдир. Бу тизим илмий-техник ва инновацион фаолият натижаларини олиш ва амалиётда қўллашнинг самарали механизмларидан фойдаланиш ҳисобига мамлакатни интенсив иқтисодий ўсишига имкон беради. Миллий инновацион тизим рақобатбардошлигини қуйидаги омиллар орқали аниқлаш мумкин:

- илм олишга эътибор даражаси;
- инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати;
- тижорат жараёнлари учун яратилган шароитлар;
- технологик инфратузилманинг яратилганлиги, молиявий ресурсларни олиш имконияти;
- ҳуқуқат томонидан яратилган қонунчилик, ҳуқуқий тартибга солиш асослари;
- етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланиш ҳолати.

Миллий инновацион тизим рақобатбардошлиги натижасида қуйидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришиш мумкин:

- ҳаётнинг юқори сифати;
- экология ва хавфсизлик;
- иқтисодийнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлиги.

Мамлакатда инновацион соҳанинг ривожланиш ҳолатини қуйидаги кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш мумкин: ялпи ички маҳсулот таркибида тадқиқот ва ишланмаларга ички харажатлар улуши; ички ва жаҳон бозорларида сотилган маҳсулот умумий ҳажмида

инновацион маҳсулотнинг улуши; мамлакатда фаолият юритаётган корхоналар умумий таркибида инновацион фаолиятни амалга ошираётган корхоналар улуши.

Маълумки, инновацион жараёнларни уч хил йўналишда кузатиш мумкин:

- технологик инновациялар;
- ташкилий инновациялар;
- маркетинг инновациялари.

Сўнги йилларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда технологик инновациялар билан бирга ташкилий ва маркетинг инновациялари ҳам алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Лекин инновацион жараёнларни ўз вақтида ёки етарлича молиялаштирилмаслиги инновациялар сифатининг пасайишига, уларнинг доимий равишда амалга оширилиш имкониятини таъминланмаслигига олиб келади.

Мамлакатда инновацион фаолият ривожланиши учун асосий тўсиқлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- корхонанинг ўз бўш маблағларининг етишмаслиги;
- ташқи молиялаштириш манбаларининг етишмаслиги ёки етарли эмаслиги;
- инновацияларни ташкил этиш соҳасида бошланғич билимларнинг, кўникма ва малакаларнинг етарли эмаслиги, инсон капитали сифатининг пастлиги.

Мамлакатимизда инновацияга йўналтирилган иқтисодий шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Республикани инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган, яъни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилганлиги, унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги мазкур йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3698-сон Қарорида белгиланишича, 2022 йил 1 январга қадар муддатда белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан олиб кириладиган илмий асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, сарфлаш материаллари, реактивлар, дастурий таъминот божхона тўловларидан, илмий-тадқиқот ташкилотлари уларнинг асосий фаолияти бўйича барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалардан озод қилинди, бўшаётган маблағлар уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли йўналтирилиши белгиланди [2].

Илм-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даврида инсон капитали мамлакат келажагини белгилайдиган зарурий омилга айланиб бормоқда. Инсон капитали барқарор иқтисодий ўсишнинг асоси ва инновацияларни ҳаракатлантирувчи кучдир.

Халқаро тажрибадан маълумки, инсон капиталига инвестициялар, хусусан таълимга инвестициялар болаликдан бошлаб узоқ муддатга киритилади ҳамда мамлакат иқтисодий ўсишида ўзига хос қайтимга эга бўлади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра маълум бир малакат аҳолиси учун таълимнинг ўртача статистик муддатини бир йилга оширилиши, ушбу мамлакат ялпи ички маҳсулотини 3-6%га оширади. Таълимга ажратиладиган маблағларнинг 1%га оширилиши мамлакат ялпи ички маҳсулотини 0,35%га ошишига олиб келади. Лекин шуни ёдда тутиш лозимки, таълимга инвестициялар – бу узоқ муддатли инвестициялар бўлиб, улардан тезкор натижаларни кутиш тўғри эмас, бироқ мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши учун бундай инвестициялар жуда зарурдир.

Жаҳон банкининг 192та мамлакат иқтисодий ўрганиш асосида тақдим этган маълумотларига кўра иқтисодий ўсишнинг 55%и айнан инсон капитали орқали аниқланган. Мутахассисларнинг баҳолашига кўра ривожланган мамлакатларда таълим давомийлигини бир йилга ошириш ялпи ички маҳсулотни 5-15%га ошишига олиб келади. Иқтисодий барқарор ривожлантириш учун, аввало инсон капиталини ривожлантириш керак. Жаҳон бўйича

мамлакатларнинг таълимни ривожлантиришга харажатлари ижтимоий харажатлар эмас, балки даромад келтирадиган инвестициялар сифатида қаралмоқда, яъни таълимга инвестициялар шунчаки ижтимоий зарурат учун эмас, келажакда фойда келтириши учун киритилмоқда. Глобал рақобат шароитида ҳам ўз таълим салоҳиятини мунтазам равишда ошираётган мамлакатлар ғолиб бўладилар.

Инсон капитали ҳам бошқа моддий, табиий ва молиявий капиталлар сингари қийматга эга, янгилаш, модернизациялаш ва ривожлантиришга муҳтож. Инсон капитали иқтисодий категория сифатида самарадорлиги ва сифати бўйича давлатлар ўртасида фарқланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси орқали бу фарқланишлар аниқланади. Инсон капиталининг унумдорлиги ёки самарадорлиги унга сарфланган инвестициялар нисбати билан белгиланади. Бу индекс инсон капиталининг юқори сифати, билимларга йўналтирилган иқтисодиётга эга, энг ривожланган мамлакатларда бирдан юқори, кам ривожланган мамлакатлар учун бирдан кичик бўлади. Меҳнат унумдорлиги паст бўлган мамлакатларда бу индекс анча паст бўлади. Инсон капиталининг самарадорлик коэффициенти орқали қўшилган қиймат тармоқларида ўртача меҳнат унумдорлиги ҳам аниқланади. Лекин бу индекснинг камчилиги шундаки, унда таълимнинг сифати, аҳолининг соғлиги кабилар эътиборга олинмайди.

Инсон капиталининг қиймати ва сифатини илм-фанни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш зарур. Таълим ва илм-фан бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва инсон капиталига йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларга эришиш зарур:

- инсон капиталининг юқори даражаси ва сифати, шунингдек уни ривожлантириш учун инвестициялар миқдорини ошириш;
- фундаментал ва амалий фанларни ривожлантириш;
- технологик ривожланишнинг интеллектуал марказларини қўпайтириш;
- янгиликларга йўналтирилган иқтисодиётнинг улушини ошириш;
- инсон интеллектуал фаолиятининг барча жабҳаларида самарани ошириш;
- давлат томонидан қўллаб-қувватладиган самарали инновацион ва венчур тизимларини ривожлантириш;
- инновацияларни ривожлантириш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва инвестицион рейтингларда юқори поғоналарга эришиш;
- таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий равишдаги интеграциясини таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 1-илова, 4.4-банд.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3698-сон Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2018 й.
4. Корогодина И.Т. Принципы анализа соотношения роста заработной платы и производительности труда. М. Теория и практика общественного развития –2015. –№8.

Жумаева Шоира Бердияровна

докторант

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти,

Марданова Рисолат Рустамжон кизи

талаба

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ КУЧАЙТИРИШ-ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аннотация. Мақолада туризм индустриясининг ривожланиши ва аҳамияти, Ўзбекистонда зиёрат туризми тўғрисида фикр юритилиб, бугунги кунда мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириши борасида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек инвестиция муҳитини кучайтириши орқали зиёрат туризмини янада ривожлантириши масалалари муаллиф томонидан ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Туризм индустрияси, зиёрат туризми, инвестиция, сайёҳлар, Самарқанд, мамлакат, тараққиёт.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида туризм соҳаси тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва энг даромадли бизнес тури бўлиб, унинг ялпи миллий даромаддаги улуши 10,0 фоизни ташкил этади. Статистик маълумотларга кўра, яратилаётган иш ўринларининг ҳар еттинчиси, “учинчи дунё” мамлакатлари бўйича пул маблағлари тушумининг 50 фоизи ва иш билан бандлик даражасининг 80-90 фоизи туризм соҳасига тегишли.[1] Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) давлатларга туризм салоҳиятини ошириш, янги хизматлар таклиф этиш, янги туризм брендларини яратиш, туризм соҳаси рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича таклифлар киритиш зарурлигини илгари сурмоқда. Бу эса туризм географиясини янада кенгайтириш, мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улушини ошириш ҳамда туризмнинг рентабеллик соҳалардан бири эканлигини кўрсатиб турибди. Мамлакатимизда туризм бизнесининг ривожланиши, хорижлик туристлар оқими ва туризм хизматларини экспортини кенгайтириш тармоқда янги иш ўринларининг яратилиши аҳолининг бандлик даражасининг ўсишига, меҳмонхоналар, сайёҳларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари ва туризм фаолияти билан шуғулланувчи бошқа субъектларнинг сони кўпайишига олиб келади. Жумладан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. [2]

Сўнгги йилларда халқаро ва ички туризм йўналишлари ичида зиёрат туризми жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда ва жаҳон туризм бозорининг энг тез ривожланаётган сегментларидан бирига айланди. Халқаро татқиқодларга кўра зиёрат туризми йўналишида саёҳат қилаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2017 йилда зиёрат туризми йўналиши бўйича 131 млн. киши саёҳат қилган ва бу йўналишдан тушган даромад 177 млрд. долларни ташкил этган. 2020 йилда мазкур туризм йўналишида сайёҳлар сони 160 млн. кишига етиши ҳамда 2026 йилда эса 300 млрд. АҚШ доллари миқдоридан даромад кўриши кутилмоқда.[3] Юқоридаги рақамлардан келиб чиқиб, дунёнинг аксарият давлатлари зиёрат туризмнинг истиқболини инobatга олган ҳолда бу соҳага фаол сармоя жалб этмоқда. Жумладан, жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан - Миср, Юнонистон, Италия, Хитой, Саудия Арабистони каби давлатлар зиёрат туризми бўйича етакчилик қилиб келмоқда. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон ҳам ўзининг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Қўқон ва Марғилон каби шаҳарлари билан зиёрат туризми бўйича дунёнинг ҳар қандай мамлакатлари билан тенглаша олади. Шу сабабли сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм индустриясини ривожлантиришга, соҳада инвестиция муҳитини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инвестицияни жалб қилиш орқали янги туристик объектларни бунёд этиш, мавжуд объектларни қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш, янги туристик

хизматларни йўлга қўйиш ҳамда соҳага инновацион ғояларни татбиқ этиш мумкин.[4] Бу эса ўз навбатида туристик хизматлар сифатини ошириш ҳамда рақобатбардош миллий туристик хизматларни жаҳон бозорида таклиф қилиш орқали юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини кўпайтириш имкониятини беради.

Ўзбекистон туризмни ривожлантириш бўйича жуда катта имкониятларга эга бўлиб, республикада 7,3 мингдан зиёд маданий мерос объектлари мавжуд. Ушбу маданий мерос объектларидан 209 таси ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган бўлиб, бундан ташқари Ўзбекистонда 11 та миллий боғ ва давлат кўриқхонаси, 12 та кўриқхона, 106 та музей ва сайёҳларни ўзига жалб қилиши мумкин бошқа кўплаб объектлар фаолият олиб бормоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти тўлиқ ишламаяпти. Бунга асосий сабабларидан бири туризм инфратузилмаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, шунингдек, инфратузилмаларни ривожлантириш учун инвестицияларнинг етарли эмаслиги ҳисобланади. Мана шундай муаммоларга ечим топиш мақсадида давлатимиз томонидан мамлакатда туризмни ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.[5] Мазкур фармон асосан туризм соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш ва инфратузилмаларидаги муаммоларни бартараф этиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда миллий туристик хизматларни таклиф этиш орқали мамлакатимизга келувчи сайёҳлар сонини оширишга қаратилган. Ўзбекистоннинг зиёрат туризми салоҳиятини тарғиб этиш ва зиёрат туризмни янада ривожлантиришда 2019 йил 21-23 феврал кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган Биринчи Халқаро Зиёрат туризми форуми (The First International Forum on Ziyarah tourism) муҳим аҳамиятга эга. Мазкур форум Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатнинг халқаро майдондаги зиёрат туризми бўйича мавқеини ошириш мақсадида ўтказилди. Тадбир Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, "Вақф" хайрия жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги, ISESCO (Таълим, илм-фан ва маданият бўйича ислом ташкилоти) ва UNWTO (Бутунжаҳон туристик ташкилоти) ҳамкорлигида ташкил этилди. Халқаро форум доирасида Ўзбекистоннинг зиёрат туризм марказларидан бири сифатида тан олиншига доир Бухоро декларациясини имзоланди. Таъкидлаш жоизки, Бухоро декларациясининг имзоланиши Ўзбекистон тарихидаги муҳим ҳодисадир. Экспертларнинг фикрича, бу ҳужжатнинг имзоланиши республикада сайёҳлик инфратузилмасининг ривожланишига ва умуман туристик оқимнинг янада кўпайишига кучли туртки беради.

Мамлакатда ички ва халқаро туризмни барқарор ривожлантириш ва соҳада инвестицион муҳитни кучайтириш мақсадида Франция, Ҳиндистон, Миср, Беларусия, Испания, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатлар билан шартномалар имзоланиб, хорижий сармоялар жалб этилмоқда. Жумладан, Франциянинг Консорциум компанияси билан тузилган инвестицион шартномага кўра 750 минг АҚШ доллари Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманини туристик ҳудудини ривожлантиришга йўналтирилди. [6]

Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли-“Ze Haffington post” нашри томонидан Самарқанд шаҳри жаҳондаги инсон ўз умри давомида албатта бориб кўриши шарт бўлган 50 та шаҳарлардан бири деб эълон қилиниши, дунёнинг 92 мамлакатада тиббий ва туристик хизматларни кўрсатувчи International SOS ва Control Risks компанияси экспертлари томонидан 2019 йил сайёҳлари учун тузилган харитага кўра Ўзбекистон Марказий Осиёда энг хавфсиз мамлакат деб тан олинши ҳамда Малайзиянинг Research House of Asia Media компанияси томонидан Осиё минтақасида ўтказилган ижтимоий ва маркетинг татқиқодлари натижасига кўра Ўзбекистон Осиёдаги энг бой тарихий мамлакат, деб эътироф этилиши мамлакатимиз туризм салоҳиятининг жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланаётганлигидан дарак беради.[7]

Умуман, Ўзбекистон туризм индустрияси учун кенг имкониятлар мамлакати ҳисобланади. Олиб борилаётган ислохотларни давом эттириш, туризм соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш, виза тизимини янада соддалаштириш орқали хорижлик туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда туризм хизматлари экспортини кенгайтириш мумкин. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда туризм фаолияти субъектлари сонининг ошишига ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор тараққиётига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://vavilon.ru/statistika-v-turizme/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил ,6-сон, 70-модда
3. Thomson Reuters, 2018, Crescent Rating, 2018
4. Боголюбов В. С. Туристско-рекреационное проектирование. Оценка инвестиций: учебник и практикум для академического бакалавриата / В. С. Боголюбов, С. А. Быстров, С. А. Боголюбова. – 2-е изд., испр. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 2017. – С. 9-10
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5781-сонли Фармони.
6. <https://invest.gov.uz/ru/news/konsortsium-frantsuzskih-kompanij-zajmetsyablougoustroytvom-bostanlykskogo-rajona/>
7. www.kun.uz.

Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич

и.ф.д., доцент

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

Эгамбердиева Мухлиса Шерзод қизи

талаба

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИ: МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА АНИҚЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. *Илмий мақолада инвестицион муҳит жозибadorлигининг мазмун-моҳияти, унинг таркиби ва мезонлари илмий-назарий жиҳатдан очиб берилган. Шу билан бирга, инвестицион жозибadorликни баҳолашда фойдаланилаётган интеграл кўрсаткичлар, инвесторлар учун инвестицион муҳит ва халқаро майдонда мамлакат жозибadorлигини намoён этадиган рейтинг индекаторлари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *ҳудуднинг инвестицион жозибadorлиги, хўжалик тизимининг инвестицион жозибadorлиги, инвестицион муҳит, глобал рақобатбардошлик индекси, асосий психологик қонун, иқтисодий беқарорлик, бизнесни юритиш.*

Хорижий инвестицияларнинг эркин кириб келиши бўйича мавжуд шарт-шароитларни таъминлаш, инвестициялар самарadorлигини баҳолашнинг комплекс кўрсаткичлари мажмуасини ишлаб чиқиш, мамлакат ҳудудларининг инвестицион жозибadorлигини ошириш бўйича назарий-услубий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, йирик рейтинг агентликлари ва олий таълим муассасалари томонидан олиб борилган.

Жумладан, Peterson Institute for International Economics, The University of Chicago, Regional Economic Development Institute (REDI), Bank of America World Information Services, Business Environment Risk Intelligence (BERI), Moody's Investor Service, Standard & Poor's

Ratings Group (S&P), The United Nations Commission on Sustainable Development (UN CSD), ATKearney (АҚШ), World Economic Forum, Harvard University, Euromoney Institutional Investor (PLC), The University of Oxford, Economist Intelligence Unit (EIU) (Буюк Британия), United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD) (Швейцария), Control Risks Group (CRG) (Сингапур), Institutional Investor (II) (Гонк Конг), Montpellier Business School (Франция), International Country Risk Guide (ICRG) (Австралия), The Fraser Institute (Канада), Эксперт РА (РАЕХ) (Россия) томонидан амалга оширилмоқда.

Инвестицион муҳит жозибаторлигини оширишнинг илмий-методологик, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, табиий-ҳўжалик асослари бўйича бир қатор, жумладан, инвестицион жозибаторликни аниқлаш бўйича: иқтисодий самарадорлик, сиёсий хатар, қарздорлик, қарзни қоплаш (тўлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки муддатини узайтириш), тўлов қобилияти, банк кредитлари, ссуда капиталини олиш имконияти (Euromoney, Лондон); жамғариш нормаси билан иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасидаги боғлиқликни эконометрик усуллар орқали исботлаш (International Monetary Fund, IMF) билан боғлиқ тадқиқотлар кенг қўламда олиб борилмоқда.

Инвестицион муҳит жозибаторлигининг моҳияти, таркиби ва мезонлари. Мамлакатнинг комплекс ривожланишини таъминлаш ва инвестицион муҳит жозибаторлигини ошириш бўйича илмий изланишларни олиб боришда, энг аввало, мамлакат ва унинг ҳудудлари салоҳиятини тадқиқ қилиш, уларни баҳолаш, таъсир кўрсатадиган омилларни таснифлаш, ўзаро боғлиқлик касб этган жиҳатларни иқтисодий-математик ва эконометрик усуллар орқали очиб бериш мазкур тадқиқотнинг вазифаларидан ҳисобланади.

Бунинг учун эса, ривожланган мамлакатларда қўлланилган ва юқори натижалар келтирган тажрибаларни таҳлил этиш, муваффақиятга олиб келган усул ва услублар, омилларни Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари миқёсида татбиқ этиш бўйича илмий-услубий ҳамда назарий-амалий таклиф, тавсияларни ишлаб чиқиш муҳимдир.

Маълумки, сайёрамиз минтақаларида аҳоли жойлашуви ва иқтисодий фаолият жараёнлари нотекис тақсимланган. Буни космосдан туриб туширилган фотосуратлар мисолида яққол кўришимиз, осон билиб олишимиз мумкин. Ушбу суратларда Ғарбий Европа, Япония, Жанубий-Шарқий Хитой ва океан чегараларида жойлашган АҚШда аҳолининг кўплиги, уларнинг зичлиги ва юқори урбанизациялашгани, автомобиль йўлларининг мўллиги, серкатновлиги ҳамда бир-бири билан юқори даражада кесишувчанлигини кузатиш мумкин. Айни пайтда, Африка, Тибет ва Сибир, Австралия минтақаларининг катта қисми сувсиз чўлу биёбонлар, қоп-қора ўрмонлар, у ерларда инсоният ҳаёти унча ривожланмагани, аҳолининг эса, сийрак жойлашганига гувоҳ бўламиз. Бунинг боиси – минг йиллардан буён инсонлар қулай иқлим ва юқори унумдорликка эга ерларни ўзлаштиришга, у ерларда ўтроқ ҳаёт кечиришга ҳаракат қилишган. Табиийки, айнан ўша ҳудудларда инсониятнинг цивилизацияси ҳам пайдо бўлган. Кейинчалик, яъни саноатлаштириш даврига келиб, фойдали қазилмалар топилган ҳудудларга кўчиб ўтиш, арзон хом ашё ресурсларига эга бўлишга ҳаракатлар бошланди. Бугунги замонавий дунёда эса, иқтисодий ривожланиш юқори концентрациялашувга эга бўлган агломерацияларда кечмоқда.

Муайян бир мамлакат миқёсида кўрадиган бўлсак, аҳолининг сони, зичлиги ва иқтисодий кучларнинг жойлашуви минтақалар ва ҳудудлар бўйича турлича тақсимланган. Ҳудудлар ўзининг шарт-шароити, табиий ресурсларга эгалик ҳажми, ер унумдорлиги, сув ресурсларининг узоқ-яқинлиги жиҳатидан бир-биридан анчагина фарқланади. Мамлакат бўйича бир неча иқтисодий марказлар мавжудлиги ва марказдан узоқ ҳудудлардаги реал аҳвол улардаги иқтисодий ривожланишнинг табақаланганини кўрсатади. Буни биргина, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот мисолида ҳам сезиш мумкин. *Айнан юқорида келтирилган омиллар сабаб инвесторлар ўз капиталини юқори потенциалга эга бўлган мамлакат ёхуд унинг ҳудудларига киритишга, у ерда самарали фаолият олиб бориб, зарурий фойда (даромад)ни қўлга киритишга ҳаракат қилишади.*

Марказларда асосий билимлар ва инновацияларнинг тўплангани, ишлаб чиқариш кучларининг қулай жойлашуви, юқори инфраструктура объектларининг мавжудлиги аксарият

ҳолда ушбу ҳудудларда инвестициялар оқимининг ҳам юқори бўлишлигини таъминлайди. Ва аксинча, ижтимоий-иқтисодий қашшоқ ва экологик жиҳатдан нобоп ҳудудларда ижтимоий кескинликнинг кучайиши, ҳар хил турдаги жиноятларнинг авж олиши, диний ва ҳатто сиёсий тўқнашувларнинг юз бериши кузатилади. Аксарият сармоядорлар эса бундай ҳудудларга инвестиция йўналтиришга таваккал қилмайдилар. Ушбу салбий ҳолатларнинг юзага келишини бартараф этиш, уларнинг олдини олиш учун давлат томонидан минтақавий-худудий сиёсат олиб борилади.

Инвестицион жозибаторликни баҳолаш учун иккита муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим бўлади. Биринчиси, маълум бир объектни инвестициялашнинг инвестицион жозибаторлиги. Бунда аниқ бир худудий тизимда мавжуд бўлган тармоқлар, соҳалар ва кластерларнинг иқтисодий ҳолати таҳлил этилади. Иқтисодий таҳлилни амалга оширишда инвестицион лойиҳа ва дастурлар самарадорлигини аниқлашнинг таянч кўрсаткичлари (соф дисконтланган даромад, қоплаш муддати, фойда нормаси, ички рентабеллик нормаси) баҳоланади.

Иккинчиси, худудий хўжалик тизимининг инвестицион жозибаторлиги. Бунинг учун эса, қуйидаги ҳолатлар таҳлил этилиши назарда тутилади: мавжуд ҳуқуқий-норматив база, сиёсий вазият, инвестицион ифратузилма, ижтимоий-иқтисодий шароитлар, инвесторлар манфаатини ҳимоя қилиш даражаси, солиққа тортиш даражаси, стратегик ва маъмурий ресурслар.

ЯИМни харажатлар усули билан ҳисоблаганда, инвестициялар асосий омил (ўзгарувчи) сифатида қайд этиладики, унинг ўзгариши ЯИМга тўғридан-тўғри боғлиқ эканини кўришимиз мумкин. Буни асосий капиталга йўналтирилган маблағлар маъносида талқин қилишимиз ва, айни пайтда, инвестицияларни номоддий активларга, интеллектуал мулкка, айланма активларга, шу жумладан, молиявий воситаларга ҳам тааллуқли [1] эканини унутмаслик лозим.

Чунончи иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жамғариш ва инвестицияларнинг юқори суръатларда ўсишининг ўзи етарли бўлмайди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун бевосита хорижий инвестициялар ҳаракатидаги тенденцияларни ҳам ҳисобга олиш, инсон капиталига инвестициялар, юқори технологиялар ва техникани яратиш билан боғлиқ бўлган билимларни ривожлантириш, илғор фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этиш ҳам зарур.

Маълумки, тасарруфдаги даромадлар миқдори кўпайиб бориши билан унинг таркибидаги истеъмол улуши камайиб, аксинча, жамғарма улуши кўпайиб боради. Бу ҳолатни Дж.М.Кейнснинг “асосий психологик қонуни” билан қуйидагича изоҳлаш мумкин: “...бизнинг инсон табиатини яхши ўрганганимиз ва билишимиз, шунингдек, инсонларнинг ўтмиш тажрибасини синчиклаб таҳлил қилиш асносида ишонишимиз лозим бўлган асосий психологик қонун шундан иборатки, кишилар, даромадлари ўсиши билан ўз истеъмолларини ҳам оширишга мойил бўладилар, аммо даромадлари ўсган даражада эмас” [2].

Агар мамлакат ичида жамғариш тенденцияси инвестициялардан кўп бўлса, унда бу мамлакатда экспорт импорт ҳажмидан кўпроқ бўлади. Агар аксинча бўлса, бундай мамлакатнинг экспорт ҳажми унинг импортидан кам бўлади. Ўз имкониятларига қараганда ортиқроқ истеъмол қилувчи мамлакат ташқаридан, четдан жалб қилинадиган инвестициялар ҳисобига ўз экспортининг импортидан ортиқ бўлишига интилади. Бундай ҳолда жалб қилинган инвестициялар кредит тусини олади [1].

Инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири – чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни худудлар бўйлаб макбул даражада бир текис жойлаштиришдир. Худудларнинг табиий шарт-шароити, у ерда яратилган бизнес муҳит, ижтимоий-сиёсий, ташкилий-бошқарув принципларининг адолатли йўлга қўйилгани, аҳолининг бизнес юритишга ва тадбиркорликни амалга оширишга бўлган иштиёқи, рискка мойиллиги ҳамда меҳнат ресурсларининг малакаси, турли хилдаги институционал тузилмаларнинг мавжудлиги, уларнинг ривожлангани каби омиллар инвестицион жозибаторликни намоён этадиган муҳим шартлардан ҳисобланади.

Амалий ҳаётда чет эл инвесторлари бирор бир мамлакат иқтисодиётига инвестицияларини киритиши билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилиши учун ўша мамлакатларнинг бизнесни ташкил этиш ва уни юритиш учун яратган шарт-шароитлари, инвестицион муҳитни соғломлаштириш бўйича олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати, хусусан, хорижий компанияларнинг ҳеч қандай монеликсиз кириб келиши, фаолият олиб бориши учун эркин иқтисодий ва махсус зоналарнинг ташкил этилгани, солиқ ва бошқа молиявий имтиёзларнинг мавжудлигига эътибор қаратишади. Шунинг учун ҳам кўпгина ривожланган трансмиллий компаниялар (ТМК) тўғридан-тўғри инвестицияларни бирор бир мамлакат иқтисодиётига киритишдан олдин халқаро рейтинг агентликлари томонидан эълон қилинадиган, хусусан, Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” [3], Бутунжаҳон иқтисодий форумининг “Глобал рақобатбардошлик индекси” [4], Тинчлик учун жамғармасининг “Давлатларнинг фаолиятсизлик индекси” [5] каби рейтинг кўрсаткичларига жиддий диққат қаратишади (1-жадвал).

Мамлакатларнинг инвестицион жозибadorлиги бир қанча омилларга, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, ташкилий-ҳуқуқий ва жуғрофий омилларга боғлиқдир. Ушбу омиллардан келиб чиқиб, инвесторлар мамлакатга инвестицияларни киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилишади. Жаҳон банки томонидан ҳар йили эълон қилинадиган “Doing Business” ҳисоботида турли мамлакатларнинг 6700 дан ортиқ экспертлари томонидан 189 та мамлакатнинг бизнесни юритиш бўйича (жами 10 индикатори) рейтинги эълон қилиб борилади.

Мазкур рейтингда акс этган барча кўрсаткичларни ҳам мукамал деб бўлмайди, албатта. Уларда қуйидаги муҳим омиллар: макроиқтисодий сиёсат, инфратузилмаларнинг сифати, ишчи кучининг малакаси, валюта курсларининг тебраниб туриши, инвесторларнинг фикри, коррупциянинг хавфи ва унинг даражаси билан боғлиқ омиллар акс этмасдан қолган.

1-жадвал

Инвесторлар учун инвестицион муҳит ва мамлакатларнинг жозибadorлигини намоён этадиган рейтинглар [3; 4; 5]

<i>Рейтинг</i>	<i>Рейтингни тузувчи ташкилотлар</i>	<i>Баҳоланадиган параметрлар</i>	<i>Ахборотлар манбаи</i>
<i>Бизнесни юритиш</i>	Жаҳон банки	Бизнесни юритиш учун ҳуқуқий муҳит	Статистик ва ҳуқуқий ахборотлар, эксперт сўровномалари
<i>Глобал рақобатбардошлик индекси</i>	Бутунжаҳон иқтисодий форуми	Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий параметрлари	Статистик ахборотлар ва компания раҳбарларидан сўровномалар
<i>Давлатларнинг фаолиятсизлик индекси</i>	Тинчлик учун жамғармаси	Мамлакатда истиқомат қилаётган инсонлар ва фаолият юритаётган компаниялар учун мавжуд хавфлар	Ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишнинг ички тизими

Жаҳон банки томонидан эълон қилиб бориладиган рейтингда бизнесни очиш ва уни юритиш бўйича давлат томонидан яратилган маъмурий таомиллар ўрин олган бўлиб, унда ҳам мамлакатнинг иқтисодий потенциалига тегишли бўлган асосий омиллар (бозор ҳажми, ишчи кучининг нархи ва б.), шунингдек, потенциал инвестор дуч келиши мумкин бўлган хавфлар инобатга олинмаган.

Бутунжаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинадиган рақобатбардошлик индексида мамлакат ва унда мавжуд бўлган институтларнинг ўрта муддатли даврда барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш имкониятлари бўйича маълумотлар эълон қилиб борилади. Жуда катта ҳажмдаги статистик маълумотлар банки ва компаниялар бошқарувчиларидан ўтказиладиган сўровномалар асосида жами 113 номдаги ўзгарувчилар бўйича Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index) ҳисоблаб чиқарилади. Умумий фойдаланиш мумкин бўлган статистик маълумотлар жами маълумотларнинг 1/3 қисмини ташкил этади, қолгани эса, турли хилдаги анкета-сўровномалари асосида тўпланади [6].

Бутунжаҳон иқтисодий форуми иқтисодий жозибadorликни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланади:

$$IJ = mb + mbs + is + isd + ibh + trd + is$$

IJ – “Иқтисодий жозибadorлик” бўйича давлатга берилган балл.

Ҳуқуқий жозибadorликни аниқлашда “бизнесни юритиш” рейтингидан фойдаланилади.

$$HJ = \frac{1}{DB}$$

Бу ерда, HJ – ҳуқуқий жозибadorлик; DB – “Doing business”да давлатнинг рейтингини.

$$risk = \frac{1}{dbd + nb + dtk + ihpb + ybog + dxot + bt}$$

Бу ерда, risk – инвестициялаш жараёнида рискнинг мавжудлик даражаси: кўрсаткич қиймати қанчалик катта бўлса, капитал қўйилмаларни жойлаштиришда риск даражаси шунчалик кичик бўлади.

Шунингдек, Тинчлик учун жамғарма (The Fund for Peace) томонидан 12 та тамойил асосида учта гуруҳга (иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий) бўлган ҳолда, инвестицион муҳитни англатувчи давлатнинг фаолиятсизлик индексида. Ижтимоий гуруҳга: демографик босим даражаси, миграция даражаси, ҳаётдан норози бўлганлар сони, давлатдан чиқиб кетган эмигрантлар; иқтисодий гуруҳга: иқтисодий ўсишнинг номутаносиблиги, иқтисодий беқарорлик даражаси; сиёсий гуруҳга – давлат тузилмаларининг криминалга алоқадорлиги, жамоат ташкилотлари хизматининг сифати, инсон манфаатлари ва қонунларнинг поймол бўлаётганлиги, турли гуруҳ ва уруғларнинг таъсир доираси, бошқа давлатларнинг мамлакатнинг ички ишларига аралашуви каби омиллар инобатга олинади [7].

Мамлакатдаги иқтисодий фаолиятга, авваламбор, чет эл иқтисодий агентларига нисбатан сиёсий ҳолат муҳим роль ўйнаши мумкин. Уларни ўлчаш учун иккита ўзгарувчан кўрсаткичлардан фойдаланилади. Булар – ҳудудларнинг инвестицион рейтингини ҳамда инвестицион салоҳият ва хатар рейтингидир. Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми ҳудуднинг умумий инвестицион муҳитини акс эттиради.

Ички инвесторларнинг фаоллиги хорижий инвесторлар учун ижобий белги ҳисобланади. Ҳудуднинг очиклик даражаси, авваламбор ташқи савдо ҳамда импорт ва экспорт ҳажми билан боғлиқ. Айрим тадқиқотчиларнинг ҳисоблашича, ҳудуднинг географик хусусиятлари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келишига ҳам туртки бўлади. Шунинг ҳам инобатга олиш керакки, ҳудуд қанчалик пойтахтга яқин бўлса, ушбу ҳудудга йўналтириладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ҳам шунчалик юқори бўлади. Чунки бундай ҳолатда транзакция харажатлари анча паст бўлади.

Ишбилармонлик муҳитини соғломлаштириш ва бизнесни юритиш бўйича қулай шарт-шароитларни яратиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: бизнесни юритиш арзонлигини таъминлаш учун маъмурий тазйиқлар ва таомилларни камайтириш, пухта ва ҳар томонлама ўйланган солиқ тизимини яратиш; инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошишини таъминлаш учун инфраструктураларни яратиш ва улар имкониятини кенгайтириш; давлатнинг тартибга солиш механизмнинг инновацион усулларини яратиш, эскириб қолган усулларидан воз кечиш; мамлакатнинг инвестицион обрўси ва нуфузини (имиджини) ошириш; инвесторларни жалб этиш учун эркин иқтисодий

худудлар имконияти ва салоҳиятидан максимал фойдаланиш, хорижий тажрибаларни ижодий ўзлаштириш; давлат – хусусий шерикчилиги имкониятидан тўлиқ фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2002.
2. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М., 1978.
3. [http:// www.doingbusiness.org](http://www.doingbusiness.org)
4. <http://weforum.org>
5. <http://ffp.statesindex.org>
6. Schwab К. World Economic Forum: The Global Competitiveness Report. Geneva: World Economic Forum, 2013.
7. The Failed States Index Rankings. URL: <http://ffp.statesindex.org/rankings>.

Махмудов Суҳроб Шухратович
таянч докторант
Қарши давлат университети

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИГА КўРА МЕХНАТ БОЗОРЛАРИНИНГ ФАРҚЛАНИШИ

Аннотация. Мақолада мамлакат ҳудудларининг ихтисослашув даражалари аниқланиб, ҳудудий меҳнат бозорлари иқтисодий ривожланиш хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратилган. уларнинг таҳлил қилинади. Тадқиқот доирасида амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижалари асосида ҳудудий бирликларнинг таққослама таҳлили амалга оширилган.

Калит сўзлар: меҳнат бозори, ишсизлик, ихтисослашув, ялпи ҳудудий маҳсулот, Кругманнинг тафовутлар индекси, Херфиндал-Хиршман индекси.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатида қатор фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин. Меҳнат бозорининг умумий мувозанати ва тузилмавий хусусиятларини белгиловчи омиллар мажмуи мамлакат ҳудудларига кўра фарқ қилади. Шу нуқтаи назардан, ҳудудларда иқтисодий ривожланиш ва иш билан бандликдаги тафовутларни ўрганиш меҳнат бозорини тартибга солиш ва ундаги устуворликларни белгилаш мақсадларига хизмат қилади.

Ҳудуднинг иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларга макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларни чегара қийматлари билан таққослаш, индикатив таҳлилдан фойдаланиш, эксперт баҳолашлари, кўп ўлчовли статистик таҳлил, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларнинг ўзгариш динамикаси бўйича темп кўрсаткичларини қўллаш ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Ҳудудларда иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш ҳолатини баҳолашда ихтисослашув ҳолатини тавсифловчи П. Кругманнинг тафовутлар индекси ва Херфиндал–Хиршман индексларидан фойдланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кругманнинг тафовутлар индексини ҳисоблаш формуласи куйидагича:

$$K_i^s = \sum_{j=1}^m |g_{ij}^s - g_i| \quad (1)$$

бу ерда
$$g_j = \frac{X_j}{X} \quad (2)$$

K_i^S – i хуудунинг ихтисослашув индекси;

g_{ij}^S – j тармоқнинг i хууд ялпи кўшилган қийматининг шу хууд жами тармоқларнинг ялпи кўшилган қийматидаги улуши ;

g_j – j тармоқ ялпи кўшилган қийматининг жами тармоқлар ялпи кўшилган қийматидаги улуши; X – ялпи кўшилган қиймат;

X_j – j тармоқнинг ялпи кўшилган қиймати;

Херфиндал–Хиршман индексини ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$H_i^S = \sum_{j=1}^m (g_{ij}^S)^2 \quad (3)$$

бу ерда
$$g_{ij}^S = \frac{X_{ij}}{\sum_{j=1}^m X_{ij}} = \frac{X_{ij}}{X_i} \quad (4)$$

X_{ij} – i хуудда j тармоқнинг ялпи кўшилган қиймати;

X_i – i хуудда тармоқларнинг ялпи кўшилган қиймати;

Ихтисослашув муайян фаолият турларининг хуудларда имтиёзли тақсимланишида ифодаланиб, ўрганилаётган маконда хуудларнинг меҳнат тақсимоотидаги ролини белгилайди. Худудий ихтисослашув минтақавий истиқболни ифодалайди ва умумий иқтисодиётида тармоқ улушларининг тақсимланишини одатда мамлакатнинг қолган қисмларига нисбатан тасвирлайди. Агар ушбу минтақа иқтисодиётида оз миқдордаги саноат тармоқлари катта улушга эга бўлса, минтақа юқори даражада ихтисослашган ҳисобланади [1]. Тадқиқот доирасида Ўзбекистон маъмурий иқтисодий районларининг ихтисослашув кўрсаткичлари ялпи худудий маҳсулот (ЯХМ) таркиби асосида ҳисоблаб чиқилди (1-жадвал).

Худудий меҳнат бозорларини таснифлашда хуудлардаги ишсизлик даражаси кўрсаткичидан фойдаланилди. Худудлар олинган натижаларга кўра математик статистикада вариацион қаторларни гуруҳларга ажратишда қўлланиладиган Стерджесс формуласи ёрдамида гуруҳларга ажратилди ҳамда гуруҳлаш натижаларининг умумий ва фарқли жиҳатлари ўрганилди. Стерджесс формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$n = 1 + 3,322 \cdot \lg N \quad (5)$$

бу ерда n – гуруҳлар сони, N – жами бирликлар сони (бизнинг мисолимизда хуудлар сони), бунда интервалнинг қиймати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$h = (x_{max} - x_{min})/n \quad (6)$$

бу ерда x_{max} ва x_{min} мос равишда миқдорларнинг (бизнинг мисолимизда ишсизлик даражаси) максимал ва минимал қийматлари.

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра минимал қиймати 7,9 % ва максимал қиймати 9,72 %га тенг бўлган 14 та хууднинг ишсизлик даражалари интервали 0,36 (7,90 – 8,26; 8,27 – 8,63; 8,64 – 8,99; 9,0 – 9,36; 9,37 – 9,72) бўлган 5 та гуруҳга ажратилиши лозимлиги аниқланди. Ишсизлик даражалари 8,27 – 8,63 ораликқа мос тушувчи хуудлар мавжуд эмаслиги, дастлабки икки гуруҳга 1 тадан хууд тўғри келаётганлиги ва бу хуудлар (Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти) аҳоли жон бошига ЯХМ, меҳнат унумдорлиги (ЯХМнинг иқтисодиётда банд аҳоли сонига нисбати) ҳамда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичлари бўйича баҳоланганда ҳам энг юқори поғоналардан жой олганлиги сабабли бир гуруҳга киритилиб, таҳлил қилинаётган хуудлар 3 та гуруҳга ажратилди.

1-жадвал

Ўзбекистон ҳудудларида иқтисодий ривожланиш ҳолатини ифодаловчи ўртача статистик миқдорлар (2019 йил 1 январь ҳолатига)¹²

Ҳудудлар номи	Ишсизлик даражаси, %	Кругман индекси	Херфиндал–Хиршман индекси	Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯХМ), минг сўм	Меҳнат унумдорлиги, млн. сўм/ киши	Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи, минг сўм
1	2	3	4	5	6	7
Ўзбекистон Республикаси	9,34		0,114	12365,6	30,70	1822,2
1-гурух						
Тошкент шаҳри	7,90	0,828	0,170	21419,4	47,09	2570,4
Навоий вилояти	8,65	0,564	0,193	22489,1	53,32	2371,0
1-гурух бўйича ўртача қиймат	8,28	0,696	0,182	21954,25	50,20	2470,7
2-гурух						
Бухоро вилояти	9,00	0,422	0,165	11222,4	26,97	1709,3
Тошкент вилояти	9,04	0,326	0,165	13333,4	31,28	2063,1
2-гурух бўйича ўртача қиймат	9,02	0,374	0,165	12277,9	29,12	1886,2
3-гурух						
Жиззах вилояти	9,37	0,570	0,205	8830,3	23,15	1543,8
Қорақалпоғистон Республикаси	9,50	0,260	0,145	7642,9	20,04	1730,7
Сурхондарё вилояти	9,51	0,538	0,180	6712,5	17,02	1473,2
Наманган вилояти	9,52	0,424	0,150	6654,7	17,18	1434,5
Хоразм вилояти	9,55	0,384	0,165	8325,6	21,56	1488,9
Сирдарё вилояти	9,63	0,483	0,154	9966,6	23,96	1540,1
Андижон вилояти	9,64	0,396	0,187	8923,9	21,46	1668,4
Қашқадарё вилояти	9,68	0,296	0,134	8932,1	23,19	1621,3
Самарқанд вилояти	9,69	0,402	0,171	8295,8	21,26	1431,3
Фарғона вилояти	9,72	0,254	0,141	6895,7	17,43	1503,2
3-гурух бўйича ўртача қиймат	9,58	0,401	0,163	8118,0	20,63	1543,5

Ихтисослашув индекси энг паст бўлган ҳудудлар иқтисодиётининг таркиби энг яхши диверсификация қилинганлигини англатади. Бу ҳудудлар Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси. Уларда Кругман индекси бўйича ҳам, Херфиндал–Хиршман индекси бўйича ҳам ихтисослашувнинг энг паст даражаси қайд этилган. Шу билан

¹² Жадвалнинг 3, 4 ва 6-устунлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

бир қаторда, мазкур ҳудудлар ишсизлик даражаси энг юқори бўлган 3-гуруҳга тегишли. Бу ҳудудлар учун яна бир умумийлик шундаки, уларда, 3-гуруҳ таркибига кирувчи барча ҳудудлар каби, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМ, меҳнат унумдорлиги ва ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичлари 1- ва 2- гуруҳ ҳудудлари ҳамда Ўзбекистон бўйича статистик ўртача миқдорлардан паст.

3-гуруҳдаги 10 та ҳудуднинг 6 тасида ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибида (ялпи қўшилган қиймат таркиби) аграр секторнинг улуши 50%дан, 8 тасида 42%дан юқори кўрсаткичга эга. Бу эса иқтисодиётининг асосий тармоғи аграр сектор бўлган ҳудудларда ишсизлик даражаси юқори эканидан далолат беради. Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари 3-гуруҳ ҳудудлари орасида ихтисослашувнинг иккала индекслари ҳам юқори бўлган ҳудудлардир. Бинобарин, улар тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати таркибида аграр секторнинг улуши энг юқори бўлган ҳудудлар саналади. Эътиборли жиҳати шундаки, ихтисослашув индекслари юқори бўлган бу вилоятларда ишсизлик даражаси 3-гуруҳнинг бошқа ҳудудларига қараганда пастроқ.

2-гуруҳ Бухоро ва Тошкент вилоятларини ўз ичига олиб, уларнинг иккаласида ҳам ишсизлик даражаси 9% ва Херфиндал–Хиршманнинг ихтисослашув индекси 0,165га тенг ҳамда ишсизлик даражаси мамлакат бўйича статистик ўртача миқдорлардан паст, ихтисослашув даражаси эса мос миқдордан юқори. Хусусан, Тошкент вилояти мамлакат миқёсидаги кўрсаткичлар билан таққослаганда 1-жадвалда қиёсланаётган ўртача статистик миқдорларнинг барчаси бўйича ижобий устунликка эга. Фикримизча, бу устунлик ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоғи саноат тармоғи эканлиги билан изоҳланиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, Бухоро вилоятида 3-гуруҳ ҳудудлари каби ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибида (ялпи қўшилган қиймат таркиби) аграр соҳанинг улуши юқори (51,6 %). Лекин вилоятдаги ишсизлик даражаси 3-гуруҳ ҳудудлари учун ўртача статистик қийматдан 0,58% пунктига кам, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳам 3-гуруҳнинг мос кўрсаткичига нисбатан 1,3 баробар катта. Бизнингча, аграр соҳа устуворлик қилган ҳудудларда ишсизлик даражаси юқори бўлган шароитда, Бухоро вилоятида ушбу кўрсаткичнинг бу ҳудудларга нисбатан пастлиги вилоятнинг бешта тумуни ҳудудида “Бухоро-Агро” эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши билан боғлиқ [2].

1-гуруҳ Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятини ўз ичига олиб, қиёсланаётган ўртача статистик миқдорларнинг барчаси бўйича 2- ва 3- гуруҳлар ҳамда Ўзбекистон миқёсидаги кўрсаткичларга қараганда ижобий устунликка эга. Хусусан, Навоий вилоятида Кругман индекси 0,564ни ташкил этиб, вилоят бу рўйхатда Тошкент шаҳри (0,828) ва Жиззах вилоятларидан (0,570) кейин, 3-ўринда жойлашган. Херфиндал–Хиршман индекси эса 0,193ни ташкил этиб, Жиззах вилоятидан (0,205) кейин, 2-ўринни эгаллаган. Ихтисослашув индексларининг юқорилигини вилоят саноат тармоғининг ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 54,1%ни ташкил этиши билан изоҳлаш мумкин. Вилоят ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (23343,2 минг сўм) кўрсаткичи бўйича мамлакатда етакчи ҳисобланиб, республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида 9,9% улуш вилоят ҳиссасига тўғри келади. Вилоят металлургия саноати бўйича мамлакатда етакчи ўринда туради. Республика металлургия саноати таркибида Тошкент вилояти 48,3%, Навоий вилояти 37,9% ва Тошкент шаҳри 11,0% улушни ташкил этиб, бу ҳудудлар мамлакат жами металлургия саноати маҳсулотининг 97,2%ини ишлаб чиқаради. Республика ҳудудлари орасида Навоий вилоятида меҳнат унумдорлигининг энг юқори кўрсаткичи (53,32 млн.сўм/киши) қайд этилиб, бу Ўзбекистон бўйича ўртачадан 1,7 баробар кўп. Вилоят аҳоли жон бошига ЯХМнинг тақсимланиши кўрсаткичи (22489,1 минг сўм) бўйича ҳам етакчи ҳисобланиб, бу миқдор Ўзбекистон бўйича ўртачадан 1,8 баробар ортиқ.

2018 йилда Ўзбекистон ҳудудлари бўйича ишсизликнинг энг паст даражаси Тошкент шаҳрида (7,9%) кузатилган. Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (2570,4 минг сўм) энг юқори миқдорни ташкил этади ва бу Ўзбекистон бўйича ўртача миқдордан 1,4 баробар кўп. Тошкент шаҳри аҳоли жон бошига

ЯХМ (21419,4 минг сўм) ва меҳнат унумдорлиги (47,09 млн. сўм/киши) кўрсаткичлари бўйича Навоий вилоятидан кейин, 2-ўринда туради.

Ҳисоб-китоблар натижасига кўра, Кругманнинг тафовутлар индексининг энг катта қиймати Тошкент шаҳрига (0,828) тўғри келди. Бунинг асосий сабаби Тошкент шаҳри ЯХМ таркибида аграр соҳанинг улуши мавжуд эмаслиги ва хизматлар соҳасининг энг юқори улуши (55,6 %) мавжудлигидир. Республикада ҳудудлар бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида Тошкент шаҳрининг улуши 32,9 %ни ташкил этади.

Ўзбекистон ҳудудларининг ихтисослашуви таҳлили шуни кўрсатдики, чуқур ихтисослашув ишлаб чиқарадиган саноат ривожланган ҳудудларда самарали бўлади. Кругман индекси таҳлил қилинаётган 14 та ҳудуд учун ўртача статистик миқдордан (0,439) юқори ҳудудларни қарайдиган бўлсак, бу рўйхатдан Сирдарё вилояти (0,483), Сурхондарё вилояти (0,538), Навоий вилояти (0,564), Жиззах вилояти (0,570) ва Тошкент шаҳри (0,828) жой олади. ЯХМнинг ялпи қўшилган қиймат бўйича таркибида ишлаб чиқариш саноатининг улуши Сурхондарё (6,3%) ва Жиззах (8,2%) вилоятларида мамлакатнинг маъмурий иқтисодий районлари ичида энг кам миқдорни, Сирдарё вилоятида 13,6%ни ташкил этган. Айни улуш Тошкент шаҳри (33,0%) ва Навоий вилоятида (36,1%) республикадаги энг юқори миқдор ҳисобланади. Сирдарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари ишсизлик даражаси энг юқори бўлган 3-гурухга, Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти эса ишсизлик даражаси нисбатан паст бўлган 1-гурух таркибига киради.

Юқоридаги мулоҳазалар чуқур ихтисослашув кўрсаткичига эга, ишлаб чиқарадиган саноат ривожланган ҳудудлар, меҳнат бозори нуқтаи назаридан қараганда, ишсизлик даражаси, меҳнат унумдорлиги ва ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичлари жиҳатидан бошқа ҳудудлардан устунликка эгаллигини далиллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Goschin, Zizi & Constantin, Daniela & Roman, Monica & Pleanu, Bogdan-Vasile. (2009). Regional Specialisation and Geographic Concentration of Industries in Romania. South-Eastern Europe Journal of Economics.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 июлдаги “«Бухоро-Агро» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3843-сон қарори.

Ҳужамкулов Дилмурод Юсупалиевич

и.ф.н., доцент

Тошкент давлат иқтисодий университетини

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯРАТИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ИШТИРОКИНИ ОШИРИШ

Аннотация. Ушбу мақолада глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро интеграциясини фаоллаштиришида муҳим омил бўлган инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишининг қулай инвестиция муҳитини яратишида эркин иқтисодий зоналар иштирокини ошириш имкониятлари, йўналишлари тадқиқ этилган ва ёритилган.

Калит сўзлар: инвестициялар, инвестиция муҳити, эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, инфратузилма, ишлаб чиқариш, инвестор, миллий иқтисодиёт, имтиёз, хорижий инвестициялар.

Янги ривожланиш даврини бошлаган Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни фаол жалб этишда қулай инвестиция муҳитини яратиш долзарб вазифага айланиб, унинг амалга оширилишини таъминлашда эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)лар иштирокини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси [1] самарадорлигини таъминлашда инвестицияларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, ички ва ташқи

инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этишда ЭИЗлар иштирокини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЭИЗлар, технопарклар ва кичик саноат зоналари мамлакат инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишдаги аҳамияти билан бирга ҳудудларда ишлаб чиқариш, иш билан бандлик, экспорт салоҳиятини ошириш асосида модернизациялашган тармоқларни шакллантириш ва рақобатбардошликни кучайтиришда муҳим ўрин эгаллайди. Шунга кўра, сўнгги йилларда республикаимиз барча ҳудудларида ЭИЗларини ташкил этиш ва ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бунинг натижасида бугунги кунга келиб республикаимизда ишлаб чиқариш, агросаноат, логистика, фармацевтика, туризм, спорт, балиқчилик каби йўналишларда янги ташкил этилган ЭИЗлар ва технопарклар ҳисобига республикаимизнинг Тошкент шаҳрида 3 та технологик парк ҳамда бошқа барча ҳудудларда жами 24 та ЭИЗлар фаолияти ташкил этилди (1-расмга қаранг), жумладан, ҳозирда сўнгги “Чироқчи” ЭИЗ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 сентябрдаги ПФ-5825-сонли Фармони [2] билан ЭИЗ Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида ташкил этилди. Шунингдек, эндиликда республикаимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам технопаркларни ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мазкур ЭИЗларнинг ¼ қисми (6 таси) Тошкент вилоятида жойлашганлиги мавжуд салоҳиятлардан самарали фойдаланган ҳолда миллий иқтисодиёт ривожини ва халқаро интеграциясини фаоллаштиришда ҳудуднинг иштирокини ошириш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш асосида инвестицияларни кенгроқ жалб этиш имконини беради. Бундан ташқари, ҳозирга келиб республикаимизнинг барча ҳудудларида жами 156 та кичик саноат зона (КСЗ)ларининг ташкил этилганлиги инвестицияларни жалб этувчи қулай муҳит жозибадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.



1-расм. Ўзбекистонда ташкил этилган ЭИЗларнинг ҳудудий тақсимланиши¹³ [3]

¹³ Мустақил тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда ЭИЗлар фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги бу соҳада ЭИЗлар фаолиятни ривожлантириш учун зарурий ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш билан бирга улар фаолиятини ташкил этиш, ривожлантиришда инвестицияларни, жумладан, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга бўлган эътиборни янада кучайтириш заруриятини келтириб чиқаради.

ЭИЗларга инвестицияларни жалб этиш уларнинг инвестицион жозибадорлигига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, бу борада мамлакатимиз ЭИЗларида хорижий инвестицияларни ўзига жалб эта олувчи қулай шарт-шароитлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ дозим.

Хусусан, 2016 йилда fDi Intelligence таҳлилий маркази томонидан чоп этилган ва Financial Times нашриёт уйи таркибига кирувчи хорижий сармояларга оид fDi Magazine нашри томонидан тузиб чиқилган дунёнинг энг яхши эркин иқтисодий ҳудудлари рейтингда “Навоий” ЭИЗ “Марказий Осиёдаги йилнинг энг яхши эркин иқтисодий ҳудуди” номинациясида биринчи, “Осиёдаги энг яхши эркин иқтисодий ҳудуд” номинациясида иккинчи ўринга муносиб кўрилганлиги, бундан ташқари, “Навоий” ЭИЗ “Осиёнинг кичик ва ўрта бизнесни жалб қилиш бўйича энг яхши эркин иқтисодий ҳудуди” бўйича ҳам иккинчи ўринни эгаллаганлиги [4] бунинг амалий тасдиғи ҳисобланади.

Бироқ, мамлакатимиздаги мавжуд ЭИЗлардаги мақом, мақсад ва шарт-шароитларнинг турличалиги улар фаолиятида етарли даражада инвестицияларни жалб этишга турлича таъсир кўрсатаётганлигини ҳам эътиборга олмақ лозим. Шу боисдан ушбу масала бугунги кунда танқидий ўрганиб чиқилмоқда. Хусусан, “Исбот тариқасида “Навоий” эркин иқтисодий зонаси бўйича маълумотларни келтираман. Ўтган 8 йил мобайнида бу ерда атиги 24 та лойиҳа амалга оширилиб, уларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши жуда паст ва атиги 900 та одам ишга жойлаштирилган. Ўтган йили эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 24 фоизга пасайган” [5].

Бундай ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сонли Фармонининг қабул қилинишига сабаб бўлди. Ушбу Фармон асосида ушбу давргача турли мақомдаги ЭИЗлар номлари бирхиллаштирилди, улар фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, улар учун ягона ҳуқуқий режим, инвесторлар учун солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни бирхиллаштириш ҳамда ягона ЭИЗлар Маъмурий кенгаши ташкил этилиб, унинг ҳуқуқ ва вазифалари белгилаб берилди. Ушбу қарор ЭИЗлар фаолиятига янгича муносабат ва кейинги ташкил этилганлар бўйича ҳам шунга хос ёндашувларни белгилаб берди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-таadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сонли Қарори мамлакатимизда ташкил этилган ЭИЗлар ва КСЗларини бошқариш ҳамда улар фаолиятини ташкил этишнинг янги тизимини жорий этиш асосларини яратиб берди, бунинг натижасида ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори қўшилган қийматли рақобатдош, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича юқори технологияли замонавий ишлаб чиқаришларни барпо этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун ғоят қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, шунингдек, республика минтақаларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, бунинг асосида янги иш жойларини ташкиллаштириш ва аҳоли даромадларини оширишда ЭИЗлар ва КСЗларининг иштирокни кучайтиришга қаратилган бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Умуман олганда, дунёдаги ЭИЗлар, одатда хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида ташкил қилинади. Уларнинг ёрдамида ҳуқумат мамлакат ичидаги мавжуд бир қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишни кўзлайди. ЭИЗлар инвестицияларни жалб қилиш орқали мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини фаоллаштиришга, ижтимоий кескинликни пасайтиришга, мамлакат мавқеини оширишга имкон беради. Кўплаб

мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, ЭИЗни амалга ошириш механизмларига тўғри ёндашиш орқали мамлакат иқтисодиётини юқори даражага кўтариш мумкин. ЭИЗ ташкил этишда мақсад ва вазифаларни ҳар томонлама ва чуқур ишлаб чиқиш, кўплаб омилларни, яъни мамлакатнинг иқтисодий жойлашуви, инвестиция ва солиқ қонунчилигидаги барқарорлик, мамлакатнинг ташқи савдо алоқалари ва бошқа омилларни эътиборга олиш керак. Фақат шундагина ЭИЗлар самарали фаолият кўрсатадилар.

Аслида эса ЭИЗлар миллий иқтисодиётга алоҳида ҳуқуқий мақомлар остида ўзига хос режим, қулайликлар, имтиёзлар, давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларга асосланган зона сифатида хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш асосида мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, зоналарни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришга эришиш учун хизмат қилмоғи ва кенг имкониятларга эгаллигини намоён этиб турмоғи лозим.

Шу мақсадда мамлакатимизда ташкил этилган ЭИЗлар фаолиятини ривожлантириш ва уларга ички ва ташқи инвестицияларни кенг жалб этиш учун қуйидаги чораларни амалга оширишни лозим, деб ҳисоблаймиз:

- мамлакатда ташкил этилган ЭИЗлар фаолияти бўйича доимий ва меъёрий даражадаги ҳукумат назоратини олиб боришни кучайтириш керак. Бу ЭИЗлар Маъмурий кенгашларининг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Зеро, Хитойда яратилган ЭИЗлар муваффақиятининг асоси ҳам у ердаги ҳукуматнинг бошқарув ва тартибга солишдаги ролининг катталиги билан изоҳланади;

- ЭИЗ ҳудуди танланаётганда зонанинг қулай иқтисодий-географик жойлашуви, зарурий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси билан таъминланганлиги, ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланганлиги, юқори даражадаги илмий, техник ва таълим салоҳиятига эгаллиги каби хусусиятлар эътиборга олинishi лозим. Бу юқори самарадорликка эришишда муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда, ташкилий ишлар учун давлат томонидан катта харажатлар қилишга тўғри келади;

- жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ЭИЗларда инвестициялар учун солиқ имтиёзларини тақдим этиш зарур, лекин, ЭИЗни яхши фаолият юритиши учун бу етарли эмас. Бизнес юритиш учун қулай тадбиркорлик муҳити, масалан, маъмурий тўсиқларнинг бор ёки йўқлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Шу сабабли инвесторлар учун етарлича маъмурий имтиёзларни ҳам тақдим этиш керак. Масалан, ЭИЗда хорижий банк филиалларини ташкил қилишга руҳсат бериш шулар жумласидандир;

- жаҳон тажрибасига кўра, ҳар доим ҳам кўпроқ иқтисодий самарага эришиш учун ЭИЗ катта жойни эгаллаши шарт эмас, яъни улар майдони бир-икки км² дан бир неча км² гача ҳам бўлиши мумкин. Чунки, ЭИЗ қанча катта майдонни эгалласа, давлат томонидан ҳам уни ташкил этиш учун шунча катта маблағ талаб этилади. Энг муҳими, қулай шароит ва инвестицияларнинг жалб этилишидир. Шунга кўра, республикамиз ҳудудларида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида технопаркларни ташкил этишни ривожлантириш лозим. Уларни юқори илмий-техникавий, катта тажриба, билим ва салоҳиятга эга малака мутахассис-кадрларга эга илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари негизида ташкил этиш ва уларга инвестициялар жалб этишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир;

- технопарклар, КСЗлари ва ЭИЗларининг мамлакатимизда ривожланиб бораётган кооперация жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш зарур;

- ўз навбатида, ЭИЗлар, КСЗлари ва технопаркларни рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш ҳамда уларнинг меҳнатини муносиб тарзда моддий, маънавий рағбатлантириш тизимини ҳам яратиш зарур;

- ЭИЗлар, КСЗлари ва технопарклар фаолиятини ривожлантиришда мамлакатимизда транспорт-логистика, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш, логистика тизимининг самарали ишлаш механизминини яратиш, товар ва хом ашёларнинг экспорти-импортида божхона расмийлаштируви, назорати билан боғлиқ хизматлар сифати ва

самарадорлигини ошириш, бу жараёндаги сарфланадиган ортиқча вақт ва маблағларни тежаш билан ЭИЗларда ташкил этилган инвестиция фаолиятини ривожлантириш.

Ўзлаймизки, юқорида келтирилган илмий-амалий аҳамиятга молик тақлиф-тавсияларни амалиётда самарали жорий этиш қулай инвестицион-инфратузилмавий муҳитни яратиш асосида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. //lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 сентябрдаги “Чироқчи” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5825-сонли Фармони. //lex.uz.

3. Мустақил тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

4. <http://kun.uz/news>.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. // uza.uz.

Шовдиров Тохирмалик Нафасович

Стажёр ўқитувчи

Тошкент давлат шарқшунослик институти

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аннотация. Ушбу мақолада инвестиция муҳити тушунчасининг моҳияти, ва жаҳон хўжалиги тизимида инвестициялар киритилишининг муаммолари ва унинг ечимлари ҳақида қисқача фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ҳамда бир қатор олимлар ва жаҳон банкининг инвестиция муҳитини шакллантириш методологияси масалаларининг моҳияти ва тушунчалари очиқ берилган.

Калит сўзлар: инвестиция, “инвестицион муҳит”, “инвестицион жозибадорлик”, рақобатбардошликни таъминлаш, таркибий ўзгартиришлар, иқтисодий ўсиш, глобаллашув.

Ҳозирги глобаллашув шароитида хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ва жаҳон хўжалиги тизимида интеграциялашиш имконини беради ва бу айниқса ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун муҳим дастурил амал бўлиб ҳисобланади. Бизга малумки, хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали мамлакат миллий иқтисодиётини нафақат ривожлантириш балки ички ишлаб чиқариш субекларини модернизациялаш имконини ҳам беради шу орқали мамлакат миллий иқтисодиёти ташқи бозорга интеграциялашади.

Doing Business мамлакатларда бизнес юритишни ташкил этиш бўйича 2019 йилги ҳисоботларига кўра асосан ривожланаётган мамлакатларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ўтган йилларга нисбатан секин кечаётгалиги таъкидлаб ўтмоқда, бунинг сабаблари сифатида мамлакат иқтисодий қонунларида бўшлиқларнинг юзага келиши яъни такомиллаштирилмаганлиги мамлакатнинг инновацион ишлаб чиқарилишида технологик оқсаш кузатилиши натижасида мамлакатларда инвеститцион жозибадорлик этишмаслиги муаммоси кузатилмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш давлатлар учун доимо муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда, инвестицияларни жалб этиш халқаро капитал бозорида доимо қаттиқ рақобат кураши остида ўтган, иқтисодиётга уни керакли микдорда ва сифатли жалб этиш, ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Инвестицияларни жалб этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ҳисобланади, “инвестицион муҳит” ва “инвестицион жозибадорлик”

категорияларига кўплаб олимлар таъриф берган бўлсада, лекин илмий мунозараларда яқдилликка эришилмаган, баъзи олимлар ўз ишларида бу икки категорияни синоним сифатида ҳам ишлатган. Ушбу саволга ҳозирги қарашларни кўриб чиқадиган бўлсак, ҳозирги вақтда инвестицион муҳитни таснифлашнинг ягона ёндошуви мавжуд эмас, бу эса ушбу соҳада методологик изланишларни тезкор равишда ўтказишни талаб этади. Баъзи тадқиқотчилар инвестицион муҳитнинг кенг тарифини таклиф қилишмоқда, унинг остида компанияларнинг инвестицион фаолиятига таъсир этувчи ташқи муҳит тушунилади. Масалан, жаҳон банки таҳлилчиларининг фикрига кўра, инвестицион муҳит ҳар бир ҳудудга хос бўлган омилларнинг жамланмаси бўлиб, у компанияларнинг имкониятларини аниқлайди ва уларни самарали инвестиция киритиш, иш ўринларини яратиш ва фаолиятни кенгайтириш учун рағбатлантиради.

“Инвестицион муҳит” кўпқиррали ва ва қийин тушунча бўлиб, иқтисодий категория сифатида иқтисодчи олимлар томонидан қуйидагича таърифлар берилган.

Инвестицион муҳит – бу бирор давлатда шаклланган сиёсий, ижтимоий-маданий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шартларнинг йиғиндиси бўлиб, тадбиркорлик инфраструктурасининг сифатини белгиловчи, инвестиция қилишнинг самарадорлигини ва капитал қўйилмалари учун мавжуд хатарларни йиғиндисидан иборат¹⁴”

Инвестицион муҳит қабул қилувчи мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади, уни баҳолаш учун амалиётда 10 та компонентдан иборат индекс қўлланилади. Ушбу кўрсаткичларни яхшилаш инвестицион жозибadorликка сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади:

1. Бозор ҳажмининг ўсиши – миқёс самараси туфайли таннарх пасаяди, бу бозор сегментацияси ортидан янада мослашувчан стратегияларни амалга ошириш имконини беради.

2. Иқтисодиёт очиқлигини таъминлаш – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун очиқ бўлган тармоқлар ва соҳалар сонини кескин оширади, сарможда хориж иштирокчиларининг қатнашиш даражасини пасайтиради.

3. Инфратузилмани ривожлантириш – ишлаб чиқаришда харажатларини камайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, бозорларни ва иқтисодий фаолият соҳалар ўзаро боғлаб, объектлар ва иншоотларга киришни яхшилаш имконини беради.

4. Меҳнат ресурслари сифатини яхшилаш – технологик жиҳатдан мураккаб лойиҳаларни амалга ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга имкон беради.

5. Ишчи кучи учун нисбатан паст харажатларнинг сақлаб қолиниши – нарх рақобатида устунлик яратади.

6. Инвестицияларни ҳимоя қилишни кучайтириш – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини оширишни ва технологиялар трансферини рағбатлантиради.

7. Рискларни пасайтириш – рискдан қочувчи инвесторларни жалб қилади.

8. Молия бозорини ривожлантириш – миллий банк тизими ва фонд бозорлари ёрдамида лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларини кенгайтиради.

9. Солиқ юқини камайтириш – солиқлардан кейинги даромадни кўпайтиради ва инвесторларнинг устуворлигидан келиб чиқиб даромадларни қайта инвестициялаш ва тақсимлаш имконини беради.

10. Тартибга солиш муҳити сифатини ошириш – тўлиқ фаолият юритувчи корхонани ташкил қилиш вақти ва харажатларини камайтиради.

Санаб ўтилган компонентлар қабул қилувчи мамлакатларнинг инвестицион жозибadorлиги нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Уларни ривожлантириш хорижий инвестициялар бўйича давлат органларининг устувор вазифаси ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий ва маҳаллий инвесторларни янада жалб қилиш ишларини соддалаштириш мақсадида мамлакатимиз президенти Ш. Мирзиёв томонидан 2019 йил 29-апрелда “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб

¹⁴Финансово-кредитный энциклопедический словарь. /Колл.авторов; под общ. Ред. Г.А.Грязновой.- М.: Финансы и статистика, 2002. – с. 14.

қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизнинг 2019 йилги давлат Инвестиция дастурига кўра 16,6 миллиард долларлик 3 мингдан зиёд лойиҳа киритилган бўлиб, бу 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўпдир. Шунингдек, 2019 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,2 миллиард доллар бўлган 140 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Хорижий давлатлар ва инвесторлар билан фаол иш олиб борилаётгани натижасида жами инвестицияларнинг 25 фоизини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этмоқда. Хусусан, жорий йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 320 та лойиҳа доирасида 4,2 миллиард доллар ўзлаштирилиши кўзда тутилган ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш масаласига алоҳида ёғтибор қаратилганидир. Шу борадаги ишлар натижасида 2018 йили 1 миллиард доллардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилган, 133 та корхона ишга туширилган бўлса, жорий йилда тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокида 209 та ҳудудий лойиҳа амалга оширилиб, 1,9 миллиард доллар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган¹⁵. Ушбу рақамларлардан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистонда бизнес юритиш ва инвеститцион жозибадорлик бирмунча яхшиланганлигини кўришимиз мумкин. Лекин мамлакатимизда ташкил этилган 120 га яқин кичик ва йирик турдаги бир қатор эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвесторларнинг маблағ киритиш ишлари секин кечаётганлиги хали соҳада кўплаб ишларни қайта кўриб чиқиш имконини беради. Ушбу ишларни хорижий мамлакатлар мисолида кўриб чиқадиغان бўлсак, Инвестицион муҳит тўғрисидаги маълумотлар уни хорижий мамлакатларидаги ТТХИ (тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар) оқимининг бир неча ўлчовлар орқали боғлиқлигини аниқлашга имкон беради. Шу муносабат билан давлатларни уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1-жадвал

Айрим хориж мамлакатларида инвестицион муҳит индекси ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими.

Мамлакат	Инвестицион муҳит индекси – 2018 й., балл (0-10)	Аҳоли жон бошига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 2017 й., долл.	ЯИМ да тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими улуши – 2017 й., %	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими – 2017 й., млрд долл.
1. Сингапур	8,09	12 199	14,9	67,5
2. Малайзия	7,82	350	1,4	10,8
3. Жанубий Корея	7,38	192	0,6	9,9
4. Тайланд	7,32	193	1,2	12,6
5. БАА	7,26	1086	1,6	10,1
6. Туркия	7,17	156	0,8	12,1
7. Исроил	7,15	760	2,4	6,4
8. Ҳиндистон	7,06	27	0,5	34,4
9. Индонезия	6,99	87	0,8	22,6
10. Хитой	6,85	94	0,7	128,5

Манба: Муаллиф томонидан БМТ нинг савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференцияси ва Жаҳон банки маълумотлари асосида тайёрланди.

Ҳудуди ва аҳолиси сони катта бўлмаган мамлакатлар, мазкур мамлакатлар одатда қулай ва мувозанатли инвестиция муҳити мавжудлиги (инвестицион муҳит индекси жадвалининг юқори қисмида жойлашган), ТТХИ оқимининг интенсивлиги (аҳоли жон бошига) ва тўғридан-

¹⁵<https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-uzbekistana/5218-investitsiya-loyihalarini-ishlab-chiqish-va-amalga-oshtirish-bo-yicha-asosiy-vazifalar-belgilandi>

тўғри хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётдаги сезиларли ўрни ТТХИ оқимининг ЯИМ даги улуши) билан характерланади. Бунга энг яққол мисол – Сингапур орол давлат умумий инвестиция муҳити бўйича энг юқори кўрсаткичга эга. Сингапур фақатгина икки кўрсаткич, бозор ҳажми ва ишчи кучи таннархи бўйича етакчи ўринни эгалламайди, инвестицион муҳитнинг қолган саккиз кўрсаткичи бўйича кўриб чиқилган ўнта мамлакат ичида биринчи ўринни эгалламоқда. Сингапур бошқа мамлакатларни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ТТХИ ҳажми (12 минг долл.дан ортиқ) ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ЯИМ даги улуши (деярли 15%) бўйича катта фарқ билан ортда қолдирмоқда. Мазкур ҳолат бироз пастроқ бўлсада БАА ва Исроил каби бошқа кичик мамлакатларда ҳам сезиларли даражада намоён бўлади.

Йирик мамлакатларда инвестиция муҳити индекси паст ҳамда жон бошига тўғри келадиган ТТХИ ҳажми ва ЯИМ да ТТХИ улуши кам. Аниқ объектив омиллар ушбу мамлакатларда инвестицион муҳит индекси ва жон бошига тўғри келадиган ТТХИ ҳажмига таъсир кўрсатмоқда. Масалан, узоқ масофалар зарур инфратузилмани қуриш харажатларини оширади, қишлоқ хўжалигида аҳолининг кўпайиши жон бошига тўғри келадиган ТТХИ ҳажмини пасайтиради. Ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатларда иқтисодиётнинг очиқлиги ва миллий саноатнинг ривожланиши, солиқ имтиёзлари ва бюджет эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатни аниқлаш мураккаб саналади. Шу сабабли, Хитойда, иқтисодётнинг очиқлигини ошириш бўйича кўрилган чораларга қарамай, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни чеклаш даражаси дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб қолмоқда, Ҳиндистон эса 2017 йилда корпоратив солиқни 32,4 % дан 33,99 % га оширди, умуман олганда, гуруҳнинг учта мамлакати (Хитой, Ҳиндистон, Индонезия) инвестицион муҳит индекси ва ТТХИ оқими бўйича ўхшаш хусусиятларга эга.

Оралиқ гуруҳ мамлакатлари. Унга Малайзия, Жанубий Корея, Тайланд ва Туркияни киритиш мумкин. Улар иккинчи гуруҳ мамлакатларига қараганда юқори инвестицион муҳит индекси ва жон бошига тўғри келадиган ТТХИ ҳажми бўйича ажралиб туради. Бунда, Малайзияни биринчи гуруҳга қўшиш мумкин, чунки унинг аҳолиси оралиқ гуруҳ ичида энг кичик, инвестицион муҳит индекси ва жон бошига тўғри келадиган ТТХИ ҳажми ва ЯИМ да ТТХИ улуши эса энг юқори ҳисобланади.

Юқоридаги маълумотлар инвестицион муҳит ва ТТХИ оқими ўртасида боғлиқлик мавжудлигини етарлича ақс эттирса ҳам, бу алоқа бир вақтнинг ўзида эмас, балки йиллар давомида намоён бўлади. Уни баҳолашда эътиборли бўлиш лозим. Масала шундаки, Турли мамлакатларда ТТХИ оқими динамикаси турлича, алоҳида йилларда (тури мамлакатларда турлича) инвестиция кириб келишида кескин пасайиш кузатилади, кейинроқ эса тезлашган тикланиш даврларини кўриш мумкин, шу сабабли, ТТХИ оқими тебранишлари сезиларли даражада ва турли мамлакатлар муайян йилда ўзаро таққослаш доим ҳам объектив асосланган ҳулосаларга олиб келмайди.

Бошқа томондан, ислохотлар даврини ҳисобга олганда инвестиция муҳитини яхшилаш тезликда кечмайди. Шубҳасиз, инвестиция муҳитини яхшилаш ва ТТХИ оқими кўпайиши ўртасида оралиқ ҳам мавжуд, шунинг учун ҳам юқори инвестиция муҳит индексида фақат бир неча йиллар ўтгандан кейингина ТТХИ оқими ҳажми ошади. Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, инвестицион муҳит миллий иқтисодиётни модернизация қилишнинг муҳим воситаларидан бири бўлишига қарамай, унинг қўлланилиши кейинги бир неча йиллар учун ишлаб чиқилган ТТХИни жалб қилиш стратегияси мавжуд бўлгандагина самарали бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2109 йил 29-апрелда “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2. Вахабов А.В., Ҳажибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. / и.ф.д. А.В.Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Молия”, 2010, 328 б.

3. Мельянцеv В. Экономический рост Китая и Индии: Динамика, пропорции и последствия. // МЭиМО. №9. 2017.

4. www.unctad.org.

5. www.wbo.org.

6. www.stat.uz

7. www.uza.uz

Ражабов Назиржон Раззоқович
“Университет 3.0” халқаро ўқув, илмий-инновацион
тадқиқотлар маркази сектор мудури
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Раззоқов Жаҳонгир Назиржон ўғли
магистр
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРКИБИ

***Аннотация.** Мақолада инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишлари илмий тадқиқига янгича ёндошувнинг зарурлиги, унинг сабаблари ва омиллари ёритилган, давлат инвестиция сиёсати ҳамда ҳудудий ривожланиш сиёсати модернизациясининг муҳим векторларидан бири сифатида инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган.*

***Калим сўзлар:** инвестиция, инвестицион муҳит, давлат инвестиция сиёсати, ҳудудий иқтисодиёт.*

Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришда инвестицион жозибадорликни ошириш бевосита фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб этади. Бу ўз навбатида, республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажминини ошириш лозим.

Жаҳон иқтисодиётида инвестицион муҳит жозибадорлиги нафақат маълум бир давлат иқтисодиётини ривожлантиришда катта роль ўйнайди, балки минтақалар иқтисодиётига таъсир кўрсатишга қодир. Шу сабабли, инвестицион муҳит жозибадорлигининг назарий асослари ва услубий жиҳатларини ўрганиш асносида, машҳур иқтисодчи-олим ва мутахассислар тадқиқот натижаларида юзага келган таъриф ва тушунчаларни кўриб чиқиш зарур.

“Инвестицион муҳит жозибадорлиги” тушунчасининг моҳиятини муаллифлар турлича талқин қилишмоқда (1-жадвал). Купчилик хорижий тадқиқотчилар “инвестицион муҳит” “инвестицион иқлим” тушунчалари мазмунини “бизнес муҳити” тушунчаси билан бирдай кўришиб, унинг моҳияти – капитални қўйишнинг рисклилиги даражасини ва аниқ объектга инвестиция қилишнинг жозибадорлиги даражасини шакллантирувчи ташқи шарт-шароитлар мажмуи сифатида талқин этадилар

Олимлар томонидан инвестицион муҳит жозибadorлиги сифатида талқин этилган тушунчалар изоҳи[1,2,3,4,5,6,7,8.]

т/р	Инвестицион муҳит жозибadorлиги сифатида талқин этилган тушунчалар	Муаллифлар	Адабиётлар манбаси
1	Бизнес муҳити	Дж. Д. Дэниелс ва Ли. Х. Радеба	Дэниэлс Дж.Д., Радеба Л.Х. Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции.4-е.изд. - М.: Дело ЛТД, 2014. 438с.
2	Инвестициялар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, молиявий ва бошқа шароитлар	Дж. Доунс ва Г. Эллиот	Доунс Дж., Гудман Дж. Э. Финансово-инвестиционный словарь. 3-е изд. М.:Инфра-М, 2017. - 255с..
3	Молиявий махсулотлар	Гитман Л., Джонк М.	Гитман Л., Джонк М . Основы инвестирования. –М.: Дело, 1999 г. с.642
4	Инвестицион муҳит, инвестицион иқлим, бизнес муҳити тушунчалари синоним тушунчалардир	Сивакова С.Ю.	Сивакова С.Ю. Формирование инвестиционного климата с целью привлечения иностранных инвестиций, дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 - Санкт-Петербург, 2014 - с. 22.
5	Мазкур тушунчаларни фарқлаш лозимлигини таъкидлашган ва уни асословчи омилларни келтиришган.	Тараққиёт тадқиқотлари Институти (IDS, University of Sussex) вакиллари М. Мур ва Х. Шмитц	Moore M., Schmitz H. Idealism, realism and the investment climate in developing countries- Sussex: Institute of Development Studies, 2016 - p.22
6	Инвесторлар учун яратилган, кафолатланган шарт-шароитлар ва имкониятларнинг мавжудлигининг асослари мажмуи	Д. Ғозибеков	Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Молия, 2003 – 67-б.
7	Мамлакатнинг хўжалик ривожланиш шароитларини тавсифловчи ва ундаги инвестицион фаолликнинг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий-географик ва экологик кўрсаткичларнинг умумий даражаси	Ш. Мустафакулов	Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Т.:Baktria press, 2017 – 18-б.
8	Миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришда инвестицион жозибadorликни ошириш бевосита фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб этади.	Б.Салимов, И.Хотамов	“Инвестициявий фаоллик: таҳлил ва имкониятлар”.ТДИУ колл.моногр.- Т.: «Fan va texnologiya», 2019, 93-б.


Инвестицияларни жалб қилиш барча давлатлар учун муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожланишнинг стратегик дастурларини амалга ошириш, янги бозорларни эгаллаш қўшимча маблағ қўйилмаларини талаб этади.

Сўнгги йилларда тўғридан-тўғри жалб этилган инвестициялар жами сармоялар ҳажмининг 16,5 фоизидан ошмайди. Бу рақамнинг ўзиёқ инвестицион муҳит жозибadorлигини таъминлаш мақсадида инвестиция сиёсатининг худудий қирраларини қайта кўриб чиқиш зарурати мавжудлигининг тасдиғидир.

Инвестицион муҳит жозибadorлигини аниқлаш услубиёти юзасидан хорижий амалиётнинг ижобий намуналари Гарвард бизнес мактаби вакиллари - Гейн-Хейзлер ишларида, «The Economist», «Fortune» каби жaxon иқтисодий журналлари фаолиятида, «Moody's», «Standard&Poor» каби эксперт агентликлари фаолиятида кенг учрайди [9].

Бизнинг фикримизча, худуд инвестицион салоҳияти – бу худуднинг ривожланиш даражаси бўлиб, унга кўра худуд ўзининг табиий-иқтисодий салоҳиятидан, рақобат устунликлари ва институционал имкониятларидан самарали фойдаланиши ҳисобига аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг барқарор ўсиб боришини таъминлайди.

Бугунги кунда корхона даражасидан бошлаб, миллий иқтисодиёт даражасигача инвестицион фаолиятни бошқаришнинг пухта ўйланган, фундаментал назарияларини яратишга эҳтиёж юзага келди. Шу муносабат билан нафақат инвестицион фаолият муаммосининг категориал аппаратини аниқлаштиришга, балки уларнинг иқтисодий мазмуни ва узвий боғлиқларини ҳам илмий изоҳлашга зарурият ҳосил бўлди. Мазкур тушунчаларни тизимлаштириш мақсадида хорижлик иқтисодчилар – Гарвард бизнес мактаби вакиллари Гейн-Хейзлерларнинг “инвестицион муҳит жозибadorлигини ифодаловчи терминологик пирамидаси”дан фойдаланиш ўринли бўлади (1-расм).



1-расм. Инвестицион муҳит жозибadorлигини ифодаловчи терминологик пирамида.

Мазкур терминологик пирамида асосида базавий тушунча сифатида “инвестиция” тушунчаси ётади. Ушбу тушунчанинг мазмунини “*иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириши ва ижтимоий самара, даромад олиши мақсадида капитал (жамият томонидан жамғарилган ва жорий истеъмолга йўналтирилмаган)ни такрор ишлаб чиқаришига (барча шаклларда, инсон капиталига ҳам) йўналтириши орқали қўйиши*” сифатида талқин этиш мумкин[10].

Мазкур базавий тушунчани аниқлашга методологик ёндашув бошқа даражадаги тушунчалар – инвестициялаш, инвестиция жараёни, инвестицион фаолият кабиларга илмий асосланган ҳолда ёндашувга имкон беради. Бироқ, бизнинг тадқиқотимиз объекти сифатида инвестицион муҳит жозибadorлигининг намоён бўлиши кўпроқ айнан мана шу тушунчанинг иқтисодий мазмунини илмий изоҳлашни талаб этади ва ушбу зарурият Ўзбекистон Республикасида инвестицион маконнинг юқори даражадаги номутаносиб тақсимотидан келиб чиқади. Кўпинча, “инвестицион жозибadorлик”, “инвестицион муҳит”, “худуд рақобатбардошлиги” тушунчаларини маънодош деб ишлатилади ва бу бизнинг фикрлашимизча, нотўғри

Бунга сабаб, инвестицион жозибadorлик инвестициялаш ихтиёрий ячейкасининг (ташкilot, маҳаллий ҳокимият, худуд, давлат) *ички* ва *ташқи* муҳити билан белгиланади (2-расм).



2-расм. Худуднинг ички ва ташқи муҳити элементлари.

Бизнинг фикримизча, икки умумлаштирувчи тавсиф – “худуд инвестицион салоҳияти” ва “худуд инвестицион фаолиятининг нотижорат rischi” кўрсаткичларининг ўзаро нисбатидан келиб чиқиб ифодаланади. Бунда шуниси хусусиятлики, худуд инвестицион салоҳияти қанчалик юқори бўлса ва худуд инновацион фаолияти rischi қанчалик паст бўлса, худуд инвестицион жозибadorлиги ҳам шунча юқори бўлади, ҳамда бунинг оқибатида инвестицион фаоллик ҳам ошади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, қуйидаги таърифни беришимиз мумкин: «*Инвестицион муҳит жозибadorлиги (ИМЖ) – мамлакатга инвестицияларнинг оқимини*

белгиловчи, таъминловчи, кафолатловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланадиган объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий асослар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йиғиндисидир”

Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион муҳит жозибadorлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишлари илмий тадқиқига *янгича ёндошувнинг фундаментал асоси* шунга таянмоғи лозимки, унда мамлакатимиз ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги инвестиция сиёсати доирасида ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг долзарб вазифаларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион муҳит жозибadorлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишларини тизимли тарзда тадқиқ этиш асосий масала қилиб қўйилиши ва унинг диққат марказида “инвестицион муҳит”, “инвестицион салоҳият”, “инвестицион фаоллик”, “бизнес муҳити” каби ҳаётининг белгиловчи омиллар мутаносибликларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизминини ишлаб чиқиш ётиши лозим.

Инвестицион муҳит жозибadorлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишлари илмий тадқиқига *янгича ёндошув* булардан ташқари яна давлатнинг инвестицион салоҳиятни бошқариш тизимини мукамаллаштириш, унинг самарали йўналишларини белгилаш орқали инвестицион фаоллик ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини таъминлашга оид қатор таклиф ва тавсияларни ҳам бера олиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дэниэлс Дж.Д., Радеба Л.Х. Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции. 4-е.изд. - М.: Дело ЛТД, 2014. 438с.
2. Доунс Дж., Гудман Дж. Э. Финансово-инвестиционный словарь. 3-е изд. М.:Инфра-М, 2017. - 255с..
3. Гитман Л., Джонк М . Основы инвестирования. –М.: Дело, 1999 г. с.642
4. Сивакова С.Ю. Формирование инвестиционного климата с целью привлечения иностранных инвестиций (На примере Смоленской области) [Текст]: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 - Санкт-Петербург, 2014 - с. 22.
5. Moore M., Schmitz H. Idealism, realism and the investment climate in developing countries- Sussex: Institute of Development Studies, 2016 - p.22
6. Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Молия, 2003 – 67-б.
7. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Т.:Baktria press, 2017 – 18-б.
8. “Инвестициявий фаоллик: таҳлил ва имкониятлар”.ТДИУ колл.моногр.- Т.: «Fan va texnologiya», 2019, 93-б.
9. Mustafakulov Sh. (2019). Mejora del clima de inversión en Uzbekistán. Religación. Revista De Ciencias Sociales Y Humanidades, 4(19), 713-720. Recuperado a partir de <http://revista.religacion.com/index.php/about/article/view/672>.
10. Rajabov N., On the research methodology of investment environment’s attractiveness provision to the question. Religación. Revista De Ciencias Sociales Y Humanidades, 4(16) pp.790-798. <http://revista.religacion.com/index.php/about/article/view/562/426>

*Хомитов Комилжон Зоитович,
и.ф.д., профессор
Тошкент молия институтини*

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШНИ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада инвестициялар жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартиришни иқтисодий механизмлари тадқиқ этилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартиришда инвестициялар жалб қилишининг иқтисодий механизмларини амалиётга татбиқотини муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти очиб берилган.*

***Калим сўзлар:** инвестиция, қишлоқ хўжалиги, таркибий ўзгариш, иқтисодий механизм, инновация, самарадорлик, капитал маблағлар.*

Жаҳон мамлакатлари миллий иқтисодиётлари таркибининг ўзгариши, хусусан, қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиб бориши ҳамда иқтисодий жараёнларнинг барча иштирокчилари фаолиятида инновацион-инвестицион фаолиятнинг жадаллашуви замонавий ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларда (АҚШ, Япония, Швейцария ва Швеция) ЯИМ таркибида илм-фан ва инновацион фаолиятни инвестициялашга сарфланаётган маблағлар [1] ЯИМга нисбатан 3,0 %ни [2] ташкил этмоқда ва ушбу маблағларнинг 2/3 қисми тадбиркорлик соҳаси ҳиссасига тўғри келиб, яратилаётган инновациялар ва илмий ишланмаларнинг 70 %дан ортиғи иқтисодиётнинг нодавлат соҳасида юзага келмоқда. Шунингдек, жаҳонда қишлоқ ҳудудларини комплекс ривожлантириш, аграр соҳа тараққиётининг интенсив омиллари самарадорлигини ошириш, ноқишлоқ хўжалиги иш ўринларини яратишга сарфланаётган инвестициялар ҳажми жами инвестицияларнинг 8-9 %ини ташкил этмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамиздаги макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғини жадал ривожлантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, бу тармоқда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг техник-технологик қуролланиши даражасининг пастлиги, жонли меҳнат сарфининг юқорилиги натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги камайишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда аксарият қишлоқ хўжалиги корхоналарининг техника ва механизмлар билан таъминланмаганлиги ҳамда фондлар билан қуролланиш даражасининг пастлиги мазкур тармоқда меҳнат сиғимининг юқорилиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоларини кучайтирмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида инвестицион жараёнларни молиялаштириш ва фермер хўжаликларининг инвестицион маблағлари бюджетини тадқиқ этиш билан боғлиқ бир қатор янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли фермер хўжаликларида инвестицион ресурсларни жалб этиш хусусиятларини, молиялаштириш манбалари, шакллари ва услубларини тадқиқ этиш илмий-амалий аҳамиятга эга муҳим масалалардан биридир.

Бугунги кунда республикада ҳудудларига жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, жами инвестициялар таркибида мамлакат ҳудудларининг улуши нотекис тақсимланган. Жумладан, 2017 йил 1 январь маълумотларига кўра, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳри ҳиссасига жами инвестицияларнинг 46,3 %и тўғри келса, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Сурхондарё ва Андижон вилоятларининг улуши нисбатан пастлигини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткичнинг салмоғини аниқроқ тасаввур қилиш учун, паст кўрсаткичга эга юқоридаги 4 ҳудуднинг жами инвестициялардаги улуши 11,9 %ни ташкил қилса, энг катта салмоққа эга Тошкент шаҳри 20,5 % улушга эга (1-жадвал).


**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича асосий капиталга киритилган
инвестициялар (2017 йил 1 январ ҳолати), млрд. сўм***

Т/р	Ҳудуд номи	Асосий капиталга киритилган инвестициялар	Улуши, % да
	Ўзбекистон Республикаси	49 770,6	100
1.	Қорақолпоғистон Республикаси	3 718,9	7,5
2.	Андижон	1 987,3	4,0
3.	Бухоро	5 756,7	11,6
4.	Жиззих	1 247,0	2,5
5.	Қашқадарё	7 048,8	14,2
6.	Навой	2 846,8	5,7
7.	Наманган	2 566,7	5,2
8.	Самарқанд	3 321,4	6,7
9.	Сурхондарё	2 005,2	4,0
10.	Сирдарё	1 240,9	2,5
11.	Тошкент	3 959,9	8,0
12.	Фарғона	2 404,5	4,8
13.	Хоразм	1 445,4	2,9
14.	Тошкент ш.	10 221,1	20,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Ҳудудлар инвестицион сиёсатини ишлаб чиқишда уларнинг инвестицион жозибadorлиги асос бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда республикамиз ҳудудлари (айниқса, қишлоқ ҳудудлари)нинг инвестицион жозибadorлиги етарлича паст бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳудудлари инвестицион жозибadorлигини баҳолаш методологияси етарлича ишлаб чиқилмаган ва такомиллаштиришни талаб этади.

Мамлакат ҳудудлари инвестицион жозибadorлигини аниқлаш борасида мавжуд ёндашувлар ва методикаларни тадқиқ этиш натижасида ўзига хос методика шакллантирилди. Унга кўра, ҳудуд инвестицион жозибadorлигига таъсир кўрсатувчи омиллар (кўрсаткичлар) гуруҳларининг умумлашган ҳолдаги таснифи ишлаб чиқилди (1-расм). Ҳудуд инвестицион жозибadorлигини баҳолашнинг ушбу кўрсаткичлар тизими барча соҳаларни қамраб олади ва унда инвестиция киритиш натижасининг турли томонлари ҳамда инвесторларнинг турли хошиш-истаклари (қизиқишлари) инобатга олинган.



1-расм. Ҳудуд инвестицион жозибadorлиги кўрсаткичлари таркиби [3]

Аграр соҳада инвестицион фаолият механизми тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шаклланади. Бунда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос иқтисодий қонуниятларини ҳисобга олиш лозим.

Қишлоқ хўжалигида тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг самарали иқтисодий механизми қўйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Инвестициялар жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартиришнинг самарали иқтисодий механизмлари*

Инвестициялар жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартиришнинг самарали иқтисодий механизмлари	<p>Қишлоқ ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини аниқлаш.</p> <p>Қишлоқ ҳудудлари хусусиятларига кўра инвестицион жозибадорликни ошириш.</p> <p>Қишлоқ хўжалиги корхоналарида инвестицияларни жалб қилиш асосида замонавий янги иш ўринларини яратиш.</p> <p>Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланишини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.</p> <p>Янги иш ўринлари яратган қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ ва кредитлар бўйича имтиёзлар беришни такомиллаштириш.</p> <p>Қишлоқ ҳудудларида инвестицион фаолият субъектларининг рейтингини баҳолаш ва мунтазам ўтказиб бориш бўйича ахборот-аналитик марказлар яратиш ва ривожлантириш.</p> <p>Қишлоқ хўжалигида инновацион инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш бўйича венчур фондини ташкил этиш.</p> <p>Қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.</p> <p>Қишлоқ хўжалигида молиявий лизингни ривожлантириш.</p> <p>Қишлоқ хўжалигини инвестициялашнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш.</p> <p>Қишлоқ хўжалигида антимонопол чоралар қабул қилиш.</p> <p>Қишлоқ хўжалигини инвестициялаш учун кредитлашда амал қиладиган гаровдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.</p>
---	--

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ишлаб чиқариш устун ривожланган туманларда бошқа туманларга нисбатан халқ истеъмоли товарлари билан таъминлаш ва жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш ва уларни реализация қилиш бўйича тенг бўлмаган ҳолатлар мавжуддир.

Инвестицион доирасида бошқариш объектлари бўлиб барча кўринишдаги ресурслар: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун бевосита фойдаланиладиган ерлар, аграр секторда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва инвестицияларни жойлаштириш бўйича ҳудудлараро меҳнатни тақсимлаш хусусиятлари ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш даврида инвестициялар ҳажми ва иқтисодий ўсиш омиллари ўртасидаги муносабатлар ўзгаради. Янги қишлоқ хўжалиги технологияси ва техникасини жорий қилиниши аграр соҳада материал сиғими ва фондлар сиғимининг камайишига ҳамда бунинг натижаси ўлароқ фондлар кайтими ва маҳсулот сифатининг ошишига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги якуний натижалари нуқтаи назаридан, кўрсатилган жараёнлар пировард маҳсулот бирлигига харажатларнинг камайишига, жонли меҳнат сарфининг қисқаришига ва бу соҳада инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар ўсишига эришилади. Бунда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир циклида жонли меҳнат асосий яратувчи куч ҳисобланади ва инвестициялашда ахамиятли даражада билимнинг моддийлашув жараёни намоён бўлади.

Шунинг учун, қишлоқ хўжалигида инвестициялар самарадорлигини тадқиқ этиш методикасининг асосий босқичларини танлашда ва таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган

иқтисодий кўрсаткичларни тизимлаштиришда бозор муносабатлари талабларини ҳисобга олиш ва аниқ услубий кетма-кетликка амал қилиш керак (2-расм).



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-расм. Қишлоқ хўжалигида инвестициялар самарадорлигини тадқиқ этиш методикаси*

Инвестицион жараёнларнинг диалектик боғлиқлигидан қуриш мумкинки, ишлаб чиқариш сифатида ҳам, республика миқёсидаги истеъмол сифатида ҳам, ташки иқтисодий муносабатларда талабни ҳисобга олиш зарур.

Бундан ташқари ҳудудий иқтисодий натижалар бўйича муаммоларни ҳал этишда қишлоқ хўжалигига инвестицион жараёнларни рағбатлантириш ва республикада жами қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш зарур. Аграр соҳада инвестициялар самарадорлигининг мезонлари икки ёқлама пировард натижаларга эришишни, яъни иқтисодий самарадорликни оширишда қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси билан қишлоқ хўжалигини инвестициялаш жараёнларининг омилларини бир бутунликда тавсифлашни ифодалайди.

Бундан ташқари аграр соҳада инвестициялашнинг асосий умумий тамойиллари хусусий тамойилларга ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Улар аниқ ҳолатли вазият таъсири остида қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жойлаштириш учун ҳудудий жиҳатдан танлаш асосида содир бўлади. Масалан, ҳудудда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий техника базаси билан таъминланганлиги (ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш даражасига мувофиқлиги, асосий фандларнинг таркибий жиҳатдан ихтисослашуви ва ижтимоий инфратузилма) ва ҳозирги шароитдаги инвестицион жараёнлар ҳолатига мувофиқ равишда янги ишлаб чиқариш қувватларининг яратилиши ва жойлаштирилиши бозор эҳтиёжларига йўналтирилган бўлиши керак.

Шунингдек қишлоқ хўжалигида техник тараққиётнинг динамик ривожланиши анча такомиллашмаган техника ва технологиялар учун инвестицияларга янги ишлаб чиқариш талабларини юзага келтиради ҳамда шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари мунособатлари ўртасида фарқ қанча юқори бўлса, ҳар бир технологик янгиланиш қишлоқ хўжалиги ва унинг бўлимлари техник таъминоти учун аҳамиятли ўсишини юзага келтиради. Бундан кўринадики, жами қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимининг ўсиш суръатлари кўпинча фақат эҳтиёжлар билан эмас, балки ресурсларнинг иқтисодий имкониятлари билан ҳам аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда, аграр соҳада инвестициялардан самарали фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига ва тармоқнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш изчиллигини таъминлаш имкониятини юзага келтиради. Инвестицияларнинг шаклланиши ва тақсимланишида турли шакл ва усуллардан фойдаланилади.

Биринчи шаклда икки ёки ундан ортиқ ҳудудлар узоқ муддатли эҳтиёжларни қондириш мақсадида ўз ҳудудларида хусусий ресурслардан фойдаланиш жараёнига инвестициялашни амалга оширадилар.

Иккинчи шаклда мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун республика миқёсида инвестицияларни тақсимлаш амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқариш қувватлари тайёрланган маҳсулотдан фойдаланишга манфаатдор бошқа ҳудудлар иштирокида бир ҳудудда яратилади.

Учинчи шаклда манфаатдор ҳудудлардаги корхоналарнинг мавжуд имкониятларига мувофиқ ҳолда биргаликда инвестициялаш жараёнини амалга оширилиши тушунилади.

Шунинг учун инвестициялашнинг шакл ва усуллари доимо такомиллаштириб борилади. Бу жараён қишлоқ хўжалиги кўламининг кенгайиши, унинг таркибий тузилмаларининг мураккаблашуви, тармоқлараро, тармоқ ичида ҳамда ҳудудий звенолар ва уларнинг ўзаро алоқалари билан шартланади. Масаланинг моҳияти шундаки, қишлоқ хўжалигида инвестициялаш жараёнини кучайтириш тармоқда ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ечимини тезлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.worldbank.org/eca/russian/data/>
2. <http://stats.oecd.org/>
3. Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. / Дисс. PhD. – Самарқанд. 2018. 111-б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

***Аннотация:** Мақолада инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётидаги роли ва инвестицион жозибадорликни тавсифловчи омиллари тадқиқ этилган, шунингдек инвестицион фаолликни кучайтириш ва инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган тавсиялар шакллантирилган.*

***Калим сўзлар:** инвестиция, инновация, реинвестиция, тадбиркорлик фаолияти, экспорт, инвестицион жозибадорлик, модернизация, риск, инфляция, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш, валюта курси.*

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. “Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди” [1].

Ўзбекистон иқтисодиётининг равнақи, фан-техника тараққиёти, аҳоли бандлиги инвестициялар билан чамбарчас боғлиқдир. Ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, уни интенсив (ресурстежам) ривожлантириш ҳам, кўп жиҳатдан, инвестицияларга бориб тақалади. Ҳатто, иқтисодиёт тармоқларида замонавий технологияларни жорий қилишни, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни, экспорт салоҳиятини оширишни, минерал хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича юқори технологик ишлаб чиқаришни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Макроиқтисодий мувозанатга инвестициялардан айри ҳолда эришиб ҳам бўлмайди. Энг муҳими, инновацион тадбиркорлик ва юқори технологияларга асосланган саноатни ривожлантиришни инвестицияларсиз таъминлашнинг иложи йўқ. Умуман, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, тараққиёт асоси, мамлакатнинг халқаро интеграцияси ва жаҳон хўжалигидаги ўрнини мустаҳкамлаш омили ҳамда унга эришишга хизмат қилувчи иқтисодиётни модернизация қилишнинг бош қуроли инвестициялар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мамлакатдаги инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш ва унинг инвестицион жозибадорлигини янада ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш – бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айти пайтда – бу аввало, янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва нау-хаулар жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган. Энг муҳими, хориждан имтиёзли шартларда сармоялар олиб кириш – бу пировард натижада мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш ва жаҳон бозорида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга кодир бўлиш демакдир.

Бир вақтнинг ўзида мамлакатга сармояларнинг кириб келиши (жалб қилиниши) унинг инвестицион жозибадор бўлишини тақозо этади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, Ўзбекистон ҳудудида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, чет эл инвестициялари амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаш, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини ва уларни ҳимоя қилиш, инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш.

Иккинчидан, маълум бир ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятини жадал ривожлантириш, минерал хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш

бўйича юқори технологик ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

Учинчидан, мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантириш мақсадида 2019 йилдан “Investment visa” жорий этилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, саёҳлик ҳам инвестиция. Бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Мамлакатимизга 2018 йилда ташриф буюрган туристлар сони 5,4 миллион нафарни ташкил этган, холос. Масалан, 2018 йилда Грузия аҳолиси 4,5 миллион нафарни ташкил этгани ҳолда ушбу мамлакатга ташриф буюрган туристлар сони 8,7 миллион нафарни ташкил қилган. 2017 йилда Францияга 90 млн., Испания ва АҚШга 76,3 млн., Хитойга 59,3 млн. ва Италияга 53 млн., Буюк Британияга 35,8 млн. нафар хорижий туристлар ташриф буюрган [2]. Агар Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини инобатга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич талаб даражасида эмаслигига гувоҳ бўламиз

Тўртинчидан, Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити. Бунда инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар, хусусан, солиқ ва божхона имтиёзлари, қонун ўзгармаслик кафолатлари, ер участкаларидан фойдаланиш бўйича имтиёзлар, сармоялар химояси бўйича давлат кафолатлари, инвестициялашдан олинган даромадни ўзлаштириш кафолатлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш, қулай бизнес муҳитини шакллантириш кабилар муҳим омил бўлмоқда. “Охирги 5 йил давомида кўрилган чора-тадбирлар натижасида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг Бизнес юритиш” рейтингда Ўзбекистон жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 146-ўридан 74-ўринга кўтарилди [3].

Бешинчидан, мамлакат макроиктисодий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари. Ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига инвестиция киритишларининг асосий сабабларидан бири ривожланаётган давлатлардаги ўсиш суръатининг ривожланган давлатларга нисбатан 2 ёки 3 баробарга тезлиги. Масалан, 2018 йилда Ўзбекистон ЯИМ 2017 йилга йилга нисбатан 5,1 фоизга, Вьетнамда 7,08 фоизга ўсган. Ривожланган мамлакатлардан Японияда ЯИМнинг ўсиш суръати 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 0,8 фоизни, Францияда 1,5 фоизни ташкил қилган [4].

Яна бошқа бир сабаби инвесторларнинг инвестициялаш рискинни пасайтириши ва сармоялар портфелини диверсификациялаши ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида мамлакатдаги инфляция суръатлари, ташқи қарз, фоиз сиёсати ва молия бозори кўрсаткичлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. 2018 йилда инфляция даражаси 14,3 фоизни ташкил қилди.

2019 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашни тартибга солиш ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш имконини бериши баробарида ички инвестицион жозибдорликни оширишга туртки беради. 2018 йил якунлари бўйича Ўзбекистон ЯИМ 407,5 трлн. сўмни ёки тахминан 50 миллиард АҚШ долларни ташкил қилган. Капитал бозоридаги эркин маблағ айланмаси эса мамлакат ЯИМнинг 0,5 фоизига ҳам тенг эмас [5]. Республикаимизда бу борада жуда катта салоҳият (инвестицияларни акциялар, облигациялар орқали жамлаш, корхоналар томонидан қўшимча пул маблағларини жалб қилиш ва ҳ.к.) мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич иқтисодий ўсиш суръатларига мувофиқ эмаслиги ойдинлашади.

Олтинчидан, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, ишчи кучи, табиий ресур кабилар ҳам инвестицион жозибдорликни оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўзбекистонда инвестициялар ва хорижий инвестициялар ҳаракатига боғлиқ статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, асосий капиталга сафарбар этилган жами инвестициялар 13,2 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган ва унинг 27,2 фоизи ёки 3,6 млрд. АҚШ доллари хорижий инвестициялардир. Бундай рақамлар жами инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар улуши кичиклигини ва иқтисодиётни модернизация қилиш нуктаи назаридан ижобий ҳолат эмаслигини намоён қилади.

Бир вақтнинг ўзида, ЯИМ ҳажми билан асосий капиталга киритилган инвестиция миқдорини ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш учун корреляцион таҳлилдан фойдаланиш

мақсадга мувофиқдир. Чунки мазкур кўрсаткич икки ҳодиса ўртасидаги боғланишнинг мавжудлиги ва зичлигини аниқлаш имконини беради. ЯИМ ўзгаришида асосий капиталга киритилган инвестициялар боғлиқлигини корреляцион таҳлил қилиш учун ЯИМ миқдорини – X белги, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини – Y билан белгилаймиз. Сўнгра қуйидаги формула орқали X ва Y белгилари орасидаги боғланишни ва унинг кучини аниқлаймиз[6]:

$$R_{xy} = \frac{\sum(X_i - \bar{X})(Y_i - \bar{Y})}{\sqrt{\sum(X_i - \bar{X})^2 \sum(Y_i - \bar{Y})^2}}$$

2-жадвал

2010-2018 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ва ЯИМ [20], млрд. сўмда

Йиллар	ЯИМ - X	Асосий капиталга киритилган инвестициялар – Y
2010	74,0	16,5
2011	96,9	19,5
2012	120,2	24,5
2013	144,5	30,5
2014	177,2	37,6
2015	210,2	44,8
2016	242,5	51,2
2017	302,5	72,2
2018	407,5	124,2
Жами	1775,7	421,0

2-жадвал маълумотлари асосида мамлакат ЯИМ ҳажми билан асосий капиталга киритилган инвестиция миқдори орасидаги боғлиқ корреляция коэффицентини топамиз ва шу мақсадда юқорида келтирилган жадвал маълумотлари ва формула асосида ҳисоб-китоб ишларини амалга оширамиз:

$$\bar{X} = (74,0 + 96,9 + 120,2 + 144,5 + 177,2 + 210,2 + 242,5 + 302,5 + 407,5) / 9$$

Бундан $\bar{X} = 197,3$

$$\bar{Y} = (16,5 + 19,5 + 24,5 + 30,5 + 37,6 + 44,8 + 51,2 + 72,2 + 124,2) / 9$$

Бундан $\bar{Y} = 46,8$

2-жадвал маълумотлари асосида қуйидагича натижаларга эга бўламиз:

3-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва ЯИМ омилларининг корреляцион таҳлили

Йиллар	$X_i - \bar{X}$	$Y_i - \bar{Y}$	$(X_i - \bar{X}) * (Y_i - \bar{Y})$	$(X_i - \bar{X})^2$	$(Y_i - \bar{Y})^2$
2010	-123,3	-30,3	3739,28	15192,53	920,33
2011	-100,4	-27,3	2739,58	10070,32	745,29
2012	-77,1	-22,3	1721,86	5937,94	499,30
2013	-52,8	-16,3	860,39	2782,77	266,02
2014	-20,1	-9,2	184,43	405,90	83,80
2015	12,9	-2,0	-25,62	165,97	3,96
2016	45,2	4,4	200,30	2042,59	19,64
2017	105,2	25,4	2668,26	11074,62	642,88
2018	210,2	77,4	16277,08	44189,93	5995,56
Жами	0,0	0,0	28365,6	91862,6	9176,8

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида ЯИМ ўзгаришларига асосий капиталга киритилган инвестициялар орасидаги корреляция коэффициентини топамиз. Бунинг учун қуйидагича ҳисоблаш ишларини амалга оширамиз:

$$R_{xy} = \frac{\sum (X_i - \bar{X})(Y_i - \bar{Y})}{\sqrt{\sum (X_i - \bar{X})^2 \sum (Y_i - \bar{Y})^2}}$$

$$R_{xy} = 28365,6 / \sqrt{91862,6 * 9176,8}$$

$$R_{xy} = 0,9769$$

Демак, корреляция коэффициенти 0,9769 га тенг. Ушбу кўрсаткич мамлакат ЯИМ ҳажми билан асосий капиталга киритилган инвестиция миқдори орасидаги боғлиқлик даражаси жуда кучли ва тўғри пропорционал эканлигидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар

– кичик саноат зоналарида фаолият юритмоқчи бўлган ва юритаётган миллий инвесторларга улар рўйхатга олинган санадан бошлаб 10 йил муддатгача амалда бўлган миллий қонунчилик (солиқ ва ижарага оид қонун ҳужжатлари) нормалари ва қоидалари асосида фаолият кўрсатишлари борасида давлат кафолати берилиши зарур;

– инвестициялар ва хорижий инвестициялар ҳаракатига боғлиқ статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир-бирига мувофиқ эмас;

– мамлакат ЯИМ ҳажми билан асосий капиталга киритилган инвестиция миқдори ўртасидаги боғланишнинг мавжудлиги ва зичлигидан ёки корреляция таҳлили натижаларидан келиб чиқиб, мамлакат ЯИМ ҳажмини оширишда муҳим омиллардан бири сифатида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар миқдорини ошириш мақсадга мувофиқдир;

– истиқболда корхоналар рақбатбардошлигини ва экспорт салоҳиятини ошириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш орқали хорижий инвестициялар жалб қилиш, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини 2 ёки 3 баробарга ошириш керак;

– мамлакатнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш учун Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари, туристик фирмалар, Ўзбекистон ҳаво йўллари тизими орқали хорижий мамлакатларда Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини намойиш қилувчи кўргазмалар, визуал кўриш имкониятларини яратиб берувчи видеороликлар ташкил қилишни фаоллаштириш, Оммавий ахборот воситалари орқали махсус кўрсатувлар тайёрлаш ва эфирга узатиш ишларини жадаллаштириш зарур. Шунингдек, хорижий туристлар учун арзон меҳмонхоналар тавсия этиш, хожатхона инфратузилмасини янада яхшилаш, интернет тезлигини ошириш қабиларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси (<http://cemc.uz/uz/page/2143/2019-god-god-aktivnyh-investiciy-i-socialnogo-razvitiya>).

2. <http://lex.uz/docs/4143188#4152953>

3. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. – Т.: “Буюк келажак”, 2019. 9-б.

4. <https://knoema.ru/atlas/%D0%AF%D0%BF%D0%BE%D0%BD%D0%B8%D1%8F/%D0%A2%D0%B5%D0%>

5. <https://kun.uz/news/2019/07/14/kapital-bozorni-rivojlantirish-uchun-xususiy-mulku-huquqini-tola-kafolatlash-lozim-agentlik-direktori-bilan-intervyu>.

6. Зокирова М., Абдуғаффоров А. Иқтисодий моделлаштириш амалиёти. –Т.: “Ўзбекистон”. 1999. – Б. 9.

Shaislamova Nargiza Kabilovna
katta o'qituvchi
Toshkent moliya instituti
Usmonov Jaloliddin Shuxrat o'g'li
talaba
Toshkent moliya instituti

MILLIY IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSIYA MUHITINING JOZIBADORLIGINI OSHIRISH

***Annotatsiya:** Maqolada milliy iqtisodiyotda investitsiya faoliyatini jadal rivojlantirish va qulay investitsiya muhitini yaratish maqsadida amalga oshirilgan ulkan ishlar tog'risida to'xtalib, iqtisodiyotimizga kiritilayotgan investitsiyalarning yildan-yilga o'sib borishi uchun yurtimizdagi mavjud investitsion sharoit va qulay investitsiya muhitini yanada yaxshilash va rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlar ko'rsatilgan.*

***Kalit so'zlar:** investitsiya muhiti, investitsiya siyosati, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar, yalpi ichki maxsulot, erkin iqtisodiy zona, siyosiy barqarorlik, investitsiya loyihasi, imtiyoz va preferensiyalar.*


Bugungi kunga kelib, faol va samarali investitsiya siyosatini amalga oshirilishi va bu yo'ldagi vazifaning muvaffaqiyatli bajarilishi mamlakatning iqtisodiy va ijtimoiy holatiga va taraqqiyotiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Tom ma'noda: "Investitsiya – bu iqtisodiyot drayveri, o'zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag'a bo'lmaydi. Investitsiya bilan birga turli soha va tarmoqlarga, hududlarga yangi texnologiyalar, ilg'or tajribalar, yuksak malakali mutaxassislar kirib keladi, tadbirkorlik jadal rivojlanadi"[1].

Milliy iqtisodiyotda investitsiya faoliyatini jadal rivojlantirish va qulay investitsiya muhitini yaratish maqsadida mamlakatimizda bir qator ijobiy ishlar amalga oshirib kelinmoqda. Jumladan, 2018 yilda 18 ta davlatlararo rasmiy tashriflar amalga oshirildi va 52 milliard dollarlik 1 ming 80 ta loyiha bo'yicha kelishuvlarga erishildi. Xalqaro moliya institutlari bilan hamkorlikdagi investitsiyalar hajmi 8,5 milliard dollarni tashkil etib, bugungi kunda yurtimizda, chet el investitsiyalari hisobidan qiymati 23 milliard dollarlik 456 ta loyiha amalga oshirilmoqda.

Investitsiya siyosatini izchil davom ettirish maqsadida 2019 yilda barcha manbalar hisobidan qariyb 138 trillion so'mlik yoki 2018 yilga nisbatan 16 foiz ko'p investitsiyalarni o'zlashtirish mo'ljallanmoqda. To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar miqdori joriy yilga nisbatan qariyb 1,5 barobar oshirilib, 4,2 milliard dollarga yetkaziladi va natijada 142 ta zamonaviy korxonalar ishga tushirilishi rejalashtirilgandir[1].

Mamlakatimizda erkin iqtisodiy zonalarni tashkil etish, xorijiy sarmoyalarni ushbu hududlarga yanada keng jalb qilish, xususan, chet el investorlarining to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarini mamlakatimizning barcha soha va yo'nalishlariga kirib kelishini qo'llab-quvvatlashga katta ahamiyat berilib, ular uchun ulkan imkoniyat va sharoitlar yaratilib berilmoqda. Qulay investitsiya muhitini yaratib berish orqali mamlakatda biznes yuritish muhitining yaxshilanishiga, ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatishning rivojlanishiga, pirovardida, ichki hamda tashqi bozorlarga yuqori sifatli, raqobatbardosh va jahon standartlariga mos keluvchi mahsulotlarni ishlab chiqarilishiga erishilmoqda.

Milliy iqtisodiyotga kiritilayotgan investitsiyalar hajmining yildan-yilga ortib borayotganlini alohida aytib o'tish mumkin. 2018 yilda iqtisodiyotimizga jalb qilingan investitsiyalar hajmi 18,1 foizga o'sdi va AQSh dollari hisobida 13 milliard 300 million dollarni tashkil etdi. Bunda jami kapital qo'yilmalarning 29,2 foizdan ortig'i yoki 3885,3 million dollardan ziyodini xorijiy investitsiya va kreditlar tashkil qildi. Ularning 46,8 foizi to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalardir [2]. Buni 1-rasmda ko'rish mumkin.




1-rasm. Jami xorijiy investitsiyalar va to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarning yillar bo'yicha dinamikasi [2]

Iqtisodiyotimizga kiritilayotgan investitsiyalarning yildan-yilga o'sib borishida yurtimizdagi mavjud investitsion sharoit va qulay investitsiya muhiti alohida ahamiyat kasb etayotganini ta'kidlash joiz. Bunda ayniqsa quyidagi asosiy omillarni ham qayd etish o'rinlidir:

1. Siyosiy barqarorlik. Davlat tomonidan barcha ijtimoiy-iqtisodiy sohalarda olib borilayotgan tizimli islohotlar va O'zbekistonda istiqomat qilayotgan 100 dan ortiq millat va elat vakillari uchun yaratib berilayotgan teng imkoniyatlar, har bir shaxs, har qaysi xo'jalik yurituvchi sub'ektga o'z imkoniyatlarini to'laqonli namoyish etishi uchun barcha sharoitlarning mavjudligi.

2. Qonuniy-huquqiy bazaning mukammal va barqaror bo'lishiga intilish. Mamlakatni modernizatsiya qilish va iqtisodiyotni diversifikatsiya etish, iqtisodiyot tarmoqlarining raqobatdoshligini oshirish hamda mahalliy ishlab chiqarish korxonalarining eksportdagi hajmini kengaytirishga qaratilgan investitsiya faoliyatini tartibga soluvchi huquqiy hujjatlar qabul qilindi, jumladan, "Kontsessiyalar to'g'risida"gi, "Erkin iqtisodiy zonalar to'g'risida"gi, "Investitsiya faoliyati to'g'risida"gi, "Chet el investitsiyalari to'g'risida"gi, "Chet ellik investorlar huquqlarining kafolatlari va ularni himoya qilish choralari to'g'risida"gi, "Tashqi iqtisodiy faoliyat to'g'risida"gi Qonunlar ayni shu maqsadga xizmat qilmoqda.

3. Milliy iqtisodiyotning barqaror sur'atlarda rivojlanib borayotgani. Qulay ishchan muhit yaratish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik yangilashga qaratilgan iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish jarayonlarining natijasi sifatida mamlakatimiz iqtisodiyoti 2005 yildan e'tiboran yiliga 7-10 foiz darajasidagi yuqori va barqaror o'sish sur'atlarini namoyish qila boshladi (2-rasm).



2-rasm. 2005-2018 yillarda investitsiyaning o'sish sur'ati va investitsiya hajmining YaIM dagi ulushi[2]

4. Geografik va geosiyosiy joylashuvi. O‘zbekiston Markaziy Osiyoning chorrahasida joylashgan bo‘lib, samarali mintaqaviy hamkorlik aloqalarini o‘rnatish, mintaqaviy va transmilliy loyihalarda ishtirok etish uchun qulay transport yo‘llariga ega mamlakatdir.

5. Rivojlangan infratuzilmaning mavjudligi. Mamlakatimizda transport infratuzilmasining muhim tarkibiy qismi bo‘lmish temir yo‘llar, avtomobil yo‘llar hamda havo yo‘llari yaxshi rivojlangan.

6. Qulay soliq va bojxona siyosati. O‘zbekiston iqtisodiyotiga kiritilayotgan xorijiy investitsiyalar uchun investorlarga qator imtiyoz va preferentsiyalar yaratilgan va ularning kafolati qonun bilan mutahkamlab qo‘yilgan. Xususan, ular mulk solig‘idan, tadbirkorlik faoliyatidan olinayotgan daromad solig‘idan hamda bir qator bojxona bojlarini to‘lashdan ozod etilgan.

7. Yuksak salohiyatga ega ishchi kuchining mavjudligi. O‘zbekiston yuqori salohiyatga ega bo‘lgan mutaxassis kadrlarga ega bo‘lib, yurtimizda aholi savodxonligi darajasi 100 foizni tashkil etadi. Mamlakatimizda har to‘rt kishidan biri oliy yoki o‘rta maxsus ma‘lumotga egadir. Aholining turmush sharoitini oshirish, bilim olish imkoniyatlarini kengaytirish, salomatligini mustahkamlash, ishchi kuchi sifatida ijtimoiy foydali mehnatda ishtirok etish salohiyatini yuksaltirish davlatimiz ijtimoiy siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan hisoblanadi va hokazo.

Mamlakatimizda investitsiya muhitini yanada yaxshilash, to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarni jalb etishni rag‘batlantirish, investorlarning bu boradagi davlat siyosatining izchilligiga bo‘lgan ishonchini mustahkamlash va investorlar bilan ishlashda davlat tuzilmalarining mas‘uliyatini oshirish maqsadida qator vazifalar belgilab berildi, xususan[3]:

1. Avvalo, investor va tadbirkorlik subyektiga davlat organi (mansabdor shaxs) tomonidan ularga nisbatan qabul qilingan ma‘muriy hujjatning qonuniy kuchiga ishonishi sababli kelib chiqqan mulkiy zararining o‘rni qoplanadi. Shuningdek, davlat organi (mansabdor shaxs)ning ma‘muriy hujjatini bekor qilganda yoki o‘zgartirilganda investor va tadbirkorlik subyektining qonuniy manfaatlariga daxldor bo‘lsa, sud tartibida ko‘rib chiqilishi belgilab qo‘yilgan.

2. Davlat va jamoat ehtiyojlari uchun yer uchastkalarini olib qo‘yish to‘g‘risida qaror qabul qilishga faqat yer uchastkasi olib qo‘yilishi rejalashtirilayotgan manfaatdor shaxslar bilan ochiq muhokama o‘tkazilganidan, shuningdek, foyda va xarajatlar baholanganidan keyin yo‘l qo‘yiladi, bunda asosan, jismoniy va yuridik shaxslarga tegishli bo‘lgan turar joy va ishlab chiqarish binolari, boshqa imoratlar va inshootlarning buzilishiga ko‘chmas mulkning bozor qiymati va olib qo‘yish sababli mulkdorga yetkazilgan zararining o‘rni to‘liq qoplanganidan keyin ruxsat berilishi qayd etilgan.

3. 2018 yil 1 oktyabrdan investitsiya faoliyatini amalga oshirish uchun yer uchastkalarini berishning yangi mexanizmlari joriy etildi, ya‘ni qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallanmagan yer uchastkasini 50 yilgacha muddatga investitsiya loyihalarini amalga oshirish uchun ijaraga berish; ko‘chmas mulk obyektlarini (mehmonxonalar, savdo obyektlari, madaniy-ko‘ngilochar majmualar, maishiy xizmat ko‘rsatish obyektlari, ta‘lim va tibbiyot tashkilotlari, yo‘l infratuzilmasi va boshqalar) qurish uchun yer uchastkalariga doimiy egalik qilish huquqini auktsion orqali sotish joriy etildi.

4. Xorijiy investorlar uchun bir qator yengilliklar va imkoniyatlar yaratilib berildi, ya‘ni:

- chet el investitsiyalari ishtirokidagi korxonalar ustav fondidagi xorijiy investitsiyalar ulushining eng kam miqdorini 30 foizdan 15 foizgacha kamaytirildi;

- chet el investitsiyalari ishtirokidagi korxonaning ishtirokchisi sifatida xorijiy yuridik shaxs qatnashishi shartligi to‘g‘risidagi talabni bekor qilindi;

- chet el investitsiyalari ishtirokidagi korxonalar ustav fondining eng kam miqdorini 600 million so‘mdan 400 million so‘mgacha kamaytirildi;

- chet el investitsiyalari ishtirokidagi korxonalarni davlat ro‘yxatidan o‘tkazish uchun davlat boji miqdorini uch baravarga kamaytirildi;

- aksiyadorlik jamiyatlari ustav fondining eng kam miqdorini 400 million so‘m miqdorida belgilandi;

- meva-sabzavot mahsulotlariga eksport kontraktlarini “O‘zagroeksport” AJ tomonidan e‘lon qilingan narxlardan past bo‘lmagan narxlar bo‘yicha tuzish, shuningdek, meva-sabzavot mahsulotlarini eksport kontraktini tuzmasdan, “O‘zagroeksport” AJ rasmiy veb-saytida qayd etilgan

narxlardan past bo'lmagan narxlar bo'yicha invoys asosida bojxona rasmiylashtiruvidan o'tkazish tartibini bekor qilindi.

Bulardan tashqari, milliy iqtisodiyotda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi komplekslari, vazirliklar, idoralar va xo'jalik birlashmalari rahbarlari tomonidan investitsiya muhitini rivojlantirish bo'yicha qabul qilingan qarorlarning samarali amalga oshirish, xorijiy investorlarga zarur ko'mak ko'rsatish, investitsiya buyurtmanomalari sifatli va tezkor ko'rib chiqish, investitsiya buyurtmanomalari bo'yicha kelishish tartib-taomillari o'tkazish, shuningdek, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish va investitsiya faoliyati sohasidagi muammoli masalalarning hal qilishga ko'maklashishga doir vazifalarni amalga oshirib kelayotgan bo'lsalar, "O'zbekenergo" AJ, "O'ztransgaz" AJ, O'zbekiston Respublikasi uy-joy kommunal xizmat ko'rsatish vazirligi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklariga investorlarning ishlab chiqarish obyektlari qurilishi va ularning tashqi infratuzilmaga ulanishi, investorlarning ishlab chiqarish ehtiyojlariga muvofiq elektr energiyasi, tabiiy gaz, suv bilan uzluksiz hamda tashqi kanalizatsiya tarmoqlari bilan ta'minlanishiga doir vazifalarni mas'uliyat bilan bajarib kelmoqdalar hamda O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi tomonidan investorlarga respublika hududlarida investitsiya loyihalarini amalga oshirishda maslahat ko'magi ko'rsatilib kelinmoqda.

Shu bilan birga, investitsiya kiritish vaqtida O'zbekiston Respublikasida o'rnatilgan eng kam oylik ish haqining 8500 baravaridan kam bo'lmagan miqdorda xo'jalik jamiyatlarining aksiyalari va ulushlarini sotib olish, shuningdek, xorijiy korxonalar tashkil etish shaklida O'zbekiston Respublikasiga investitsiya kiritgan chet el fuqarolari va fuqaroligi bo'lmagan shaxslarga ko'p martalik uch yillik viza olish va uning amal qilish muddatini O'zbekiston Respublikasi hududidan chiqish zaruratisiz cheklanmagan miqdorda uzaytirish huquqi berilgan bo'lib, O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi mamlakat iqtisodiyotining ustuvor sohaslariga katta miqdorda investitsiya kiritgan chet el fuqarolariga "Faxriy fuqaro" maqomini berish tartibini joriy etish taklifini amaliyotda qo'llash vazifasini amalga oshirmoqda.

Milliy iqtisodiyotda xorijiy investorlar uchun qulay investitsiya muhitini yaratish, uni yanada yaxshilash va rivojlantirish uchun bizningcha, bir qancha chora-tadbirlarni amalga oshirish lozim:

1. Raqobatbardosh investitsion bozorni tashkil etish lozim;
2. Investitsiyalarning risklilik darajasini pasaytirishga qaratilgan chora-tadbirlarni kuchaytirish lozim;
3. Investitsiya loyihalarining shunday sifatli biznes-rejalarini ishlab chiqish lozimki, investor ularga asoslanib loyihalarni moliyalashtirish to'g'risida qaror qabul qilishi mumkin bo'lsin;
4. Turli investitsiya loyihalarining va qimmatli qog'ozlarning xususiyatlari to'g'risida axborot ta'minoti bazasini yaratish va bu axborotlarning keng investorlar ommasiga e'lon qilish imkoniyatlarini rivojlantirish;
5. Qurilish va moliya sohalari obyektlarining aksiyalarini aholiga birlamchi (IPO) va ikkilamchi (SPO) ommaviy joylashtirishni o'tkazish orqali xususiylashtirish jarayonlarini hamda aksiyadorlik kompaniyalariga xususiy kapitalni jalb etishni jadallashtirish;
6. Ta'lim sohasiga investitsiyalarni jalb etishni jadallashtirish, shu jumladan chet ellarning yetakchi oliy ta'lim muassasalari filiallarini ochish va masofaviy o'qitish mexanizmlarini tatbiq etish;
7. O'zbekiston iqtisodiyotini barqaror rivojlantirish uchun kredit uyushmalari, lombardlar va mikroredit tashkilotlarining roli va javobgarlik masalalari hal etilishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Toshkent. 28 dekabr, 2018 yil. (www.press-service.uz);
2. <https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/uz/5.pdf>
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida investitsiya muhitini tubdan yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5495-sonli Farmoni. 1avgust, 2018 yil.

Саиткамоллов Мухаммадхўжа Собирхўжа ўгли

докторант

Тошкент давлат техника университети

Гаибназарова Зумрат Талатовна

и.ф.н., доц

Тошкент давлат техника университети

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ

Аннотация. Ўзбекистон Республикасида темир йўл тизимининг инвестицион фаолиятини ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири бўйича тақсимланиши ва уларнинг номутаносиблиги таҳлили келтирилган. Мамлакатда темир йўл тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ва унинг SWOT таҳлили бериб ўтилган.

Калим сўзлар: инвестициялар, инвестицион фаолият, ишлаб чиқариш салоҳияти, интенсификациялар, экстенсив инвестициялар, хориж тажрибаси.

Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспорти ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг юқори даражасига чиқиш учун зарур инвестицияларга эга бўлмаяпти. Сўнгги йилларда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг инвестицион фондининг молиявий манбалари сифатида асосан хусусий маблағлар, хорижий инвестициялар ва давлат кафолати остидаги кредитлар ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига шакллантирилиб келинмоқда. Бунинг натижасида асосий фондларнинг емирилганлик даражаси энг юқори чегарага етиб келган. Шунинг учун темир йўллари бошқаришнинг асосий иқтисодий стратегик муҳим вазифаси сифатида транспорт ишлаб чиқаришни техник воситаларининг янгиланиши, поездлар ҳаракатини барқарор хавфсизлигини таъминлаш учун замонавий меҳнат қуролларини ишга тушириш, ҳаракатдаги таркибдан фойдаланиш кўрсаткичларининг сифатини яхшилаш, йўловчилар ва юкларни ташиш харажатлари даражасини пасайтириш, транспорт хизматларидан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш талаб этилади.

Беларусиялик олим Д.В.Муха интенсификацияларга бўлган қарашларини қўйидагича тасвирлаган: “Реципиент-мамлакатнинг технологик ривожланишида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ролини баҳолашда экстенсив ва интенсификацияларнинг классификациясини инобатга олиш лозим. Маълумки, қабул қилувчи мамлакат учун интенсификациядан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш фойдалироқ, чунки улар ёки меҳнат унумдорлигининг ошиши учун (“яхшилаштирувчи” инвестициялар) ёки истеъмолчилик эҳтиёжлари ва янги ишлаб чиқаришни қондиришга (“ўринбосар” инвестициялар). Лекин интенсификацияларни олиш қийинроқ, чунки инвестиция чиқараётган мамлакат учун янги технологияларни тақдим этишдан кўра бор технологияларни кўпайтириш яъни экстенсив инвестициялар киритиш манфаатлироқдир” [1].

И.А.Баранованиннг фикрига кўра “Темир йўл транспортида инвестицион ресурсларни жалб қилишнинг истиқболли ва янги йўли корпоратив облигацияларнинг эмиссиясидир” [2].

Таҳлил натижалари орқали биз Ўзбекистон Республикаси темир йўл тизимига жалб қилинаётган инвестицияларнинг асосий қисми хусусий маблағлар ташкил этаётганини аниқладик. Яъни уларнинг улуши жами инвестицияларга нисбатан олинганда сўнгги 6 йилда 49,6% бўлган. Кейинги ўринда темир йўл транспортига маблағларни йўналтириш бўйича хорижий инвестициялар ва давлат кафолати остидаги кредитлар эгаллаган ҳолда сўнгги 6 йилда бу кўрсаткич 20,72%га етган.

**Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортига жалб қилинаётган
инвестициялар ҳажми, (%) [3]**

Жалб қилинаётган инвестицияларнинг йўналишлари	Йиллар						Жами 6 йилда
	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
Жами «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича							
Хусусий маблағлар	50,46	60,53	45,63	52,55	47,68	36,63	49,61
Давлат бюджетидан	10,14	9,76	13,22	11,59	11,69	13,47	11,59
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига	22,37	2,97	9,61	15,81	7,63	21,02	12,81
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	0,23	0,00	0,00	1,85	5,65	8,79	2,23
Хорижий инвестициялар ва давлат кафолати остидаги кредитлар	16,80	23,44	25,52	18,20	24,06	14,23	20,72
Тижорат банкларининг кредитлари	0,00	3,31	6,02	0,00	3,30	5,86	3,04

Шу билан бир қаторда тижорат банкларининг ушбу соҳага инвестиция киритиш миқдори сўнги йилларда аста секинлик билан шаклланиб бормоқда. Тикланиш ва тараққиёт фондининг маблағлари ҳисобига киритилаётган инвестициялар ҳажми турли йилларда турли хил кўрсаткичлар билан намоён бўлиб 6 йилнинг таҳлили келтирилганда 12,81 %га тенг бўлган.

**Темир йўл транспортида инвестицияларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири
бўйича тақсимланиши (млн.долл.)**

Инвестицияларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири бўйича	Йиллар					
	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Интенсив инвестициялар	583,77	638,07	714,81	492,78	201,66	163,64
Экстенсив инвестициялар	86,18	117,39	116,37	241,39	325,66	348,55
Жами	669,95	755,46	831,18	734,17	527,32	512,19

Агарда юқорида келтирилган жадвални фоизлар кўринишидаги жадвалга келтирсак темир йўл транспортига киритилаётган инвестицияларнинг интенсив инвестициялардан экстенсив инвестицияларга ўтиб бориш даражаси сўнги йилларда сезиларли бўлаётгани кўринади.

**Темир йўл транспортида инвестицияларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири
бўйича тақсимланиши, (%)**

Инвестицияларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири бўйича	Йиллар					
	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Интенсив инвестициялар	87,14	84,46	86,00	67,12	38,24	31,95
Экстенсив инвестициялар	12,86	15,54	14,00	32,88	61,76	68,05
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2014 йилда интенсив йўналишдаги инвестициялар ҳажми экстенсив инвестицияларга нисбатан 6,5 баробардан ҳам кўпроқ бўлган. Лекин 2019 йилга келиб экстенсив инвестициялар ҳажми интенсивга нисбатан 2,1 баробардан кўпроққа тўғри келмоқда. Яъни темир йўл транспортнинг ўзига хослигини инобатга оладиган бўлсак ушбу экстенсив инвестицияларнинг аксарият қисми тўғридан тўғри темир йўл соҳасига эмас, балки ижтимоий лойиҳаларга қаратилган. Шу билан бирга "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг темир йўл йўналиши бўйича ривожланишига замин яратмайди. Чунки уларнинг таркибида истироҳат боғлари барпо этиш, "Ўзбеккўмир" АЖни модернизациялаш, кўптармоқли клиника қуриш каби йўналишларга қаратилган. Ушбу йўналишлар молиявий томондан "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ учун фойдали бўлиши мумкин, лекин темир йўлнинг ривожланишига қаратилмаган.

Дунё миқёсидаги энг йирик, иқтисодий барқарор ва жуда катта темпларда ўсиб бораётган Хитой Халқ Республикасининг темир йўл тизими ҳам параллел равишда ривожланмоқда. Чунки Хитой ҳозирги кунда ЯИМни ишлаб чиқариш бўйича етакчи мамлакат бўлмоқчи ва бунга эришмоқда. Хитой айтилган дамда темир йўл тизимига тезликни қўшишни мақсад қилиб қўйган. Яъники улар ўзларига яқин бўлган океан ортидаги 12 мамлакат Эфиопия, Нигерия, Ангола, Кения, Буюк Британия, АҚШ, Зимбабве, Россия Федерацияси, Мянма, Қозоғистон, Сербия ва Таиландга йўл очишмоқчи, бу учун катта ҳажмда инвестиция жалб қилиш талаб этилади. Бу орқали Хитой ўзининг темир йўл тизимини янада ривожлантиришни кўзламоқда. Қуйида биз Хитойнинг темир йўл тизимининг қандай ҳолатда эканлигини SWOT таҳлилини амалга оширамиз.

4-жадвал

КУЧЛИ ТОМОНЛАРИ (S)	КУЧСИЗ ТОМОНЛАРИ (W)
12. Ажойиб ва ишончли усулдан фойдаланиши. 13. Операциялар ва конструкция жиҳатдан бой тажрибага эгаллиги. 14. Бажарилиши мумкин бўлган битим учун йўллар.	1. Талабга жавоб бермайдиган ёки етарли даражада бўлмаган бренд суръати. 2. Халқаро профессионалларнинг етишмаслиги, танқислиги. 3. Юқори тезликдаги темир йўл технологияларнинг анча олдин ривожланганлиги.
ИМКОНияТЛАРИ (O)	ХАВФ-ХАТАР (T)
1. Мамлакат ичидаги имкониятлар. 2. Халқаро миқёсдаги имкониятлар.	1. Халқаро бозордаги кучли ва шиддатли рақобат. 2. Капитал ва таннарх rischi. 3. Катта тезликдаги темир йўл стандартларидаги тўсиқлар.

Ҳиндистон мамлакати ҳам жаҳонда сезиларли даражадаги иқтисодий ривожланиш тенденциясини намоиш этмоқда. Уларнинг аҳолиси ҳозирги кунда сон жиҳатдан дунё мамлакатлари ичида биринчи ўринга кўтарилиш арафасида турибди. Лекин ушбу аҳолига хизмат кўрсатаётган уларнинг иқтисодиётини тебратиб турган темир йўл тизимининг афзалликлари устунликларини биз SWOT таҳлил орқали келтириб ўтамыз.

5-жадвал

КУЧЛИ ТОМОНЛАРИ (S)	КУЧСИЗ ТОМОНЛАРИ (W)
1. Узоқ масофани босиб ўтишда қўл келадиган энг иқтисодий томондан ҳамёнбоп транспорт тури. 2. 1,5 миллион ходим ушбу соҳада фаолият олиб боради. 3. Бу транспорт турида 6 млрд. йўловчи ва 750 млн. тонна юк ўз манзилига етказилади. 4. Тахминан 120 000 км релс йўли ва 8000 га яқин станциялар мавжуд.	1. Йўловчилар сектори зарарга ишламоқда. 2. Авария ва ушланишлар умумий суръатни янада ёмонлаштиради. 3. Объектлар халқаро стандартларга мос эмас. 4. Мижозларнинг эҳтиёжининг қониқиши пасаяди. 5. Ўзаро келимовчиликлар самардорликни туширади.
ИМКОНияТЛАРИ (O)	ХАВФ-ХАТАР (T)
1. Sagarmala лойиҳаси ҳисобига электропоездларнинг кўпайиши ифлосланишни камайитириши мумкин. 2. 70% даромад асосан ташиш секторидан келади ва у ташиш учун катта имкониятларга эга. 3. Салбий коэффициентлар сўнгги 10 йилликда пасайиб бормоқда.	1. Автотранспорт воситалари сонининг кўпайиши. 2. Икки трейлерли йўлларнинг жорий қилиниш эҳтимоли. 3. Юқори авариявийлик ҳавфи. 4. Авиа чипталарнинг нархлари пасаймоқда.

Ҳиндистонда темир йўл тизими жуда тез ривожланаётган бўлсада ушбу соҳага инвестицияларни жалб қилишда турли хил муаммолар мавжуд. Чунки кўплаб инвесторлар ишончли ва тез қопланадиган лойиҳаларга инвестицияларни киритишни хоҳлайдилар. Ҳиндистонда эса темир йўл тизимининг ривожланишига ва инвестицион муҳитга таъсир этадиган қуйидаги муаммолар мавжуд:

- инфратузилма қийматининг жуда баландлиги;
- қурилиш йўналишида коррупциянинг тўсиқ бўлиши;
- юқори малакали оператор тайёрланиши керак, лекин бунинг иложи йўқлиги;
- ривожланган мамлакатлар сингари моделлаштирилган технологияларни қўллаб бўлмади;
- оддий инсонлар учун нарх тўғри келмайди;
- темир йўл ходимлари устидан нотўғри бошқарув хавфсизлик рискинни келтириб чиқаради;
- катта ҳажмда ер сотиб олиш зарур бу катта эътирозлар ва кўп вақт талаб этади;
- юқори тезликдаги йўловчи экспресслари стандарт кенгликдаги рельсларда ишламайди, улар учун бошқа рельс керак.

Юқоридаги келтирилган ёндашувларни ўзига хос томонларини мамлакатимиз темир йўл тизимига олиб кира олсак мамлакатимиздаги транспорт тизимини янада ривожлантириш орқали инвестицион салоҳиятни кўтариш имкониятига эга бўламыз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Д.В.Муха, “Макроэкономическая эффективность привлечения прямых иностранных инвестиций в Республику Беларусь” – Минск: Беларуская наука, 2017.- 51 стр.
2. И.А. Баранова “Формирование способов распределения инвестиционных ресурсов на предприятиях путевого хозяйства железных дорог, осуществляющих инновационную

деятельность” Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Орел, 2007.- 15 стр.

3. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг маълумотлари

Раджапов Камоладдин Эркаевич
и.ф.н., доцент
Урганч давлат университети,
Эркаева Бибиробия Камоладдин кизи
талаба
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

положении, когда сумма выручки по каждой акции в 3-м квартале 2019 года составляет 1,71 доллара США, корпорация Microsoft выплачивает дивиденды по каждой акции от 0,51 доллара США. С помощью этой политики Microsoft выплачивает дивиденды инвесторам, а также имеет достаточный капитал для иных инвестиционных проектов.

Изучая деятельность корпораций, дивидендная политика которых была проанализирована выше, можно прийти к следующим выводам:

- По нашему мнению, при формировании дивидендной политики корпораций необходимо учитывать следующие ключевые факторы:

- Инвестиционные возможности корпорации;
- Методы финансирования деятельности корпораций из альтернативных источников;
- Законодательные и иные ограничения по выплатам дивидендов в соответствии с законодательством Республики;

- Другие факторы (платежеспособность корпораций, дивидендная политика конкурирующих корпораций и др.).

- Нормативные показатели для определения дивидендной политики отсутствуют.

- В деятельности акционерных обществ нашей республики необходимо эффективно использовать опыт практики проведения дивидендной политики иностранных корпораций. В частности, изучаемых нами в иностранных корпорациях выплаты дивидендов в основном производятся ежеквартально. Мы считаем, что данная практика будет уместна для использования при проведении дивидендной политики акционерных обществ Республики Узбекистан. В первые годы развития обществ можно будет выплачивать полугодовые дивиденды, а на более поздних этапах - квартальные дивиденды, чтобы еще больше повысить инвестиционную привлекательность предприятий.

Список использованной литературы:

1. Обсуждены вопросы развития фондового рынка. http://uza.uz/ru/politics/obsuzhdeny-voprosy-razvitiya-fondovogo-rynka-07-10-2019?sphrase_id=4202567
2. Young-sil, B. Y., Samsung Electronics Maintains High Dividend Payout Policy. Business Korea. 2019.
3. <https://www.microsoft.com/> - официальный сайт корпорации Microsoft.

*Аликулов Меҳмонали Салоҳиддин ўгли
ўқитувчи
Тошкент молия институти*

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аннотация: *мазкур мақолада эркин иқтисодий зоналар фаолияти ва уларни рағбатлантиришининг Россия Федерацияси тажрибаси таҳлил қилиниб, қўлланиладиган механизм ва имтиёзлар ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *эркин иқтисодий зоналар, хорижий инвестициялар, солиқ имтиёзлари, божхона имтиёзлари, инновация, инфратузилма, туризм, ягона инвестицион битим, бюджет маблағлари, ялти ички маҳсулот.*

Мамлакатимизнинг истиқболдаги иқтисодий тараққиёт йўлини кенгроқ тасаввур этар эканмиз, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси ўзгариб бориши, жаҳон миқёсидаги иқтисодий глобаллашув ва интеграцион шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани Ўзбекистоннинг янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақазо этмоқда.

“Эркин зоналар ташкил этилиши минтақавий ривожланишни янада мақбуллаштириш, ташқи бозорларга йўналтирилган юқори самарали ишлаб чиқаришларни жойлаштириш,

логистика ва транспорт инфратузилмасининг замонавий тизимларини жорий этиш сиёсатини амалга ошириш йўлида янги қадамдир. Бизнинг вазифамиз-тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалтётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделини қатъий амалга оширишдан иборат. Биз уларни ривожлантиришни бундан кейин ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз”.

Бу жараёнларда Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларни рақобатбардошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳитятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз миққазиди бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот–коммуникатция тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади. Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришишимиз даркор[1] ва бу йўлда эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш ва ўларни фаолиятини такомиллаштиришда хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш муҳум ҳисобланади.

Аммо исталган эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этишда унинг очикликка, жаҳон хўжалик алоқаларини кенгайтиришга, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилишга йўналтирилганлиги давлат томонидан тартибга солишнинг мавжуд шакиллари ва усулларини оптималлаштириш, замон талаблари асосида ислоҳ этиш, улардаги ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари комплексини ривожлантириш – мамлакат олдидаги долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё бўйлаб тўпланган махсус иқтисодий зоналар бой тажрибаси ушбу зоналарнинг механизми давлатнинг инновацион ривожланиши ва инвестиция ва бюджет сиёсатини амалга оширишнинг энг самарали воситаларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Шу мақсадда Россия Федерациясида тажрибасини ўрганишни ва мамлакатимизда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантиришда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Россия Федерациясидаги махсус иқтисодий зоналар ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, иқтисодий ривожланишнинг юксак технологияли соҳалари, сайёҳлик ва дам олиш, порт ва транспорт инфратузилмаси, технологияларни ишлаб чиқиш ва уларнинг натижаларини тижоратлаштириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун яратилган. Барча турдаги махсус иқтисодий зоналар 49 йил муддатга ташкил этилади.

Россия Федерациясида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва уларни фаолиятини тартибга солиш, улар учун тақдим этиладиган имтиёзларни аниқ белгилаб олиш мақсадида мазкур соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилди.

Ҳозирги кунда Федерация ҳудудида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишда қуйидаги қонун ҳужжатлари асос бўлмоқда.

– 31.05.1999 йилдаги (№104-ФК) “Магадан вилоятидаги асосий иқтисодий ҳудуд тўғрисида”ги қонун;

– 22.07.2005 йилдаги (№116-ФК) “Россия Федерациясидаги махсус иқтисодий ҳудудлар тўғрисида”ги қонун.

– 10.01.2006 йилдаги (№16-ФК) “Калинград вилоятидаги махсус иқтисодий ҳудуд ва Россия Федерациясининг айрим қонун ҳужжатлари ўзгариш киритиш тўғрисида”ги федерал қонунлар ва х.к.

Дастлабки тажрибалар асосида бугунги кунда эркин иқтисодий ҳудудларга жуда кенг имтиёзлар тизими амал қилмоқда:

– ер солиғидан озод этилади;

– фойдаланилган транспорт воситалари воситалари рўйхатга олинган вақтдан бошлаб солиқдан озод ҳисобланади;

– даромад солиғи Федерал бюджет учун 0% маҳаллий бюджет учун умумий солиқ ставкасининг 13,5% дан ортиқ ундирилмайди;

– агар резидентлар (норезидентлар) ва корхоналар махсус иқтисодий ҳудудларнинг бошқаручилари бўлса 10 йил давомида мулк солиғидан озод этилади;


– доимий равишда технополислар, туристик йўналишдаги махсус иқтисодий ҳудудлар,

техник-ишлаб чиқарувчи технопарклар учун суғурта бадали тўловининг тарифлари камайтириб келинмоқда. (2012-2017 йилгача 14%, 2018 йилдан 21%, 2019 йилгача 28% га қисқартирилди). Агарда 01.01.2012 йилдан даромад солиғи Федерал бюджет учун тўлаб келинган бўлса, ҳозирдан ушбу ставка 0% этиб белгиланади.

Қолаверса, ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудларнинг айримлари учун алоҳида имтиёзлар тизими ҳам амалга қилиб келмоқда.

Жумладан, "Калинград" махсус иқтисодий ҳудуди учун биринчи 6 йил давомида даромад солиғи 0% бўлган бўлса, 7 - йилдан 12 - йилга қадар "инвестициявий лойҳаларни рўёбга чиқарганлиги" учун даромаддан ундириладиган солиқ 50%гача камайрилиши белгиланади.

1-расмдан кўриниб турибдики, 2005 йил 22 июлдаги 116-ФҚ қабул қилинганидан буён 10 та Саноат ишлаб чиқариш, 6 та Илмий янгиликларни тадбиқ этишга, 17 та Туризм ва дам олишга мўлжалланган (9 таси "Шимолий Кавказнинг курортлари" сайёҳлик кластери таркибида) ва 3 та порт махсус иқтисодий ҳудудлари ташкил этилган ва уларни йиллар кесимида ҳам кўришимиз мумкин. (1-расм)



1-расм. Россия Федерациясида ташкил этилган махсус иқтисодий ҳудудлар[3].

2005 йил 22 июлдаги 116-ФҚ-сонли федерал қонун асосида фаолият юритувчи махсус иқтисодий ҳудудларига қўшимча равишда, Россия Федерациясида бошқа федерал асосида фаолият кўрсатадиган махсус иқтисодий мақомга эга яна учта ҳудуд мавжуд (2-жадвал).


Яратилган махсус иқтисодий ҳудудларнинг умумий сонидан 11 нафари ҳозирги кунгача тўхтаб қолди. Буни асосий сабаби, уларнинг барчасида уч йил мобайнида ягона инвестицион битим тузилмаганлигидадир. Россия Федерацияси қонунларига асосан тўхтатилди ва тўхтатилган 11 ҳудуднинг 8 тасида туризм ва дам олишга мўлжалланган (Шимолий Кавказ сайёҳлик кластери таркибида), 2 таси порт махсус иқтисодий ҳудудлар ва 1 таси саноат ишлаб чиқариш махсус иқтисодий ҳудудларни ташкил этган.

Махсус иқтисодий ҳудудларнинг асосий рақобат афзаллиги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторнинг дастлабки харажатларининг сезиларли даражада (30% гача) камайиши, бунинг учун янги тайёр замонавий инфратузилма мавжудлиги ва, албатта, солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар мавжудлиги.

Бошқа федерал қонунлар асосида фаолият юритувчи махсус иқтисодий мақомга эга зоналар[4]

№	Номи	Федерал қонунлар асосида ташкил этилганлиги	Фаолият муддати
1.	Магадан вилояти ҳудудида эркин иқтисодий ҳудуди	от 31.05.1999 №104-ФЗ	до 31.12.2025
2.	Калининград области ҳудудидаги эркин иқтисодий ҳудуди	от 10.01.2006 №16-ФЗ	до 01.04.2031
3.	Қрим Республикаси ҳудудида ва Севастополнинг федерал аҳамиятга эга бўлган ҳудудидаги эркин иқтисодий ҳудуди	от 29.11.2014 №377-ФЗ	до 31.12.2039

2005 йил 22 июлдаги 116-ФЗни асосида ташкил этилган ва фаолият юритиб келаётган МИХларга 2018 йил 1-январдаги ҳолатга кўра, 656 нафар резидентлар, шу жумладан, 125 нафар чет эллик инвесторлар иштирок этди. Умуман олганда, Россия Федерациясининг МИХларга дунёнинг 38 мамлакатидан инвестициялар киритилган. Жами хусусий инвестициялар 292,1 миллиард рубл, хорижий хусусий инвестициялар 174,8 миллиард рублни ташкил этган. Жами 28,4 минг та янги иш ўрни яратилган.(2-расм).



2-расм. 2018 йил 1 январ ҳолатига дунё мамлакатлари инвесторлари томонидан РФ нинг Махсус иқтисодий ҳудудларга киритилган жами хусусий инвестициялар таркиби, миллиард рубл[5].

Россияда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланишнинг "иккинчи тўлкини"ни бошдан кечирмоқда, шунинг учун, уларнинг фаолиятида қуйидаги бир қанча муаммолар мавжуд:

- махсус иқтисодий ҳудудларни ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар ва бошқалар;
- махсус иқтисодий ҳудудларнинг самарадорлигини баҳолаш тизимини йўқлиги;
- эркин иқтисодий ҳудудларда инфратузилма объектларини қуриш шартларини бузилиши оқибатида инвесторларнинг ўз лойиҳаларини амалга оширишдан бош тортган

ҳолатлари кузатилган;

- махсус иқтисодий ҳудудларнинг фаолияти ва уларнинг фаолияти натижалари тўғрисида мунтазам маълумотларнинг йўқлиги;

- янги иш жойларини яратишнинг юқори қиймати.

Юқорида санаб ўтилган хориж мамлакат тажрибасида ўрганган афзалликлар ва камчиликларни бизни мамлакатимизда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштиришда қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Тошкент - «Ўзбекистон» НМИУ – 2016 й.

2. Голубкин И.В., Букхарова М.М., Данилов Л.В. (2018). Бизнес-навигатор по особым экономическим зонам России. – 2018. [Business Navigator for special economic zones of Russia – 2018.] Moscow: АКІТ, р. 160.

3. "Консультант Плюс" - законодательство РФ: кодексы, законы. (<http://www.consultant.ru>)

4. Осипов В.А. Особые экономические зоны как современный инструмент привлечения инвестиций в регионы // Социальная политика и социология. Том 14. 2015. № 2(108). С. 108-116.

5. Чепинога О.А., Солодков М.В., Семенова Э.А. (2017). Problems of functioning and development prospects for special economic zones in Russia. Baikal Research Journal, 3(8) (in Russian).

Хўжамуродов Асқаржон Жалолович

катта ўқитувчи, PhD

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ЎЗБЕКИСТОН ФОНД БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада жаҳон фонд бозоридаги илгор замонавий инфратузилма элементларини Ўзбекистон фонд бозорига жорий қилиши, қимматли қоғозлар бозори савдо ташкилотчилари фаолиятини такомиллаштириши ва профессионал шитирокчилар фаолиятини мувофиқлаштириши ҳамда республика фонд бозорини ривожлантиришга қаратилган таклиф, тавсиялар келтирилган.*

***Калит сўзлар:** фонд бозори, қимматли қоғозлар бозори, биржа, электрон савдо, акция, облигация, инвестицион воситачи, эмиссия, инвестиция, инфратузилма.*

Жаҳон амалиётида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар, жумладан, фонд бозори инфратузилмасининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланган ахборот берувчи фонд индексларини такомиллаштириш, биржалар ва муқобил савдо тизимларининг ролини ошириш, янги молиявий воситаларни жорий этиш, фонд бозорида ўз-ўзини бошқариш органларини ташкил этиш, қимматли қоғозларни он-лайн сотиб олиш ва электрон савдоларни ташкил этиш, бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Ҳозирги жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида Ўзбекистонда қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини тўла ишга тушириш, фонд биржасида акциялар қийматини мунтазам эълон қилиб бориш, аҳолида акциялар сотиб олишга иштиёқ ва интилишни ошириш, акцияларни ҳақиқий қимматли қоғозга айлантириш ҳамда муҳим даромад манбаи бўлиши таъминланмаганлиги, фонд бозори инфратузилмаси фаолияти самарали йўлга

кўйилмаганлиги фонд бозорини ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шунга кўра «юртимизда фонд бозори, фонд биржасини янада ривожлантириш учун Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим». Шунингдек, давлатнинг макроиқтисодий ва фаол инвестиция сиёсати талабларига тўлиқ жавоб берувчи фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш зарурати келиб чиқмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «инвестиция муҳитини такомиллаштириш ва корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш борасидаги ишларни жадаллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги [2] 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2012 йил 19 мартдаги ПҚ-1727-сонли «Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Шу билан бирга, ҳозирги Ўзбекистоннинг иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштиришда фонд бозори инфратузилмаси сифатидаги фаолиятини кенгайтириш, бозорни ривожлантиришда инфратузилма фаолиятини самарадорлигини ошириш, рискларни бошқариш, давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, институционал инвесторларнинг ролини ошириш масалалари етарлича тадқиқ этилмаганлиги мазкур соҳада ҳали жуда кўп илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини англатади. [3]

Бугунги кунда дунё фонд бозорларида инқилобий ўзгаришлар юз бeryпти ва ўзгаришларни Америка ва Германия моделларининг конвергенцияси деб аташ мумкин (1999 йилда АҚШда 1933 йилги тузатиш («Гласс – Стигол» тузатиши) бекор қилинган. Тузатиш кредит банкларида фонд бозорларида тўғридан-тўғри операциялар амалга оширишни ман этган). Яқин келажакда қарама-қарши бозор моделларининг тузилмаси сақланиб қолади. Кейинчалик улар ўртасидаги фарқ секин-аста йўқолиб боради ва бунга кўп жиҳатдан ахборот технологияларининг ривожланиши ва фонд бозорларидаги умумий глобаллашув шароит яратмоқда.

Фонд бозорларининг моделларини қиёсий таҳлил қилиш дунё тажрибасидан Ўзбекистон фонд бозорини ташкил этишда фойдаланиш нуқтаи назаридан жуда муҳим. Масалан, инфратузилмани яратишда модель инфратузилманинг тузилмасига ҳам таъсир қилиши мумкинлигини инобатга олиш зарур. Хусусан, фонд бозорининг моделига қараб эмитентларга хизмат кўрсатадиган (қимматли қоғозларни рўйхатга олиш, трансферти, улар бўйича тўловларни амалга ошириш ва ҳ.к.) депозитарий ва клиринг тармоғи банк ёки банкдан ташқари хусусиятга эга бўлади.

Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг асосий қатнашчилари сифатида Ўзбекистонда қимматли қоғозлар биржа ва биржадан ташқари савдоси билан шуғулланувчи «Тошкент» РФБ, Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасининг фонд бўлими, Ўзбекистон «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси ҳамда қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдо ташкилотчиси «EL SIS-SAVDO» АЖ ҳисобланади ва Республикадаги акциялар ва облигацияларга доир ички битимларнинг ярмидан кўп қисми тузилади. [4]

Ўзбекистоннинг фонд бозори инфратузилмасининг тизимини ташкил этувчи бўғини асосан Ўзбекистон Республикаси фонд биржасида фаолият юритувчи инфратузилмавий муассасалар ҳисобланади.

“Тошкент” республика фонд биржаси фаолияти Ўзбекистон Республикасида алоҳида ўрин тутади, чунки у етакчи савдо ташкилотчиси бўлибгина қолмай, Республикадаги 100 дан ортиқ биржа бозори иштирокчилари бўлган 600 дан ортиқ ташкилотларга ҳисоб-китоб-клиринг ва депозитар хизматларни кўрсатади. “Тошкент” республика фонд биржасининг миллий бозордаги фундаментал роли – молия бозорининг барча асосий сегментлари – валюта, фонд ва муддатли бозорларда умуммиллий савдо тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

«Тошкент» Республика фонд биржаси Ўзбекистон президентининг "Иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорларни ривожлантириш чора тадбирлари туғрисида" фармони № 745 кўра 8 апрел 1994 йилда шаклланган. Унинг фаолияти республикада ишлаб чиқарилётган ислохотлар билан ва акциядорлик жамиятларининг сиёсати билан яқиндан боғлиқ.

Бугунги кунда «Тошкент» РФБ - бу 100 дан ортиқ брокерлик ташкилотлар ва энг янги ускуналарга эга бўлган биржа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4720 сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари туғрисида” 2015 йилнинг 24 апрелида Қарор талабларини ижро этиш, ҳамда Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича “Тошкент” РФБ АЖ ташкилий тузилмаси тасдиқланган.[1]

“Тошкент” РФБ АЖ асосий стратегик мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатда ягона дастурий-техник комплексни қимматли қоғозлар савдосида ишлатиш ва савдоларни унинг воситасида амалга ошириб бориш;
- биржа листингига қўшилган молиявий барқарор компаниялар сонини ошириб бориш;
- фонд бозорини умумий айланмасида биржа айланмасини кўпайтириш ва биржадан ташқари айланмани камайтириш;
- умумий аҳоли учун сотиб олиш мавжудлиги ва имконият яратиш орқали акциялар бўлагини кўпайтириш;
- биржа аъзолари билан дастурий электрон муносиботга имконият яратиш ва интернет-савдога ўтиш;
- халқаро фонд биржалари билан самарали алоқани таъминлаш ва инвесторларни ҳимоя қилиш механизминини яратиш;
- биржа листингидаги эмитентлар ҳисоботини электрон шаклида яратиш ва веб сайтда кўрсатиш орқали фонд бозорини ошкоралигини кучайтириш.

Биржанинг ўзига хос хусусияти шуки, у аввал бошидан электрон савдо-депозитар тизимга эга универсал электрон биржа сифатида ташкил этилган. 1994 йилда “Тошкент” РФБ савдо тизимлари халқаро стандартлари асосида Ўзбекистон фонд бозорининг биржа инфратузилмасини ташкил этишни бошлади. Электрон автоматлаштирилган котировкалар ва битим тузиш тизимини жорий этиш лойиҳани амалга ошириш учун техник база вазифасини бажарди. Бу тизим Ўзбекистонда олдин қўлланилмаган эди.

“Тошкент” РФБ бошиданок энг замонавий принципларга асосланиб ташкил этилган. Ўз институционал тузилмасига кўра, Биржа – акциядорлик жамияти ва бозор иштирокчиларининг мулки эмас. Демак, “Тошкент” РФБ мулкни аъзоликдан ажратиш муаммосига тўқнашмаган. Бу тўғри қарор қабул қилинишига ёрдам берди, чиқимларни оптималлаштириш ва узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштириш имконини берди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси фонд бозори ўзининг ривожланиш босқичида бўлиб, бу даврда савдо ҳажми йилдан йилга жадал суратлар билан ўсаётганини кўриш мумкин. Шундай бўлсада хали амалга оширилиши зарур бўлган ишлар жуда кўп. Шунга биноан Ўзбекистон фонд бозорини ривожлантириш ва юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш қуйидагиларга боғлиқ ҳисоблаймиз:

1. Қимматли қоғозлар бозори фаолият механизми самарали ишлашини секинлаштирувчи сабаб, бу инвестицион институтларнинг тармоқ ўсиши пастлиги, юқори малакали кадрлар етишмаслигидадир. Инвестицион компаниялар, консалтинг фирмалари, бошқарувчи компаниялар, номинал сакловчилар, андеррайтерларнинг ҳамма ҳудудларда ҳам мавжуд эмаслиги вилоятларнинг фонд бозоридаги иштирокини деярли чекланишига олиб келмоқда (улуши 1 фоиздан кам). Шу сабабли, фонд бозори инфратузилмаларини ҳудудлар кесимида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

2. Қимматли қоғозларнинг эмитентлари ҳисобланган акциядорлик жамиятларининг акциядорлар умумий йиғилишини онлайн режимида масофавий ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шу асосида акциядорларга тақдим этилаётган ҳужжатлар ва ҳисоботлар электронлашади, акциядорларнинг вақти тежалади, транспорт харажатлари камаяди ҳамда барча акциядорлар (кворум) 100 фоиз иштирок этиши таъминланади.

3. Қимматли қоғозлар бозори аҳволи, унинг қатнашчилари, уларнинг қимматли қоғозлари ва молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги зарур ахборотлар ва ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш масалалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириб, уларни такомиллаштириш лозим.

4. Мамлакатмизда фонд бозорининг тартибга солувчи инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган мақсадли стратегиялар яратиш учун умумий модель шакллантирилмаган. Ўзбекистон учун миллий моделни шакллантириш амалиётини хорижий тажрибаларга таяниш билан бир қаторда, фонд бозорини миллий даражада тартибга солишнинг умумий мақсад ва принциплари ҳамда Молия бозорини тартибга солувчилар халқаро ташкилоти IOSCO томонидан ишлаб чиқилган меърларга мослаштириш орқали амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш республика фонд бозорини маълум даражада ривожланишига ўз хиссасини қўшади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли Фармони 2015 йил 24 апрел.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони 2017 йил 7 феврал.

3. А.Ж.Хўжамуродов. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш. Мавзусидаги PhD диссертацияси автореферати. “IQTISOD-MOLIYA” 2019 йил 60 бет.

4. Хўжамуродов А.Ж. Фонд бозори инфратузилмалари воситасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш. // Иқтисодиёт ва таълим. 2016 йил 3-сон. 67-70 бет.

Камилова М.Х

к.э.н., доцент

Ташкентский государственный институт востоковедения

ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ УСЛОВИЯ МОДЕРНИЗАЦИИ И ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: В статье, на основе анализа научно-технологической сферы сделаны ряд выводов и предложений по институциональным изменениям, использованию инноваций и активизации инновационной деятельности в условиях модернизации и перехода на устойчивое развитие экономики республики, повышения её конкурентоспособности, а также важность и значимость для этого повышения качества менеджмента.

Ключевые слова: модернизация, конкурентоспособность, инновационная активность, патенты, коэффициент изобретательской активности, институциональные изменения, транзакционные издержки, институциональные реформы, интеллектуальная собственность, качество менеджмента.

На сегодня очевиден факт того, что для успешного продолжения начатых в республике процессов модернизации и устойчивого экономического роста требуются глубокие институциональные реформы, так как нынешние институты, определяющие инвестиционный климат и предпринимательскую среду, не в полной мере способствуют реализации модернизационного потенциала экономики.

Во многих трансформационных экономиках происходят радикальные изменения в институтах системы экономико-правовых и социальных отношений. Но в целом институциональные изменения происходят эволюционно, так как институты, как отметил Д.Норт, являются результатом перемен, связанных с формированием индивидуального поведения [1]. Отсюда влияние институциональных факторов и условий на развитие технологий и инноваций недостаточно разработано.

Институциональные изменения определяются многими исследователями как постоянный процесс количественно-качественных преобразований и изменений разных социальных и экономических институтов. До сих пор в республике модернизация осуществлялась сверху и прежде всего в технологической сфере, а институциональные реформы проводились в ограниченном виде. Важной целью их является стимулирование инновационной деятельности предпринимательства, широких слоев населения. Более того дальнейшая эффективность рыночного механизма в экономике будет зависеть от завершенности начатых институциональных преобразований как сверху, так и снизу.

Таким образом, модернизация есть процесс как технологический, так и институциональный. Меры государственной власти по стимулированию инноваций, формированию в обществе инновационной идеологии и культуры инновационного предпринимательства должны способствовать реформированию институциональной среды.

Институциональная среда – это комплекс формальных и неформальных институтов, создающих институциональные условия для реализации инновационного потенциала страны. Он отражается в следующих показателях: число научных учреждений, а также персонал, занятый исследованиями и разработками; затраты на технологические инновации; число высших учебных заведений и студентов в них; число изобретений, зарегистрированных патентов; количество кандидатов и докторов наук, затраты на НИОКР. Показатель численности персонала, занятого исследованиями и разработками, является значимым для патентной, инновационной и предпринимательской активности в стране. В свою очередь патенты наряду с количеством публикаций являются индикатором создания знаний.

Следовательно, институциональные условия создаются институтами на макро-и микроуровнях и могут благоприятствовать или же препятствовать осуществлению инновационной деятельности. Более того, в странах с трансформируемыми экономиками отсутствуют или недостаточно развиты институты инновационной инфраструктуры, являющиеся связкой в цепочке «наука – образование – производство». Нынешние институты, связанные с инновационной сферой, могут способствовать возникновению препятствий и появлению т.н. «институциональных ловушек» (Полтерович В.М.) в следующих направлениях:

- транзакционные издержки;
- права собственности;
- контрактные соглашения;
- отсутствие или недостаточность институционального и межличностного доверия.

Транзакционные издержки в определенной степени ответственны за характер распределения и защиты прав собственности, которые оказывают влияние на систему стимулов и экономические результаты [2]. Д.Норт к транзакционным издержкам относит:

- издержки поиска информации;
- издержки заключения хозяйственного контракта;
- издержки измерения (блага);
- издержки спецификации и защиты прав собственности;
- издержки оппортунистического поведения (нечестность, сокрытие информации).

К институтам инновационной сферы на макроуровне относятся формальные законодательно закрепленные нормы, а к институтам на микроуровне относят формальные и неформальные институты, содействующие воспроизводству инноваций. В индекс Всемирного экономического форума (ВЭФ) среди 12 показателей входят как важный базисный фактор – *институты, способность внедрять новые технологии и инновации*. По методологии ВЭФ в качестве институтов рассматриваются – права собственности, коррупция, злоупотребление властью, неэффективность правительства, безопасность и частные институты (этика и прозрачность деятельности).

Отсюда основными элементами институциональной среды, оказывающими влияние на инновационное развитие экономики, являются:

- правовая система, формирующая основные правила в сфере науки, образования и инноваций;
- институты системы распределения, спецификации и защиты прав интеллектуальной собственности (ИС), которые регулируют правила обмена интеллектуальной собственностью, механизм защиты прав ИС;
- система государственной научно-технической и инновационной политики, включающая институты, непосредственно взаимодействующие с производителями, инноваторами и потребителями (например, Министерство инновационного развития, Агентство по интеллектуальной собственности, Фонд реконструкции и развития и т.п.), обеспечивающие эффективность сферы науки и технологий;
- институты инновационной инфраструктуры, находящиеся в зародышевом состоянии в республике, основное предназначение которых быть связующим звеном в системе внедрения нововведений в производство;
- система науки и образования со своей стороны выступает решающим фактором, влияющим на качество самих институтов и в целом институциональной среды. Эффективность же институциональной среды зависит от её способности снижать транзакционные издержки. То есть влияние институциональных факторов на инновационное развитие сказывается в снижении уровня административных барьеров и торговых ограничений; защиты прав собственности и прежде всего интеллектуальной собственности, которая по оценкам исследователей составляет до 40% активов современных предприятий [3].

До настоящего времени, имеющиеся в нашей и странах СНГ экономической литературе, теоретические подходы к исследованию экономических явлений, и, в частности, проблем активизации инновационной деятельности, недооценивали влияние институциональной среды с использованием основных положений и методов анализа институционально-эволюционной теории – теории прав собственности и транзакционных издержек, теории общественного выбора, рассматривающие инновации, инновационную деятельность во взаимосвязи с явлениями правовой и социальной сфер.

Слабо разработаны вопросы качества институтов институциональной среды и её влияние на инновационное развитие экономики. Отсутствует также *комплексный подход* к анализу воздействия интеллектуальной среды республики на инновационную деятельность. Новая институциональная экономика позволяет анализировать вопросы инноваций и технологического развития, при этом акцентируя внимание на социальной структуре, защите прав собственности и исполнении контрактов. Важную роль в этом играет институциональная политика (ИП) государства, являющегося составной частью институциональной среды, способного активно влиять на ускорение процессов модернизации и инновационного развития. Как отмечает один из основных зарубежных исследователей этого вопроса Т.Эгертссон, важны агенты институциональной политики: законодатели, обладатели прав и

носители обязанностей, а также инструменты ИП – правила, формальные и неформальные, принуждение и убеждение [4].

Корректируя различные правила и методы принуждения их к исполнению, власти через институциональную политику могут изменить инновационное развитие, согласно Глазьеву С.Ю., это – замещение технологических укладов, которое требует, как правило, соответствующих изменений в социальных и институциональных системах. Институциональная структура технологических укладов, включает национальные и международные режимы экономического регулирования, базовые экономические институты и институциональные процессы, а также способы организации инновационной активности^[5].

Другой исследователь институционализма Р.Нельсон предполагает интеграцию технологического и институционального детерминизма в экономическом развитии. В частности он выделяет два типа технологий: физические технологии – это технологии в традиционном понимании, т.е. способы производства материальных благ; социальные технологии – охватывают все основные виды экономических институтов: распространенные «правила игры» (Д.Норт), «способы управления» (О.Уильямсон), а также процедуры общественного выбора действий (Дж.Бьюкенен), обеспечивающие снижение транзакционных издержек в экономике (согласно Р.Коузу)[6]. Б.Лундвал указывает, что инновации, как процесс взаимодействия между производителями и потребителями результатов знаний, можно рассматривать как микроуровень новой теории.

Основные функции институциональной среды предполагают: снижение неопределенности и транзакционных издержек, создание устойчивой среды для взаимодействия экономических субъектов, в частности в инновационной сфере, а также определенные распределительные и поведенческие функции. Важнейший показатель – результативность основных элементов институциональной среды: в инновационной сфере это результативность науки, которая выражается в показателях инновационной активности в национальной экономике (см. Табл.1).

Таблица 1.
Показатели инновационной активности в Республике Узбекистан [7]

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Численность занятых ИР (чел.)	30343	30890	35104	35230	35836	36839	36984	36785	37185
Внутренние затраты на ИР (млрд. сум.), в % (2010г.=100)	184,3 100	263,2 142,8	213,4 115,8	2501,5 1357,3	1381,5 749,6	1251,8 679,2	1180,0 640,3	2956,0 1603,9	2959,2 1605,6
Затраты на технологические, маркетинговые и организационные инновации (млрд.сум), в % (2010=100)	264,4 100	372,6 141,0	311,9 118,0	4634,2 1753,0	3757,4 1421,0	5528,3 2091,0	2571,4 973,0	4162,0 1574,0	4707,2 1780,0
Коэффициент изобретательской активности (число поданных отечественных заявок на патенты, на 100000 населения)	134 0,48	165 0,56	160 0,54	176 0,58	565 1,85	189 0,61	243 0,77	296 0,92	289 0,88 (58 – в Германии 49 – в Финляндии, 46 – в Швеции)

Начиная с 2005 года затраты на научно-технологические исследования в республике значительно увеличились, но по уровню финансирования НИОКР республика заметно отстает от среднемирового уровня. Большая часть научных исследований финансируется государством. Частный сектор фактически не участвует в инновационном процессе. В республике венчурные фонды не получили широкого развития, а малый и средний бизнес не очень охотно вкладывает средства в инновации из-за высокой рискованности инновационных проектов, отсутствия финансовых средств.

Наиболее серьезное стимулирование изобретательской деятельности выражается в количестве регистрируемых заявок на патенты (резиденты и нерезиденты). Как показывает практика, наиболее конкурентоспособные экономики мира активно привлекают нерезидентов (48% – в США, 83% в Израиле) [8]. Количество патентов в республике, как видно из таблицы 1, является небольшим относительно уровня инвестиций в НИОКР. Между тем, пошаговые инновации, выявляемые патентами, являются принципиальными элементами процесса развития национальной экономики. Как показывает исследование, проведенное в США, рост числа индекса инноваций – патентов, выданных Бюро по патентам и торговым знакам страны, на 1% способствует экономическому росту на 0,9 п.п. [9]. Освоение инноваций в республике в основном пока происходит через закупку машин и оборудования. Наиболее инерционная динамика характерна для ИиР: совсем незначительна доля средств, затрачиваемых на приобретение новых технологий, в частности прав на патенты и лицензии – 0,5%. Одной из причин такого смещения инновационного развития в сторону освоения готовых технологий является то, что руководство государственных предприятий практически не готово рисковать, предпочитая инвестирование в повышение технологического уровня производства и желая быстро окупить вложенные средства. Поэтому государство должно оказывать особое содействие корпорациям, начавшим коммерциализацию результатов научно-технической деятельности отечественных НИИ.

Причем как показывает практика, наряду с ПИИ необходимо активно привлекать в инновационную сферу страны квалифицированных специалистов (в частности, для создания и развития институтов инновационной инфраструктуры в республике). Для этого институциональная среда должна быть благоприятной для инновационной деятельности.

Финансовое обеспечение инновационной деятельности в основном происходит через государственный бюджет, который почти полностью пока направлен на инвестирование в технологическое обновление; инвестиции в подлинно инновационные проекты малы, хотя это и оправдано незавершенностью процессов модернизации, технологического обновления предприятий.

Таблица 2.

Затраты на технологические, маркетинговые и организационные инновации [10]

Источники финансирования	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Всего (млрд. сум.):	264,4	372,6	311,9	4634,2	3757,4	5528,3	2571,4	4162,3	4702,2
В том числе:	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Собственные средства, (млрд. сум.), в %	184,3 69,7	263,2 70,6	213,4 68,4	2501,5 54,0	1381,5 36,8	1251,8 22,6	1180,0 45,9	2956,0 71	2959,2 62,9
Средства иностранных источников (млрд. сум.) в %	48,3 18,3	24,9 6,7	39,9 12,8	1228,7 26,5	32,3 0,9	156,6 2,8	314,9 12,2	799,1 19,2	307,1 6,5
Кредиты коммерческих банков, (млрд. сум.) в %	30,0 11,3	63,7 20,9	26,8 8,6	533,5 11,5	262,5 7,0	280,1 5,1	157,3 6,1	88,4 2,1	501,5 10,7
Прочие средства, (млрд. сум.) в %	1,8 0,7	20,9 5,6	31,7 10,2	370,6 8,0	2081,0 55,4	3839,7 69,5	919,1 35,7	314,4 7,6	204,4 4,3

Реструктуризация научно-исследовательской деятельности предполагает перенос части фундаментальных исследований в вузы и переориентацию части научно-исследовательских институтов на обслуживание нарождающегося сектора высокотехнологичного предпринимательства. Так, Институт энергетики и автоматики АН РУз создал такого рода совместное внедренческое предприятие с корпорацией «Узбекнефтегаз» – «УзНАНОнефтегаз», основная цель которого внедрение в нефтегазовую отрасль инновационных продуктов в области нанотехнологий.

Диверсификация источников финансирования требует четкого разграничения прав интеллектуальной собственности между участниками инновационного процесса. Отсюда основными направлениями совершенствования качества институциональной среды с целью стимулирования инновационной деятельности, на наш взгляд, могли быть:

- мероприятия по снижению административного регулирования деятельности институтов сферы генерирующей знания, инновации. Чрезмерное регулирование помимо увеличения транзакционных издержек снижает эффективность интеллектуальных ресурсов. Целесообразно упрощение процедуры лицензирования и государственной регистрации объектов интеллектуальной собственности, а также выдачи патентов;

- дальнейшее повышение эффективности и результативности инновационной сферы зависит от оптимизации органов государственного управления в сфере ИС, в целом науки и образования;

- более активное содействие государством широкому внедрению в производство инновационных технологий и изобретений, научно-технических и других креативных разработок;

- создание единой высокоэффективной системы правовой охраны ИС во взаимодействии с другими государственными институтами (правоохранительными, таможенными и др.). Совершенствование законодательства в области регулирования прав интеллектуальной собственности, по нашему мнению, один из важнейших институциональных факторов инновационного развития экономики [11];

- подготовка кадров в сфере инновационной деятельности для государственных и хозяйствующих институтов;

- содействие государства активному участию республики в международной патентно-правовой системе интеллектуальной собственности.

Изменение доли готовой продукции, как в экспорте, так и в импорте республики в сторону повышения свидетельствует об определенных положительных изменениях в структуре экономики. Это результат масштабных заимствований технологий и привлечения иностранных инвестиций в модернизацию производства за годы реформ.

Таким образом, устойчивое развитие экономики диктует необходимость кардинальных институциональных преобразований в управлении государственными предприятиями, качественном менеджменте прежде всего с крупными корпорациями с целью повышения эффективности их деятельности. Президент Узбекистана на совещании по развитию страны по итогам первой половины 2019 года назвал «главной угрозой» профессионализм кадров бюрократов, призвал их изменить или усовершенствовать методы работы. На правительственных совещаниях часто отмечается важность изменения мировоззрения и компетенций у чиновников различных звеньев государственного управления. Следовательно, особо актуальной сегодня является, – делает заключение известный экономист д.э.н., профессор Намозов О.Ш., концепция Вебера-Вильсона о важности высоких компетенций бюрократов. Далее он подчеркивает, что «ради объективности нужно отметить, что изменение ценностных отношений, как правило, всегда происходит в замедленном режиме, ибо ценностный статус человеческой природы зависит от предыдущего и накопленного опыта» [12].

В современных условиях это требует передачи ведения текущих дел на госпредприятии команде специалистов, оценка труда которых будет зависеть от долгосрочных позиций организации на рынке. *Институциональной основой этого должно быть отделение*

собственности от управления. При этом главным императивом деятельности госкорпораций станет рост производства путем снижения издержек; единственным же способом для этого становятся капиталовложения в инновации.

Актуальны институциональные преобразования и в управлении государственными НИИ, для которых в настоящее время характерна недостаточная коммерческая ориентированность модели управления. Для этого целесообразно:

- согласование деятельности НИИ с технологическими потребностями производственных предприятий в рамках более активной политики государства по стимулированию сотрудничества НИИ с промышленностью;
- выработка стимулов для улучшения управления деятельностью НИИ.

Список использованной литературы:

1. Норт. Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики/пер. с англ.; предисл.и науч.ред. Б.З.Мильнерав .– . М.: Фонд экономической книги «Начала», 1997.– 180 с.
2. Полтерович В.М. Проблема формирования национальной инновационной системы// 3-18. Published in: Economics and Mathematical Methods / Ekonomika i matematicheskie metody No. 2 (2009): pp. 3-18.
3. Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. Под ред. Б.З.Мильнера. – Москва: НИЦ ИНФРА-М, 2013. - 624 с. (Научная мысль; Экономика). ISBN978-5-16-003649-6 -Текст: электронный.- URL: <https://znanium.com/catalog/product/398726>
4. Eggertsson, T.(2005), *Imperfect Institutions: Possibilities and Limits of Reform*, University of Michigan Press, Ann Arbor, MI. vi + 272 pp. – <https://doi.org/10.3998/mpub.91126>
5. Глазьев С.Ю. Возможности и ограничения социально-экономического развития России в условиях структурных изменений в мировой экономике: научный доклад/Отделение общественных наук РАН: Национальный институт развития. М.2008. С.7,9
6. Эггертсон Т. Знания и теория институциональных изменений/ «Вопросы экономики», №7, 2011. С.4-16
7. Основные показатели научно-технического потенциала. Статбюллетень. - Госкомитет РУз по статистике за соответствующие годы; WIPO Statistics database; last updated:12/2018.URL: https://www.wipo.int/ipstats/en/statistics/country_profile/profile.jsp?code=UZ
8. «Journal of Institutional Studies», V.3, № 1, 2011.С. 104-115.
9. Chen, Derek H.C, and Carl J. Dahlman. Knowledge and Development–A Cross-Section Approach. «Policy Research Working Paper 3366». World Bank, Washington, DC, 2004. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/14163>
10. ГК РУз по статистике, Основные показатели научно- технического потенциала за соответствующие годы.[https://stat.uz/uploads/docs/innovatsiya – 2018](https://stat.uz/uploads/docs/innovatsiya-2018)
11. Система охраны ИС в республике регулируется следующими законами: «Об изобретениях, полезных моделях и промышленных образцах»; «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров»; «О правовой охране программ для ЭВМ и баз данных»; «О правовой охране топологий интегральных микросхем»; «Об авторском праве и смежных правах» и др.
12. Намозов, Орифжан. “Узбекистан. Качество государственного менеджмента или как расщепить гордиев узел”. Общества и Имперские Ценности, 28.08.2019 <https://www.pradec.eu/ru-blog/staty/>

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш орқали молиялаштириш ҳолати таҳлил қилинган ва уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: инвестиция, инвестицион лойиҳа, хорижий инвестиция, кафолат, синдикатли кредит, тижорат банки, фоиз ставкаси, ресурс база.

Бугунги кунда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш деганда, инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш, уни амалиётга мақсадли тадбиқ этиш, шунингдек, мониторингини олиб бориш харажатларини қоплаш учун оптимал инвестиция ресурсларини шакллантириш ва уларнинг ҳисоб-китобини чиқариш тушунилади.

Иқтисодий ривожланиш мақсадида инвестицияларни кенг жалб қилиш барча давлатлар учун муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожланишнинг стратегик дастурларини амалга ошириш, янги бозорларни эгаллаш қўшимча маблағ қўйилмалари талаб этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам хорижий инвестицияларни фаол жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарур шароитларни яратиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳалари ва уларнинг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар²⁴

№	Ишга туширилган йирик инвестиция лойиҳалари номи	Бажарилган ишлар ва натижалар
1.	“Самарқандкимё” АЖ	240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.
2.	Тошкент иссиқлик электр станцияси	Станцияда 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси барпо этилди.
3.	Чорвоқ ГЭСи	ГЭС гидрогенераторлари модернизация қилинди
4.	Қўнғирот сода заводи	Калцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш кенгайтирилди
5.	Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси	Умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган ушбу мажмуа дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, йирик корхоналардан бири сифатида йилига 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш ва унинг ҳажмини 3,1 баробар кўпайтириш имконини беради.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил яқунлари бўйича маъруза материалларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

6.	Муборак газни қайта ишлаш заводи	6 миллиард куб метр газ ишлаб чиқарадиган учта олтингугурт тозалаш блоки ишга туширилди.
7.	Марказий Осиё – Хитой газ қувури	Йилига 25 миллиард куб метр газни узатиш имконини берадиган Марказий Осиё – Хитой газ қувурининг 1 минг 830 километр узунликдаги учинчи тармоғи ишга туширилди.
8.	Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этиш	Қамчиқ довони орқали ўтадиган 19 километрлик туннел қурилиши якунланди ва Европа қитъасини Осиё билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини ишга туширилди.
9.	Навоий иссиқлик электр станцияси	Япониянинг “Мицубиси” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегавольт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилди ва кўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.
10.	Дехқонобод калийли ўғитлар заводи	Қиймати 250 миллион доллардан ортиқ бўлган ушбу лойиҳа йилига 600 минг тоннагача калийли ўғит ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлди ва бу маҳсулотнинг 350 минг тоннадан кўпроғи экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни муваффақиятли жалб этиш маълум даражада уч гуруҳ омилларга боғлиқ бўлади.

Биринчидан, инвестиция қувватининг мавжудлигига. Уни табиий, меҳнат заҳиралари, шунингдек, ишлаб чиқариш, истеъмол, молиявий, инновация, институционал ва инфратузилмавий қувватлар ташкил қилади.

Иккинчидан, мамлакатдаги мавжуд инвестиция шароитлари муҳим аҳамиятга эгадир. Буларга: умумиқтисодий, бозор, меъёрий-ҳуқуқий, ахборот билан таъминланиш, экологик, ижтимоий, маданий ва ижтимоий-маданий шароитлар киради.

Учинчидан, инвестиция таваккалчилиги омилларидир. Улар хорижий инвесторларнинг инвестиция қуввати ва инвестиция шароитларининг қулай афзалликларидан фойдаланиш бўйича вазифаларига қарама-қарши туради.

Барча гуруҳлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун, этарли даражада жалб қилувчи бўлмаган инвестиция шароитлари, ҳатто, юқори қувватли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ҳам пасайтириб юборади.

Умумий олганда, инвестиция ресурсларини шакллантиришни учта гуруҳга бўлиш мумкин: ўз маблағлари; қарз маблағлари; жалб қилинган маблағлар.

Инвестиция лойиҳалари юқорида келтирилган уч гуруҳли манбалар эвазига молиялаштирилар экан, бунда молиялаштиришнинг турли усул ва воситаларидан фойдаланилади. Шундай усуллардан бири – бу синдикатли кредитлаш ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш, одатда, лойиҳани амалга ошириш учун катта миқдордаги молиявий маблағлар талаб этилган ҳамда уни биргина инвесторнинг маблағлари эвазига молиялаштиришнинг имкони йўқлиги ёки камдан-кам ҳоллардагина инвесторнинг маблағлари этарли бўлган шароитда ҳам у шунча миқдордаги молиявий ресурсларини биргина лойиҳага сарфлаб, оқибатда ундан ажралиб қолишни истамаган вақтда юзага келиши билан жуда аҳамиятли ҳисобланади.

Синдикатли кредитлаш йирик инвестиция лойиҳаларини бир неча кредиторлар маблағлари эвазига молиялаштиришни англатиб, у иқтисодиётда йирик ишлаб чиқариш ва уни молиялаштиришга инвестицияларни жалб этишга бўлган талабларни қондиришда муҳим молиявий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу масалага жиддий эътибор қаратиш нақадар муҳим эканлигини мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев ҳам ўз маърузаларида алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар: “... иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир-бирига мувофиқ эмас”[1].

Миллий иқтисодий ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодийнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ.к [3] .

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар²⁵

№	Йирик инвестиция лойиҳалари ишга туширилган йил	Ишга туширилган йирик инвестиция лойиҳалари сони	Ишга туширилган йирик инвестиция лойиҳалари ҳажми, АҚШ долл.
1.	2012	205 та	1,6 млрд.дан ортиқ
2.	2013	150 та	2,7 млрд.
3.	2014	154 та	4,2 млрд.
4.	2015	158 та	7,4 млрд.
5.	2016	164 та	5,0 млрд.
6.	2017	161 та	2,4 млрд.
7.	2018	76 минг та (барчаси)	21 трлн. сўм ва 1,0 млрд \$

Бунда яқин ва узоқ хорижий давлатлар инвестициялари ва кредитларини жалб этиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Уларнинг йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги иштироки ва ҳиссасини ошириш иқтисодийни модернизациялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Айни вақтда бу каби фаолиятлар жадал амалга ошмоқда, хусусан, 2018 йилнинг апрель ойида Бухоро вилоятида Россия Федерациясининг “ЛУКОЙЛ” компанияси билан ҳамкорликда лойиҳа қиймати 3,4 млрд. АҚШ доллари бўлган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси ишга туширилди [7].

Буларнинг барчаси мамлакатимизга ташқи инвестицияларни жалб этиш ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ўрнатишда ва натижада йирик инвестициялаш объектлари ишга туширилиши оқибатида долзарб муаммоларнинг ҳал этилишида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда лойиҳаларини синдикатли молиялаштиришда банк кредитининг молиялаштириш манбалари иштирокини белгилайдиган омиллар орасида рақобат муҳитининг бўлиши ва умуман Марказий банк олиб бораётган пул-кредит, фойз сиёсати ҳамда банк институтлари стратегияси асосий ўринда туради. Синдикатлаштирилган кредитлаш дунёнинг

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил яқунлари бўйича маъруза материалларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

барча мамлакатларида кенг қўлланилади. Ғарбда йирик лойиҳаларнинг 80 фоизгача синдикатлаш асосда кредитланади. Ҳозирги вақтда эса Ўзбекистонда бундай кредитлар бозорини янада ривожлантиришга ёрдам берадиган шароитлар вужудга келди.

Синдициялаштирилган кредитни бир неча хусусиятларига кўра туркумлаш мумкин. Масалан, синдикатнинг амал қилиш муддати билан боғлиқ ҳолда, синдициялаштирилган кредитлар қуйидаги турларга бўлинади:

- вақтинчалик, яъни битта йирик инвестицион лойиҳани молиялаштириш учун ташкил этилган;
- дойимий ҳаракатдаги, паритет асосида банклар таъсис этади;
- таъминланганлик нуктаи назаридан, синдициялаштирилган кредитлар қуйидаги турларга бўлинади;
- таъминланган, яъни қарз олувчи ликвидли гаров ёки кафолатни тақдим этиш мумкин;
- Синдикатда қатнашиш имкониятига қараб, синдициялаштирилган кредитларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:
- очиқ тури, яъни бунда ҳамма хоҳловчи банклар ресурслари билан қатнашиши мумкин;
- жамоали, бирлашган ҳолда, яъни кредиторлар таркибига аниқ ва чегараланган банклар кириши мумкин.

Ўз навбатида, инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш асосида амалга ошириш ўзига хос мураккаб жараён бўлганлиги сабабли инвестиция лойиҳаси мониторингини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлашни такомиллаштириш учун қуйидагиларнинг таъминланганлигига эришиш мақсадга мувофиқдир:

- сиёсий барқарорлик ва давлатнинг иқтисодий тартибга солиш сиёсатидаги аниқлилик;
- лойиҳавий молиялаштиришнинг қонуний асосини шакллантириш;
- лойиҳавий молиялаштиришнинг механизмларига давлатнинг кўмаклашув тизимини яратиш (жумладан, молиявий);
- менежер кадрларни тайёрлаш ва уларнинг амалий тажриба тўплашларини таъминлаш;
- капитал ва ҳосилавий молия инструментлари бозорининг кейинги ривожланишига эришиб бориш [5].

Инвестицияларнинг сафарбар этилиши, кўп жиҳатдан, лойиҳаларнинг юқори самарадорликка эгаллигига асосланади. Сабаби, бундай инвестиция лойиҳалари катта фойда олиш имконини беради. Одатда, юқори фойда олиш аксарият инвесторларнинг асосий мақсади бўлганлиги боис, бундай лойиҳаларни молиялаштиришдан инвесторлар манфаатдор бўладилар. Лекин ҳамма инвесторлар ҳам инвестиция лойиҳасини молиялаштиришдан аввал уларнинг турли иқтисодий кўрсаткичларини, риск даражасини баҳолайдилар ва лойиҳани молиялаштириш учун ўзларининг турли хил талабларини қўядилар, шунингдек ўз имкониятларини ҳам ҳисобга олишга мажбурлар [6]. Хоҳиш ва мақсадларга мос бўлган лойиҳаларнинг улар томонидан молиялаштиришга қабул қилинишлари табиийдир.

Ўтказилган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги илмий асосланган хулосаларга келинди:

- инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги юқори кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган режа (башорат)ларнинг ҳақиқий бажарилишига боғлиқ бўлади. Бу башоратларнинг ҳаммаси юқори сифатли, харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва юқори фойда асосида сотишга қаратилган. Бунда лойиҳаларнинг технологик таркиби лойиҳа ва қувватининг босқичма-босқич ўзлаштирилиши кабилар лойиҳа самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш зарур;
- молиялаштириш жараёни синдикатли кредитлаш асосида амалга оширилган объектни ишга туширишнинг биринчи босқичининг ўзидаёқ тўлиқ лойиҳа қувватига эришишни

режалаштирилган инвестиция лойиҳаларининг аксарият қисми маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ишларида айрим муаммолар юзага келиши сабабли нореал ҳисобланади. Шу сабабдан лойиҳа режасини ишлаб чиқишда уни лойиҳанинг тўлиқ қувватига эришишини инвестиция объектини ишга туширган вақтнинг учинчи-тўртинчи йилларига келиб, йирик ва мураккаб лойиҳаларда эса 5-10 йиллар ичида ўзлаштиришга мослаштиришга ҳаракат қилиш керак;

- лойиҳалардаги бундай режалаштириш соҳа, лойиҳа хусусиятларидан, ишлаб чиқариш турларидан, бозор ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади ва маҳсулотнинг узлуксиз ва максимум имкониятлар билан сотилишига қаратилган бўлади. Лойиҳалардаги бу ва бошқа жиҳатлар улар ичидан энг самаралисини танлашда зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқариши сабабли тўғри қарор қабул қилиш муаммоси ҳар доим долзарб масала ҳисобланади. Бунда, айнан муқобил лойиҳалар танлови асосида энг юқори самарали инвестиция лойиҳаси танлаб олиниши, синдикатли кредитлаш асосида молиялаштириш амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. // uza.uz. 16.01.2017.
2. Ниязов Ф. Банки увеличивают объемы финансирования инвестиционных проектов. // Журнал “Рынок, деньги и кредит”, 2014. - №6. - С. - 31.
3. Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. - 84-б.
4. Голов Р.С., Балдин К.В., Передеряев И.И. Инвестиционное проектирование: Учебник – М.: Дашков и К, 2010. - С. - 143.
5. Проектное финансирование: синергетический аспект: Учебное пособие / Г.А.Поташева. - М.: НИТс ИНФРА-М, 2015. - С.- 171 с.
6. Риск-менеджмент инвестиционного проекта. / Под ред. Грачевой М. В. – М.: Юнити, 2009. - С. - 44.
7. Интернет сайтлари:
www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти;
www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти;
www.gov.uz - Интерактив давлат хизматлари ягона портали;
www.kun.uz – интернет сайти.

Пирматов Темуралик Собирович

тингловчи

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ФАКТОРИ СИФАТИДА

***Аннотация.** Мақолада тўғридан-тўғри инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиёти ўсишига таъсири таҳлил қилинган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодиёт рақобатбардошлигига қандай таъсир кўрсатиши, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг салбий ва ижобий оқибатлари ўрганиб чиқилган. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолати таҳлили, инвестиция муҳити ва мамлакатнинг инвестицион жозибadorлиги ўрганилган. Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш йўналишлари бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.*

***Калим сўзлар:** тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, рақобатбардошлик, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати, инвестициялар сифати, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ижобий оқибатлари, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг камчиликлари, инвестиция сиёсатини такомиллаштириш.*

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтиш даври иқтисодиётидаги кўплаб мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шу муносабат билан кўплаб ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг инвестиция сиёсатининг мақсадларидан бири бу мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишдир. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, янги технологиялар кириб келишини таъминлайди, мамлакат учун янги бозорларни очади ва тадбиркорлик фаолиятининг яхшиланишига хизмат қилади. Кўпгина мамлакатларда молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни фақат ўз маблағлари ҳисобидан қоплаш имконияти йўқ, бу эса миллий иқтисодиётда хорижий инвестициялардан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга мурожаатномасида келтирилишича [1], “Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда”. Жаҳон иқтисодий адабиётида кўплаб асарлар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таъсирини ўрганиш муаммосига бағишланган. Солоу [2] ўзининг иқтисодий ўсиш назариясида неоклассик ишлаб чиқариш функциясига асосланиб, нафақат капитал ва инсон ресурслари, балки технологик тараққиёт ҳам иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатишини таъкидлаган. Солоу Финдлай [3] ўз асарида, мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ижобий таъсирини акс эттирувчи моделни олди. Муаллиф тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши технологик тараққиёт даражасини ошираётганлигини кўрсатди ва тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ижобий таъсирининг асосий сабаби тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг бошқаруви янги усуллар ва технологияларни мамлакатга этказиш канали эканлигини таъкидлади. Бироқ, Солоу дан фарқли ўлароқ, Ромернинг [4] “эндоген ўсиш модели” асосланган ғоялари бўйича Бломстром ва Кокко [5] ўзларининг экзоген ўзгармайдиган технологик ривожланиш модели ғоясини илгари суришди. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича имтиёزلарни таҳлил қилиб, муаллифлар энг муҳими хорижий компанияларнинг ўсиб бораётган ўрни эмас, балки улардан келиб чиқадиган технологиялар ва кўникмаларнинг маҳаллий компанияларга ўтишидир деган хулосага келишди. Бироқ, муаллифларнинг фикрига кўра, чет эл сармоясини жалб қилиш шунчаки амалга оширилмасдан ички инвестицияларни ва ўқув жараёнини рағбатлантириш билан бирга бўлиши керак, чунки бу ҳолда корхоналар янги технологиялар, бошқарув усуллари ва билимларига сармоя киритиш учун асосга эга бўлади.

Юқорида қайд этиб ўтилган хориж иқтисодчи олимларининг фикрларидан шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини шунчаки йўналтирмасдан балки, уларни амалда истиқболли қўллаш мақсадида инвестицияларни бошқаришга оид билим, амалий кўникма ва янги турдаги технологияларни ҳам олиб кириш зарур.

Яъни бундан шундай хулоса қиламизки, мамлакатимизда сўнгги йилларда иқтисодий ривожланиш йўналишлари ва чора-тадбирларига асосан олиб борилаётган кенг қамровли ишларга маҳлиё бўлиб қолмасдан, аввало, ҳар бир соҳа ва фаолият йўналишидаги ишчи-кадрларнинг касбий, дунёвий, технологик, компютер ва замонавий технологияларга оид савияларини замон талабларига мос равишда босқичма-босқич ошириб бориш масаласи олдимизда турган муҳим ва инкор этиб бўлмас асосий ишларимиздан бири ҳисобланади.

Энди эса эътиборизни яна бир муаммоли ва ечилиши зарур бўлган қуйидаги таҳлилларга қаратамиз. Таҳлил қилинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий корхоналарнинг маҳсулдорлиги кўшма корхоналарнинг маҳсулдорлиги ўсиши ҳисобига пасайиб бормоқда. Шу билан бирга мамлакат иқтисодиётига жалб қилинадиган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг мамлакат саноат кўрсаткичларига салбий таъсири аниқланди. Худди шу муаммога оид иқтисодий таҳлиллар Битзер ва Горг [6] томонидан кўтарилган ва атрофлича ўрганиб чиқилган. Муаллифлар мамлакатга қайси йўналишдаги инвестицияларни

жалб қилиш самарали эканлигини аниқлашга ҳаракат қилишди. Таҳлил қилинган 17 давлатнинг 10 та тармоғи маълумотлари бўйича таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, жалб қилинган хорижий капитал иқтисодиёт самарадорлигини яхшилайти. Бундан ташқари, мамлакат иқтисодиётининг ҳажми камайган сайин инвестицияларнинг таъсир кучи ўсиб боради. Боренсзтеин ва Ли [7] тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўрганиб чиқилган 69 мамлакатдаги иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш жараёнида, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш таъсирининг йўналиши мамлакатдаги инсон капиталининг ривожланиш даражасига боғлиқ деган хулосага келишди. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри инвестициялар ички инвестицияларни рағбатлантириш орқали иқтисодиётдаги жами капитал ҳажмини ошириши аниқланди.

Жаҳон инвестиция ҳисоботи интернет сайтида қайд этилишича, тўғридан-тўғри инвестициялар таъсири улар йўналтирилган секторлар йўналишига қараб ўзгаради. Чет эл инвестициялари оқимининг таъсири ҳар хил, чунки турли хил мамлакатлар иқтисодиётининг барча тармоқлари ўзига хос хусусиятларга эга ва бошқа тармоқлар билан ўзаро боғлиқдир.

Тармоқлар бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш

Иқтисодиётда учта асосий сектор мавжуд: бирламчи, иккиламчи (саноат) ва учинчи (хизматлар сектори). Иқтисодиётнинг асосий сектори ҳам ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади: қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, чорвачилик ва балиқчилик, тоғ-кон, металлургия, геология ишлари ва бошқалар. Одатда ушбу секторда ишлаб чиқариш жараёнини қисмларга ажратиш жуда қийин ва бу жуда кўп куч ҳамда маблағ талаб қилади. Ушбу соҳага жалб қилинган инвестициялар одатда катта ҳажмда амалга оширилади ва чет эллик инвесторлар мол-мулкка нисбатан хорижий эгаллик ҳуқуқи чекланганлиги сабабли уларни фирмалараро ссудалар ёки экспорт пуллар деб аташади. Шу сабабли ушбу йирик тармоқнинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан алоқаси жуда суғ. Бундан ташқари, бирламчи секторга жалб қилинган капитал ҳажми жуда катта бўлгани сабабли, "Голланд касаллиги" деб аталадиган касалликнинг ривожланиш эҳтимоли мавжуд (*"Голланд касаллиги" (Гронинген эффементи) - бу миллий валютанинг реал айирбошлаш курсини иқтисодий ривожланишга киритиш орқали иқтисодиётнинг алоҳида сектори портлаши натижасида кучайтирилган салбий таъсир*).

Инвестициялар, иқтисодиётнинг асосий соҳасига яъни бирламчи секторга йўналтирилганда, соҳадаги иш ҳақининг ўсиши ва шу билан биргаликда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги меҳнат оқимини рағбатлантиришга олиб келиши мумкин. Ўз навбатида, бу орқали бошқа бир камчилик яъни, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва иккинчи секторнинг рақобатбардошлилиги камайиши юзага келади. Шундай қилиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётнинг асосий секторига кириб бориши улар йўналтирилган мамлакат иқтисодиётининг умумий ривожланишига ҳисса қўшмайди ва бундай инвестицияларнинг таъсири иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин деган хулоса келамиз. Иқтисодиётнинг иккиламчи ёки саноат сектори ҳам ашёни яқуний маҳсулотга айланттириш билан шуғулланади. Иккиламчи секторга тегишли фаолият турлари металлургия, автомобилсозлик, кимё ва нефт-кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати, шунингдек қурилишни ўз ичига олади. Иқтисодиётнинг бирламчи тармоғидан фарқли ўларок, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг саноат соҳасига таъсири, шунингдек ушбу тармоқнинг иқтисодиётдаги бошқа фаолият турлари билан ўзаро боғлиқлиги сабабли ижобий ҳисобланади. Иккиламчи сектор, одатда, ишлаб чиқариш жараёнида оралиқ материаллар сифатида бошқа тармоқлар томонидан ишлаб чиқарилган турли хил маҳсулотлардан фойдаланади. Бундан ташқари, хорижий сармоядорлар ўз маблағларини экспортни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга эмас, балки, кам харажатлар орқали юқорироқ фойда олиш мақсадида ички бозорларни эгаллаш учун жойлаштиришга интиломқдалар. Шу муносабат билан ушбу мақсадга эришиш ҳаракати хорижий инвесторларни янги иш ўринлари яратишга, бошқарувнинг янги технологиялари ва усулларини ишлаб чиқишга, ходимлар учун турли хил тренинглар ўтказишга ундайди, натижада иккиламчи секторнинг рақобатбардошлиги ошади.

Шундай қилиб, тўғридан-тўғри сармоянинг иккиламчи секторга кириб бориши одатда мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади .

Иқтисодиётнинг учинчи сектори ёки хизматлар соҳасига транспорт ва алоқа, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, молия, умумий овқатланиш, таълим ва бошқалар киради. Чет эллик инвесторлар янги билимлар, технологияларни жалб қилиш ва хизматлар сифатини ошириш ва харажатларни камайтириш орқали хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг умумий даражасини жаҳон стандартларига яқинлаштиришга хизмат қилиб ушбу секторнинг самарадорлигини оширишлари мумкин. Бироқ, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўплаб тармоқлар жумладан, телекоммуникация ва банк сектори каби йирик капитални талаб қиладиган соҳалар мавжудлиги сабабли, ушбу сектор саноат секторига нисбатан камроқ рақобатбардошдир. Айнан ушбу секторда рақобатнинг камлиги сабали, маҳаллий компаниялар томонидан хорижий рақобатчиларни бозордан мажбурлаб чиқариш ҳолатлари кузатилишимумкин. Шу сабабли, тўғридан-тўғри инвестицияларни йўналтиришда учинчи секторга умумий ижобий таъсирни ошириш учун, қонунчилик ва тартибга солиш тизимларининг тўғри ишлаши, шунингдек, мамлакатдаги хизматлар бозорида қулай вазият жуда муҳимдир.

Замонавий дунёда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг улкан аҳамиятига эга бўлишига қарамай, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишининг бир қатор салбий оқибатлари ҳам мавжуд. Улардан бири хорижий сармоядорларнинг халқаро иш ҳақидаги фарқдан фойдаланишлари билан боғлиқ. Хорижий компаниялар юқори маош тўлашлари мумкинлиги сабабли, улар кўпроқ малакали ишчи кучини жалб қилишга интилишади. Шундай қилиб, иш ҳақи кам бўлган маҳаллий корхоналарда кам малакали ишчилар ишлашга тўғри келади, бу эса тенгсизликка ва натижада мамлакат ичидаги ижтимоий кескинликка олиб келади. Иккинчи салбий оқибат эса, чет эл инвесторлари томонидан молиялаштирилган корхоналар бозорнинг катта қисмини назорат қилиш ва маҳаллий корхоналарни бозорни тарк этишга мажбур қилиш имкониятига эга. Бундай ҳаракатлар рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда, шунинг учун тўғридан-тўғри инвестициялар улар йўналтирилган мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

Шундай қилиб, хорижий инвестицияларнинг таъсири олувчи мамлакатларнинг иқтисодий ютуқларига турлича таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасидаги сиёсати

Келажакда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кенгайтирувчи мамлакат сифатида Ўзбекистоннинг позициясини баҳолаб, шундай ҳулосага келишимиз мумкинки, кўп миқдордаги табиий бойликларга эга Ўзбекистонда инфратузилма етарли даражада ривожланмаган ва ўзига хос хатарлар кучаймоқда. Натижада, Ўзбекистонга инвестициялар асосан ресурс тармоқларига ихтисослашган энг йирик трансмиллий корпорациялар, шунингдек Марказий Осиё минтақасининг йирик ички бозоридан манфаатдор бўлган компаниялар томонидан амалга оширилмоқда. Сўнгги бир неча йил ичида жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон иқтисодиёти ички инвестицияларнинг етишмаслиги шароитида хорижий инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун катта имкониятларга эга, бу эса янги технологиялардан фойдаланиш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга имкон беради. Хорижий инвестициялар оқимининг кўпайиши билан бир қаторда, инвестицияларни жалб қилиш сифатини ошириш, янги ва самарали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, юқори технологияли ишлаб чиқариш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш муаммоларини ижобий ҳал этиш масаласи ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти олдида туради. Мамлакатнинг рақобатбардош мавқеини мустаҳкамлаш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кенгайтириш учун зарур шарт бу тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари диверсификация қилиш ва улардан фойдаланишни оптималлаштиришдир.

Мақсадли аудитория билан мавжуд алоқа каналларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, Ўзбекистонни жаҳон майдонларида қулай инвестиция объекти сифатида

таништириш учун муваффақиятли қадам ташлаш муҳим шартдир. Ушбу муаммони ҳал қилиш доирасида қуйидаги ҳаракатлар йўналишлари амалга оширилиши керак:

1. Инвесторлар, шунингдек потенциал инвесторларнинг Ўзбекистондаги инвестиция муҳитини яхшилаш учун зарур бўлган чора-тадбирлар, мамлакатга инвестиция киритиш истиқболлари ва имкониятлари тўғрисидаги фикрларини доимий равишда ўрганиш учун шакл ва қўлланма ишлаб чиқиш ва ишга тушириш. Ушбу шакл ва қўлланмаларни чет эл инвесторлари ва форумлар, конференциялар, тақдимотлар ва учрашувлар доирасида иш олиб борадиган потенциал инвесторларга тарқатиш керак;

2. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳужжатлар ва таҳлилий материалларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва тармоқларини ривожлантириш дастурлари, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг концепцияларини кенг тарқатиш учун хорижий тилларга таржима қилинган ҳужжатлар рўйхатини кенгайтириш;

3. Хорижий миллий агентликлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ёритувчи журналистлар, хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳукумат амалдорлари ва хорижий мамлакатларнинг ишбилармон уюшмаларининг ўзаро ҳамкорлиги механизмларининг самарадорлигини ошириш.

Бу чет эллик журналистларнинг давлат ҳокимияти, бизнес, илм-фан ва маданият, фуқаролик жамияти ташкилотлари раҳбарлари билан мамлакатни чет элда идрок этишнинг адолатли стереотипларидан холи бўлиш мақсадида мунтазам равишда учрашувларини таъминлашни ўз ичига олади.

Мамлакатнинг савдо ваколатхоналари орқали мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнесини ривожлантириш, Ўзбекистон иқтисодиётига ва тўғридан-тўғри тадбиркорларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича муваффақиятли маълумот ва таҳлилий материалларни мақсадли тарқатиш чоралари зарур. Инвестицион муҳитни яхшилашга, маъмурий тўсиқларни камайтиришга, давлат бошқаруви сифатини оширишга ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўғрисида фаол равишда тарғиб қилиш керак.

Ахборот кампанияларининг ҳар бирини ўтказиш учун манфаатдор ижроия органлари билан ўзаро алоқада бўлган бизнес ва нотижорат ташкилотларнинг манфаатдор вакиллари иштирок этадиган нотижорат ташкилоти тузилиши мумкин. Маҳаллий товарлар ва хизматларнинг миллий ва минтақавий брендларини тарғиб қилиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи доирасида тегишли ахборот кампанияларини ўтказиш мувофиқлаштирилади.

Хорижий сармоядорларнинг талабларига ва жалб қилинган капиталнинг миллий мақсадларга эришиш ва иқтисодий ривожланишни таъминлашга йўналтирилишини таъминлаш билан бир қаторда, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш жуда қийин масладир. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мавжуд рақобатдош устунликлардан фойдаланиш ва янгиларини жорий қилиш Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётидаги рақобатдошлигини ошириш механизми бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хорижий инвесторларнинг миллий иқтисодиётда ишлаши учун барқарор шарт-шароитлар яратишга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришнинг муҳим шarti ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш миллий рақобатбардошликни оширишга ва мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий тизимга янада фаол қўшилишига ёрдам беради.

Зеро, мамлакатимиз Президенти томонидан ўтиб бораётган 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берилиши ҳам соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг қанчалик долзарблигини исботлайди. Президентимиз Ш.Мирзиёев [1] таъкидлаганидек, “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган.

Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги десак, муболаға бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, хуудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://kun.uz/uz/news/2018/12/28/prezident-murojaatnomasi-toliq-matn>
2. Solow, R., 1957. ‘Technical Change and the Aggregate Production Function’, *Review of Economics and Statistics*. Vol. 39, no. 3, pp. 312-320, viewed 11. July 2009, The MIT Press.
3. Solow Findlay, R, 1978. ‘Relative Backwardness, Direct Foreign Investment and the Transfer of Technology: A Simple Dynamic Model’, *Quarterly Journal of Economics*, vol 92, no. 1, pp. 1-16, viewed 7 May 2012, DOI 10.2307/1885996
4. Romer, P 1986, ‘Increasing Returns and Long-Run Growth’, *Journal of Political Economy*, vol. 94, no. 5, pp. 1002-1037, viewed 3 February 2008, JSTOR.
5. Blomstrom, M, Kokko, A 2003. *The Economics of Foreign Direct Investment Incentives*, National Bureau of Economic Research, Working Paper 9489, viewed February 2003, < <http://www.nber.org/papers/w9489>>
6. Bitzer, J and Görg, H 2005. *The Impact of FDI on industry performance*, Research paper / Leverhulme Centre for Research on Globalisation and Economic Policy, Nottingham [No.:] 2005, 09, viewed May 2005, <http://www.nottingham.ac.uk/gep/documents/papers/2005/05-09.pdf>>.
7. Borensztein E., De Gregorio J., Lee J-W., 1998. ‘How does foreign direct investment affect economic growth?’ *Journal of International Economics*, vol., no 1, pp. 115-135, viewed 20 June 2012, DOI 10.1016/S0022-1996(97)00033-0

Санакулова Б.Р.

и.ф.д., доценти

Тошкент молия институтини,

Муминова Э.А.

и.ф.н., доцент

Фаргона политехника институтини,

Қаюмов С.А.

магистр

Binary graduate school

ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ БОШ ОМИЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДИР

Аннотация: Мазкур мақолада инвестицион муҳитни кучайтиришнинг бош омили сифатида иқтисодиётни рақамлаштириши ҳамда мазкур жараёнда интернет ресурслардан унумли фойдаланиш, бу орқали иқтисодий-ижтимоий самарадорликка эришиши давлатларнинг ривожланганлик даражасига кўра таҳлил қилинган. Шунингдек, глобал интернет протокол трафиги эволюцияси, интернет ресурсларига харажатлар ҳажмининг географик тақсимоти ҳамда интернет протокол трафигининг ўзгариши динамикаси таҳлиллари келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодиётни рақамлаштириши, интернет ресурс, интернет протоколлари, блокчейн технологияси, робототехника, ИТ, “булутли ҳисоблаш”, “катта ҳажмдаги маълумотлар базаси”, уч ўлчовли наирлар, е-тижорат саноати 4.0, 5G симсиз алоқа тезлиги технологияси.

Мамлакат инвестицион муҳитини кучайтиришнинг бош омили бу иқтисодиётни рақамлаштиришга жадал суръатлар билан ўтиш ҳисобланади. Ҳар қандай хорижий инвестор


учун молиялаштирилаётган соҳа ва тармоқлар билан боғлиқ жараёнларнинг шаффофлиги, йўналтирилаётган маблағларнинг сарфланиш йўналишлари назоратини амалга ошириб бориш имконияти, эришиладиган молиявий натижаларнинг доимий мониторингини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур шартларнинг бажарилиши эса хорижий инвестор учун лойиҳани молиялаштиришни давом эттириш билан боғлиқ бўлган инвестицион қарорга келишида бевосита таъсир кўрсатиши мумкин. Юқорида келтирилган шартлар таъминотини бажариш эса айнан иқтисодий рақамлаштириш жараёни билан ҳал этилиши мумкин. Шу нуқтаи назар билан қаралганда иқтисодий жадал суръатлар билан рақамлаштириш жараёни бевосита мамлакат миқёсида интернет ресурсларга бўлган талабнинг қондирилиш даражаси билан бевосита боғлиқдир.

Иқтисодий рақамлаштириш масалалари илк мартаба 1990 йилларнинг ўрталарида муҳокама мавзуси сифатида тарғиб қилиниб, илк таърифлар келтирилиб, мазкур таърифларда корхона ва истеъмолчиларни вертуал дунёда учраштирувчи восита сифатида эътироф этилди[1]. 90-йилларнинг охирига келиб эса таҳлиллар асосан интернетдан иқтисодий фойдаланиш орқали корхоналарда иқтисодий самарадорликни ошириш йўналишлари тадқиқ этилди. Айнан интернет ресурсининг иқтисодий рақамлаштириш жараёнидаги таъсир доираси кенг баҳолашиб, унинг яширин имкониятлари юзасидан мулоҳазалар юритилиши бошланди[2]. Интернет тезлигининг ошириб борилиши натижасида иқтисодий жараёнларда эришиладиган фойда кўрсаткичлари таҳлили ҳам амалга оширилиб, мазкур омилнинг қанчалик муҳим эканлиги белгилаб олинди. Мазкур соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратила бошланди. Иқтисодий рақамлаштириш масаласи давлатлар миқёсида жиддий масала сифатида кўтарилиб кун тартибига чиқди. Натижада мазкур йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга замин яратилди[3]. Сўнгги бир неча йил давомида рақамли технологиялар, хизматлар, маҳсулотлар, техника ва технологиялар, илмий кўникма ва тажрибаларнинг иқтисодий турли тармоқларида оммалашиб кенг тарғиб қилинишига олиб келди. Мазкур жараён эса иқтисодий рақамлаштириш деб номланиб, рақамлаштириш жараёнида жаҳон бозорига янги рақамлаштирилган маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг янгича инновацион турлари таклифи ошиб борди. Бу ҳолат эса янги ахборот технологияларини ривожлантиришда кескин таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилди. Иқтисодий рақамлаштириш ёки рақамлаштириш трансформацияси жараёни деярли барча тармоқ ва соҳаларни қамраб олган ҳолда, иш унумдорлиги ва меҳнат самарадорлигини кескин оширишга, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини яхшилашга, улар таннархини кескин камайтиришга, жаҳон бозорини кенг миқёсда қамровини амалга оширишга имконият яратди[4]. Мазкур жараёнда робототехника, ИТ, “булутли ҳисоблаш”, “катта ҳажмдаги маълумотлар базаси” уч ўлчовли наشرлардан фойдаланиш каби йўналишлар ҳам жадал суръатлар билан ривожланилишига эришилди.



1-расм. Иқтисодий рақамлаштириш жараёни тавсифи[5]

1-расмда иқтисодий рақамлаштириш жараёни тавсифи келтирилган бўлиб, мазкур жараёнда асосий урғу рақамлаштириш хизмат турлари, иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, интернет тижоратини ривожлантириш шартлари, тижорат саноатининг барча вакиллари, янги ахборот телекоммуникацион инфратузилмасини ривожлантириш шарт шaroитларига боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Янги ахборот технологиялари соҳасидаги глобал бандликда банд бўлганлар сони 2010 йилда 34 миллион кишини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 39 миллионгача ошди. Шундан энг юқори улушни компьютер хизматларида банд бўлганлар ташкил этиб, 38 фоизга тенг бўлган. 2018 йилда рақамлаштирилган хизматлар экспорти 2,9 трлн. АҚШ долларни ёки дунё бўйича хизматлар экспортининг 50 фоизини ташкил этиб, 2005 йилдан 2018 йилгача мазкур хизмат турлари қарийб уч бараварга кўпайган.



2-расм. 2002-2022 йиллар давомида глобал интернет протокол трафиғи эволюцияси таҳлили[6]

Иқтисодий рақамлаштириш жараёнида рақамли платформалар муҳим омил бўлиб, бугунги кунда уларнинг капиталлашув ҳажми 100 миллион АҚШ долларидан ошган ҳамда мазкур платформа компанияларининг умумий қиймати 2017 йилда 7 трлн доллардан ошиқроқ баҳоланди бу 2015 йилдагига нисбатан 67 фоизга юқоридир.


Рақамлаштириш жараёнида интернет тармоғининг таъсир доираси юқори бўлиб, бевосита таъсир этувчи омил сифатида эътироф этилиб келинмоқда. 2-расмда 2002-2022 йиллар давомида глобал интернет протокол трафиғи эволюцияси таҳлили келтирилган бўлиб, 2002 йилда ҳар секунд давомида 100 GB трафиғи сарфи амалга оширилган бўлса бу кўрсаткич 2007 йилда 2000 GBга, 2017 йилда 46600 GBни ташкил этган бўлса мутахассислар ҳисоби бўйича 2022 йилда 150700 GBга тенг бўлиши прогноз қилинмоқда. Албатта иқтисодий рақамлаштиришда интернет протокол трафининг таъсир доираси юқори бўлиб, мазкур жараёни тезлаштиришга хизмат қилади. Жумладан, баъзи глобал рақамли платформалар маълум соҳаларда жуда кучли бозор позицияларига эга бўлиб, масалан, google интернет кидирув бозорининг қарийб 90 фоизини, Facebook глобал ижтимоий медиа бозорининг учдан икки қисмини ҳамда дунё иқтисодийнинг 90 фоиздан ортиғида энг яхши ижтимоий медиа платформаси бўлиб ҳисобланади. Amazon дунёдаги онлайн-чакана савдо фаолиятининг қарийб 40 фоиз улушига эга ва унинг Amazon Web service глобал булутли инфратузилма хизматлари бозорида шунга ўхшаш улушни ташкил этади.

Дарҳақиқат рақамлаштириш жараёнининг жадаллашуви бир қатор йўналишлар ривожланишига ҳам таъсир кўрсатиб, 2018 йилнинг ўзида янги ахборот қурилмалари истеъмоли 8,6 миллиардга, 5,7 миллиард мобил кенг полосали уланишларга эришилиб, интернетга уланишлар сони йилига 17 фоизга ўсишига эришилди. Мазкур кўрсаткич 2024 йилга келиб 22 миллиарддан ошиши кутилмоқда[7]. Дунё бўйича АҚШ, Хитой, Япония, Германия, Корея Республикаси, Франция ва Буюк Британия каби давлатларга интернет қурилмаларига сарфланадиган харажатларнинг 75 фоизга тенг улуши тўғри келмоқда.



3-расм. Интернет ресурсларига харажатлар ҳажмининг географик тақсимоти (фоизда)[8]

3-расм маълумотларида интернет ресурсларига харажатлар ҳажмининг географик тақсимоти фоизларда келтирилган бўлиб, энг катта улуш АҚШга тўғри келиб 26 фоизни, Хитойда бۇ кўрсаткич 24 фоизни, Германияда 5 фоизни ташкил этган. Албатта мазкур жараён бевосита давлатларда электрон савдонинг ривожланиши билан ҳам тавсифланади.



4-расм. 2017–2022 йиллар давомида интернет протокол трафигининг ўзгариш динамикаси (ойига экзобайт)[9]

Бугунги кунга келиб жаҳон иқтисодиётининг интеграллашуви ва рақамлаштирилишида бешинчи авлод 5G симсиз алоқа тезлиги технологиясининг кенг тарғиб қилиниши ва амалиётда қўлланилишини талаб этмоқда. Мазкур алоқа технологияси ҳозирги тизимларга қараганда қарийб 1000 баравар кўпроқ маълумотларни қайта ишлаши ва таҳлил қилиши мумкинлиги, шунингдек тезликнинг оширилиши транзакцион харажатларни кескин камайтиришга олиб келиши билан характерланади. Амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра 2025 йилга келиб, АҚШ, ундан кейин Европа ва Осиё Тинч океани 5G симсиз алоқа тезлиги технологиясида ишлашга тўлиқ ўтилади. 2025 йилга келиб, 5G тармоғининг умумий улушдаги улуши Корея Республикасида 59 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда, Лотин Америкасида бу кўрсаткич атиги 8 фоизни ва Саҳрои Африкада 3 фоизни ташкил этади.

Шунингдек иқтисодий жараёнларни рақамлаштиришда турли технологиялар жумладан блокчейн технологиясидан фойдаланиш амалиётини ҳам ривожлантиришни талаб этади. Блокчейн технологияси воситачисиз бир қанча томонлар ўртасида иқтисодий алоқаларни амалга ошириш имконини берувчи, турли даражадаги битимларни имзолаш ва улардан фойдаланиш мумкин дафтар технологияларининг бир шакли бўлиб ҳисобланади. Очiq ресурслар платформасига асосланган блокчейн технологиясидан микро ва макро даражадаги иқтисодий жараёнларда фойдаланиш орқали қатор муаммоли вазиятларни бартараф этиш мумкин бўлади. Жумладан амалга ошириладиган молиявий опреацияларни амалга ошириш вақтини кескин равишда камайтириш, транзакцион харажатларни қисқартириш, иш унумдорлигини аниқлаш ва таҳлил қилиб бориш, марказлаштирилмаган маълумотлар базасининг ишлаши натижасида иқтисодий жараёнда иштирок этувчи барча томонларни бир вақтнинг ўзида барча маълумотлар билан танишиш имкониятининг мавжудлиги, катта ҳажмдаги маълумотлар базасини чекланмаган давр мобайнида тўплаш ҳамда мазкур маълумотлар базасидан келгусида таҳлил объекти сифатида фойдаланиш кабилардир. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида 2018-2021 йиллар давомида блокчейн технологияларидан фойдаланиш масштаби бир неча юз баробар оширилиши билан мазкур масштаб 2022-2026 йилларда янада кенгайтирилиб, молиявий бошқаувни амалга ошириш имконини берувчи махсус бизнес моделларини пайдо бўлишига олиб келиши юзасидан илмий прогнозлар келтирилмоқда[10]. 2018 йилнинг ўзида мазкур технологияларнинг иқтисодий жараёнларга тадбиқ этилишига қилинган харажатлар миқдори дунё миқёсида 3 трлн. АҚШ долларидан ошади. Ҳозирги кунда блокчейн технологияларини жорий этишга доир якка муаллифдаги патентларнинг 50 фоизи Хитойга, ҳаммуаллифли патент талабномаларининг 75 фоизидан кўпроғи АҚШга тўғри келади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакат инвестицион муҳитини ривожлантиришда иқтисодиётни рақамлаштириш жараёни муҳим аҳамият касб этиб, бу борада интернет ресурсларга бўлган талабнинг қондирилиш даражаси таъсири юқори бўлиб, ижобий томонлари билан бир қаторда, бугунги кунда қатор муаммоли вазиятлар бўйича чора тадбирларни ҳам ишлаб чиқишни талаб этади. Жумладан:

Биринчидан, иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш юзасидан тегишли чора тадбирларни амалга ошириш;

Иккинчидан, интернет тармоғининг узлуксизлигини таъминлашда электр энергетика таъминоти узлуксизлигини таъминлаш, альтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш, шунингдек, арзон энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш воситаларидан фойдаланиш;

Учинчидан, иқтисодиётнинг турли тармоқларини рақамлаштириш жараёнида юқори квалификацияга эга бўлган мутахассисларни кадрлар бозарига етказиб берувчи таълимнинг узлуксиз такомиллашиб борувчи махсус рақамлаштирилган платформасини ташкил этиш бўйича ҳукукий иқтисодий чора тадбирларни ишлаб чиқиш;

Тўртинчидан, мамлакатимиз миқёсида фаолият юритаётган алоқа операторлари томонидан кўрсатилаётган интернет хизматлари пакетларининг доимий мониторингини амалга ошириш ҳамда таклиф этилаётган интернет пакетлари таннархини пасайтириб бориш юзасидан алоқа компаниялари фаолияти назоратини кучайтириш юзасидан чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Barefoot K, Curtis D, Jolliff W, Nicholson JR, and Omohundro R (2018). Defining and measuring the digital economy. Working paper. Bureau of Economic Analysis, United States Department of Commerce, Washington, DC. Available at: <https://www.bea.gov/system/files/papers/WP2018-4.pdf>.
2. Brynjolfsson E and Kahin, B, eds. (2002). *Understanding the Digital Economy*. Massachusetts Institute of Technology, Cambridge, MA.
3. UNCTAD (2017a). *Information Economy Report 2017: Digitalization, Trade and*

Development. (United Nations publication, Sales No. Sales No. E.17.II.D.8, New York and Geneva).

4. UNCTAD (2018a). *Technology and Innovation Report 2018: Harnessing Frontier Technologies for Development* (United Nations publication, Sales No.E.18.II.D.3. New York and Geneva).

5. Adapted from Bukht and Heeks, 2017; Malecki and Moriset, 2007; and UNCTAD, 2017a. There is an ongoing debate about which firms in specific sectors or categories should be included or excluded as digital or IT. For example, gaming, digital media and financial services firms, which might arguably be seen as key firms in the digital economy, have not been included in some of the measurements (HoC, 2016).

6. UNCTAD (2018b). *Fostering development gains from e-commerce and digital platforms*. Background note for the Intergovernmental Group of Experts on E-Commerce and the Digital Economy. TD/B/EDE/2/2. Geneva.

7. Ericsson (2018). *Mobility report*. Available at: <https://www.ericsson.com/assets/local/mobility-report/documents/2018/ericsson-mobility-report-november-2018.pdf>.

8. United Nations (2019b). *Draft intergovernmentally agreed conclusions and recommendations submitted by the President of the Economic and Social Council, Inga Rhonda King (Saint Vincent and the Grenadines), on the basis of informal consultations. Follow-up and review of the financing for development outcomes and the means of implementation of the 2030 Agenda for Sustainable Development*. Available at: <https://undocs.org/pdf?symbol=en/E/FFDF/2019/L.1>

9. Jie S (2018). *China exports facial ID technology to Zimbabwe*. *Global Times*, 12 April.

10. ACS (2018). *Blockchain innovation. A patent analytics report*. IP Australia, Sydney.

Исмаилова Нилуфар Сабитжановна

и.ф.н., доцент

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

Зайниддинов Рухиддин Хусниддин ўғли

ассистенти

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. *Мазкур тезисда хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришидаги роли ва аҳамияти, инвестицион иқлим ҳамда унга таъсир этувчи омиллар, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсатида таълуқли асосий кўрсаткичлар, хорижий инвестицияларни жалб қилишида инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш борасида илгор тажрибалар ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш масалалари ўрганилган. Шунингдек, мамлакатда хорижий инвестиция жалб қилишидаги сўнги йиллар тендецияси таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар. *Хорижий инвестициялар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, инвестицион муҳит жозибадорлиги, қўшма корхона, корпоратив солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ кредити, АҚШ, Ҳиндистон, Жанубий Корея Республикаси.*

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий қилиш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар беқиёс ўрин тутди. Инвестицияларга бўлган эътиборнинг кучайиши бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги инвестицион фаолиятнинг ривожлантирилишига олиб келди. Бу борада эришилган аниқ ютуқ ва муваффақиятларнинг кенг ва атрофлича таҳлили, шу асосдаги муҳим амалий хулосалар, келгусида эътибор қаратишимиз лозим бўлган энг долзарб масалалар орасида мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари ва ривожланиш дастурларини белгилашда, албатта, асосий эътибор хорижий инвестицияларга

қаратилаётганлигини таъкидлаш керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан фаол инвестиция сиёсатига боғлиқ. Шу асосда давлатимизнинг рақобатбардошлиги ва энг асосийси, аҳоли фаровонлиги тубдан ошиши, янги корхона ва тармоқлар, янги иш ўринлари яратилишини, ўйлашми, тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ” [1].

Фаол ва оқилона инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ва бу йўлдаги вазифанинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолати ва тараққиётга ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган ТТХИ ҳажми йилдан-йилга ўсиб бориш тенденциясига эга. Аммо бу соҳада бир қанча муаммолар хали ҳам кўзга ташланмоқда. Мазкур муаммоларни ўрганишда аввало инвесторлар томонидан инвестицияни қабул қилувчи давлатни қайси жиҳатларига эътибор қаратишини билиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, қонуний тарзда фойда олишни кўзлаган ҳар бир чет эллик инвестор маълум бир мамлакатга ўз капитални киритишдан олдин қуйидаги шарт-шароитларга эътибор қаратади:

- мамлакатнинг тинчлиги, ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар ва имтиёзлар;
- инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилинганлиги, эркин фаолият кўрсатишлари учун қонуний асосларнинг шаклланганлиги;
- режалаштирилаётган ишлаб чиқариш лойиҳасини хом-ашё захиралари, ишчи кучи ва малакали мутахассислар билан таъминланганлик даражаси;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун яратилган инфратузилма (электр-энергия, газ, сув, канализация, автомобил ва темир йўл);

инвестор ўз фаолияти давомида олган фойдасини миллий валютадан хорижий валютага эркин айирбошлаш имконияти.

Ўзбекистон жаҳонда турли молиявий-иқтисодий инқирозлар ҳукм сураётган бир шароитда ҳам хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган давлат инвестиция дастурлари ҳамда қулай инвестиция муҳити яратилаётгани асосий омил бўлмоқда.



1-расм. 2005-2018 йилларга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштириш динамикаси (миллион АҚШ доллари). [5]

Юқоридаги 1-расмдан кўриниб турибдики, 2018 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 48 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Таҳлил этилаётган даврда жами хорижий инвестициялар ҳажми 2018 йилда 2005 йилга нисбатан 5,20 мартага ортган.

Бирок, мамлакатимизда чет эл инвестицияларини жалб қилишни кенгайтириш борасида хали ҳам ечимини кутаётган бир қанча муаммолар мавжудлигини айтиб ўтиш лозим:

- ишлаб чиқаришни илмий тадқиқотлар ва дизайн билан боғлиқ равишда ташкил этилмаганлиги, янги технология ва инновацияларнинг деярли қўлланилмаслиги;

- инфратузилмага оид муаммолар, шу жумладан, корхоналарнинг электр энергия, табиий газ, сув ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар мавжудлиги;

- молиявий бозорнинг юқори даражада ривожланмаганлиги ва корхоналарни унда фаол иштирок этмаслиги. Қайд этиш лозимки, молия бозорларининг ривожланганлигини белгиловчи меъзонларга мамлакат молия бозорининг кенглиги (молия дастаклари билан таъминланганлик даражаси), чуқурлиги (молиявий операциялар қўлами) ва очиклиги (молиявий операцияларни амалга оширишда тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги) кўрсаткичлари мансуб бўлиб, Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд ҳолат шу билан характерланадики, фонд бозорида валюта операцияларини амалга оширишда валюта рискларини ҳеджирлаш бўйича дастаклар, молиявий ликвидлиликни таъминлашга қаратилган бозор механизмлар етарли даражада ривожланмаган.

Юқорида келтириб ўтилган муаммолар республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишда жиддий муаммо ҳисобланмоқда.

Мазкур масалаларни ҳал этишда катта ютуқларга эришган ва самарали ечимларни топган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ. Хусусан бу борада Ҳиндистон тажрибасидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Хусусан Ҳиндистон тажрибасидан фойдаланиб мазкур тавсияларни келтириб ўтишимиз мумкин:


- авваломбор, чет ел инвестицияларини жалб қилишда, бундай фаолият билан шуғулланувчи кадрлар салоҳиятини янада ошириш, уларнинг лойиҳанинг техник иқтисодий асослови, бизнес режа ёки инвестицион таклифларни ишлаб чиқиш жараёнини чуқур ўрганишларини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилаётган имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида турли брошура ва қўлланмаларда уларни қизиқтира оладиган маълумот ва иқтисодий таҳлилларни жаҳондаги андозларга мос равишда тайёрлаш, уларга турли инфографикларни, ҳамда бошқа мамлакатлар билан қиёсий таққосламаларни қўшиш;

- мамлакатимизнинг барча ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини бир хилдалигини таъминлашда, дастлаб, ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш, бизнесни бошлаш учун қулай имкониятлар яратиш (электр энергия, табиий газ, сув ва ёқилғи маҳсулотларини узликсиз етказиб бериш); булардан ташқари, ҳудудлардаги бизнес юритиш ва инвестициялар учун яратилган инвестицион муҳит билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган хусусийлаштириш сиёсатини чет эллик ишбилармонлар учун кўрсатиб бериш, маҳаллий ҳокимликлар ўз доирасида қўшни мамлакатлар билан ўзаро икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишлари орқали эришиш;

- маҳаллий ҳокимликлар хорижий инвесторларни тўлақонли равишда инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий матбуот нашрлари, иқтисодий таҳлил, хом ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар ҳақидаги ахборот билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича “Вилоят инвестиция салоҳияти” веб-порталини ташкил қилиш, инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинарлар ва тақдимотларни республика ҳудуди ҳамда хорижий мамлакатларда ўтказиш.

Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим шаклларида бири қўшма корхоналар ташкил этишдир. Бугунги кунда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарининг даромадларини солиққа тортишда бир қатор имтиёзлар берилган бўлсада, бизнинг фикримизча, биринчидан, бу солиқ имтиёзларининг муддати, ҳажми, қўлланиш шарт-шароити аниқ кўрсатилган бўлиши, иккинчидан, бу енгилликлар хорижий инвесторларга яхши таниш ва тушунарли бўлиб, камида беш-ўн йилга белгиланиши, учинчидан, солиқ имтиёзлари ўзгармас ва қатъий бўлиши лозим. Шундагина бу имтиёзлар ўз самарасини бериши мумкин.

Ўзбекистонда корпоратив солиқ ставкаси 7,50 фоизни ташкил этади. Корпоратив солиқ ставкаси 2004 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда 10,57 фоизни ташкил этди ва бу эса 2004 йилда 20 фоиздан юқори бўлган. 2016 йилда рекорд даражада паст кўрсаткични 7,50 фоизни ташкил этди. (Қаранг: 2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда корпоратив солиқ ставкаси 2009-2018 йиллар. [2]

Қулай инвестиция муҳитини ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришда беқиёс аҳамиятга эга. Солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини тўрт жиҳатдан олиб қараш мумкин, улар: солиқ тўлашдан вақтинчалик озод қилиш; солиқ ставкасини камайтириш; солиққа тортиладиган базани торайтириш; солиқ мажбуриятини бажаришни кечиктириш (солиқ кредити). Қайд қилинган рағбатлар у ёки бу даражада хорижий инвестициялар иштирокидаги кенг доирадаги корхоналар учун татбиқ этилади. [3]

Рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларининг амал қилишини, шунингдек, инвестицияларни инсон капиталига, технологик ўсиш ва техника билимлари соҳаларини ривожлантиришга, кенгайтиришга ҳам жорий қилиш керак. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инвестиция муҳитини моделлаштириш масаласини кун тартибига қўяди. Бу модел хорижий инвесторга таъсир кўрсатадиган омиллар тўғрисида мукамал маълумот тўплаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятни яққол баҳолаш ҳамда хорижлик шериклар ҳаракатлари мотивациясини англаш, хориж инвестицияларини тартибга солишнинг асосий воситаларини ислоҳ қилиш имкониятларини яратади. [4]

Солиқ имтиёзларини беришда жаҳон тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, АҚШда корхоналар зарар кўриб ишлаётган даврига солиқ тўлашдан озод қилинади. Бу тажрибани Ўзбекистонда ҳам энг керакли соҳаларда фаолият юритаётган корхоналар учун қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун қатъий солиқ назоратини ўрнатиш зарур.

Ўзбекистон сўмининг эркин алмашадиган валюталарга нисбатан бўлган курсининг пастлигини ҳисобга олиб, хорижий инвесторларнинг корхоналар соф даромадини тақсимлашда оладиган улушини солиққа тортишни вақтинчалик бекор қилиш, ижобий ўзгаришларга олиб келарди.

Ўзбекистонда интеллектуал салоҳиятни ўстириш учун капитал қўйиш келажакда республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бўлиб, бунга Жанубий Корея Республикаси яққол мисолдир. Шунинг учун бу соҳада капитал қўйган инвесторларга солиқ имтиёзларини бериш ўта муҳимдир.

Шунингдек, фикримизча, иқтисодиётимиз ва мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги рақобатдошлигини, энг аввало, пухта ишлаб чиқилган ва оқилона юритилаётган инвестиция сиёсати орқалигина таъминлаш мумкин. Шу билан бирга, инвестиция сиёсатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқ керак.

Хорижий сармоядорни қизиқтирувчи соҳалар, объектларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотлар мажмуини шакллантириш, бизнес-режалар ва уларни иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган соҳаларга чет эл капиталини жалб қилиш зарур. Экспортда қайта ишланган, тайёр маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш, айниқса, пахта ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлашни ошириш ва бу соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш керак.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш юзасидан юқорида келтирилган таклифларимизнинг амалиётда татбиқ қилиниши келажакда мамлакатимизнинг бундан-да юқори сураътларда ривожланишини, аҳолининг даромад манбаи кўпайишини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишидаги нутқи. 12 январь, 2018 йил. Тошкент.// www.press-service.uz;
2. Trading Economics.com / World Bank;
3. Сабинова Л.Ш., Носиров Э.И. Иностранные инвестиции. Учебное пособие. – Т.: ТФИ, 2015. – 197 с.;
4. Мустафакулов. Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги [Матн] илмий-амалий қўлланма. Тошкент: Vaktria press, 2017. - 320 б.;
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидан олинган маълумотлар асосида тузилди.

Толипова Бахтигул Фарходовна

таниянч доктоант

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ: ЧЕТ-ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

***Аннотация:** Ушбу мақолада инвестицияларни жалб этиш йўллари ва озиқ-овқат саноатига инвестицияларни зарурлиги хусусида сўз юритилган. Мақолада иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар озиқ-овқат саноатига киритилган инвестициялар ва унда ишлаб чиқилган маҳсулотлари ҳажми солиштирма таҳлил этилган ва хулоса таклифлар берилган.*

***Калим сўзлар:** саноат, озиқ-овқат саноати, инвестициялар, озиқ-овқат ҳавфсизлиги, инвестицион лойиҳа, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати, технологик ривожлантириш, инвестицион жозибadorлик.*

Ишлаб чиқаришнинг техник ривожланишини устувор вазифага айлантирган юқори ривожланган мамлакатлар иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари бўйича етакчи ўринни эгаллаб турибди. Мамлакатимиз бугунги кунда ҳар томонлама модернизация ва реконструкция қилиниши нафақат бугунги кун учун, балки келажакда ҳам муваффақиятли ривожланиши мумкин бўлган иқтисодий тизимни яратиш учун ишлаб чиқариш технологиялари ва инфратузилмасига катта инвестицияларни талаб қилади.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида конун ҳужжатларига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилдики, бу ўз навбатида мамлакатимизнинг инвестицион жозибadorлигини оширишга хизмат қилмоқда²⁶.

²⁶ Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги [Матн] илмий-амалий қўлланма – Тошкент: Vaktria press, 2017. 225-б. (320 б)

Маҳсулот танлови унинг аҳамиятлилиги билан боғлиқ, мамлакат бозоридаги ноқулайликлар туфайли хорижий ишлаб чиқарувчилар устунлик қилиб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда Ўзбекистонга озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчилар сони 130 га яқинини ташкил этади²⁷.

Аҳолининг овқатланиш даражаси миллат саломатлигини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Бу, айниқса, нормал ривожланиш учун етарли даражадаги мувозанатли овқатланишни талаб қиладиган ёш болалар (3 ёшгача) га тааллуққидир. Аҳоли саломатлиги ёки гўдақлар озукасига тўхталиб ўтсак, бунда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати бирламчи тушунча бўлиб ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати – озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи²⁸.

Мамлакатимизда аҳолининг тўйиб ва тўйиниб овқатланиши учун мустақиллик йилларининг илк кунлариданоқ озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунга мисол қилиб, йиллар давомида ишлаб чиқилган меъёрий ҳуқуқий базадан ташқари соҳа доирасида халқаро тоифада ташкил этилаётган конференцияларни ҳам келтириш мумкин.

Корхоналарнинг иқтисодий ривожланиши инвестиция ресурсларини жалб қилишни тақозо этади, аксарият ҳолларда улар чекланганлиги боис биринчи навбатда, ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этувчи, рентабелликни ва кейинги ишлаб чиқариш жараёнларида қайта ишлаб чиқаришни оширишни таъминловчи соҳаларга йўналтирилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, инвестициялар ҳажмини асослаш учун танланган инвестиция объекти тўғри эканлигини тасдиқловчи бизнес-режа ишлаб чиқиш амалга оширилади. Шунинг учун инвестицион лойиҳалашнинг назария ва амалиётида бутун минтақаларга, алоҳида ҳудудларга, миллий иқтисодий мажмуаларга, соҳалар ва муайян корхоналарга нисбатан қўлланиладиган “инвестицион жозибаторлик” тушунчаси ишлатилади. Таҳлил натижаларига кўра, таҳлил қилинаётган категорияни кенг оммалашганига қарамай, уни аниқлашнинг умумий усули ишлаб чиқилмаган деб таъкидланади. Шунини олдиндан айтиш мумкинки, бу ҳолат нафақат услубий қийинчиликлар билан, балки сезиларли даражада ноаниқлик билан ҳам боғлиқ. Шунингдек, у ёки бу инвестиция объектининг инвестицион жозибаторлик даражасини аниқлашдаги ноаниқлик – мавжуд ва келажакдаги инвестиция ҳавфларини аниқлаш мумкин эмаслиги билан ҳам боғлиқ.

Шунинг учун инвестицион тадқиқотлардан олдинги масала, биринчи навбатда, бир томондан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ҳар хил шароитларни ҳисобга оладиган ва бошқа томондан таҳлилнинг шаклланмаган элементларини ҳисобга олишга имкон берадиган услубни яратишдан иборат бўлиши лозим.

Бундан келиб чиққан ҳолда, келажакда максимал фойда олишни таъминлайдиган инвестиция учун энг жозибатор корхоналарни танлашда маълум услубий ёндошувларни ишлаб чиқиш зарур.

Энг самарали инвестиция лойиҳаларини танлашда унинг истиқболли устуворлигини асослаш учун иқтисодий ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш усуллари асосида корхоналарни ривожлантириш тенденциясини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Инвестиция олди лойиҳасини техник-иқтисодий асослашга киритилган асосий омилларнинг таъсир даражасини аниқлаш йўли билан таҳлилнинг динамик жиҳатини ҳисобга олиши зарур. Ўз навбатида, алоҳида лойиҳаларнинг жозибаторлигини аниқлаш учун экспертлар томонидан муайян инвестиция лойиҳасини экспертлар томонидан баҳолаш учун тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилиб тавсия этилган жараён қўлланиши мумкин. Натижада экспертлар томонидан лойиҳани баҳолашда фойдаланиладиган мезонлар танлаб олинди.

²⁷ <https://www.food1.com/ru/food-importers/uzbekistan>

²⁸ Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1997 йил 30 август, 483-И-сон

Куйида инвестицион лойиҳалар рейтингини шакллантириш мезонлари таркиби келтирилган:

1. Етарлича тез муддат ичида лойиҳани ишга тушириш имконияти.
2. Лойиҳанинг нарх кўрсаткичлари ва инфратузилманинг ривожланиш даражасига таъсири.
3. Капитал ва иш ҳақига таъсири.
4. Инвестицияларнинг мултипликатив самараси.
5. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати даражасига таъсири.
6. Фойдалилик даражасига таъсири.
7. Корхонанинг стратегик ривожланишига таъсири.
8. Корхонани янада ривожлантириш учун тегишли моддий-техник базани шакллантириш имконияти.
9. Истеъмолчилар таркибининг етарлича мавжудлиги (бозор сифими).
10. Экологик ҳавфсизлик.

Юқорида келтирилган 10 та мезон муайян шароитларда янада ихтисослаштирилган эксперт тадқиқотларида тўлдирилиши ёки қисқартирилиши мумкин. Ҳар бир мезон ҳолис эксперт томонидан баҳоланиши мақсадлидир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан фаолият юритувчи корхоналарда биринчи, бешинчи ва ўнинчи мезонлар бирламчи бўлиб, қолган мезонлар бўйича баҳоланиши амалга ошириш мақсадли ҳисобланади.

2050 йилга келиб ер юзидаги аҳоли сони 9 миллиардга етиши ва сўнги иқтисодий ўсиш тенденцияларига таяниб камбағал аҳолининг даромадлари ортиб бориши прогноз қилинмоқда²⁹. Бу эса ўз навбатида озиқ-овқат саноати маҳсулотлари турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, ишлаб чиқаришга янги технологиялар жорий қилишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб этиш масаласини кўндаланг қўяди.



1-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳамда умумий саноат маҳсулотлари ҳажми млрд.сўм

Жадвал маълумотларидан шуни кузатиш мумкинки, мамлакатимизга иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми йилдан йилга ўсиш кўрсаткичига эга. Бу ўз навбатида инвестицион муҳитни яхшилаш учун олиб борилган ишларнинг ижобий натижаси сифатида кўриш мумкин. Мос равишда саноат маҳсулотлари

²⁹ <https://doi.org/10.1016/j.tifs.2017.11.015>

ҳажми ўсиш темпига эга бўлиб, 2009 йилда 12531,9 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 107333,0 млрд. Сўмга етганлиги гувоҳи бўламиз



2-расм. Озиқ-овқат саноатига киритилган инвестициялар ва унда ишлаб чиқилган маҳсулотлари ҳажми, млрд. сўм.

Навбатдаги расм маълумотлари юқорида келтирилган расмдаги маълумотларнинг том маънода таркибини англатувчи маълумотлар бўлиб, бунда алоҳида озиқ-овқат саноатига киритилган инвестициялар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажми тақоосланган. 2009 йилда озиқ-овқат саноатига киритилган инвестициялар 188,0 млрд. сўмни ишлаб чиқарилаган маҳсулотлар ҳажми 4354,7 млрд. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2018 йилга келиб, 3041,6 млрд. сўмни киритилган инвестициялар ҳажми ва 23842,9 млрд. сўмни озиқ-овқат саноати томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ташкил этган.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, бу билан аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- озиқ-овқат саноати корхоналарида ишловчиларнинг малакасини ошириш;
- мазкур саноат тармоғига инвестиция жалб этишни такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш орқали аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги 1997 йил 30 август, 483-И-сон
2. Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги [Матн] илмий-амалий қўлланма – Тошкент: Vaktria press, 2017. 225-б. (320 б)
3. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма.-Т.: Akademiya, 2012.-161-162-бет.
4. Экономика отраслей АПК/ И.А. Минаков, Н. И. Куликов, О. В. Соколов и др. ; Под ред. И. А. Минакова. – М.: Колос С, 2004. -464 с.
5. Ортиков А. “Саноат иқтисодиёти” (дарслик), Т.: ТДИУ, 2004 й.
6. Технология пищевых производств / ЛЛ П. Ковальская, ТЗ8 И. С. Шуб, Г. М. Мелькина и др.; Под ред. ЛЛ П. Ковальской. – М.: Колос, 1999. – 752 с.: ил
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари

8. Thea King, Megan J. Osmond-McLeod, Lesley L. Duffy. Nanotechnology in the food sector and potential applications for the poultry industry Trends in Food Science & Technology Volume 72, February 2018, Pages 62-73
9. Samir Abdelhafidh. Potential financing sources of investment and economic growth in North African countries: A causality analysis. Journal of Policy Modeling Volume 35, Issue 1, January–February 2013, Pages 150-169.
10. Hong Wang, Pan Liang, Huiyu Li, Ruili Yang. Financing Sources, R&D Investment and Enterprise Risk. Procedia Computer Science Volume 91, 2016, Pages 122-130.
11. Jean Canil, Sigitas Karpavičius. Are employee stock option proceeds a source of finance for investment? Journal of Corporate Finance, Volume 50, June 2018, Pages 468-483.
12. Дамодаран Асват. Инвестиционная оценка. Инструменты и методы оценки любых активов; Пер. с англ. – 7-е изд. – М.: Альпина Паблишер, 2011.
13. <https://www.food1.com/ru/food-importers/uzbekistan>
14. www.mift.uz
15. www.stat.uz

Асадов Аълам Илҳомович
иқтисод фанлари доктори, доцент
Prince Sultan University,
Ар Риёд, Саудия Арабистони
ассистент профессор,

Маматов Шавкат Шаҳобиддинович
магистр, катта ўқитувчи
Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти,
катта ўқитувчи
Банк ва Молия мактаби

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИ

Аннотация: Сўнги бир неча ўн йилликлар давомида Ислом молияси дунё бўйлаб жадал суръатлар билан ривожланоқда ва 2000 йиллардан бошлаб бу соҳа Маркази Осиёга ҳам кириб келмоқда. Ўзбекистонда бу соҳа ривожини ички ва хорижий инвестиция салоҳиятининг ошишига хизмат қилиши мумкин, аммо бунинг учун керакли қонуний асос, молиявий саводхонлик ва зарур кадрларни тайёрлаш керак бўлади.

Калит сўзлар: Ички ва хорижий инвестиция, Ислом молияси, Ислом банки, Муқобил молия, Ислом молияси инфратузилмаси, Исломий облигация (Сукук), Молия бозори ривожини ва Молиявий саводхонлик.

1. Ислом молиясининг шаклланиши ва унинг Марказий Осиёга кириб келиши

Сўнги бир неча ўн йилликлар давомида Ислом банк иши ва молияси жадал суръатлар билан ривожланиб ва унинг молия секторидаги салмоғи ўсиб келмоқда. Нафақат аҳолисининг кўпчилиги қисми мусулмонларни ташкил қилган Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатлари, балки кичик мусулмон нуфузига эга бўлган Буюк Британия, Сингапур, Люксембург ва кўплаб ғарб мамлакатлари ҳам Ислом молиясига кучоқ очмоқда. Исломий молия секторининг жами активлари 2017 йилда 2,4 трлн. АҚШ долларига баҳоланди ва 2023 йилга келиб у 3,8 трлн. АҚШ долларигача ўсиши кутилмоқда. 2017 йил ҳолатига кўра, Ислом банкларининг бозор улуши бутун Ислом молиясининг 71% ёки 1,7 триллион АҚШ долларини ва йиллик ўсиш суръати 5% ни ташкил этди [1].

Баҳрайн, БАА, Саудия Арабистони, Миср, Бруней, Туркия, Малайзия, Индонезия ва Покистон сингари мусулмон ва АҚШ, Буюк Британия, Канада, Швейцария, Жанубий Африка ва Австралия каби мусулмон бўлмаган жами 56 давлатлар Исломий банклар ва молия ташкилотларига эга [1]. Улар қаторига нафақат буткул Исломий бўлган молия муассасалари,

балки Исломий дарча ёки шўба ташкилотларини очишган Chartered Bank, Citibank, HSBC, ABN AMRO ва UBSга ўхшаган кўпгина нуфузли анъанавий банклар ва молия муассасалари мавжуд.

Халқаро Валюта Фонди томонидан олиб борилган изланишлар Исломий банклар молиявий инқирозларга анъанавий банкларга нисбатан кўпроқ чидамли эканлигини кўрсатди. Исломий молиялаштиришнинг анъанавийсидан асосий фарқи инвестиция қилинган маблағлар учун рискка шерик бўлиш ҳисобланади. Исломий молияда маблағни олувчи ва инвестор инвестициядан келиб чиқадиган рискка шерик бўладиган бўлса, анъанавий молиялаштиришда, шу жумладан қарзга асосланган молияда асосан риск мижознинг гарданига ташланади. Банк эса фақат кредит рискинни бўйнига олади.

Марказий Осиё мамлакатларида ҳам бу соҳага қизиқиш бир неча йиллардан бери ортиб бормоқда. Минтақада биринчилар қаторида 1995 йил Ислом Тараққиёт Банкига (ИТБга) аъзо бўлиш орқали ва 1996 йилда Олма-Отада ИТБнинг ваколатхонасини очиш билан Исломий молия муассасаларини ташкил қилишни бошлади. Кейинчалик Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам бу соҳа кириб келди, ва сўнги бир неча йиллар давомида ушбу давлатлар Исломий банклар ва ижара муассасаларини ташкил қилиш, Исломий облигацияларни чиқариш ва соҳа фаолияти учун қонуний асосни шакллантириш билан шуғулланмоқда [2].

Инсон ҳамда табиий ресурсларга бойлиги, аҳолисининг аксар қисми Ислом динига мансублиги ва инвестиция имкониятларининг кенгаётганлиги билан Ўзбекистон ҳам Ислом молияси ривожланиши учун улкан салоҳиятга эга. Агар ушбу салоҳиятдан тўғри фойдаланилса мамлакатимиз нафақат ички инвестиция омилларини, балки анча нуфузли хорижий инвестицияни ҳам жалб қилиш имкониятига эга. Исломий молияга йўл очилиши облигация ва капитал бозорининг ривожланишига кенг йўл очиб беради. Шу билан биргаликда иқтисоднинг туризм, озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам улкан аҳамият касб этади. Ўзбекистонда исломий FinTek жорий қилинишининг ҳам салоҳияти юксак.

2. *Ўзбекистонда Ислом молиясига эҳтиёж ва унинг ривожланиш салоҳияти*

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги умумий аҳоли сони ва шу жумладан мусулмон аҳолиси сони жиҳатидан ҳам энг катта мамлакат бўлганлиги учун Исломий молия индустрияси ривожланиши борасида жуда катта имкониятларга эга. Мамлакатда Исломий молия хизматларининг жорий қилиниши нафақат унинг кўп сонли мусулмон аҳолисидан, балки кўшни давлатлар, шунингдек Яқин Шарқ мусулмон давлатларидан, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларидан инвестицияларни жалб қилишга имкониятлар яратади. Ислом банкчилиги ва молиясининг потенциал мижозлари сони биргина мамлакатимизнинг ўзида ҳам 15 миллиондан ортиқни ташкил қилади.

Мамлакатимизда анъанавий банклар ва бошқа молия муассасалари бирмунча шаклланган ва уларнинг рақобатбардошлиги ортиб бормоқда. Лекин афсуски, уларга муқобил бўлган ноанъавий молиялаштириш усуллари ва шу жумладан Ислом молиясининг ҳам ривожланиши бир оз суст кечмоқда. Ажабланарлиси шундаки бу сустликнинг сабаби бунда молия усулларида бўлган эҳтиёж ёки талабнинг камлигида эмас. Юқорида айтиб ўтилганидек Ўзбекистоннинг аксарият аҳолиси Ислом динига мансублигининг ўзи улардаги Ислом молиясига бўлган эҳтиёж салмоғидан даракдир.

Ислом молияси мамлакатда ички инвестицияни ривожлантиришга туртки бўлиш эҳтимоли жуда катта. Ўзбекистон аҳолисининг молиявий активлиги бошқа мамлакатларга нисбатан анча паст ҳисобланади. Аҳолининг 15 ёшдан катта бўлган қисмининг банк ҳисоб рақамига эга бўлганлари 2014 йилда 26%ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб бу 37%га ўсган. Лекин ҳали ҳам бу кўрсаткич жаҳон стандартлари бўйича жуда паст ҳисобланади [3]. Ушбу нисбатан паст бўлган молиявий активликнинг сабаби аксар аҳолининг диний эътиқодига бориб тақалиши мумкин.

Ислом шариятида судхўрлик муомаласи (фоизда қарз бериш ёки олиш) ҳаром ҳисобланади ва бунга Ислом динининг асосий манбалари бўлган Қуръон ва Суннатда кўплаб далиллар мавжуд. Мисол учун Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръондаги Бақара сураси 275-оятда шундай дейди: “Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб жинни бўлган

кишидек доводи раб турарлар. Бундай бўлиши уларнинг, тижорат ҳам рибога ўхшаш-да, деганлари учундир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол, рибони ҳаром қилган. ...” [4]. Шу ва бошқа далилларга асосланган ҳолда кўплаб Ислом уламолари анъанавий молиядаги фоиз олди-бердисини ҳаром деб фатво беришган.

Демак мамлакатда диний эътиқоди сабабли анъанавий банкларда ҳисоб очмаётган ёки улардан кредит олмаётган аҳолининг молиявий активлигини ошириш ва уларнинг жамғармаларини иқтисодиётга киритиш учун ҳам Ислом молияси соҳасини ривожлантириш зарур бўлади. Бундан ташқари, мамлакатимиз инвестиция салоҳиятидан тўлалигича фойдаланилмаётганлигига фақат ички инвестиция эмас, балки хорижий инвестиция кириб келишига айнан шу сабаблар ҳам тўсиқ бўлиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган диний эътиқоди туфайли анъанавий молиядан ўзини четда тутган ва фақат Исломий молия муассалари билан иш юритган талайгина инвесторларни Яқин Шарқ ва бошқа мусулмон мамлакатларидан Ўзбекистонга маблағ киритиш учун жалб қилиш мумкин. Бунинг учун инвесторларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш билан бирга, уларнинг эътиқодига мос келадиган муқобил Ислом молия тизимини шакллантириш зарур бўлади. Бу орқали мамлакатимиз инвестицион салоҳияти анча кенгайиши тайин.

3. *Исломий молиялаштириш орқали иқтисодга инвестиция киритиш усуллари*

Мамлакатимизга Ислом молияси орқали инвестицияни жалб қилиш ва киритиш усуллари хилма-хилдир. Авваламбор анъанавий банкларда ҳисоб рақами очиш ва ўз пул жамғармаларини сақлашни истамайдиган фуқароларимиз учун Исломий банк ва дарчалар (windows) тизимини йўлга қўйиш анча самара бериши тайин. Исломий банклар ва анъанавий банкларнинг Исломий дарчалари орқали катта миқдорда пул жамғармаларини иқтисодга жалб қилиш мумкин. Нисбатан қисқа тарихга эга Исломий банкларнинг ҳиссаси Саудия Арабистонида барча банк активларининг 31,7%ини ва фақатгина 60% мусулмон аҳолига эга Малайзияда ҳам банк активларининг 16,7%и Ислом банкларга тегишлидир [5]. Исломий банклар ва дарчаларнинг мавжудлиги нафақат аҳолидан пул жамғармаларини жалб этиш, балки аҳолининг кўпроқ қисмини банкларга ўз истеъмоллари ва бизнес фаолиятларинини молиялаштириш учун мурожаат қилишига ҳам олиб келиши тайин.

Ўзбекистон аҳолисининг молиялаштириш эҳтиёжларини қониқтиришни Исломий лизинг орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Лизинг солиқлардан олинадиган имтиёзлари туфайли бошқа молиялаштириш усулларида афзал ҳисобланади. Ўзбекистонда бошқа Исломий молия муассасалари бўлмаса ҳам ҳозирги пайтда бир Исломий лизинг компанияси, яъни “Тайиба лизинг” фаолият юритмоқда. Бу борада қилинган илмий изланишларга кўра Исломий лизингдан уй-жой ва авто харидини молиялаштириш ҳамда корхоналар учун ускуналар харидида унумли фойдаланиш мумкин. 2014 йилда Тошкент шаҳри норасмий автомобил ижара бозори тадқиқ қилинганда у ердаги фойда маржалари йилига 96%гача етганлиги аниқланган. Исломий лизинг компаниялар бунда бир неча баробар камроқ маржада ушбу автомобилларни молиялаштириш имконига эга [6].

Ислом молияси нафақат тўғридан-тўғри ёки аҳоли эҳтиёжлари учун инвестиция киритиш, балки давлат ва корпорацияларни ҳам молиялаштириш имкониятига эга. Ҳозирда нафақат мусулмон ўлкалар, балки Англия, Сингапур ва Люксембург каби аҳолисининг аксарият қисми номусулмон бўлган мамлакатлар ҳам Исломий облигация (сукук) чиқармоқда. Ўзимизнинг ён қўшнимиз бўлган Қозоғистон ҳам 2012 йилда ўзининг биринчи 75,5 миллион АҚШ долларига тенг сукук облигацияларини чиқарди [7]. Сукуклар нафақат давлат облигациялари учун, балки корпоратив облигациялар сифатида ҳам кўп миқдорда Малайзия ва Яқин Шарқ мамлакатларида чиқарилмоқда.

Корпорацияларни молиялаштиришда сукукдан ташқари Исломий акциялар бозори ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳозирда кўплаб мамлакатлар ўзларининг Исломий акция индексларига эга. Ҳатто Dow Jones ва FTSEларнинг ҳам Исломий акция индекслари мавжуд. Ўзбекистон акционерлик жамиятлари учун ҳам ўз Исломий акция бозорини ташкил қилиш албатта фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу ўз навбатида мамлакатга хорижий инвесторларни кириши осонлашиши ва мамлакат акция бозорининг фаоллашувига олиб келиши мумкин.

Мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашда дунёда юз бераётган охирги трендларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик даркор. Ҳозирда Молиявий технологиялар (FinTech) инсонлар ҳаётига жадал суръатларда кириб бормоқда. Шу навбатда ушбу муқобил молия усулининг шариятга мос келувчи Islamic FinTech ҳам мусулмон мамлакатларда тарқалмоқда. Ушбу усуллар орқали аҳолини ўзаро шерикчилиги асосида молиялашни йўлга қўйишда урғу бериш ва уни P2P (peer to peer) financing, crowdfunding, crypto пуллар ва ақлли контрактлар каби турлари орқали амалга ошириш мумкин.

4. Ўзбекистонда Ислом молиясини ривожлантириш учун зарур бўлган қадамлар

Юқоридагилардан маълум бўлдики Ўзбекистонда инвестиция муҳитини ривожлантириш учун Ислом молияси катта салоҳиятга эга. Лекин ушбу салоҳиятдан тўғри фойдалана олиш учун керакли инфратузилма ва қонуний асос мавжуд бўлиши лозим. Бунинг учун аввало мамлакатда Ислом банкчилиги ва молияси фаолият юритиши учун зарур бўлган қонуний ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиниши шарт. Буларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

i. 2018 йилда тақлиф қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Ислом банкчилиги ва молияси инфратузилмасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси асосида янги қарор қабул қилиш;

ii. Ушбу қарор асосида Маркази банк, Банк фаолияти, Лизинг муассасалари фаолияти тўғрисидаги қонунлар ва бошқа қонуний ҳужжатларга ўзгартириш киритилиши;

iii. Исломий молия муассасаларининг мукамал фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қиладиган бошқа қонуний ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ва зарур бўлса янгиларини ишлаб чиқиш.

Қўшимча равишда, аҳолининг Исломий банкчилик ва молияси ҳақида тасаввурини шакллантириш ҳам лозим бўлади. Бунинг учун Исломий молия борасида ҳалқаро ва маҳаллий конференция ва семинарлар ташкил қилиш, унинг иқтисод учун аҳамият ва моҳиятини тушунтириш лозим бўлади. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио орқали Исломий молия ҳақида кўрсатув ва дастурлар ташкил қилиш ва ушбу кўрсатувларга соҳада мутахассис бўлган маҳаллий ва хорижий экспертларни тақлиф қилиш ва улардан соҳа ривожини учун зарур маслаҳат ва тақлифлар олиш керак бўлади.

Ва ниҳоят, Ўзбекистонда Ислом молиясини ташкил қилиш учун кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам қисқа ҳамда узоқ муддатли режа асосида ташкиллаштирилиши лозим. Авваламбор, мамлакат миқёсида Исломий молия кадрлари тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш лозим. Шу дастур асосида қисқа муддатли режага асосан молия ва банк соҳасида ишлаётган мутахассисларни Ислом банкчилиги ва молияси борасида малакасини ошириш учун қисқа курслар ташкил қилиш лозим бўлади. Узоқ муддатли режага келадиган бўлсак, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Исломий банкчилик ва молия йўналишлари ташкил қилиш ва соҳага доир илмий изланиш марказларини ташкил қилиш ва шу орқали соҳанинг кадрларга бўлган узоқ муддатли эҳтиёжини қондириш мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, Ўзбекистонга ички ва хорижий инвестицияни янада кўпроқ жалб қилиш учун Исломий молияни шакллантириш зарур. Ислом молияси иқтисодни кўп жабҳаларида, хусусан банк иши, лизинг, суғурта, облигация чиқариш ва молия бозорининг ривожини, хизматлар соҳаси ва ишлаб чиқариш учун катта аҳамиятга эгадир. Мамлакатда Исломий молияни шакллантириш учун қонуний асос, аҳолининг соҳа тўғрисида тасаввурга эга бўлиши ва соҳа учун керакли кадрлар тайёрлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Thomson Reuters. *Islamic Finance Development Report 2018: Building Momentum*. 2018, Manba: <http://bit.ly/IFDatabase>

2. Gresh, G. F., *The Rise of Islamic Banking and Finance in Central Asia*, *Al Nakhlah*, the Fletcher School, Tufts University, Fall, 2007.

3. Ahunov, Muzaffar. *Financial inclusion, regulation, and literacy in Uzbekistan*, ADBI Working Paper Series, No. 858, 2018. Asian Development Bank Institute (ADBI), Tokyo.

4. Muhammad Yusuf, Muhammad Sodiq. *Qur'oni Karim ma'nolari tarjimasi*. Hilol-nashr. Toshkent, 2017.
5. Hirst, Tomas. *These are the top 9 countries for Islamic finance*. World Economic Forum. 20 Jul 2015. Manba: <https://www.weforum.org/agenda/2015/07/top-9-countries-islamic-finance/>
6. Asadov, A. & Gazikhanov, K. Ijarah's Prospects in Central Asian: An Example of Uzbekistan, *Journal of Islamic Economics, Banking and Finance*, Vol. 11 No. 2, 2015.
7. Reuters. Kazakh sukuk debut opens to door to Islamic finance. *Dawn*, July 26, 2012. Manba: <https://www.dawn.com/news/737384>

Umirzokov Jasur Artikboy ogli,
responsible officer,
Tashkent Institute of finance

THE EXPERIENCE OF CREATING FREE ECONOMIC ZONES IN BRICS COUNTRIES

Abstract. *This article describes the experience of BRICS countries in establishing free economic zones. In addition, in this article were studied opportunities for attracting foreign investors to the free economic zones and provided recommendations on their application in Uzbekistan.*

Key words: *free economic zones, BRICS countries, foreign investments, a free trade port, "Manaus", Amazon region, India, free production zones, technological advancement, infrastructure*

Introduction

The world experience shows that investment, in particular direct foreign investment, are of great importance in the effective implementation of economic reforms. In this regard, free economic zones have a special role in opening new opportunities for socio-economic development of the country by attracting foreign investments to the national economy.

Learning from developed free economic zones worldwide and implementing their experience into Uzbekistan leads to further increase the flow of foreign investments and make wide opportunities for the development of free economic zones as an important part of an open economy [1].

Analysis and results

The experience of creating free economic zones in BRICS countries and their economic analysis. In general, BRICS countries are classified as remarkably strong developing countries comparing to other countries. A number of factors have a positive effect behind this development trend. The factors that pushes the economy forward differs from country to country. For example, in Brazil, its developed agriculture drives the economy ahead, in Russia its rich natural resources, in India cheap labor force and intellectual resources and in China a highly integrated market for domestic and foreign trade with cheap human resources.


These factors led to increase in foreign investments flow into the BRICS countries. Meanwhile, according to the BRIC-50 index adopted in 2006, highly liquid securities of Brazilian, Chinese, Russian, Indian companies in 20 world markets have shown high rates.

Brazil. In 1957, congressman Francisco Pereira da Silva launched a free trade port "Manaus" in Brazil. It was the first free economic zone in the country [2]. After ten years, the Federal Government established the Amazonia Center for the Development of Industry, Agriculture and Entrepreneurship based on the ZFM (Manaus Free Trade Zone) in accordance with the Decree-Law on 28 February 1967 (No. 288). By the law adopted on 15th August, 1968, this free trade port was converted into a free trade zone and included all of the Western Amazonia.

By 1989, the Free Trade Zone "Manaus" became a free-economic zone complex including with 7 free economic zones. The complex has developed not only the infrastructure, industry, agriculture and business center of Amazon region, but also had significant effect on the entire economy of Brazilia.

However, according to the existing legal arrangements, enterprises with this privilege had to re-invest all the gains that had been made in order to increase capital to accelerate the rapid development of free economic zones.

Figure 1



Source: OECD International Direct Investment Statistics database. 2018

The Government also offered all privileges to 55 years (until 2013) so that investors could adopt this requirement [3]. The Brazilian Government has extended the period from 2013 to 2025 by a special decree No. 42 on 19 December in 2003. As a result, Brazil is boosting its free economic zones, including Manaus. During the period from 1999 to 2015, more than 680 industrial enterprises were set up in the Free Economic Zone "Manaus" and provided more than 86,000 people with new job vacancies.

Overall, the success of the Manaus model in Brazil is that the free economic zones are closely interconnected with all regions of the country and strongly integrated with the national economy.

India. Establishment of free economic zones in India began in 1960, and called "free production zones" until 2000.

The country's first free economic zone was established in 1965 in Kandla. This region was specialized in the export of final goods. At the earliest stages of creating such free economic zones, one of the key initiators was the state. Of course, free economic zones are a state-sponsored commitment by its definition, but they have also led to inconveniences. At the same time many control bodies have been investigating free economic zones. In addition, due to the lack of modern infrastructure and the unstable fiscal policy of the state, there was a need to the number of reforms to be undertaken.

In 2000, a policy of "Special Economic Zones" was published and since then, the activities of free economic zones have been identified. In this turn, there was an increase in the number of newly created free economic zones and the amount of foreign direct investment (including private investors) as well [4].

In addition, it can be seen that there are problems in India that need to be taken into consideration in ensuring the further development of free economic zones. One of these problems is the land that is currently used in agriculture and those lands are considered to be the most suitable for the creation of free economic zones. As a result, many problems are being encountered related to the cultivation and reproduction of agricultural products.

Problems regarding the attraction of investors to free economic zones

The development of free economic zones creates intense debate about the organization of such zones in different parts of the society, their goals and objectives, placement zones and so on.

The created free economic zone must have its own integrated development plan for the complex development, which is to create new business relationships based on the development of all economic entities, different forms of ownership (public, private, personal, collective, mixed) [5].

In establishing free economic zones, it is important to settle mutually beneficial relations between their participants - foreign and national investors. It also identifies the success or failure of this new form of ownership in the economic life of the country.

The world experience shows that designers of free economic zones face difficulties not only with differentiation of motivation factors for foreign and national investors, but also the opposite and sometimes conflicting complexity of such incentives.

Another factor that complicates the activities of free economic zones is that foreign and national investors may misunderstand incentives and preferences. For example, a well-developed infrastructure in the regions can be a great incentive to invest for domestic investors, and for foreign investors, such an "incentive" is a mandatory prerequisite for making investment decisions to the region [6].

Differences in the evaluation of the attractiveness of free economic zones do not exclude the possibility of "consensus" with foreign investors. The foreign investor's interest in joining the area is not the quality of the infrastructure (which is only a prerequisite), the ability to import goods and services without paying for customs, tax exemption, and other benefits, but access directly to the domestic market.

Developers of Free Economic Zone will try to take into account the following aspects:

many domestic resources that can be purchased by foreign investors are rare in the country. Because of the entry of foreign investors into the domestic market, the increase in demand can further aggravate the situation. If the story is about a short-term prospect, foreign investors can compensate for this deficit by paying higher prices for resources;

the quality and level of technology of local resources are not always consistent with the standards stated by foreign firms. In this case, foreign investors will be exposed to local resources. Over time, local suppliers may gradually raise the technological level of their production. However, this technological advancement does not happen automatically;

the need to take into account the amount and level of costs required to establish direct links between foreign firms and local businesses operating in the free economic zones. It is wrong to assume that local firms provide goods and services adequate to the technical specifications of the customers to foreign firms taking the risk.

Availability of the above mentioned issues - lack of resources and funding, lack of technological development of local enterprises, non-compliance of domestic goods and services with foreign investors' standards defines the complexity of establishing relationship between foreign firms and other local companies operating in the free economic zone.

Moreover, no free economic zone can successfully operate without appropriate infrastructure networks, such as the upgraded zone, the telecommunications network, water, electricity, airport access, and domestic conditions for foreign and domestic workers. The conditions that investors consider relative superiority 15-20 years ago (near location of international airport, good telephony) are currently a prerequisite, and if they are not satisfied, a foreign firm will not even consider participating idea in the area.

Thus, in the development of a free economic zone project, it is necessary to pay close attention to the issue of involvement of local enterprises that may have a successful business activity in the free economic zone [7].

Conclusion and suggestions

In the competitive process to attract foreign direct investment, following measures may have its positive effects on the increase the investment attractiveness of countries in the example of Uzbekistan:

the mechanism of the "zone factor" is widely used in the free economic zones established in Uzbekistan to attract direct foreign investments. In the case of China and India, which has been studying the positive phenomenon, it is suggested to use the mechanism of "time factor". That is, on the territory of the Republic of Uzbekistan (excluding Tashkent city and Tashkent region) the idea of "10 years tax vacation" is being proposed. Of course, this mechanism does not apply to certain sectors of the economy. The foreign investor undertakes certain obligations. These two mechanisms do not

interfere with each other, but complement one another and lead to national competitiveness and development.

one of the most important areas for improving financial relations in free economic zones is formation of specialized funds relating to the development of economic relations of extra-budgetary free economic zones. Measures to organize such funds can be carried out in two ways: by establishment of complex funds that have various directions in free economic zones and by development of joint ventures - funds in various types of managements within the single fund.

In sum, it is important to learn from the world experience in attracting foreign direct investment, to effectively use them, to find out which industries and sectors to invest.

World experience shows that investments are more attracted to the fuel and energy sector. In this regard, we can see that the main share of investment in Uzbekistan is directed to this sphere. Other sectors require special attention and focus on investment, particular concessions and establishment of more free economic zones to attract investment on these sectors.

References:

1. M.A.Raimjanova. Investing in Free Economic Zones in Uzbekistan: Theoretical Foundations, Current Situation and Perspectives / Monograph, - Tashkent, 2013, p 3.
2. Decree-Law No.3173, June 6,1957
3. Y.S.Druzik. Free economic zones in the world economy system: Educational manual. Minsk: FUAinform, 2000.
4. SEZ in India – URL: <http://eximguru.com> (Online Exim Encyclopedia)
5. K.Kh.Abdurakhmanov, A.M.Abdullaev, Sh.D.Dadabaev. Regional economy and management. T.: 2007, p.739
6. N.M.Mahmudov, Eshov M.P and others. Integration into the world economy. Educational manual. T.: TSUE, 2011, p 200.
7. G.G.Nazarova, Kh.Kh.Khalilov and others. Free economic zones. Textbook. T.: TSUE, 2011.

Жуманиязов Иномжон Тураевич
катта ўқитувчи, PhD
Тошкент молия институти

МАМЛАКАТ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ КУЧАЙТИРИШДА СУВЕРЕН ФОНДЛАРНИНГ РОЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада суверен фондлар фаолияти бўйича илгор хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган. Хориж давлатларининг суверен фондлар фаолиятини таҳлил қилиш натижасида мамлакатимизда Тикланиш ва тарақиёт жамғармаси фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суверен фонд, Норвегия глобал пенсия фонди, Абу Даби инвестиция агентлиги, "Темасек" Холдинг, Россия барқарорлаштириш фонди, Қозоғистон миллий фонди, Тикланиш ва тарақиёт жамғармаси.

Халқаро амалиётда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадида иқтисодий жадал ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни хорижий инвестициялар билан ҳамкорликда амалга ошириш борасида суверен фондлар ўз маблағлари билан инвестицион ва инновацион жараёнларни фаоллаштирувчи кучга айланган. 2018 йил маълумотларига кўра 50 дан ортиқ давлатда 80 дан ортиқ суверен фондлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг умумий капитали 8,1 трлн АҚШ долларидан ортиқни ташкил этади[2]. Суверен фондлар ташкил этилиш географиясига назар ташласак, 40,24 %и Яқин Шарқ мамлакатларига, 39,74 %и Осиё

минтақасига, 13,11 %и Европага, 2,8 % Америкага, 2,7 % Африкага ва 1,4 %и бошқа мамлакатларга тўғри келади[2].

Бугунги кунда ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий тараққиётини таъминлаш орқали жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини мустаҳкамлашга интилмоқда. Дунёнинг турли мамлакатларида суверен фондларни шакллантириш тенденцияси, шунингдек уларнинг ҳажми ва фаолият географиясининг кенгайиши, бундай институтларнинг пайдо бўлиши ва аҳамияти, шунингдек, айрим давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун амалий инструмент сифатидаги иштироки бу фондларни жаҳон тажрибасини ўрганиш долзарблигини кўрсатади.

Бундан ташқари, бир қатор давлатларда суверен фондларнинг фаолият юритишидан келиб чиққан ҳолда, суверен фондларнинг объектив бозордаги камчиликларни бартараф этиш вазифаси, монетар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда инфляцияни жиловлаш вазифаси, инсон капиталига давлат инвестицияларини киритиш, мамлакат иқтисодий секторнинг диверсификация даражасини ошириш ва бошқа бир қатор вазифаларни бажариши мамлакат иқтисодий тараққиётида суверен фондлар аҳамиятини янада оширади. Шундан келиб чиққан ҳолда биз бу мақолани суверен фондлар фаолиятининг жаҳон тажрибасини ўрганишга бағишладик.

Суверен фондлар дастлаб ўтган асрнинг ўрталарида ташкил этила бошлаган. Бу ўтган даврларда уларнинг шакли, ҳажми ва мақсадлари интенсив ривожлана борди. Биринчи суверен фонд 20 асрнинг иккинчи ярмида Кувайтда ташкил этилган бўлиб [1], бугунги кунда уларнинг 80 дан ортиғи дунёнинг 50 дан ортиқ давлатида фаолият юритмоқда. 2007 йилда суверен фондлар институти ташкил этилган бўлиб, бу институт томонидан бугунги кунда суверен фондларнинг бир нечта параметрлари бўйича рейтинги эълон қилиниб борилади. Қуйидаги жадвалда суверен фондларнинг активлари бўйича энг катта 10 талигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Жаҳондаги 10 та энг йирик суверен фондлари [2] (01.01.2019 йил ҳолатига)

№	Мамлакат	Суверен фонднинг номи	Активи, млрд АҚШ долл	Ташкил этилган йили	Маблағлар манбаси	Linaburg -Maduell Транспарентлик индекси
1	Норвегия	Government Pension Fund Global	1058,05	1990	Нефть	10
2	Хитой	China Investment Corporation	941,4	2007	Хом-ашё бўлмаган манбалар	8
3	БАА, Абу-Даби	Abu-Dhabi Investment Authority, ADIA	683	1976	Нефть	6
4	Кувайт	Kuwait Investment Authority	592	1953	Нефть	6
5	Гонконг	Hong Kong Monetary Authority Exchange Fund	522,6	1993	Хом-ашё бўлмаган манбалар	8
6	Саудия Арабистони	SAMA Foreign Holdings	515,6	1952	Нефть	4
7	Хитой	SAFE Investment Company	441	1997	Хом-ашё бўлмаган манбалар	4

8	Сингапур	Government of Singapore Investment Corporation, GIC	390	1981	Хом-ашё бўлмаган манбалар	6
9	Сингапур	Temasek Holdings	375	1974	Хом-ашё бўлмаган манбалар	10
10	Саудия Арабистони	Public Investment Fund	360	2008	Нефть	5

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки суверен фондлар институти томонидан таҳлил қилинган рейтингга кўра Норвегиянинг Government Pension Fund Global суверен фонди 1 трлн. АҚШ долларидан ортиқ активга эга бўлгани ҳолда рўйхатни бошқариб келмоқда. Бундан ташқари Жаҳондаги 10 та энг йирик суверен фондларининг активларини, молиявий маблағларни шакллантириш манбалари, ташкил этилган йили ва транспарентлик индекси бўйича маълумотларини кўришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодий тараққиётида суверен фондлар фаолиятини таҳлил қилиш натижаси куйидаги хулосалар чиқариш имконини беради[3]:

- дунёдаги ҳар бешинчи давлат ўзининг суверен фондига эга;
- Бирлашган Араб Амирликлари – узок йиллар давомида суверен фондлар активлари бўйича етакчилик қилиб келган. Сўнги йилларда Хитой фондлари молиявий ва инвестиция ҳажмини жадал равишда кенгайтормоқда. Бунинг алоҳида хусусияти шундаки БАА суверен фондлари активлари хом ашё маҳсулотлар реализация натижасида шакланган, Хитой суверен фондлари асосан хом ашё маҳсулотларига боғлиқ бўлмаган захиралар ҳисобига кенгаймоқда;
- Дунёдаги суверен фондлар жами активларининг қарийб 90 фоизини 25% давлатлардаги суверен фондларда йиғилган;
- Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларидан энг катта активларга эга суверен фондлар Қозғистон ва Россия Федерациясига тўғри келиб, бу давлатларнинг суверен фондлари молиявий активлари бўйича етакчи ўринларда туради.

Суверен фондлар институтининг ёндашувларига кўра, суверен фондлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида очиқлик даражаси, инвестицион портфел даромадлилиги даражаси ва активлари ҳажми ҳисобланади. Бунга қўшимча равишда, фонд ташкил этилган йили, яъни. қисқа муддатларда ўз активлар ҳажмини ошириш меъзони киритилади.


2008 йилда суверен инвестиция фондлари активлари 3,07 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг март ойида 2 мартадан зиёд ўсиб, 7,45 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса, ушбу фондларнинг ривожланиш суръатлари жадал равишда бўлаётганлигидан далолат бериб турибди (1-расм).

Суверен фондлар ресурслари нафақат маҳсулотлар экспортдан тушган маблағлар ҳисобига, балки жаҳон капитал бозоридаги операциялар ҳисобига ҳам кўпайиб боради. Бирлашган Араб Амирлиги, Қувайт, Норвегия ва Россия мамлакатларидаги суверен инвестиция фондларининг маблағлари асосан табиий газ экспорти ва нефть маҳсулотларига қилинган инвестициялар ҳисобига шаклланади.

An alternative strategic market management is usually the strategic drift when the attention of enterprise's management is completely absorbed with the decisions of everyday problems. There is nothing more tragic than the enterprise that failed because of delays in the adoption of strategic decisions.

2. Take the long view of things. Short-term orientation has a lot of attractive advantages, but often leads to strategic mistakes.

3. Justify allocation of resources. The easiest way is to authorize the distribution of scarce resources to the accounting system, political leaders or in general bring them into action by inertia, repeating once made decisions. One result of this approach is that small but promising areas suffer from lack of resources and major problem areas absorb them in large quantities.

4. To help in the strategic analysis and decision making. Concepts, models, methods - they help businesses collect and analyze information to make strategic decisions.

5. Create a system of strategic management and control. Focus on strategic assets and skills, goal setting and development programs on the basis of strategic directions - all this becomes the basis of strategic business management.

6. Provide horizontal and vertical communication and coordination of the operation. Strategic market management enables communication out of problems of the enterprise and the strategies proposed for implementation.

7. To help the company overcome the change. If the environment is really stable and provides satisfactory sales volumes, the need for strategic changes in direction or intensity of activity is low. In this case, a strategic market management is not so relevant. However, most modern businesses operate in small foreseeable conditions, rapidly changing, and therefore require strategic survival techniques [5].

Management development is a continuous process. This requires strategic assets that create value, the development of appropriate strategies, focus on strategic objectives and possible reassessment and rethinking these strategic objectives and strategies and finding new sources of growth and creation of value in the future.

The basis of the development is business strategy creating. The choice of strategy depends on the experience of business, professional managers responsible for making decisions on enterprise development and so on. Therefore, to achieve the objectives of business strategy a specialized management apparatus is required, able to integrate and coordinate the activities of functional and industrial divisions. You must also monitor and diagnose the extent of resource and intellectual potential of the enterprise concerning the ever changing needs of the market.

References:

1. Ansoff I. Strategic management / I. Ansoff. - M.: Economics, 1989.- 519 p.
2. Thompson A.A., Strickland A.J. Strategic Management. The art of developing and implementing strategies: Textbook for universities / Per. from English under the editorship of L.G. Zaitseva, M.I. Falcon. - M: Banks and exchanges, UNITI, 2008. -576 p.
3. Goldstein G.Ya. Strategic Management / G.Ya. Goldstein - Taganrog: Publishing house of TRTU, 2003 .- 233 p.
4. Dudnik OV Investment strategies for increasing the efficiency of utilization of the resource potential of agricultural enterprises / O.V. Dudnik // Economics of AIC - 2016 - № 5. - P. 79-86.
5. Aaker D. Strategic market management. 7th ed. / Per. from English under the editorship of S. G. Bozhuk. - St. Petersburg: Peter, 2007 .-- 496 p.

КЛАСТЕР – ТАДБИРКОРЛИК КЕЛАЖАГИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасида кластер соҳасида олиб борилаётган ислоҳатлар, шунингдек кластер ташкил этаётган тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар ҳақида қисқача баён этилган. Бундан ташқари тадбиркорлик қонунчилидаги камчиликлар ва муаммоларнинг тавсиявий характердаги ечимлари кластер тизимига оид ечимлари берилган.

Калим сўзлар: кластер, интеграция, инновация, кампус, инновацион кластер, локомотив, кластер концепцияси, преференция, бизнесомбутсман, уруғчилик кластери.

2018 йил 28 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасида 2019 йил давлатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” йили деб номланиши биз тадқиқот олиб бораётган тадбиркорлик соҳасидаги кластер назариясига эътибор алоҳида эканлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Президентимиз ушбу мурожаатномада қуйидаги фикрларни билдирганлар. Кейинги йилда кластер усулида пахта етиштиришни камида 52 фоизга етказиш учун 48 та пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу билан бирга, ғалла ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш керак. Бу соҳа биз учун нисбатан янги эканини инобатга олиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит тизимини содалаштириш, харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Уруғчиликда асл навларни яратиш мақсадида, тажриба-селекция ишларини тубдан жонлантириш лозим. Бунинг учун уруғчилик ва селекция билан шуғулланадиган институтларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, давлат-хусусий шериклик асосида уруғчилик кластерларини ташкил қилиш талаб этилади [1].

Ўзбекистонда биринчи бўлиб А.Ш.Бекмуродов ва Янг Сон Бэлэр “Ўзбекистон текстиль саноатини ривожлантириш стратегиясига кластер ёндашуви бўйича илмий тадқиқот олиб борганлар. Уларнинг тадқиқотларида чет мамлакатларда иқтисодий ривожлантириш бўйича кластерлардан фойдаланиш лойиҳалари тавсифланиб, Америкада ахборот-коммуникация, Японияда автомобил, нефт-кимё ва текстил, Италияда керамика ва гилам ишлаб чиқариш, Корея Республикасида текстиль саноатида эришилган натижалар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, улар асосий эътиборни Ўзбекистон текстиль саноати экспорт салоҳиятини таҳлил қилишга қаратиб, соҳага чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб қилиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиққанлар ва маҳсулотни бўйлаб саноат ҳудуди Кластер моделини Корея Республикасининг Дегу шаҳридаги тажриба асосида ишлаб чиққанлар. Бироқ, Ўзбекистон Республикасида кластер соҳаси янги ишлаб чиқариш соҳаси бўлганлиги сабабли унинг асосий ролини ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик соҳасида кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда кластер соҳасини тадбиқ этишда бир қатор ҳуқуқ ва иқтисодчи олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Улар жумласига қуйидагилар киради: М.Раҳматов ва Б.Зариповнинг “Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш” номли янги китоби нашр этилди. Шунингдек, қатор олимлар кластернинг қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қисмига мақолалар ва монографиялар чоп этишган, мисол учун Ш.Н.Рўзиназаровнинг қишлоқ хўжалиги кластерлари ҳақидаги илмий назарий фикрлар баён этилган.

Кластер атамаси америкалик иқтисодчи, Гарвард мактаби профессори, рақобат имкониятларини ўрганиш бўйича мутахассис бўлган Майкл Южин Портер томонидан илк бор қўлланган эди. У кластерга географик жиҳатдан қўшни бўлган, бир-бири билан боғланган, муаян бир соҳада фаолият олиб борадиган ҳамда бир-бирининг ишини тўлдирадиган корхона ва ташкилотлар бирлашмаси сифатида таъриф берилган.

Унинг фикрича, кластерлар куйидаги умумий жиҳатларга эга бўлиши даркор:

- илмий-тадқиқот муассасалари мавжудлиги;
- иш ресурслари;
- рақобатбардошлик ҳолати;
- соҳага мансублик;
- махсус ўқув муассасаларининг мавжудлиги;
- махсус хизматларга эгалик имкониятининг мавжудлиги;
- хомашё етказиб берувчиларнинг етарлилиги [2].

Бизнинг фикримизча, кластер – иқтисодийнинг муайян йўналиши бўлиб, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасининг элементиدير. Иқтисодийда маълум бир соҳага (компаниялар, корпорациялар, университетлар, банклар ва бошқалар) қаратилган бир-бирига боғлиқ ташкилотлар гуруҳидир. Бунда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ихтисослашган хизматлар кўрсатиш; инфратузилма; тадқиқот институтлари; университетлар ва бир-бирини тўлдирадиган компанияларнинг бирлашган гуруҳидир. Кўпинча кластерлар ёпиқ маъмурий-худудий тузилмаларда – уларнинг илмий ва иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш учун, кампуслар ва саноат худудлари асосида ташкил этилади. Бундан ташқари, кластерлар кўпинча инфратузилмани улашиш, ишлаб чиқариш занжирларини яратиш ва кенг иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашиш учун йирик саноат билимларини эгаллайдиган корхоналар атрофида жойлашади. Бугунги кунга келиб, инновацион кластер – фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси мезони экани аён бўлиб қолди. Ҳозирги кунда республикамизнинг деярли барча вилоятлари ўз катта – кичик кластерларига эга. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 2018 йил 12 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилишда келгуси йилдан бошлаб бу тизим барча туманларда аграр соҳани жадал ривожлантиришнинг “локомотиви” бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий бозор муносабатларини кенг жорий этиш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз кераклиги қайд этилди [3]. Бу борадаги айрим статистикалар, ислохотлар ва уларнинг ҳуқуқий асосига эътибор қаратадиган бўлсак, биргина аграр ва тўқимачилик соҳасида кластер тизимини таҳлил этилганда жорий йилнинг ўзида 20 та туманда 164 минг гектар майдонда кластер усулида пахта етиштириш йўлга қўйилди. Ўзини оқлаётган бу тизимни янада кенгайтириш мақсадида, 2019 йилда 61 та кластер томонидан жами пахта майдонларининг 51 фоизида пахта етиштириш режалаштирилган. Келгусида уни етиштирувчи 133 та тумандан 70 таси тўлиқ кластер тизимига ўтади. Янги ташкил этилаётган кластерлар томонидан 41 та корхона ташкил этилиб, 23 мингга яқин иш ўрни яратилади. 2019 йилда ишлаб чиқарилаётган толанинг 78 фоизи Ўзбекистонда қайта ишланади. 2020 йилга бориб эса толани тўлиқ қайта ишлашга ўтилади. Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш улуши 40 фоиздан камида 60 фоизга етказилади. Пахта-тўқимачилик кластерларига берилган барча имтиёзларни кейинги йилларда ҳам татбиқ этиш, улар фаолиятини янада кенгайтириш мақсад қилинган [4].

Бизнинг фикримизча, давлатимиз раҳбари кластерлар фаолиятига ҳар томонлама қўмаклашиш зарурлиги, пахтачиликда қишлоқ хўжалигининг келажаги, унинг иқтисодий самарадорлиги кластерлар билан боғлиқлиги, у аграр соҳани жадал ривожлантиришнинг локомотиви бўлиши кераклигини қайта-қайта таъкидламоқда. Демак, мамлакатимиздаги пахта етиштирувчи туманларнинг ярмидан ортиғи тўлиқ кластер тизимига ўтар экан, албатта, бу жараёнда ҳуқуқий асос мустаҳкам бўлиши айни муддаодир.

Фикр-мулоҳазалар ва амалий ишлар асосида эришилган натижаларга таянган ҳолда шуни тақлиф ҳамда тавсия сифатида келтириб ўтишимиз мумкинки, **биринчидан**, Кластер соҳасининг ҳозирги кундаги энг муаммоларидан бири бу ягона тартибга солиш бўйича қонуннинг қабул қилинмаганлиги. Ҳозирги вақтда «Кластерлар тўғрисида» махсус қонун қабул қилиш зарур деб ҳисоблаймиз. Мазкур қонунда, биринчи навбатда, ишбилармонлик фаолиятини амалга ошириш учун махсус шартларга эга бўлган худуд сифатида кластер контсепцияси берилиши керак. Шу билан бирга, муайян худудни кластернинг ҳуқуқий мақоми бериш алоҳида иқтисодий зонанинг мақомига боғлиқ бўлмаслиги керак. Худди шу қонунга

кўра, кластер резидентларига берилган имтиёзлар ва преференциялар аниқланиши керак, ушбу имтиёзлар ва имтиёзларни белгилаш мезонлари ва уларни тегишли ташкилотларга тақдим этиш муддатлари.

“Кластерлар тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш Ўзбекистон Республикасида ва унинг тадбиркорлик субъектларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларини самарали амалга ошириш, минтақанинг табиий, инсоний ва иқтисодий ресурсларидан янада самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Иккинчидан, Ўзбекистонда ҳозирги кунда Логистика Кластерлари ташкил этиш айна вақти деб ҳисоблаймиз, негаки жаҳон тажрибасини эътиборга оладиган бўлсак, табиий ресурсларни асраш ҳар бир давлатнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда, унинг ўрнини босиши мумкин бўлган янги хом-ашёни ишлаб чиқиш ва инсоҳ эҳтиёжини қондириш учун етарлича шароит яратиш ҳозирги кундаги энг асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, Кластернинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишда биринчи навбатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни классификация қилиб олмоғимиз даркор, *иккинчидан*, Кластернинг ягона ҳуқуқий мақоми йўқ ва у ҳалигача ўз ечимини топган эмас, унинг ягона ҳуқуқий мақоми ва фуқаролик кодексига, яъни юридик шахслар орасидаги тутган ўрнини аниқлаштириб олишимиз лозим; *учинчидан*, ҳозирги йигирма биринчи асрнинг чорагига ҳам яқинлашиб қолдик, шуни инобатга олган ҳолда Электрон ҳужжат алмашинуви билан бирга битим ва шартномаларни ҳам электрон тарзда олиб бориш давр талаби эканлигини унитмаслигимиз шарт ҳисобланади. Шунинг учун электрон битимлар ва шартномалар тузишни режалаштириш пайти келди деб ҳисоблаймиз; *тўртинчидан*, ҳозирги кунда Кластерларни марказлаштирадиган ягона орган (ташкilot) мавжуд эмас, шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ҳузуридаги Бизнесомбутсман қошида “Кластерлаштириш маркази”ни ташкил этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда Кластер тармоқлари асосан қишлоқ хўжалигида бўлганлиги ва унга ер ажратиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан ўз вақтида мавжуд ер майдоннинг ажратиб берилмаётганлиги ҳам уларнинг нормал фаолият олиб бориши учун тўсиқ бўлмоқда.

Бешинчидан, Кластернинг аниқ ҳуқуқий мақоми белгиланмаганлиги уни кўпинча Масъулияти Чекланган Жамият (МЧЖ) кўринишида ташкил этилаётганлиги ҳамда устав капиталининг шакллантирилиши бирорта қонун ҳужжатда белгиланмаганлиги, МЧЖнинг устав капитали асосида тузилаётганлигининг ўзи ҳам низоли ҳуқуқий муносабатлар учун сабаб бўлаётганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Олтинчидан, банклар томонидан кластерларга кредит маблағлари ажратилиши учун бўлғуси ҳосилни гаровга қўйиш амалиёти йўлга қўйилмаган.

Бунинг учун банкдан бериладиган кредит маблағларини бўлғуси ҳосил учун гаровга қўйиш Кластернинг фуқаровий соҳада тартибга солинишида ҳамда давлат бюджетига салмоқли даромад олиб келишида анча самара берган бўлар эди.

Шунингдек, дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам Кластер назарияси кундан-кунга ривожланиши учун жаҳон тажрибаси муҳим рол ўйнайди ва унинг ҳуқуқий мақомини қай даражада эканлигини живожланиш сари олиб борилган ҳар-бир тўғри қадам келажак учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги кунда пахтачилик ва енгил саноат соҳаларида кластерларни жорий қилинганлиги, шу соҳаларда юқори ижобий натижаларга эришиши учун катта имкониятлар яратмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига мурожаатномаси. 28.12.2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
3. Портер М. Конкуренция. – СПб. – Москва – Киев, 2003. 78 с.

4. Рахматов М.А, Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. “Замин Нашр”. Тошкент – 2018. 216 б.

5. Ш.Н.Рўзназаров. Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва такомиллаштириш муаммолари. // Ҳуқуқий тадқиқотлар журналида. 2018 йил 29 январдаги 1сонда эълон қилинган.

Имомова Нилуфар Асомиiddиновна
катта ўқитувчи
Тошкент давлат шарқишунослик институти

МИЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ САНОАТЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

***Аннотация:** Ушбу мақолада миллий ишлаб чиқаришнинг саноатлашув жараёни, унинг назарий асослари, саноатлашув жараёнини амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилувчи саноатлаштириш сиёсати, унинг хусусиятлари, тамойиллари ҳамда бу бўйича амалга оширилган жаҳон тажрибаси кўрсатиб берилган.*

***Калит сўзлар:** саноатлашув жараёни, саноатлаштириш сиёсати, “Янги индустриализация”, ресурс-тармоқли ёндашув, институционал ёндашув, экспортга йўналтирилган, импорт ўрнини босувчи, инновацион (стратегик) саноатлаштириш сиёсати*

Саноатлашув жараёни савдони халқаро масштабда амалга оширувчи ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи энг асосий омиллардан саналади. Мувафакқиятли саноатлашув жараёни учун ҳал қилувчи аҳамият ички ва ташқи ресурсларнинг жадаллигини ва халқаро рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган сиёсатга боғлиқдир. Саноатлашув жараёнининг секинлашуви глобал масштабда жаҳон савдосини орқага тортади, ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий секторидаги молиявий муаммолар вазиятни янада қийинлаштиради. Саноатлашув жараёнини қўллаб-қувватлаш ва қўшимча молиялаштириш бўйича чора-тадбирлар ушбу мамлакатлар саноатида амалга ошириладиган, жаҳон ҳамжамиятида биринчи навбатда турган асосий статус даражасидаги вазифа саналади.

“Янги индустриализация” саноатни янгилашга йўналтирилган замонавий жаҳон парадигмаси, иқтисодий ривожланишнинг тренди ҳисобланади. Саноатни янгилаш меҳнатни ва унинг унумдорлигини техник қуролланганлик даражасини аҳамиятли тарзда ошириш имконини берувчи юқори самарали технологиялардан фойдаланишга асосланган бўлиши лозим. Саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали умумий иқтисодий ривожланиш мақсадига эришиш жаҳон тажрибасига кўра, давлатнинг фаол қўллаб-қувватлаши ҳамда самарали саноатлаштириш сиёсати орқали йўлга қўйилади.

“Янги индустриализация” ўзига мос равишда замонавий иқтисодиётнинг трансформацияси натижасида юзага келган жаҳондаги бир қатор тенденцияларни инобатга олган саноатлаштириш сиёсатини шакллантиришни ҳам талаб этади.

Глобаллашув шароитида жаҳон саноати тузилмасида таркибий ўзгаришлар тобора инстенсив равишда юз бермоқда, чунки миллий ишлаб чиқариш жаҳон иқтисодиётининг бир бўлаги бўлиб бормоқда, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шакллари модификацияланмоқда, капитал, товар, меҳнат ва технологиянинг бир-бирига боғлиқлиги кенгаймоқда.

Мана шундай иқтисодий ўзгаришлар доирасида самарали саноатлаштириш сиёсатини илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда саноат иқтисодий ўсишнинг асоси сифатида, стратегик муҳим давлат дастурларининг самарали амалга оширилишини ҳам белгилаб бермоқда. Хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган “Ҳаракатлар стратегияси”да

хам асосий урғу саноат ишлаб чиқаришни устун ривожлантиришга қаратилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда саноатни фаол ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли амалий ишлар олиб борилмоқда. “Ҳаракатлар стратегия”сининг учинчи, яъни “иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш” йўналишида мавжуд ва янгидан яратилаётган эркин иқтисодий зоналар, технорпарклар ва кичик саноат зоналарининг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича йирик масштабдаги вазибалар амалга оширилмоқда[1].

Саноат ишлаб чиқариши моддий ишлаб чиқаришнинг фундаментал асоси ҳисобланади. Унда ЯИМ ва миллий даромаднинг аксарият қисми яратилади. Давлатнинг мақсади ушбу секторнинг ЯИМдаги улушини сақлаб қолиш ва янада оширишдан иборатдир.

Саноатнинг комплекс амал қилиши мамлакатдаги иқтисодий вазиятга, аҳоли турмуш даражасига самарали таъсир кўрсатади. Бу ҳолат ўз навбатида, саноатлаштириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш масалаларига эътибор қаратишни шарт қилиб қўяди.

Ҳозирги кундаги глобаллашув ва интеграцион жараёнларнинг кучайиши шароитида саноатлаштириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича тадқиқотлар янада чуқурлашмоқда.

Ҳар қандай иқтисодий категория ўзининг тарихий келиб чиқиши ва ривожланиши хусусиятларига эга. Самарали саноатлаштириш сиёсатини шакллантириш учун унинг келиб чиқиши ва ривожланишига аниқлик киритиш керак.

Жаҳон тажрибаси саноатлаштириш сиёсатининг шаклланиши ва ривожланиши бўйича 3 йирик босқични алоҳида ажратиб кўрсатади.

1. XX асрнинг 50-60-йиллари – оммавий саноатлаштириш, бозор муваффақиятсизликларини компенсация қилиш, янги тармоқларни ҳимоя қилиш, давлат сектори орқали бошқаришни ўз ичига олган.

2. XX асрнинг 70-90-йиллари – савдони эркинлаштиришнинг устувор аҳамиятга эга бўлиши, хусусийлаштириш, тўғридан-тўғри инвестициялаш, таркибий-тузилмавий дастурларни фаоллаштириш амалга оширилган.

3. 2000-йиллар – бозор муваффақиятсизликлари, саноатлаштириш сиёсатини ишлаб чиқишда сиёсатнинг улушини кучайиши, саноатлаштириш сиёсатини қайишқоқлиги ва асосий эътиборни инновация ва модернизация жараёнларига қаратилиши, миллий инновацион тизимларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратишни кўзда тутди.

Бу даврларда айнан, Европа мамлакатларида саноатлаштириш сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари шунда бўлганки, унда асосий эътибор кучли харбий саноатни яратиш, йирик ишлаб чиқариш комплексларни стратегик муҳим соҳаларда яъни, мамлакатни озиқ-овқат ва истеъмол товарлари билан тўйинтириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш соҳаларида қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Умуман жаҳон тажрибасидан келиб чиқган ҳолда, саноатлаштириш сиёсатини тушунишга бўлган икки хил ёндашувни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин[2].

1. Ресурс-тармоқли ёндашув

2. Институционал ёндашув.

Ресурс-тармоқли ёндашувга кўра, саноатлаштириш сиёсати миллий иқтисодийнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш ва миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган давлатнинг таъсир этиш чора-тадбирлари йиғиндисида.

Ушбу ҳолатда саноатлаштириш сиёсати қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши мумкин:

- иқтисодийнинг устувор тармоқларини ривожлантириш;
- танлаб олинган тармоқлар таркибини такомиллаштириш;
- саноат ишлаб чиқаришини таркибий тузилмавий қайта ташкил этишга.

Ушбу ёндашув саноатлаштириш сиёсатини давлат томонидан ресурсларни қайта тақсимлаш натижасида саноат ишлаб чиқаришини таркибини ўзгартиришга қаратилган чоратadbирлари орқали амалга оширишни кўзда тутди.

Ресурс-тармоқли ёндашувга кўра, саноатлаштириш сиёсати деганда, куйидагича таъриф бериш мумкин. Саноатлаштириш сиёсати давлатнинг ижобий иқтисодий муҳитни таъминлаш ва саноат ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошириладиган анъанавий сиёсатидир. Саноатлаштириш сиёсатининг воситалари сифатида экспортни ва инвестицияларни кенгайтириш учун солиқ имтиёзларини бериш, тўғридан-тўғри субсидиялаш, молиялаштиришнинг махсус механизмларини ишлаб чиқиш, халқаро рақобатдан ҳимоя қилиш, илмий тадқиқот ва ишланмалар соҳасида кўмаклашиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кабилар келтириш мумкин.

Саноатлаштириш сиёсати бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш саноат сектори ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Саноатлаштириш сиёсатининг бир нечта кўринишларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- экспортга йўналтирилган, яъни алоҳида турдаги товарлар экспортини ривожлантириш учун шароитларни яратиш орқали амалга оширилади.

- импорт ўрнини босишга йўналтирилган саноатлаштириш сиёсати ички бозорни ҳимоя қилишга қаратилган.

- инновацион саноатлаштириш сиёсати (стратегик) қайта тикланмайдиган энергия манбаларидан ҳамда ички ресурслардан фойдаланишни чеклашга йўналтирилган.

1-жадвал

Ушбу саноатлаштириш сиёсатларининг ўзига хос хусусиятлари

Хусусиятлари	Экспортга йўналтирилган	Импорт ўрнини босувчи	Инновацион (стратегик)
Юмшоқ	Машинасозликнинг баъзи тармоқости соҳалари	Машинасозлик	Коммуникацион, медиа тармоқ
Қаттиқ	Минерал хом-ашё ресурслари, металлургия, қишлоқ хўжалиги, харбий-саноат комплекси	Қишлоқ хўжалиги, фармацевтика соҳаси	Нано ва ахборот технологиялари
Воситалари, дастаклари	Солиқ имтиёзлари, Экспортга йўналтирилган тармоқлар фаолияти учун қулай ўарт-шароитлар, валюта курсини паст даражада ушлаб туриш	Протекционизм сиёсати ва миллий ваютанинг қаттиқ курсини ушлаб туриш	Илмий-техник фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган хар хил воситалар, инновациялар яратилиши ва ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши учун шароитлар яратиш
Устунликлари	Инвестициялар оқимини таъминлаш мақсадида давлат томонидан устувор тармоқларни ажратиб олинниши	Миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида ички бозорни таъминланиши, ички бозорнинг ҳимоя қилиниши	Мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши, юқори технологик тармоқларни устувор ривожлантириш стратегиясини амалга оширилиши. Қайта тикланмайдиган ва ички ресурслардан фойдаланишни чекланиши илмий-техник салоҳиятни ошишига, рақобатбардошликни оширишга туртки бўлиши.

Камчиликлари	Хом-ашё экспортнинг устуворлиги саноатнинг паст даражага тушишига, ресурсларнинг қайта ишлаш саноатидан чиқиб кетишига ҳамда рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келади.	Жаҳон иқтисодиётида бўлаётган замонавий тенденциялардан ўз-ўзини изоляция қилиниши, технологик ортда қолиш ва рақобатнинг сусайиши, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг бир қобикқа тушиб қолиш хавфининг кучайиши	Ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновацион инфратузилмани такомиллаштиришга юқори даражадаги харажатларни талаб қилиниши, иқтисодиётда давлатнинг ролини кучайиб бориши, юксак малакали кадрларнинг кўп талаб қилиниши.
Мазкур саноатлаштириш сиёсатини қўллаётган мамлакатлар	Корея – 1950 йиллар; Хитой – 1980-1990-йиллар; Ҳиндистон – 1990-йиллар; Чили – 1970-1980-йиллар; Тайвань – 1960-йиллар; Япония, Малайзия, Сингапур, Венесуэла, Мексика, Гонконг	Ҳиндистон – 1960-1980-йиллар; Франция - 1950-1970-йиллар; Россия; Янопия (йўл қурилишига нисбатан); Буюк Британия (кўмир ва газ саноатига нисбатан); АҚШ (авиасозликка нисбатан)	АҚШ

Экспортга йўналтирилган саноатлаштириш сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилган давлат сифатида Японияни келтириш мумкин. Ушбу жараён бир неча босқичларда устувор йўналишларни: енгил саноат, нефткимё ажратиб олиш, кема ва автомобилсозлик, асбобсозили ва электроника, юқори технологик тармоқлар – ҳисоблаш техникаси ва роботсозлик. Бироқ бошқа мамлакатлар, айнан, Осиё-тинч океани минтақаси мамлакатлари ҳам экспортга йўналтирилган саноатлаштириш сиёсатини қўллашган ва модернизациялашга ўтишган. Аввал, Корея Республикаси (1950 йил), Тайван (1960 йил), сўнгра Сингапур, Гонконг ва улардан кейин эса, Таиланд, Малайзия, Индонезия ва Филипинда қўлланилган[3].

Импортни ўрнини босишга қаратилган саноатлаштириш сиёсати асосан ички бозор эҳтиёжларини миллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантириш орқали қондиришга қаратилган. Ушбу сиёсат натижасида янги иш ўринлари яратилади, ички талаб қондирилади, ижтимоий таъминот таъминланади. Аксарият мамлакатлар ушбу сиёсатни инновацион саноатлаштириш сиёсатини шакллантириш ва ривожлантиришда ўтиш жараёни сифатида қўллашган.

Инновацион саноатлаштириш сиёсатининг стратегик таркибий тузилмасига қўйидагилар киради: ривожланган илм-фан, айнан, фундаментал илм-фан, ривожланган таълим тизими ва илмий кадрларни тайёрлаш. Инновацион саноатлаштириш сиёсатни амалга оширишнинг асосий воситаларига қўйидагилар киради: бозорнинг рақобатбардош механизмнинг ишлашини таъминлаб берувчи усулларга қўйидагилар киради: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун чекловларнинг олиб ташланиш, экспортнинг ва иқтисодий ўсишнинг таркибий қисми бўлган бозор инфратузилмасига, таълим, янги иш ўринларини яратиш, қўшилган қиймати юқори товар ва хизматларга ва уларни экспортга йўналтиришга инвестициялар киритиш. Ушбу саноатлаштириш сиёсати барча ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар томонидан фаол қўлланилган.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон шароитида иқтисодиётни янада либераллаштиришда, фаол тадбиркорлик, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш йилида таъсирчан ва инновацион саноатлаштириш сиёсатини амалга ошириш, унинг дастак ва воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. // “Халқ сўзи”, 8 февраль, 2017 йил.
2. Букреев А. М., Левицкая Е. В. Промышленная политика, ее сущность, условия и цели формирования // ИнВестРегион. 2006. № 5. С. 2–5.
3. Волкова, Н. А. Актуальные вопросы формирования промышленной политики / Н. А. Волкова, А. С. Набойченко // Экономика и предпринимательство. – 2015. – № 3 (56.) – С. 414–419.

Карабаева Гулнора Шарафитдиновна

старший преподаватель

Ташкентский государственный экономический университет

РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА

***Аннотация:** В статье рассмотрены основные концепции инновационного развития промышленных предприятий Узбекистана. Изучена необходимость активации вложений инновационных и инвестиционных технологий в национальный ИТ-сектор.*

***Ключевые слова:** инновации, цифровая экономика, предприятия, производство.*

Отечественная наука создала мощный интеллектуальный потенциал, который служит основой для укрепления государственной и экономической независимости республики. Мы не можем представить себе и наш сегодняшний день, и наше будущее без прогресса науки и техники.

Благодаря союзу науки и техники, называемому научно-техническим прогрессом, человечество располагает сегодня современными летательными аппаратами, надводными и подводными субмаринами, скоростным железнодорожным и автомобильным транспортом, успешно осваивает космос, ведёт строительство, повышает плодородие почв и т.д. Именно развитие науки и техники помогло совершить в конце 18 начале 19 веков промышленный переворот, сделать ряд открытий в области химии, физики и естествознания. Отсюда, очевидно, исходит известный среди экономистов тезис о превращении науки в непосредственно производительную силу общества.

С переводом общественного производства на рыночные отношения на повестку дня со всей остротой встаёт вопрос о повышении инновационности реального сектора экономики – предприятий, где создаётся не только необходимая обществу и населению продукция, но и основная часть национального дохода. Именно на предприятиях реального сектора экономики во многом реализуется политика ресурсосбережения, носящая, как известно, всегда ограниченный характер, внедряются различные виды «ноу-хау», в том числе трудо- и ресурсосберегающие технологии, осуществляется современный менеджмент, поиск резервов и дополнительных возможностей роста экономики. Не менее важно и то, что на предприятиях работает основной «костяк» профессиональных работников, определяющих стратегию развития не только производства, но и всей экономики. Словом, предприятие – это то звено экономики, от эффективности функционирования которого в значительной мере зависит как мощь государства, так и жизненный уровень и благополучие народа.

Повышение экономического потенциала страны, выдвинутое в качестве стратегического направления дальнейшего развития производительных сил и достижения общественного прогресса может быть обеспечено не только на базе новых инвестиционных вложений в экономику или создания новых предприятий и производств, но и путем

рационального и эффективного использования всех имеющихся ресурсов – трудовых, материальных, финансовых, природных и т.д.

Экономически развитые государства и их различные интеграционные образования активно содействуют деятельности транснациональных корпораций, происхождение или базирование которых так или иначе связано с соответствующими национальными интересами экономического, дипломатического, а часто и военно-политического характера. Эти государства, будучи наиболее влиятельными членами МВФ, ВТО, МБ и других международных экономических институтов, оказывают решающее воздействие на их деятельность. Международные экономические институты в свою очередь, с одной стороны, демонстрируют финансово-экономическую многостороннюю поддержку политики западных держав и прежде всего США; с другой стороны, активно формируют институциональные основы нового экономического миропорядка, в котором доминируют транснациональные капиталы и международные финансовые рынки.

В народе говорят «лучше быть богатым и здоровым, чем бедным и больным». Если исходить из этого, то лучше предприятие не доводить до банкротства, принять все необходимые меры для обеспечения его экономической состоятельности, работоспособности и прибыльности. Важно не забывать, что работоспособность и прибыльность предприятия – это не только вклад в «копилку» национальной экономики, но и обеспечение занятости населения, численность которого в республике имеет тенденцию ежегодного роста. Как видно, роль и место любого предприятия в национальной экономике определяется не только объемами выпускаемой продукции, величиной получаемой прибыли или дохода, но и в какой мере оно участвует в обеспечении занятости населения. Обеспечивая занятость людей, предприятие, кроме своих непосредственных производственных функций, способствует снижению безработицы, а, следовательно, росту трудовой активности и снижению социального напряжения.[2]

Понятно, что все здесь зависит не только от самого предприятия, поскольку оно функционирует в контакте с другими предприятиями, выступающими в роли поставщиков сырья, материалов, оборудования и других средств производства или потребителей продукции или изделий в качестве комплектующих или окончательного завершения стадии производства. И здесь любой сбой, в том числе несвоевременная поставка сырья, материалов и оборудования, несвоевременная оплата, просроченная задолженность и прочие нарушения хозяйственных правил и обязательств приводит к ухудшению экономического положения предприятия, к его несостоятельности. Поэтому призывы о необходимости эффективной и рентабельной работы предприятий могут остаться на уровне лишь призывов, пока все предприятия не научатся не только организации хорошо налаженного производства, но и работать в режиме строго выполнения своих обязательств как перед партнерами, так и государством.

Республика Узбекистан располагает существенным сравнительным преимуществом, которое заключается в том, что достигнутое развитие отраслей с высокой добавленной стоимостью происходит не только за счет общего состояния технологии или промышленности, но и за счет наличия фактического качественного человеческого капитала. При надлежащей экономической и правовой поддержке государства существующий научный сектор способен осуществлять производство продукции, которое было бы выгодным и направлено на обеспечение экономической безопасности страны.

В нашей стране особое внимание уделяется поддержке исследовательской деятельности, укреплению связи между наукой и производством, формированию экономики инновационного типа. Эта тема, в частности, была затронута и нашим вторым президентом на встрече с американскими узбеками во время визита в США. Глава государства отметил своё доброжелательное отношение к желающим внести свой вклад в развитие нашей страны и призвал соотечественников с их потенциалом, знаниями и силой вместе поднять научно-технический уровень страны в свете проводимых широкомасштабных реформ. Также было

сказано, что для достижения высоких результатов в осуществляемых в Узбекистане системных изменениях требуются новые подходы, новые идеи.

В Узбекистане созданы и действуют мощные, а в ряде случаев уникальные промышленные предприятия, представляющие практически все отрасли экономики – от тяжелой до легкой промышленности, от переработки сельскохозяйственной продукции до наукоемких производств. Они в своей деятельности используют все известные факторы производства – землю, природные и трудовые ресурсы, технику и технологию, инвестиции, современную информационную систему, которых современная наука называет производственным потенциалом или национальным богатством страны. Это богатство или потенциал, как известно, создается трудом многих поколений, усилиями всего общества. Задача предприятий заключается в бережном отношении и эффективном использовании этого богатства. Любое отклонение от этого принципа хозяйствования – прямой путь к расточительству, бесхозяйственности и снижению эффективности общественного производства. И предприятие здесь – не исключение.

Современный этап экономического и социального развития Узбекистана характеризуется усилением конкуренции между предприятиями, одним из главных инструментов которой являются цена и качество продукции. При этом конкурентное преимущество предприятия в преобладающей части обуславливается достаточным разнообразием предлагаемых им видов продукции и услуг. Поэтому разработка методического подхода к формированию оптимальной структуры производства, позволяющей предприятию использовать конкурентные преимущества по производству и реализации, представляет большой теоретический и практический интерес.

В условиях растущей глобализации рынка производителей промышленной продукции конкуренция приобретает особенно острые формы. Чтобы удержать и усилить конкурентные преимущества, руководство предприятий должно прилагать усилия для разработки и освоения нововведений, непрерывно совершенствовать существующие и изыскивать новые стратегии развития, формы и методы управления производственной деятельностью в направлении быстрого и наиболее полного удовлетворения потребностей рынка.

В этих условиях значительным преимуществом для любого предприятия на рынке с позиций повышения его конкурентной эффективности является внедрение и использование инноваций в создании и предложении инновационных продуктов. Именно эти стороны деятельности, на наш взгляд, способны сформировать у потребителя новую ценность по отношению к продукции, что приведет к росту конкурентного преимущества предприятия на рынке.

Понятия «инновационные технологии» и «цифровая экономика» стали у нас почти синонимами. Однако внедрение технологий ради технологий не может быть идеальным средством развития. Цифровую экономику создают бизнес-модели, а технологии играют роль инструмента.

В Узбекистане развитие цифровой экономики требует активации вложений инновационных и инвестиционных технологий в национальный ИТ-сектор, разработку стратегии стимулирования инновационных технологий, обмен опытом для их развития на международном уровне. Надо повысить и моральную и материальную мотивацию для кадров, чтобы привлечь молодых талантливых специалистов. Необходимо создать такую систему цифровизации, чтобы государство, реальный сектор экономики, физические лица и ИТ-сообщество участвовали в цифровой экономической деятельности. Не надо забывать и об обеспечении информационной безопасности для участников, обеспечивающей доверие общества к цифровой экономике информационных и инновационных технологий.

10 января 2019 года на основании Указа Президента Республики Узбекистан № УП-5624 при Национальном агентстве проектного управления при Президенте Республики Узбекистан было создано государственное унитарное предприятие - Центр управления проектами электронного правительства и цифровой экономики. Ведущим направлением деятельности центра является выработка стратегии и единого подхода, механизмов и этапов

дальнейшей реализации проектов в сфере информационно-коммуникационных технологий в рамках развития системы «Электронное правительство» и программы «Цифровой Узбекистан-2030». А главная цель преследует следующие позиции:

1. Инвестиции в Узбекистан всегда выгодны, а инвестиционные проекты всегда достигают цели.

2. Узбекистан - развитая и конкурентоспособная страна на мировой арене благодаря единой системе проектного управления.

Не исключено, что на этом пути развитию цифровой экономики будут мешать ряд проблем. Одной из основных проблем встанет слабая телекоммуникационная инфраструктура и связь. Ещё чувствуется недостаток грамотных кадров и нехватка цифровых навыков. Общество ещё не готово перейти на систему онлайн. В 2018 году было предложено 127 онлайн-услуг от различных государственных учреждений, а количество заявок достигло 3,2 миллиона. Количество пользователей тогда составило более 57 тысяч человек из 33 миллионов. Также стоимость интернета немного превышает стоимость подобных услуг в соседних странах, что является следствием монополизации телекоммуникационной отрасли.

Без ориентации на научно-технический прогресс, без внедрения в производство инноваций сегодня не обходится ни одна отрасль или сфера экономики. Продукция, созданная на инновационной основе, не только обеспечивает предприятиям долгий жизненный цикл, но и служит своеобразным входным билетом на внешние рынки. Если в недавнем прошлом продукция с маркой «Made in Uzbekistan» была чуть ли не исключением, то ныне она стала для отечественного производителя почти правилом. Инновации опережают и время, и технологии.

По существующим определениям, инновации - это нововведения в области техники, технологии, организации труда и управления, основанные на использовании достижений науки и передового опыта, а также применении этих новшеств в самых разных областях и сферах деятельности. На основе инноваций создаются качественно новые технические средства, внедряется безотходная технология, растёт уровень автоматизации массовых производственных процессов. Всё это в общей сложности обуславливает повышение эффективности не только материального производства, но и непромышленной сферы.

Инновационный процесс сегодня представляет собой единый последовательно сопряжённый комплекс: «наука-техника-производство-потребление». Вне этой схемы инновации, как и любые другие производственные стремления хозяйствующих субъектов, не имеют большого практического смысла.

Однако, при всём этом, инновации и любые другие новшества и разработки не должны быть самоцелью и тем более временным явлением. Инновации - это не только начало, но и результат эффективной производственно-хозяйственной деятельности, проявляющийся, что особенно важно, кроме новизны и в таких свойствах, как производственная применимость, возможность тиражирования, влияние на снижение издержек производства, рост производительности труда и т.д. Наряду с этим, инновации важны и даже необходимы в общенациональном масштабе, особенно в условиях, когда сегодня взят решительный курс на модернизацию страны и её вывод на уровень развитых государств мира. Инновации позволяют, во-первых, обеспечить качественный прорыв на мировом рынке товаров и услуг, во-вторых, сделать экономику более устойчивой и конкурентоспособной, в-третьих, минимизировать, а с учётом перспективы, даже ликвидировать импортную зависимость и выпускать отечественную продукцию с высокой добавленной стоимостью.

К счастью, за возрождение инновационного духа сегодня агитировать особо не приходится. Многие предприятия достаточно отчётливо представляют себе, что инновации - это важный путь не только успешного осуществления мер по модернизации, технологическому перевооружению производства, но и достижения коммерческого успеха, получения высокой прибыли или дохода. А в масштабе страны инновации - это основа проведения структурных сдвигов в экономике, рационального размещения и эффективного использования имеющихся производительных сил, увеличения экспортных поступлений.

По большому счёту, инновации служат прогрессу. На основе инноваций можно решать самые амбициозные задачи, придать экономике высокие темпы развития, а производимой продукции – мировую известность. Промышленно развитые государства, сделавшие инновации приоритетным направлением развития своей экономики, занимают сегодня передовые позиции в мире по многим научно-техническим и экономическим показателям. По разным оценкам вклад инноваций в экономический рост может колебаться в пределах 50-70%.

Так сколько же мировые лидеры расходуют на исследования и разработки? Статистика показывает, что в процентном выражении их доля к ВВП: 2,98 – Япония, 2,69 – США, 2,48 – Германия, 2,15 – Франция, 1,87 – Великобритания, 1,84 – Канада, 1,23 – Индия, 1,04 – Италия и Китай и Россия – по 1,00 проценту. Численность занятых исследованиями и разработками на 10000 населения распределяется по вышеназванным странам следующим образом: Япония – 51,0; США – 41,0; Россия – 34,8; Германии – 31,6; Канада – 29,9; Франция – 27, 2; Великобритания – 26,7; Италия – 11,3; Китай и Индия, соответственно, – 5,5 и 1,6 человек.

Сегодня, когда наша страна не только взяла решительный курс на модернизацию и обновление, но и многое уже претворяет в жизнь, инновации заметно превращаются из просто желаемого в объективную необходимость, в действенный рычаг вывода экономики на качественно новый уровень развития. Они находят своё отражение как в государственных, так и в отраслевых, региональных и других программах, предусматривающих модернизацию, локализацию и диверсификацию производства, углубление структурных преобразований экономики, обеспечение её устойчивости и конкурентоспособности.

Если двенадцать лет тому назад, благодаря инновациям и локализации производства, было освоено чуть более 30 видов новой продукции, то с 2010 года реализованы около 2000 проектов локализации. За последние три года эффект импортозамещения составил более 7,5 млрд. долларов в год. Доля экспорта локализуемой продукции в общем объёме реализованной продукции должна достигла 20% в 2018 году. В результате активной инновационной политики, а также мер по повышению конкурентоспособности отечественной продукции и стимулированию её продвижения на внешние рынки, номенклатура импортных товаров прекращена более чем на 100 товарных групп. При этом в два раза сокращён импорт по 350 позициям продовольственных товаров, чёрных и цветных металлов, машин и оборудования, строительных материалов, услуг и др.

Например, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан планируется проведение активной инвестиционной политики, освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, расширение межотраслевой промышленной кооперации[1].

В рамках программы локализации на 2017-2019 годы предусмотрена реализация 1146 проектов с общим объёмом производства конкурентоспособной импортозамещающей продукции на 3,4 млрд. долларов.

Как показывают анализ и наблюдения, инновационный дух сегодня пронизывает все отрасли и сферы экономики. Большую лепту здесь вносят, прежде всего, учёные Академии наук, высших учебных заведений, а также специалисты отраслевых исследовательских, проектных и конструкторских организаций, научно-технологических центров и институтов. Узбекистан планирует довести долю сектора информационно-коммуникационных технологий в валовом внутреннем продукте в течение пяти лет до 4%. Согласно прогнозам международных экспертов через пять лет ИТ-рынок Узбекистана вырастет на 83%, при этом сегмент оборудования увеличится на 77%, программного обеспечения – на 145% и ИТ-услуг – более чем на 170%.

С учетом глобальных тенденций в цифровой экономике Узбекистан намерен осваивать новые направления, такие как big data (большие данные), облачные вычисления, робототехника и искусственный интеллект.

Инновации – это, с одной стороны, барьер кризису и любым другим производственным угрозам, а с другой – успех и дальнейшее экономическое, научно-техническое и социальное процветание.

Вместе с тем инновации не дань моде. Жизненность инноваций во многом зависит, во-первых, от самих инновационных разработок и их соответствия требованиям времени и хозяйственной практики, а во-вторых, от источников финансирования. Первое условие является важным и определяющим. Финансирование же в условиях рынка не может осуществляться только за счёт государственных бюджетных средств. Необходимо создать новый механизм, опирающийся на частный сектор, гибкий, манёвренный и быстро реагирующий на конъюктуру рынка и требования научно-технического прогресса. Ведь инновации делаются не ради инноваций, а в интересах развития производства и экономики в целом. Сегодня мы переходим на путь инновационного развития, направленного на коренное улучшение всех сфер жизни государства и общества.

В нынешних условиях следует обратить внимание на усиление инновационной активности в развитии цифровых технологий и обеспечения конкурентоспособности национальной экономики. Принятие рациональных мер позволит ускорить создание, освоение и коммерциализацию результатов научной, научно-технической и иной инновационной деятельности в гражданском обороте.

Сегодня, в прогрессивно развивающемся мире побеждает экономика того государства, которое опирается на новую мысль и новую идею. Для нас инновация – значит будущее. Если мы сегодня начинаем строить наше великое будущее, то должны делать это прежде всего на основе инновационных идей, инновационного подхода.[2]

Список использованной литературы

1. Послание Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева Олий Мажлису.//www.uza.uz
2. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 4947.

Саидов Санжар Шавкатович

доктор политических наук (PhD)

Узбекский государственный университет мировых языков

«КРЕАТИВНЫЙ КЛАСС» КАК ОСНОВА ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ

Аннотация: в данной статье анализируются основные понятия, происхождение и развитие категориального аппарата «креативный класс». Креативный класс выступает как опорой в развитии инновационной экономики, политического менеджмента и социальных новаций. Также, отмечается роль креативного класса в модернизации общества и социальных отношений.

Ключевые слова: креативный класс, общество, креативная работа, общественная жизнь, творческий подход, инновация.

Корхонани бошқариш бўйича ахборот тизимини жорий этиш, корхонада юзага келувчи жиддий ўзгаришлар сингари мураккаб жараёндир. Шунга қарамай, тизимни татбиқ этишда юзага келувчи баъзи муаммолар яхши ўрганилиб, ифодаланди ва самарали ечим методологиясига эга. Ушбу муаммоларни олдиндан ўрганиш ва уларга тайёргарлик кўриш ахборот тизимини жорий этиш жараёнини сезиларли даражада енгиллаштиради ва тизимдан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда корхона бошқарувида ахборот тизимларини жорий этишда юзага келувчи асосий муаммо ва вазифалар ҳамда уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар келтириб ўтамыз. Уларни ҳал этишда алоҳида эътибор талаб этувчи асосий муаммо ва вазифалар куйидагилардан иборат:

1. Корхонада менежмент вазифасининг белгиланмаганлиги.
2. Корхона таркибини қисман ёки тўлиқ қайта ташкил этиш зарурати.
3. Бизнес жараёнларининг турли йўналишларини ўзгартириш зарурати.

4. Корхона ходимларининг қаршилиги ва укувсизлиги.

5. Корхонани бошқариш ахборот тизимини жорий этиш жараёнида ходимларга юкламани вақтинча кўпайтириш.

6. Тизимнинг малакали гуруҳини шакллантириш ва таъминлаш, кучли жамоа етакчисини танлаш зарурати.

Бошқарув ҳар хил материаллар, ишлаб чиқариш ресурслари ва катта гуруҳлар ўзаро таъсир қиладиган мураккаб тизимларнинг нормал ишлашини таъминлаш учун алоҳида элементлар ва умуман тизимлар орқали амалга оширилади. Экспертизанинг технологик жиҳатларини қўллаш ахборот тизимида қуйидаги элементларни ажратиб кўрсатади:

- назорат қилиш аппаратлари;
- техник ва иқтисодий маълумот;
- бошқарув объекти;
- иқтисодий ахборотни технологик қайта ишлаш усуллари ва воситалари.

Тадқиқотимиз натижасида келтирилган тизимга кўра техник-иқтисодий ахборот, уни технологик қайта ишлаш усуллари ва воситалари АКТ архитектурасининг асосини ташкил этади.

Янги технология шароитида маълумотларни қайта ишлаш жараёнларини расмийлаштирувчи ахборот модели амалга ошириладиган инсон-машинасозлик тизими бўлиб, АКТ ўзида тўғридан-тўғри ва назорат объекти билан назорат қурилмаси ўртасидаги ахборот алоқаларини узиб қўяди ва тизимга киради ҳамда ташқи ахборот оқимларини олиб ташлайди.

Одатда, иқтисодий маълумот барча конверсион тартиб-қоидаларига бўйсунди, лекин айрим ҳолларда баъзи бир усуллар мавжуд бўлмаслиги мумкин. Уларнинг ижро этилиши кетма-кетлиги ҳам ўзгариб туради ва айрим тартиб-қоидалар такрорланиши мумкин. Конверсия тартибининг таркиби ва уларни амалга ошириш хусусиятлари катта даражада ахборотни автоматлаштирилган қайта ишлашни бошқарадиган хўжалик юритувчи субъектга боғлиқ, бироқ қоида тариқасида, тўртта асосий ахборот тизимлари компоненти юқорида кўрсатилган тартибларга асосланади.

Корхона зарур бўлган бошқарув ислоҳотларини шакллантириш ва уларга тайёргарлик даражасини аниқлаш каби босқичлардан кейингина муайян ERP-тизимни танлашга киришиши мумкин. Аввал бизнеснинг тизимга қўядиган қайсидир талабларини шакллантириш керак. Ахборот тизимларининг ривожланиш стратегияси бутун бизнеснинг ривожланиш стратегиясини қўллаб-қувватлаши лозим. Фикримизча раҳбарият корхонанинг стратегик мақсадлари ва ривожланиш вазифаларини аниқ шакллантириши ҳамда корхона бир неча йилдан кейин қандай бўлишини кўра билиши керак. Яъни қандай ресурслар, шу билан бирга мос равишда уларни бошқариш учун қандай ахборот тизимлари талаб этилишини тушуниб етиш зарур бўлади.

Юқорида келтирилган бошқарувдаги ахборот тизимлари ишлаб чиқариш корхоналарининг янада рақобатбардош ва самарали фаолиятида қудратли восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. АКТ эса фаолият юритиш соҳаси, мулоқот қилиш воситалари ва ишни, меҳнат жараёнлари, маҳсулот ҳамда хизматларни бошқариш механизмларини ўзгартирган ҳолда ишлаб чиқариш корхоналари тузилмасини қайтадан лойиҳалаштиришда қўлланилиши мумкин.

Жаҳон мамлакатлари корхоналари томонидан товарлари ва хизматлари орасида бензин, машиналар, конвейер линиялари, дастгоҳлар, техника ва пўлат ишлаб чиқариш борасидаги юксак тажрибаларини ўрганиб, айрим жиҳатларини миллий иқтисодиётимиз, жумладан саноат корхоналарини янада юксалтириш мақсадида улар фаолиятига инновацияларни жадал татбиқ этиш, яъни замонавий техника ва технологияларнинг самарали усул ва воситаларини қўллаш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларига ахборот тизимларини самарали жорий этиш, энг аввало мавжуд ишлаб чиқаришни ҳар томонлама модернизациялаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.itstan.ru/it-i-is/mirovoj-rynok-korporativnyh-informacionnyh-sistem.html>.
2. <https://www.alliedmarketresearch.com>. Халқаро тадқиқот компанияси веб-сайти.
3. www.idc.com. International Data Corporation - АҚШнинг халқаро тадқиқот ва консалтинг компанияси веб-сайти.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сонли Фармониغا 1-илова. www.lex.uz.
5. Юрченко Е.В. Управление процессом привлечения инвестиций для развития производства на основе оценки стоимости предприятий. Автореферат дисс. – М.: МАРТИТ, 2005. – 26с.
6. Лялин В.Е., Воловник А.Д. Математическое моделирование инвестиционного риска при оптимизации управления предприятием // Сборник научных трудов. Приложение к журналу «Аудит и финансовый анализ». - 2006. - №2-С. 10-46.

***Холматов Нemat Боймирзаевич**
иқтисод фанлари номзоди, докторант
Тошкент давлат шарқшунослик институти*

ЎЗБЕКИСТОННИ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонни инновацион тараққий эттиришнинг замонавий институционал жиҳатлари таҳлил қилинган. Мамлакатимизнинг инновацион салоҳиятини ошириш бўйича қабул қилинган Инновацион ривожланиш Стратегиясининг институционал йўналишлари ёритилиб, қатор институционал чора-тадбирлар билан 2019 йилда амалга оширилган ишларнинг натижалари кўрсатиб берилган.*

***Калим сўзлар:** инновация, инновацион салоҳият, инновацион стратегия, инсон капитали, институционал ислохотлар, институционал шарт-шароитлар, институционал чора-тадбирлар, институционал тузилма.*

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадларига эришиш мамлакатимизнинг меҳнат, табиий-хом ашё, интеллектуал, инновацион, тадбиркорлик ва институционал ресурсларини пухта-пишиқ ишлаб чиқилган механизмлар орқали бирлаштириш даражасига бевосита боғлиқ. Бу мақсадларга қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган давлат дастурларини амалга ошириш орқали эришиш бошланди. Аммо, бу кенг қамровли жараёнларнинг бошланиши, холос. Асосий мақсадларни белгилаб олишда мавжуд шарт-шароитлар ҳисобга олинмоқда, ҳаракатларнинг бошланғич нуктасидаги вазиятга ва тез ишга тушириб юбориш мумкин бўлган имкониятларга ҳолис баҳо берилмоқда.

Инсон капиталини жамлаш ва ривожлантириш олдида қўйилаётган қатъий талабларга жавоб бериш имкониятлари ҳали камлиги, меҳнат ресурслари тез ўсиши суръатларига мос келадиган янги иш жойлари ташкил этиш имкониятлари чекланганлиги ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишга албатта, акс таъсир кўрсатади.

Иқтисодийнинг реал шарт-шароитларида ҳам асосий тармоқларнинг технологик базаси қоқоқлиги, экспортнинг хомашё товарларига йўналтирилганлиги ҳамда инновацион иқтисодийнинг асосий белгиларидан ҳисобланган ялпи қўшилган қиймат таркибида қишлоқ хўжалигининг юқори улуши ҳам муаммоларни ҳал қилиш муддатларига салбий таъсир кўрсатади. Булар умумлаштириб айтганда, мамлакат

иктисодиётининг тузилмавий деформациясини тавсифлайди. Шунинг учун иқтисодий-институционал ислохотларда инсон капиталини жамғариш ва уни ишлаб чиқаришнинг самарали соҳаларига йўналтириш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни ҳал этиш қисқа эмас, балки ўрта ҳамда узоқ муддатли хусусиятга эга, дейиш мумкин.

Мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир этувчи ташқи омилларнинг таъсирини камайтириш, ички омиллар - демографик тенденциялар ва меҳнат бозоридаги кескинликни юмшатиш эса кўп жиҳатдан ёш авлоднинг инновацион топқирлигидан унумли фойдаланиш йўллари тизимли ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бу ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни ҳам заруратга айлантиради.

Мазкур муаммога Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида эътибор қаратиб, шундай деган эди: “Қандай оғир бўлмасин, тан олишимиз керак, юртимиз равнақи учун энг зарур йўналишлар бўйича изланувчан, истеъдодли ёш кадрларни четда, ривожланган давлатларда ўқитишга мажбурмиз. Шунинг учун ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлари, мамлакатимиздаги илмий марказлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан яқин ҳамкорликда самарали иш олиб бориши керак”(1).

Ҳар қандай ислохотлар дастлаб институционал чора-тадбирлар билан бошланади. Ўзбекистонда янги давр Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини қабул қилиш билан бошланди(2). Бу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим институционал бурилиш бошланганлигини ифодаловчи ҳужжат эди.

Институционал ислохот кенг қамровли тушунча бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор ўзгаришлар содир бўлишини билдиради. Бу ўзгаришлар эски институционал тизимнинг янгиларига ўз ўрнини бўшатиб бериши тарзида содир бўлади. Айниқса, илгари мавжуд бўлмаган, мутлақо янги функционал вазифаларни бажарувчи институционал тузилмаларнинг юзага келиши тадрижий эмас, балки инқилобий ҳодиса сифатида тавсифланади(3). Мамлакатимизда инновацион тараққиёт соҳасида шундай ўзгаришлар кузатилмоқда. Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши шундай тизимли ўзгаришларнинг бошланиши бўлди.

Ўзбекистонда 2017 йилда инновацион тадқиқотларни бажариш, тажриба-конструкторлик ишланмаларини яратиш бўйича Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳамда вазирлик ва идоралар қошидаги 440 тага яқин илмий тадқиқот институтлари ва марказлари, катта илмий ходим-изланувчилар институти Ўзбекистонда инновацияларнинг интеллектуал ресурслар базасини ташкил этган эди(4). Шу йили тизимга кирувчи олий таълим муассасалари 70 тани ташкил этган. Бугунги кунда бундай фаолият кўрсатувчи олий таълим муассасаларининг ўзи 110 тадан ошиб кетди. Кўриниб турибдики, дастлабки натижалар ҳозирча миқдорий тавсифланади, аммо, истиқболда сифат ўзгаришлари тезлашади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз аҳолиси энг муҳим, агар оқилона фойдаланилса, самараси бошқа ҳар қандай иқтисодий ресурсдан юқори натижалар берувчи ресурс бўлганлиги сабабли, ундан инновацион ва креатив мақсадларда фойдаланишнинг зарурати бугун ҳар қачонгидан ҳам ҳаётий ҳисобланади. Чунки, илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологиялар ва ёндошувларни жадал тадбиқ этиш ҳаётни тез ўзгартиришнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди. Бу жараённинг марказида барибир Инсон омили турибди. Шунинг учун мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини, фақат иқтисодий эмас, балки, ижтимоий рақобатбардошлигини ҳам кучайтиришни инсон капитални белгилаб беради. Иқтисодий капитал эса инсон капиталининг ортидан “юриши” керак.

Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, кенг қўламли ва долзарб институционал чора-тадбирлар белгилаб олинган(қаранг: 1-чизма). Мазкур чора-тадбирлар инновацион тараққиётнинг шарт-шароитларини яхшилаш, бу соҳада фаолият юритаётган барча турдаги

хўжалик субъектлари ҳуқуқий ва бошқа манфаатларини таъминлашга қаратилган. Демак, инновацион ривожланишни таъминловчи тегишли механизм ишга тушди, деса бўлади.

1-чизма

**Инновацион ривожланиш жараёнига оид айрим меъёрий-ҳуқуқий
ва институционал ҳужжатлар(5)**

Меъёрий-ҳуқуқий ва институционал ҳужжатлар	
Ҳужжат номи, қабул қилинган санаси	Ҳужжатда кўзда тутилган асосий мақсад
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 майдаги 3697-сонли қарори.	Давлат-хусусий шериклик шартларида ҳудудларда инновацион лойиҳалар-стартлапларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказларини ташкил этиш.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 14 июлдаги 3855-сонли қарори.	Маҳаллий илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни жадал жорий этишни таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини кучайтиришда илм-фан ҳиссасини ошириш, шунингдек, илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг истиқболли маҳаллий ютуқларини илгари суришнинг самарали механизмларини яратиш.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инновацион фаолиятни янада қўллаб қувватлаш тўғрисида»ги 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сонли қарори.	Инновацион технопарк тузилмасида илмий ва инновацион лойиҳаларни тижоратлаштиришни қўллаб-қувватлаш учун бизнес инкубатор ташкил этиш.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёсини етиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2019 йил 2 январдаги 2-сонли қарори.	Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига ажратилган пахта майдонларида сифатли уруғлик пахта хом ашёси етиштириш ва молиялаштиришни тартибга солиш.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 18 январдаги 48-сонли қарори.	2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этиш Концепциясини амалга ошириш.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 24 ноябрдаги 5583-сонли Фармони.	Инвесторлар, айниқса хорижий инвесторларнинг инвестиция ҳиссаларини тезкор ва самарали жалб этиш мақсадида инвестиция ва бошқарув компанияларини ташкил қилиш амалиётини кенгайтириш, шунингдек, венчурга асосланган молиялаштиришни жорий этиш ва инновацион лойиҳаларга тадбиркорлик субъектларининг молиявий маблағларини кенг жалб қилиш.

Мамлакатимизни инновацион тараққий эттиришнинг узоқ муддатли стратегияси 2030 йилгача бўлган мақсадларни ифодалайди. Шу билан бирга, кейинги 10 йилликда эришилиши кўзда тутилган мақсадли кўрсаткичларни босқичма-босқич таъминлаб бориш учун қисқа муддатли ривожланиш чора-тадбирлари ҳам белгиланган. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида ёш авлоднинг куч-ғайратини тўла сафарбар этишга қаратилган қатор вазифалар белгилаб қўйилган.

2-чизма

Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантиришнинг институционал тавсифи(6,7)

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш	Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш	Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантириш	Таълим тизимини такомиллаш - тириш ва инсон капиталини ривожлантириш	Рақобатни ривожлантириш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш
Институционал чора-тадбирлар				
Илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун технопарклар хаби, эркин иқтисодий зоналар, эркин sanoat зоналари, кичик sanoat зоналари ва илмий-ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш.	Инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича махсус институтлар - инновация жамғармалари, инновация банклари, венчур жамғармаларини ташкил этиш.	Стартап лойиҳалар учун технопарк ташкил этиш орқали мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш тармоғини ривожлантириш.	Меҳнат бозорида қайта тайёрлашга муҳтож ёшлар учун касб-хунар коллежларида қисқа муддатли ўқувлар ташкил этиш.	Монополияга қарши сиёсатни, шу жумладан давлат-хусусий шериклигини жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш.
2019 йилда амалга оширилган ишлар				
Оҳангаронда Болалар технопарки, Сирдарё вилоятида “Пенг-шенг кластери” ва “Бек-кластер”да уруғчилик кластерлари ташкил этилди. “Яшнобод” инновацион технопаркининг 23 та резиденти 3,1 млн. АҚШ долларилек инвестицияларни кимё технологиялари, машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун йўналтирди.	Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармалари 20 га яқин ташкилотда ташкил этилиб, жами 45,46 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. 2 та Инвестиция компанияси – “Венчур Капитал Инвест” ва “Ўзбек-Амирлик инвестиция компанияси” ташкил этилди.	Жами 30 та ишланма бўйича 19 та инновацион стартап компаниялар ташкил қилинди, унда 15 та илмий муассаса, 6 та тижорат банки ва 6 та инвестор қатнашди. “Стартап Ташаббуслар” танловида 33 та стартап лойиҳалари маъқулланди.	Ҳиндистон ва Хитой компаниялар и билан ҳамкорликда Сирдарё вилоятида “Бизнес-акселератор” ўқув-амалий маркази ташкил этилди, бундай марказлар бошқа ҳудудларда режалаштирилди.	Фарғона вилоятида “Қўқон уруғчилик кластери” МЧЖ, Наманган вилоятида “Момиқ сочиқлар”, Сирдарё вилоятида “Пенг-Шенг” уруғчилик кластерлари давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг sanoat салоҳиятини ошириш аввало, ички бозорда sanoat маҳсулотларига бўлган талабни тўлароқ қондириш билан ҳал қилинади. Чунки, миллий sanoatchилар миллий бозорда ўзларини сифат ва бошқа техник кўрсаткичлар билан синаб кўради. Қисқа даврда ташқи бозорда рақобатбардошликни оширишнинг имконияти чекланган. Бу мураккаб масала. Шу билан бирга, экспорт қуввати қачон ошар экан, деб кутиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бу жараёнлар ёнма-ён юзага чиқса яна ҳам яхши.

Шу сабабли, бугунги кунда саноат рақобатбардошлилигини ошириш учун ички бозорда истеъмолчилар талабини қондириш ва экспорт улушини ошириш бўйича хорижий ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур таҳлил қилинмоқда. Бу билан боғлиқ ҳолда мамлакатимизда ягона кластер сиёсатини жорий этиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаб, тегишли амалий чоралар кўриш долзарб аҳамиятга эга. Ҳозирда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда Саноатни инновацион ривожлантириш ислоҳоти” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу инновацион жараёнларга янги, динамик, илғор инноваторлар қатламини жалб қилишга кўшимча рағбат беради, ушбу жараёнга ғайратли ва креатив ёш авлоднинг борган сари кўпроқ интилишини таъминлаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. (матн): Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2018 йил 7 декабрь. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. 19-20-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони. «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил 9 сентябрь. 180 (6874)-сон.
3. Агапова И.И. Институциональная экономика. –М.: Магистр: Инфра-М, 2014, 213-бет.
4. Беркинов Б.Б. Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш омиллари ва интеллектуал ресурслари. “Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга ошириш тажрибаси” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси илмий мақола ва тезислар тўплами (2018 йил 9 октябрь). – Т.: ТДИУ, 2018. – 16-бет.
5. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги 5544-сонли фармони билан тасдиқланган. <http://uza.uz/oz/documents/2019-2021-yillarda-zbekiston-respublikasini-innovatsion-rivo-21-09-2018> - мурожаат санаси: 20.12.2019 йил.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 22 сентябрь. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 24 сентябрь, 38-сон.
7. <https://mininnovation.uz/uz/activities/09-07-2019-hisobot>. – мурожаат санаси: 20.12.2019 йил.

Абдуллазизова Хушнoза Наябовна

таянч докторант

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА БРЕНДИНГ СТРАТЕГИЯСINI РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ЁНДАШУВЛАР

Аннотация. Бугунги тез ва илғор ривожланиб, рақобатбардошлик ошиб бораётган бир вақтда мамлакатларнинг жаҳон бозорига чиқиши, дунё мавқэини қозонган соҳаларда ўзини намoён қилиши давр талаби. Сотувчи ва истеъмолчиларни ишлаб чиқариш соҳасидаги янгиликлар ва тезлик билан кўпайиб бораётган жаҳон товарлари ва хизматларини англаб олмасликга мажбур қилмоқда.

Калит сўз. Тўқимачилик саноати, хорижий тажрибалар, бренд стратегияси, ҳуқуқий асослар.

Ҳар қандай мамлакат ўз товари ва ўзининг маҳсулоти билан жаҳон тан олган мамлакатлар рўйхатига киришни хоҳлайди. Шундай йўналишлардан бири ҳозирги кунда тўқимачилик маҳсулотлари ҳам эътиборли ўринларни эгалламоқда.

Республика тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишини таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга янада илгари суриш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонида асосан Тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг барқарор устунлик қилиши, юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорларида муносиб рақобатлашишга қодир бўлган миллий брендларни шакллантиришнинг етарли даражада эмаслиги тўқимачилик саноати корхоналари даромадларини ошириш имконини бермаяпти; [1]

кадрлар тайёрлаш тизими тўқимачилик саноатининг реал эҳтиёжларига жавоб бермайди, тармоқни ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ўқитишнинг инновацион йўналишларини жорий этиш ва илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш юзасидан халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Шу жумладан “Ўзбекенгилсаноат” АЖни унинг мол-мулклари ва давлатга тегишли бошқа маблағлари, шунингдек, дебитор қарздорлигини кейинчалик «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига беғараз ўтказиш орқали бренд стратегиясини ривожлантириш мумкин.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тузилмасида тизимли муаммоларни бартараф этиш, маркетинг инновацияларини фаол жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли ва устувор йўналишларини аниқлашни таъминловчи маслаҳат органи – Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларга эътибор қаратамиз.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг бренд стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

- Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари фаолияти ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни атрофлича ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатураси ва турларини таҳлил қилиш;

- Бренднинг тизимининг назарий концепциясини аниқлаш ва ундан амалиётда самарали фойдаланиш фаолияти таҳлил этилади;

- Тўқимачилик корхоналарида бренд стратегиясини илмий-услубий асосини ўрганиш;

- Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларини ўзига ҳос жиҳатларини аниқлаш;

- Мамлакатимиздаги ва хорижда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, уларнинг натижалари бўйича чоп этилган адабиётлар билан танишиш ва таҳлил қилиш;

- Ривожланган мамлакатларда соҳа бўйича эришилган тажрибалар, уларни ютуқ ва камчиликларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларини жаҳон бозоридаги ўрни ва мавқеини аниқлаш;

- Жаҳон бозорида Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг ўзига ҳос жиҳатларини таҳлил қилиш;

- Ўзбекистонда миллий брендингни ривожлантириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш. “Миллий бренд” Концепциясини тайёрлаш;

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тўқимачилик корхоналари. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг бренд стратегиясини ишлаб чиқиш, уларни

тартибга солиш жараёнлари, ҳамда товар сотиш ҳажмини оширишга қаратилган брендинг сиёсати ҳисобланади.

Америка Маркетинг Ассоциациясининг таърифига биноан бренд товарлар ва хизматларни уларнинг рақобатчиларидан ажралиб туриш мақсадида хосил қилинган, ном, сўз, ифода, белги, рамз ёки дизайнерлик иши уларнинг комбинациясидир. Кенгроқ ва эркинрок маънода олиб қараганда бренд товар ёки хизматни уларнинг барча ўлчамлари, тавсифлар фойдаланувчи томонидан қабул қилинадиган ва у товарга нисбатан бериладиган тасаввурлар йиғиндиси. Хориж адабиётларидан : Л. Чернатолли, М.Макдональд, Ф.Котлер, М.Портерлар товар брендларини рақобатбардошлигини ошириш, товарнинг яшаш даври, унинг ҳалқаро бозорлардаги нуфузи ва ўрнини эгаллашдаги вазифаларини очиб берган. Маркетинг ҳамда бренд стратегияларини ўрганиш, сегментлаш, компаниялар мисолида товарларнинг диверсификацияланишининг маркетинг тадқиқотларни олиб борган. Нгуен Куанг Биньнинг диссертация ишида, Вьетнамдаги тўқимачилик корхоналари ташқи бозорларни ўрганганда шундай ҳолат кузатилдики, европа мамлакатлари аҳолисининг 60% катта ёшдагилар бўлиб, у бозорлар учун тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва экспортга шартнома тузиш улар учун мақсадга мувофиқ эмас. [2]

Жаҳоннинг етакчи илмий ташкилотлари ва университетларида, жумладан, Nicholson School of Communication (АҚШ), Northwestern University (АҚШ), New Jersey University (АҚШ), University of San Francisco ва бошқа марказларда олиб борилмоқда.

Хозирги пайтда М.Планк номидаги Германия илмий-тадқиқот институтининг маълумотларига кўра, харидорларнинг 60% и товар белгисини товарнинг маълум бир сифати билан барқарор равишда боғлиқ келади. Яна 30% сифати ва унинг айнан шу фирмага тегишли экани билан боғлайди, қолган 10% эса товар ёки хизматларни танлашда товар белгисига эътибор қаратмайди. Шу сабабли жаҳонда чиқарилаётган жами товарларнинг 80% дан ортиғи товар белгилари билан маркаланади. Маркетинг соҳасидаги машҳур мутахассис Питер Дойл брендни шаклланиш механизми элементларини кўриб чиқар экан, 3 босқичда брендни яратиш мумкин деб ҳисоблайди.[3]

Корхонанинг энг муҳим номоддий активлари сифатида брендлар аллақачон ўзининг корхоналарга кучли рақобат устунликларини таъминлашдан ташқари уларнинг бозор қийматини ошириш қобилиятини ҳам исботлаб берган.

Брендинг ҳақидаги жаҳон адабиётлари тахлили шуни кўрсатадики, гарчи ушбу товар бренди ёки мазкур фирма хизматларидан илгари ҳеч ҳам фойдаланган бўлмасда, истеъмолчилар доимо у ёки бу бренддан ниманидир кутади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, маҳаллий иқтисодчи олимларнинг аксарият асарларида бренд яратиш механизми етарли даражада тўлиқ кўриб чиқилмаган.

1. Харидорларга сифатли маҳсулот яратиш.
2. Яхши тақдимот ўтказиш.
3. Маҳсулот ва хизматлар билан тўлдирилган савдо маркаси бозорини кенгайтириш.

МДХ давлатларида “Ко-бренд” бренд бирлашуви мавжуд бўлиб, иккита ёки бир нечта брендларнинг бирлашуви. (инновацион маҳсулот, ақилли кийим-янги бренд сегменти) ни ўз ичига олади. Бунга мисол қилиб Samsung ҳамда Adidas компанияларини мисол қилишимиз мумкин. Ушбу иккида бренд компаниялар бир бирининг истеъмолчиларини қамраб олиш, янги аудиторияларни эгаллаш мақсадида спорт телефони 2008 йилда ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.[4]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тўқимачилик ва тикув-трикатаж саноатини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида ПФ-5285-сон 14.12.2017.

2. Нгуен Куанг Бинь, Маркетинговые стратегии развития вьетнамского экспорта текстиля. Москва, Диссертация 2000 г.

3. Эргашходжаева Ш.Ж. Инновацион маркетинг. ГДИУ 2014 Дарслик 56 бет.

4. Хмелкова Н.Внинг Стратегическое развитие бренда: Расширение или создание совместного бренда. 2008 йил.

Нариманова Умидахон Кабилджановна

MScGM докторант

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ

***Аннотация.** Бугунги кунда инновациялар бозорини миллий даражада ривожлантириши муаммоси кўпчилик мамлакатларнинг билим иқтисодига интилиши туфайли тобора долзарб бўлиб бормоқда, бунда ривожланишнинг асосий омилларидан бири самарали ва рақобатбардош инновацион бозорни яратиши ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, мамлакатда инновацияларнинг самарадорлиги фан ва бизнес ўртасидаги муносабатларнинг қанчалик яқин олиб борилишига боғлиқ.*

***Калит сўзлар:** Инновация; инновацион ривожланиши; ривожланган давлатлар; сифат; илм-фан; инсон капитали; иқтисодий тарақққиёт.*

Бугунги кунда жамиятдаги сифатли ўзгаришларнинг асоси давлатнинг иқтисодий, технологик ва ижтимоий ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи ролини ўйнайдиган инновацияларни жорий этишдир. Эртами-кечми ҳар қандай мамлакат ўз ривожланишида инновацион ўсиш ва ўзига хос миллий инновацион тизимини шакллантириш йўлидан боради, аммо ҳар бири бу масалага ўзгача ёндошади.

Инновацион ривожланишда сезиларли ютуқларга эришган давлатлар мавжуд. Шунингдек, ўн йилдан ўн йилликка янги бурилишларни босиб ўтиб, тизимли, босқичма-босқич инновацион ўсиш йўлини танлаган мамлакатларнинг кўплаб мисоллари ҳам бор. Одатда, бу инновацион механизмни шакллантириш ва инновацион соҳадаги қонунчилик базасини такомиллаштириш, миллий иқтисодиётнинг устувор соҳаларида инновацион лойиҳаларни мақсадли молиялаштириш, шунингдек, инновацияларни ривожлантириш ва тижоратлаштириш марказларини яратишни назарда тутадиган самарали давлат сиёсатини амалга оширишга ёрдам бериши. [1]

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва барча иқтисодий жараёнларнинг жадаллашиши шароитида давлатнинг рақобатбардошлиги миллий иқтисодиётнинг янги маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш қобилиятига боғлиқ. Хўжалик юритувчи субъектларни инновацияларга доимий йўналтириш инновацион иқтисодиётга ўтишнинг шarti ҳисобланади.

Инновация нафақат юқори технологияли маҳсулотлар, "инновация бу шундай ижтимоий-техник ва иқтисодий жараён бўлиб, амалий ғоялар ва ихтиролардан фойдаланиш орқали ўзларининг энг яхши маҳсулот ва технологияларини яратишга олиб келади. Агар янгилик иқтисодий манфаатларга қаратилган бўлса, унинг бозорга чиқиши кўшимча даромад келтириши мумкин." Борис Санто. [2]

Инновациялар ривожланишнинг барча босқичларида муҳим бўлса-да, турли хил инновациялар турли босқичларда турли рол ўйнайди. **Босқичма-босқич инновацияларнинг** (incremental innovation) аввалги босқичлари кўпинча хорижий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ, ўз ўрнида **ижтимоий инновациялар** бизнес ва давлат хизматларининг самарадорлигини ошириши мумкин. Тадқиқот ва ишланмаларга (R&D) асосланган **юқори технологияли инновациялар** ривожланишнинг кейинги босқичларида муҳимдир, улар рақобатбардошлик ва илм омили бўлганда "етказиб олиш" жараёнини яқунлаш имконини беради. [3]

Таъкидлаш жоизки, интеллектуал ресурслар энг янги инновацион технологиялар билан биргаликда нафақат иқтисодий ўсиш йўналиши ва истиқболларини белгилайди, балки

мамлакат мустақиллиги ва фаровонлиги даражаси, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги миллий мавқеи кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Эскирган фондларни модернизация қилиш ва янгиликларни жорий этишга қаратилган иқтисодий ривожланиш стратегияси замонавий дунёда муҳим аҳамият касб этади ва инновацион ривожланиш деб аталади. **Инновацион ривожланиш** - ишлаб чиқариш омилларининг кенг ўсиши ҳисобига эмас, балки янгиликларни жорий этиш орқали юқори иқтисодий натижаларга эришишдир. Бу ҳукумат яратиши ва бошқариши мумкин бўлган ихтисослашган идоралар томонидан амалга ошириладиган махсус фаолият тури эмас, балки кўпроқ тарқалган кучлар (илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва савдо-сотик корпорациялари, шахслар ва бошқалар натижасидир), бу ҳукумат фақат мустаҳкамлаш ва уларнинг ривожланишига далолат берувчи таъсир кўрсатиши мумкин.

Жамият эҳтиёжларини синчковлик билан ўрганиш ва янги эҳтиёжларни шакллантириш, уларни янги технологияларни ҳисобга олган ҳолда ва бозор тўлов талабига асосланган ҳолда қондириш корхоналар ва давлатнинг инновацион стратегиясининг асосидир. Инновацияларни жорий этишда бозор ёндашуви янги маҳсулотларнинг жаҳон аналогларига нисбатан юқори рақобатбардошлигини белгилайди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, рақобатбардошликни ошириш ва давлатнинг миллий саноатининг юқори технологияли инновацион маҳсулотларнинг халқаро майдонида етакчи мавқеини таъминлаш миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқлари инновацион ривожланиш ва техник такомиллаштириш йўлига ўтган тақдирдагина мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, талаб ва таклиф қонуни билан тавсифланган бозор муҳити миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишининг муҳим омилларига киради; мамлакатдаги молиявий-иқтисодий тизим; инновацияларни давлат томонидан рағбатлантириш чоралари. Айнан бозор, сотиб олиш талаби орқали ташкилий, молиявий ва технологик инновациялар самарадорлигини корпорация даражасида ва умуман иқтисодиёт даражасида баҳолайди.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда инновацияларнинг уч хил моделлари мавжуд, улар қуйидагиларга қаратилган:

1) илм-фан соҳасидаги етакчилик, илмий ва ишлаб чиқариш циклининг барча босқичларини қамраб оладиган кенг кўламли мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш, одатда, мудофаа соҳасида илмий ва инновацион потенциалнинг салмоқли улуши (АҚШ, Англия, Франция);

2) янгиликларни тарқатиш, қулай инновацион муҳитни яратиш, иқтисодиётнинг барча тузилишини рационализация қилиш (Германия, Швеция, Швейцария);

3) инновацион инфратузилмани ривожлантириш орқали инновацияларни рағбатлантириш, дунё илмий ва техникавий тараққиётининг ютуқларига сезгирликни таъминлаш, фан ва техника соҳасидаги турли соҳалардаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш (Япония, Жанубий Корея). [4]

Ҳар йили Bloomberg 200 та мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилиб, улардан қайси бири энг инновацион эканлигини аниқлайди. [5] Хитой дунёдаги 25 етакчи инновацион давлатлардан бири бўлган биринчи ўртача даромадли мамлакатга айланди, шу билан бирга у тўққиз йил давомида (ГИИ - Глобал инновациялар индекси) рейтингни доимий равишда бошқариб келаётган юқори ривожланган давлатлар қаторига қўшилди.

Инновация - мамлакат иқтисодиётини юксалтиришнинг ягона йўли эмас, лекин агар мамлакатдаги инновациялар йўлга қўйилган бўлса, инновацион иқтисодиётни шакллантириш янада жадаллашади. Эстония инновацион иқтисодиётни шакллантирмаган ва технологик ютуқлари туфайли Европанинг энг бой мамлакатига айланмаган, аммо ҳеч бўлмаганда аянчли инкироздан қочганлиги яхши мисол бўла олади. [6]

Инновация рейтинг жадвалларининг таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон, шунингдек, Туркменистон ва баъзан Беларус Республикаси инновацион рейтингларда тақдим этилмаган, маълумотлар мавжуд эмас. [8]

Глобал инновациялар индекси рейтингда ўзгаришлар, биринчи ўнлик 2019 [7]

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
2019	CH	SE	US	NL	GB	FI	DK	SG	DE	IL	2019 йилда IL илк бор биринчи ўнликка кирди.
2018	CH	NL	SE	GB	SG	US	FI	DK	DE	IE	2018 йилда SG биринчи бешликка кирди.
2017	CH	SE	NL	US	GB	DK	SG	FI	DE	IE	2017 йилда NL энг кучли учликка кирди. SE яна 2-ўринни эгаллади.
2016	CH	SE	GB	US	FI	SG	IE	DK	NL	DE	2016 йилда DE биринчи ўнлик сафига қайтди.
2015	CH	GB	SE	NL	US	FI	SG	IE	LU	DK	2011 йилдан CH биринчи ўринда.

CH – Швеция; GB – Буюк Британия; SE – Швеция; NL – Нидерландлар; US – АКШ; FI – Финляндия; SG – Сингапур; IE – Ирландия; LU – Люксембург; DK – Дания; DE – Германия; IL – Исроил. Илова: ГИИ рейтингларининг йиллик таққослашларига ГИИ моделидаги ўзгаришлар ва маълумотларнинг мавжудлиги таъсир кўрсатади.

Инновацион иқтисодий моделнинг асосий омилларидан бири инсон капитали бўлиб, у интенсив ва айна пайтда барқарор иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, у нафақат меҳнат ресурсларини, балки билим тўплаш тизимини, касбий фаолиятни ахборот билан таъминлашни, шунингдек, ҳар бир инсоннинг иш фаолиятидаги ҳаёт сифатини ҳам ўз ичига олади.

Инсон тараққиёти индекси ҳозирги вақтда инновацияларга бўлган глобал эҳтиёж туфайли қимматлидир. Мамлакатда инсон тараққиёти даражаси қанчалик юқори бўлса, инновацион технологияларни яратиш салоҳияти ҳам шунчалик катта бўлади.

Инновацияларга асосланган иқтисодиёт тубдан янги маҳсулотлар, янги ёки такомиллашган технологик жараёнларни яратиш ва амалга оширишга қаратилган. Бундай иқтисодиёт одамлардан, меҳнат коллективларидан, янги компетенцияларнинг ижтимоий жамоаларидан, янги касбий ва ижтимоий сифатлардан, мулклардан, инсоний салоҳиятдан, шахснинг юксак ҳар томонлама ривожланишини талаб қилади. [9]

Инновацион иқтисодий ривожланиш мураккаб иқтисодий ва ташкилий жараён бўлиб, у нафақат илмий-техник салоҳиятдан фойдаланишга, балки институционал қўллаб-қувватлашга асосланган бўлиб, турли даражадаги институтлар мажмуасидан иборат. Шу билан бирга, интеллектуал мулк институтлари, манфаатдор томонларнинг корпоратив жавобгарлиги, давлат, қонунчилик тизими, инвесторлар, олий таълим ва бошқалар муҳим ўрин тутди.

Кам ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий иқтисодий фаолиятнинг инновацион моделига муваффақиятли ўтиш фақат иқтисодий муҳит мамлакат иқтисодий механизмининг тубдан қайта қуриш асосида ислоҳ қилинган тақдирдагина мумкин. Инновацион жараённи тартибга солиш амалга ошириладиган инновацион дастурнинг институционал таркибий қисмига нисбатан умумий ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий шароитларга мувофиқ амалга оширилиши керак. [10]

Жаҳон ҳамжамиятида инновацион технологияларни ривожлантириш оддийгина давом этмоқда. Етакчи давлатлар XXI асрда жаҳон иқтисодиёти устидан назоратни инновацион технологиялар устидан назорат орқали амалга оширадilar. Иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделига ўтиш вазифаси концепция ва уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Изчил дастурни шакллантириш учун инновацион иқтисодий

ривожланишнинг мавжуд хорижий тажрибасидан ва ушбу жараёни институционал қўллаб-қувватлашдан фойдаланиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Dagmara Bubel, Zuzanna Ostraszewska, Tomasz Turek, Agnieszka Tylec. Innovation in Developing Countries - a New Approach. EIRP Proceedings, Vol 10 (2015) [Электрон ресурс]. URL: <http://proceedings.univ-danubius.ro/index.php/eirp/article/view/1656/1639>
2. Санто Б. Инновация как средство экономического развития: пер с венг. Б. Санто; ред. Б.В. Сазонов. – М.: Прогресс, 1990. – 296 с.
3. LEAD Innovation Managemnt. What types of innovation are there? [Электрон ресурс]. URL: <https://www.lead-innovation.com/english-blog/types-of-innovation>
4. These Are the World's Most Innovative Economies. [Электрон ресурс]. URL: <https://www.bloomberg.com/news/articles/2017-01-17/sweden-gains-south-korea-reigns-as-world-s-most-innovative-economies>
5. The Bloomberg Innovation Index. [Электрон ресурс]. URL: <https://www.bloomberg.com/graphics/2015-innovative-countries/>
6. Эффективное антикризисное управление No4 (97) 2016 [Электрон ресурс]. URL: www.e-c-m.ru
7. База данных Глобального инновационного индекса, Корнельский университет, INSEAD и ВОИС, 2019 г. [Электрон ресурс]. URL: <https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/ru/wipokeyfindings.pdf>
8. И. А. Родионова, Т. В. Кокуйцева, Ю. Мицкевич-Далецкий. Уровень инновационного и индустриального развития: позиции стран СНГ в международных рейтингах. Экономические науки/Economics. Крымский научный вестник, No1 (22), 2019
9. Overview Human Development Report 2019. Beyond income, beyond averages, beyond today: Inequalities in human development in the 21st century. http://hdr.undp.org/sites/default/files/hdr_2019_overview_-_english.pdf
10. Vasilyeva N.F., Kavura V.L. The model of the economy innovative development: international experience of implementation. ISSN 2519–2019 BULLETIN OF THE INSTITUTE OF ECONOMIC RESEARCH 2016, No 3
11. OECD: Innovation for Development. A discussion of the issues and overview of work of the OECD directorate for science, technology and industry. <http://www.oecd.org/innovation/inno/50586251.pdf>.
12. Ministry of Economic and Business Affairs and Centre for Economic and Business Research (2004): Benchmarking Innovation Policy and Innovation Framework Conditions <http://www.oecd.org/site/worldforum/33705586.pdf>.

Ишназаров Акрам Исмоилович

бош мутахассис

ТДИУ “Университет 3.0” халқаро ўқув, илмий-инновацион

тадқиқотлар маркази

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида инновацион ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилинган ва мазкур кўрсаткичлар асосида инновацион ривожланишга таъсир этувчи омиллар асосида кўп омилли эконометрик модел тузилган.

Калит сўзлар: инновацион муҳит, иқтисодий ўсиш, натижавий ва таъсир этувчи омиллар, корреляцион таҳлил, кўп омилли эконометрик модел, статистик ишончлилик, мультиколлениарлик, автокорреляция

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида иқтисодиётнинг инновацион ривожлантириш тизимига ўтиш жараёнлари амалга оширилмоқда. Бундай ривожлантириш тизимининг маркази миллий хўжалигимиз мажмуининг бошланғич даражасига – корхоналар, фирмалар, акциядорлик жамиятлари даражасига кўчмоқда, айнан шу даражада ихтиролар ва илмий-тадқиқотлар янги қурилган корхоналарда янги технологияларга, маҳсулотга, техникага, ахборот коммуникацияларига айланмоқда.

Иқтисодиётда инновацияларнинг роли ортиши биринчидан, бозор муносабатлари табиати, иккинчидан, барқарор ўсиш йўлига чиқиш учун мамлакат иқтисодиётида чуқур ислохотларни амалга ошириш зарурати билан белгиланган.


“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-илоvasи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” нинг “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” деб номланган 4.4-бандида “...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш” лозимлиги таъкидланиб ўтилган [1].

Жаҳонда илмий-техник салоҳият тез суръатларда ривожланиш билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг асосий омилларини интеллектуллаштириш ўсиб бормоқда. Инновацияларни жорий этиш иқтисодий ўсиш ва бозорнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланди.

Бу эса ўз навбатида, барча жабҳаларда инновациялар соҳасидаги илғор илмий ишланмалар ва техник ютуқлардан самарали фойдаланишни ҳамда ҳозирги иқтисодий салоҳиятнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда бугун кўплаб давлатлар томонидан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга катта миқдорда инвестициялар йўналтирилмоқда [2].

Умуман олганда ҳозирги даврда инновацион иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини белгилайдиган ҳал қилувчи омил – бу илмий-тадқиқот ва мутлақо янги маҳсулот турларини яратиш учун ишланмалар натижаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мамлакатнинг инновацион муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратиш ва ишлатиш ҳамда кейинчалик бозорда чиқариш ва сотиш ҳисобланади.


Ўзбекистонда 2018 йилда жами 933 та корхона ва ташкилотларда инновациялар жорий қилинган бўлиб, уларнинг асосий қисми, яъни 893 таси (жами ташкилотларнинг 96%) ўзларининг фаолиятига технологик инновацияларни, қолган 40 таси эса маркетинг ва ташкилий инновацияларни жорий қилишган (1-расм) [3].



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда ташкилотлар томонидан инновациялар жорий қилиш ҳолати, % да

Бу эса республикамизда инновацияларни тадбиқ этиш асосан хориждан машина ва ускуналарни импорт қилиш ҳисобига амалга оширилаётганлигини англатади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар билан банд бўлган ходимлар сони сўнгги 16 йил давомида сезиларли ўзгармаган (2-расм) [3].



2-расм. Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари билан банд бўлган ходимлар сони, йил охирига, минг киши

Бугунги кунда мамлакатнинг инновацион фаолиятини баҳоловчи яна бир муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга қилинган харажатлар Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2% ни ташкил этмоқда [3].

ЮНЕСКО статистика институтининг маълумотларига кўра 2016 йилда Корея Республикасида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга сарфланган маблағлар ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 4,2% ни ташкил этган, Японияда бу кўрсаткич ЯИМга нисбатан – 3,5% ни, Германияда – 2,9% ни, АҚШда – 2,8% ни, Францияда – 2,2% ни, Хитойда – 2,1% ни, Буюк Британия ва Канадада – 1,6% ни, Россия Федерациясида эса – 1,1% ни ташкил этмоқда [2].

Ўзбекистон Республикасининг инновациялар соҳасида етакчи корхоналар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар бўлиб, ҳаддан ортиқ риск, юқори харажатлар, молиялаштиришнинг етишмаслиги, инновациялар ўзини оқлашининг узок муддатлари, технологик ахборотларнинг етишмаслиги, кооперациялашувдаги имкониятларнинг чекланганлиги, бозор ҳақидаги ахборотларнинг етишмаслиги, технологик имкониятларнинг етишмаслиги ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар илмий-тадқиқот фаолияти илмий-тадқиқотлар, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишларни амалга ошириш, тажриба намуналарини ишлаб чиқиш, қурилиш бўйича лойиҳа ишларни амалга ошириш ва илмий-техник хизматларни кўрсатишга йўналтирилган. Агар 2010 йилда илмий-техник ишларнинг умумий ҳажми 122685,9 млн. сўмни ташкил этган бўлса, у ҳолда 2018 йилда 792547,5 млн. сўмни ташкил этди, Яъни, ўсиш мазкур даврда 6,45 баробардан кўпроқни ташкил этди. Сўнгги йилларда илмий-техник ишларнинг умумий ҳажмидан 55-65% илмий-тадқиқотлар олиб боришга йўналтирилмоқда.

Мамлакатимизда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб боровчи ташкилотларда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари учун зарур бўлган ишланмалар тайёрланади. 1-жавдалда республикамизда мазкур ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини бажарган ташкилотлар сони, (бирлик) [3]

Йиллар	Жами	шу жумладан:					
		Илмий-тадқиқот ташкилотлари	Конструкторлик ташкилотлари	Лойиҳа ва лойиҳа-кидирув ташкилотлари	Олий таълим муассасалари	Саноат корхоналари	Фаннинг бошқа ташкилотлари
2010	301	143	4	10	80	3	61
2011	317	156	3	12	80	5	61
2012	313	142	2	12	78	8	71
2013	304	141	2	10	78	6	67
2014	306	135	1	10	82	9	69
2015	321	137	1	10	82	9	82
2016	336	142	1	11	85	11	86
2017	348	145	2	11	88	13	89
2018	354	148	2	12	90	14	88

Республикамиздаги корхона ва ташкилотлари ўз маблағлари ҳисобидан бажарилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳажми 2010 йилда 122685,9 млн. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 412364,6 млн. сўмга етган ва ўсиш суръати 3,36 баробарни ташкил этган [3].

2010 йилда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини бажарган ташкилотлар сони 301 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб уларнинг сони 354 тани ташкил этган. Ўсиш суръати 1,17 фоизни ташкил этган. Бу соҳада саноат корхоналари томонидан бажарилган ишлар ҳажми 4,67 баробарга ошган.

Республикамизда инновацион жараёнларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик моделлаштиришда 1991-2018 йиллардаги бир қатор омиллар танланди. Натижавий омил сифатида республикамиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) Y , таъсир этувчи омиллар сифатида – саноат намуналари (X_1), савдо белгилари учун сўровномалар (X_2), АКТ хизматлари (X_3), дастурий таъминот учун умумий харажатлар (X_4), олий таълим муассасаларида олиб борилган илмий-тадқиқотлар (X_5), илм кўп талаб қиладиган хизматларда банд бўлганлар сони (X_6), таълимга ажратилган харажатлар (X_7) ва корхона ҳамда ташкилотлар асосий капиталига киритилган инвестициялар (X_8) олинди.

Дастлабки корреляцион таҳлил натижаларини кўриб чиқадиган бўлсак, натижавий омилга таъсир этувчи омиллар сони 8 тадан 4 тагача қисқартирилди. Бунинг сабаби, айрим омиллар натижавий омил билан тескари боғланишда бўлишди, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколленеарлик муаммолари пайдо бўлди. Шу сабабли, тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга 4 та омил киритилди.

Энди ушбу омиллар асосида қуйидаги кўринишдаги кўп омилли эконометрик модел тузамиз [4]:

$$Y = \beta_0 + \beta_1 X_1 + \beta_2 X_2 + \dots + \beta_n X_n + \varepsilon, \quad (1)$$

Бутун жаҳонда ноанъанавий энергия манбаларидан, айниқса қуёш энергиясидан иссиқлик ва электр энергия олиш шиддат билан ривожланмоқда. Бошқа кўплаб Осиё мамлакатлари қаторида Ўзбекистонда ҳам қуёш энергиясига асосий қайта тикланувчи энергия мабааси сифатида қаралади. Ўзбекистонда йилнинг 300 кунини очик қуёшли кунлардир. Мамлакатнинг тахминан 75 фоизини чўлли худудлар ташкил этади, бу эса қуёш энергиясинидан самарали фойдаланиш учун жуда қулай муҳит ҳисобланади. Бу борада Республикамизда 1997 йилда “Энергиядан рационал фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Бу қонун энергетик ресурсларни асраш ва улардан рационал фойдаланиш, атроф муҳитни химоя қилиш самарадорлигини ошириш, инсон саломатлигини асраш ҳамда альтернатив қувват манбаларидан кенг фойдаланиш масалаларини белгилаш имконини беради [3, 4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августда “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сон қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида қатор имтиёз ва преференциялар назарда тутилган [1].

Республикамизда ипакчилик соҳаси бўйича кластер тизимининг кенг кўламда тадбиқ этилиши ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш вазифаси қўйилиши пиллага дастлабки ишлов бериш базаларидан тайёрланаётган пилла сифатига юқори талабларни қўймоқда [2, 5]. Ҳозирги кунда ташкил этилаётган замонавий пилла чувиш автоматлари билан жиҳозланган пиллакашлик корхоналарида жаҳон талабларига мос хом ипак ишлаб чиқариш ва улардан рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосан сифатли пилла хом ашёсини қайта ишлаш орқали эришиш мумкин.


Маълумки, пилла чувиш корхоналарининг йил давомида ишлаши учун, мавсумда тайёрланган пиллаларга дастлабки ишлов берилади яъни, ичидаги гумбагини

жонсизлантириб, қуритилади. Шундагина пиллани узоқ муддат давомида сақлаш мумкин бўлади. Акс ҳолда, тирик ғумбак капалакка айланиб, қобикни тешиб чиқиб, уни чувишга яроқсиз ҳолга келтириши ёки ғумбаги жонсизлантирилса-ю, қуритилмаса, хўл пилла тезда моғорлаб, сифатсиз бўлади [3].

Ҳозирда юртимизда пиллага дастлабки ишлов беришнинг қатор усуллари мавжуд бўлишига қарамасдан, ишлаб чиқаришда узоқ йиллар давомида биргина иссиқ ҳаво усули кенг қўлланилиб келинмоқда. Мавжуд усулда пиллаларга ишлов беришда узоқ вақт давомида таъсир этаётган юқори ҳароратли иссиқ ҳаво пилла қобиғининг технологик хусусиятига салбий таъсир этиб, хом ипак чиқиш миқдорини камайтирмоқда. Унда қўлланилаётган агрегатларнинг аксарият қисми жисмонан ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги, ишлаб чиқариш харажатларини ошираётганлиги боис, уларни янгилаш ёки модернизациялаш, такомиллаштириш устида илмий изланишлар олиб бориш заруратини тақазо этади [3-7]. Бир қатор бошқа усуллар устида илмий ишлар олиб борилган бўлсада, техник ва технологик жиҳатдан уларнинг самарадорлиги юқори бўлмаганлиги сабабли ишлаб чиқаришга жорий этилмасдан қолмоқда.

Юқорида қайд этилган долзарб муаммоларни ҳал этиш мақсадида, Республикамиз куёшли ўлка бўлганлиги боис, ундан самарали фойдаланиш ҳамда юқоридаги қарорларга асосланган ҳолда тирик пилла ғумбагини куёш энергияси ёрдамида инфрақизил нур билан жонсизлантириш ва кондицион намликка қадар сояда қуритиш технологияси ишлаб чиқилди [5-12]. Таклиф этилаётган технология ғумбакнинг қисқа вақт ичида жонсизланишини таъминлаб, пилла қобиғининг сифатини табиийлигича сақлаш имконини беради ва хом ипак чиқиш миқдорини оширади. Қурилма куёш энергияси ёрдамида ишлаши туфайли иссиқлик ва электр энергияси тежалди.

Ўтказилган амалий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, агрегат тўлиқ металлдан иборатлиги сабабли, уни ишга тайёрлаш-қуритиш камерасини белгиланган ҳароратга етгунича қиздириш узоқ вақтни (2-3 соат) талаб этади. Шунингдек, қуритиш камераси ички деворлари металл юзадан ташкил топганлиги боис, пиллаларга таъсир этаётган иссиқ ҳаво ҳарорати ошиб, конвейер юзаси бўйича нотекис тақсимланади. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва пилла қобиғи, ғумбагининг табиий хусусиятларига салбий таъсирини кўрсатади [13].




Бу ерда: 1-Инфрақизил лампа, 2-Кварц найчали, 3-металл найчали, 4-керамик найчали.

1-расм. Инфрақизил нурли қиздириш манбаалари учун иссиқлик сақланишининг вақтга боғлиқлиги.

Тирик пилла ғумбагини инфрақизил нур таъсирида жонсизлантириш ва қуритишда унинг оқ ва ғоваксимон жисмдан тез ўтиши ва сувли намлик бор жойга ютилиш хусусияти инобатга олинган. Юқоридагиларга мос ҳолда инфрақизил нур таъсирида пилла қобигидан нурли энергиянинг ўтиши ҳисобига иссиқлик ғумбакнинг намлик қисмига ўтади. Бу жараён намликнинг қисқа вақтда интенсив буғланишини ва ғумбакнинг жадал қизиши натижасида жонсизланишини таъминлайди [11]. Шунингдек, қурилмани ишга тайёрлаш ва уни қўллашда энергия тежамкорлигини эришиш мумкинлигини кўрсатади (1-расм). Маълумотлардан кўришиб турибдики, турли типдаги инфрақизил нурли қиздириш манбаалари учун иссиқлик сақланиш вақти хар хил бўлиб, уларнинг ичида энг самаралиси инфрақизил лампалари ҳисобланади [14].


Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда “Ипак технологияси” кафедраси олимлари томонидан қурилманинг янги такомиллашган варианты таклиф этилди [12].



2-расм. Тирик пилла ғумбагини турли усулда жонсизлантиришнинг вақтга боғлиқлиги. 1-инфрақизил нурда (тажриба), 2-иссиқ ҳавода (назорат)

Ушбу усулни амалиётда синаш ва уларнинг технологик режимларини аниқлаш мақсадида пилла тайёрлаш мавсумида Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани “Кумуш тола” пиллакашлик корхонасида ва “Ипак технологияси” кафедраси лабораторияларида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар мавжуд СК-150К агрегати ва янги яратилган инфрақизил нур таъсирида тирик пилла ғумбагини жонсизлантириш қурилмаларида ўтказилди. Тажриба учун бир хўжаликда, бир хил шароитда боқиб етиштирилган тирик пиллалардан 1000кг намуна олиниб тенг миқдорда назорат ва тажриба вариантларига ажратилди. Назорат вариантыдаги пилла намуналари мавжуд СК-150К агрегатида 110⁰Сли иссиқ ҳавода, тажриба вариантыдаги пиллалар эса янги қурилмада ғумбаги жонсизлантирилди (2-расм). Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, назорат вариантыда тирик пилла ғумбагини тўлиқ жонсизлантириш учун сарфланган вақт 10 дақиқани ташкил этган бўлса, назорат вариантыда яъни, мавжуд технологияда бу вақт ўртача 50 дақиқани ташкил этиши маълум бўлди.

Ҳар икки вариантдаги пилла намуналари вазнининг ўзгариши кунлар бўйича аниқланди ва ўзаро таққосланди. Назорат вариантыдаги пиллаларга ишлов бериш давомийлиги 45 кунни, тажриба вариантыда эса бу кўрсаткич 50 кунни ташкил этди. Бу ҳолат, тирик пиллага инфрақизил нур таъсирида пиллаларга ишлов бериш уларни сояда қуритиш жараёнини 5 кунга узайтиришини кўрсатди. Такомиллаштирилган (тажриба) ва мавжуд (назорат) агрегатларида ишлов берилган куруқ пиллалар ташқи белгиларига кўра сараланди (3-расм).



3-расм. Пиллаларнинг навлари бўйича чиқиши, %.

Натижалардан кўринадики, пиллалар таркиби бўйича шикастланмаган навли пиллаларнинг чиқиши тажрибада 84,2%, назоратда 75,8%ни ташкил этди. Тирик уч-беш кунлик ғумбак сариқ рангда ва ҳидсиз бўлади. Бироқ, уни қуритиш жараёнида ғумбак таркибидаги оксил моддаларнинг ачиши натижасида, қўланса ҳид ҳосил бўлади, ёғ моддасининг таркиби ўзгариши билан тўқ сариқ ёки жигарранг, агарда иссиқликда кўп ушланса тўқ жигарранг ёки қора рангга айланади [15]. Ғумбакларни саралаш натижаларига кўра, баҳорги мавсумда боқилган пиллаларда сариқ рангли ғумбакларнинг чиқиши тажрибада назоратга нисбатан 22,4% (абс.)га юқори бўлишини кўрсатди. Ғумбакка иссиқ ҳаво қанчалик кам таъсир қилса, куймаган ёғ моддаси кўп бўлган сариқ рангдаги ғумбаклар миқдори ошишини кўрсатди. Пилла ғумбагининг хусусиятлари сақлаш ва улардан ёғ ва оксил моддаларини ажратиш орқали эса, улардан озик-овқат саноатида, тиббиётда, парфюмерияда, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларидида кенг фойдаланишга замин яратади

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда пиллаларга дастлабки ишлов бериш базаларининг мавсумий фаолиятлари айнан май ва июн ойларига тўғри келиши, ҳудудларининг кенглигини, пиллаларни қабул қилиш майдони навеслари, қайта ишлаш майдони навесларининг катталигини ҳисобга олган ҳолда уларни қуёш панеллари билан жиҳозлаш таклиф қилинди. "All Solar" хусусий корхонаси томонидан битта қурилма учун 20кВт қувватдаги истеъмолчини кеча-кундуз қуёш энергияси билан таъминлаш фотоэлектр станциясининг инвентарлар жамланмаси ишлаб чиқилди. Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг истиқболли усуллари таҳлил қилиниб, уни ипакчилик саноатида айниқса пиллага дастлабки ишлов бериш базаларида кенг қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Яратилган янги қурилмани қуёш нури энергияси ёрдамида ишлашини таъминловчи фото электр станцияси таклиф этилди. Бу эса, электр ва иссиқлик энергиясини тежашни, ишлов берилаётган пиллалар сифатини табиийлигича сақлашга, қуруқ пилла тан нархининг камайишига олиб келади. Ундан ташқари инновацион пиллага дастлабки ишлов бериш базаси, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (хўл меваларни қуритиш ва сақлаш) қайта ишлашни, косметика ва тиббиёт саноати учун ипак курти ғумбагидан ёғ ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва кенгайтириш имконини беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таклиф этилаётган технология пиллалардан ҳам ипак чиқиш миқдорини 8% (абс.) га, пилла ипининг узлуксиз узунлигини 16% (абс.)га, куймаган сариқ рангли ғумбакларнинг чиқишини 22,4% (абс.)гача ошириш, пиллаларга дастлабки ишлов бериш учун сарфланадиган дизел ёқилғиси ва табиий газни 100% га, электр энергиясини эса 80% га тежаш имкониятини беради. Натижаларга асосланган ҳолда қуёш энергияси ёрдамида тирик пилла инфрақизил нур билан жонсизлантиришнинг такомиллаштирилган қурилмаси технологик мажмуасини пиллага дастлабки ишлов бериш

базаларига ўрнатиб ишлатиш мумкин. Лойиҳа натижасидан фойдаланиш мавсумда тайёрланган пиллаларга сифатли ишлов бериш имкони яратилади. Қисқа вақт ичида тирик пилла ғумбагини жонсизлантиришга эришилади. Жараён учун электр манбаи куёш энергиясидан олиниши, электр энергиясини тежаб, ишлов берилаётган пилла таннархининг камайишини таъминлайди. Натижада кластер тизимидаги пиллакашлик корхоналари сифатли курук пилла билан таъминланади, уларнинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 22-августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4422-сон қарори. Халқ сўзи газетаси 23-август, 2019 йил.
2. Х.А.Алимова Безотходная технология переработки шелка / -Т.: Фан, АН РУ. 1994.
3. К.Р.Авазов Пиллага дастлабки ишлов бериш агрегатларининг ҳолати // Ж. Тўқимачилик муаммолари. –Тошкент, 2008. -№1. -Б. 97-100.
4. А.Е.Gulamov, К.Р.Авазов, В.Аbdullaev New way of extermination and drying of cocoons in a field of over high frequency (SHF) // International Workshop on Revival and Promotion of Sericultural Industries and Small Enterprise Development in the (BACSA) black, Caspian Seas and Central Asia: -Tashkent, Uzbekistan, 2005. -pp. 517-519.
5. К.Р.Авазов Расчет температурного режима оболочки шелковичных коконов при их терморadiационной сушке//«Гелиотехника» №2, 2009 й.
6. К.Р.Авазов Коэффициент теплопередачи между сушильным агентом и поверхностью куколки при конвективной сушке шелковичных коконов // Ж. Проблемы текстиля. –Ташкент, 2009. -№2. -С. 65-68.
7. К.Р.Авазов Моделирование темпа изменения температуры куколки шелковичных коконов при их терморadiационном замаривании//«European Applied Sciences» ISSN 2195-2183 Nationales ISSN-Zentrum für Deutschland (Национальный центр ISSN Германии) №12, 2015 й.
8. К.Р.Авазов, Бастамкулова Х.Д. Пути повышения эффективности первичной обработки коконов при влиянии инфракрасных лучей//«Austrian Journal of Technical and Natural Sciences» Австрийский журнал технических и естественных наук ISSN 2310-5607№1, 2016 й.
9. К.Р.Авазов Исследование усовершенствованной технологии первичной обработки коконов тутового шелкопряда//Известия высших учебных заведений. Технология текстильной промышленности 371(5), с. 80, 2017 г.
10. Kh.Alimova, K.Avazov, D.Zakirova, N.Khakimov Investigation of primary processing technology of re-grown cocoons// «International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology» (IJARSET), ISSN: 2350-0328. Vol. 5, Issue 12, December 2018
11. Х.Алимова, К.Р.Авазов Основа процесса сушки шелковичных коконов//«Тўқимачилик муаммолари» Илмий-техникавий журнал, №4, 2016 й.
12. Х.Алимова, К.Р.Авазов, А.Э.Гуламов, У.Н.Азаматов, Х.Д.Бастамкулова, Х.Х.Умурзакова, О.С.Абдуллаев Тирик пилла ғумбагини жонсизлантириш қурилмаси/№FAP 20190145, 26.07.2019.
13. Х.Алимова, К.Р.Авазов, Ш.Р.Файзуллаев, Ф.Тўраев Пиллаларга дастлабки ишлов беришнинг самарали йўллари//«Тўқимачилик муаммолари» Илмий-техникавий журнал, №2, 2016 й.
14. Cristina Ratti and Arun S.Mujumdar/Infrared drying. 423-437. www.cementtechnology.ir
15. Ш.Р.Бобоев, К.Р.Авазов, Ш.А.Қодиров Пиллани дастлабки ишлаш жараёнининг ғумбак чиқиши ва ҳолатига таъсири // Ж. Ипак. –Тошкент, 2001. -№1. -Б. 9-12.

Сафаров Ж.Э.
д.т.н., профессор,
Султанова Ш.А.
PhD., доцент,
Дадаев Г.Т.
PhD,
Самандаров Д.И.

Ташкентский государственный технический
университет имени Ислама Каримова

РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЯ ДЛЯ ПЕРВИЧНОЙ ПЕРЕРАБОТКИ КОКОНОВ ТУТОВОГО ШЕЛКОПРЯДА

Аннотация: В ТашГТУ разработан механизм генерации низкочастотных колебаний за счет электромеханического привода к поддонам. В лаборатории кафедры проведено натурное испытание для морки и сушки коконов тутового шелкопряда. Выявлено при наблюдениях, что коконы тутового шелкопряда, переработанные в промежутке температур при 65-70 °С с использованием вибрационных волн в течение 5-10 минут были умерщвлены и в течение 10 дней при температуре 38-42 °С коконы досушивались до 10-12% влажности. В процессе первичной переработки коконов тутового шелкопряда по данным параметрам максимальное сбережение электроэнергии за счет использования упругих волн и инфракрасного излучения.

Ключевые слова: упругие волны, коконы тутового шелкопряда, инфракрасные излучения, морка, сушка.

В Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан намечено «сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в отраслях экономики» [1]. Как отмечается в Постановлении Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева, существующие в стране тутовые плантации шелковицы используются недостаточно эффективно, а в зимний период урожайность тутовников существенно снижается. Из-за недостаточного производства коконного сырья производственные мощности шелкомотальных и шелкоткацких предприятий задействованы не полностью [2].

Производство кокона является наиболее развитым из шелкопряда *Bombyx mori* – типичного насекомого. Шелковицы размножают в больших количествах для производства шелка. Имеются более 1000 штаммов включая разные географические и мутантные штаммы. Среди них много цветных мутантов, включая белый, желтый, золотисто-желтый, оранжевый, розоватый, и зеленый [3].

Кокон из шелкопряда – это биологические композиционные структуры, защищающие шелкопрядов от воздействия окружающей среды и физических атак естественных хищников. Куколки шелкопряда для получения сырья для текстильной промышленности необходимо умиротворить. Сушка коконов необходима, чтобы умиротворить куколку от превращения в моль (бабочку), которая в противном случае выйдет из кокона, пробив оболочку. Тем самым оболочку кокона делает бесполезной.


Кокон можно умиротворить либо с помощью пара или горячего воздуха. Многие исследования показывают, что целью сушки кокона является предотвратить появление личинок и мотыльков, удалить влагу, содержащуюся в оболочке кокона и куколок, и тем самым сделать коконы способными к сохранению в течение длительного времени при нормальной температуре и влажности (Narasaiah) [4]. Несколько методов искусственной сушки были направлены на то, чтобы умиротворить куколок путем размещения коконов на перфорированных матах или в коробках с проволокой, где они подвергаются воздействию

водяного пара в течение трех часов. После этого коконы подвергают сушке, но наиболее часто используемый метод, применяемый для куколок, которых умиротворяют и высушивают, включает продувание нагретого воздуха при температуре от 50 до 102 ± 2 °С по вертикали, прошедшего через гриль, при котором коконы помещаются в сетчатые мешки. Семинар по экспериментальному искусству (Sericultural Experiment Station - S.E.S.) [5] указывает, что свежие коконы содержат живые куколки, которые в естественном цикле будут прорывать кокон и сделают его бесполезным для производства шелка. Чтобы контролировать цикл, куколки должны быть умиротворены, а коконы обработаны таким образом, чтобы их можно было хранить и использовать в процессе наматывания по мере необходимости. Процент содержания влаги варьируется в зависимости и разнообразия шелкопрядов, сезона выращивания, от пола гусениц и т.д [3].

Большая часть воды содержится в кукольном теле (75-79%), в то время как свежая оболочка кокона содержит (11-12%). По этой причине вентиляторы должны быть рассчитаны на обеспечение скорости воздуха 1,0 м/с. Воздух, нагретый до 102 ± 2 °С, является достаточным для обеспечения быстрой сушки. Температура воздуха выше 115 ± 5 °С может повредить содержание серицина. Так, что в процессе наматывания, эффективность торцевых концов и снижение способности барабанов, что приводит к уменьшению доли сырого шелка в коконе. P.Wu и др. [6] показало, что основной целью сушки коконов шелкопрядов является умиротворение куколок и снижение потенциально опасного содержания влаги, что позволяет хранить коконы до года в надлежащих условиях. Поэтому коконы шелкопряда должны быть высушены сразу же после сбора урожая из-за возможности появления мотыльков из куколок, которые они содержат, и могут испортить важную особенность коконов изнутри, которая приводит к скатыванию сырья. Правильная сушка позволяет коконам выдерживать длительное хранение (6-12 месяцев) без появления плесени. Целый высушенный кокон имеет содержание влаги около (8-12%) и (6-8%) в оболочке кокона, в то время как тело высушенных куколок содержит около (7-13%). E.K.Nguku и др. [7] показали, что сушка на солнце по-прежнему является наиболее распространенным методом для сохранения коконов. Из-за отсутствия достаточных методов хранения для распространения урожая коконов, которые должны быть высушены тонкими слоями на проложенных основаниях или матах, где они подвергаются воздействию солнечных лучей и ветра в течение 3-5 дней [8-9].

В данной работе рассмотрены возможности первичной переработки т.е. морки и сушки коконов тутового шелкопряда с помощью упругих волн и инфракрасным излучением с целью максимальное сбережение электроэнергии [10-13].

На основе полученных теоретических результатов разработана экспериментальная инфракрасная вибрационная установка в Ташкентском государственном техническом университете, позволяющая провести процесс морки и сушки оптимальных параметров перерабатываемых коконов тутового шелкопряда (рис.1).



1-ИК нагреватель; 2-термопара; 3-терморегулятор; 4-поддон;
5-весы с цифровым индикатором; 6-подставка; 7-сырье.

Рис. 1. Лабораторно-экспериментальная ИК-сушильная установка

В лаборатории кафедры проведено натурное испытание для морки и сушки коконов тутового шелкопряда с целью максимальное сбережение электроэнергии за счет использования упругих волн и инфракрасного излучения. Результаты полученных данных морки и сушки коконов тутового шелкопряда приведены в таблице 1-2.

Таблица 1

Результаты экспериментов морки и сушки 100 штук живых коконов тутового шелкопряда инфракрасными лучами, влияние вибрации и упругими волн (расстояние между трубкой, распределяющей ИК-лучи и сырье 10 см, продолжительность процесса 10 минут)

Номера экспериментов	Исходный вес коконов, г	Вес после обработки ИК-лучами, г	Вес после обработки ИК-лучами и влиянием вибрации, г	Вес после обработки ИК-лучами и влиянием упругих волн, г	Вес после обработки ИК-лучами через 10 дней, г	Вес после обработки ИК-лучами и влиянием вибрации через 10 дней, г	Вес после обработки ИК-лучами и влиянием упругих волн через 10 дней, г	Температура переработки, °С
1	109,6	94,3	93,2	98,6	85,5	80,0	82,2	60-65
2	116,0	102,1	97,4	98,6	84,7	78,9	81,2	60-65
3	110,2	103,6	98,1	102,5	84,9	80,4	82,7	60-65
4	112,7	99,2	99,2	99,2	84,5	81,1	80,6	60-65
5	117,1	104,2	97,2	100,7	86,2	77,3	84,9	60-65
	113,1	100,7	97,0	99,9	85,2	79,5	82,3	60-65

Таблица 2

Результаты экспериментов морки и сушки 100 штук живых коконов тутового шелкопряда инфракрасными лучами, влияние вибрации и упругими волн (расстояние между трубкой, распределяющей ИК-лучи и сырье 10 см, продолжительность процесса 10 минут)

Номера экспериментов	Исходный вес коконов, г	Вес после обработки ИК-лучами, г	Вес после обработки ИК-лучами и влиянием вибрации, г	Вес после обработки ИК-лучами и влиянием упругих волн, г	Вес после обработки ИК-лучами через 10 дней, г	Вес после обработки ИК-лучами и влиянием вибрации через 10 дней, г	Вес после обработки ИК-лучами и влиянием упругих волн через 10 дней, г	Температура переработки, °С
1	110,8	97,5	94,2	96,4	82,5	77,6	80,9	65-70
2	119,6	101,7	95,7	96,9	82,5	76,5	80,1	65-70
3	107,0	102,7	97,4	101,7	83,5	79,2	80,8	65-70
4	114,8	97,6	96,4	97,6	81,5	78,1	78,1	65-70
5	116,2	102,8	95,3	98,8	83,7	75,5	81,3	65-70
	113,7	100,5	95,8	98,3	82,7	77,4	80,2	65-70

Исследования были проведены по определению параметров как температура и время сушки и морки тутового шелкопряда в пяти кратном повторении. Выявлены при наблюдениях исследования так как, коконы тутового шелкопряда переработанные в промежутке температур при 65-70 °С с использованием вибрационных волн в течении 5-10 минут умерились и в

течении 10 дней при температуре 38-42 °С коконы продолжали досушиваться до 10-12% канечной влажности. Использование упругих волн при переработки коконов протекало ниже на 5-10% относительно способу переработке с использованием вибрационных волн. Эксперименты по определению оптимального расстояния от трубки распределяющей инфракрасных лучей до сырья показали 10 см. В процессе первичной переработки коконов тутового шелкопряда по данным параметрам максимально сбережется электро энергия за счет использование упругих волн и инфракрасного излучения.

Список использованной литературы:

1. Мирзиёев Ш.М. Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 года №4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.
2. Мирзиёев Ш.М. Постановления Президента Республики Узбекистан от 29.03.2017 года №2856 “О мерах по организации деятельности ассоциации “Узбекипаксаноат””.
3. Hendaw Y.T. Stifling Cocoons Silkworms Using Butane Gas Mechanical Dryer. J.Soil Sci. and Agric. Eng., Mansoura Univ., Vol. 8(4):149 - 156, 2017
4. Narasaiah P.V. Sericulture in India. Ashish Publishing House. 8/81. Punjabi Bagh, New Delhi, 1992.
5. S.E.S. Guide to Sericultural Technology in the Tropics. Sericultural Experiment Station. Role Development Administration, Republic of Korea. 1992. Pp. 294-305.
6. Wu P., Da-Chuang C., Zou-Pu C., Ping-Zhang L., He T. Silkworm rearing Publisher, FAO Agric Services. No. (73/2) Rome. 1992. Pp. 69-70.
7. Nguku E.K., Raina S.K., Mburugu K.G., Mugenda O.M. Evaluation of Different Cocoon Stifling Methods on Raw Silk Quality. Published in the African Journal of Applied Human Sciences. Vol.1, Number 1. 2009. pp 4-8.
8. Zhou C.Z., Confalonieri F., Medina N., Zivanovic Y., Esnault C., Yang T., Jacquet M., Janin J., Duguet M., Perasso R. Fine organization of Bombyx mori fibroin heavy chain gene. Nucleic Acid Res. 28,2000: 2413-2419.
9. Zhang J., Du S., Kafi A., Fox B., Li J.L., Liu X.Y., Rajkhowaa R., Wang X.G. Surface energy of silk fibroin and mechanical properties of silk cocoon composites. 2015. RSC Adv., 5, 1640–1647.
10. Safarov J.E., Sultanova Sh.A., Erkinov D.D. Methods primary processing of cocoons silkworm. 11th International Scientific and Practical Conference “Science and Society”. – London, 2018. P.14-19.
11. Safarov J.E., Sultanova Sh.A., Dadayev G.T., Samandarov D.I. Method for the primary processing of silkworm cocoons (Bombyx mori). International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (Scopus). Volume-9, Issue-1, November, 2019. P.4562-4565.
12. Safarov J.E., Sultanova Sh.A., Dadayev G.T., Samandarov D.I. Effects of elastic waves in the primary processing of silkworm cocoons. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (Scopus). Volume-9, Issue-2, December, 2019. P.653-655.
13. Safarov J.E., Sultanova Sh.A., Samandarov D.I. Method for primary processing of here silkworm cocoons by using infrared radiation and elastic waves. // Technical science and innovation. – Tashkent, Vol.2019:Iss.1. P.30-35.

Н.Б. Абдурахманов,
катта ўқитувчи
Тошкент давлат техника университети,
А.Ш. Болтеев
магистр
Тошкент давлат техника университети

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИНING УНИФИКАЦИЯЛАНГАН ҚЎЗҒАЛУВЧАН СЕКЦИЯСИ ЮРИТМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Юқори тезликдаги ишқаланиш ва пахта териш машинасининг замонавийлаштирилган ажраткич чўткалари ейилишини ўрганиш. Юқори тезликдаги ишқаланиш остида чўткаларнинг ейилишидирилиши интенсивлигининг контакт ўзаро таъсир вақтига боғлиқлигини аниқлаш. Ейилиши тезлигининг ишқаланиш коэффициентини ўзгаришига боғлиқликларни аниқлаш.

Калим сўзлар: пахта териш аппарати ажраткичининг чўткалари, териш аппарати, юқори тезликда ишқаланиш, ажраткичларни ростлаш, ейилиш, ишқаланиш коэффициенти, вертикал шпиндел, планка.

Тошкент давлат техника университети, Ер усти транспорт тизимлари кафедрасида олиб борилган илмий тадқиқотлар пахта териш машиналарининг, териш аппарати деталларини ишончилигини ўрганишга қаратилган. Бу ўрганишлар натижасида териш аппарати деталларининг ишдан чиқиш натижалари куйидаги жадвалда келтирилган [1]. Тадқиқот таҳлили шуни кўрсатдики, чўткали ажраткичнинг ишдан чиқиш кўрсаткичлари бошқа қисмларга қараганда анча юқорида туради. Ажраткич деталлари орасида чўткали планканинг ишдан чиқиш кўрсаткичи бошқа деталларга қараганда юқори ўринда турибди (1-жадвал).

1-жадвал


Ажраткич қисмлари ишдан чиқиши

Ажраткич деталлари	Деталлари ишдан чиқиши, %
Чўткали планка	17,2
Сепараторлар	10,6
Подшипник корпуси	4,9
Юритувчи шестерна	4,9
Юқори таянч подшипниклар	1,6
Пастки таянч подшипниклар	13,1
Резина втулка	16,4
Чўтка қопқоғи	4,8
Бошқалар	26,5

Ажраткичларнинг асосий камчилиги шундаки, чўткаларнинг ейилиши ва иш жараёнида буни қўлда ростлаб туришдир. Ростлаш бир мавсум давомида бир неча марта қўлда бажарилади. Икки қаторли пахта териш машиналариларда ўн иккита ажраткичлар бўлиб, ҳар биттасини ростлаш учун анча вақт талаб қилинади. Бундан ташқари ажраткичларни қўлда ростлаш бутун териш аппаратининг юритмасини очиқ ҳолда механик учун қулай бўлишини талаб қилади. Шунинг учун пахта териш аппарати ажраткичларининг иш ресурсини ошириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир.


Ишнинг мазмуни. Ажраткич чўткаси бутун юзаси орқали шпиндел юзасидан пахтани ажратиб олишда бевосита таъсирлашиш жараёнида шпиндел подшипниклари, ажраткич валида ва чўткаларда катта кучланишлар пайдо бўлади, бу эса деталларнинг ейилиши,

синиши, ишдан чиқиши каби ҳолатлари пайдо бўлиб ва машина агротехник кўрсаткичларининг кескин пасайишига сабаб бўлади. Баъзи ҳолларда бу кучланишлар ажраткич планкаларининг деформацияланиши ва ишдан чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун олиб борилаётган тадқиқотимизда пахта териш машиналарининг териш аппарати юритмасини ёпиқ юритма, яъни яхлит редуктор сифатида лойиҳалаш ва иш ресурсини ошириш учун такомиллашган ажраткич конструкцияси таклиф қилиняпти. Такомиллашган ажраткичда чўткали планкалар винтсимон юза бўйлаб жойлашган. Бунда ажраткич ҳар бир чўткали планкаси шпинделга бутун юзасининг 1/3 қисми билан таъсир қилади. Натижада момент ва таъсирлашиш кучлари 1,5 ...2 марта камаяди.



1-расм. Чўткали планкалари винтсимон жойлашган ажраткич

Иш жараёнида ажраткич чўткаси узунлигининг ва учдан икки қисми ёйилилганда ажраткичлар фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келади. Планкалари винтсимон жойлашган ажраткичдан бир мавсум (240 соат) давомида ишлай олишини кафедра илмий тадқиқот ишларида аниқланган [2].



2-расм. Такомиллашган териш аппарати юритмаси кинематик схемаси

Планкалари винтсимон жойлашган ажраткичларни қўллаш билан бир мавсум давомида ажраткичларни ростламасдан ишлаш имконини беради. Натижада бу турдаги ажраткичлардан фойдаланиш териш аппарати юритмасини ёпиқ яхлит редуктор сифатида лойиҳалашни талаб қилади. Чунки териш аппарати юритмаларининг очик ҳолда бўлиши уларнинг доимий ростланиб туриш масалаларидан бири эди. Биз таклиф этаётган такомиллашган териш аппарати юритмаси схемаси куйидаги расмда келтирилган.

Бу юритма куйидагича ишлайди. Тракторнинг кувват олиш валидан буровчи момент конуссимон тишли узатмага, ундан 90° га бурилиб шпиндели барабан тишли ғилдирагига ва жуфт шестерня орқали ажраткич шестерняларига узатилади. Айланаётган барабанда шпиндел иш зонасида ташқи қўзғалмас понасимон тасмалар бўйлаб ишқаланиб айланиши натижасида барабан йўналишига тескари айланиб очилган пахтани ўзига ўраб олади. Барабан айланишида шпинделни иш зонасидан ажратиш зонасига олиб боради. У ерда шпиндел ички томондан қўйилган понасимон тасмалар бўйлаб айланиб айланиши йўналишини ўзгартиради ва пахтанинг асосий қисми инерция кучлари таъсирида ечилади. Ажраткич чўткалари шпиндел тишларига 1-1,5 мм гача кириб турганлиги сабабли, пахта толаларини шпинделлардан ажратиб олиб қабул камерасига ташлайди ва шу билан бирга шпиндел тишларини тозалайди.

Мавсум сўнггида териш аппаратидан шпинделли барабан ва ажраткичлар ечиб олиниб тозаланиб, тамирланиб қайта жойига ўрнатилади ва бунга редукторларни улаш муфтаси ажратишга ёрдам беради.

Бу ишланмани Республикамизда ишлаб чиқарилаётган пахта тариш машиналарида фойдаланиш иш унумдорлигининг ва ишлаш ресурсининг ошишига, шу билан бирга титраш ва шовқинсиз ишлаш имкони яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Парпиев Б. Х. Модернизация конструкции и обоснование параметров съемника вертикально-шпиндельной хлопкоуборочной машины. Диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук, Т., 1994, 144 б.

2. А.Д.Абдазимов, А.С.Садриддинов, А.Р.Тулаев. Фазовое дискретное моделирование процессов уборочных аппаратов при управляемом движении хлопковых коробочек. Т., 2011, 288 б.

Мамаджонова Н.А.

Тошкент давлат аграр университети

Андижон филиали

ҚЎШИМЧА МАҚБУЛ ТУПРОҚ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ ЎСИБ РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛ ТЎПЛАШИ

Аннотация. Ресурстежамкор технология сифатида тупроққа ноанъанавий агрорудаларни қўллаш натижасида, тупроқнинг агрофизик ҳамда агрохимёвий хоссаларининг яхшиланишига эришилган. Пахтадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришида ноанъанавий агрорудаларни қўллаб, сув ва маъданли ўғит ресурсларини тежаш агротадбирларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Калим сўз: ноанъанавий агроруда (бентонит), агрофизик ва агрохимёвий жараёнлар, тупроқ, ғўзанинг гуллаши, мева органлари, иқлим.

Пахтачиликда ер, сув ва табиий ресурслардан тежамли, оқилона ва самарали фойдаланиш ҳисобига пахтадан мўл ва сифатли, арзон, рақобатбардош, жахон андозалари талабига жавоб берадиган пахта ҳосили етиштиришни таъминлай оладиган ресурстежамкор янги агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарурати юзага келган.

С.Х.Юлдашев, Г.А.Иброхимов [1989 й] ларнинг изланишларни кўрсатишича ғўзани мақбул ўсиб, ривожланиши ва юқори ҳосил тўплаши аввало ниҳолларни бир текис ундириб

олишга, бу эса экиш муддатларига, схема ва кўчат қалинликларига боғлиқлиги кўпгина тадқиқотларда исботланган. Ниҳоллар далада бир текис жойлашган бўлса, озиқа унсурларини ва сувни истемолини яхшилайти. Кўчат қалинликлари ортган сари ҳосил шохларини жойланиш ўлчами қисқариб боради.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқотда кузатув ва таҳлиллар ЎзПИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” асосида, тажриба вариантларида тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларини ўрганиш “Тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш” услубий қўлланмаси бўйича, олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг “Дала тажрибалари услублари” услуби ёрдамида математик-статистик таҳлил Microsoft Excel компьютер дастури асосида амалга оширилган.

Натижалар. Ғўза парваришида арзон ва сифатли маҳсулот етиштиришда муҳим озиқа қийматига эга бўлган, маъданли ўғитлар самарадорлигини оширувчи маҳаллий ва янги маъданли ўғитлар, ноанъанавий агрорудалар, турли компостлар, аҳоли чиқиндилари, биогумус, ўсимлик қолдиқлари ва сидерат (кўк ўт) лардан фойдаланишнинг ҳар хил усуллари тадқиқотчилар С.Болтабоев (2018), Д.Тунгушева (2006) лар томонидан ишлаб чиқилган.

Ғўзани шоналаш даврида маъдан ўғитларни NPK 150-105-75 кг/га меъёрларига (ҳар йили) 750 кг/га бентонит қўшиб озиклантирилган ёки ҳайдов олдидан маъдан ўғитларни юқорида таъкидланган меъёрларига (3йилда) гектарига 6000 кг бентонит солинган вариантларда суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда Андижон-37 ва Султон ғўза навларининг ўсиб ривожланишига турлича таъсири кузатилди. Тадқиқот жараёнида ўтказилган биринчи кузатув маълумотларини (1-жадвал) кўрсатишича, назорат вариантлардаги (1 ва 4, 7 ва 10 вар.) ўсимликлар ниҳоятда суст ўсиб ривожланди. Қолаверса, чигит суви баҳор ёғинларини оқибатида ҳосил бўлган қатқалоқларни салбий таъсири натижасида ҳам ғўза ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади.

Уч йилда бир ҳайдов олдидан 6000 кг дан бентонит солинган вариантларда эса, тупроқ зичлиги, ғоваклиги йилдан йилга яхшиланиб борганлиги ва тупроқ таркибини озик моддалар билан бойиб бориши натижасида, ўсимликларнинг жадал ўсиши ва ривожланиши учун қулай тупроқ шароити вужудга келди. Айниқса микрооробиологик жараёнларни кучайиши оқибатида ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган озик моддалар кўпайиб борган. Айниқса, бу жараёнларнинг юқори самарали таъсири 2015 йилги тажрибада аниқ намоён бўлиб, ғўза навларининг жадал ўсиб ривожланиши натижасида барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори натижалар олинди. Бу эса ўртача 3 йиллик натижаларда ҳам акс этди. Масалан, шу вариантлардаги (3 ва 6, 9 ва 12 вар.) эрта ва бақувват униб чиққан ғўза ниҳоллари ўсимликлари 1 июнь кунги кузатувларда ўртача 3 йилда 15,9 вв 15,6 см, 15,6 ва 16,1 см ни ташкил қилиб, ҳали 750 кг/га бентонит қўлланилмаган вариантларга (2 ва 5, 8 ва 11 вар.) нисбатан ўртача 3 йилда 2,9 ва 2,4 см, 2,5 ва 3,1см, маъдан ўғитларни NPK 200-140-100 кг/га меъёрларида озиклантирилган назорат вариантларига (1 ва 4, 7 ва 10 вар.) нисбатан ўртача 3 йилда 3,4 ва 3,0 см, 3,0 ва 3,1 см баландроқ ўсиб ривожланди. Қолаверса, пушталарда тупроқнинг меҳник таркиби ғўза учун нисбатан қулай ҳолатда сақланганлиги, намлик билан таъминланиш даражаси ҳам мақбул бўлганлиги сабабли бу вариантлардаги ғўзанинг бўйи назорат вариантларга нисбатан 3,0-3,2 см га баланд ва чин барглари сони 2,1-2,3 донага кўп бўлди (1-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда, чигитлар ҳайдов олдидан маъдан ўғитлар 25% миқдорда кам қўлланилиб 6000 кг солинган бентонитнинг ижобий таъсирида (3 ва 6, 9 ва 12 вар.) ўсимликлар тупроқ ва ҳаёт омилларидан юқори даражада фойдаланганлиги сабабли 750 кг/га бентонит ҳали қўлланилмаган (2 ва 5, 8 ва 11 вар.) ва маъдан ўғитларни NPK 200-140-100 кг/га меъёрларида озиклантирилган назорат вариантларига (1 ва 4, 7 ва 10 вар.) нисбатан ўсимликларни ўсиб ривожланиши 3-4 кунга тезлашди. Маъдан ўғитлар NPK 150-105-75 кг/га меъёрларида ғўзани шоналаш даврида гектарига 750 кг бентонит қўшиб озиклантирилган вариантларда (2 ва 5, 8 ва 11 вар) бентонитнинг таъсири кейинги айниқса кўсаклаш даврларида

якқол сезилди. Ўсиш ва ривожланишнинг дастлабки босқичларида ҳар иккала (Андижон-37 ва Султон) ғўза навларининг ўсиши ва ҳосилга кириш жараёни деярли бир хил тартибда кечди.

1-жадвал

Бентонитни Андижон-37 ва Султон ғўза навларининг ўсиши ва ривожланишига таъсири, ўртача 3 йиллик.

Вар.№	Июнь		Июль			Август			
	Бўйи, см	Чин барги, дона	Бош поя баландлиги, см	Ҳосил шоҳи, дона	Шонаси, дона	Бош поя баландлиги, см	Ҳосил шоҳи, дона	Ҳосил элемент, дона	Кўсаги, дона
1	12,5	3,5	51,6	6,0	8,1	87,1	11,2	10,5	6,6
2	13,0	3,9	53,2	6,3	8,4	90,0	11,7	11,6	6,8
3	15,9	5,2	58,8	7,3	10,3	94,6	12,6	12,54	7,5
4	12,6	3,6	50,8	5,9	8,6	86,3	11,4	10,9	6,6
5	13,2	3,9	53,2	6,3	9,1	89,9	12,4	12,2	6,9
6	15,6	5,4	59,8	7,1	11,0	93,9	13,4	13,3	7,6
7	12,6	3,6	52,0	7,3	9,5	96,1	12,4	12,7	6,8
8	13,1	3,6	54,3	7,4	9,9	97,8	13,1	13,4	7,6
9	15,6	5,6	61,5	8,3	12,6	100,6	14,3	14,7	6,8
10	13,0	4,1	51,7	6,9	10,2	97,6	12,5	12,3	7,6
11	13,1	3,9	54,1	7,9	11,6	98,3	13,1	13,6	7,9
12	16,1	5,5	61,7	8,6	13,7	102,4	14,8	14,5	8,3

Ҳайдов олдида маъдан ўғитларни 25% кам қўлланилган ва гектарига 6000 кг бентонит солинган ҳамда ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % суғориш тартибида суғорилган вариантларда (9 ва 12) ғўза навлари ўртача 3 йилда 61,5 ва 61,7 см бош поя баландлигига эга бўлиб, 8,3 ва 8,6 дона ҳосил шоҳи, 12,6 ва 13,7 дона шоналар шаклланди (1-жадвал).

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар иккала ғўза навлари ўсиш ва ривожланишда деярли бир хил бўйга эга бўлган бўсада, Андижон-37 ғўза навида шоналарнинг шаклланиши Султон ғўза навига нисбатан 1,1 донага кам бўлганлиги кузатилди.

Демак, бентонитнинг ижобий хусусиятлари ҳисобига маъдан ўғитларни NPK 200-140-100 кг/га меъёрларида озиклантирилган назорат вариантларга (7 ва 10) нисбатан ғўза навларининг бош поя баландлиги 7,2-10,0 см баландроқ, ҳосил шоҳи ва шоналари тегишли равишда 2,2-3,5 донага кўпроқ шаклланиши таъминланди.

Шу суғориш тартибидаги ғўза навлари шоналаш даврида маъдан ўғитларни NPK 150-105-75 кг/га меъёрларига 750 кг/га бентонит қўшиб озиклантирилган вариантларда ҳам шунга ўхшаш натижалар қайд қилинган бўлсада, ғўза навларининг 3 йилдаги ўртача бош поя баландлиги 54,3 ва 54,1 см ни ташкил этиб, 7,4 ва 7,9 дона ҳосил шоҳида 9,9 ва 11,6 дона шоналар шаклланиши таъминланган. Демак, 750 кг бентонитнинг қатор ораларига қўшимча қўллашнинг ижобий хусусиятлари натижасида вужудга келган тупроқ мухотида Андижон-37 ғўза навининг бош поя баландлиги маъдан ўғитларни NPK 200-140-100 кг/га меъёрларида озиклантирилган ўзининг назорат вариантыга нисбатан (7 вар.) 2,3 см, Султон ғўза навининг бош поя баландлиги ўзининг назорат вариантыга нисбатан (10 вар.) 2,4 см баландроқ, Андижон-37 ғўза навининг ҳосил шоҳи ва шонаси ўзининг назорат вариант билан деярли тенг, Султон ғўза навида ҳосил шоҳи ва шонаси 1,0 ва 1,4 донага кўпроқ шаклланиши таъминланди.

ЧДНС га нисбатан 60-70-60 % суғориш тартибида, маъдан ўғитларни NPK 200-140-100 кг/га меъёрларида озиклантирилган назорат вариантларида (1 ва 4 вар.) парвариш қилинган Андижон-37 ва Султон ғўза навларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосил олиши бўйича кўрсаткичларининг бентонит қўлланилган вариантларга нисбатан сезиларли пастиги кузатилди. Чунки, бу вариантларда чигитнинг ердан униб чиқиши секин ва кечроқ униб чиқиш ҳисобига 5-6 кун кеч ривожланади. Натижада, бу кузатув муддатида ғўзанинг барча

кўрсаткичлари бўйича бошқа вариантларга нисбатан пастроқ маълумотлар олинди. Назорат вариантларда, ғўза навлари шоналаш даврида маъдан ўғитларни NPK 150-105-75 кг/га меъёрларида 750 кг/га бентонит қўшиб озиклантирилган ва ҳайдов олдидадан йиллик меъёри 25% камайтирилган маъдан ўғитларга қўшимча гектарига 6000 кг бентонит солинган барча вариантларда ЧДНС га нисбатан 70-70-60% суғориш тартибида суғорилган вариантларга нисбатан кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилди. Чунки, бу суғориш тартибида белгиланган 60% тупроқ намлигининг чекланган дала нам сиғимида биринчи сув муддати 60-65 кунда қўйилганлиги ва ғўза навларини гуллашгача бўлган тупроқ намлигини чекланганлиги сабабли бентонитнинг иккала меъёрларида ҳам уларнинг ижобий хусусиятлари тўла юзага чиқмаганлиги кузатилди. Ғўза навларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосил олиши бўйича 1 август кузатув маълумотларига қараганда, бош поянинг баландлиги бўйича вариантлар аро сезиларли фарқлар кузатилди. Масалан маъдан ўғитларни NPK 200-140-100 кг/га меъёрларида озиклантирилган ҳамда ЧДНС га нисбатан 70-70-60% суғориш тартибида суғорилган назорат вариантларда (7 ва 10 вар.) парвариш қилинган Андижон-37 ва Султон ғўза навларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосил олиши бўйича кўрсаткичларининг бентонит қўлланилган вариантларга нисбатан сезиларли пастлиги кузатилиб, ўсимликларини бош поя баландлиги ўртача 3 йилда 96,5 ва 97,6 см ни ташкил этган бўлса, ғўзанинг шоналаш даврида NPK 150-105-75 кг/га ўғит меъёрларида гектарига 750 кг бентонит қўшиб озиклантирилган ёки ҳайдов олдидадан маъдан ўғитларга қўшимча гектарига 6000 кг бентонит солинган вариантлардаги (8 ва 11; 9 ва 12 вар.) ўсимликлар бентонитнинг ижобий хусусиятлари таъсирида тез ўсиб ривожланди ва бош поя баландлиги тегишли равишда Андижон-37 навида 97,8 ва 100,6; Султон навида 98,3 ва 102,4 см ни ташкил этиб ўзининг назорат вариантларига нисбатан 1,7 ва 4,5 см, 0,7 ва 4,8 см га баланд ўсиб ривожланди.

Ғўза навларининг ўсиши ва ривожланишидаги бундай тафовутлар ҳосил шоҳлари, ҳосил элементлари ва қўсақларини шаклланишида ҳам акс этди. Айниқса ғўза навларини маъдан ўғитларни NPK 200-140-100 кг/га меъёрларида озиклантирилган назорат вариантларида (1 ва 4 вар.) ва ғўзанинг шоналаш даврида NPK 150-105-75 кг/га ўғит меъёрларида гектарига 750 кг бентонит қўшиб озиклантирилган ва ҳайдов олдидадан маъдан ўғитлар қўшимча гектарига 6000 кг бентонит солинган ҳамда ЧДНС га нисбатан 60-70-60 % суғориш тартибида суғорилган вариантларда (1-6 вар.) ҳосил шоҳлари ва ҳосил элементларини ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % суғориш тартибида суғорилган вариантларга нисбатан ўртача 3 йилда 1,2-2,5 донагача, қўсақларини 0,6-0,8 донагача камлиги кузатилди. Андижон-37 ва Султон ғўза навларини шоналаш даврида NPK 150-105-75 кг/га ўғит меъёрларида гектарига 750 кг бентонит қўшиб озиклантирилган ҳамда ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % суғориш тартибида суғорилган вариантларда иккала навда ҳам 13,1 донадан ҳосил шоҳлари, Андижон-35 навида 13,4 ва Султон навида 13,6 дона ҳосил элементлари, навларга тегишли равишда 7,6 ва 7,9 донадан қўсақлар шаклланди. Бу вариантларда ғўза навлари бўйича олинган кўрсаткичлар юқори бўлмасада, маъдан ўғитларни NPK 150-105-75 кг/га минимал меъёрларига гектарига 750 кг дан қатор ораларига қўшиб солинган бентонит тупроқ таркибидаги озик моддаларни кўпайтириши билан маъдан ўғитларни самарадорлигини ошишини таъминлади. Ҳайдов олдидадан маъдан ўғитларга қўшимча қўлланилган 6000 кг/га ҳисобида бентонит ҳамда ЧДНС га нисбатан 70-70-60% суғориш тартибида суғорилган вариантларда эса, бентонитнинг ижобий хусусиятлари тўла намоён бўлди дейишимиз мумкин. Бу вариантларда ғўза навларини ҳосили пишиш давригача 70 % чекланган дала нам сиғимида суғорилганлиги ва тупроқ 70 % намликда сақланганлиги боис бентонитнинг ижобий таъсирида тупроқнинг ҳажм массаси, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги каби физик хусусиятларини яхшиланганлиги, шунингдек, азотли, фосфорли ва калийли озик моддалар билан етарли даражада таъминланганлигидадир. Натижада, бу вариантлардаги ғўза навларининг ҳосил тўплаш жараёнлари бошқа вариантларга нисбатан юқори даражада бўлиб, мўл ва сифатли ҳосил тўплашга эришилди. Масалан, ҳайдов олдидадан маъдан ўғитларни йиллик меъёрларини 25% га камайтириб солинган ва гектарига 6000 кг бентонит кузги шудгор олдидадан солинган ҳамда шу суғориш тартибида суғорилган вариантлардаги Андижон-37

навида ўртача 3 йилда 14,3 ва Султон навида 14,8 донадан ҳосил шоҳлари, навларга тегишли равишда 14,7 ва 14,5 донадан ҳосил элементлари, 6,8 ва 8,3 донадан кўсақлар шаклланиб, ўзининг назорат вариантыга нисбатан Андижон-37 навида ҳосил шоҳи 1,9 донага, ҳосил элементлари ва кўсақлари 2,0 донага кўпайганлиги, Султон навида ҳосил шоҳи 2,3 донага, ҳосил элементлари ва кўсақлари 2,2 донага кўпайганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, тажрибада илк маротаба қўлланилган ғўзанинг шоналаш даврида NPK 150-105-75 кг/га ўғит меъёрларида (хар йили) гектарига 750 кг бентонит қўшиб озиклантирилган ёки ҳайдов олдиديدан таъкидланган маъдан ўғитлар меъёрига (3 йилда) гектарига 6000 кг бентонит солинган қўшимча агротадбирлар Андижон-37 ва Султон ғўза навларини ўсиш ва ривожланиши учун озика моддалар билан бойитилган, юқори унумдорликка эга бўлган мақбул тупроқ шароитини яратди. Шунингдек, ғўзанинг шоналаш даврида NPK 150-105-75 кг/га ўғит меъёрларида қўшимча гектарига 750 кг бентонит қўшиб озиклантирилган агротадбирлар, маъдан ўғитлар самарадорлигини 50-60% гача ошириб, юқори пахта ҳосили етиштириш мумкинлигини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услуги. ЎзПТИ. 2007йил.
2. Бобоев Ф. Тоштемиров А. Сув ва озика тартибларининг ғўза навлари ҳосилдорлигига таъсири. "Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигида сув ва ресурстежовчи агротехнологиялар". Халқаро илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. Тошкент, 2008.369-370 бет.
3. Жуманов Д., Мўминов К., Тоштемиров А. Сув ва ҳосил. "Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги" журнали. Тошкент, 2004. № 3, 23-24 бет.
4. Мамаджонова Н.А., Тухтасинова С. Морфо-биологические и агротехнические свойства перспективного сорта хлопчатника «Андижан-37» // V-ой Международной научно-практической конференции молодых учёных, посвящённые 25-летию ФГБНУ «Прикаспийский НИИ аридного земледелия» Приоритетные направления развития современной науки молодых учёных аграриев. 11-13 мая 2016 г. С. 291-293.
5. Мамаджонова Н.А., Исашов А. Ғўзаларни қўшимча сув ва ўғит билан таъминлашда агромаъдан бентонитдан фойдаланиш бўйича Фермерларга тавсиялар // Тавсиянома. – Тошкент, 2018. Б. 30.

Г.Ш.Урунбаева

к.с.х.н, доцент,

К.К.Аиуоров

Ассистент,

С.С.Ахмедов

Ассистент,

*Андижанского филиала Ташкентского
государственного аграрного университета*

ВЛИЯНИЕ РЕЖИМОВ ОРОШЕНИЯ НА РОСТ И РАЗВИТИЕ ПОВТОРНЫХ ПОСЕВОВ СОИ И ПОДСОЛНЕЧНИКА

Аннотация: Изучить потребность к воде и режимы орошения сортов сои "Арлета" и подсолнечника "Навруз" в почвенно-климатических условиях Республики Узбекистан в сопоставлении с раёнированным сортом сои "Орзу" и подсолнечника "Навруз".

Ключевые слова: соя, подсолнечник, повторный посев, светлый серозём, режим орошения, подземные воды, влажность почвы.

На сегодняшний день когда наблюдается глобальная потребность к воде, при выращивании и получении высококачественных сельскохозяйственных посевов особое

значение имеет режим орошения. Неполноценное и запоздалое орошение растений сельскохозяйственных посевов приводит к снижению урожайности и также отрицательно воздействует на качество урожая. Только при нормализации влажности почвы растение достигает ожидаемого роста и развития. Это достигается методом правильной организации режима орошения.

Цель исследования состоит в разработке ресурсосберегающих режимов орошения, обеспечивающих высокий рост и развитие повторных посевов сои и подсолнечника в различных почвенно-климатических условиях республики.

Исследования проводились в фермерском хозяйстве “Ал-Ашур-ал каромат” Жалакудукского района Андижанской области. Территориальная почва фермерского хозяйства светлосерозёмная, неоднородная, глубина подземных проточных вод составляет менее 15 м. По сведениям М.А.Панкова (1935), П.Н.Беседина и П.Сучкова (1939) издавна орошаемая светлосероземная почва составляет одну треть часть почвенных территорий Центральной Азии.

В исследовании были посеяны перспективные сорта сои и подсолнечника. Контрольный вариант сорта сои “Орзу” изучался в сопоставлении с сортом “Арлета”, сорт подсолнечника “Жахонгир” с сортом “Наврўз”. При выращивании этих посевов орошались пахотные слои почвы относительно ограниченной ёмкости влажности поля в режиме 65-65-60% и 75-75-70%. Орошения проводились в глубине слоев почвы 0-50 см и 0-70. Опыты состояли из 10 вариантов, в трёх повторях в расположении трёхъярусного рендомизиционного метода. Территория каждой делянки составляла 168 м².

Все наблюдения, анализы и измерения проведены на основе данных книг “Методика полевых опытов с хлопчатником” (1981), “Методы проведения полевых исследований” (2007) утверждённых Научно-исследовательским институтом селекции и семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Таблица 1

Система опыта

№	Виды и сорта повторных посевов	Влажность почвы до орошения относительно ограниченной ёмкости влажности поля в %	Пахотный(расчётный слой) почвы при орошении
1	Соя (Орзу)	Принятый в хозяйстве	Принятый в хозяйстве
2	Соя (Арлета)	65-65-60	0-50
3	Соя (Арлета)	75-75-65	0-50
4	Соя (Арлета)	65-65-60	0-70
5	Соя (Арлета)	75-75-65	0-70
6	Подсолнух (Жахонгир)	Принятый в хозяйстве	Принятый в хозяйстве
7	Подсолнух (Наврўз)	65-65-60	0-50
8	Подсолнух (Наврўз)	75-75-65	0-50
9	Подсолнух (Наврўз)	65-65-60	0-70
10	Подсолнух (Наврўз)	75-75-65	0-70

В полевых исследованиях сроки и нормы орошения определены по влажности почвы при повторных посевах. Перед каждым орошением из 0-10 см слоя до глубины 0-100 см были изъяты образцы почвы и определены по методу термостатных весов. Расход воды и чеполет на каждое орошение измерялись при помощи 900 угольного водоизмерителя Томсон.

На экспериментальном поле после сбора озимой пшеницы растение сои и подсолнечника были орошены на основе определённой влажности. Количество орошения каждого варианта в период всхождения и общее количество использованной воды в значительной степени отличались друг от друга. Влажность перед орошением сохранена на +2%.

Сроки и периоды между поливаниями, количество использованной воды, степень влажности почвы были определены перед каждым орошением которое проводилось в 0-50 и 0-70 пахотных слоях почвы, учитывая недостаточность влаги. Потребность влаги у каждого растения бывает различная и на этой основе развивается растение, а также это является основной функцией составной части почвы.

На опыте сорта повторных посевов сои и подсолнечника в 1- 2 вариантах на основе производственных методов орошены 2 раза по системе 1-1-0, на основе орошения при влажности почвы 65-65-60%, а 3-4 вариантах в пахотных слоях почвы 0-50 см и в 5-6 вариантах 0-70 см системой 1-1-1 три раза. В 7-8 вариантах с содержанием влаги относительно ограниченной ёмкости влажности поля 75-75-65% орошением пахотного слоя 0-50 см системой 1-2-1 4 раза, а в 9 варианте при этой же влажности но на основе трёх разового поливания пахотного слоя системой 1-1-1. Объём каждых данных оросительных вод составляе в 1- вариантах 112,3-1359,0 м²/га. В 3-4 вариантах 560,1 м²/га, 5-6 вариантах 397,9-368,5 м²/га, 7-8 вариантах 815,1-804,7 м²/га и в 9-10 вариантах 598,4-577,8 м²/га. Исползованная оросительная вода в течении сезона по вариантам соответственно общему режиму оросительных вод составляет на гектар 2842; 1761,4; 2277,3; 1311,7 и 1919,1 кубометров.

Дни между орошениями в соответствии с вышеуказанным состоянием равны 29; 16-22; 25; 15-19 и 19-28. Результаты полученные на основе орошения с учётом влажности почвы показывают, что возрастание количества орошений в малых нормах, относительно контрольного варианта (1-2) способствует уменьшению расхода воды по системе орошения от общего количества на гектар и сбережение воды достигает от 562 метр куб до 1170,3 метр куб. Эти нормы и режимы орошения благоприятно воздействуют на количество запасной влаги и нет необходимости использовать её в качестве оросительной влаги.

Период продолжительности развития сортов сои в фермерском хозяйстве. Развитие сортов сои приведено во 2 таблице. Время всхождения сортов «Орзу» и «Арлета» составляет 96 дней. В сортах сои «Арлета» относительно ОЁВП перед орошением в пахотном слое 0-50 см (скороспелость) созревает за 85 дней.

Таблица 2

Период продолжительности развития сортов сои, в днях.

№	Наименование сортов	Влажность почвы до орошения относительно ограниченной ёмкости влажности поля в %	слой, см	От посева до пер-вой зелени	От озеленения до цветения	От цветения до стручковатости	От стручковатости до спелости	В период всхож-дения
1	Орзу	В хозяйстве	0-50	12	24	26	34	96
2	Арлета	65-65-60	0-50	12	19	15	38	84
3	Арлета	75-75-65	0-70	12	18	21	39	90
4	Арлета	65-65-60	0-50	12	19	15	40	86
5	Арлета	75-75-65	0-70	12	19	18	38	87

Период продолжительности развития сортов подсолнуха в фермерском хозяйстве. Развитие сортов подсолнуха приведено в 3 таблице. Период роста составляет 85-100 дней, входит в звено среднеспелых сортов. Сорт подсолнуха «Навруз» относительно ОЁВП перед орошением в пахотном слое 0-50 см созревает за 85 дня, входит в звено скороспелых.

В изучаемом исследовании, высота стебля растения сортов сои измерялось с помощью учётной линейки в полевых условиях после всхождения 4 листа. После развития 4 листа высота стебля составляла от 8,9 см до 11,6 см. Сорт сои «Орзу» после орошения расчётно-пахотного слоя почвы фермерского хозяйства в 0-50 см, высота увеличилась на 11,6 см.

Морфология подсолнуха в наших исследованиях. Самый высокий рост стебля подсолнуха сорта «Жахонгир» наблюдался в принятом фермерским хозяйством расчётно-пахотном слое почвы в 0-50см составляло 162,0 см. Диаметр корзины растения в расчетном слое почвы 0-50 перед орошением относительно ОЁВП 65-65-60% составлял 20,5 см, диаметр стебля 2,2 см, количество листьев 22,5 штук, по длине поверхности листа 24,0 и ширине поверхности листа 18,9 см

Таблица 3

Период продолжительности развития сортов сои, в днях.

№	Наименования сортов	Влажность почвы до орошения относительно ограниченной ёмкости влажности поля	Слой, см	Период роста подсолнуха			
				От всхождения до бутонизации	От бутонизации до цветения	От цветения до спелости	От всхождения с семенем до спелости
1	Жахонгир	В хозяйстве	0-50	14	35	51	100
2	Навруз	65-65-60	0-50	10	31	44	85
3	Навруз	75-75-65	0-70	12	34	48	94
4	Навруз	65-65-60	0-50	12	24	52	87
5	Навруз	75-75-65	0-70	11	30	48	89

Сведения исследований показывают, что урожайность сортов сои составляет 19,5-24,5 ц/га. По вышеуказанным показателям урожайность сорта «Арлета» относительно ОЕВП 65-65-60% перед орошением расчетного слоя почвы в 0-50 см составляет 24,5 ц/га

Урожайность сортов сои

№	Наименования сортов	Влажность почвы до орошения относительно ограниченной ёмкости влажности поля	Слой, см	Урожайность
1	Орзу	В хозяйстве	0-50	23,1
2	Арлета	65-65-60	0-50	24,5
3	Арлета	75-75-65	0-70	20,7
4	Арлета	65-65-60	0-50	22,7
5	Арлета	75-75-65	0-70	19,5

Результаты вышеуказанных полевых исследований, а также анализы показателей урожайности растений показывают, что при повторном посеве сои и подсолнуха рекомендуется применение ресурсосберегающих методов орошения.

Здесь относительным способом от контрольного варианта (по агротехнике принятого в хозяйства) 29% и 28% или от каждого гектара территории сбережено 15230 м³ и 1443 м³ оросительной воды.

При повторном посеве сои в орошаемых площадях улучшились водно-физические свойства воды и в результате урожайность повысилась на 25% и с площади каждого гектара было получено 6,1 цт отборного зерна.

Список использованной литературы:

1. «Методы проведения полевых исследований» Ташкент-2007 йил.
2. Анарбаев И.У., Оролов Х. “Масляные посевы”. Журнал сельского хозяйства Узбекистана № 2. Ташкент 2009 г. 10-11 стр
3. Анарбаев И.У. “Перспективы выращивания масляных посевов в Узбекистане”.Сборник научно-практических статей республики Узбекистан «Новые агротехнологии по выращиванию масляных и волокнистых посевов и направленные на повышение их урожайности. Ташкент, 2009. 3-12 стр.
4. Абитов И.И. -Формирование урожая сорта “Орзу” в зависимости от норм азота. -Ж. Сельхоз хозяйственный журнал // № 8, 2014, 28 Стр.
5. Абитов И.И., Мусирманов Д. Э., Абдуллаев С.А. Сборник материалов научно-практической конференции «Значения и перспективы защиты растений» декабрь 2016 год ,Ташкент, 145 -148 стр.

*Vafoyev Safo To‘rayevich
dotsent*

*Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti,*

*Xolova Sarvinoz Oripovna
stajyor-o‘qituvchi*

*Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti*

QISHLOQ XO‘JALIGIDA EKINLARNI SUG‘ORISHNING TEJAMKOR TEKNOLOGIYASI

Annotatsiya. Maqolada qishloq xo‘jalik ekinlarini tuproq ostidan namlab sug‘orishning texnik va texnologik yechimlari keltirilgan bo‘lib, suv yordamida namlaydigan quvurning diametri, quvurni o‘rnatish chuqurligi va nishabligi, quvurlar orasidagi masofa, suvning bosim ko‘rsatkichlari dala tajriba sinovlari orqali aniqlanib, uni qo‘llash texnologiyasi berilgan.

Kalit so‘zlar: suv, sug‘orish, tuproq, namlik, zichlik, ekin, ildiz.

Jahon mamlakatlarining aksariyatida sug'oriladigan dehqonchilik maydonlarini kengaytirish imkoniyati suv resurslari va sug'orishga yaroqli yerlarning taqchilligi bilan chegaralanadi. Shu tufayli sug'orish texnika va texnologiyalarini takomillashtirish, sug'orish tizimlaridan foydalanish darajasini yaxshilash, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi samaradorligini oshirish talab etiladi. Shuningdek, suv resurslaridan yanada tejimli foydalanish, qishloq xo'jaligida foydalanilmayotgan yerlarni o'zlashtirish, suv resurslarini ko'paytirishga olib keluvchi suv manbalarini axtarish va ulardan foydalanish, atrof-muhitga suvning salbiy ta'sirining oldini olish kabi tadbirlarni ishlab chiqish alohida ahamiyatga ega. Hozirgi kunda jahondagi ko'pchilik mamlakatlarning ijtimoiy taraqqiyoti ushbu vazifalarni qanday darajada hal etilishiga bevosita bog'liq bo'lib qoldi.

Bugungi kunda qishloq xo'jalik ekinlarini zamonaviy suvni tejaydigan texnologiyalarni rivojlantirish, uni fermer xo'jaliklari va boshqa yer egalari o'rtasida keng targ'ibot qilish maqsadida har bir viloyat va tumanlarda mahalliy hokimliklar bilan hamkorlikda ko'rgazmali seminarlar o'tkazilib, unda suvni tejaydigan texnologiyalarning suv resurslarini tejash, hosildorlikning hamda hosil sifatining oshishidagi ahamiyati to'g'risida ma'ruzalar qilinib, ularni qurish hamda samarali ishlatish bo'yicha keng targ'ibot ishlari olib borilmoqda.

Hozirda qishloq xo'jalik ekinlarini sug'orishda quyidagi suvtejamkor texnologiyalar qo'llanilmoqda:

- plyonka ustidan jo'yaklab sug'orish;
- tomchilatib sug'orish;
- yomg'irlatib sug'orish.

Qishloq xo'jalik ekinlarini plyonka ustidan jo'yaklab sug'orishda, jo'yaklarga plyonka to'shab, uning tubidan ma'lum oraliqda teshiklar hosil qilinadi va shu teshiklardan jo'yakka berilgan suv o'tib, ekinlar sug'oriladi.

Bu usulning yutug'i shundaki, suv ancha miqdorda tejaladi va maydonda begona o'simliklarni o'sishini oldi olinadi.

Bu usulning kamchiligi qilib quyidagilarni ko'rsatish mumkin; plyonka va uni yoyishdagi xarajatlar hamda qisman bo'lsada suvning bug'lanishi.

Qishloq xo'jalik ekinlarini tomchilatib sug'orishda, ekin poyalari yoniga tuproq ustiga diametri 16...20 mm bo'lgan egiluvchan plastmassa quvurlari yotqiziladi, bu quvurlardan ma'lum oraliqda suv chiquvchi tyshik yoki yoriqlar hosil qilingan bo'ladi va ulardan suv tomchilab tushib, ekinlar sug'oriladi. Bunda suvga kimyoviy va mahalliy o'g'itlarning sharbatini aralashtirib berish ham mumkin.


Bu usulning yutug'i shundaki, suv ancha miqdorda tejaladi va sharbat berish hisobiga hosildorlik oshadi.

Bu usulning kamchiligi qilib quyidagilarni ko'rsatish mumkin:

- quvurni o'rnatish va yig'ib olishdagi xarajatlar;
- qisman bo'lsada suvning bug'lanishi;
- o'q ildizli hosil beruvchi ekinlarda samara bermasligi, bunda quvvat oluvchi ildizlar yuqoriga yonalib, ekin poyasining turg'unligini ta'minlab bermasligi;
- suv chiqaruvchi teshik yoki tirqishlarni bekiilib qolishi, ularni vaqti – vaqtida tozalab turish xarajatlari;
- agar suv tarkibida tuz bo'lib, sug'orish jazirama issiq kunlarda bo'lsa, suvning bug'lanishi hisobiga teshik va tirqishlarni tuz qoplab, bekitib qo'yishi.

Yerlarni sug'orishning tejamkor texnologiyalaridan yana biri biz taklif qilayotgan, o'simliklarni tuproq ostidan namlab sug'orish texnologiyasi bo'lib, bu texnologiya yuqoridagi sug'orish usullaridagi kamchiliklari bo'lmaga yangi texnologiyadir.

Bu texnologiyada ma'lum oraliq va chuqurliklarda plastmassa quvur 4 lar bir biriga ulangan holda maxsus transheya qazuvchi mashinalar yordamida yotqiziladi. Quvurning bir uchi markaziy suv tarqatgich 2 ga, suvni ochib yopuvchi moslama 3 orqali ulanadi, quvurning ikkinchi uchi tiqin 5 yoramida berkitiladi (1-rasm).



1-rasm. Tuproq ostidan namlab sug'orish sxemasi.

Markaziy suv tarqatgich novariq yoki quvur bo'lishi mumkin. Sug'oriladigan suv, kanal yoki ariqlardan olinib, maxsus idish 1 ga solinib, to'planadi va bu suvga meniral yoki mahalliy o'g'itlar aralashtirilib, sharbatli suv hosil qilinadi.


Hozirda ushbu usulda sug'orishni avtomatlashtirish texnologiyasi ishlab chiqilmoqda. Bunda namlagich kallaklariga maxsus namlikni o'lchovchi datchiklar o'rnatilib, ularni bir joydan boshqarish mumkin.

Yerlarni ushbu usulda sug'orish uchun ekiladigan maydonlardan ma'lum (60 yoki 120 sm) oraliqlarda chuqurligi 30...60 sm, eni 6...10 sm bo'lgan transheyalar qazilib, unga transheya eniga mos plastmassali quvur 1 lar yotqizilib, ko'miladi (2-rasm).

Agar paxta maydonlari sug'oriladigan bo'lsa, paxta qator oraliqlari 60 sm bo'lganda quvurlar orasidagi masofa 120 sm, qator oralig'i 90 sm bo'lsa quvurlar oralig'i 90 sm bo'lishi kerak.

O'simliklarning bir necha bor sug'orilishi natijasida suvning tarkibidagi qum va boshqa minerallar namlagich quvurlarining ostiga cho'kindi 2 bo'lib, o'tiradi. Ayniqsa Amudaryodan (suv tarkibida qumning miqdori ko'p bo'ladi) suv olib sug'oriladigan maydonlarda cho'kindi miqdori yuqori bo'ladi. Ushbu cho'kindini quvur tiqinini olib yuvib chiqariladi va undan o'g'it sifatida foydalanish mumkin.

Maydonlarni tuproq ostidan sug'orish tuproqning namligi me'yor darajasiga yetkuncha olib boriladi (buni tuproq ustki qatlamini kuzatish orqali aniqlash mumkin) va suv maxsus suvni ochib yopuvchi moslama orqali navbatma - navbat berkitiladi. Namlash zarur bo'lganda yana ochiladi.



2-rasm. Namlagichning o'rnashish sxemasi: a – namlovchi quvurning ko'ndalang kesimi; b - namlovchining bo'ylama kesimi; 1- namlovchi quvur; 2- namlagichlar.

Ushbu usulda sug'orish, jo'yaklab sug'orish usuliga nisbatan suv miqdorini 6...8 marta kam sarflanishiga olib keladi.

Maqbul sug'orish va oziqlanish hisobiga hosildorlik 30...40 % gacha oshishishiga olib keladi.

Bu texnologiyani amalda sinab ko'rish uchun tomarqa xo'jaligidan eni 5 m, uzunligi 20 m bo'lgan 100 m² yer maydoni olib, unga diametri 100 mm, bo'lgan ikkita plasmassali parallel quvurlar, ularga mas ravishda qazilgan, chuqurligi 50 sm va eni 12 sm li xandak larga joylashtirildi .

Ekinlarni sug'orish uchun suv ariqdan olinib, suv idishi 1 ga quyiladi va unga mineral yoki mahalliy o'g'itlar aralashtirilib, sharbatli suv hosil qilinadi. Tajriba o'tkazilgan maydondagi tuproqning tabiiy namligi $W_t = 12\%$ ni tashkil qildi. Tajriba o'tkaziladigan maydonning yuzasi $S = 100 \text{ m}^2$ ni, sug'orish chuqurligi $h = 0,5 \text{ m}$, sug'orish namligi $W_s = 20\%$ deb olsak, sug'orishga sarflanadigan suvning hajmini quyidagi formula yordamida aniqlash mumkin:

$$V_{ss} = \frac{W_s - W_t}{W_s} \cdot V_m = \frac{W_s - W_t}{W_s} \cdot S \cdot h = \frac{20 - 12}{20} \cdot 100 \cdot 0,5 = 20 \text{ m}^3$$

Tajriba o'tkazilganda bu suvning miqdori $25m^3$ ni tashkil qildi. Bundan ko'rinadiki, suv miqdori oshgan, bunga sabab, erkin tushish tezlanishining ta'sirida suv quvur ostiga ham shimilishidir.

Hozirda bu texnologiyani qo'llab, shu maydonga ekin ekib, undan qancha hosil olish mumkinligi aniqlash bo'yicha tajribalar rejalashtirilmoqda.

Agar tavsiya etilayotgan texnologiya hayotga tadbiq etilsa, quyidagi natijalarga erishiladi:

- o'simliklarni tuproq ostidan namlab sug'orish usulida mavsumiy sug'orish me'vori kamayadi, suvda yaxshi eruvchan ma'daniy hamda mineral o'g'itlarning isrof bo'lishi, zovur va kollektorlarga yuvilishining oldi olinadi;

- suv resurslari 4...5 martagacha tejaladi;

- tuproq namligining barqarorligini avtomatlashtirilganligi, suvni tejashga hamda yerlarning sho'rlanishini oldini olishga sabab bo'ladi;

- texnika vositalar yordamida o'simliklarga ishlov berish hamda yoqilg'i-moylash materiallariga bo'lgan sarf-xarajatlari keskin kamayadi;

- sug'orish texnikasi va texnologiyasi takomillashadi;

- yerdan foydalanish koeffitsienti ortadi;

- sug'orishda mexnat unumdorligi ancha ortadi;

- o'q ariqlar olish va ularni buzish, jo'yaklarning boshini har xil materiallar bilan qoplash, va boshqa ortiqcha ishlar bajarilmaydi;

- ekin qator oralarining qotib qolishi hamda ularga ishlov berish soni keskin kamayadi;

- tuproq ostidan namlab sug'orish jarayonida suvga sharbat aralashtirish orqali ekinlar hosildorligining oshirilishi kafolatlanadi;

- atrof-muhit ifloslanishi hamda yerlarning sho'rlanish darajasi keskin kamayadi;

- qo'llash sohasi oddiy bo'lganligi uchun har qanday fermer mustaqil ishlatish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Olib borilgan tadqiqot natijalariga asosan, bu usul qishloq xo'jalik ekinlarini sug'orishda tuproq namligining barqarorligini avtomatlashtirilganligi, suvni 4...5 barobar tejaydi hamda yerlarning sho'rlanishini oldini olishga sabab bo'ladi; texnika vositalar yordamida o'simliklarga ishlov berish hamda yoqilg'i-moylash materiallariga bo'lgan sarf-xarajatlari keskin kamaytiradi; yerdan foydalanish koeffitsienti ortadi; ekin qator oralarining qotib qolishi hamda ularga ishlov berish soni keskin kamayadi; suvga sharbat aralashtirish orqali ekinlar hosildorligining oshirilishi kafolatlanadi; atrof-muhit ifloslanishi hamda yerlarning sho'rlanish darajasi keskin kamayadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Vafoyev S.T. Melioratsiya mashinalari. .-T. (Darslik), «Fan va texno-logiya», 2013, 304 b.

2. Мусурманов Р.К., Имомов Ш.Ж., Вохидов Э., Вафоев Р.С. Ўсимликларни тупроқ остидан суғориш усули. VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика Ярмаркаси:-Тошкент -2015.

3. Мусурманов Р.К., Даулетов Н.К., Вафоев Р.С. Қишлоқ хўжалиги екинларини ер остидан суғоришнинг янги технологияси. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали.-Тошкент, 2016. -.№ 9.-Б. 54.

Набиева Г.М.

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека,

Гафурова Л.А.

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ДЕГРАДИРОВАННЫХ ПАСТБИЩНЫХ ПОЧВ

Аннотация. В статье приводятся совершенствованные технологии по повышению всхожести, прорастаемости и выживаемости пустынных и полупустынных пастбищных

семян. При использовании биопрепаратов, стимуляторов, дражирование семян и использование гидрогеля заметно улучшилась урожайность сено в контрольном варианте составил 8,7-11,7 ц/га, а в опытных вариантах составила 9-13,5 ц/га. Разница между выходом проросших семян между контрольным и опытными вариантами составила 0,02-0,11 ц/га.

Ключевые слова. Пастбища, деградированные почвы, стимулятор, дражирование, гидрогель, кормовые растения, всхожесть, выживаемость.

Проблема деградации земель является актуальной и вопросы сохранения и воспроизводства их плодородия приоритетны для различных природно-экологических регионов аридной зоны. Урожайность кормовых растений низка и резко колеблется по годам в зависимости от метеорологических и почвенных условий. Она также сильно колеблется в течение года, снижаясь к зиме в 2,5 раза. При этом изменяется состояние почвенного покрова, соответственно и химический состав, питательная ценность кормов. В этой связи возникает необходимость оптимизации элементов плодородия почвы и улучшения продуктивности естественных кормовых угодий аридной зоны.


Сообразно большим объемам аридных пастбищ Узбекистана восстановлению и улучшению подлежат миллионы гектаров, для реализации которых потребность в семенах измеряется тысячами тонн. Учитывая о пастбищных проблемах Президентом РУз был подписан Закон «О пастбищах» от 20.05.2019 г. № ЗРУ-538. Целью настоящего Закона является регулирование отношений в области использования и охраны пастбищ. Вместе с тем, семена пустынных кормовых растений отличаются рядом специфических биологических и физико-механических свойств, усложняющих проблему улучшения пастбищ (Алексеев Е.К [1; с.205], Амелин.И.С [2; с. 49, 3; с. 4-36, 4; с. 107], Байиров С.М [5; с.80, 6; 83], Махмудов М.М и др. [7; с. 190, 8; с. 34]. Экстремальные, стрессовые условия аридной зоны (недостаток влаги, бедность почв элементами питания, высокие температуры воздуха, суточные температурные перепады и др.) не благоприятствуют выращиванию качественных семян. Семена отличаются низкой всхожестью (особенно полевой - порой до 10 % и ниже). Естественно такие семена имеют слабую динамику роста и слабую выживаемость. Сказанное остро ставит проблему актуальности научных исследований по стимуляции биолого-агротехнических свойств семян различными (биологическими, электрическими, тепловыми, механическими, комплексными) методами М.Т. Ташболтаев и др. [10], Мухаммадиев А.М[9].

В целях повышения продуктивности пастбищ путем улучшения почвенных характеристик и увеличения всхожести, выживаемости, роста и развития пастбищных растений нами были заложены лабораторные и полевые опыты. В лабораторных условиях были изучены всхожесть и выживаемость семян саксаула, терескена, чагона, астрагала, житняка и изеня путем использования технологий обработки (замочки) семян биопрепаратами «Триходермин» и «Микроустиргич», стимулированием семян НЭР (низкочастотный-электромагнитный резонатор) и УФО (ультра - фиолетовое облучение). Обработка семян растений была проведена в лабораторных условиях путем замочки семян биопрепаратами в течении 6 часов. Стимулирование семян НЭР - УФО проводилось в течение 15 минут и 20 минут. Контролем служили необработанные семена.

Семена дикорастущих кормовых растений, произрастающих в пустыне и полупустыне, часто отличаются низкой всхожестью и растянутыми сроками прорастания. Поэтому изучение лабораторной и полевой всхожести семян с целью повышения их посевных качеств имеет большое значение при введении в культуру дикорастущих кормовых растений. Наиболее оптимальным для прорастания семян в условиях лаборатории оказался НЭР и УФО (20 мин), при котором период прорастания семян длился 11-12 дней, и лабораторная всхожесть изучаемых видов составляет в среднем 22% (рис.1.).

При обработке электростимуляторами НЭР и УФО в течении 15 и 20 мин. средняя длина стебля составляло от 7,8-8 см, а средняя длина корня от 3 до 4 см, при обработке с биостимуляторами «Триходермин» и «Микроустиргич» средняя длина стебля составляла от 5,3 до 7,8 см, а корня от 1,4 до 3 см. т.е. на 2 см больше по сравнению с контролем (1,1-5см).

Следует отметить, что наибольшее прорастание семян житняка наблюдалось при обработке НЭР и УФО в течении 20 мин., а оптимальный рост семян –при обработке НЭР и УФО в течении 15 мин. и биопрепаратом «Микроустиргич» (рисунок 1.).



При использовании био-и электростимуляторов в лабораторных условиях, заметно улучшена всхожесть пастбищных семян растений (изень, саксаул, чогон, черкез, камфоросма, черный саксаул, терескен). Установлено увеличение всхожести в среднем на 22 % по сравнению с контролем (без обработки семян), что является дополнительным резервом увеличения продуктивности семеноводческих посевов на деградированных почвах пустынных и полупустынных пастбищ, когда всхожесть семян в естественных условиях аридной зоны составляет в среднем 3-5% и варьирует различных пределах с учетом почвенно-климатических условий.

Таблица 1.

Всхожесть пастбищных кормовых семян на разных вариантах опыта

Виды растений	Контроль	Дражированные семена	Микроустиргич	УФО+ НЭР	Гидрогель 20кг/га +
Астрагал	21,3±1,0	24,7±0,5	24,0±0,5	24,1±0,5	25,6±1,24
Житняк	20,2±0,8	21,4±0,4	21,0±0,4	21,2±0,4	22,1±1,0
Изень	16,6±0,8	17,8±0,7	17,1±0,7	17,4±0,7	18,6±0,8
Терескен	20,6±0,6	21,8±0,4	21,2±0,4	21,5±0,4	21,3±0,6
Кейреук	15,3±0,6	16,4±0,8	16,0±0,8	16,1±0,8	16,0±0,8
Чагон	8,6±0,6	9,5±0,5	9,1±0,5	9,3±0,5	10,3±0,6
Саксаул	6,0±0,8	7,9±0,6	7,4±0,6	7,8±0,6	7,6±1,0

В полевых условиях на основании полученных результатов и почвенных характеристик территории были заложены опыты с использованием биопрепарата «Микроустиргич», гидрогеля, стимулировали семена растений в течении 20 минут НЭР и УФО. Также учитывая экстремальные условия региона по специальной технологии было произведено дражирование семян пастбищных растений (саксаул, терескен, чагон, астрагал, житняк, изень) и использование дражированных семян при посеве был еще одним вариантом опыта.

В контрольном варианте всхожесть пастбищных кормовых семян составила от 6,0 до 21,3 %. В первом варианте этот показатель варьировал от 9,0 до 24,1%, во втором составило от 10,6 до 25,6%, соответственно. Разница между вариантами составила от 4,3 до 4,6 %.

Если в первый год вегетации (2013) выживаемость между контрольным и опытным вариантами составила 4,3%, то во второй год (2014) она составляло 4,8%, а в других видах растений составляло от 1,3 до 3,6% (табл. 6.5.2.). Прорастание семян пастбищных кормовых растений в конце второго года вегетации в контрольном варианте колебался в пределах 37,2-72,3 см, а в опытном варианте - от 38,0 до 76,6 см. Разница между высотой растений составлял: у астрагала 5,4 см, житняка 8,5 см, а у других оставшихся растений соответственно был менялся равен от 1,0 до 4,3 см.

Урожайность сена пустынных кормовых растений в 1-ый год вегетации (2013) в контрольном варианте составлял 1,6-3,6 ц/га, а в опытных вариантах по видам растений менялся от 1,8 до 3,6 ц/га. Во второй год (2014) вегетации по видам растений урожайность сено в контрольном варианте составил 8,7-11,7 ц/га, а в опытных вариантах составила 9-13,5 ц/га. По биологическим свойствам пустынных кормовых растений начиная со второго года вегетации резко повышается продуктивность растений, особенно, к третьему году. Разница между выходом проросших семян между контрольным и опытными вариантами составила 0,02-0,11 ц/га.

Список использованной литературы:

1. Алексеев Е.К., Синьковский Л.П. Перспективы фитотехнических улучшений пастбищ в условиях глинистых (непесчаных) пустынь Средней Азии. Постановка и история вопроса. // Труды Московского пушного-мехового инс-та., т.5, М., 1953, -С.205-223
2. Амелин И.С. Об улучшении естественных пастбищ пустынь Средней Азии. // Бюллетень ВНИИК, Самарканд, №4, 1941, -С.49-64.
3. Амелин И.С., Бахреньков А.Н. Производительность некоторых типов каракулеводческих пастбищ пустынной зоны Узбекистана в связи с влажностью почвы и фенологией. Корма и пастбища каракульской овцы в УзССР.// Тр. ВНИИК, вып.1, Ташкент, 1940, -С.4-36.
4. Амелин И.С. Пастбищеобороты в каракулеводстве Средней Азии. Изд.ВНИИК. Самарканд. 1943. -107 с.
5. Байилов С.М., Кушимов Б.А. Механизация предпосевной подготовки семян для улучшения пустынных пастбищ. “Яйловлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг институционал масалалари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари – Т.2013. -80 б.
6. Байилов М.Т., Байилов С.М.О системе машин и технологий возделывания кормовых культур пустынных пастбищ. “Яйловлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг институционал масалалари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари – Т.2013. -83 с.
7. Махмудов М.М. Некоторые биологические свойства перспективных фитомелиорантов в условиях культуры песчаной пустыни Кызылкум. // Чўл яйлов чорвачилиги генофондидан экологик жихатдан мутаносиб фойдаланиш муаммолари. Самарканд, 2010, - 214-226 б.
8. Махмудов М.М. Улучшение пастбищ Кызылкум. Самарканд, 2011, -237с.

9. Мухаммадиев А.М. Инновационная технология электростимуляции семян, почвы и растений. Материалы 2-ой меж. конф, «Туркменистан в эпохе Великого возрождения». Ашгабат, 2010.-С.202.

10. Ташболтаев М., Байметов Р., Садиров А. Научно-техническое проблемы механизации производство, заготовки кормов и экологии в каракулеводстве. Агроилим. Ўзбекистон кишлок хўжалиги ж. №4 (4), 2007.- 12 с.

Н.С.Хайтбаева

қ.х.ф.ф.д,

У.Х.Рахимов

профессор,

О.Т.Усвалиев

Ассистент,

Ш.Ш.Ахмеджанов

Тошкент давлат аграр университети

ФУНГИЦИДЛАРНИНГ *FUSARIUM* ЗАМБУРУҒИНИ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИНИ ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА ЎРГАНИШ

Аннотация. Ушбу мақолада Фунгицидларнинг *Fusarium* замбуруғини ўсиш ва ривожланишига таъсирини лаборатория шароитида ўрганилган. Мақола 4 варақдан иборат бўлиб, жами мақолада 6 та расм келтирилган. Мақола илмий асосланган тажрибалар асосида олиб борилган тадқиқотлари асосида бажарилган.

Калит сўзлар: фунгицид, замбуруғ, фузариоз, сўлиш, илдиз чириш, геркулес, раксил, виал, пахта, ҳимоя, далвакс

Фузариоз касалликларининг кишлок хўжалик экинларига салбий таъсири натажасида экинларнинг ўсув даврида илдиз чириш, сўлиш ва донли экинларнинг донларини зарарланиши туфайли экин ҳосилининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Кишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда экинларнинг зарарли организмларига ўз вақтида кураш олиб бориш зарур. Фузариоз касаллигига қарши курашда асосан уруғларга кимёвий ва биологик препаратлари билан ишлов бериш орқали кураш чораси олиб борилади [1]. *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғлар эндофит замбуруғлар қаторига киради. Фузариоз касаллигига қарши курашда қўлланиладиган фунгицидларнинг касалликка нисбатан самарадорлигини аниқлаш мақсадида Тош ДАУ “Ўсимликлар ва кишлок хўжалиги маҳсулотлари карантини” кафедраси лабораториясида тажрибалар олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида Геркулес, Виал, Далвакс, Раксил, Ҳимоя, Пахта фунгицидлари *Fusarium* туркуми замбуруғларига нисбатан синалди. Бунда Петри ликобчаларидаги Чапек озуқа муҳитига, ўртага *Fusarium* туркуми замбуруғининг тури экилди ва атрофларига фунгицидлар билан ишлов берилган уруғлар экилди ва 3-5-7 кун давомида кузатилди. Замбуруғларни конидиялар ҳосил қилиш ҳолатини кузатиш мақсадида ҳар бир Петри ликобчадаги замбуруғлардан буюм ойнасига препарат тайёрлаб микроскопда кузатилди [2].

Геркулес 6% с.эсус фунгицидининг таъсирида, *Fusarium oxysporum* турининг микро ва макро конидиялари кескин камайиб кетади учки хужайралари нобуд бўла бошлайди. Замбуруғ мицелийси тарқоқ жойлашиб, мицелийнинг шаклининг ингибичкалашиб бўғин ораликлари қисқаради ва конидия бандлари узоқ масофада жойлашади. Мицелийлари эгри-бугри шаклга киради [3].

Далвакс 34% с.сус.к фунгицидининг таъсирида, *Fusarium oxysporum* замбуруғи макро конидиялар ҳосил қилмайди. Микро конидиялар чексиз микдорда ҳосил қилади. Замбуруғ мицелийси морфологиясида ўзгаришлар кузатилмайди (2 расм).

Пахта 42% с.- фунгицидининг таъсирида, *Fusarium oxysporum* тур учун хос бўлган пахмоқ мицелий ҳосил қилади. Бу препарат таъсирида замбуруғ асосан жуда кўп микдорда макро конидиялар ҳосил қилади (3 расм).

Раксил 2,5% с.э.к фунгицидининг таъсирида, *Fusarium oxysporum* замбуруғини мицелийсининг шаклиинг ичкалашиб мицелий хламидоспораларга айланади. Хламидоспоралар думалоқ шар шаклида бўлиб мицелийнинг ўрта қисмида ва учки хужайраларда ҳосил бўлади. Препарат таъсирида кўп микдорда макро ва микро конидиялар ҳосил бўлади уларнинг шакли жуда ингичкалашиб кетади. Замбуруғ мицелийси жуда заиф ривожланади (4 расм).

Виал ТрасТ 12,9% с.сус.к фунгицидининг таъсирида, *Fusarium oxysporum* замбуруғини мицелий шакли ўзгариб айрим жойлар йўғонлашади, айрим жойлари майдалашади. Мицелийнинг шакли ўзгаришидан хламидоспоралар ҳосил бўлади. Мицелий куртакларнинг хужайралари бир-бири билан занжирсимон шаклга киради. Конидия бандлари ўзгариб, ингичкалашиб конидиялар ҳосил қилмайди. Бир нечта мицелий бир-бири билан бирлашиб ўсиб хужайра шираси айрим жойларда тўпланиб қолади. Хламидоспоралар конидияларнинг ўрнида ёки мицелийнинг ўрта қисмида ҳосил бўлади. Бу препарат замбуруғнинг макро ва микро конидиялар ҳосил қилишига имконият бермайди. Замбуруғ колонияси 3 мм жойни эгаллаб жуда заиф ўсади ва пигмент ҳосил қилмайди.


Ҳимоя 10% с.- фунгицидининг таъсирида, *Fusarium oxysporum* замбуруғи мицелийси жуда яхши ўсади. Тур учун хос бўлган пигментни тўлиқ ҳосил қилади. Мицелийнинг шакли ўзгармайди, конидия бандлар яхши ривожланиб тўлиқ тўғри мицелийни ҳосил қилади. Бу препаратли озуқада максимал микдорда микроконидиялар ҳосил бўлади.



Кимёвий фунгицидларнинг *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсири



Виал ТрасТ 12,9% с.сус.к фунгицидининг *F. oxysporum* замбуруғининг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсири 1-расм.

Геркулес 6% с.эсус фунгицидининг *F. oxysporum* замбуруғининг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсири 2-расм.



Раксил 2,5% с.э.к фунгицидининг <i>F. oxysporum</i> замбуруғининг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсири 3-расм.	Далвакс 34% с.сус.к фунгицидининг <i>F. oxysporum</i> замбуруғининг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсири 4-расм.
	
Пахта 42% с.- фунгицидининг <i>F. oxysporum</i> замбуруғининг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатмаслиги 5-расм.	Химоя 10% с.- фунгицидининг <i>F. oxysporum</i> замбуруғининг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатмаслиги 6-расм.

Хулоса қилиб айтганда кимёвий фунгицидларнинг лаборатория шароитида сунъий озуқа муҳитларида *Fusarium* туркуми замбуруғларига таъсири ўрганилганда, Виал, Геркулес ва Раксил препаратлари замбуруғнинг ўсишини тўсиб қўйганлигини кўришимиз мумкин. Далвакс, Химоя ва Пахта препаратлари замбуруғнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатмаган. Фузариоз касаллигига қарши курашда экин уруғларига ишлов беришда Виал, Геркулес ва Раксил фунгицидларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Автономов А.А. К методике селекций сортов тонковолокнистого хлопчатника на устойчивость к фузариозному увяданию. Автореф. дисс... канд. биолог. наук. Ташкент. 1980. 22 с.
2. Гончаренко Л.К. Заболевание корневой шейки шелковицы и меры борьбы с ней // Мат. научного совещания по тутоводству и защите шелковицы от болезней и вредителей. Табилиси. 1968. С. 36-38.
3. Шералиев А.Ш ва бошқалар История изучения болезни фузариозов сельскохозяйственных культур в Узбекистане и важные пути его решения. Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан: Нукус 2015 С 51-53.

**Камолов Х.,
Қодирхўжаев О.,
Д.М.Якубова**

Тошкент давлат аграр университети

ПОМИДОРНИ НОАНЪАНАВИЙ УСУЛДА ЕТИШТИРИШДА НАВНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада помидорни Тошкент вилояти шароитида кўчатсиз уруғидан экиб етиштириш технологияси баён этилган. Помидор нав-намуналари уруғларини униб чиқиш жадаллиги, ҳосил беришини давомийлиги ва ер устки вегетатив қисмини турлича бўлишлиги ўз аксини топган. Помидорнинг Ўзбекистон ҳамда Сурхон 142 навларини гектардан ТМК-22 St навга нисбатан 9,0...4,8 га/т қўшимча ҳосил бериши илмий асослаб берилган.

Калит сўзлар: Помидор, ўсимлик, нав, ҳосил, поя, мева, бачки поялар.

Бозор иқтисодиёти шароитида Республикамизда сабзавотчиликнинг ривожланиши хусусияти рақобатбардош маҳсулотларни етиштиришни турғун ҳолда кўпайтириб боришдан иборат. Бунга, мавжуд бўлган суғориб деҳқончилик қилинадиган ер ресурслари ва ўсимликларнинг биологик имкониятларини жалб этиш ва оқилона фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин [1,3].

Помидор-энг оммабоп сабзавот экини ҳисобланади. Жаҳонда у 4,73 млн.гектар ерга экилиб, ундан 159,23 млн.т ялпи ҳосил ишлаб чиқарилади. Ундан олинадиган ялпи ҳосил, сабзавотлардан олинадиган умумий ҳосилини-14% ташкил этади, қайта ишланган сабзавотлар хом ашёси умумий ҳажмини 80% га яқинини помидор маҳсулоти ташкил этади [4,5].

Помидор Ўзбекистонда 75,9 минг гектар майдонга экилиб ундан 1,6-1,7 млн.т. ялпи ҳосил етиштирилади. Ялпи ҳосилни 10-15% ички бозор эҳтиёжига, 10-15% янги ҳосили ташқи бозорга чиқарилади ва қолган ҳосили қайта ишланади [2,6]. Бу қимматбаҳо сабзавот маҳсулотига талаб йил сайин ортиб бориши, уни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни тақозо қилмоқда. Бунга, помидорнинг серҳосил навларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, прогрессив технологияларни қўллаш ва таннархи арзон маҳсулот ишлаб чиқариш орқали эришиш мумкин.

Биз ушбу масалани мақсад қилиб, 2019 йил март-сентябрь ойларида помидорни 5 навини: ТМК 22, Авиценна, Тошкент тонги, Ўзбекистон ва Октябрь навларини кўчатсиз уруғини экиб ўсиш ва ривожланишига таъсирини аниқлаш бўйича дала тажрибаларини ўтказдик. Тажриба ТошДАУнинг “Инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКнинг тажриба участкасида ўтказилди.

Тажриба узунлиги 8 м бўлган 2 қатор эгатга 4 такрорланишда жойлаштирилди. Ҳар бир такрорланиш эгаллаган майдон 11,2 м², жами 44,8 м² бўлиб, бешта навларни эгаллаган майдони эса-224,0 м² ни ташкил этди. Тажриба майдончасида ўтказилган фенологик, биометрик ва бошқа кузатувлар қуйидаги натижаларни берди-1 жадвал.

1-жадвал

Помидор нав-намуналарини уруғидан экиб етиштиришни ниҳолларни ҳосил бўлиши ва ўсимликларни ривожланиш босқичлари давомийлигига таъсири

Нав намуналар	10%	75%	Ниҳоллар ҳосил бўлганидан		Ҳосил беришни давомийлиги, кун	Асосий оясининг узунлиги, см	Бачки шохчаларин и сони, дона/гуп
	Ниҳоллар ҳосил бўлгунча ўтган вақт, кун		Гуллагунча	Меваларини пиша бошлагунча			
			Ўтган давр, кун				
ТМК 22	10	12	61	92	61	59,8	6,3
Тошкент тонги	11	13	61	85	63	50,2	4,2
Ўзбекистон	11	14	58	93	61	67,4	7,4
Сурхон 142	12	14	54	90	62	45,3	5,9
Авиценна	10	12	58	92	60	54,7	7,0

Помидор нав-намуналари уруғи бир муддатда 2019 йил 25 мартда 2 см чуқурликка экилди ва уялар усти чириган гўнг билан мульчланади. Аммо, ниҳолларни ҳосил бўлиш жадаллиги турлича бўлиши маълум бўлди. Экилган уруғлардан 10% ниҳоллар навлар бўйича

10...12 кундан сўнг ҳосил бўлди. Тошкент тонги ва Ўзбекистон навларини 10% ниҳоллари (назорат) ТМК-22 га нисбати 1 кун, Сурхон 142 навида эса 2 кун кеч ҳосил бўлиши аниқланди. Авиценна нави ниҳолларини ҳосил бўлиш муддати назорат нав билан бир хил бўлди. 75% ниҳолларни ҳосил бўлиши жадаллиги, 10% ниҳоллар ҳосил бўлиш қонуниятини асосида содир бўлди.

Ниҳолларни гуллаш ва биринчи меваларини пишабошлаш босқичига кириши ҳам синалган навлар бўйича турлича бўлди. ТМК-22 (назорат) нисбатан гуллаш босқичига Сурхон 142 нави 5, Ўзбекистон ва Авиценна навлари 3 кун олдин кириши аниқланди.

Синалган помидор нав-намуналари.

Биринчи меваларини пиша бошлаши бўйича ҳам бири иккинчисидан фарқ қилди. Тошкент тонги навининг биринчи мевалари ниҳол ҳосил бўлганидан 85, Ўзбекистон нави 93 ва Сурхон 142 нави эса 90 кундан сўнг бошланди. Помидор навларининг бу босқичга эрта ёки кеч кириши уларни ҳосил бериш босқичини давомийлигига таъсир этиши аниқланди. Ҳосилни пишиши энг эрта бошланган (85 кун) Тошкент тонги навининг ҳосил бериши давомийлиги 63 кунни ташкил этди. Бу босқичга кеч кирган Ўзбекистон, Сурхон ва Авиценна навларининг ҳосил беришини давомийлиги эса 60...62 кун оралиғида бўлиши маълум бўлди.

Синалган помидор нав-намуналари ер устки вегетатив қисмини турлича бўлиши билан ҳам бири иккинчисидан фарқ қилди. Ўзбекистон нави ҳосил қилган асосий поясининг узунлиги (67,4 см), ТМК-22 (назорат) бу кўрсаткичидан 7,6 см га узун ва ҳар тупда ҳосил қилган ён шохчаларини сони эса, 1,1 донага кўп бўлди. Қолган навларда ҳосил бўлган асосий поялари узунлиги (назорат) нав пояси узунлигидан 5,1...14,5 см га қисқа, бачки шохчалари сони эса (Авиценна навидан бошқа, 7,0 дона) 2,1...0,4 донага кам бўлиши аниқланди.

Демак, помидор нав-намуналари уруғидан экиб етиштирилса ниҳолларини ҳосил бўлиш жадаллиги, ўсиш ва ривожланиш босқичларини турлича бўлиши билан бири иккинчисидан фарқ қилар экан.

Уруғидан етиштирилган помидор нав-намуналари, нафақат, ниҳолларини ҳосил бўлиш жадаллиги ҳамда ривожланиш босқичларининг турлича бўлишлиги билан, балки ҳосилдорлиги ва уни сифати жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилди-2 жадвал.

2-жадвал

Нав-намуналари	Ҳосил, га/т		St га нисбатан товарбоп ҳосил, %	Товарбоп ҳосил чиқими, %	Товарбоп меваларнинг ўртача вазни, г
	умумий	товарбоп			
ТМК-22 (St)	26,2	24,1	100	92,0	101,8
Тошкент тонги	25,4	22,8	94,6	89,8	90,3
Ўзбекистон	35,4	33,1	137,3	93,5	125,7
Сурхон 142	32,1	28,9	119,9	90,0	118,8
Авиценна	28,4	25,9	107,5	91,2	110,8

Помидорнинг синалган нав-намуналаридан Ўзбекистон (35,4 га/т) ва Сурхон 142 (32,1 га/т) навлари St навга нисбатан энг юқори умумий ҳосил берди (2-жадвал). Бу навлар ҳосили таркибидаги товарбоп мевалари миқдори ТМК-22 (St) нисбатан 37,3; 19,9 % га юқори бўлишлиги аниқланди. Умумий ҳосил таркибидаги товарбоп мевалар чиқими барча нав-намуналар бўйича бир-бирига яқин бўлиб 89,8...93,5 % ни ташкил этди.

Товарбоп ҳосил меваларининг ўртача вазнида сезиларли даражада фарқ бўлиши аниқланди. Ўрганилган помидор нав-намуналари ичида вазни оғир меваларни Ўзбекистон (125,7 г), Сурхон 142 (118,8) ва Авиценна (110,8 г) навлари ҳосил қилди ва бу навлар мевалари оғирлиги St навниқига нисбатан тегишлича: 23,9; 17,0; 9,0 г юқори бўлди.

Помидор нав-намуналари уруғи очиқ майдонга экилса 10% ниҳоллари 10-12, ёппасига униб чиқиши эса, 12-14 кундан сўнг содир бўлади.

Помидорни Ўзбекистон, Авиценна ва Сурхон навлари, ТМК-22 (St) га нисбатан 3-7 кун олдин гуллаш босқичига киради.

Помидор уруғидан экиб етиштирилганда, St навга нисбатан гектардан Ўзбекистон нави 9,0, Сурхон 142 нави эса 4,8 га/т. Қўшимча товарбоп ҳосил олишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Богарникова Н.И. Современные направления селекции томата на качество // сб. науч. Тр. ВНИИССОК. Вып. 42: «Селекция и семеноводство овощных культур». Москва, 2009-с. 81-89.

2. Дусмуратова С.И. –автореферат докторской диссертации. “Совершенствование технологии выращивания плодов и семян томата в Узбекистане, Ташкент-2014 г.

3. Пивоваров В.Ф., Арамов М.Х., Добруцкая Е.Г. и др. Пасленовые. Томат // Овощные и бахчевые культуры в Узбекистане. –Москва. 2001.-с. 19.

**Куччиев О.Р.,
Холматов А.Х.,
Мамадиев О.А.**

Тошкент давлат аграр университети

ҲАР ХИЛ ГЕНОТИПЛИ ҚОРА-ОЛА ЗОТЛИ СИГИРЛАР ЕЛИНИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада сигирлар сут маҳсулдорлигини уларнинг елин шакллари ва унинг морфофункционал хусусиятларига боғлиқлиги ўрганилган. Тажриба натижасида тоссимон елин шаклидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги косасимон елин шаклидагиларга нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди.*

***Калит сўзлар:** Сигир, елин, сут, соғим, қора-ола зоти, маҳсулдорлик, сутдорлик коэффициенти, елин индекси.*

Республикамызда озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда сўнги йилларда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чорвачиликни илмий асосда ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг маҳсулдорлигини янада оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, селекция-наслчилик ишларини яхшилаш, зотларнинг насл, маҳсулдорлик, пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштириш вазифалари белгиланган. [1]

Республикамызда қора-ола зотли қорамолларни тарқалиши XIX асрнинг 80-йилларига тўғри келади. XX асрнинг қоқ ўрталарига келиб эса республикамызда қорамолчилиكنинг наслчилик базасининг шаклланиши билан қора-ола қорамолларни режали урчитиш ва такомиллаштириш ишлари ташкил этилган, уларни такомиллаштиришда насл қиймати юқори наслдор буқалардан фойдаланила бошланган. Бу илмий ишлар самарасида уларнинг маҳаллий қуруқ иссиқ иқлим шароитига чидамли популяцияси шакллана бошлаган. Натижада қора-ола сигирларининг елининг морфофункционал хусусиятлари бўйича замонавий соғиш ускуналарига юқори даражада мослашган, экстерьерни мутаносиб ривожланган.

Қорамолчиликда сигирларнинг елин хусусиятларини такомиллаштиришда селекция ишлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса сутбоп подаларда сигирларнинг ирсий имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришида ва оширишида, сермаҳсул сигирларни етиштиришда ҳамда юқори маҳсулдор подалар яратишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Республикамыз олимлари Ш.А.Акмалхонов, М.И. Аширов илмий-тадқиқот ишларида қора-ола зотли қорамолларнинг насл, маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштириш самарадорлигини ўз илмий-тадқиқот ишларида келтириб ўтганлар. [2]

Сутбоп подаларда сигирларни сут маҳсулдорлиги бўйича ирсий имкониятларини тўлиқ юзага чиқишига ва оширишда, сермаҳсул сигирлар етиштиришда ҳамда юқори маҳсулдор подалар яратишда муҳим амалий аҳамият касб этади

Илмий тадқиқот ишларини манбаи бўлиб Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги “Сомон-само” наслчилик фермер хўжалигидаги ҳар хил генотипдаги қора-ола зотли сигирларда олиб борилди.

Тажриба учун ўхшашлик белгилари бўйича келиб чиқиши, ёши, тирик вазни, оналарининг сут маҳсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда III ва ундан юқори лактациялардаги қора-ола сигирлар ва унинг дурагайлари танлаб олинди.

Сутбоп подаларда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича ирсий имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш ва оширишда, сермаҳсул сигирлар подаларини яратишда елинининг функционал хусусиятлари муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотларимизда I гуруҳда 6 бош сигир тоссимон, 4 бош - косасимон шаклдаги елинга эга бўлганлиги аниқланди, II гуруҳда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 7 ва 3, III гуруҳда эса 4 ва 6 бошни ташкил этди. Бу маълумотлар юқори сут маҳсулдорлигига эга сигирлар гуруҳларида мақбул шаклдаги елинга эга сигирлар кўп учраганлигидан далолат беради.

Жадвалдан кўринишича, нисбатан юқори сут маҳсулдорлигига эга II гуруҳ сигирларнинг елинининг функционал хусусиятлари юқори даражада бўлди. Жумладан, бу гуруҳ сигирларида елин индекси I гуруҳлардаги тенгқурлари кўрсаткичидан юқори бўлиб, сут бериш тезлиги I ва III гуруҳлардаги сигирларникидан тегишли тарзда 0,10 ва 0,06 % юқори бўлганлиги аниқланди.

1-жадвал.

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг елинининг функционал хусусиятлари

Гуруҳлар	Бош сони	Елин индекси, %		Сут бериш тезлиги, кг	
		X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %
Тоссимон елинли сигирларда					
I	6	43,9±0,39	2,01	1,45±0,032	4,93
II	7	44,7±0,23	1,26	1,55±0,025	3,99
III	4	44,7±0,48	1,86	1,49±0,024	2,85
Косасимон елинли сигирларда					
I	4	43,0±0,48	1,94	1,30±0,05	6,67
II	3	43,8±0,51	1,64	1,36±0,06	6,00
III	6	43,5±0,25	1,30	1,30±0,02	3,46

Косасимон елинли II гуруҳ сигирларида мазкур кўрсаткичлар I ва III гуруҳлар сигирларникидан 0,80 ва 0,30 %, 4,61 ва 4,61 % юқори бўлганлиги аниқланди.

Биз таҳлиллар давомида сигирларнинг сут маҳсулдорлигини елин шаклларига боғлиқликда ҳам ўргандик.

Бизнинг ушбу тадқиқотларимиз натижаларига ўхшаш маълумотлар бошқа илмий тадқиқотларда ҳам кузатилган. Муаллиф тоссимон елин шаклига эга сигирлар салмоғини ошириб бориш юқори маҳсулдор сутбоп подаларда муҳим омил деган хулосага келган. [3]

2-жадвал.

Тажриба гуруҳларидаги тоссимон елинли III ва ундан юқори лактациялардаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %
Бош сони	6		7		4	
Сут миқдори, кг	5338,3±76,8	3,22	5685,7±154,9	6,67	5505,0±300,2	9,45

Сут таркибидаги ёғ, %	3,83±0,007	0,42	3,81±0,002	1,20	3,81±0,0035	0,25
Сут ёғ чиқими, кг	204,3±2,73	2,99	216,6±6,67	7,53	209,7±11,18	9,24
4%- ли сут миқдори, кг	5111,4±68,6	3,00	5415,6±166,8	7,53	5243,5±279,4	9,23
Сутдорлик коэффициенти	1126,0±46,7	9,28	1135,4±3,14	5,48	1088,0±45,7	7,27

Илмий–тадқиқотлар давомида ушбу жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси узвий равишда елин шаклларига боғлиқ. II гуруҳдаги сигирларнинг лактация давомидаги сут миқдори I ва III гуруҳлардаги тенгқурлари кўрсаткичларидан тегишли равишда 347,4 кг (6,51 %) ва 180,7 кг (3,28 %), сут ёғи чиқими 12,3 кг (6,02 %) ва 6,9 кг (3,29 %), 4 %-ли сут 304,2 кг (5,95 %) ва 172,1 кг (3,28%), сутдорлик коэффициенти 9,4 кг (0,83 %) ва 47,4 кг (4,36 %) юқори кўрсаткичлар билан тавсифланди. Шунга ўхшаш натижалар косасимон елинли сигирлардан ҳам олинди. (3-жадвал).

Косасимон елинли II гуруҳ сигирларнинг сут миқдори I ва III гуруҳлардаги сигирларникидан тегишлича 549,6 кг (12,4 %) ва 345,0 кг 76 (7,45 %), сут ёғи чиқими 22,1 кг (P>0,99) ва 14,0 кг (P>0,95), 4 %ли сут 547,7 кг (P>0,99) ва 346,5 кг (P>0,95), сутдорлик коэффициенти 197,6 кг (P>0,99) ва 97,4 кг (P>0,95) кг юқори бўлди. I, II ва III гуруҳлардаги тоссимон елинли сигирларнинг сут миқдори ушбу гуруҳларга мансуб косасимон елинли сигирларникидан тегишли равишда 909,6 кг (P>0,999), 707,4 кг (P>0,999) ва 871,7 кг (P>0,999), 4 % ли сут 760,2 кг (P>0,999) 516,9 кг (P>0,999) ва (P>0,999) юқори бўлганлиги аниқланди.

3-жадвал.

**Тажриба гуруҳларидаги косасимон елин шаклига эга III ва ундан
лактациялардаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %
Бош сони	4		3		6	
Сут миқдори, кг	4428,7±146,1	5,71	4978,3±127,8	3,63	4633,3±53,2	2,27
Сут таркибидаги ёғ, %	3,93±0,025	1,11	3,94±0,038	1,40	3,93±0,026	1,50
Сут ёғ чиқими, кг	174,0±5,35	5,29	196,1±4,39	3,16	182,1±2,41	2,95
4 % ли сут миқдори, кг	4351,2±123,5	5,27	4898,7±111,2	3,21	4552,2±60,6	2,98
Сутдорлик коэффициенти	895,0±60,8	11,77	1092,8±19,0	2,46	995,4±38,3	8,72

Хулоса. Тадқиқотларимиз қора-ола зотли сигирлар подасида уларнинг сут маҳсулдорлиги елин шаклларига боғлиқлигини кўрсатди. Олинган натижалар сутбоп подаларда сигирларнинг елин шакллари бўйича селекция ишларини олиб бориш юқори маҳсулдор подалар яратишда муҳим омиллардан бири эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.,-6-сон, 70-модда

2. Акмалхонов Ш.А., Аширов М.Э. Қорамолчиликда наслчилик ишининг вазифалари. Ж. “Зооветеринария”, № 10, 2009, 35-37 б.

3. Балласов У.Ш. Голштинлаштирилган сигирлар оналарининг сут маҳсулдорлигига боғлиқ равишда хужалик фойдали белгиларининг ўзгариши. Қ.х.ф.номзодлик диссертацияси. Тошкент, 1999, 77-78 бетлар

Чориева Зархол Қодировна

ўқитувчи

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали

ДЎЗАНИ СУДОРИШДА ТОМЧИЛАТИБ СУДОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ

Аннотация. Мақолада Сурхондарё вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлар бўлган шароитида ғўза экилган тажриба даласида томчилатиб суғориш қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % бўлганда, ғўза 0-4-0 схема бўйича 4 мартаба суғорилди. Ғўза униб-чиқишдан гуллашгача даврида суғорилмади, гуллаш-кўсак тугиши даврида 616-651 м³/га суғориш меъёрлари билан ғўза тўрт мартаба суғорилди, мавсумий суғориш меъёрлари – 2521-2537 м³/га ни ташиқил қилди ёки назорат вариантыга нисбатан 1594-1633 м³/га суғориш суви иқтисод қилинди. Мақолада ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига томчилатиб суғориш таъсири ва бу суғориш технологиясини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибаларнинг натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: Ғўза, ҳосилдорлик, фенологик кузатувлар, агротехника, сув танқислиги; сув тежаиш технологиялари; томчилатиб суғориш, суғориш меъёри, мавсумий суғориш меъёри, чекланган дала нам сизими (ЧДНС), суғоришдан олдинги намлик, сизот сувлар, минерализация, суғориш техникаси, вегетация даври.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 27- декабрдаги ПҚ-4087- сон қарори ижросини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда, айниқса пахта етиштиришда сувни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг ҳосилдорлигини янада оширишни давлат томонидан қўллаб- қувватлаш белгилаб қўйилган. Шунингдек, ғўза етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланиш бўйича лойиҳаларни амалга ошираётган пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан тизимини жорий этиш, томчилатиб суғориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш механизминини такомиллаштириш;

Томчилатиб суғориш технологияларини қўллаган ҳолда пахта етиштиришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги техникаси, машина ва механизмларни, шунингдек, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясининг “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” бандида** суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш сингари муҳим масалалар бугунги кунда соҳа олдидаги асосий вазифалар эканлигини таъкидланган [1].

Сурхондарё вилояти Денов туманининг ўтлоқи аллювиал, механик таркибига кўра типик бўз тупроқлар бўлган шароитида ғўзани томчилатиб суғориш усулидаги илмий

асосланган суғориш тартиби ишлаб чиқилди ҳамда уларнинг дарё сувларини иқтисод қилишлари ва сув танқислигининг салбий оқибатларни камайтиришдаги самарадорликлари аниқланди;

- ғўзани томчилатиб суғориш усулидаги илмий асосланган суғориш тартибини ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, пахта толасининг технологик кўрсаткичларига таъсири аниқланди.

Сув танқислиги шароитида сув ресурсларини иқтисод қилиш, 1м^3 дарё сувини самарадорлигини ошириш мақсадида суғоришда томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш, уларнинг ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш, долзарб ҳисобланади [3].

Дала тажрибалари Сурхондарё вилояти Денов туманининг механик таркибига кўра типик бўз тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб суғориш усулидаги илмий асосланган суғориш тартиблари унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги таъсири ўрганилди.

Тажриба даласи тупроғининг механик таркиби Н.А.Качинский тавсифи бўйича оғир қумоқ механик таркибли тупроқлар турига киради.

Тажриба даласи тупроқнинг ҳажмий оғирлиги вегетация бошида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ҳайдаладиган 0-30 см қатламда $1,33-1,35\text{ г/см}^3$ ни, ҳайдаладиган қатлам остидаги 30-50 см қатламда $1,41-1,43\text{ г/см}^3$ ни ва 0-100 см қатламда $1,39-1,40\text{ г/см}^3$ ни ташкил қилди.

Томчилатиб суғорилган 2 – вариантда вегетация охирида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ҳайдаладиган 0-30 см қатламда $1,34-1,35\text{ г/см}^3$ ни, ҳайдаладиган қатлам остидаги 30-50 см қатламда $1,42-1,43\text{ г/см}^3$ ни ва 0-100 см қатламда $1,40-1,41\text{ г/см}^3$ ни ташкил қилади ёки 0-100 см қатламда бошқа вариантларга нисбатан энг кам - $0,01\text{ г/см}^3$ га ортиши аниқланди. Вегетация охирига бориб 1-назорат вариантыда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ҳайдаладиган 0-30 см қатламда $1,37-1,39\text{ г/см}^3$ ни, ҳайдаладиган қатлам остидаги 30-50 см қатламда $1,45-1,46\text{ г/см}^3$ ни ва 0-100 см қатламда $1,43-1,44\text{ г/см}^3$ ни ташкил қилди ёки 0-100 см қатламда вегетация бошига нисбатан $0,04-0,05\text{ г/см}^3$ га ортиши кузатилди [9, 10, 11, 12, 13, 14, 15].

Тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлик олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, вегетация бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида $970-984\text{ м}^3/\text{га}$ ёки $0,269-0,273\text{ мм/мин}$ ни ташкил қилди. Вегетация даврининг охирига бориб, тупроқнинг ҳажмий массасига боғлиқ ҳолда ҳамма вариантларда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги пасайди. Томчилатиб суғориш усулида тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % бўлган 2 вариантда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида $816-826\text{ м}^3/\text{га}$ ни ёки $0,227-0,229\text{ мм/мин}$ ни ташкил қилди ёки 1-назорат вариантыга нисбатан тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида $106-132\text{ м}^3/\text{га}$, $0,029-0,037\text{ мм/мин}$ га ортиқ бўлди.



1-расм. Ғўзани томчилатиб суғориш жараёни

Томчилатиб суғорилган, тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % бўлган 2-вариантда 0-4-0 схема бўйича ғўза 4 маротаба суғорилди. Ғўза униб-чиқишдан гуллашгача даврида суғорилмади, гуллаш -кўсак тугиш даврида $616-651$

(томчилатиб суғориш меъёрлари 308-326) м³/га суғориш меъёрлари билан суғорилди, мавсумий суғориш меъёрлари – 2521-2537 м³/га ни ташкил қилди ёки назорат вариантыга нисбатан 1594-1633 м³/га га дарё суви иқтисод қилиниб, юқори ҳосил олишга эришилди. Томчилатиб суғорилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлигига қараб суғоришлар ўртасидаги давр 14-17 кунга тенг бўлди.

Томчилатиб суғорилган ва тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 % бўлган 3-вариантда ғўза 1-4-0 схема бўйича униб-чиқишдан гуллашгача бўлган даврида 653-665 (томчилатиб суғориш меъёрлари 326-333) м³/га, гуллаш- кўсак тугиш даврида 620-685 (томчилатиб суғориш меъёрлари 310-343) м³/га суғориш меъёрлари билан 5 маратоба суғорилди. Мавсумий суғориш меъёрлари – 3290-3369 м³/га га ташкил қилди ёки назорат вариантыга нисбатан 801-825 м³/га суғориш суви иқтисод қилинди. Суғоришлар ўртасидаги давр 16-18 кунга тенг бўлди. Тадқиқотлар ўтказилган йиллари барча вариантларда пишиш даврида ғўзани суғориш талаб қилинмади.




2-расм. Тажриба даласини томчилатиб суғоришнинг кўриниши

Ғўзанинг ҳосилдорлигига томчилатиб суғориш усулининг таъсири. Пахта ҳосилини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики энг юқори кўрсаткич томчилатиб суғориш усулида тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % бўлган 2-вариантда бир центнер пахта етиштириш учун энг кам миқдордаги 62,7-65,9 м³/ц сув сарфланди ва ғўзадан 38,5-40,3 ц/га ҳосили олинди. Бу назорат вариантыга нисбатан 6,1-6,3 ц/га юқоридир. 1-назорат вариантыда бир центнер пахта етиштириш учун энг кўп миқдордаги 121,6-129,1 м³/ц га сув сарфланди ва ғўзадан 32,3-34,2 ц/га ҳосили олинди.

Томчилатиб суғориш усулида тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 % бўлган 3-вариантда бир центнер пахта етиштириш учун 88,0-90,6 м³/ц сув сарфланди ва ғўзадан 36,3-38,3 ц/га, ёки назорат вариантыга нисбатан 4,0-4,6 ц/га юқори ҳосил олинди (3-расм).

Ишлаб чиқаришда ғўзани суғоришда, сувни иқтисод қилиш борасида, анъанавий усулдан воз кечиш ва замонавий ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш лозим.

1. Ғўзани етиштиришда суғориш усуларини танлашдан олдин биринчи навбатда суғориладиган майдоннинг геологик ва гидрогеологик шароитларини, сизот сувлари сатхи ва уларни минераллашганлик даражасини инобатга олиш зарур. Шундагина ер сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконияти вужудга келади.



3-расм. Ғўзанинг вариантлар бўйича ҳосилдорлиги

2. Томчилатиб суғориш қишлоқ хўжалиги амалиётида қўлланилаётган нисбатан янги суғориш усули бўлиб, бунда махсус филтрлар ёрдамида тозаланган сув томчилатгичлар орқали томчи шаклида тупроққа берилиб, ўсимликнинг илдиз тизими энг кўп тарқалган тупроқ қатламини локал намиқтиришга эришилади. Томчилатиб суғоришда суғориш техникасининг фойдали иш коэффитсенти 90–95% ни ташкил этади (эгатлаб ва ёмғирлатиб суғоришларда бу кўрсаткич 70–75% дан ортмайди); сувдан тежамли фойдаланиш (одатдаги суғоришга нисбатан 1,5–2 марта кам); сувнинг филтратция ва буғланишга энг кам миқдорда бўлиши; оқова чиқарилмаслиги; ирригация эрозиясининг юзага келмаслиги; қатор ораларини зичланмасдан, доим юмшоқ ҳолда бўлиши; тупроқнинг қулай намлигини таъминланиши; ўғитларни тупроққа локал киритиш имкониятининг мавжудлиги; мураккаб рельефи жойларда қўллаш мумкинчилиги; ҳосилдорликнинг 20–50 % га ортиши ва бошқалар. Умуман олганда томчилатиб суғориш энг истиқболли ва тежамли суғориш усули ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 28 декабр 2018 йил Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 4947-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087- сонли қарори.
4. М.Х. Хамидов, Б.Ш. Матёкубов “Ғўзани суғориш тартиби ва тежамкор суғориш технологиялари” Монография Тошкент 2018 йил.

СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРДА ЗАҲАРЛИ ТУЗЛАР МИҚДОРINI ЛАЗЕРЛИ ТЕКИСЛАШ ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ

Аннотация. Мақолада суғориладиган ўтлоқи тупроқларда заҳарли тузларнинг ва уларнинг сифатини лазерли текислаш таъсирида ўзгариши кўрсатилган. Лазерли текислаш натижасида заҳарли тузлар миқдори камаяди. Тузларнинг сифат тарғиби қуйидагича тақсимланади: $Ca(HCO_3)_2$, $CaSO_4$, $MgSO_4$, Na_2SO_4 , $NaCl$.

Калит сўзлар: сув ва туз тартиби, шўрланган ерлар, лазерли текислаш, тупроқ қатламлари, қишлоқ хўжалик ерлари, сизот сув чуқурлиги, заҳарли тузлар.

Бугунги кунда республикамиз суғориладиган ерларида меъеридан ортиқ суғориш натижасида тупроқнинг сув ва туз тартибида бир қатор салбий ўзгаришлар кузатилмоқда. Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ресурстежамкор технологияларини такомиллаштириш ва тупроқларда иккиламчи шўрланиш жараёнларини олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи омиллардан бири бу – шўрланиш жараёнлари ҳисобланади. Олиб борилган кўп сонли тажрибалар кўрсатишича, хаттоки кам шўрланган ерларда ҳам асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги сезиларли камаяди. Кучсиз шўрланган ерларда, пахта ҳосилдорлигини шўрланган тупроқларга нисбатан 20-25, ўртачада 40-45%, кучли шўрланган майдонларда эса 60-80% гача камайиши илмий тадқиқотларда исботланган. Бу жараённинг жадаллашиб давом этиши ерларнинг қишлоқ хўжалик экинлари учун яроқсиз ҳолга олиб келиши мумкин, айнан шу муаммони ўрганиш кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда [1,2,4,5]. Бунинг асосий сабаби эса тупроқда ортиқча тўпланган заҳарли тузларнинг ўсимликларга кўрсатадиган зарарли таъсирidir. Шу боисдан ҳам бугунги кунда, тупроқлар шўрланишига қарши кураш, озиқ-овқат хавфсизлигининг асосларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарорлаштиришга ва тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган ресурстежамкор технологиялар қўллаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига қаратилган муҳим изланишлар олиб борилмоқда. Шу жумладан шўрланган ерларни лазерли текислаш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ерни текислаш сувни иқтисод қилиш самарасини янада оширади. Бу технология сизот сувлари сатҳи кўтарилишини олдини олади, узлуксиз суғоришни таъминлашда, ҳатто сув танқислиги ҳолатларида қўл келади [3,6].

Тажрибалар 2010 - 2013 йиллар Япония қишлоқ хўжалиги фанлари халқаро тадқиқот маркази (JIRCAS) олимлари билан биргаликда Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Янгиобод СИУ си худудида тарқалган ўтлоқи тупроқларда олиб борилган. Тажриба майдони қуйидаги 2 та вариантдан иборат:

1-Ер шудгор қилинади + шўри ювилади+ фермер хўжалигида қабул қилинган агротехника асосида тупроқ юзаси текисланиб қишлоқ хўжалик экинлари (ғўза ва бугдой) экилди.

2-Ер шудгор қилинади+шўри ювилади + ер майдони лазерли нивелир ёрдамида текисланади + қишлоқ хўжалик экинлари (ғўза ва бугдой) етиштирилди.

Тажриба майдони тупроқларидан 52 нуқтада қуйидаги: 0-30; 30-50; 50-70; 70-100 см чуқур қатламлардан турли даврларда тупроқ намуналари олиниб лаборатория шароитида сувда осон эрувчи тузлар миқдори-сувли сўрим усулида таҳлиллар олиб борилиб аниқланди.

Тузларнинг сифат таркиби бўйича 2010 йил натижаларига кўра $CaSO_4$ тузи (0-100 смда ўртача) энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, фасллар бўйича назоратда 0,344-0,539%, лазерли

текисланган 2-вариантда эса 0,334-0,506% оралиғида ўзгариб туради. Кейинги ўринларни $MgSO_4$ ва Na_2SO_4 тузлари эгаллайди, $CaCl_2$ ва $MgCl$ тузлари учрамайди (жадвал-1). 2010 йилга нисбатан 2011 йилда $CaSO_4$ тузи бироз камайган, яъни ёз фаслида назоратда 0,458 фоизни, лазерли текисланган вариантда 0,411фоизни ташкил қилган бўлса, қиш фаслига келиб шўр ювишни ҳар иккала вариантда тенглашганлик ҳолатигача ювилган(0,334%), бундан мақсад келгуси йилда вариантлар ўртасида шўрланиш жараёнини қандай бораётганлигини ва лазерли текислашнинг таъсирини кузатишдан иборат.


Изланиш олиб борилган 2010 йилнинг баҳорида, заҳарли тузлар миқдори назоратда 0,476 фоизни қайд этган бўлиб, 2-вариантда эса заҳарли тузлар миқдори 0,408 фоизга тенг, ёз фаслига келиб назоратда 0,491 фоизни, лазерли текисланган майдонда 0,405% ва кузга келиб назоратда 0,495% 2-вариантда 0,462 фоизга тенг. 2011 йилнинг ёз фаслида олинган натижаларига кўра, назорат вариатда заҳарли тузлар 0,451% бўлса, қишда 0,413 фоизни ташкил этади, 2-вариантда эса бу кўрсаткичлар мос равишда ёзда 0,430 ва қишда 0,367 фоизга тенг бўлиши кузатилди.

1-жадвал

Лазерли текислаш таъсирида тузларнинг сифат ва компонент кўрсаткичларини ўзгариши (0-100 смдаги ўртача % ҳисобида)

Вариант	Қатлам қалинлиги, см	$Ca(HCO_3)_2$	$CaSO_4$	$MgSO_4$	Na_2SO_4	$NaCl$	Заҳарли тузлар миқдори, %
Баҳор 04-17 апрел 2010 йил							
1	0-100	0,030	0,536	0,203	0,193	0,08	45,66
2	0-100	0,031	0,477	0,196	0,149	0,064	44,52
Ёз 25.07-05 август 2010 йил							
1	0-100	0,030	0,492	0,202	0,199	0,09	49,22
2	0-100	0,030	0,451	0,178	0,162	0,065	46,58
Куз 01-14 октябрь 2010 йил							
1	0-100	0,031	0,539	0,239	0,156	0,1	46,76
2	0-100	0,031	0,506	0,243	0,145	0,075	46,34
Ёз 10.05-01 июн 2011 йил							
1	0-100	0,032	0,458	0,205	0,146	0,1	48,03
2	0-100	0,033	0,411	0,214	0,142	0,074	49,02
Қиш 06-11 декабр 2011 йил							
1	0-100	0,032	0,334	0,194	0,145	0,075	53,09
2	0-100	0,033	0,334	0,18	0,126	0,061	50,09

Юқоридаги натижалардан кўриниб турибдики, 2010 йилнинг куз фаслида умумий тузлар миқдорининг ортиб кетиши, сизот сувларининг юқори даражада минераллашганлиги ва тупроқ қатламлари бўйлаб тузлар вегетация даврида юқорига кўтарилганлиги билан ифодаланади. 2011 йил баҳорида тажриба майдони юқори қисмига, тик зовур қурулиши сизот сувлар сатҳини сезиларли камайтириши билан шўрланиш даражасига ҳам таъсир кўрсатганлиги олинган натижалар далолат беради (1-расм).



Изланиш олиб борилган 2010 йилнинг баҳорида, заҳарли тузлар миқдори назоратда умумий тузлар йиғиндисининг 45,66 фоизни ташкил этса, 2-вариантда эса заҳарли тузлар умумий миқдорига нисбатан 44,52 фоизга тенг, ёз фаслига келиб назоратда 49,22% бўлса, лазерли текисланган майдонда мос равишда 46,58%, кузга келиб назоратда 46,76%, 2-вариантда 46,34 фоизга тенг. 2011 йилнинг ёз фаслида олинган натижаларига кўра, назоратда заҳарли тузлар 0,451% бўлса, қишда 0,413%, умумий тузларга нисбатан ёзда 48,3%, қишда 53,09 фоизни ташкил этади, 2-вариантда эса бу кўрсаткичлар мос равишда ёзда 49,02 ва қишда 50,09 фоизга тенг бўлиши кузатилди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики тупроқ шўрланиши нафақат мавсумий, балки унга ишлов бериш билан ҳам ўзгартириш имкони мавжуд.

Шундай қилиб шуни айтиш мумкинки, суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг шўрланиши асосан, суғориш сувига ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига ҳамда майдоннинг рельефига боғлиқ бўлиб, лазерли текисланган майдонларда суғоришда сув сарфининг камайиши ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Сифат таркиби ва заҳарли тузларнинг миқдори бўйича ҳам лазерли теклашнинг таъсирини кузатиш мумкин. Назоратга нисбатан лазерли текислашда тузларнинг сифат кўрсаткичи фасллар бўйича 0.033-0.086% ва заҳарли тузлар миқдори 0,021-0,046 фоизга камайган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ефремов А.Н. Лазерная планировка орошаемых земель. М.: ООО «Литера Принт», М. 2016, 52 с.
2. Ефремов А.Н. Совмещенные технологии комплексной планировки рисовых чеков // М.: Механизация и электрификация сельского хозяйства. 2016, № 1. С.5-9,17.
3. Ибрагимов Н., Рўзимов Ж., Эгамбердиев О., Акрамханов А., Руденко И., Нурметов Қ. – Ерларни лазер нивелири ёрдамида текислаш бўйича техник йўриқнома / Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда ресурс тежамкор технологияларни оммалаштириш. Урганч, 2012. 21 б.
4. Комилов О.К., Ахмедов А.У. Тупроқ шўрланганлиги даражасини туз заҳиралари миқдори бўйича аниқлаш ва баҳолаш классификацияси / Почвы Хорезмской области. Кн.: 1 и 2. Ташкент, 1998. 108,103 с.

5. Норкулов У. Тупроқни шўрини ювишда сувни тежаш технология ларининг илмий ва амалий асослари. Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DsC) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018. 61 б.

6. Юкио Окуда, Хироши Икеура, Джуния Ониши, Наото Нитта, Аюми Фукуо, Каори Шигаи. Сизот сувлари сатхи юқори жойлашган шароитда қишлоқ хўжалиги ерларида шўрланишини камайтириш тадбирлари бўйича қўлланма. Тошкент, 2013. 114 б.

Шамсиев Акмал Садирдинович
профессор,
Шералиев Хамидулла
профессор,
Эшонқулов Жамолiddин Сапоровбой ўғли
ассистент
Тошкент давлат аграр университети

ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ТАКРОРИЙ ЭКИЛАГАН СОЯ ВА КУНГАБОҚАР НАВЛАРИНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Ушбу экинларни тупроқнинг чекланган дала нам сизимига нисбатан 65-65-60% тежамкор тартибда суғоришни тупроқнинг Тошкент вилояти 0-50 см, Қашқадарё вилояти 0-70см ҳисобий қатламини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим. Мазкур тежамкор усулни қўллаш назоратга нисбатан 32 % суғоришда сув иқтисод қилинади, тежалиб қолган сувлар эвасига такрорий экинларни янада кўпроқ майдонларга экиш учун имконият яратилади

Калим сўзлар: ЧДНС, типик бўз тупроқ, тақирсимон тупроқ, суғориш меъёрлари, соя, кунгабоқар навлари, сув ўтказувчанлик, ҳисобий қатлам.

Бугунги кунда дунё аҳолисини оқсилли озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш мақсадида соя ўсимлигига талаб ортиб бормоқда. Соя оқсилга бойлиги, оқсил таркибида инсон учун фойдали бўлган аминокислоталарнинг барчаси мавжудлиги алоҳида ахамиятга моликдир. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги Бюроси (БФАП) маълумотига кўра, бугунги кунда сояни ўртача ҳосилдорлиги гектарига 2,7 тоннага ошган, пировардида 2020 йилда соя ишлаб чиқариш кўрсаткичи 1,62 млн тоннани ташкил этади. Дунёда соя ишлаб чиқариш ҳар йили 2,2 фоизга ошиши 2030 йилда 371,3 млн тоннага етиштириш кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПК-2832-сонли “2017-2021 йилларда Республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосий экинда 92266 гектар майдон, такрорий экин сифатида 40557 гектар ерга экиш кўзда тутилган.

Соя ўсимлиги экин майдони жихатидан дунё деҳқончилигида буғдой, шоли ва маккажўхоридан кейин 4-ўринни эгаллайди. Ялпи дон ҳосили 220,64 млн тонна, Бразилия, АҚШ ва Аргентина мамлакатлари соя дони экспорти бўйича етакчи ўринни эгалласа, сотиб олувчи давлатлар бизнинг ён қўшнилариимиз, Хитой, Корея ва бошқа Осиё мамлакатлар ҳисобланади. Республикамизда ўтган 2018 йилда асосий экин сифатида жами 11000 гектар ва такрорий экин сифатида 19150 гектар майдонда етиштирилди.

Республикамизда соянинг ижобий биологик хусусиятидан келиб чиқиб, соя ўсимлигини такрорий экин сифатида етиштириш агротехнологиясини яратиш ва такомиллаштириш жараёнида суғориш сувлари етишмаслиги ва уларнинг тақчиллиги юзага келмоқда, бинобарин сояни такрорий етиштиришда сув ва ер ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиб қўшимча юқори дон ҳосил олиш, рентабелликни ошириш талаб этилмоқда

Тадқиқотнинг мақсади: Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз ва Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида кузги буғдой анғизида парваришланаётган мойли экинлардан соя ҳамда кунгабоқар навларини жадал ўсиши, ривожланишини ва юқори

дон ҳосили олишни таъминловчи мақбул суғориш тартибини ишлаб чиқиш ва сув истеъмолини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз ҳамда Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари, мойли экинлардан соянинг «Орзу», «Арлета» ҳамда кунгабоқарнинг «Наврўз», «Жахонгир» навлари олинган.

Тадқиқот предмети тупроқнинг агрохимёвий, агрофизикавий-сув физик хоссалари, суғориш меъёрлари, суғориш муддатлари ва сув истеъмоли ва минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари, ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ва курук масса тўплаши бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотлар Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИнинг Тошкент вилояти Оққовоқ тажриба участкаси далаларида ҳамда Қашқадарё вилояти Миришкор тумани С.Муродов номли ММТП ҳудудидаги “Ражабов Нурали Кенжа ўғли” фермер хўжалигида жами 1,6 га майдонда бир хил тизимда ўтказилди. Тажриба майдонлари Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида, механик таркиби оғир кумоқ, ер ости сувлари чуқур (>15 м) жойлашган автоморф ҳамда Қашқадарё вилоятининг гидроморф тақирсимон тупроқлари шароитида ер ости сизот сувлари сатҳи 2,0-2,5 метр чуқурликда жойлашган ўрта кумоқ, эскидан суғорилиб деҳқончилик қилиниб келинаётган тупроқлар шароитида қуйидаги тизимда олиб борилди.

Тажрибаларда соя ва кунгабоқар экинларининг истиқболли навлари экилди. Сояни назорат сифатида қабул қилинган «Орзу» нави «Арлета» навига таққослаб ўрганилди. Кунгабоқарни эса «Жахонгир» навини «Наврўз» навига таққослаб ўрганилди. Соя ва кунгабоқар экинларини парваришlashда суғоришлар тупроқнинг ҳисобий қатламларида намлик чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) нисбатан 65-65-60% ва 75-75-65% тартибда ўтказилди. Бунда, тупроқнинг 0-50 см ва 0-70 см қатламлари ҳисобга олинган тартибда экинлар суғорилди. Тажриба 10 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир делянка майдони 168 м², уч қайтариқда, уч ярусда рендомизацион усулида жойлаштирилди. Қашқадарё вилоятида эса Миришкор тумани С.Муродов номли ММТП ҳудудидаги “Ражабов Нурали Кенжа ўғли” фермер хўжалиги далаларида тажриба ҳам, 10 та вариант ва 3 қайтариқдан иборат бўлган бир хил тизимда олиб борилди.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ҳам тупроқнинг сув-физик хусусиятларидан бўлиб, у кўпгина омилларга боғлиқ. Тупроқнинг ҳажмий массаси, ғоваклиги, механик таркиби бу хусусиятига бевосита таъсир этади. Механик таркиби енгил кумоқ тупроқларда сув ўтказувчанлик юқори бўлса, механик таркиби оғир тупроқларда анча паст бўлади. Тупроқни ушбу хусусияти муҳим омиллардан ҳисобланиб, озиқа элементларини ўзлаштирилишида аэрация муҳитини яхшиланишида, ўсимлик илдиз системасини баравж ривожланишида ва тупроқ шўрини ювилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Тажриба даласида 2019 йил мавсум бошида ва мавсум охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланди. Мавсум бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлик хусусияти умумий таглик фонда, вариантлар бўйича 2 та нуқтада 6 соат давомида аниқланиб, ҳар бир соатда кетган сув ҳисоблаб борилди.

Амал даври бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида гектарига 1000,3 м³/га ни, 100,3 мм ни ёки 0,27 мм/мин ни ташкил қилди. Амал даври давомида тажриба даласига суғориш ишлари ҳамда агротехник тадбирлар амлга оширилиши ҳисобига амал даври охирига бориб тупроқнинг сув синдириш қобилиятлари пасайди. Катта миқдордаги сув ўтказувчанлигининг пасайиши такрорий экин ишлаб чиқариш шароитида (назорат) суғорилганда, камроқ миқдордаги ҳолат эса суғоришлар 0-50 см ли ҳисобий қатламда ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % чегарасида олиб борилган вариантларда кузатилди.

Катта миқдордаги сув ўтказувчанлигининг пасайиши такрорий экин ишлаб чиқариш шароитида суғорилган 1 ва 6 ҳамда 5 ва 10 вариантларда кузатилди ва 6 соат давомида ўртача 68,4 мм, 67,9 мм ни ёки 0,19 ва 0,19 мм/мин ни ташкил қилди. Камроқ миқдордаги ҳолат 0-50 см ли ҳисобий қатламида суғоришлар ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % чегарасида олиб борилган

2 ва 7 вариантларда кузатилди, 6 соат давомида 61,5 мм ёки 0,17; мм/минга тенг бўлди. Тажрибанинг 3-8 ва 4-9 вариантларидаги ҳолат оралиқ ўринни эгаллади.

Қашқадарё вилоятида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ҳажм массасига нисбатан тескари пропорционал бўлиб, тажрибанинг умумий тангликда амал бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6-соат давомида гектарига 890,0 м³ни, 89 ммни ёки 0,25 мм минни ташкил қилди. Амал охирига бориб барча вариантларда тупроқнинг сув сингдириш қобилиятлари пасайиб борди. Катта миқдордаги сув ўтказувчанлигининг пасайиши такрорий экин ишлаб чиқариш шароитида суғорилган 1 ва 6 вариантларда кузатилди ва 6 соат давомида ўртача 45 мм ни ёки 0,12 мм/мин ни ташкил қилди. Камроқ миқдордаги ҳолат 0-50 см ли ҳисобий қатламида суғоришлар ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % чегарасида олиб борилган 1 ва 7 ҳамда 3 ва 8 вариантларда кузатилди, 6 соат давомида 58 ва 55 ммга ёки 0,16; 0,15 мм.минга тенг бўлди. Тажрибанинг 4 ва 9 ҳамда 5 ва 10 вариантларидаги ҳолат оралиқ кўрсаткичларни эгаллади.


Ҳар бир ўсимлик турининг тупроқ намлигига бўлган талаби ҳар хил бўлади ва шу асосида ўсиш, ривожланиш ҳолатлари ўзгариб туради. Тажрибада парвариш қилинган такрорий экин соя ва кунгабоқарнинг навлари 1-2 вариантларда ишлаб чиқариш усуллари асосида 1-1-0 тизим билан 2 марта, 65-65-60 % тупроқ намлиги асосида суғорилган 3-4 вариантларда 0-50 см ли ва 5-6 вариантларда 0-70 см ли ҳисобий қатлам асосида 1-1-1 тизим билан 3 марта, суғоришлар олдиан тупроқнинг намлик даражаси ЧДНСга 75-75-65 % чегарасида ушлаб турилган 7-8 вариантларда 0-50 см ли ҳисобий қатлам билан суғорилганда 1-2-1 тизим билан 4 марта, шу тупроқ намлигида, аммо 0-70 см ли ҳисобий қатлам асосида суғорилган 9-10 вариантларда 1-2-1 тизим билан 4 марта суғорилди.

Тошкент вилоятида Оққовоқ тажриба ҳўжалигида олинган маълумотларидан кўриниб турибдики, соя навларининг ҳосилдорлиги 20,9- 26,7 ц/ га ташкил қилди. Юқори ҳосилдорлик бўйича қуйидаги “Арлета” навида ЧДНСга нисбатан 65-65-60 % суғоришдан олдин тупроқнинг ҳисобий қатламида 0-50 см 26,7 ц/ га ташкил қилди. “Орзу” (назорат) навидан ушбу кўрсаткич 4,8 ц/ га ошганлиги кузатилди.

Қашқадарё вилоятида Миришкор туманида олинган маълумотларидан кўриниб турибдики соя навларининг ҳосилдорлиги 20,9– 25,6 ц/ га ташкил қилди. Юқори ҳосилдорлик бўйича қуйидаги “Арлета” навида ЧДНСга нисбатан 65-65-60 % суғоришдан олдин тупроқнинг ҳисобий қатламида 0-70 см назорат навида нисбатан 4,7 ц/ га ташкил қилди.

Кунгабоқар навларининг ҳосилдорлиги бўйича маълумот келтирилган.

Маълумотга қараганда 1000 дона уруғ вазни 83-99,4 грамм, мағзининг чиқиши 26,6 – 30,5 %, битта ўсимлик маҳсулдорлиги 82-100 грамм, ҳосилдорлик 20,9-25,6 ц/ гани ташкил этди.



Тошкент вилояти шароитида кунгабоқар навининг ҳосилдорлиги бўйича маълумотларга қараганда “Наврўз” навида тупроқнинг суғориш олди ЧДНСга нисбатан 65-65-60 % суғориш тартибида, тупроқнинг 0-50 см ҳисобий қатламида 28,2 ц/ га ташкил қилди. Бу кўрсаткич, назоратдаги “Жаҳонгир” навида нисбатан тажрибадаги “Наврўз” навида 6,1 ц/ га ошганлиги кузатилди.

Назорат сифатида ўрганилган, ишлаб чиқариш шароитида суғорилган Жаҳонгир нави (1-вариант) поясининг диаметри 2,0 см ни, барглар сони 16,5 та ни, барглар сатҳининг узунлиги 15,4, унинг эни 12,7 см ни, битта ўсимлик маҳсулдорлиги 239 граммни, 1000 дона уруғ вазни 83 граммни ташкил қилди ва бир гектар майдондан олинган ҳосил 22,1 центнерга тенг бўлди

Қашқадарё вилоятида изланишлар натижасида кунгабоқар навининг ҳосилдорлиги бўйича маълумотларга қараганда “Наврўз” навида тупроқнинг суғориш олди ЧДНСга нисбатан 65-65-60 % суғориш тартибида, тупроқнинг 0-70 см ҳисобий қатламида 27,1 ц/ га ташкил қилди. Бу кўрсаткич, назоратдаги “Жаҳонгир” навида нисбатан тажрибадаги “Наврўз” навида 5,5 ц/ га ошганлиги кузатилди.

Назорат сифатида ўрганилган, ишлаб чиқариш шароитида суғорилган Жаҳонгир нави (2-вариант) саватчасининг диаметри 16,9 см, поясининг диаметри 2,1 см ни, барглар сони 16,5 та ни, барглар сатҳининг узунлиги 15,4, унинг эни 12,7 см ни, битта ўсимлик маҳсулдорлиги 42,7 граммни, 1000 дона уруғ вазни 98,7 граммни ташкил қилди ва бир гектар майдондан олинган ҳосил 21,6 центнерга тенг бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атабаева. Х.Н Соя Тошкент-2009
2. Карабаев И.-Сояни анғизга экишда ерга ишлов бериш усулларининг тупроқ сув ўтказувчанлигига таъсири. Агро илм Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 6 (44) сон, 2016 йил 29 бет.
3. Ёрматова Д.Е. “Мойли экинлар” Монография, Тошкент, Меҳнат,1983 г
4. Азизов Т.Б., Анарбаев И.У «Кунгабоқардан мўл ҳосил етиштириш» Тавсиянома. Тошкент 2008.
5. Нурматов Ш.Н., Азизов Т.Б., Турсунов Л., Анарбоев И.У., ва бошқалар //Мойли экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиялар. Тошкент. 2012. Туро-Иқбол нашриёти – 56–57 бетлар
6. Назаров М, Мирзажонов Қ., Ибрагимов О., Исаев С. -Дехқончиликнинг тежамкор технологиялари. Тошкент-2014 йил, 128 бет.
7. Лунов М.-Такрорий кунгабоқар парвариши Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, № 4. 2005 25 бет.

О.Қодирхужаев

доцент

Тошкент давлат аграр университети,

Ш.Боликулова

магистрант

Тошкент давлат аграр университети

УРУҒЛИК ТУГАНАКЛАРНИ УНДИРИШ УСУЛЛАРИНИ ЭРТАНГИ КАРТОШКА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада картошкани халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек уруғлик туганакларни экиш олдидан 25-30 кун мобайнида турли усулларда ундириб экишни афзалликлари баён этилган. Картошка ундирилган уруғдан етиштирилса ҳар тунда ҳосил бўладиган поялар сони, барг сатҳини кўпайишига ва ҳар тунда, гектардан олинадиган ҳосилни 12...25% га кўпайиши илмий асослаб берилган.

Калим сўзлар: нав, ундириш, поя, барг сатхи, туганак, ўсимлик, экиш схема, сифат, ҳосил.

Республикада аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва сабзавот маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш бўйича кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида охириги йилларда халқимиз учун ноанъанавий янги сабзавот экинларини интродукция қилишга эришилди. Лекин, янги интродукция қилинган брюссель каби ноанъанавий сабзавот тур экинларининг серҳосил нав ва дурагайлари танланмаган ҳамда етиштириш технологияси бўйича илмий тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш» муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. [1]

Картошка озиқ-овқат сифатида халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга. 100 г. картошка 301,5 кДж ёки 72 ккал қувват бериш манбааси ҳисобланади.

Картошка кўпчилик мамлакатларда юза бирлигидан энг кўп куруқ модда қувват (энергия) ва оқсил олишни таъминлайдиган ўсимлик ҳисобланади. [2]

Картошка гектардан оқсил бериш жихатидан дон - дуккакдилардан сўнг иккинчи ўринда туради. Картошка гектардан 13.6т ҳосилни берса ундан олинган оқсил 273кг ни ташкил этади. Картошка етиштиришни кўпайтириш аҳолини озиқ - овқат шу жумладан оқсил билан таъминлашда салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. [3]

Картошка ҳосилдорлигини кўпайтиришнинг захираларидан бири уруғлик туганакларни экиш олдидан ундириш ҳисобланади. [4]

Тажриба услубиёти. Юкоридагиларни мақсад қилиб эрта муддатда экиш учун картошкани Санте нави уруғлик туганакларнинг 30 кун мобаинида турли усулларда (ёруғ хонада сўкчакда, перфорация қилинган нур ўтказадиган полиэтилен қопчаларда, очиқ майдонда нур ўтказадиган қопчалар устига полиэтилен плёнка ёпиб ундириш) ундириб тажрибалар ўтказилади.[5]

Дала тажрибаси 2018 йил январ май ойларида Тош ДАУнинг “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳатлар маркази” ДУКнинг тажриба майдонларда ўтказилди. Турли усулда тайёрланган уруғликларни синаш амалдаги услубий қўлланма (3) асосида бажарилди. Тажриба 70см кенгликда олинган, узунлиги 10 м, 4 қатор эгатларга уруғлик туганаклар 30 см ораликда (70х30 см), 4 такрорланишда экилади. Ҳар бир такрорланиш майдони 28 м² бўлиб, тажрибанинг умумий майдони 112 м² ни ташкил этди. Кузатувлар ўртадаги икки қаторга экилган 66 туп ўсимликда –жами 1066 туп ўсимликда олиб борилди.

Тажриба майдончасида ўтказилган фенологик, биометрик ва бошқа кузатувларда куйидаги натижалар олинди. 1- жадвал

Тажриба натижалари. Кузатувлардан маълум бўлишича бир муддатда ва бир хил чуқурликда (6-8) см ундирмасдан ва утрли усулларда ундириб экилган уруғлик туганаклардан биринчи (10%) ва жами (75%) ниҳолларни ҳосил бўлиши, ер устки қисмини ўсиш ва ривожланиши турлича бўлди.

Тажрибада ундирилмасдан (наз) экилган туганаклардан биринчи (10%), ниҳоллар, экилгандан 25 кундан, жами ниҳоллар эса 32 кундан сўнг ҳосил бўлиши аниқланди. Хонада, сўкчакда ундирилган туганаклар экилган 2-варинатда эса биринчи ниҳоллар назоратга нисбатан 3, жами ниҳоллар эса 6 кун олдин ҳосил бўлди. Перфарация қилинган полиэтилен қопчаларда ундирилган туганакларнинг ниҳол ҳосил қилиш жадаллиги 5 ва 8 кунга тезлашиши маълум бўлди. Тажрибанинг тўртинчи варинатида эса бу кўрсаткич уруғ экилганидан 22 ва 25 кундан сўнг содир бўлиши аниқланди.

Уруғлик туганакларнинг турли усулда ундириб экиш ниҳолларнинг яшовчанлигига – хато миқдори ҳам таъсир этади.(1-жадвал) Ундирмасдан экилган туганакларнинг (назорат) хато миқдори 10,8%, иккинчи, учинчи ва тўртинчи вариантларда бу кўрсаткич тегишлича:

6,5:4,2:4,9% бўлиб бу вариантлар ўсимликларнинг хато миқдори назоратга нисбатан -4,3: 6,6 ва 5,9% га камайишлиги аниқланди.

Демак, уруғлик туганакларни экиш олдидан бирор бир усулда ундириб экиш, гектардаги ўсимликлар сонини камайишига ижобий таъсир этар экан.

1-жадвал

Уруғлик туганакларни ундириш усуллари эртаги картошка хато миқдори ва ер устки қисмини шаклланишга таъсири.

Т.р	Тажриба вариантлари	Хато миқдори %	Гектардаги ҳақиқий ўсимликлар сони, минг тонна гектарига	Энг баланд поясининг узунлиги, см	Поялар сони		Барг сатҳи	
					1 тупда, дона	1 га да минг дона	1 тупда, см ²	1 га да м ²
1	Ундирилмаган туганаклар экилди-назорат	10,8	42477	48,7	1,8	76458	0,37	15716
2	Хонада, сўкчақда ундирилган туганаклар экилди	6,5	44525	54,2	2,4	106860	0,40	17810
3	Хонада перфорация қилинган полиэтилен қопчаларида ундирилди.	4,2	45620	58,1	3,1	141422	0,44	20072
4	Очиқ майдонларда полиэтилен қопчаларда оқ плёнка остида ундирилди.	4,9	45287	54,9	3,0	135861	0,42	19020

Уруғлик туганакларни ундириб экиш, нафақат гектарда тўлиқ кўчатлар ҳосил бўлишига балки, картошка поялари сони, барг сатҳи ва поясининг баланд ёки қисқа бўйли бўлишига ҳам турлича таъсир этди.

Ундирилмасдан экилган (наз) туганаклардан ҳосил бўлган картошка энг йирик поясининг ўртача узунлиги 48,7 см ни ташкил этди. Тажрибанинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи вариант ўсимликларини поясининг ўртача узунлиги эса назорат вариант пояси узунлигидан 4,5;10,6 ва 3,8 см гаузун бўлди.

Ҳар тупда ҳосил бўлган поялар сони вариантлар бўйича 1,8 донадан 3,1 дона оралиғида бўлганлиги маълум бўлди. Бу ўз навбатида гектардаги поялар сонини кўпайишига (76400 донадан -141400 донагача) ижобий таъсир этди. Гектардаги поялар сонини кўпайиши, гектарда ҳосил бўладиган барг сатҳининг ҳам кўпайишига (15700м² дан- 20000м²) асос бўлди.

Картошканинг ер устки вегетатив қисмини турлича шаклланиши, унинг ҳосилдорлигига ва уни сифатига ҳам ўз таъсирини ўтказди (2- жадвал).

Уруғлик туганакларни ундириш усуллари эртаги картошка ҳосилдорлиги ва уни сифатига таъсири

Т/р	Тажриба вариантлари	Ҳосил		Назоратга нисбатан, %	Умумий ҳосил таркибидаги товарбоп ҳосил миқдори, %	Нотовар ҳосил	
		1 туп дан, г	1 га дан, т			%	т/га
1	Ундирилмаган туганаклар экилди-назорат	508,5	21,6	100	93,4	6,6	1,4
2	Хонада сўкчақда ундирилган туганаклар экилди	552,2	24,6	113,9	98,8	1,2	0,3
3	Хонада перфорация қилинган полиэтилен қопчаларда ундирилди.	594,1	27,1	125,5	99,1	0,9	0,2
4	Очиқ майдонларда полиэтилен қопчаларда оқ плёнка остида ундирилди.	536,6	24,3	112,5	98,9	1,1	0,3

2-жадвалда келтирилган рақамлардан маълум бўлишича уруғлик туганакларни экишдан олдин 25-30 кун мобаида бирор усулда ундириб экиш картошка ҳосилдорлигига ижобий таъсир этди.

Хонада сўкчақда ундириб экилган туганаклар ҳар тупда шаклантирган ҳосил ўртача 552,2г. бўлиб, назорат вариант ўсимликлар ҳосилидан 43,7г. юқори бўлди. Бу кўрсаткич тажрибанинг учинчи ва тўртинчи вариантларида назоратга нисбатан 85,6...28,1г. ташкил этди. Бу ўз навбатида гектардан олинган ҳосилга ва унинг сифатига таъсир этиши аниқланди.

Ундирмасдан экилган туганаклар гектарда шаклантирган ҳосил 21,6 тоннани ташкил этган бўлса, сўкчақда ундириб экилган туганаклардан олинган ҳосил 24,6 тонна бўлиб, назорат вариант ҳосилдорлигидан 3,0 га\т ёки 13,9% юқори бўлди.

Ўрганилган ундириш усуллари ичида хонада перфорация қилинган полиэтилен қопчаларда ундирилган уруғликлар назоратга нисбатан гектардан энг юқори (27,1 т\га) ҳосил берди. Бу вариант ҳосилдорлиги, ундирилмасдан экилган вариант ҳосилдорлигидан 25,5% юқори бўлиши амалда аниқланди. Бу вариант ўсимликларни назорат ва бошқа ундириш усулларига нисбатан юқори ҳосил беришига, хато миқдорини(4,2%) кам бўлиши, ҳар тупда ҳосил қилган поялар сони (3,1 дона) ва барг юзасини (0,44дм²) кўп бўлишини асосий сабаблар деб кўрсатиш мумкин.

Ундириш усуллари ҳосилни сифат кўрсаткичга ҳам таъсир этади. Ундирмасдан экилган туганаклар шаклантирган ҳосилни 6,6% ни нотовар ҳосил ташкил этди, ундириб экилганлари ҳосилнинг эса 98,8...99,1% ни товарбоп туганаклар ташкил этиши аниқланди.

Хулоса: Эрта муддатда экиладиган картошка уруғлик туганакларининг бирор усулда ундириб экиш, ниҳоллар ҳосил бўлишини 6...8 кунга тезлаштириб, хато миқдорини 4,0...6,0% га камайтиради ва ҳар тупда ҳосил бўладиган поялар сони ҳамда умумий барг юзасини кўпайтиб ҳосилдорлигини 12..25 % оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

2. Вальтер И.М., Мамедов Я.И. Картофель-растение, продукт и сырьё. В кн. "Картофель: история, применение, употребление". Москва. Пищевая промышленность 1978, 3-61.

3. Старцев В.И., Гинс В.К., Кононков П.Ф. Интродукция пополняет сортимент овощных культур. // Картофель и овощи. – Москва, 2003.г – № 3 С. 24.

4. Доспехов.Б.А. Методика полевого опыта // М., "Колос". 1973.с 74-83.

5.Картофель под общей редакцией Д. Шпаара. Минск ФУА информ. 1999. с 7-19.

6. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. "Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик тажрибалар ўтказиш методикаси".-Т. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2002й, 180-198 бет.

Хуррамов Улузбек Холмаматович

қ.х.ф.ф.д. (PhD),

Каримов Жамшид Очилович

ассистент,

Абдуллаева Гулнора Бахадировна

ассистент,

Баликулов Фарход Олимович

ассистент

Тошкент давлат аграр университети

ПЕКИН КАРАМИНИ ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЕТИШТИРИШ УЧУН СЕРҲОСИЛ НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИ ТАНЛАШ

Аннотация. Мақолада пекин карамини, турли нав ва дурагайларининг номлари, биометрик, фенологик, биокимёвий таркиби ҳамда етиштириши технологиялари тузғисида маълумотлар килтирилган.

Калит сўзлар: Нав, ўсимлик, ҳосил, кўчат, товарбон маҳсулот, карамбош, дурагай.

Сўнги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида биологик фаол моддаларга бой бўлган ноанановий сабзавот турларини купайтириш ва етиштириш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, сабзавотлар таркибида ўндан ортиқ витаминлар, минерал тузлар, ферментлар, фитонцидлар ва бошқа биологик фаол моддалар мавжуд бўлиб, улар инсонларни узоқ умр кўриши ҳамда меҳнатга лаёқатлигини оширишда алоҳида урин эгаллайди.[1]

Мамлакатимизда ҳам аҳолини озикланиш тартибини яхшилаш мақсадида сабзавот экин турларини купайтиришга катта аҳамият берилмоқда.

Таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган моддаларга бой сабзавот экинлари каторига пекин карами ҳам киради.[2]

Пекин карами бир йиллик ўсимлик бўлиб Шарқий Осиёнинг Хитой, Япония, ва Корея давлатларидан келиб чиққан. Уни маҳсулдор қисми узунчоқ шаклдаги карам боши ҳисобланиб, уни турли хилдаги таомлар тайёрланади ва салатлар, тузлама, маринад ва консервалар тайёрланади.

Уни таркибида куплаб витамин, аминокислоталар ва бошқа биологик фаол моддалар мавжуд бўлганлиги учун Хитойнинг шимолий вилоятларида яшовчи аҳолини қиш мавсумида истимол қиладиган жами сабзавот турларининг қариб 80 фоизни пекин карами ташкил этади.[3]

Хозирги даврда пекин карами Шарқий Осиё ва Хинди-Хитойда етиштирилаётган жами сабзавот майдонларини 25 фоизда ўстирилмоқда. Бу экинни етиштириш учун АҚШ ва Европа давлатларида катта майдонлар ажратилмоқда. Сабзавотчилиги ривожланган Голландияда 1000 га майдонда пекин карам етиштирилмоқда.[4]

Маълумки, ҳар қандай қишлоқ хўжалик экинининг ҳосилдорлиги, маҳсулотини етилиш муддати, унинг сифати ҳамда маҳсулот етиштириш учун қилинган харажатлар экилаётган нав ёки дурагайга кўп жихатдан боғлиқ бўлади.

Тажриба услублар. Биз 2017-2019 йилларда бу қиматбаҳо сабзавот тури нав-намуналарини кўпайтириш мақсадида ЎИТИ тажриба майдонида тасдиқланган режага ва амалдаги услубий кўргазмаларга асосланган ҳолда дала тажрибаларини ўтказдик.

2017-2019 йилларда дала тажрибаларида пекин карамини қўйидаги нав ва дурагайлари ўрганилди Хибинская st, Бокал нав, Jang Won нав, Ча-ча F₁, Юки F₁, Seo Jin F₁, Monoko F₁, Bilko F₁, Koraenge F₁, Chunchyubai F₁, Za Jiao F₁, Chun Yeon F₁.

Изланиш мақсади-пекин карамининг юқори ва серҳосил навларини Тошкент вилояти шароитида такрорий экин сифатида етиштиришга яроқли бўладиган нав-намуналари ва дурагайлари танлашдир.

Тадқиқотлар 2017-2019 йилларда Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти тажриба далаларида ўтказилди. Тажриба 4 такрорланишли бўлиб, ҳисобга олинган майдонча юзаси 28 м² [5]

Тажриба натижалари. Тажриба майдончасида ўтказилган фенологик ва биометрик кўзатувлар қўйидаги натижаларни бирди, 1-жадвал.

1-жадвал

Пекин карами навларини барглари сони ва ўлчами (2017-2019 й.й).

Нав ва намуналари	Бир тупдаги барглар сони			Энг йирик барги узунлиги, см		
	дона	стандартга нисбатан.		барг узунлиги, см	стандартга нисбатан кўшимча.	
		сони, дона	%		сони, дона	%
Хибинская, st.	24,4	-	100	37	-	100
Бокал	18,5	-5,9	-24,1	38,4	1,4	3,8
Jang Won	31,8	7,4	30,3	39,6	2,6	7,0
Ча-ча F ₁	24,9	0,5	2,0	35,3	-1,7	-4,6
Юки F ₁	28,1	3,7	15,2	29,7	-7,3	-19,7
Seo Jin F ₁	30,2	5,8	23,8	35,9	-1,1	-3,0
Monoko F ₁	28,7	4,3	17,6	29,3	-7,7	-20,8
Bilko F ₁	27,4	3,0	12,4	30,2	-6,8	-18,4
Koraenge F ₁	31,0	6,6	27,0	35,1	-1,9	-5,1
Chunchyubai F ₁	29,1	4,7	19,3	37,2	0,2	0,5
Za Jiao F ₁	30,4	6	24,6	32,0	-5,0	-13,5
Chun Yeon F ₁	32,1	7,7	31,5	29,0	-8	-21,6
НСП₀₅	2,5			4,8		
Sx.%	3,1			2,3		

Кўзатувлардан маълум бўлишича пекин карамининг нав намуналари ҳосил йиғимини олдиан турли сондаги барглар ҳосил қилар экан (1-жадвал).

Ўрганилган карам навлари ичидан стандарт Хибинская навга нисбатан энг кўп эркин барглари Chun Yeon F₁ (32,1 дона) ва Jang Won нав (31,8 дона) дурагайлари ҳосил қилганлиги аниқланди. Бу дурагайлари шакллантирган барглари сони стандарт Хибинская навга нисбатан 7,7-7,4 донага кўп бўлганлиги маълум бўлди.

Стандарт Хибинская навга нисбатан энг кам сондаги барглари Бокал (18,5 дона) нави ҳосил қилди.

Ўрганилган пекин карамининг нав-намуналаридан Jang Won 39,6 см, Бокал 38,4 см ва Chunchyubai F₁ 37,2 см нав-намуналарида энг узун барглари шаклланди. Қолган навларнинг энг йирик барглари узунлиги стандарт Хибинская нав барги узунлигидан 2-5 см қисқа бўлганлиги аниқланди.

Демак, пекин карамининг нав ва дурагайлари ҳосил қилинган эркин барглари сонини тўрлича бўлиши билан бари иккинчисидан фарқланар экан.

Синалган пекин карамининг нав-намуналари ва дўрагайлари карамбошларини шакллантирабошлаши ва биринчи теримгача ўтган вақти турлича бўлишлиги билан фарқланди, 2-жадвал.

2-жадвал

Пекин карами навлари ўсиш ва ривожланиш босқичлари (2017-2019 йй).

Нав ва дурагайлар	Карамбош лари шаклана бошлагун ча, ўтган вақт, кун	Биринчи терим гача, кун	Бош ўраш давомлиги, кун	Биринчи терим санаси	Охириги терим санаси	Экишдан тахминий етилгун ча ўтган вақт, кун
Хибинская, st.	85	123	38	10/XI	26/XI	109
Бокал	60	95	35	13/X	27/X	79
Jang Won	92	134	42	21/XI	9/XII	132
Ча-ча F ₁	70	113	43	31/X	15/XI	97
Юки F ₁	94	136	42	23/XI	17/XII	130
Seo Jin F ₁	77	116	39	9/XI	14/XI	97
Monoko F ₁	62	102	40	20/X	3/XI	86
Bilko F ₁	103	149	46	6/XII	19/XII	132
Koraenge F ₁	82	119	37	6/XI	16/XI	99
Chunchyubai F ₁	78	117	39	4/XI	17/XI	100
Za Jiao F ₁	73	110	37	29/X	12/XI	95
Chun Yeon F ₁	76	120	44	7/XI	19/XI	102

Ўрганилган пекин карамининг Бокал, Ча-ча F₁, Seo Jin F₁, Monoko F₁, Koraenge F₁, Chunchyubai F₁, Za Jiao F₁, Chun Yeon F₁, нав ва дурагайлари стандарт Хибинская навига нисбатан 25-3 кун олдин карамбош шакллантириш босқичига киришлиги аниқланди (2-жадвал).

Koraenge F₁, Chunchyubai F₁, дурагайлари стандарт Хибинская нав билан деярли бир вақтда карамбош шакллантира бошладилар. Jang Won нав, Юки F₁, Bilko F₁ дурагайи эса кечпишар бўлганлиги учун стандарт Хибинская навига нисбатан 7-18 кун кейин бош ўрай бошлади.

Карамбош ўраш давомийлиги нав ва дурагайлар бўйича 35-46 кунни ташкил этиб, ҳосилни биринчи теримга қадар ўтган муддати 95-149 кунни ташкил этиши маълум бўлди.

Шуни тақидлаш керакки, карамбош шакилланиши ва биринчи теримгача ўтган вақт пекин карами нав ва дурагайлари эрта ёки кечпишарлигига боғлиқлиги аниқланди.

Пекин карамининг нав ва дурагайлари ҳар тупда шакллантирган барглар сони, карамбош шакллантириш босқичига эрта ёки кеч кириши ва карамбошнинг тўлиқ шакллантиргунча кетган вақти билангина эмас, балки карам бошларининг ўртача ва юза бирлигидан берган ҳосили билан ҳам бири иккинчисидан фарқ қилди, (3-жадвал).

Пекин карами нав намуналарини ҳосилдорлиги (2017-2019 й й).

Нав ва дурагайлар	Карам бошининг ўртача вазни, гр.	Умумий ҳосил, т/га				Стандартга нисбатан кўшимча ҳосил		Товар боп ҳосил, т/га	Ҳосил таркибидаги товар боп маҳсулот, %.
		2017 й	2018 й	2019 й	Ўртача	т/га	%		
Хибинская, st.	865	35,8	34,9	35,9	35,5	-	100	30,0	84,5
Бокал	1,771	74,5	75,9	78,0	76,1	40,6	114,4	68,4	89,9
Jang Won	2,574	105,8	110,4	107,9	108,1	72,6	204,5	96,5	89,3
Ча-ча F ₁	2,372	100,2	103,7	108,3	104,1	68,6	193,2	91,8	88,2
Юки F ₁	1,670	70,4	67,4	71,1	69,6	34,1	96,0	61,1	87,8
Seo Jin F ₁	2,870	116,8	114,6	120,8	117,4	81,9	230,7	104,5	89,0
Monoko F ₁	2,465	101,8	108,9	106,4	105,7	70,2	197,7	92,9	87,9
Bilko F ₁	1,260	55,8	52,1	56,8	54,9	19,4	54,6	48,4	88,2
Koraenge F ₁	3,095	127,1	129,2	132,0	129,4	93,9	264,5	110,2	85,2
Chunchyubai F ₁	2,423	104,7	106,2	105,9	105,6	70,1	197,5	88,4	83,7
Za Jiao F ₁	1,886	81,9	79,7	85,0	82,2	46,7	131,5	72,4	88,0
Chun Yeon F ₁	2,650	107,7	108,9	106,8	107,8	72,3	203,7	97,8	90,7
НСП₀₅	12,2	14,3	15,1	13,2	14,1			21,3	
Сх.%	2,5	3,2	3,1	3,7	3,5			2,8	

Пекин карамининг синалган нав дурагайлари ичида энг йирик ва вазни оғир бўлган карамбошларни Koraenge F₁ (3,095 кг), Seo Jin F₁ (2,870 кг) ва Chun Yeon F₁ (2,650 кг), Jang Won (2,574 кг), Monoko F₁ (2,465 кг) навлари ва дурагай шакллантирди. Бу навлар ва дурагайни ҳосил қилган карам боши вазни стандарт Хибинскаянинг карамбоши вазнидан 2,230 кг дан 1,600 кг гача кўп бўлишлиги аниқланди.

Карам бошларининг стандарт нав карам бошларига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлиши, гектардан олиндиган ялпи ҳосил миқдорига ҳам ижобий таъсир этди.

Такрорий экинда синалган пекин карами нав-намуналаридан энг юқори ҳосил, Koraenge F₁ гектардан берган ялпи ҳосили Хибинскаяга нисбатан 93,9 тонна, Seo Jin F₁ 81,9 тонна, Jang Won нав 72,6 тонна, Chun Yeon F₁ 72,3 тонна, Monoko F₁ 70,2 тонна, Chunchyubai F₁ 70,1 тонна, ва Ча-ча F₁ дурагайини эса 68,6 тоннага ортиқ бўлиши тажрибада аниқланди. Ялпи ҳосил таркибидаги товарбоп карамбошларининг миқдорини юқори бўлиши жиҳатидан Chun Yeon F₁ (90,7 %), Бокал нав (89,9 %), Jang Won нав (89,3 %), Seo Jin F₁ (89,0 %), Ча-ча F₁, Bilko F₁ (88,2 %), Za Jiao F₁ (88,0 %), Monoko F₁, (87,9 %) ва дурагайида эса Юки F₁ 87,8 % ташкл этиши аниқланди. Бу нав ва дурагайларнинг ҳосил сифати стандарт Хибинскаяга нисбатан 6,2 % дан 3,3 % гача юқори бўлди.

Демак, пекин карами нав-намуналари такрорий экинда нафақат ҳосилдорлиги, балки ҳосил сифатини турлича бўлиши билан ҳам бири иккинчисидан фарқ қилар экан.

Пекин карамлари бир хил шароитда етиштирилишига қарамасдан таркибида курук модда тўплаши жиҳатидан ҳам бири-иккинчисидан фарқ қилади, 4-жадвал.

Пекин карами нав-намуналарининг биокимёвий таркиби. Пекин карами инсон учун зурур бўлган муҳим озик-овқат маҳсулоти ҳисобланади, чунки улар витаминлар, органик кислоталар, минерал тузлар, хушбуй моддалар манбаи ҳисобланади. Шу билан бирган улар таркибида қисман оқсиллар ҳамда углеводлар ҳам учрайди.

Пекин карамининг биокимёвий таркиби, лаборатория шароитларида турли услублар билан аниқланди.

Пекин карамининг биокимёвий таркиби (100 г хом вазнида). (2017 йил).

Нав намуналари	Қуруқ модда, %	Аскорбин кислотаси, %	Нитратлар, %	Қанд, %	Оқсил, %
Хибинская, st.	11,3	46,8	111	5,0	2,7
Бокал	10,8	77	247	4,6	2,7
Jang Won	11,0	48,2	99	4,9	2,8
Ча-ча F ₁	11,5	52,5	122	5,0	3,2
Юки F ₁	12,2	51,6	137	6,0	2,9
Seo Jin F ₁	8,3	79	104	3,3	3,3
Монок F ₁	6,8	41,9	120	4,1	2,6
Bilko F ₁	6,0	53,7	140	4,3	3,22
Koraenge F ₁	8,5	47	101	4,2	2,2
Chunchyubai F ₁	12,7	50,3	106	6,4	1,9
Za Jiao F ₁	10,5	56,3	119	4,8	2,0
Chun Yeon F ₁	11,2	42,4	87,6	5,1	2,4

Таркибида қуруқ моддани стандарт Хибинская (11,3 мг %) навига нисбатан Chunchyubai F₁ (12,7 мг%), Юки F₁ (12,2 мг %) ва Ча-ча F₁ (11,5 мг %) дурагайлари ҳосил қилди. Қолган нав ва дурагайлар таркибидаги қуруқ модда миқдори стандарт Хибинская навнигига нисбатан сезиларли даражада кам бўлиб 6,0-10,5 мг % оралиғида бўлишлиги аниқланди.

Хулосалар

1. Пекин карамини Бокал, Ча-ча F₁, Seo Jin, Монок F₁, Koraenge F₁, Chunchyubai F₁, Za Jiao F₁, Chun Yeon F₁, нав ва дурагайлари карам бошининг шакллана бошлаши стандарт Хибинская навга нисбатан 3-25 кун олдин, Jang Won нав, Юки F₁ ва Bilko F₁ дурагайларида 7-18 кун кейин бошланди.

2. Синалган карам навлари ва дурагайлари барчаси стандарт Хибинская навига нисбатан вазни 395 гр дан 2,230 кг гача кўп бўлган карамбошларини шакллантирди.

3. Карамнинг барча нав ва дурагайлари стандарт Хибинская навга нисбатан 264,5 дан 54,6 фоизгача юқори ҳосил берди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зуев В, Атаходжаев А, Қодирхужаев О. Кўчат сабзавотлар. “Химояналган ерларда кўчат ва сабзавотлар етиштириш” Тошкент 2010 й. Ношир. 222-223 б.

2. Зуев В.И., О.К.Қодирхужаев ва бош. “Карамбошли сабзавот экинлари”. Сабзавотчилик ва полизчилик. Тошкент. Иқтисод-молия 2010 й. 256-257 б.

3. Колпаков Н.А. “Урожайность пекинской капусты при различных сроках выращивания” НГАУ-1[26] ст. 26-27. 2013 г.

4. Круг.Г “Овощеводство” (1пер. с нем. В.И. Леунова) Москва. Колос. 2000 г. ст.576.

5. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта.-М: Колос, 1985г. стр 272-287.

Рашидов Негмурод Элмуродович
б.ф.н., доцент,
Ходжаева Зарина Фахриддиновна
мустақил тадқиқотчи,
Жўраева Озода Тоировна
магистр
Бухоро давлат университети


КОЛЛЕКТОР - ДРЕНАЖ СУВЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ТОЗАЛАШНИНГ БИОТЕХНОЛОГИЯСИ

Аннотация. Ишлатилаётган тоза сувларни танқислиги сабабли оқова сувларини ва коллектор-дренаж сувларини биологик усулда орғоно-минерал моддалардан тозалаб, яроқли бўлган сувни қайта қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда фойдаланилди. Ҳосил бўлган биомасса ўтхўр балиқларга озиқа сифатида ишлатилди.

Калит сўзлар: оқова ва коллектор – дренажлар, экологик мувозанат, сув ўтлари, оқсилни, каротиноидлар, хлорофилин натрий, хитин.

Ҳар йили Бухоро вилоятида 30 млн. м³ дан ортиқ ифлосланган сувлар очиқ сув хавзаларига ташланади. Йиллар давомида чиқадиган сувларнинг йиғилиши натижасида Бухоро вилоятида бир қанча сунъий кўллар ҳосил бўлган. Бунинг оқибатида бир неча минглаб гектар яйловлар сув остида қолган, ер ости сувлари кўтарилиши натижасида табиатнинг экологик мувозанатини бузилишига олиб келган. Кейинги йилларда, чучук сувнинг танқислиги туфайли коллекторлар сувларидан қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда фойдаланилмоқда, бу эса тупроқларнинг қайта шўрланиш даражасининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда [1].

Тадқиқот ишлари дала ва лаборатория шароитида олиб борилди. Бунда асосан Бухоро вилоятидаги коллекторларидан ҳар ойда 1 мартадан бош, ўрта ва қуйи қисмларидан ҳаммаси бўлиб 850 та альгологик сувўтлари намуналари тўпланди (1-расм).



1-расм. Коллекторларнинг жойлашган ўрни

Намуна ва озуқа муҳит солинган шиша идиш ҳар куни 3-4 мартаба аралаштириб турилди. 4-5 кун ичида сувўтлари ўсиб, яшил тусга кирганидан кейин микроскоп остида бошқа сувўтларининг камайганлиги аниқланди. Яшил тусга кирган суспензиядан олиб, янгидан тайёрланган минерал озуқа муҳитга экилди. Бу шиша идиш ҳам 4-5 кун дераза ёнида сақланди. Шу вақт ичида колба идишдаги суюқлик яшил тусга кирди. Яшил тусдаги сувўтлари асосан *Chlorella pyrenoidosa*. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kuetz.дан иборат эди. Шиша идишдаги ўсиб турган хужайрадан стерилланган пипеткага олиб, петри косачасига тайёрланган 2% ли агарли озуқавий муҳитга экилди. Петри косачаси ёруғликда 4-5 кун сақланди ва униб чиққан

хужайралар 2- маротаба петри косачасига шу тартибда экилиб, у ердан альгологик тоза холатдаги *Chlorella pyrenoidosa* Chick. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kuetz. штаммлари ажратиб олинди.

Лаборатория шароитида сувўтлари махсус ясалган 1,5 литрлик узунчоқ шиша идишларда ҳамда ҳажми 20 литрлик аквариумларда 10 литр коллектор сувида ўстирилди ва микрокомпрессор (МК-40) ёрдамида аралаштириб турилди (2-3 расм).

Ишлаб-чиқиш шароитида лотоклардан ясалган ҳажми 100 м³ га мўлжалланган лоток типидagi очик қурилмалардан фойдаланилди (4-расм). Бунда озуқа муҳитини Б-15 маркали насос ёрдамида аралаштириб турилди ва карбонад ангидрид газини (СО₂) билан озиклантириб турилди. Уларни ўстириш учун минерал озуқа муҳит 04, аммофос, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари (қорамол, қўй ва бошқ.) гўнги (5 г/л) ва коллектор сувларидан фойдаланилди. 04 озуқавий муҳити Уханск (Хитой)даги гидробиология институти олимлари томонидан яратилган бўлиб, Ўзбекистон муҳитига мослаштирилиб, академик А.М.Музафаров томонидан модификация қилинган.


Минерал озуқавий муҳитнинг таркиби (1л сувга гр. ҳисобида): (NH₄)₂SO₄-0,2 г/л; Са(Н₂РО₄)₂·Н₂О-0,03 г/л; СаSO₄·Н₂О-0,03 г/л; NaHCO₃ -0,1 г/л; MgSO₄·7Н₂О-0,08 г/л; KCl - 0,025 г/л; FeCl₃ -(1% ли эритмаси)-0,15мл; тупроқ экстракти-0,15 мл; микроэлементлар эритмаси – 1 мл.



2-расм. Сувўтларини 1,5 литрлик шиша идишларда ўстирилиши



3-расм. Сувўтларини 20 литрлик идишларда ўстирилиши



4-расм. Сувўтларини очик қурилмаларда (лотоктипидаги) ўстирилиши

Тайёрланган озуқавий муҳитга сувўтларининг 1 мл да 2,0-2,5 млн хужайраси экилди ва ҳар куни хужайралар сонини Горяев санаш тўридан микроскоп ёрдамида санаб бордик. Уларнинг ўсиш жараёнида хона ҳарорати 18-25°C, ёруғлик эса 5-15 минг, очик шароитда 50-110 минг люкс бўлиб турди. Ёруғлик Ю-16 маркали люксметр асбобида ўлчанди. Тажриба давомида лаборатория шароитида сувўтларини ёруғлик билан таъминлашда ДРЛ-400 лампасидан фойдаланилди.

Альгологик тоза турларнинг коллектор сувларида ўсиши ва ривожланиши ҳамда сувни тозалаш даражасини ўрганиш мақсадида лаборатория ва ишлаб - чиқариш шароитида тажрибалар ўтказдик.

Сувўтларининг ҳосилдорлигини аниқлаш учун, 100 мл суспензия центрофугада 30 минут ичида 5-6 минг тезликда чўктириб олинган биомасса 105 градусда қуритилди. Центрофугада чўктирилган биомасса, оғирлиги аниқланган боксга солиниб, қуритгич печида қуритилди. Қуритилган сувўти биомассаси тарозида тортилиб оғирлиги аниқланди [2].

Коллектор сувларини кимёвий таркиби уларга сувўтларини экканга қадар ва эккандан кейингиси аниқланди, сув ҳарорати ва унинг муҳит (рН) лари ўрганилди.

Кимёвий таркибидан – сувда эриган кислороднинг миқдори, кислороднинг 5 кечаюкунда биокимёвий сарфланиши, оксидланиш даражаси, аммиак, нитритлар, хлоридлар ва сульфатларнинг миқдори аниқланди.

Сувнинг гидрокимёвий таҳлили Ю.Ю. Лурье [3] ва А.С. Строгонов ва бошқ.[4] методи бўйича Бухоро давлат университети биотехнология муаммолари илмий лабораториясида ва Аму-Бухоро ирригация тармоқлари гидрогеология-мелиоратив экспедицияси лабораториясида амалга оширилди.

Ҳаво ва сувнинг ҳароратини ўлчаш пайтида 0,1 градус бўлимли симобли термометрдан фойдаланилди.

Водород ионининг миқдори (рН)- индикатор қоғози ва ЛПУ-01 маркали рН метрда ўлчанди.

Сувда эриган кислороднинг миқдори Винклер услуби билан аниқланди. Коллектор сувига 1 мл марганец хлориди ва 1 мл калий йоднинг ишқорли бирикмаси қўшилди. Ҳосил бўлган чўкма концентрланган сульфат кислота билан эритилди ва 0,01 N гипосульфат билан титрланди.

Кислороднинг биокимёвий сарфланиши (КБС₅)- коллектор сувларини 5 кун 18-20°C ли термостатда сақланиб, таркибидаги сувда эриган кислороднинг миқдори аниқланди.

Коллектор сувларини оксидланиш даражаси перманганат услуби билан аниқланди. Коллектор сувига сульфат кислота билан калий перманганат эритмаси солиниб, 10 минут қайнатилди. 10 мл шавел кислота қўшилиб, калий перманганат билан титрланди.

Аммиакнинг миқдори Несслер эритмаси ёрдамида 10 мл сувга 0,3 мл 50% сегнет тузи ва 0,3 мл Несслер эритмаси солиб аниқланди.

Нитритларни аниқлашда Грисс эритмасидан фойдаланилди. 10 мл сувга 0,5 Грисс эритмаси солиб, 70°C иситилди ва сувнинг рангини ўзгаришига қараб миқдори аниқланди.

Хлоридларни аниқлаш учун 100 мл коллектор сувига 10% ли калий- бихромат тузи қўшилиб 5 томчи томизиб, кумушнинг азотли бирикмаси билан титрланди.

Сульфатларнинг миқдори барий сульфат билан чўктирилиб аналитик тарозида тортиш йўли билан аниқланди.

Коллектор сувларининг таркибидаги қуруқ моддаларнинг миқдорини аниқлаш учун 100 мл сувни фарфор косачаларда парлатиб, 105°C температурада қуритгичда қуритилиб тарозида оғирлиги аниқланди.


Коллекторида учраган сувўтларини фасллар бўйича ўргандик (5-расм).



Коллекторидаги сувўтларининг мавсумий ўзгариши

№	Сувўтларининг бўлимлари	Жами турлар	Турлар сони			
			Баҳорда	Ёзда	Кузда	Қишда
1	Суанophyta	63	59	52	33	9
2	Bacillariophyta	143	114	66	73	5
3	Dinophyta	3	2	3	-	-
4	Euglenophyta	19	15	13	7	5
5	Chlorophyta	101	96	73	61	24
Жами		329	286	207	174	43

Коллекторидаги сувўтларини турлар сони 329 та бўлиб, улардан кўк-яшил 63 та, диатомлар 143 та, динофитлар 3 та, эвгленалар 19 та, яшиллар 101 тани ташкил қилди (1-жадвал).



Ҳар битта қурилмага 100 м³ коллектор суви қуйилади ва унга зичлиги 2,0-2,5 млн/мл хужайраси бўлган *Chlorella pyrenoidosa* ёки *S. obliquus* экилади ва насос ёрдамида аралаштириб турилади. Экилган сувўтлари 5 кунда ўсиб, ривожланиб, коллектор сувини тозалайди ва биомасса ҳосил қилади. Сувўтлари биомассасини ажратиб олиш учун қурилмадан алоҳида ясалган чуқурликка юборилади. Чуқурликда сувўтлари сув остига чўкади. Тозаланган коллекторлар сувидан биомасса ажратиб олинади.

Сувни тозалаш жараёни узлуксиз кетиши учун 100 м³ коллектор суви сиғадиган 5 та қурилма қурилди. Уларга навбати билан биринчи кун биринчи қурилмага, иккинчи кун иккинчи қурилмага ва ҳоказо бешинчи кун бешинчи қурилмага сувўтлар экилди. Беш кун ичида биринчи қурилмадаги *Chlorella pyrenoidosa* ва *Scenedesmus obliquus* ўсиб, коллектор сувини тозалайди ва қурилма ўз навбатида бўшатилади ва тозаланмаган сув билан тўлдирилади, сувўтларни ўстириш давом эттирилади.

Шундай қилиб, бешта қурилма ўз навбати билан экилади ва бўшатиб турилади. Ҳар битта қурилмага, коллектор сувини тозалашини тезлатиш ва сувўтларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида қурилмалардаги коллектор сувларига қўшимча озуқа бериб турилади. Бундай қурилмаларда коллекторлар сувларини органино-минерал моддалардан тозалаш билан бир қаторда, ҳар битта қурилмадан 1 суткада 200-250 кгхўл биомасса олиш мумкинлиги аниқланди. Коллекторларда ўстирилган *Chlorella pyrenoidosa* ва *Scenedesmus obliquus* биомассаси чўктириш ва сепаратордан ўтказиш йўли билан ажратиб олинади.

Тозаланган коллекторлар сувлари эса қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун ишлатилади. Ажратиб олинган биомасса эса қайта ишланиб, уларнинг таркибидаги моддалар ҳам ажратиб олинди. 100 м³ коллектор сувига экилган *Chlorella pyrenoidosa* ва *Scenedesmus obliquus* дан бир кунда 225-275 кгхўл биомасса олинди, уни қайта ишлаш натижасида, озиқ-овқат ва чорвачилик учун керакли оқсилни, каротиноидлар, хлорофиллин натрий, хитин ва бошқа физиологик фаол моддалар ажратиб олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ибрагимов Г.А. Использование минерализованных вод на орошение хлопчатника. - Ташкент: Фан, 1973. –С.16-20.
2. Макарова И.Б., Пичкили Л.О. К некоторым вопросам методики вычисления биомассы фитопланктона // М. Бот. жур. 1970. –Т.55. - №10.-С. 1488-1494.
3. Лурье Ю.Ю. Аналитическая химия промышленных сточных вод. –М. Химия. 1984. -448с.
4. Строгонов А.С., Бузинов А.С. Практическое руководство по гидрохимии. М., 1980. С. - 195.

Н.Т.Шаймуродов

Тошкент давлат аграр университети,

М.Б.Норбоев

Тошкент давлат аграр университети

СИГИРЛАРНИНГ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН ОЗУҚАСИНИ СУТ БИЛАН ҚОПЛАШ ДАРАЖАСИ ВА СИГИРЛАРНИ МШИНАДА СОҒИШГА ЯРОҚЛИЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Аннотация. Мақолада наслчилик фермер хўжалиги шароитида Сигирларнинг истеъмол қилган озуқасини сут билан қоплаш даражаси ва сигирларни мшинада соғишга яроқлилигини ўрганилиб, гуруҳлараро фарқ кўзатишган.

Фақат 3 гуруҳ сигирларнинг кўрсаткичлари юқори бўлиши уларда истеъмол қилган озуқасини сут билан қоплаш даражаси ва мшинада соғишга яроқлилик даражаси юқори эканлиги ўрганилди.

Калим сўзлар: сигир, сут, озуқа, елин, сўргич, индекс, морфофункционал. Сигирлардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолашда уларнинг озуқани сут билан қоплаш хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. 1-жадвалда тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг озуқани сут билан қоплаш даражаси келтирилади.

1-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги сигирларни озуқани сут маҳсулдорлиги билан қоплаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Соғин даврининг дастлабки 90 кунда сарфланган озуқа бирлиги, кг	1315,4	1401,44	1486,71
Сут миқдори, кг	1244,4	1350,7	1441,7
4%-ли сут миқдори, кг	1146,1	1237,8	1313,4
Ҳар 1 кг табиий ёғлиликдаги сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги	1,06	1,04	1,03
Ҳар 1 кг 4%-ли сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги	1,15	1,13	1,13
Ҳар 100 озуқа бирлигига олинди, кг:			
табиий ёғлиликдаги сут	94,60	96,38	97,04
4%-ли миқдори	87,13	88,32	88,40

1-жадвал маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, юқори сут маҳсулдорлигига эга III гуруҳ сигирлари озуқани сут билан бошқа гуруҳлардаги тенгқурларига нисбатан яхши даражада қопладилар. Масалан, III гуруҳ сигирлари I ва II гуруҳлардаги сигирларга нисбатан 1 кг табиий ёғлиликдаги сут ишлаб чиқариш учун тегишли равишда 2,9 ва 1,0% кам озуқа бирлиги сарфладилар ва 1 кг 4%-ли сут ишлаб чиқариш учун I гуруҳдаги сигирларга нисбатан 1,8% кам озуқа бирлиги сарфлаб, II гуруҳдаги тенгқурлари билан бир хил кўрсаткичга эга бўлдилар. Лекин III гуруҳ сигирлари ҳар 100 озуқа бирлигига I ва II гуруҳлардаги тенгқурларига нисбатан тегишли равишда 2,44 (2,53%) ва 0,66 кг (0,68%) кг кўп табиий ёғлиликдаги ҳамда 1,27 (1,47%) ва 0,08 (0,10%) кг кўп 4%-ли сут ишлаб чиқардилар.

II гуруҳ сигирлари I гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан 1 кг табиий ёғлиликдаги сут ишлаб чиқариш учун 1,9% ва 1 кг 4%-ли сут ишлаб чиқаришга 1,8% кам озуқа бирлиги сарфладилар, лекин ҳар 100 озуқа бирлигига 1,78 (1,88%) кг кўп табиий ёғлиликдаги ва 1,19 (1,36%) кг кўп 4%-ли сут ишлаб чиқардилар.

Шундай қилиб, тадқиқотларимиз сигирларнинг озуқани сут билан қоплаш даражаси узвий равишда уларнинг сут маҳсулдорлигига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Юқори сут маҳсулдорлигига эга III гуруҳ сигирлари яхши даражада озуқани сут билан қоплаш хусусиятига эга бўлдилар ҳамда улар I ва II гуруҳлардаги тенгқурларига нисбатан ҳар 100 озуқа бирлиги ҳисобига табиий ёғлиликдаги ва 4%-ли сут ишлаб чиқардилар. Бу эса юқори сут маҳсулдорлигига эга сигирлардан сутбоп подаларда фойдаланиш самарали эканлигидан далолат беради.

Сигирлар елинининг морфофункционал хусусиятлари

Сигирларнинг машинада соғишга яроқлилик даражасини баҳолашда улар елинининг морфофункционал кўрсаткичлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. 2-жадвалда тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг елин кўрсаткичлари келтирилади.

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг елин ўлчамлари, см

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	X±Sx	Cv,%	X±Sx	Cv,%	X±Sx	Cv,%
Елин айланаси	103,4±0,93	3,38	107,2±0,93	3,25	110,3±0,89	3,01
Елин узунлиги	26,4±0,66	9,31	28,9±0,56	7,30	30,8±0,44	5,38
Елин эни	23,2±0,45	7,25	26,7±0,55	7,75	28,6±0,43	5,63
Олдинги қисм чуқурлиги	23,7±0,39	6,09	25,6±0,40	5,88	27,4±0,48	6,62
Орқа қисм чуқурлиги	25,1±0,28	4,12	27,4±0,40	5,46	29,4±0,48	6,13
Елиннинг шартли ҳажми, см ³	2450,6	-	2744,3	-	3022,2	-
Олдинги сўрғичлар узунлиги	7,24±0,04	2,25	7,43±0,06	2,95	7,65±0,08	4,07
Орқа сўрғичлар узунлиги	6,65±0,05	2,89	6,85±0,06	3,35	7,06±0,08	4,24
Сўрғичлар диаметри	2,24±0,01	2,38	2,29±0,04	5,82	2,37±0,02	3,72
Елин индекси	42,8±0,23	2,06	43,4±0,26	2,26	43,8±0,25	2,15
Сут бериш тезлиги, кгҒдақиқа	1,21±0,03	10,3	1,36±0,03	9,12	1,41±0,03	8,86

2-жадвал маълумотларидан кўринишича, юқори тирик вазнга эга бўлган III гуруҳ сигирларида елин кўрсаткичлари ҳам юқори бўлди. Масалан, III гуруҳ сигирларининг елин айланаси I ва II гуруҳлардаги тенгқурлариникидан тегишли равишда 6,9 ($P>0,999$) ва 3,1 ($P>0,90$) см, елин узунлиги 4,4 ($P>0,999$) ва 1,9 ($P>0,99$) см, елин эни 5,4 ($P>0,999$) ва 1,9 ($P>0,99$) см, олдинги қисм чуқурлиги 3,7 ($P>0,999$) ва 1,8 ($P>0,99$) см, орқа қисм чуқурлиги 4,3 ($P>0,999$) ва 2,0 ($P>0,99$) см узун, елиннинг шартли ҳажми 571,6 ва 277,9 см³ юқори, олдинги сўрғичлар узунлиги 0,41 ($P>0,999$) ва 0,22 ($P>0,99$) см, орқа сўрғичлар узунлиги 0,41 ($P>0,99$) ва 0,21 ($P>0,99$) см, сўрғичлар диаметри 0,13 ($P>0,999$) ва 0,08 ($P>0,999$) см, елин индекси 1,0 ($P>0,99$) ва 0,4%-га, сут бериш тезлиги 16,53 ($P>0,999$) ва 3,67%-га юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

II гуруҳ сигирлари елинининг айланаси I гуруҳ сигирларникидан 3,8 ($P>0,99$) см, узунлиги 2,5 ($P>0,99$) см, эни 3,5 ($P>0,999$) см, олдинги қисм чуқурлиги 1,9 ($P>0,999$) см, орқа қисм чуқурлиги 2,3 ($P>0,99$) см, елиннинг шартли ҳажми 293,7 см³, елин индекси 0,6% ва сут бериш тезлиги 12,4% ($P>0,999$) юқори бўлганлиги кузатилди.

Шундай қилиб, тадқиқотларимизда олинган натижалар барча гуруҳлардаги сигирлар елинининг морфофункционал кўрсаткичлари улар машинада соғиш талабларига жавоб беришини ва бу кўрсаткичлар уларнинг сут маҳсулдорлик даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Юқори сут маҳсулдорлигига эга III гуруҳ сигирларида бу кўрсаткичлар нисбатан юқори даражада бўлди, бу эса уларнинг машинада соғиш талабларига юқори даражада жавоб бериш хусусиятларига эга эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Акмальханов Ш.А., Насыров У.Н., Хидиров И., Шадманов С.И. и др. Рекомендации по созданию высокопродуктивных стад коров основных плановых пород молочного направления, технологии интенсивного выращивания и откорма бычков до высокой живой массы // Т., 1996. - С. 25.
2. Шаймуродов Н.Т. Голштинлаштирилган қора-ола зотли турли вазнда туғилган бузоқларнинг ўсиш, ривожланиши ва маҳсулдорлик белгилари // Қ.х.ф.н. дисс., Т. – 2008. – Б.41-42.
3. Балласов У.Ш. Голштинлаштирилган сигирлар оналарининг сут маҳсулдорлигига боғлиқ равишда хўжалик фойдали белгиларининг ўзгариши // Қ.х.ф.номзоди дисс.. – Тошкент. – 1999. – Б. 79.
4. Безгин В.И., Поварова О.В. Влияние возраста и живой массы телок при первом оплодотворении на молочную продуктивность // Зоотехния – 2003. - № 1. - С. 24-25.
5. Гвазава Д.Г. Формирование продуктивных качеств коров черно-пестрой породы в зависимости от интенсивности роста по периодам выращивания до первого отела в возрасте 22-23 месяцев. Автор.дисс....канд. с/х наук – Балашиха. – 1993. – С.19-21.
6. Гридина С.Л. Воспроизводительная способность черно-пестрых коров уральского типа // Зоотехния – 2005. - № 3. - С. 30-31.
7. Кайдалов А., Архипова З. Оптимальная структура рациона для ремонтных телок // Молочное и мясное скотоводство – 1991. - № 3. – С.12.
8. Калашников А. Повышение полноценности кормления коров в зимний период // Молочное и мясное скотоводство – 1989. - № 1. - С. 28.
9. Свиридова Т.М., Зелепухин А.Г., Зеленский А.П., Зальцман В.А., Журкина Ж.А. Оптимизация энергопротеинового отношения в рационах высокопродуктивных коров // Зоотехния – 2001. - № 6. - С. 10-13.

Buriyev Sulaymon Buriyevich
Buxoro davlat universiteti,
Jalolov Elbek Bakhshilloyevich
Buxoro davlat universiteti,
Ikramova Hafiza Salim qizi
Buxoro davlat universiteti

BUXORO VILOYATI BALIQCHILIK HOVUZLARIDAGI YUKSAK SUV O‘SIMLIKLARI VA ULARNI AKVAKULTURADA QO‘LLASH BIOTEXNOLOGIYASI

Anatatsiya. Maqolada gidatafit ekologik guruhiga mansub, suv yuzasida qalqib o‘sadigan yuksak suv o‘simliklarini yig‘ish, turlarini aniqlash, ko‘paytirish usullari haqidagi ilmiy va amaliy ma‘lumotlar bayon qilingan. Yuksak suv o‘simliklari orasidan tarkibida biologik faol moddalarga boy turlarini hovuz baliqchilik xo‘jaliklarida baliqlar oziqasi sifatida qo‘llab, baliq mahsuldorligini oshirish chora – tadbirlarining ilmiy va amaliy yechimlari haqida qimmatli ma‘lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: akvakultura, biotexnologiya, hovuz, baliq, yuksak suv o‘simliklari, oziqa, suv.

Baliqchilik tarmog‘i oziq-ovqat xavsizligini ta‘minlashning strategik yo‘nalishlardan biri hisoblanadi. Keyingi vaqtlarda ko‘rilayotgan chora-tadbirlar tufayli mamlakat iqtisodiyotining tarkibida baliqchilik ulushi izchil ortib bormoqda. Shu bilan birga, baliqchilik tarmog‘ida hanuzgacha ko‘plab kamchiliklar va muammolar saqlanib qolmoqda, ularni samarali hal etish ishchanlik faolligini oshirish, investitsiyalarni jalb etish, baliq yetishtirish uchun ilg‘or texnologiyalarni joriy qilish, eksport salohiyatini oshirish, yangi ish o‘rinlarini yaratish imkonini beradi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 1-maydagi “Baliqchilik tarmog‘ini boshqarish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi PQ-2939-sonli Qarori” da

nazarda tutilgan chora-tadbirlar hamda 2018-yil 6-apreldagi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qaroriga muvofiq, “Baliqchilik tarmog‘ini jadal rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” [1]. Baliqchilik tarmog‘ini yanada rivojlantirish uchun sharoitlar yaratish, kadrlarni tayyorlash va qayta tayyorlash tizimini takomillashtirish, ilmiy-inovatsion tadqiqotlar va ishlanmalar sifatini oshirish, ularning natijalarini amaliyotda keng joriy etish maqsadida amalga oshirilayotgan ustivor yo‘nalishlardak kelib chiqqan holda ilmiy tadqiqot ishlarini olib bordik.

Yuksak suv o‘simliklari (makrofitlar) suv ekosistemalarining muhim ahamiyatga ega komponentlaridan biri hisoblanadi [2]. Yuksak suv o‘simliklari suvliklarni evtrifikatsiyasi va ifloslanish jarayonlarini ko‘rsatuvchi indikator sifatida xizmat qiladi [3]. Olib borgan kuzatishlarimiz natijasida shu ma‘lum bo‘ldiki, baliqchilik hovuzlaridagi suvning miqdori, daryo, kanal, kollektor va unga quyiladigan zovurlardagi suv miqdoriga bog‘liq ekan. Qish va bahor oylarida suv sathi sezilarli darajada ko‘tarilishi, hamda yoz va kuz oylarida havo haroratining ko‘tarilishi hisobida suvning bug‘lanishi va yer ostiga shimilishi hisobiga hovuzlardagi suv miqdori pasayadi. Baliqchilik hovuzlarida suv hajmining o‘zgarishi, bevosita shu hududda tarqalgan yuksak suv o‘simliklariga ham ta‘sir etgan. Shuning uchun yoz va kuz oylarida baliqchilik hovuzlari atrofida eftrofikasiya kuzatiladi. Natijada baliqchilik hovuzlari qirg‘oqlarida yuksak suv o‘simliklari qurib qiladi [4]. Baliqchilik hovuzlarida uchraydigan yuksak suv o‘simliklari asosan, o‘t o‘simliklar bo‘lib hisoblanadi. Suvda o‘sadigan yuksak suv o‘simliklari asosan suvda hayot kechiradigan hayvonlar (baliqlar, zooplankton, zoobentos) uchun muhim ahamiyatga ega bo‘lib, turli darajada xizmat qiladi [5]. Buxoro viloyatining yuksak o‘simliklarini H. Q. Esanov (2016) tomonidan 62 oila, 294 turkumga mansub 476 turdan iborat ekanligini qayd etgan [6]. Maskur turlar orasida Buxoro viloyati baliqchilik hovuzlarida o‘sadigan yuksak suv o‘simliklari ham keltirilgan. Bundan tashqari bu ma‘lumotda Buxoro viloyatining yuksak suv o‘simliklari orasida chetdan kirib kelgan, hudud uchun yangi turlar ham ma‘lum qilingan [7]. Tadqiqotlarimiz natijasida shu ma‘lum bo‘ldiki, hudud uchun yangi bo‘lgan yuksak suv o‘simliklari asosan viloyat hududiga qishlash yoki ko‘payish uchun keladigan, uchib keluvchi, uchib o‘tuvchi suv qushlari orqali bir hududdan ikkinchi hududga tarqalar ekan.

Tadqiqot ishlari obyekti Buxoro viloyatida joylashgan baliqchilik hovuzlari va bu hovuzlarda o‘sadigan yuksak suv o‘simliklari hisoblanadi. Hududda o‘sadigan yuksak suv o‘simliklar ro‘yxatini tuzishda “Buxoro vohasi florasi tahlili” ma‘lumotlarida foydalanildi [8]. Turlar tarkibini aniqlashda “Флора Узбекистана”, “Определитель растений Средней Азии” va gerbariy namunalarini yig‘ishda mashrutli metoddan foydalanildi [9,10]. Turkum hamda turlarning ilmiy nomlari “Определитель растений Средней Азии” va O‘zRFA Botanika insitutining Flora.uz tizimidan foydalanildi [9]. Namuna yigish-dastlabki analiz va foydalanilgan uskunalar yordamida, visual kuzatishlarni to‘ldirib boradi. Namunalarni V.V. Alexinning “Dala sharoitida o‘simliklarni va florani tadqiq qilish” va K.M. Deryuginaning “Suv havzalarini biologik tadqiq qilish qo‘llanmasi” yordamida amalga oshirildi [11].

Yuksak suv o‘simliklarini o‘rganish to‘liq dala sharoitida olib borildi. Belgilangan hududlarda suv o‘simliklari hosil qilgan maydonlar aniqlandi. Baliqchilik hovuzlari hududida uchrovchi yuksak suv o‘simliklari 3 ta ekologik guruhlarga bo‘lib o‘rganildi. Ayrim yuksak suv o‘simliklarini ko‘paytirish va ularni rivojlanishini o‘rganish hamda baliqlarga oziqasi sifatida qo‘llanilish biotexnologiyasi, Buxoro davlat universiteti va Baliqchilik xo‘jaliklari o‘rtasida tuzilgan xo‘jalik shartnomalari va dalolatnomalari sasosida, Buxoro davlat universiteti Biologiya kafedrasida qoshida tashkil etilgan Biotexnologiya va Ixtiologiya ilmiy-tadqiqot laboratoriyasi va baliqchilik xo‘jaliklaridagi hovuzlarda, eksperimental tajribalar olib borildi. Ba‘zi bir yuksak suv o‘simliklarining fenologiyasi va rivojlanishini, Buxoro davlat universiteti Biologiya kafedrasida qoshida tashkil etilgan Biotexnologiya va Ixtiologiya ilmiy-tadqiqot laboratoriyasi hamda baliqchilik xo‘jaliklaridagi vegetatsion kuzatishlar maydonchalaridagi maxsus beton, polietilen va yog‘ochdan yasalgan suv basseynlarda olib borildi. Bundan tashqari tadqiqotlar, baliqchilik xo‘jaligidagi turli xildagi hovuzlar: Tovar baliq yetishtirish hovuzlari, suv tindirish hovuzlari, bir yozli baliqlarni yetishtirish hovuzlari, lichinkalarni yetishtirish hovuzlari, profilaktika hovuzlari, qishlov hovuzlari, ota-ona baliqlarini saqlash va urchitish hovuzlari,

baliqchilik xo‘jaligi hovuzlarida suvi quyiladigan zovurlar hamda baliqchilik xo‘jaligi hovuzlarining suvi chiqadigan zovurlarda ham olib borildi va o‘rganildi.

Buxoro viloyatida joylashgan baliqchilik hovuzlaridagi yuksak suv o‘simliklarini, chuqur tahlil qilish tadqiqotlari 2014-2019-yillar mobaynida amalga oshirildi. Hovuzning mavjud oziqa bazasini o‘rganish uchun mavsumiy (bahor, yoz, kuz) tadqiqot ishlari olib borildi. Ilmiy tadqiqot

iklarining xilma-xil turlari tarqalgan. Yuksak suv o‘simliklarini 3 ta ekologik guruhlarga bo‘ldik.

- 1) Sohil bo‘ylarida va nam yerlarda o‘sadigan yuksak o‘simliklar (gigrofitlar).
- 2) Yarmi suvda botgan holda o‘sadigan yuksak suv o‘simliklari (gidrofitlar).
- 3) To‘liq yoki asosiy qismi suvda o‘sadigan hamda suv yuzasiga qalqib o‘sadigan yuksak suv o‘simliklar (gidatofitlar) [11].

Buxoro viloyatida joylashgan baliqchilik hovuzlaridagi yuksak suv o‘simliklari hisoblangan gigrofitlar yaqinida, boshqa ekologik guruh (mezofit, kserofit) larga mansub o‘simlik turlarini uchratish mumkin. Hududda mezofit va kserofitlarni uchrashi, asosan ularning vegetatsiya davrida baliqchilik hovuzlardagi suv miqdorining o‘zgarishiga chambar-chas bog‘liq. Hududda 38 oilaga mansub 112 ta tur borligi aniqlandi.

Yuksak suv o‘simliklarini ekologik guruhlar bo‘yicha % ko‘rsatgichlari quyidagicha.

1. Gigrofitlar – 48.65%;
2. Gidrofitlar – 28.8%;
3. Gidatafitlar – 22.55%.

1-jadval

Buxoro viloyati baliqchilik hovuzlaridagi yuksak suv o‘simliklarining tur tarkibi va ekologik guruhlanishi

Oilalar	Turlar	Ekologik guruhlar		
		Gigrofit	Gidrofit	Gidatafit
Ricciaceae	Ricciocarpus natans (L.) Corda.			+
	Riccia fluitans L.			+
Salviniaceae	Salvinia natans (L.) All.			+
	Azolla caroliniana Willd.			+
Marsiliaceae	Marsilia quadrifolia L.			+
Equisetaceae	Equisetum ramosissimum Des.	+		
Typhaceae	Typha latifolia L.	+		
	T. laxmanii Lepech		+	
	T. angustifolia L.		+	
	T. minima Funk		+	
	T. grossheimii Pobed.		+	
Sparganiaceae	Sparganium polyedrum (Asch.et) Juz.		+	
Potamogetonaceae	Potamogeton filiformis Pers.			+
	P. pectinatus L.			+
	P. crispus L.			+
	P. pusillus L.			+
	P. heterophyllus Schreb.			+
	P. jucens L.			+
	P. perfoliatus.			+
	Zannicgellia pedunculata Rchb.			+
Najadaceae	Najas graminea Del			+
Alimataceae	Alism plantago-aquatica L.		+	
	Sagittaria trifolia L.		+	

Butomaceae	Butomus umbellatus L.		+	
Gramineae	Imperata cylindrica (L.) P.B.	+		
	Atraxon langsdorffii (Trin.) Hochst.	+		
	Echinocloa crus galli (L.) Roem. Et Schult.	+		
	Setaria viridis (L.) P.B.	+		
	Leersia orizoides (L.) Schwarz.	+		
	Digraphis arundinaceae (L.) Trin.	+		
	Crypsis Schoenoides (L.) Lam.	+		
	C. aculeate (L.) Ait.	+		
	Agrastis alba L.	+		
	emiverticillata (Forsk.) C. Christ.	+		
	Clamagrostis pseudophragmites (Hallf.) Koel.	+		
	Cynodon dactylon (L.) Pers.	+		
	Aeluropus litoralis (Gouan) Parl.	+		
	Calamagrostis dubia Bunge.	+		
	Phragmites australis (Cav.) Trin. Ex Steud.		+	
	Erianthus ravennae (L.) P. Beauv.	+		
	Cynodon dactylon (L.) Pers.			+
	Dactylis glomerata L.		+	
	Clyceria plicata Friea.		+	
	Festuea pratensis Huds.		+	
Cyperaceae	Cyperus fuscus L.		+	
	C. rotundus L.		+	
	Seirpus mucronatus (L.) Palla.		+	
	S. lacustris (L.) Palla.		+	
	S. tabernaemontanii (Zmel.) Palla.		+	
	Bolboschoenus maritimus (L.) Palla.		+	
	B. compactus (Hoffm.) Drob.		+	
Heleocharis	Heleocharis meridionalis Zinserl.		+	
	H. argurolapis Kjerulff ex Bge.		+	
	H. equisetiformis (Meinsh.) B. Fedtsch.		+	
	H. euuniglumis Zinserl.		+	
	Carex piparia Curt		+	
Lemnaseae	Lemna minor L.			+
	L. trisulca L.			+
	L. gibba L.			+
Juncaceae	Juncus articulatus L.	+		
	Juncus gerardii Loisel.		+	

Polygonaceae	Rumex confertus Willd.	+		
	Polygonum aviculare L.	+		
	P. amphobium L.			+
	P. hydropiper L.		+	
	P. nodosum Pers.		+	
Chenopodiaceae	Chenopodium glaucum L.	+		
	Ch. rubrum L.	+		
	Ch. murale L.	+		
	Atriplex tatarica L.	+		
	Chenopodium malbum L.	+		
Ceratophyllaceae	Ceratophyllum demersum L.			+
	C. submersum L.			+
Ranunculaceae	Batrachium divaricatum (Schrenk.) Schur.			+
	Ranunculus polyanthemus L.		+	
	R. laetus Will.		+	
Cruciferae	Roripa palustris (Leyss.) Bess.	+		
	Nasturtium fontanum (Lam.) Aschers		+	
Rosaceae	Potentilla reptans L.	+		
Leguminosae	Trifolium repens L.	+		
	T. pratense L.	+		
Lythraceae	Lythrum salicaria L.	+		
Onograceae	Epilobium hirsutum L.	+		
	E. parviflorum Schreb.	+		
Hallorhagidaceae	Myriophyllum verticillatum L.			+
	M. spicarum L.			+
Hydrocharitaceae	Hydrilla verticillata Rich.		+	
Umbelliferae	Sium sisaroides D.C.		+	
Consolvulaceae	Calystegia sepium (L.) B. Br.	+		
Labiatae	Lycopus europaeus L.	+		
	Mentha asiatica Boriss.	+		
Lentibulariaceae	Utricularia vulgaris L.			+
	Plantago lanceolata L.	+		
	P. major L.	+		
Compositae	Inula capsica Blume.	+		
	Bidens tripartita L.	+		
	Taraxacum officinale Wigg.	+		
	Aster trifolium L.	+		
Plumbaginaceae	Limonium otolepis (Schrenk.) Kuntze.	+		
	Limonium meyeri (Boiss.) Kuntze.	+		
Brassicaceae	Arabidopsis pumila (Steph.) N.Busch.	+		
Apocynaceae	Cynanchum sibiricum Willd.	+		
Plantaginaceae	Plantago major L.	+		
	Plantago lanceolata L.	+		
Tamaricaceae	Tamarix ramosissima Lab.	+		

	<i>Tamarix hispida</i> Willd.	+		
Fabaceae	<i>Alhagipseudo alhagi</i> (M.B. Desv.)	+		
Asteraceae	<i>Lactuca tatarica</i> (L.) Com.	+		
	<i>Karelinia caspia</i> (Pall.) Less.			
	<i>Paramicrorhynchus procumbens</i> (Roxb.) Kirp.	+		
	<i>Acroptilon repens</i> (L.) D.C.	+		
	<i>Cichorium intybus</i> L.	+		

Buxoro viloyatidagi baliqchilik hovuzlarida asosan 4 turdagi baliqlar 1) karp (*Cyprinus carpio*) 2) chipor do'ngpeshona (*Hypophthalmichthys nobilis*) 3) oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) 4) oq do'ngpeshona (*Hypophthalmichthys molitrix*) boqiladi. Yuqorida qayd qilingan baliq turlarini boqish uchun viloyatdagi baliqchilar turli oziqalardan foydalanadi. Zooplanktonlar bilan oziqlanadigan baliqlarni boqish uchun hovuzlarda albatta zooplanktonlar iste'mol qiladigan fitoplanktonlarni ko'paytirish kerak bo'ladi. Fitoplanktonlarni ko'paytirish uchun hovuzdagi suv organik va mineral o'g'itlar bilan ishlov beriladi. Fitoplanktonning hovuzlarda o'stirilishi bir tomondan zooplanktonlarning ko'payishiga olib kelsa, ikkinchi tomondan fitoplanktonlar bilan oziqlanadigan baliqlarning mahsuldorligining pasayishiga sabab bo'ladi. Suvni organik va mineral o'g'itlar yordamida ishlov berish, suvning tarkibi buzilishiga hamda organo-mineral holda buzishiga sabab bo'ladi. Bu holat boqiladigan baliqlarga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Karp (*Cyprinus carpio*), chipor do'ngpeshona (*Hypophthalmichthys nobilis*) ning asosiy oziqasi zooplanktonlar, zoobentoslar va yuksak suv o'simliklarining yosh novdalari, yosh barglari hamda shu o'simliklarning urug'lari hisoblanadi. Baliqchilar bu baliqni boqish uchun no'xat, loviya, makajo'xori, tariq, bug'doy, arpa kabi donli va dukkakli o'simliklarni tegirmonda maydalab maxsus oziqa tayyorlab, karp (*Cyprinus carpio*) ni boqadi. Bilamizki, dukkakli hamda boshhoqli o'simliklar insoniyat oziq-ovqat mahsulotlari orasida muhim ahamiyatga ega. Oziq-ovqat mahsulotlari sifatida qadrlanadigan bu o'simliklarni baliq oziqasi sifatida qo'llash, hozirgi kundagi oziq-ovqat xavsizligi borasida olib borilayotgan choratadbirlarga nechog'lik zid ekanligini ko'rsatadi. Oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) ning asosiy oziqasi yuksak suv o'simliklari hisoblanadi. Hududdagi baliqchilar bu baliqni boqish uchun qishloq xo'jaligi ekinlari ekish uchun mo'ljallangan yer maydonlarida beda va arpa hamda tariq o'simliklari ekilib oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) baliqlari boqilyapdi. Aslida bu ekin yerlarida oziq-ovqat ekinlarini ekib, oziq-ovqat tanqisligini oldini olish mumkin. Oq do'ngpeshona (*Hypophthalmichthys molitrix*) baliqlari fitoplanktonlar bilan oziqlanadi. Bu baliqlarni oziqlantirishda, suvda fitoplanktonlarni o'stirish uchun, tonnalab mineral o'g'it sarflanadi va bu xarajat yetishtiriladigan baliqning tan narxi keskin oshishiga sabab bo'ladi.

Ilmiy tadqiqot ishlarimiz yuksak suv o'simliklari yordamida, yuqoridagi muammolarni yechimi va ularni oldini olish hamda bu o'simliklar orqali baliq mahsuldorligini oshirish biotexnologiyasini qamrab oladi.

Yuksak suv o'simliklarning ekologik guruhlaridan gidatafit guruhiga mansub suv yuzasida o'sadigan o'simliklarni maxsus laboratoriyada va dala sharoitlarida o'stirib ularni baliqlar oziqasi sifatida qo'lladik. Bu yuksak suv o'simliklari Poyabargdoshlar (*Lemnaceae*) oilasiga mansub *Lemna minor* L., *L. trisulca* L., *L. gibba* L. va (*Salviniaceae*) oilasiga mansub (*Azolla caroliniana* Willd.) Yuksak suv o'simliklarida ko'plab makroelementlar va mikroelementlar mavjud. Masalan: rdest (*Potamogeton filiformis* Pers., *P. pectinatus* L) urut (*Myriophyllum spicatum* L., *M. Verticillatum* L) va xara (*Chara fragilis* Desv.) tarkibida kalsiy va fosfor elementlari mavjudligi bilan barcha qishloq xo'jaligi ekinlaridan ustun turadi. Mikroelementlar eng ko'p miqdorda kichik ryaska (*Lemna minor* L.) tarkibida mavjud bo'lib, uning 1 kg biomassasida 0.48 mg kobalt, 0.18 mg brom, 0.32 mg mis, 0.7 mg nikel, 4.8 mg titan borligi aniqlangan. Shuning uchun ham, oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) baliqlaridan 1 kg biomassa olish uchun, 35 kg yuksak suv o'simliklari sarflanishi lozim bo'lgan holda, ryaskadan (*Lemna minor* L., *gibba* L.) dan 20 kg sarflanishi kifoyadir

Baliqchilik hovuzlarining oziqa zanjirining asosiy zvenosini makzofitlar va mikrofitlar tashkil qiladi. Ular baliqlar oziqasining asosiy komponenti hisoblanadi. Makrofitlarning soni va biomassasi yil davomida o'zgarib turadi. Bu suv o'simliklarining rivojlanish darajasi va turlarning tarqalishi ko'pgina omillarga bog'liq. Makrofitlar suvning harorati va suvda erigan minerallar, organik moddalar, o'txo'r baliqlar ta'sirida mavsum davomida o'zgarib turadi. Suv yuzasida qalqib o'sadigan bu yuksak suv o'simliklari baliqchilik hovuzlaridan chiqadigan ifloslangan suvlarda juda tezlik bilan o'sib, suvdagi organo-mineral muhitni yaxshilab, suvni tozalashi bilan birga juda katta biomassa hosil qilish xususiyatiga ega. Bu o'simliklarning poya va barglari boshqa suv o'simliklariga nisbatan yumshoq bo'lganligi va tarkibida oqsillar, uglevodlar hamda o'ndan ortiq vitaminlar borligi uchun baliqlar yaxshi iste'mol qiladi. Biz ilmiy tadqiqot ishimizda shu o'simliklarni baliqchilik hovuzlarida ko'paytirib, baliqlarga oziqa sifatida qo'llash biotexnologiyasini amalda joriy qildik. Oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) (1-rasm) baliqlari tomonidan yuksak suv o'simliklarini iste'mol qilishi haqida xilma-xil fikrlar mavjud bo'lishiga qaramasdan, biz 2017-yili bu biotexnologiyani amaliyotga tatbiq etish jarayonida, baliqlar tomonidan baliqchilik hovuzlarida mavjud bo'lgan qandaydir yuksak suv o'simligi iste'mol qilinmay qolganligi holatini uchratmadik. Yuksak suv o'simliklari bilan baliqlarni oziqlantirishga qaratilgan ilmiy izlanishlardan ushbu texnologiyaning farqi shundan iboratki, avvalgi ilmiy izlanishlarda yuksak suv o'simliklari baliqlar uchun qo'llanilayotgan omixta yemga qo'shimcha ozuqa sifatida qaralgan bo'lsa, bu texnologiyada o'simliklar oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) va karp (*Cyprinus carpio*) baliqlari uchun asosiy ozuqa sifatida qaraladi. Avvalgi uslubiy tavsiyalarda oq amur baliqlarini oziqlantirish uchun o'simliklar qayerdandir tashib keltiriladigan bo'lsa, biz tavsiya etayotgan uslubiy qo'llanmada esa, yuksak suv o'simliklari asosiy hovuzni suv kiritish inshooti o'sganliklari uchun, keyinchalik suv oqimi bilan asosiy hovuzga olib kelib tashlash bilan bog'liq bo'lgan sarf-xarajatlar tejab qolinadi.

Bu ish bilan oziq-ovqat mahsuloti hisoblangan baliq mahsuldorligini yaxshilashga hamda baliq oziqasi sifatida qo'llaniladigan oziq-ovqat mahsulotlari hisoblangan dukkakli va boshoqli o'simliklarning tejalishiga erishdik. Viloyatdagi baliqchilar esa yuksak suv o'simliklari yordamida, kam xarajat evaziga, yuqori mahsuldorlik va sifatli baliq yetishtirish biotexnologiyasini o'zlashtirdilar.

Buxoro viloyati baliqchilik hovuzlaridagi yuksak suv o'simliklari, boshqa tabiiy suv havzalaridagi baliqchilik xo'jaliklaridagi yuksak suv o'simliklaridan tubdan farq qiladi. Bu o'simliklarning xima-xilligi baliqchilik hovuzlarining faoliyatini kengaytirish mumkinligidan dalolat beradi. Yuksak suv o'simliklarining tur tarkibini o'rganish, hududdagi baliqchilik hovuzlarida aynan qaysi baliq turini yetishtirish va mahsuldorlikni oshirish imkoniyatlarini yaratadi.

Yuksak suv o'simliklari bo'lmagan yoki o'smagan ko'p mavsumli to'liq bo'lmagan baliqchilik suv havzalarida, yuksak suv o'simliklarini ko'paytirib ona-ota baliqlarini tabiiy erkin urchitish imkoniyatlarini yaratadi. Bu esa baliqchilik hovuzlarini qayta baliqlashtirish sarf xarajatlarini keskin kamaytiradi.

Baliqchilik hovuzlarida nisbatan kam uchraydigan yuksak suv o'simliklardan gidatafitlar guruhiga mansub suv yuzasida qalqib o'sadigan *Lemna minor* L., *L. trisulca* L., *L. gibba* L. o'simliklarni ko'p mavsumli to'liq sistemali bo'lgan baliqchilik xo'jaliklaridagi bir yozli baliqlarga oziqa sifatida berilsa ular juda yaxshi o'sib to'la qonli semizlik ko'ysentiga ega bo'lib, qish mavsumidan bahor mavsumiga betalofat o'tadi.

Yuksak suv o'simliklarni baliqchilikda qoziqa sifatida qo'llash biotexnologiyasi, boshqa usullarga nisbatan qulayligi, kam xarajat ekanligi va mahsuldorligi, mahsulot sifatining yaxshiligi bilan tubdan farq qiladi.

Yuksak suv o'simliklarini hovuzga suv kiritish inshootining bosh qismida qurilgan kichik o'simlik o'stirish hovuzida yetishtirib, keyinchalik yuksak suv o'simliklarni baliqlar tomonidan o'zlashtirilishiga qarab, chiqarib turish tavsiya qilamiz. Hovuzlarda yuksak suv o'simlik biomassasi ayrim hollarda 1 ga hisobiga 25-35 tonnaga yetkazish mumkin.



1-rasm. Oq amur (Stenopharyngodon idella)

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. M. Yuldashov, Kelajak mutaxasislarga bog'liq // O'zbekiston baliqchiligi, 2018-№1. - B. 18-19, 44-45.
2. Уманская М.В. Высшая водная растительность оз. Кандрыкуль (Республика Башкортостан). Самарская лука: проблемы региональной и глобальной экологии. – Самара, 2014.-Т.23, № 2. – С.141-145.
3. Мерзвинский Л.М., Мартыненко В.П., Высоцкий Ю.И., Становая Ю.Л. Высшая водная растительность озера Островцы. – Витебск, 2011. №2 (62) – С. 75-81.
4. Qobilov A.M. Orol dengizi mintaqasida yuzaga kelgan ofatlarning antrotabiiy muhitga ta'siri // Res.konf. 2015-y. 169-171 b
5. Esanov H.Q., Aslanova K.A., va boshq. Mikroskopik suvo'tlari va yuksak suv o'simliklarini ko'paytirish, ularni xalq xo'jaligida qo'llash // Res.konf.2018-y. 83-84 b
6. Эсанов Х.К. Новые виды во флоре Бухарского оазиса // Turczaninowia 19 (2): 77-81 (2016) <http://turczaninowia.asu.ru>
7. Esanov H. K., Usmonov M.X. Two alien species of Asteraceae new to Uzbekistan (Bukhara oasis) // Turczaninowia 21 (4): 175-180 (2018) <http://turczaninowia.asu.ru>
8. Esanov H.Q. Buxoro vohasi florasi tahlili. Biol. fan. fals. dokt. Dis.-Toshkent, 2017.-179 b
9. Определитель растений Средней Азии. В 11-х т. -Ташкент: Наука, 1968.
10. Щербаков А. В., Майоров С.Р. Инвентаризация флоры и основы гербарного дела (Методические рекомендации). – Москва: Товарищество научных изданий КМК, 2006.-С.48.
11. Jalolov E.B. Zarafshon baliqchilik xo'jaligi hovuzlaridagi yuksak suv o'simliklarining turlarini o'rganish. Mag. dis.-Buxoro, 2016.-20-27 b.

Л.А.Гафурова

б.ф.д., профессор

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети,

О.Б.Шарипов

б.ф.б (PhD)

Бухоро давлат университети

**БУХОРО ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ БИОЛОГИК
ФАОЛЛИГИ ВА УЛАРНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Аннотация. Мақолада Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларнинг асосий хосса ва хусусиятлари ва биологик фаоллиги асосида тупроқларнинг деградацияга учраганлиги бўйича индикатор мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар унумдорлигини оширишда агробиологик технология қўллаш асосида тупроқ хоссаларининг яхшиланиши ва гўза ҳосилдорлиги ортиши аниқланган.

Калит сўзлар: Деградация, индикатор мезонлари, экологик соф маҳсулот, минерализация, трансформация, биогенлик, БОМК.


Бугунги кунда «дунё бўйича ер ресурслари 13,4 млрд. гектарни, шундан, 12 % қишлоқ хўжалик ерлари, 24 % яйловлар, 31 % ўрмонлар ва 33 % бошқа турдаги ерлар ҳисобланади. БМТ маълумотиغا кўра, дунё бўйича ҳар йили тупроқ деградацияси оқибатида ўртача 40 млрд. доллар зарар кўрилмакда. Зеро, тупроқ унумдорлигининг пасайиши ривожланаётган, аҳоли сони жадал ўсиб бораётган ва ҳанузгача замонавий агротехник тадбирлар қўлланилмаётган мамлакатларда юқори даражада кузатилмакда».³⁰ Шуларни инобатга олган ҳолда тупроқларда кечадиган биологик жараёнларни мақбуллаштириш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, шунингдек, деградация жараёнларининг олдини олишга қаратилган илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга[1,2].

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида: «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларни, энг асосийси, замонавий сув ва ресурс тежамкор замонавий агротехнологияларни кенг жорий қилиш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш»³¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажаришда самарали услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Бухоро тумани суғориладиган тупроқларининг биологик фаоллигини аниқлаш ва уларни мақбуллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Бухоро туманида тарқалган суғориладиган воҳа ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-аллювиал ва чўл-қумли тупроқлари ҳисобланади.

Ўрганилган тупроқларда аниқланган микроорганизм гуруҳлари ичида аммонификаторлар энг катта гуруҳни ташкил этади, уларнинг миқдорини куйидаги камайиб боровчи қаторга қўйиш мумкин: воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлар > суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар > суғориладиган чўл-қумли тупроқлар. Тупроқ профили бўйича аммонификаторлар миқдори юқори ҳайдалма қатламларидан (2355-1125 минг/г воҳа ўтлоқи-аллювиал, 1692-716 минг/г суғориладиган ўтлоқи-аллювиал, 606-370 минг/г суғориладиган чўл-қумли тупроқларида) қуйи қатламларига қараб камайиб боради (мутаносиб равишда-235-90-54 минг/г). (1-расм).



1-расм. Тадқиқот ҳудуди суғориладиган тупроқларида микроорганизм гуруҳларининг миқдори (1 гр тупроқда мингта ҳисобида)

³⁰<http://www.fao.org>

³¹<https://nrm.uz> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўрганилган тупроқларда ферментлар фаоллиги (каталаза, пероксидаза, полифенолоксидаза) бўйича тупроқларнинг қуйидаги камайиб борувчи қаторга қўйиш мумкин, воҳа ўтлоқи –аллювиал тупроқлар >суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар >суғориладиган чўл-қумли тупроқлар.

Юқори кўрсаткич воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларига, сўнгра пасайиб суғориладиган-ўтлоқи-аллювиал тупроқларга ва энг паст кўрсаткич суғориладиган чўл-қумли тупроқларга хослиги аниқланди. Суғориладиган воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, уларнинг микробиологик ва ферментатив фаоллиги ҳамда “нафас олиши” кўрсаткичлари бошқа ҳудуд тупроқларига нисбатан ҳайдалма қатламдан пастки қатламлар томон кескин камайиб бормади, сабаби, ушбу тупроқлар кўп йиллар давомида суғорилиб ҳамда узоқ муддат органик ва минерал ўғитлар қўлланилиши туфайли уларда гумус қатлами калинлиги, озуқа моддалар захираси нисбатан кўплиги, шўрланмаганлиги деб изоҳлаш мумкин. Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал, айниқса, суғориладиган чўл-қумли тупроқларнинг гумус ва озиқа моддалари билан кам таъминланганлиги, турли даражада шўрланганлиги сабабли тупроқларнинг микробиологик ва ферментатив фаоллиги мавсумлар ҳамда тупроқ профили бўйича камлиги билан ифодаланди [6,9,10].

Тупроқлардаги микроорганизмларнинг умумий миқдори протеолитик, амилитик микроорганизмлар, олигонитрофил ва микромицетлардан ташкил топди. Улар тупроқларнинг органик моддасининг фаол ва ҳаракатчан қисми-унинг плазмаси, тупроқнинг ҳолатининг ўзгаришига (шу жумладан инсон фаолияти таъсирида) тезкор реакция қилади. Ўрганилган суғориладиган тупроқларда микробиологик жараёнларини ўзига хослиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқот ҳудуди суғориладиган тупроқлар органик моддасининг трансформация коэффиценти

Тупроқлар	$K_{мин}^*$ (КАА/ГПА)	$K_{омт}^*$ ((ГПА+КАА):(ГПА/КАА))
Воҳа ўтлоқи-аллювиал	0,363-0,464	8,84-3,55
Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал	0,408-1,078	5,84-2,00
Суғориладиган чўл-қумли	0,731-1,444	1,46-1,01

$K_{мин}^*$ -минерализация коэффиценти;

$K_{омт}^*$ - тупроқ органик моддасининг трансформацияси коэффиценти

Буларда информатив кўрсаткич бўлиб органик моддаларнинг минерализация коэффиценти ($K_{мин}$) ва органик моддаларнинг трансформация коэффиценти ($K_{омт}$) хизмат қилади. Ушбу коэффицентлар тупроқдаги микрофлора ёрдамида кечувчи минерализация ва органик қолдиқларни тупроқ органик моддасига трансформацияси жадаллигини тавсифлайди. $K_{мин}$ тупроқ микробиоценозининг амилитик қисмининг ривожланишини ва минерал азот билан боғлиқлигини кўрсатади [9]. Азот бирикмали органик моддаларнинг микробиологик ўзгаришини уларнинг трансформацияси коэффиценти($K_{омт}$) асосида тавсифлаш мумкин. Суғориладиган воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида ушбу кўрсаткич 3,55-8,84 ни, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал 2,00-5,84 ни, суғориладиган чўл - қумли тупроқларда 1,01-1,43 ни ташкил этди. Трансформация коэффиценти ($K_{омт}$) бўйича тупроқларнинг қуйидаги камайиб борувчи қаторига қуйиш мумкин: воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлар > суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар > суғориладиган чўл-қумли тупроқлар [4,7].

Ўрганилган тупроқларнинг микробиологик режими уларда биологик жараёнлар фаоллиги юқорилигини кўрсатади. Бактериялар плазмасидаги азот маълум даражада тупроқдаги органик моддаларнинг парчаланиш энергиясини акс эттиради ва ўз ўрнида ўсимликлар озикланишида ўзлаштирилиши мумкин бўлган азот миқдорини тавсифлаш қайд этади (С.Лазарев, 1954; А.Торопкина, 1971; Л.Гафурова, 1995; Р.Қўзиев, Н.Абдурахмонов, 2015) [3,5,6,7]. Ушбу тупроқларда бактериялар плазмаси азоти унинг умумий миқдорининг 22-30 % ни ташкил этади. Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гумусли қатлам қалинлиги, органик модда захираси кўпроқлиги ва минерализация коэффициенти узоқ йиллар давомида намланиб турганлиги сабабли пастроқ қийматга эга эканлиги, ушбу тупроқларда биоорганик-минерал комплекси “БОМК” кўрсаткичи бошқа худуд тупроқларига нисбатан юқорилиги қайд этилди [8,9,10].

Тупроқларнинг асосий хосса-хусусиятлари ва тупроқ экологик биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткич қийматлари мажмуавий равишда ўрганиш орқали уларнинг экологик-генетик хоссалари, шунингдек, табиий-экологик омилларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири даражасига ойдинлик киритиш мумкин. Олинган натижалар асосида чўл минтақасининг воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлари учун деградация индикатор мезонлари тавсия этилади. Ушбу мезонлар худудда тупроқ унумдорлигини белгиловчи кўрсаткич сифатида баҳолаш, хариталаш ва тупроқ-экологик мониторинг юритиш имконини беради (2-жадвал).

2-жадвал

Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг деградацияга учраганлиги бўйича индикатор мезонлари

Кўрсаткичлар	Деградацияга учрамаган	Кучсиз деградацияга учраган	Ўртача деградацияга учраган	Кучли деградацияга учраган
Гумус, %	>1,5	1,0-1,5	0,8-1,2	0,8-1,0
Агроирригацион қатлам, см	> 100	70-100	50-70	30-50
Ҳаракатчан P ₂ O ₅ ,мг/кг	> 60	45-60	30-45	15-30
Ҳаракатчан K ₂ O ,мг/кг	> 400	300-400	200-300	100-200
Қурук қолдиқ,%	< 0,3	0,3-1	1-2	2-3
Органик модданинг трансформация коэффициенти	> 6,0	4-6	2-4	1,0-2,0
БОМК, мг/гр тупроқ	1,0-1,2	0,8-0,9	0,6-0,8	<0,6
Гумификация коэффициенти	1-1,5	0,9-1,0	0,7-0,8	0,6-0,7
ТЭБҲИК,%	81-100	71-80	61-70	51-60

Ўрганилган худуд суғориладиган тупроқларини унумдорлигини оширишда ресурстежамкор биологик усулларни қўллаган ҳолда тупроқларнинг асосий хоссалари (агрохимёвий, микробиологик, ферментатив фаоллиги ва тупроқ «нафас олиши») яхшиланиши ва ғўзанинг ҳосилдорлиги ортиши аниқланган. Тажрибада қўлланилган биологик ўғитлар ғўзанинг ҳосилдорлигини оширишда самарали бўлиб: ғўза ҳосилдорлиги назорат вариантыда 36,6 ц/га, «Байкал ЭМ-1» қўлланилган вариантда 39,7 ц/га, «Триходермин» қўлланилган вариантда 40,1 ц/га ва «Микроўстиргич» қўлланилган вариантда эса 40,3 ц/гача ҳосил олинди, натижада мутаносиб равишда назорат вариантга нисбатан +3,1 ц/га,+3,5 ц/га, +3,7 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилди(3-жадвал).

**Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида
«Бухоро–6» ғўза навининг ҳосилдорлиги (ц/га)**

№	Вариантлар	Кўсак, сони дона	Ўртача бир кў- сак оғирлиги, гр	Ҳосилдор- лик ц/га	Назоратга нисбатан кўшимча	
					ц/га	%
1	Назорат	9,2	4,9	36,6	-	-
2	«Байкал ЭМ-1»	10,8	5,6	39,7	+3,1	8,4
3	«Микроўстиргич»	11,9	6,4	40,3	+3,7	10,1
4	«Триходермин»	11,5	6,1	40,1	+3,5	9,5
	S _x	0,13	0,04	0,68	-	-
	НСР ₀₀₅	0,44	0,13	2,68	-	-

Натижада фермер хўжалигида 2015 йилга (назорат) нисбатан 2016 - 2017 йилларда соф фойда 22486,5 минг сўмдан мос равишда 33300,9 ва 54982,5 минг сўмга, рентабеллик даражаси эса 14,5% дан мос равишда 18,3% ва 20,7% га тенг бўлган.

Хулосалар: Бухоро воҳаси ҳудудининг табиий шароитлари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ўзига хос хусусиятлари қурқоқчил иқлим шароити, кам ўсимликлар қолдиғига эгалиги, ер ости сувларининг минераллашганлиги, ер юзага яқин жойлашганлиги, алоҳида ўзига хос геоморфологик, литологик шароитлари ва инсон фаолияти таъсирида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларида унинг хоссалари (морфогенетик, агрокимёвий, физик-кимёвий, кимёвий ва биологик фаоллиги)да ўз ифодасини топади.

Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларининг асосий хосса-хусусиятлари ва тупроқ экологик биологик ҳолатининг интеграл кўрсаткичлари асосида деградацияга учраганлиги бўйича ишлаб чиқилган индикатор мезонлари ҳудуд тупроқлари унумдорлигини баҳолаш, хариталаш ва тупроқ-экологик мониторингини юритишда фойдаланиш тавсия этилади.

Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда «Байкал ЭМ-1», «Триходермин», «Микроўстиргич» биоўғитларини қўллаш натижасида тупроқнинг агрокимёвий хоссалари ва биологик фаоллиги яхшиланиши ҳисобига ғўзадан 3,1-3,7 ц/га кўшимча ҳосил олишга эришилган. Фермер хўжалигининг рентабеллик даражаси эса мос равишда - 14,5, 18,3 ва 20,7% ни ташкил қилган. Ҳудуднинг воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида мазкур агробиологик технологияни қўллаш тавсия этилади.

Суғориладиган тупроқларнинг агрокимёвий, физик-кимёвий, кимёвий, биологик фаоллиги ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда қўлланилган агробиотехнологиялар бўйича олинган муҳим натижалар ўрта умумтаълим, ўрта махсус ва олий ўқув юрларининг тупроқшунослик ҳамда биология ва экология йўналишлардаги ўқувчилар, бакалаврият талабалари, магистрларнинг илмий изланишлари, шунингдек, ўқув жараёнларида илмий маълумотлар сифатида фойдаланишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Х.А., Гафуров К.Г. Почвы Каракульского оазиса Бухарской области (естественно–исторические и почвенно–мелиоративные условия) // Материалы научной конференции профес. препод. состава ТашГУ. – Ташкент, 1966. – С.74-78.
2. Абдуллаев Х.А. Краткая характеристика некоторых почв правобережья Бухарского оазиса // Труды САГУ. – Вып. 1. – Ташкент, 1954. – С.8-88.
3. Гафуров К.Г., Абдуллаев Х.А. Характеристика почвенного покрова орошаемой зоны Бухарской области // Ташкент. – Изд-во «Фан». – 1982. – С.12–140.

4. Гафурова Л.А. Почвы, сформированные на третичных красноцветных отложениях, их экологическое состояние и плодородие // Дисс. ... д.б.н. – Ташкент, 1995. – С.331–351.
5. Лазерев, С.Ф. Биоорганоминеральный комплекс орошаемых почв Средней Азии. Изд-во САГУ, Ташкент, 1954.-С.92.
6. А.Л.Торопкина. Жизнедеятельность микрофлоры в сероземах в зависимости от агротехники возделывания хлопчатника. Ташкент-1971.- С.-113-116.
7. Гришина Л.А., Копчик М.И., Макарова Г.Н. Трансформация органического вещества почв: учеб.пособие.М.:Изд-во МГУ, 1990.-91с.
- Фёдоров М.В Микробиология; Тошкент-1966.- Б.- 328-331.
8. Кузиев.Р.Қ., Н.Ю.Абдурахмонов Суғориладиган тупроқларнинг эволюцияси ва унумдорлиги; Тошкент-2015.- Б-136-139.
9. Зинченко М.К., Федулова И.Д Микробиологические показатели плодородия серой лесной почвы Верхневолжья. Почва, климат, удобрение и урожай: актуальные проблемы и перспективы. Научно-практическая конференция, посвященная 100 летию Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека. Москва-2018.-С.-35-37.
- 10 Кузиев Р.К., Ташкузиев М.М. Плодородие почв. Проблемы рационального использования земельных ресурсов, сохранения и повышения плодородия орошаемых почв в Узбекистане // Ташкент, 2008. – С.64–68.

Асатов Шухрат Исматович
профессор
Ташкентского государственного аграрного университета,
Абдиев Зафарали Тоштемурович
старший преподаватель
Ташкентского государственного аграрного университета

ПОЛУЧЕНИЕ ВЫСОКОГО УРОЖАЯ ПОМИДОРОВ В СОВРЕМЕННЫХ ГИДРОПОНИЧЕСКИХ ТЕПЛИЦАХ

***Аннотация.** В статье эффективности современных гидропонных теплиц, а также излагаются результаты сорта испытания 8 гетрозисных гибридов томата при выращивании гидропонных теплицах. Среди испытанных сортов самым раноспелым и высокоурожайным был гибрид-Dafnis F₁.*

***Ключевая слова:** гидропоника, гибриды, кокосовый стружка, минеральная вата, питательный растворы, урожайность, рассада листы, соцветия, средняя масса плода.*

В Республике был принят ряд указов и распоряжений по развитию тепличных хозяйств и созданию современных гидропонических парников. В этих указах обращалось внимание на увеличение объёма производства овощной продукции в несезонное время, подготовку высококвалифицированных, конкурентно способных кадров, обеспечению населения дешёвыми качественными продуктами питания, удовлетворение потребности в квалифицированных специалистах для парников, созданных в республике и их инфраструктурных организаций, с целью увеличения производства.

О перспективах развития теплиц в Республике Узбекистан в 2018-2030 годах по сведениям, данным организацией ООО “Замонавий иссиқхона” следует, что объём производства продукции в парниках всего мира составляет 12,6 млрд. долларов, а годовой прирост составляет 11%. В нашей республике к 2030 году будут функционировать современные парниковые комплексы, занимающие 65-70 тыс. гектаров. В течении 2018-2030 годов, каждый год в среднем на 4230,8 га, в общем на 55 тыс. гектарах будут построены парниковые комплексы. Основной продукцией, производимой на этих комплексах, будут: овощи (помидоры, огурцы, зелень, перец и др.), рассада овощей, цветы и цитрусовые (лимон,

мандарин). В мировом масштабе в настоящее время территория, засаженная помидорами, превысила 3,0 млн га, его урожайность на открытом грунте составила 70-100 т/га, в парниках – 180-200 т/га, а в условиях гидропоники она достигла 250-350 т/га.

Создание современных парниковых комплексов помогает эффективно использовать богарные и засоленные земли, что в свою очередь делает большой вклад в экономику Республики. Выращивание помидоров и получение из них высокого урожая в гидропонических парниках считается основной целью усиления экспорта.

Методы исследования. Опыты проводились в 2016-2018 годах в современной гидропонической теплице, расположенной на территории учебно-экспериментальной станции Ташкентского государственного аграрного университета. В ней были проведены сортоиспытания на 8 гетерозисных гибридах помидора, схожих с сортами Rofita F1, Dafnis F1, Torri F1, Lesli F1, Lamiya F1, Pink Paradaes F1, Jalila F1. Опыты были проведены в 3-х повторениях, в малообъемной гидропонической среде, т.е. они были посажены и выращены в мешочках, заполненных кокосовыми опилками. В мешочках из полиэтиленовой плёнки длиной 100 см, высотой 10 см и шириной 20 см, через каждые 33 см были проделаны отверстия, затем туда были посажены саженцы.

В малообъемной гидропонической среде из гибридов помидора гибрид Rofita F1 был взят в качестве контрольного варианта.

В течении эксперимента были проведены фенологические и биометрические наблюдения. Были определены сроки бутонизации, цветения, плодоношения и созревания плодов растения. Урожай растения в период вегетации был собран 28 марта, продуктивность была определена и статически проанализирована.

Результаты исследования. Семена гибридов помидора были посажены в первой декаде августа месяца в кассеты, состоящие из 240 гнезд, изготовленных из специального материала (пеноблок). В экспериментах рассады помидора выращивались в отдельном помещении теплицы. По результатам фенологических наблюдений, семена, посаженные в кассеты из пеноблока, полностью проросли в течении 7 дней. На экспериментальном участке опыты с рассадой в кокосовых мешочках методом малообъемной гидропоники были проведены 26 августа 2016 года, 7 сентября 2017 года и 21 августа 2018 года. В выращивании помидоров в условиях малообъемной гидропоники подкормка искусственно приготовленным рабочим раствором считается основным фактором. В эксперименте, для приготовления основного раствора, принимая во внимание растворимость удобрений в воде, а также состояние взаимного вступления в реакцию, разделив на 3 части, отдельно растворили в 1000л воды.

В бочку А положили 100кг удобрения CaNO_3 , 5,7 кг удобрения $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ (корбомид), 700 гр железа (Fe). В бочку Б положили 50 кг удобрения MgSO_4 , 70 кг удобрения KSO_4 , 15 кг удобрения $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$ (аммафос), микроудобрения – 150 гр Бора, 150 гр Цинка, 20 гр Меди, 170 гр Маргенца. А в бочку С было положено 7,5-8 л нитрат кислоты (HNO_3) (для обогащения раствора NO_3 и улучшения pH). В эксперименте, для превращения основного раствора в рабочий раствор, его смешали с водой (в соотношении 1:10), концентрация полученного рабочего раствора по ES должна быть 2,40-2,70, по pH должна быть 5,5-6,5.

Сроки бутонизации, цветения, плодоношения и созревания плода экспериментального растения были определены. В таблице 1 приведены сведения о длительности фаз роста помидора, выращенного в условиях теплицы, (таблица-1).

Таблица 1

Длительность фаз роста при выращивании гибридов помидора методом малообъемной гидропоники (дни)

№	Гибриды	Посадка рассады с..... до				С посадки рассады до созревания плода
		бутонизация	цветение	плодоношение	созревание плода	
1	Rofita F ₁ - контрольный	41	10	11	40	102
2	Dafnis F ₁	39	9	12	37	97
3	Torri F ₁	38	10	11	37	96
4	Lesli F ₁	44	11	12	39	106
5	Lamiya F ₁	40	9	10	38	97
6	Pink Paradaes F ₁	42	9	11	38	100
7	Jalila F ₁	45	11	12	40	108

В эксперименте, после посадки рассады, начало периода самой ранней бутонизации было у гибридов Dafnis F₁ и Torri F₁ и составило 38-39 дней. У гибридов Jalila F₁ была самая поздняя бутонизация и составила 45 дней. У остальных гибридов составил 40-44 дня. В гидропонических теплицах фаза первоначального цветения помидора, после бутонизации, самой ранней была у гибридов Dafnis F₁, Lamiya F₁ и Pink Paradaes F₁, они расцвели на 9 день. У других гибридов составила 10-11 дней. По сравнению с контрольным вариантом гибриды Lesli F₁ и Jalila F₁ расцвели на один день позже.

При наблюдении срока начала фазы плодоношения в опытах, гибрид Lamiya F₁ начал плодоносить в течении 10 дней, у других вариантов этот показатель составил 11-12 дней. Начало фазы созревания плодов помидора также отличается друг от друга в зависимости от гибрида. Выявлено, что у гибридов Dafnis F₁ и Torri F₁, по сравнению с другими гибридами, быстрее поспевают плоды, то есть в течении 37 дней. Позднее созревания плодов наблюдалось у гибридов Rofita F₁ – контрольный и Jalila F₁, плоды поспели в течении 40 дней. При выращивании различных гибридов помидора, методом малообъемной гидропоники, период с посадки рассады до созревания плодов был под наблюдением. У гибрида Rofita F₁-контрольного он составил 102 дня. Самыми рано созревшими гибридами были Dafnis F₁, Lamiya F₁ и Torri F₁, они созрели в течении 96-97 дней. Причиной сравнительно быстрого созревания этих гибридов помидора является их склонность к выращиванию в условиях гидропоники и приспособленность к среде. У гибрида Jalila F₁, который поздно созревал, он составил 108 дней. Это конечно свидетельствует о склонности гибрида к хорошему развитию в почвенной среде. В исследовании короткий промежуток полива, малая норма полива и поступление определённого количества минеральных удобрений в смешанном с водой состоянии при каждом поливе, в результате оказания положительного влияния на рост и развитие растений, привело к сдвигу каждой фазы роста на 3-4 дня.

Увеличение количества связок (узлов) у экспериментального помидора в свою очередь приводит к увеличению количества плодов и увеличению урожайности, [3]. Полное принятие связок, то есть, развитие и появление на нём плодов связано с благоприятными условиями и своевременной подачей питательных веществ. Количество плодов на одном кусте растения с октября месяца до декабря среди гибридов поднялось с 10 до 16 штук, и до марта месяца этот показатель снизился, потом в марте месяце опять поднялся до 11-16 штук. Потом в последующие месяцы опять понизился. Причиной этого послужило то, что урожай, как только поспел его собрали и этот показатель в течении месяцев изменялся. К концу периода вегетации

количество плодов уменьшилось. Выявлено, что при выращивании экспериментальных помидоров в гидропонических теплицах, рост и развитие гибридов Dafnis F₁, Torri F₁ и Pink Paradaes F₁, по сравнению с контрольным вариантом дали хорошие результаты.

По результатам исследования, были определены показатели урожайности различных видов гибрида помидора, выращенных в условиях гидропоники малого объема. При каждом сборе, урожай каждого варианта, взвешиваясь на весах, был разделён на товарный и нетоварный урожай и были проведены вычисления. В эксперименте показатели урожайности, взятые с одного квадратного метра растения помидор, приведены в таблице-2.

Таблица 2

Урожайность гибридов помидора, выращенных в условиях малообъёмной гидропоники (кг/м²)

№	Образцы сорта	Средний вес плода, г	Общий урожай, кг/м ²	Доля товарного урожая, %	Товарный урожай, кг/м ²	По сравнению с контролем в % отношении
1	Rofita F ₁ - контрольный	171	19,9	92,5	18,4	100
2	Dafnis F ₁	180	22,1	93,6	20,7	113
3	Torri F ₁	178	21,1	93,9	19,8	107
4	Lesli F ₁	161	18,7	83,2	15,6	85
5	Lamiya F ₁	147	17,3	85,1	14,7	80
6	Pink Paradaes F ₁	178	20,7	93,6	19,4	105
7	Jalila F ₁	152	17,6	82,0	14,4	78

По результатам, проведённых исследований, урожай помидора был разделён на товарный и нетоварный урожай и был определён средний вес плода, [4]. Таким образом среди гибридов, обладающих самым большим весом, были гибриды Dafnis F₁, Torri F₁ и Pink Paradaes F₁, что составило 178-180 грамм. Самый маленький вес плода был у гибрида Lamiya F₁ и составил 147 грамм. В других вариантах этот показатель составил 152-161 грамм.

Во время эксперимента был определён общий урожай, товарный урожай и доля товарного урожая. Потом из общего урожая был выделен нетоварный урожай, то есть деформированные, кривые, сросшиеся, много ребристые, сгнившие и повреждённые.

В опытах товарный урожай среди гибридов отличался друг от друга. Таким образом, самый высокий товарный урожай был у гибридов Dafnis F₁, Torri F₁ и Pink Paradaes F₁, с одного квадратного метра был получен урожай в размере 19,4-20,7 кг, а доля товарного урожая составила 93,6-93,9 %. У контрольного варианта товарный урожай был равен 18,4 кг, что составило 92,5 %. У остальных вариантов размер товарного урожая составил 14,4-15,6 кг, а доля товарного урожая была равна 82-85,1 %. Это свидетельствует о том, что гибриды растения помидор, при отборе по различным сортовым образцам, выращенные методом малообъёмной гидропоники, отличались самой большой урожайностью. Определено, что гибриды Dafnis F₁, Torri F₁ и Pink Paradaes F₁ дали на 5-13 % больше урожая и урожай был хорошего качества по сравнению с контрольным гибридом. Остальные варианты дали на 15-22 % меньше урожая, относительно контрольного варианта.

Во время эксперимента, среди гибридов, основной причиной сбора относительно большого урожая служила адаптация этих гибридов к условиям малообъёмной гидропоники,

они отличались приспособленностью к гидропоническим теплицам с точки зрения их происхождения и создания морфобиологических свойств сортовых образцов. Одной из основных причин является то, что корневая система этих гибридов благоприятна для роста и развития растений в условиях малого объёма, то есть вследствие быстрой усваиваемости раствора макро и микро удобрений вместе с водой, а также максимальная доставка питательных веществ в течении вегетационного периода.

Выводы: В результате отбора из сортовых образцов помидора, выращиваемого в условиях малообъёмной гидропоники, были определены самые лучшие гибриды, которые отвечают требованиям потребителей с точки зрения высокой урожайности и его качества. Таким образом, гибридами, дающими самый высокий товарный урожай, являются Dafnis F₁, Torri F₁ и Pink Paradeas F₁, с одного квадратного метра был получен урожай в количестве 19,4-20,7 кг, а доля товарного урожая составила 93,6-93,9 %. По сравнению с контрольным вариантом они дали на 5-13 % больше высококачественного урожая. Эти гибриды рекомендуются для выращивания в гидропонических теплицах фермерских и частных приусадебных хозяйств.

Список использованной литературы:

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Методика проведения опытов в овощеводстве, бахчеводстве и картофелеводстве. Национальная энциклопедия Узбекистана. 2002. 224 стр.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Изд. 5-М., Агропромиздат. 1985. 361 с.
3. В.И.Зуев, А.А.Атахаджаев, Ш.И.Асатов, А.К.Кодирхўжаев, У.И.Акрамов “Овощеводство в защищённом грунте”. Ташкент “Иқтисод-молия”. 2014 год. 350 стр.
4. Лян Е, Ниязов М Выращивание овощей в теплицах. Журнал сельского хозяйства Узбекистана №12. 2011 г. 3-4 стр.

Якубова Дилафруз Муродовна
Тошкент давлат аграр университети,
Кадирходжаев Арип
Тошкент давлат аграр университети

КАРАМНИНГ КАМ ТАРҚАЛГАН ТУРИ КОЛЬРАБИНИ ГИГАНТ НАВИ ЎСИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ СХЕМАСИНИ ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада сабзавотларни озик-овқат сифатида катта аҳамиятга эга эканлиги ва уларни шифобахшилик хусусиятлари баён этилган. Шунингдек, озикланиш майдонини катталашиб бориши ҳар тупда шаклландиган поямеваларини ўртача вазнига ижобий таъсир этиши тўғрисида хабар қилинган. Карамни кольраби тури Гигант навини 70×25 см схемада экиб этиштириш технологиясининг афзалликлари илмий асослаб берилган.

Калим сўзлар: кўчат, озикланиш майдони, схема, поямева, ўсимлик, парваришлаш.

Барчага маълумки, сабзавотлар витаминлар, макро ва микроэлементлар, фитонцидлар ва кўп сондаги биологик фаол моддаларнинг манбааси ҳисобланади. Жумладан, инсонни қариш жараёнини, кўп хасталикларни ривожланишини олдини оладиган ва иммунитетни оширадиган антиоксидантларни ўзида сақлайди. Шулар сабабли йил мобайнида турли хилдаги сабзавотларни истеъмол қилиш соғлом овқатланишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Сабзавот ва меваларни истеъмол қилиш кўп сондаги касалликларни камайишлигига сабаб эканлиги ўтган асрнинг 30 йилларида аниқланган. Сабзавот ва меваларни озик-овқат маҳсулотларининг зарурий қўшилмаси (компоненти) эканлиги, уларнинг қийматини янада оширади, [5,6].

Ҳозирги даврда ривожланган кўпчилик мамлакатларда инсонларни соғлом овқатланишига давлат сиёсати сифатида қаралмоқда.

Соғлом овқатланишнинг асосини оқсилли ва қувват берадиган маҳсулотлар билан бир қаторда биологик фаол моддаларга бой бўлган сабзавотлар ташкил этади. Шундай сабзавотлардан бири карамнинг кам тарқалган тури кольрабидир. Кольраби-карамга ўхшайдиган сабзавот, уни шолғом ёки брюква деб аташ мумкин. Уни йўғонлашган пояси мазаси оқбош карам ўзагини мазасига ўхшайди. Аммо поямеваси эти майин, серсув ва ширин бўлади. Бундай мазага эга бўлишига уни таркибида кўп миқдорда (4,6%) гача сахарозани сақланишидандир. Бу кўрсаткичи билан у карамнинг бошқа турлари ичида рекордсмен ҳисобланади. Ўз таркибида витамин “С” ни кўп сақлашлиги, витаминга бой бўлган лимон ва апельсиндан устун турганлиги учун уни “шимол лимони” деб атайдилар, [7].

Адабиётларда, кольраби карами ихчам туп ҳосил қилгани учун уни 60 см кенгликда олинган эгатларга кўчатини 10-12 см масофада ёки 70×20 см қўшқаторли усулда экиш яхши натижа беришлигини хабар қилганлар, [2]. Шу билан бирга, кольраби қисқа ўсув даврига эга бўлгани учун уни оқбош карам, помидорлар каби сабзавотларга зичловчи экин сифатида етиштириш мумкинлигини таъкидлаганлар.

Кольраби-болалар озиқланадиган сабзавот озиқасини ишлаб чиқаришда тенги йўқ компонент ҳисобланади деб хабар қилганлар, [3].

Демак, сабзавотлар инсон ҳаётида озиқ-овқат сифатида катта аҳамиятга эга. Улардан олинадиган ялпи ҳосилни кўпайтиришда суғориб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг самарадорлигини оширишда ўсув даври қисқа, биологик фаол моддаларга бой бўлган сабзавотларни янги турларини кўпайтириш давр тақозаси бўлиб қолмоқда. Карамнинг кольраби тури бизни қуруқ иссиқ иқлимли шароитимизда экиб етиштириш бўйича илмий асосланган маълумотлар манбааларда келтирилмаган. Бу масалани ўрганиш бизни шароитимизда етиштириладиган сабзавотлар турини кўпайтиришда назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, сабзавотчиликнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотларимизда кольраби карамининг Гигант навини 35 кунлик кўчатини такрорий экин сифатида турли схемаларда экиб етиштиришни мақсад қилиб дала тажрибаларини 2017-2018 йилларда Тошкент давлат аграр университетининг тажриба станцияси тупроқ иқлим шароитида ўтказилди.

Тажрибада кольраби карамини 35 кунлик кўчатлари июль ойининг учинчи декадасида 5 хил: 70×10 см (назорат), 70×15 см, 70×20 см, 70×25 см ва 70×30 см схемада экилди. Ҳар бир схема узунлиги 10 м бўлган, 4 қаторли эгатлардан иборат бўлиб 4 такрорланишда жойлаштирилди. Ҳар бир такрорланишга экиш схемалари бўйича 400, 266, 160 ва 132 тупдан ниҳол экилди. Ҳисобга олинадиган ниҳоллар эгаллаган майдонча юзаси 140 м² ни ташкил этди. Тажриба майдончасида фенологик, биометрик ва бошқа кузатувлар амалдаги услубий қўлланмалар асосида бажарилди, [4].

Тажриба натижалари. Кузатувлардан маълум бўлишича, қаторлар орасидаги масофа ўзгармаган ҳолда, қатордаги ўсимликлар оралиғидаги масофани 10 см дан 30 см гача ортиб бориши ҳар тупда ҳосил бўладиган барглари сони ва уларни кўрсаткичларига турлича таъсир этди (1-жадвал).

Тажрибанинг 70×10 см (назорат) схемада экилган ниҳоллари поямеваси етилган давригача ҳар тупда ҳосил қилган барглари сони ўртача 18,8 донани ташкил этди. Қатордаги ўсимликлар оралиғидаги масофа 10 смдан 30 см гача ортиб бориши, ҳар тупда ҳосил қилган барглари сони 14,9% дан 33,5% гача кўпайганлиги аниқланди. Озиқланиш майдонини 0,07 м² (назорат) дан 0,21 м² гача кўпайиб бориши, барг бандининг ва баргининг узунлигига ҳам ижобий таъсир этиши аниқланиб барг банди узунлиги 11,2 см дан 15,9 см, баргининг узунлиги эса тегишлича: 15,4...24,8 см бўлди. Демак, юза бирлигидаги ниҳоллар сонини St экиш схемасида 14,3 туп/м² дан, сўнги экиш схемасигача 4,7 дон/м² гача камайиши барглари сонини кўпайиши, барг бандини ва баргини узун бўлиб шаклланишига ижобий таъсир этар экан.

1-жадвал

Такрорий экинда карамнинг кольраби турини Гигант нави барглари сони, барг банди ва баргининг узунлигига экиш схемасини таъсири (2017-2018 й)

Экиш схемаси	Озиқла ниш майдони, м ²	Барг сони, дона/туп	Назоратга нисбатан %	Барг бандининг ўртача узунлиги, см	Баргнинг ўртача	
					узунлиги, см	эни, см
70×10см (назорат)	0,07	18,8	100	11,2	15,4	11,2
70×15 см	0,11	21,6	114,9	12,7	17,8	13,9
70×20 см	0,14	22,1	117,6	14,3	20,4	14,8
70×25 см	0,175	24,8	131,9	15,2	21,9	15,1
70×30 см	0,21	25,1	133,5	15,9	24,8	15,8

Экиш схемаси кольрабини ҳар тупда шакллантирган барглари сони ва уларни сифат кўрсаткичларигагина эмас, балки ниҳолларни яшовчанлиги, ҳосилдорлиги ва уни сифатига ҳам таъсир этди (2-жадвал).

2-жадвал

Такрорий экинда карамни кольраби тури Гигант навининг хато миқдори, ҳосилдорлиги ва уни сифатига экиш схемасини таъсири (2017-2018 й)

Экиш схемаси	Хато миқдори, %	Гектарда		Ҳосил		Товарбоп поямева ўртача вазни, г
		нобуд бўлган ўсимликлар сони, минг/дона	ҳақиқий ўсимликлар сони, минг/дона	т/га	назоратга нисбатан, %	
70×10см (назорат)	5,8	8285	134572	28,8	100	210,9
70×15 см	4,1	3725	87184	30,5	105,9	350,1
70×20 см	2,2	1571	69857	31,7	110,1	453,8
70×25 см	1,2	686	56457	33,8	117,4	598,7
70×30 см	1,1	524	47096	28,7	99,7	610,2

Кузатувлардан маълум бўлишича, (2-жадвал) қатордаги ўсимликлар орасидаги масофани 10 см дан 30 см гача ортиб бориши ниҳолларнинг яшовчанлигига турлича таъсир этди. 10 см оралиқда экилган ниҳолларнинг 5,1 фоизи ўсув даврида нобуд бўлиб, гектардаги кўчатларни 8285 донага камайишига сабаб бўлди. Назорат вариантга нисбатан қатордаги ўсимликлар орасидаги масофани 5 см дан 15...30 см гача ортиб бориши ниҳолларни яшовчанлигига ижобий таъсир этиши аниқланди ва бу кўрсаткич 4,1...1,1% оралиғида бўлди.

Ўрганилган экиш схемалари ичида назоратга нисбатан энг кам хато миқдори тажрибанинг сўнгги икки вариантыда кузатилиб, у 1,2-1,1% оралиғида бўлди. Бунга сабаб, 0,175 ва 0,21 м² озиқланиш майдони кольраби карамининг Гигант нави биологик талаби даражасида бўлишидан деб ҳисоблаш мумкин. Экиш схемаси нафақат хато миқдорига, балки ҳар тупда шаклланиган поямеваларнинг вазни ҳамда гектардан олинган ҳосил миқдорига ҳам таъсир этди. Назорат экиш схемасида (70×10 см) гектардаги ҳақиқий ўсимликлар сони 134572 донани ташкил этди, аммо ҳар тупда ҳосил қилган поямевасининг ўртача оғирлиги 210,9 г дан ошмади.

Тажрибанинг кейинги вариантларида қатордаги ўсимликлар оралиғидаги масофани 15 см дан 30 см гача ортиб бориши поямевалар вазнини уларга пропорционал ҳолда ортиб боришлигини тасдиқлади ва поямевалари ўртача вазни 350,1...610,2 г ни ташкил этди. Поямеванинг ўртача вазнини юқори ёки паст бўлиши гектардан олинанидан ҳосилга кўп ёки кам даражада бўлишига таъсир этди. Ўрганилган экиш схемалари ичида назоратга нисбатан энг юқори ҳосилни (33,8 т/га, 119,0%) тажрибанинг тўртинчи экиш (70×25 см) схемасида ўсиб-ривожланган ўсимликлар шакллантирди. Бу экиш схемасида ўстирилган ниҳолларни юқори ва сифатли ҳосил беришига сабаб, бизни фикримизча 0,175 м² юзадаги озик моддаларни етарли бўлиши ҳамда ёруғлик энергиясидан тўлиқ фойдаланиши ва хато миқдорини кам бўлиши таъсиридандир. Тажрибанинг сўнгги варианты (70×30 см) ниҳоллари ҳар тупда ҳосил қилган поямеваси ўртача вазни 610,2 г гани ёки назорат вариант поямеваси оғирлигидан 399,3 г га, 0,175 м² озикланиш майдонида ўстирилганга нисбатан эса 11,5 г га юқори бўлди, аммо умумий ҳосилдорлиги биринчи экиш схемасидан олинган ҳосилга тенг, тўртинчи экиш (70×25 см) схемаси ҳосилдорлигидан эса, 18,0% кам бўлди. Бунга гектардаги ўсимликлар сонини сезиларли даражада кам бўлиши сабаб бўлди.

Кольраби карамини Гигант нави 0,175-0,21 м² озикланиш майдонига экилса, назорат экиш схемасига нисбатан ҳар тупда 6-7 донага кўп бақувват барглар шакллантиради. Кольраби карамини такрорий экинда 70×10 см схемада экиш гектардаги хато миқдори юқори (5,8%) бўлади. Кольраби карамини 70×25 см схемада экиш гектардан энг юқори (33,8 т/га) ҳосил олишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аутко А.А. В мире овощей. Минск: УП. “Технопринт” 2004. С-568.
2. Балашев Н.Н., Земан Г.О., Овощеводство. Издательство “Укитувчи”. Ташкент-1977 й. С-306.
3. Волкова Е.Н. Сортовая агротехника кольраби. Картофель и овощи-№5. 1999. С-28.
4. Доспехов Б.А.-Методика полевого опыта. Изд.5-М. Агропромиздат 1985. С.361.
5. Зуев В.И., Мавлянова Р.Ф., Дусмуратова С.И., Буриев Х.Ч. Овощи-это пища и лекарство. Ташкент. Навруз. 2016 г, с 216-217
6. Конанков П.Ф. Овощи-основа здорового питания. Ж.Картофель и овощи. Москва, 2007 г. №1. С 8-9
7. Китаева И.Е., Капуста. Московский рабочий. 1977. С 57-61.

Б.А.Сулаймонов

б.ф.д., академик

Тошкент давлат аграр университети ректори

ЎСИМЛИКЛАРНИ БИОЛОГИК ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада ўсимликларни биологик ҳимоя қилишида яратилган инновацион технологиялар келтирилган. Жумладан ускуналардан олтинкўз кўпайтириш ускунаси, мум парвонасини кўпайтириш ускунаси ҳамда энтомофаг гумбакларини қадоқловчи ускуналар ишлаб чиқилган ва республика биологик лабораторияларига жорий этилган. Ускуналар энтомофагларни ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга ҳизмат қилади. Шунингдек, ускуналар тузилиши ва бошқа техник хусусиятлари келтирилган.*

***Калит сўзлар:** энтомофаг, ускуна, олтинкўз, трихограмма, мум парвонаси, ресурстежамкор, биологик усул, қадоқлаш, тарқатиш, кўпайтириш.*

Соҳа мутахасис ва олимларни дунё озик-овқат хавфсизлиги бўйича юз бераётган жараёнлар ва улар танқислиги бўйича айрим давлатлара кузатилаётган ҳолат тобора ташвишга солмоқда. Бунда экинларни етиштиришда фақатгина сўнгги технологиялар асосида биологик

фаол моддалар асосида етиштириш талаби қўйилади. Ҳозирги кунда Республикамизда қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор самарали усуллар асосида чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бунда зараркунандаларга қарши асосан биологик, кимёвий, физик-механик ва агротехник усулларнинг уйғунлашган кураш усулларини қўллашдир.

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари муҳим ўринни эгаллайди. Бирок, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш кўп жиҳатдан илмий асосланган агротехнологияларни ўз вақтида олиб боришга боғлиқ. Айниқса, зараркунандаларга қарши ўз вақтида кураш чораларини олиб бормаса, сабзавот экинларида 65 % гача, ғалла ва ғўзада 60% гача, мевали боғларда эса 70% гача нобуд бўлишига олиб келади. Бунда зараркунандаларга қарши катта миқдорда маблағ ва кимёвий воситалар қўлланилмоқда. Етиштирилаётган маҳсулотлар таркибида, тупроқда кимёвий моддалар сақланиб, атроф муҳит ва иссиққонли жонзотларга салбий таъсир этмоқда [3,112 б].

Атроф муҳит ва экологик муаммоларнинг вужудга келиши қишлоқ хўжалигида салбий аҳамияти катта бўлиб турибди. Бунда биоценоздаги бузилишлар айрим тур ҳашаротларнинг кескин кўпайишига ва қишлоқ хўжалигида унинг зарари ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Зараркунандаларга қарши курашда катта маблағ ва ишчи кучи талаб этилмоқда. Шунинг учун ҳам энг хавфли бўлган зараркунандаларга қарши табиатда уларнинг кушанда ва паразит турларини аниқлаш ва лаборатория шароитида кўпайтириш ва ўз вақтида қўллаш биологик усулнинг асосий негзи ҳисобланади [1].

Ҳозирда Республикамизда 900 дан ортиқ биологик лабораториялар ва биофабрикалар фаолият олиб бормоқда. Биологик лабораторияларда биомаҳсулотларни ишлаб чиқариш асосан қўл меҳнати билан олиб борилади. Уларни мавсум давомида биомаҳсулотларни ишлаб чиқаришда узилишлар юзага келмоқда. Бунинг учун энтомофагларни кўпайтириш ва уларни тарқатиш усулларини такомиллаштириш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш долзарбдир. Мисол учун биомаҳсулотлардан трихограмма энтомофагини ҳозирда зараркунандаларга қарши қўллашда эски технология бўйича тарқатилади. Бунда трихограммани 5х5м схемада бир гектар майдоннинг 400 нуқтасига қоғоз бўлақларида зарарли тунламнинг ҳар бир авлодига 3 марта жами мавсум давомида 9 марта тарқатилиши тавсия этилган [2].


Биологик лабораторияларда олтинкўз энтомофагини кўпайтириш усулини такомиллаштириш мақсадида, уни кўпайтириш ускунаси яратилди. Олтинкўз энтомофаги йиртқич ҳисобланиб жуда самарали ҳисобланади. Олтинкўз энтомофаги ҳаммахўри кушанда бўлиб қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларидан 20 дан ошиғи билан озикланади. Олтинкўзнинг асосан личинкаси йиртқичлик қилади. Унинг капалаги гул нектарлари билан озикланади. [5]. Табиатда 3-4 марта авлод беради. Бир авлодининг ривожланиши учун 25-30С ҳароратда ва 60-65% нисбий ҳаво намлигида 25-30 кун керак бўлади. Битта имагоси 25 кун яшайди. Ҳаёти давомида 600 та, лаборатория шароитида 1000 тагча тухум қўяди [3].

Олтинкўз личинкаси ёшига қараб ўртача 50-60 ўсимлик бити (ширалар), 20 та ўргимчаккана ёки 500 дан ортиқ ҳар хил зараркунанда тухумлари билан озикланади. Ушбу ускунада шахсий томорқа хўжаликлари ва фермерлар ҳам фойдаланиши мумкин. Ускуна оғирлиги 16 кг бўлиб унда 20 минг донагача олтинкўз кўпайтириш мумкин ва бир кунда 700 га майдонга зараркунандаларга қарши ишлов бериш имконияти туғилади. Ушбу ускунада ҳаво ҳарорати ва ҳавони алмаштирувчи автоматик жиҳозлар ҳамда ҳашаротларнинг биологик хусусиятидан келиб чиқиб ёруғлик берувчи маҳсус чироқлар ўрнатилган. Ускунага 15 кг зарарланган арпа жойланади. Зарарланган арпалардан капалаклар бир икки дона учиб чиқа бошлаган вақтда улар ускунага жойлаштирилади ва устидан ривожлантиришга қўйилган олтинкўз тухумлари қўйилади. Арпадан чиққан капалакалар тухум қўя бошлайди. Шу билан бирга чиққан олтинкўз личинкалари тухумлар билан озикланади. Бундан ташқари олтинкўзнинг катта ёшдаги личинкалари дон қуясининг капалаклари билан ҳам озикланади.

Ривожланиб ғумбакдан чиққан олтинкўз капалаклари ускунанинг тепа қисмига яъни ёруғ томонга учиб чиқади. Ўша қисмида олтинкўз тухум қўйиши учун таркиби пахта ёки жундан тайёрланган тасмали латта бўлақлари сим дорларга осиб қўйилади. Олтинкўз

имаголари ялпи учиб чиққандан сўнг, ҳароратга қараб 3-4 кунни ташкил этади ва олтинқўз имаголари ялпи тухум қўя бошлайди. Тухумлар қўйилган латталар ҳар куни йиғиштириб олиниб латта тасмалари алмаштирилади.

Олинган тухумларни ривожлантиришга қўйилиб қайта кўпайтириш учун кейинги ускуналарга ёки зараркунандаларга қарши қўллаш учун далага тарқатилади. Агар уларни сақлаш керак бўлса маиший музлатгичда $+5^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 1 ойгача сақлаш мумкин. Ушбу ускуна бир жуфти 6 донани ташкил этади.



1-расм. Олтинқўз кўпайтириш ускунаси (чапда), мум парвонаси кўпайтириш ускунаси (ўнгда).

Ускуна ҳозирда тўлиқ ишлаб чиқариш синовидан ўтган бўлиб, ушбу технологияни жорий этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари биолобораторияда фойдали ҳашаротларни кўпайтириш учун бошланғич материал ҳисобланган мум қуяси муҳим рол ўйнайди. Агар мавсум давомида мум қуясини узлуксиз таъминлаб турилса, бракон фойдали ҳашаротини кераклича кўпайтириш имконияти туғилади. Шу сабабли ҳозирда қўлбола усулда кўпайтирилаётган мум қуяси, эндиликда уни кўпайтиришнинг самарали ускунаси яратилди. Ушбу 17 кг ни ташкил этади. Ускунага 20 донагача мум қуяси капалагини жойлаштириш мумкин. Ускуна махсус ҳаво иситгич, ҳаво алмаштирувчи мосламалар ва ёритувчи чироқлар билан жиҳозланган. Ускунанинг пастки томонида махсус 8 дона досечкалар жамланмаси жойлаштирилган. Ушбу жамланмаларнинг ҳар бирида 80 дона досечкалар бир қатордан махсус симлар орқали бири-бирига жипс жойлаштирилган. Ушбу досечкалар мум парвонасининг тухум қўйиши учун мўлжалланган. Тухум олиш жараёнида досечкалар симдан бўшатилиб тухумлари тозаланиб олинади. Кун оралатиб ушбу ускунадан 120-130 гр мум парвонаси тухуми олиш мумкин. Пастки қисмида иккита тортмалар мавжуд, бўлиб, улар нобуд бўлган капалаклар тушгандан сўнг тозалаб турилади. Ушбу ускуна мавсум давомида биолобораторияларга узлуксиз оналик маҳсулот етказиб бериш имкони мавжуд.

Шунингдек энтомофаглارни тарқатишда уларни қадоклаш ҳам долзарб ҳисобланади. Трихограммани қадоклаш мақсадида махсус трихокарт яшаш қурилмасининг синов тажриба нусхаси яратилди (Патент №FAP 01023 2015). Ушбу қурилманинг оғирлиги 75 кг, ишлаш тезлиги минутига 7-10 дона трихокарт. Трихокарт яшаш ускунаси энтомофагларнинг гумбаклари жойлашган карталарни ишлаб чиқаради.



2-расм. Энтомофаглари қадоклаш ускунаси

Ушбу карталарни ўсимликлар баргига осиб чиқилади. Ускунда иккита қоғоз тасмаси бирикади. Ускуна юқори қисмида иккита бункер мавжуд бўлиб, бирида махсус елим (гуммиарабак), иккинчисиди энтомофаг ғумбаклари жойлашган бўлади. Кичик электр моторчанинг ишлаш жараёнида тебранма ҳаракат вужудга келади ва бункерлардан тушувчи моддаларни бир маромда бошқаради.

Хулоса. Бундай ускуналарни кенг жорий этиш мамлакатимизда ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш соҳасини янада ривожлантириб, ресурстежамкорлик ва зараркунандаларга қарши биологик кураш самарадорлигининг ортишига олиб келади. Албатта бунинг натижасида қишлоқ хўжалигида сифатли ва экологик тоза маҳсулот етиштирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Воронин К.Е., Сорокина А.П. Научные исследования по биометоду в России. Защита и карантин растений. №11.2004.-с.13-14.
2. Кимсанбоев Х.Х., Сулаймонов Б.А., Рашидов М.И., Болтаев Б.С.. Ғўза зараркунандаларига қарши биологик лабораторияларда ҳашаротларни кўпайтириш ва қўллаш асослари. Тошкент-2007. 4-б.
3. Hegazi E., Herz A., Hassan S. Effectivnes of local Trichogramma species for controlling the olive (*Prays oleae*) and Jasmine (*Palpitaunionov lismoths*) Egg Parasitoid News. 2004.№16. p.25.
4. www.lapshin.org/club/pests.htm - megaznanie.ru/index/141-2010-07-
5. www.zelten.ru/biblioteka_insectum/./drugie.index.html.

Анорбаев А.Р.
қ.х.ф.д., профессор
Тошкент давлат аграр университети
Худойкулов А.М.
қ.х.ф.д., доцент
Тошкент давлат аграр университети

КАРТОШКАДА ИЛДИЗ КЕМИРУВЧИ ТУНЛАМЛАР МИҚДОРНИ БОШҚАРИШДА ЯНГИ ИНСЕКТИЦИДЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация: Ушбу мақолада такрорий муддатда экилган картошкада илдиз кемирувчи тунламлар миқдорини бошқаришда янги инсектицидлардан Универсал 25% в.д.г. (0,2 кг/га) препаратини биологик самарадорлигини аниқлаш мақсадида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “Шарқ агро” фермер хўжалиги 1,2 гектарлик картошка майдонида тадқиқотлар олиб борилган. Кузатувлар натижаларига кўра, 7 кунга келиб 86,5% самарадорликка эришилган. Олинган натижалар асосида хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Картошка, галла, сабзавот, кузги тунлам, ундов тунлами, препарат, назорат, тажриба, биологик самарадорлик.

Жаҳонда озиқ-овқат ва саноат маҳсулоти сифатида картошка экини дунёнинг 160 дан ортик мамлакатларида етиштирилиб, дунё аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини маълум даражада қондирмоқда. Кейинги вақтларда картошка етиштиришда зараркунанда ва касалликларни зарарли таъсирида умумий ҳосилнинг ўртача 30-40% гача қисми йўқотилиши кузатилмоқда³². Ушбу нобудгарчиликни олдини олиш мақсадида дунё зироатчилигида турли усул ва воситалар қўлланилиб, картошка етиштириш сарф харажатларининг ортишига олиб келмоқда[1,2].

Дунёда картошка етиштирувчи давлатларда зараркунандалар миқдорини бошқариш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилиб, амалиётга ижобий натижалар жорий этилган. Жумладан, Россияда картошкани етиштиришда зараркунанда ва касалликлар туфайли 60% гача ҳосил йўқотилиши кузатилади. Аммо қатор илмий-тадқиқот муассасаларининг олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, янги усул ва воситалар ишлаб чиқилиб ҳосилдорлик 45% гача сақлаб қолишга эришилган. Дунё тадқиқотчиларининг фикрига кўра, картошка экинида энг хавфли зараркунанда турлари сифатида *Elateridae*, *Noctuidae*, *Chrysomelidae*, *Gryllotalpidae*, *Meloidogynidae* оила вакиллари кирувчи турлар қайд этилган. Шу сабабли ушбу йўналишда қатор тадқиқотлар олиб бориш ва картошка зараркунандаларига қарши уйғунлашган кураш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Республикамизда ғўза, галла ва такрорий сабзавот экинларини етиштиришда илдиз кемирувчи зараркунандаларнинг бир қанча турлари доим равишда учраб, сезиларли даражада зарар келтирмоқда[2].

Илдиз кемирувчи зараркунандалар ичида кенг тарқалиб қишлоқ хўжалик экинларига кўпроқ зарар етказадигани кузги ва ундов тунламларидир. Уларнинг қуртлари 34 та ўсимликлар оиласига мансуб бўлган юзлаб тур экинларга зарар етказди. Ғўза, галла, беда, қанд лавлаги, маккажўхори, мойли ўсимликлар, сабзавот ва полиз экинлари, шунингдек, печак, ёввойи тожихўроз, шўра, олабута кузги ва ундов тунламларининг энг хуш кўрган озиғидир. Кузги ва ундов тунлам қуртлари униб чиқаётган ёш ниҳолларни, илдизларни ёки илдиз бўғзи яқинидаги пояни кемиради, баъзан майсанинг ер устки қисмига ҳам зарар етказди [3,4].

³²OERKE E.C. Crop losses to pests. Journal of Agricultural Science, Institute for Plant Diseases, Cambridge University Press, 2005.

Олиб борган кузатувларимизга кўра ушбу илдиз кемирувчи тунламлар кейинги йилларда Тошкент вилоятининг суғориб дехқончилик қилинадиган бир қанча ҳудудларида, жумладан Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманларидаги такрорий сабзаёт ҳамда картошка экилган майдонларга жиддий зарар етказётганлиги аниқланди.

2018-2019 йиллар давомида кузги ва ундов тунламларининг зарари ва уларга қарши айрим кимёвий препаратларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги “Шарқ Агро” фермер хўжалигига қарашли 1,2 гектарлик картошка майдонида тажрибалар ўтказилди.

Тажриба ўтказилган майдонда охириги 3 йилда ғўза, буғдой ва картошка алмашлаб экилган. Ушбу картошка экилган майдонда кўчатлар униб чиққандан бошлаб, феромон тутқичлар ёрдамида доимий кузатув ишлари олиб борилди.

Кузатувларимиз давомида феромон тутқичларга бир кеча-кундузда ўртача 3-5 дона капалак тушиб бошлагандан 5-7 кундан кейин препаратлар пуркалди. Тажрибада **ООО “Euro Team”**, (Узбекистан-Германия) фирмасининг янги препарати Универсал 25% в.д.г. (0,2 кг/га) қўлланилди (1 -жадвал).

1-жадвал

**Картошкада тунламлар (кузги ва ундов) қуртларига қарши
янги инсектицидларни биологик самарадорлиги**

(Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “Шарқ Агро” ф/х, картошкани “Санта” нави, 05.08. 2018-2019 й.й.)

№	Тажриба вариантлари	Препаратни таъсир этувчи моддаси	Препаратнинг сарф меъёри, кг./га	Тунлам қуртларининг 1м ² даги ўртача сони, дона				Самарадорлик, % кунлар бўйича							
				Ишлов-гача	Ишловдан кейин, кунлар бўйича			3	7	14	21	3	7	14	21
					3	7	14								
1	Универсал 25% в.д.г.	Абамектин, 100 г/кг + Эмамектин Бензоат 150 г/кг	0,2	1,9	0,7	0,5	0,9	1,7	74,5	86,5	78,1	65,0			
2	Децис 2,5% эм.к. (эталон)	Дельтаметрин	0,25	1,5	0,6	0,5	0,8	1,4	72,3	82,9	75,4	63,5			
3	Назорат (ишлов берилмаган)	-	-	1,8	2,6	3,5	3,9	4,6	-	-	-	-			

ЭКФ₀₅

1,4 1,5 2,2 0,4

Ушбу препаратга эталон сифатида эса Децис 2,5% эм.к. (0,25 л/га), препарати олинб, картошка даласига 3 такрорланишда қўлланилди ва назорат вариант ишловсиз қолдирилди. Натижалар эса умумқабул қилинган услублар асосида таҳлил қилинди [2]. Тажрибада препарат қўлланилгандан кейинги 3,7,14 ва 21 кунлардаги кузатувлар натижасида биологик самарадорлик аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, зараркунанда қуртларига қарши Универсал 25% в.д.г. препаратини 0,2 кг/га ҳисобида қўллаганимизда, биологик самарадорлик ишловдан сўнги 3-куни – 74,5% ни ташкил қилган бўлса, 7 - кунига келиб самарадорлик энг юқори бўлди, яъни 86,5% ни ташкил этди. Препарат қўлланилгандан кейинги 14 ва 21 кунлар самарадорлик бироз пасайганлиги кузатилди, яъни 78,1% ва 65,0% ни ташкил қилди.

Кейинги вариантимизда, яъни Децис 2,5% эм.к. препарати 0,25 л/га ҳисобида қўлланилган тажриба вариантыда ҳам энг юқори биологик самарадорлик (82,9%) ишловдан кейинги 7-куни қайд қилинди. Ҳисоб кунининг 14 кунига келиб, эса самарадорлик бироз пасайганлиги кузатилди, яъни 75,4% ни ташкил қилган бўлса, 21 кунга келиб эса 63,5% биологик самарадорликка эришилди.

Хулоса ва таклифлар. Олинган натижалардан хулоса шуки, илдиз кемирувчи (кузги ва ундов) тунламлари қуртларига қарши самарали кураш тизимини ўз вақтида ўтказиш мақсадида Универсал 25% в.д.г. препаратини 0,2 кг/га ҳисобида қўллаш натижасида юқори биологик самарадорликка эришиш мумкин.

Кузги буғдой экилган ҳамда ўтмишдош экин сифатида кечки картошка ва маккажўхори экилган далаларда илдиз кемирувчи (кузги ва ундов) тунламлар кўплаб қишлаб чиқади ва кейинги йил экилган ғўза ва бошқа эртаги сабзавот ва картошка экинларига ҳам жиддий зарар етказиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркундалардан уйғунлашган химоя қилиш ҳамда агротоксикология асослари, Т., “Наврўз” нашри. 2014. 122-132 б.
2. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. Т., “Кўҳи-нур” МЧЖ босмаҳонаси. 2004 . 18-20 б.
3. Ҳақимов Р.А, Алимухамедов С.С. 2018 й. Картошка етиштириш технологияси ва унинг касаллик ва зараркундаларига қарши кураш. Тошкент. 2018 й. 13-14 б.
4. www.agro.uz.

Abduvasikov Abduaziz
Vice Rector for Research and Innovations, PhD
Tashkent State Agrarian University,
Kudrat Murotov
Senior Lecturer
Tashkent State Agrarian University,
Akmal Durmanov
Senior Lecturer
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural
Mechanization Engineers

TECHNOLOGY DEVELOPMENT IN AGRICULTURE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract. *World trends indicate the need to develop a high-tech sector of agriculture of the Republic of Uzbekistan, which can contribute to solving a number of accumulated problems. In particular, to diversify the structure of exports, reduce dependence on imports in the resource sector and high value-added food products, as well as move from an export-raw material to an innovative model of the economy through the use of technologies, the creation of high-tech industries, and stimulate the innovative activity of economic entities in agriculture. Modernization of Agriculture of the Republic of Uzbek camp with the introduction of high technology, it is necessary for the formation of a self-sufficient, effective and sustainable sector of the national economy.*

Key words: *innovation, high-tech industries, scientific technical research, research and development, digitalization of the agricultural sector.*

Introduction. The global agricultural market in the 21st century has become the scene of dramatic changes in external conditions and internal factors associated with the development of scientific and technological progress (STP). The wave-like processes of the development of scientific

and technical progress in the agricultural sector, which were previously discovered by market researchers, have acquired at the present stage clearly expressed features that require scientific justification and generalization. Theoretical ideas about the specifics of the influence of scientific and technological achievements on the state of agricultural markets allow state bodies to formulate an economically sound agricultural development policy, and economic entities to increase the efficiency of commercial activities [2,3,4].

In the second half of the twentieth century, such trends emerged as the formation of innovative areas of development of the global agricultural market, such as the widespread introduction of biotechnology products, the comprehensive mechanization of the sector, aimed at changing indicators of resource and energy conservation, improving soil fertility systems. In the same period, another round of active search for new sources of food and substitutes for agricultural raw materials began [5,6,7,8].

Moving evolutionarily into the present century, these trends have acquired new forms and intensity. Nanotechnology and biotechnology allowed the creation of a group of agricultural products with desired properties, which altered the consumer characteristics of finished products. Fundamentally new technologies for tillage and animal care have led to a change in the structure of costs in the raw materials sector and indicators of farm efficiency. Digitalization of the agricultural sector has made it a leader in innovative business solutions and has changed the organizational structure of the market. At the same time, the complex nature of the influence of scientific and technical progress on all elements of the market mechanism is clearly traced [9,10].

The spread of high technology contributes to an increase in the growth rate of the volume of manufactured products, the formation of new areas of demand, changes in price dynamics, modification of the commodity, geographical and corporate structure of the world agricultural market.

Literature review. The topic of the impact of technology on the agricultural market within the framework of the established technological structure is not new for the international economic scientific community. Fundamental work on the laws of the influence of technology on the global economy belongs to such scientists as Bell D., Douglas P., Castells M., Cobb Ch., Kondratiev ND, Kuznets S., Schumpeter J.; and their followers – Denison E., Kendrick J., Romer P., Solow R. The study of national innovation systems (NIS) in the context of the new technological structure is being done by Adzhemoglu D., Varshavsky A.E., Winter S., Glazyev S. Yu., Griliches Z., Dosi J., Klinov V.G., Mansfield E., Mensh G., Nelson R., Freeman K. Most of the research is devoted to biotechnology (Darzhi J., James K., Bonnie S., Revenko L.S., Walker S., Kadomtseva M.E., Clark N., Pardey P.). The influence of nanotechnology on the agricultural market is considered in the works.

Research Methods. Analysis, synthesis, deduction, induction, abstraction and concretization, generalization and grouping of statistical information, abstract-logical, functional and comparative analyzes, an interdisciplinary approach.

Analysis and results. As a result, the agricultural productivity of these countries significantly increased land productivity due to the necessary requirements for mineral fertilizers, the creation of a fundamentally new seed material, the introduction of biotechnologies and “precision” farming technologies, which provided a high level of resource conservation.

However, it should be noted that countries with land saving TSPs have significantly worse starting positions for a gradual transition to smart agriculture and, accordingly, they will need to take measures to increase not only the level of mechanization of agriculture, but also the general level of industrial and technological development of the country. At the same time, the experience of developed countries in introducing smart agriculture will have to be applied taking into account the specifics of the existing technological method of agricultural production, as well as the willingness and willingness of farmers to introduce innovations.

Uzbekistan, along with other countries, for example, China, in this classification of countries according to the technical and economic stages of agricultural development is classified as a country using land saving TSPs, and both countries are at a capital-intensive stage, in which there is an increase in the capital- labor ratio of agricultural production. As for countries such as Japan and the

Republic of Korea, they have already passed the capital-intensive stage of land-saving TSP and are at the next - high-tech stage of agricultural development, similar to the USA and European countries that use labor-saving TSP.

To achieve these indicators, agro-complexes will require the use of environmentally friendly means of crop protection and other technical innovations that will lead to an increase in productivity per unit area and at the same time ensure environmental protection. In this regard, the introduction of “smart” agriculture allows you to automate agricultural activities as much as possible, increase productivity and product quality, and reduce costs.

The use of robotic systems in agriculture, according to experts, allows you to:

- increase the efficiency of business processes by an average of 50-70% due to a decrease in fuel consumption, reduction of water and electricity losses;
- increase the quality of harvesting due to the optimization of the main work processes and reduce agricultural losses up to 60-80%;
- increase crop yields by 1.5-2 times;
- reduce the cost of work related to planting crops up to 80% [1].

At the same time, it should be noted that, according to FAO estimates, almost one third of all food produced in the form of finished products disappears or is thrown away annually - this is about 1.3 billion tons per about one trillion. At the same time, farmers throw out 30-40% of all farmed products, as retailers and producers buy only agricultural products that are calibrated and have the appropriate shape, size and color, and in case of large crops, at favorable temperatures, farmers cannot always find a market for the entire volume of products grown. But these problems should be solved rather than by “smart” village, but by “smart” consumption.

According to the Goskomzemgeodezkadastr, the total area of agricultural land in Uzbekistan is 20.3 million hectares (43% of the total area of the country), of which 4.2 million hectares are irrigated. Over the past 15 years, the area of agricultural land has decreased by more than 5%, and per capita - by 22%, mainly due to pastures, orchards and vineyards.

Approximately 80% of Uzbekistan’s water resources come from neighboring countries. Over the past 15 years, the area of irrigated land per capita has decreased by about 25% - from 0.23 ha to 0.16 ha, mainly due to population growth. According to ADB estimates, while maintaining the existing trends over the next 30 years, the area of irrigated land may decrease by another 20-25%.

According to the State Statistics Committee, the population living in rural areas is 16.5 million people, or 49.5% of the total population, and about 27% of the country's able-bodied population is employed in agriculture.

At the beginning of 2017, the number of operating farms was 132.4 thousand units, and the total land area assigned to them was equal to 5.8 million hectares; subsequently, due to the enlargement of farms, their number decreased to 77.5 thousand units. The number of dekhkan (personal subsidiary) farms currently stands at about 4.8 million units.

According to the State Statistics Committee, in 2018, the volume of agricultural production amounted to 199.5 trillion. sum., of which 102.5 trillion. soums, or 53.2%, accounted for crop production and 90.2 trillion. sum., or 46.8%, - for livestock products. At the same time, the gross value added of agriculture, forestry and fisheries amounted to 117.3 trillion. sum., and its share in the sectoral structure of GDP - 32.4%.

At the same time, 70% of the total agricultural output was produced by dekhkan (personal subsidiary) farms, 27.3% - by farmers and 2.7% - by organizations engaged in agricultural activities.

Dehkan (personal subsidiary) farms are the main producers of most types of crop production, in particular, they produced 88.4% of the total potato, 74.3% of vegetables, 60.8% of melon food products, 62.6% of fruits and berries and 55% of grapes.

In turn, farms produced 78.7% of the volume of grain products and 96.2% of the harvested raw cotton.

In the field of livestock production, 93.6% of cattle are owned by dekhkan (personal subsidiary) farms and only 5% by farms, the remaining 1.4% by organizations engaged in agricultural activities. Of the total number of sheep and goats, dekhkan (personal subsidiary) farms also account

for the main share - 84.1%, farms - 10.9%, and organizations engaged in agricultural activities - 5%. Of the total number of birds in poultry farming, dekhkan (personal subsidiary) farms account for 58%, organizations engaged in agricultural activities - 27.9% and farms - 14.1%.

Thus, the cluster method can also contribute to increasing employment, since the expansion of agricultural processing production in clusters allows you to create new jobs in them. This also applies to deeper processing, demanded in the domestic and foreign market of fruit and vegetable products. The cluster form of cotton-textile production, as well as the creation of livestock clusters, when an increase in the growth of fodder crops will contribute to an increase in the production of meat and its processed products and, accordingly, an increase in the number of workers employed in this process, also bring about this effect.

Literature.

1. <https://stat.uz/en/181-ofytsyalnaia-statystyka-en/6380-agriculture>
2. E-Agriculture in Action [Electronic Resource] / FAO, ITU. - Bangkok: The Food and Agriculture Organization of the United Nations and International Telecommunication Union. - 2017. - P.118. Режим доступа: <http://www.fao.org/3/a-i6972e.pdf> (accessed date: 17.05.2017)
3. The agricultural and food value chain: Entering a new era of cooperation [Electronic Resource] // KPMG International Analytical Report. Switzerland. - 2014. - P. 134. Mode of Access: <https://www.kpmg.com/US/en/IssuesAndInsights/ArticlesPublications/Documents/agricultural-food-value-chain-report.pdf> (accessed date: 09.09.2015).
4. Durmanov A.S., Sangirova U.R., Abdurazakova N.M., Abraev N.K., Xoliyorov U.E. Implementation of innovative technologies as a mean of resource saving in greenhouses (through the example of the Republic of Uzbekistan), Proceedings of the 34th International Business Information Management Association Conference - Vision 2020: Sustainable Economic Development and Application of Innovation Management from Regional expansion to Global Growth, 13-14 November 2019, Madrid, Spain.
5. Effects of Proposed Mergers and Acquisitions Among Biotechnology Firms on Seed Prices [Electronic Resource] // Agricultural and Food Policy Center. Texas A&M University. - Texas. - 2016. Режим доступа: https://www.afpc.tamu.edu/pubs/0/675/WP_16-2.pdf (accessed date: 04.06.2017)
6. Global Trends in GDP, Agriculture Value Added, and Food-Processing Value Added (1970-2015) [Electronic Resource] // FAO. - Rome. - 2017. Режим доступа: <http://www.fao.org/economic/ess/ess-economic/gdpagriculture/en/> (Accessed date: 03.06.2017)
7. Umarov, S. R., Durmanov, A. S., Kilicheva, F.B., Murodov S.M. and Sattorov O.B. (2019). Greenhouse Vegetable Market Development Based on the Supply Chain Strategy in the Republic of Uzbekistan, International Journal of Supply Chain Management (IJSCM), 8(5).
8. Tkachenko S., Berezovska L., Protas O., Parashchenko L. and Durmanov A. (2019). Social Partnership of Services Sector Professionals in the Entrepreneurship Education, Journal of Entrepreneurship Education, 22(4), 6.
9. Durmanov, A., Bartosova, V., Drobyazko, S., Melnyk, O., Phillipov, V. 2019. Mechanism to ensure sustainable development of enterprises in the information space. Entrepreneurship and Sustainability Issues, 7(2), 1377-1386. [http://doi.org/10.9770/jesi.2019.7.2\(40\)](http://doi.org/10.9770/jesi.2019.7.2(40))
10. Durmanov, A., Kalinin, N., Drobyazko, S., Yanishevskaya, K., Shapovalova, I. (2019). Strategic support of innovative activity of modern enterprises. 34th IBIMA Conference: 13-14 November 2019, Spain
11. Durmanov, A.S., Tulaboev A.T., Li, M.R., Maksumkhanova A.M., Saidmurodzoda, M.M. and Khafizov O. (November, 2019). Game theory and its application in agriculture (greenhouse complexes). International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT 2019, pg. 6.
12. Durmanov, A. S., Tillaev, A. X., Ismayilova, S. S., Djamalova X. S. and Murodov, S. M. ogli. (2019). Economic-mathematical modeling of optimal level costs in the greenhouse vegetables in Uzbekistan, *Espacios*, 40(10), 20.

13. Durmanov, A.S., Li, M.R., Maksumkhanova A.M., Khafizov, O. Kilicheva, F.B. and Rozikov J. (November, 2019). Simulation modeling, analysis and performance assessment. International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT 2019, pg. 6.

Абасханова Х.Ю., Мирзаева М.Б

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ЯНАДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА МАСОФАВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ

Аннотация: Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланишида масофавий назорат тизими технологиясини яратишқишлоқ хўжалигида ўсимликларини етиштиришида масофавий мониторинг қилувчи ва бошқарувчи дастурий ва аппарат таъминот ишлаб чиқиши.

Калит сўзлар: Автоматик сугориш, коллектор-дренаж, тупроқ параметрлари, ер намлиги, ранг датчиклари, ҳаво харорати датчиклари, ёмғир датчиклари.

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехникаси, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини геоахборот тизими орқали мониторинг қилиш, ерни масофадан зондлаш тизимларидан кенг фойдаланишнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги соҳада ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш имкониятларини бермаяпти. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари ва ҳажмлари бўйича электрон маълумотлар базасининг яратилмаганлиги мавжуд майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларини оқилна жойлаштириш имкониятини пасайтирган. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, фермер хўжаликлари фаолиятида тубдан ўзгариш, яъни фермер хўжаликларида босқичма-босқич кўп тармоқли фаолият йўлга қўйиш ишлари амалга оширади. Унга кўра, фақатгина қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш билан шуғулланган фермертадбиркорларимиз бозор талабларидан келиб чиқиб ўзларида кўшимча йўналишларни жорий қилади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида фермер хўжаликларининг ер участкаларидан, айниқса, дала четлари, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйларидаги ерлардан фойдаланишга муносабати ўзгарди, ушбу ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали кўшимча даромад олиш ҳамда ўз ходимларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида салмоқли ижобий натижаларга эришилди.


Келгусида мазкур ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг таркибий тузилмаси такомиллаштирилди. Ўзбекистонда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши қайта ташкил этилди.

Бу тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясинининг учинчи йўналиши: иқтисодий ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг устуворлиги, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон фармонида асосан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалик экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 октябрдаги ПФ - 5199 - сонли Фармонидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, илм-фан ютуқлари ва инновацион

янгиликларни тизимли жорий этиш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 13 декабрдаги ПҚ-3432-сон қарори ижросини таъминлаш, фермер хўжалиklarининг ер участкалари, дала четлари ҳамда суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйларидаги ерлардан самарали фойдаланиш орқали уларнинг даромадларини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори тасдиқланди.

Шу муносабат билан Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент Давлат аграр университети билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.



1-расм. Тизим модели

Фермер хўжалиklари ер участкаларидан самарали фойдаланиш, дала четлари, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда енгил конструкцияли, кам харажатли техника ва датчиклардан фойдаланиш, уларни масофавий назорати, автоматик равишда ортикча ишчи кучисиз тупроқ таркибини аниқлаш, ўсимлик ўсишини назорат қилиш ҳамда автоматик суғориш тизимини яратиш лойиҳанинг долзарб масалалари ҳисобланади [5].

Илмий-тадқиқот ишини амалга оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда масофавий мониторинг қилувчи ва бошқарувчи дастурий ва аппарат таъминот ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Ушбу яратилган дастурий ва аппарат таъминотни белгиланган майдонда амалиётга жорий этиш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда юқори самарадорликда ишловчи тизим прототипи яратилди [4]. Масофавий мониторинг қилиш ва бошқариш қурилмаси Arduino платформаси асосида ишлаб чиқилди ва веб-саҳифа ёрдамида бошқарилади. Датчиклар ёрдамида олинган маълумотларни марказлашган тарзда қайта ишлаш ва улар асосида фермерлар учун агротехник тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли кўрсатмаларни электрон тарзда шакллантирувчи дастурий тизим ишлаб чиқилди. Фермер хўжалиklарига масофадан туриб консултациялар бериш имконини берувчи тизим алгоритми ва дастурий таъминотини ишлаб чиқилди. Бунда қишлоқ хўжалик экинларини самарали усулда тўғри озиклантириш, ер участкасидаги ўрнатилган датчиклар ёрдамида ҳаво ҳарорати, тупроқ параметрларини ўлчаш ва назорат қилиш тизимининг бошқариш имконини яратилади.

Хулоса: Ушбу яратилган тизимни амалиётга жорий этиш орқали қишлоқ хўжалик соҳасида юқори самарадорликда ишловчи автоматик тизим кўрсатилган майдонда йўлга қўйилади. Масофавий мониторинг қилиш ва бошқариш қурилмаси Arduino платформаси орқали яратилади ва веб-саҳифа ёрдамида бошқарилади. Бунда қишлоқ хўжалик экинларини самарали усулда тўғри озиклантириш имкониятига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ж.Ю.Юнусов., Х.Ю.Абасхонова Рақамли қурилмалар ва микропроцессор тизимлари. Ўқув қўлланма. Тошкент 2010.-256 бет.
2. Х.Ю.Абасхонова У.Б.Амирсаидов, Микропроцессорлар. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. Тошкент 2015.-350 бет
3. Ramesh Chopra “Microcontroller Based Projects” EFY Enterprises Pvt Ltd. 2010.
4. Абасхонова Х.Ю., Мирзаева М.Б. Қишлоқ хўжаликларида М2М технологияларини қўлланилиши.Республиканская научно-практическая конференция “Почва, климат, удобрение и урожай: актуальный проблемы и перспективы” Ташкент-2018 г. –Б.330-333
5. Абасхонова Х.Ю., Мирзаева М.Б. Управляющие системы в сельском хозяйстве. “Современные средства связи” Материалы XXIII международной научно-технической конференции. Минск, Республика Беларусь -2018 г. –С.133-134

Норалиев Н.Х.

Тошкент давлат аграр университети

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигига замонавий рақамли технологияларини тадбиқ этиш масаласи қаралган. Ақлли технологияларининг суъний йўлдош орқали тасвирга олиш, хариталаш, аниқ деҳқончилик, Ақлли фермалар, Ақлли иссиқхоналар, хом ашёни бошқариш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш; қишлоқ хўжалиги транспортини бошқариш; Катта маълумотлар(Big-data)нинг қишлоқ хўжалигига тадбиқ этиш истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли технология, рақамли қурилма, сенсорлар, маълумотлар базаси, Ақлли технология, ақлли ферма, ақлли иссиқхона, ахборот тизими, оптималлаштириш, моделлаштириш, симсиз тармоқ, дронлар, 3D харита.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) прогнозларига кўра, ўсиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш учун, 2050 йилга келиб ҳозирги кунга нисбатан бир ярим баравар кўп озиқ-овқат маҳсулотлати ишлаб чиқарилиши керак бўлар экан. Аммо ёмонлашиб бораётган экологик вазият, энергия нархининг ошиши ва ер унумдорлигининг пасайиб бораётганлиги, зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда жиддий тўсиқ бўлмоқда. Ушбу муаммоларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш технологияларини ва усулларини ўзгартириш орқали ҳал қилиш мумкин, хусусан, энг янги технологиялар ва инновацион ечимларни, яъни рақамли қурилмаларга асосланган ақлли технологиялар концепциясини жорий этиш орқали ечиш мумкин.

Ақлли қишлоқ хўжалиги, ҳосилдорликни ва чорвачилик маҳсулдорлигини сезиларли даражада оширади, таннархни ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради. Дунёда ушбу тармоқнинг жадал ривожланиши Ўзбекистоннинг аграр сектори учун жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда, чунки қулай экологик шароитларга қарамай, ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда ҳали ҳам етарли рақобатдошлик муҳити мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон иқтисодиёти учун етарли даражада муаммо туғдиради. Чунки Ўзбекистонда республика аҳолисининг ярми қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг 1/4 дан кўпроғи Япи ички маҳсулотнинг қарийиб ярмини ташкил этадиган қишлоқ хўжалиги тармоғида банд саналади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аграр соҳани ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича жуда жиддий ва самарали чоралар кўрилмоқда. Ушбу йўналишдаги ислохатлар ва ютуқлар соҳада рақобатбардошликни оширади ва мавжуд муаммоларни ечишда янги имкониятларни тақдим этади. Аммо бунинг учун ҳозирда дунёнинг бошқа мамлакатларида қўлланилаётган замонавий рақамли

технологияларни ва инновацияларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқишига жорий этишни талаб қилади.

Ақлли қишлоқ хўжалиги технологиялари: Нарсалар интернет (Internet of Things – IoT) бу турли хил "ақлли қурилмалар" орқали бошқарув ва мониторинг жараёнларини автоматлаштириш ва уларда одамнинг иштирокини сезиларли даражада камайтириш имконини берадиган турли хил қурилмалар ва машиналар ўртасидаги ўзаро таъсир ва маълумот алмашиш тизими. IoT технологияларини қишлоқ хўжалигида қўллаш соҳалари - бу аниқ деҳқончилик; Ақлли фермалар; Ақлли иссиқхоналар; хом ашёни бошқариш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш; қишлоқ хўжалиги транспортини бошқариш; Катта маълумотлар (Big-data) ва бошқалар.

Аниқ деҳқончилик бу ўсимликларнинг яшаш муҳитидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда экинлар ҳосилдорлигини бошқаришда ақлли қурилмалардан фойдаланиш, шунингдек ерлардан унумли фойдаланиш. Бунинг натижасида операцион харажатлар оптималлаштиришга ва уруғлик, агрохимёвий воситалар, ўғитлар ва сув сарфини камайтириш ҳисобига ҳосилдорликни ўртача 15-20% га кўпайтиришга эришилади.

Аниқ деҳқончилик шунингдек, GPS навигациясидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги техникаларини параллел равишда ҳайдаш, далада ўсимликларга икки маротаба ишлов бериш ёки майдонда йўқолтилишни, шунингдек, ортиқча экиш ва кимёвий моддаларни қўллашни олдини олади.

Ақлли иссиқхоналар ўғитлар, кимёвий моддалар, сувдан самаралироқ фойдаланиш, шунингдек, экинларни парвариш қилиш ва инсон омили туфайли йўқотишларни камайтириш, зарур бўлган ходимлар сонини оптималлаштиришга имкон беради. Мутахассисларнинг фикрига кўра, "ақлли" иссиқхоналарнинг халқаро бозори иссиқхона иншоотларининг умумий сонининг 3 фоизидан ошмаса ҳам, уларнинг сони ҳар йили 9 фоизга ўсиб бормоқда. Ақлли иссиқхоналар сизга суғориш ва микроклимни тартибга солиш жараёнини бошқаришга имкон беради. Бундан ташқари, барча тизимларнинг рентабеллиги ва иш сифатини кузатиб бориш мумкин, бундан ташқари, маҳсулотнинг сифати ўсиши ва нархнинг пасайиши билан ҳосилни 20-40% га ошишини таъминлайди.

Қисқа вақт ичида ҳар куни янги ва табиий салатбоб ўсимликларни, масалан йирик шаҳарлар яқинида кўк ўтлар каби озиқ маҳсулотларини етказиб берадиган мини-фермалар тармоғини яратиш бўйича лойиҳалар кенг тарқалган. Бунда: кичикроқ ҳудуддан кўп ҳосил олинади ва кўл меҳнати робототехника билан алмаштирилади. Тахминларга кўра, бир йилда 0,4 гектарлик бундай фермер хўжалигидан 12 гектарлик очик ҳаводаги классик фермадагидек бир хил миқдордаги ҳосилни олиш мумкин. Шу билан бирга, мини-фермадаги ерларни гидропоника билан алмаштириш мумкин.

Ақлли фермалар уй ҳайвонлари маҳсулдорлигини ва маҳсулот сифатини яхшилаши мумкин, шунингдек харажатларни камайтиради. Олимларнинг фикрига кўра анъанавий усулларга асосланган чорвачилик ҳозирги шаклда унчалик самарали эмас, чунки сайёрамизнинг учдан бир қисмини чорва моллари боқилади, ҳайвонлар эса ўсиш жараёнида етиштирилган донли экинларнинг катта қисмини истеъмол қиладилар. Мутахассисларнинг фикрига кўра, боқиш, соғиш ва ҳайвонларнинг соғлиғини назорат қилиш учун автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш, сут соғиб олиш ҳажмини 30-40 фоизга ошишини ва мавжуд озуқа базасидан оқилона фойдаланишни таъминлаши мумкин. Бундан ташқари, ветеринария хизматларининг самарадорлигини ошириш бўйича технологик ечимлар мавжуд, улар сизга шахсий ветеринария ёзувларини, ҳайвонларнинг ягона маълумотлар базасини, ҳайвонлар эгаларини рўйхатдан ўтказишни амалга оширишга имкон беради. Масалан, чип асосида ҳайвоннинг "электрон паспорти" яратилиб, ўсиш жараёнида олинган ахборотлар маълумотлар базасини янгилаб туради, бу эса доимий ва ишончли ветеринария назоратини таъминлайди.

Сунъий йўлдош навигация тизимлари (масалан, GPS) ва датчиклар ёрдамида қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишни кузатиш, ёқилғи сарфини камайтиришга, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимлар учун йўналиш ва иш юқини оптималлаштиришга имкон беради.

Таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқи мамлакатларида қишлоқ хўжалик техникаларининг 80 фоизи навигация ускуналари билан сотилади, аммо фақатгина 30 фоизи тармоққа уланган, чунки қишлоқ хўжалигида кичик экин майдонларига эга бўлган кичик оилавий фермалар кўпчиликини ташкил этади, шунинг учун "ақлли" тизимга уланиш ферманинг иқтисодий имкониятига боғлиқ амалга оширилади. Одатда уларда қиммат рақамли қурилмалар билан жиҳозланган техникалар камчиликини ташкил этади.

Йиғиш ва ташиш жараёнида ҳам ашёнинг хавфсизлиги тегишли сенсорлар ёрдамида назорат қилиш мумкин, бу эса ташилаётган ҳам ашёнинг жойлашуви ва оғирлигини тўлиқ назорат қилиш имконини беради.

Мева ва сабзавотлар учун ақлли омборлар реал вақт режимида махсус белгиланган алгоритмлардан (сақлаш ҳарорати, намлик даражаси, карбонат ангидрид оксиди) фойдаланган ҳолда сақлаш пайтида маҳсулотнинг ҳолатини кузатиш имконини беради, бу сотиш бўйича тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради. Агар шартлар бузилган бўлса, тизим вазиятни тузатади ва омбор эгасинига ўзгариш ҳақида хабар беради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича ишлаб чиқиш технологик жараёнларини автоматлаштириш, бу ходимларнинг харажатларини камайтиради ва йиғиб олинган ҳосилни сақлаш шароитларини яхшилайдди.

Суғоришни автоматлаштириш суғориш сув сарфи харажатларини камайтиради ва шу билан бирга юқори ҳосил олишга имкон беради. Замонавий тизимлар ҳар бир майдонни таҳлил қилиш ва сувдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилишига йўл қўймаслик учун керакли намлик миқдорини аниқлаш имконини беради. Масалан, симсиз сенсорлар асосида ишлайдиган тизим бошқарувчига ва суғоришни бошқариш блокига сигнал узатади, бу сизга суғориш жараёнини автоматлаштириш ва унинг амалга оширилишини назорат қилиш суғориш тизимлари механизмларининг ишлашини кузатишдан тортиб, тупроқнинг намлигини таҳлил қилишгача имконини беради.

Фермерлар учун электрон савдо майдончалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари (фермерлар)нинг маҳсулотларини сотиш, савдо ташкилотлари билан тезкор алоқа боғланиш имкониятини беради, бу эса маҳсулотни даладан пештахтага етказиб бериш вақтини камайтиради ва вақтинча сақлаш билан боғлиқ йўқотишларни камайтиради.

Агар фермер органик маҳсулот ишлаб чиқарса ёки махсус сертификат турига урғу бермоқчи бўлса, у маҳсулотни етказиб беришни кузатишда "блокчайн" технологиясидан фойдаланиши мумкин. Харид қилаётган нарсаларини билиш учун истеъмолчилар супермаркетда маҳсулот штрих кодини сканерлаши ва фермердан супермаркетгача етказиб бериш занжирини қуриши мумкин.

"Блокчайн" технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус дастурлардан фойдаланиб, бутун дон таъминоти занжири бўйлаб маълумотларни кузатиш жараёнини автоматлаштириш мумкин. Ҳар бир даладан дон йиғиб олинishi билан ҳосилнинг барча маълумотлари дастурда реал вақт режимида тўпланади ва таҳлил қилинади, сўнгра етказиб берувчиларнинг омборларига юборилади, улар талаб қилинадиган сифат ва нархга қараб тақсимланади, бу эса донни оммавий ҳолда сақлашни таъминлайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтда дон ва бошқа товарларнинг қарийб 30 фоизи воситачилар ва логистика туфайли йўқолмоқда.

Ақлли техник қурилмалар

Дронлар бу ерда юривчи бошқарилувчи қурилма ва учувчисиз учуш аппаратлари (БПЛА) ва мултикоптерлар, (квадро, гекса, октокоптерлар) ҳамда қанотли учувчисиз аппаратлар ҳисобланади. Кейингиси кўпинча катта майдонларда хариталашни амалга оширишда фойдаланилади. Шунингдек, улар майдонларнинг электрон 3D-хариталарини яратиш, ўғитлаш кўрсаткичларини ҳисоблаш, далаларни текшириш ва ҳосилнинг ҳолатини кузатиш, транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникаларининг ишлашини кузатиш, экинларни ҳимоя қилиш, далаларга ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва ўғитларни қўллашни назорат қилиш имконини беради. Дронлар томонидан олиб борилган мониторинг нафақат маданий ўсимликлар, балки бегона ўтлар, масалан, уларнинг зичлиги ва турларнинг

таркиби ҳақида ҳам маълумот бериши мумкин. Дронлар томонидан олинган тасвирлардан фойдаланиш орқали термограммалар тузиш мумкин, чунки ўсимликларнинг ҳарорати, уларнинг стресс даражаси тўғрисида айниқса қурғоқчилик ҳолатидан сигнал беради.

Шу билан бирга, мутахассисларнинг фикрига кўра, дронлар камида 10 минг гектар ерга хизмат қилсагина, ўзларини ҳаражатларини оқлайдилар. Шу муносабат билан майда фермерларга ушбу хизмат турларини кўрсатишга ихтисослашган аўторсинг компаниялари хизматларидан фойдаланиш фойдалироқ.

Дронлар АҚШ, Европа, Бразилия, Аргентина ва бошқа мамлакатларда қишлоқ хўжалигида фаол қўлланилади, аммо улар Хитойда енг кўп ишлатилади ва дунёда дронлар ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайди. Масалан, Хитойнинг DJI компанияси 2015 йилда халқаро дрон бозорининг 2/3 қисмини ташкил этади.

Назорат пунктларида ерга ўрнатилган датчиклар (сенсорлар) тупроқ хусусиятларини аниқлаш тизимининг асоси бўлиб, масалан, ернинг турли хиллигини, тупроқ турларини, ёруғликни, об-ҳавони, бегона ўтлар, зараркундаларни аниқлай олади ва қарор қабул қилиш учун фойдаланувчига бу ҳақда дарҳол хабар беради. Шундай қилиб, далага бир-биридан анча узоқ масофада жойлашган ва тармоққа уланган датчиклар ва сенсорлар далалар ва экинларнинг ҳолати, хусусан, намлик, ҳарорат, бегона ўтларнинг пайдо бўлиши, ўсимликларнинг ўсиши фазалари ва ҳоказолар тўғрисида маълумот олишга имкон беради.

Учувчисиз учиш аппаратлари(БПЛА) тупроқнинг физикавий ва кимёвий хусусиятларини ўлчайдиган ер остига жойлаштирилган қурилмалари билан симсиз алоқаси, шунингдек автоном об-ҳаво станциялари ёрдамида фермерни ёки агрономни ва замонавий "ақлли" машиналарни тўғри қарор қабул қилиш учун зарур бўлган тўлиқ маълумотлар тўпламини тақдим этадиган тизимни яратиши мумкин.

Турли хил вазифаларни бажарадиган ҳосилни йиғиштиришдан тортиб, екин майдонларини бегона ўтлардан тозалашгача бўлган ишларни бажарувчи роботлар (робот машиналари) қишлоқ хўжалигида тез машҳурлик касб етмоқда. Трастиса консалтинг компаниясининг маълумотларига кўра, 2024 йилга келиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган роботларни етказиб бериш 2016 йил охиридаги 32 мингдан ошиб, 594 минг донага етади. 2017 йил бошига келиб, дунёда 150 дан ортиқ қишлоқ хўжалигига робот етказиб берувчи компаниялар мавжуд еди. Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган роботларнинг қуйидаги асосий турлари қайд етилган: бошқарувчисиз тракторлар ва учувчисиз аппаратлар; қишлоқ хўжалиги екинлари вегетацион жараёнларини бошқарувчи автоматлаштирилган тизимлари; чорвачилик фермаларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари ва бошқалар. Шу билан бирга, ақлли тракторлар ва комбайнлар ўз-ўзидан автоном равишда ишлаши мумкин ва одамларнинг иштирокини талаб етмайди, бу уларни куннинг исталган вақтида ишлатишга имкон беради. Бундан ташқари, улар кўплаб қўшимча функциялар билан жиҳозланиши мумкин, масалан, зараркундаларга қарши курашувчи ўрнатилган тизимлар.

Масалан, Американинг Blue River Technology компанияси қишлоқ хўжалиги экинларини бегона ўтлардан фарқлай оладиган роботларни яратиб, улар компьютер ёрдамида кўриш орқали фақат бегона ўтларга кимёвий моддаларни пуркайди, Японияда эса одамлар ўрнига эгатлардан қулупнай йиғадиган роботлар яратган. Олимларнинг фикрига кўра, бир неча йил ўтгач, экиш, ўташ ва суғориш каби барча дала ишларини агророботлар бажара олади.

ЛЕД диодли ёритгичи. Лампочкалар шунчалик арзон ва самарали бўлдики, ёпик иссиқхоналар аста-секин очиқ боғлар ва сабзавот майдонларига қараганда кўпроқ фойда келтиради. Шу билан бирга, ЛЕДлардан келадиган ёруғликнинг ёрқинлиги, бошқа кўрсаткичлари, масалан, ҳарорат ва намлик каби осонликча созланиши мумкин. Натижада ўсимликлар супермаркетларда, омборларда ва ҳатто ертўлаларда етиштирила бошланади. Масалан, Growing Underground британия технологияси сизга урушлардан сақланиб қолган бомбадан химояланиш жойларида салат кўкатларининг 20 турини ўстиришга имкон беради.

Замонавий энергия тежайдиган ақлли технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш фермерларга бизнесни янада самарали олиб боришга, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга ва катта фойда олишга ёрдам беради.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига татбиқ этиладиган истиқболли ақлли технологияларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Суъний йўдошли навигация - асбобларни ерга йўналтириш, экин майдонлари ва ҳайвонларни кузатиб бориш;
- Учувчисиз транспорт воситалари ва самолётлар - ишлов бериш, кузатув ва йиғим-терим;
- датчик ва сенсорлар - экинлар, ҳайвонлар ва бошқаларнинг ҳолатини кузатиш;
- IoT платформалари - сенсорлар, ускуналар ва бошқа қурилмалардан келадиган маълумотларни бошқариш;
- Big-data – катта маълумотлар базаси қишлоқ хўжалигига фойдали маълумотни ажратиш учун датчиклардан ҳар доим олинган маълумотларни таҳлил қилиш.

Дастлабки босқичларда тежамкор томчилатиб суғориш тизимларини, интенсив боғлар, қиш ва баҳорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш технологияларини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарор лойихаси.

3. Чеботарёв А. Цифровые технологии настоящего и будущего. Авиапонорама. №4(130), 2018, стр. 4-11.

Авазов С.Э.

д.с.х.н., профессор

Ташкентский государственный аграрный университет,

С.С. Хасанов

к.с.х.н.

Ташкентский государственный аграрный университет

МИКРОМИЦЕТЫ ПОЧВ ЗАКРЫТОГО ГРУНТА В ТЕПЛИЦАХ ПОД ТОМАТОМ И ОГУРЦАМИ В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ.

*Аннотация. В статье обсуждается вопрос почвенной микобиоты теплиц под выращиванием томатов и огурцов в условиях Ташкентской области. В результате проведенных исследований из почв теплиц под томатами и огурцами всего было выявлено 52 вида из 21 рода, 6 семейств, 4 порядков из 3 классов царства Fungi. наиболее богато представленными являются роды *Aspergillus* – 8 видов, *Penicillium* – 7 и *Fusarium* – 6 видов. По 3-4 вида отмечено у родов *Mucor*, *Cephalosporium*, *Gliocladium*, *Trichoderma* и *Cladosporium*. Остальные роды представлены 1-2 видами.*

Наибольшее количество отмечалось на глубине 10-30 см как под томатами так и огурцами. Так, под томатами оно равнялось 92,0-100 тыс., а под огурцами 75,1-90,7 тыс. Минимальное количество отмечается на глубине 40-50 см. Под томатами количество пропагул составляло 59,6 -69,4 тыс., а под огурцами 35,0-36,7 тыс.

Ключевые слова: томаты, огурцы, теплица, почва, грибы-микробиоты, состав микобиоты, пропагулы, глубина отбора образцов.

Введение

Известно, что грибы являются постоянным компонентом любых биогеоценозов, к которым также относится и почва.

